

В.А. МИРБОБОЕВ

# КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

*ҚАЙТА ИШЛАНГАН ВА ТУЗАТИЛГАН НАШРИ*

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги техника  
олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2004

30.4  
M 54

Мазкур дарслик Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг машинасоziлик ихтиосослигида бакалаврлар тайёрлаш бўйича таҳсил олатган талабалар учун «Конструкцион материаллар технологияси» курси бўйича битилган. Бунда қора ва рангли металлар металлургияси, материалшунослик асослари, металларни босим билан ишлаш, металл қўймаларни ишлаб чиқариш усуллари, металларни пайвандаш, кесиш ва кавшарлаш, металларни механик, электрофизик ва электрокимёвий ишлаш усуллари ва уларни механизациялаш ва автоматлаштириш йўллари баён этилган.

ISBN 5-640-02964-7

M 200400000-118 2004  
353(04)2003

10 30555  
3g2

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1991 й.  
© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2003 й.



10

## СҮЗ БОШИ

Мазкур дарслiek олий техника ўқув юртларининг машинасозлик ихтиосослигига таҳсил олаётган талабалар учун «Конструкцион материаллар технологияси» курси буйича Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети илмий-услубий кенгаши қарорига кўра 1998 йилда чоп этилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги ўқув-услубий марказ тасдиқлаган умумий дастурга кўра ёзилган. Дарсликда қора ва рангли металлар металлургияси, материалшунослик асослари, металларни босим билан ишлаш усувлари, металл қўймаларни олиш усувлари, металларни пайвандлаш, кесиш ва кавшарлаш, металларни механик усувларда ишлашнинг физик асослари, кескичлар, станоклар ва уларда бажариладиган ишлар, заготовкалардан қириндига йўнмай ишлаш усувлари ва шунингдек, металларни электрофизик ва электрокимёвий ишлаш усувлари баён этилган.

Дарсликни қайта нашрга тайёрлашда уни янада мукаммаллаштириш учун билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинди, ҳар бир бўлим қайта кўрилиб зарур материаллар билан тўлдирилди.

Қўлёzmани ўқиб, қимматли маслаҳатлар берган ТАЙИ нинг «Металлар технологияси» кафедраси доценти, т.ф.н., доцент А.А. Абдураҳмоновга, Тош ДТУ нинг «Машиналарни лойиҳалаш асослари» кафедраси мудири, т.ф.д., проф. Р.И. Каримовга ва «Металлар технологияси» кафедраси аъзоларига муаллиф ташаккур билдиради.

Шунингдек, муаллиф дарслик ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирилган бошқа ўртоқларга ҳам самимий миннатдорчилигини билдиради.

## МУҚАДДИМА

Маълумки, юқори маънавиятли ва маърифатли инсонлар жамиятидагина саноатнинг турли тармоқлари такомиллашган, техника ва технология ривожланган бўлиб, сифатли ва арzon, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш мезони юқори бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мустақил Ўзбекистонимиз олдилда турган долзарб муаммолардан бири — халқ хўжалигининг техника-иқтисодий тараққиётини жадал суръатлар билан босқичма-босқич ривожлантиришдан иборатdir. Шундагина халқимизнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш мумкин бўлади. Бу борада машинасозлик саноатининг роли foят катта. Чунки халқ хўжалиги барча тармоқларининг тараққиёти машинасозликнинг қай даражада ривожланганинига боғлиқdir. Шу боисдан ҳам машинасозликнинг қай даражада ривожланганига қараб мамлакатлар қудрати ҳақида фикр юритилади. Маълумки, саноатни замонавий, такомиллашган техника ва технологиялар билан жиҳозлагандагина жаҳон андозаларига мос, илфор мамлакатлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг учун мавжуд технологик жараёнларни такомиллаштириш билан бирга ривожланган давлатлардаги замонавий технологияларни, сармоядрларнинг сармояларини саноатимизга кенг жалб этишимиз лозим. Бу улкан вазифаларни амалга оширишда илм-фан ютуқларига асосланиш лозим.

Бу борада республикамизда жуда кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Жумладан, хорижий давлатлар сармоялари ва мутахассислари билан биргаликда энг илфор технологияга асосланган қатор замонавий йирик қўшма корхоналар (Навоий металлургия комбинати, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва бошқалар) курилди. Бу корхоналар муунтазам ишламоқда. Ҳозирда республикамиз илфор машинасозлик саноатига эга бўлди, нефть, дон мустақиллигига эришдик. Кўплаб саноат корхоналари қурилмоқда. Лекин шу билан бирга ҳали қилинадиган ишлар ҳам кўп. Бу ишларни бажаришда маънавиятли, ўз касбнинг моҳир мутахассисларини тайёрлаш энг долзарб муаммолардан биридир.

Бу муаммоларни ҳал этишда яқында республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилингандык «Кадрлар тайёрлаш» миллий дастури ва «Таълим түғрисида»ги қонун жуда катта ақамиятта эга. Маълумки, замонавий такомиллашган саноатни машина, механизм, аппарат ва приборларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, биламизки улар айрим қисмлардан, қисмлар эса деталлардан йигилади. Улар турли шароитда (муҳит ва босимда) ишлайди. Шу боисдан уларни лойиҳалашда лойиҳачилар техника-иктисодий ва эксплуатацион талабларни ҳисобга олган ҳолда материалларни танлашлари, технологлар эса уларни тайёрлаш усусларини оқилона белгилашлари лозим. Шундагина қўйилган талабларга жавоб берадиган, пухта, кўркам, сифатли ва белгиланган муддатда, меъерида ишлайдиган машина, механизм, аппарат ва приборларга эга бўлинади. Бўлғуси бакалавр ва магистрларга бу борадаги бошланғич зарурий билимни «Конструкцион материаллар технологияси» (К.М.Т.) фани ўргатади.

К.М.Т. фанида турли конструкцион материаллар ишлаб чиқаришнинг замонавий усуслари, улар хоссаларининг турлича бўлиш сабаблари ўрганилиши билан бир қаторда зарур хоссага эга бўлган деталлар тайёрлаш билан боғлиқ технологик жараёнлар ҳам ўрганилади.

Бу фан физика, кимё ва бошқа фанларга асосланган бўлиб, талабаларнинг технологик савијасини кенгайтириш билан бирга маҳсус технологик фанларни ўрганишда пойдевор бўлади. Шунинг учун келгусида ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлувчи ҳар бир талаба бу фанни кунт билан ўрганмоғи зарур.

К.М.Т. фанининг яратилишига ва ривожланишига М.В. Ломоносов (1711–1765 й.й.), П.П. Аносов (1799–1851 й.й.), Д.И. Менделеев (1834–1907 й.й.), Д.К. Чернов (1889–1921 й.й.) ва бошқалар улкан ҳисса қўшганлар.

Масалан, М.В. Ломоносов металларга хос ҳусусиятларни ва улардан кутилган хоссали қотишмаларни олиш йўлларини кўрсатган бўлса, П.П. Аносов металлар хоссалари структурасига боғлиқлигини, летирловчи элементлар ( $\text{Cr}$ ,  $\text{Ni}$ ,  $\text{W}$ ...) шунг қотишмалар хоссаларига таъсирини, шунингдек кам углеродли пўлатлардан тайёрланган деталларниң иш муддатини узайтириш учун сирт юза қатламиши кўп углеродли газ муҳитида углеродга тўйинтиришини, Д.И. Менделеев элементларининг даврий қонунияти, улар хоссаларининг ички тузилишига узвий боғлиқлигини, Д.К. Чернов эса пўлатларниң критик нуқталар вазияти уларнинг таркибидаги углерод миқдорига боғлиқлигини кўрсатди. Юқорида қайд этилган олимлардан ташқари бу фанининг айрим соҳаларини ривожланишида М.К. Кураков (1878–1920 й.й.), М.С. Курнаков (1860–1953 й.й.), А.А. Бочвар (1870–1947 й.й.), Е.О. Патон (1870–1953 й.й.) ва бошқалар улкан ҳисса қўшдилар.

Инглиз олимларидан У.Р. Аустен (1843–1902 й.й.), Г. Сорби (1826–1908 й.й.), француз олимни Ф. Осмам (1849–1912 й.й.), немис олимни А. Мартенс (1850–1914 й.й.) ва бошқаларниң ҳам ҳиссалари катта.

Шуни айтиш жоизки, кейинги йилларда реактив, атом техникаси ва бошқа соҳаларнинг яратилиши ва ривожланиши натижасида агрессив мұхитда, юқори босим ва температураларда ишловчи, деярли юқори даражали пұхта, коррозия бардошлиқка ва пластикликка әга бүлған металл қотишмаларға әхтиёж орта борди. Бу зса янги-янги илмий марказлар, лабораториялар түзишгә олиб келди. Бу марказ ва лабораторияларда электрон микроскопларда, рентген ва бошқа замонавий аппараттар ёрдамида чуқурроқ кузатышлар олиб борилмоқда. Шунингдек, қаттық жисмлар физикаси соҳасидаги эришилған ютуқлар туфайли К.М.Т. фани ривожланды ва ривожланимоқда, натижада олдиндан белгиланған хоссали қотишмалар олишгә әришилмоқда. Бүтінг ақамияти ніхоятда катта, албатта.

## ҚОРА ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛАР МЕТАЛЛУРГИЯСИ


Ушбу бүлімда табиий бирикмалардан Fe, Cu, Al, Mg, Ti ... ва уларнинг қотишмаларини замонавий усулларда ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ўрганилади. Бу бүлімга тегишли айрим умумий масалалар ўрта мактабнинг физика ва кимё дарсларидан ўтилишини ҳисобга олган ҳолда уларни ишлаб чиқаришда құлланиладиган ускуналар, асосий технологик жараёнларга урғы берилған.

### *I-бөб*

#### **МЕТАЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛЛАРИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАШИНАСОЗЛИҚДАГИ ЎРНИ**

##### **1-§. Металларни ишлаб чиқариш усулларининг босқичлари**

Археологларнинг Мисрда, Хитойда ва бошқа мамлакатларда олиб борған изланишлари одамлар эрамиздан 7—6 минг йиллар мұқаддам соғ ҳолда учраган металлар (Au, Ag, Pb, баъзан Cu ва метиорит темир) билан таниш бўлганликларини кўрсатади. Улар эрамиздан 5—4 минг йиллар аввал рудалардан Cu, Sn, Pb ларни ажратиб олганлар ва эҳтиёжларига кўра улардан айрим иш қуроллари ҳам тайёрлаганлар. Эрамиздан 3—2 минг йиллар аввал эса мисга қараганда пухтароқ ва қаттикроқ бўлган, унинг қалайли қотишмаси (бронза) ни олганлар (шу боисдан тарихда бу даврни бронза аси деб ҳам юритилған). Эрамизгача одамларга ҳаммаси бўлиб еттита металл (Au, Ag, Cu, Fe, Sn, Pb ва As) маълум бўлган холос. Лекин темирни қаңон ва қаерда, қандай қилиб олингани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Маълумки, одамлар оловдан фойдаланишни билгунларича кўп йиллар давомида темир олишни билмаганлар. Шу боисдан яшин натижасида ёнган дараҳтлар сув тошқинлари, шамоллар натижасида ўчмаслиги учун унинг атрофини турли тошлар, маъданлар билан ўраб, ўчмас гулханлар ҳосил этганлар ва заруриятга кўра атрофида яшаганлар. Олов яхши аланга олиши учун уни ёғоч косовлар билан ковлаганларида куллар ичидаги шлакланган ғалвирак массага кўзлари тушган. Уни олиб тошлар билан зарб бериб, учлик қуроллар тайёрлаганлар. Куллар ичидә бундай пластик масса бўлишининг сабаби гулхан атрофини ўраган маъданлар ичи-



I-расм. Темир металлургиясининг бошланғыч давридаги ер ўчогининг түзилиши

ёқиб, унинг устига темир бирикма бўлакларини киритганлар. Ер ўчоқларда температура кўтарилиганда темир бирикмаларидан темир CO гази билан қайтарилиб ўчоқ тагида шлакланган, фалвирак темир массаси ҳосил бўлган ва уни «криц» деб атаганлар (I-расм). Уларни ўчоқдан олиб ундан ўз эҳтиёжларига кўра фойдаланганлар. Йиллар ўтиши билан ер ўчоқларнинг шакли, ўлчамлари, ҳаво ҳайдаш йўллари такомиллашиб, XIII—XIV асрларга келиб домналар шаклига ўта борди.

Шу йўл билан темир ишлаб чиқариш бирмунча орта бошлади. Лекин шу билан бирга бу темир ишлаб чиқариш жараёнининг бирмунча ўзгаришига ҳам олиб келди. Ер ўчоқларнинг юқори қисмидаги температуранинг пастлиги сабабли бирикмалардаги кўпгина темир оксидлари шлак ажралгунча қайтарилиб, углеродга тўйина борди. Темирнинг углеродли бу қотишмасининг суюқланиши температураси темирга нисбатан анчагина пастлиги сабабли у ўтхона тагига томчилаб, ёғила борди. Темир ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун олиб борилган барча ишлар натижасида ер ўчоқ ўтхонасига шакли, фалвирак темир бўлаги ўрнига темирнинг углеродли суюқ қотишмаси бўлмиш чўян ёғилди.

Одамлар аввалига ундан қандай фойдаланишини билмадилар, кейинроқ ундан ер қолилларда оддий шаклли қўймалар олган бўлсаларда, унинг мўртлиги ундан фойдаланишини кескин чеклади. Темир ишлаб чиқаришни ошириш ва унинг сифатини яхшилаш борасидаги изланишлар натижасида 1780 йилда Англияда кичик алангали печлар ёрдамида чўяндан пўлат олишга эришилди.

Бу печларга кирилилган темир руда қиздирилганда таркибидаги Si, Mp, C, P элементлар руда ва ҳаво таркибидаги кислород билан оксидланиши ҳамда бу оксидларнинг ўзаро бирикиши натижасида шлак ажрала бошлади. Бу жараённи янада тезлатиш учун печга яна маълум миқдорда кўшимча темир руда киритиб, металл ванна 2—3 соат давомида темир косов билан аралаштирилди. Бунда печь температурасининг 1300°С дан ортмаслигидан хамирсимон ҳолатдаги шлакли фалвирак пўлат олинган. Уни печдан илгаклар ёрдамида олинниб, эҳтиёжга

да осон қайтарилидиган темир бирикмалари бўлган ва уларни юқори температура (900—1000°C) да темир углерод II оксида (CO) гази билан қайтарилиган.

Одамларнинг темирга бўлган эҳтиёжининг тобора ортиши уларни темирни кўплаб ишлаб чиқаришга ундали. Шу боисдан улар узоқ изланишлар натижасида ер ўчоқлари қурдилар ва уларга ҳавони ҳайдаш йўлларини ишлаб чиқдилар. Бу ўчоқларда дараҳтларни


кўра фойдаланилган. Бу усулнинг ер ўчоқлардан фарқи шундаки, бунда ёқилғи алоҳида ўтхонада ёқилган. Шу боисдан ёқилғи таркибидаги темир хоссаларига путур етказувчи Р, S, ажралувчи куллар пўлат сифатига путур етказмайди. Лекин кўп микдорда ёқилғи сарфланиши, оғир жисмоний меҳнатни талаб этиши, иш унумдорлигининг пастлиги ва бошқалар одамларни янада такомиллашган усуллар устида излашиларга унади.

Дарҳақиқат, 1855–1856 йилларда инглиз металлурги Г. Бессемер томонидан янги, такомиллашган усул яратилди.

Бу усулда таркибida Si, Mn кўпроқ, P ва S камроқ бўлган B1, B2 маркали суюқ чўян, деворлари динас фиштидан терилиб, сиртидан эса пўлат лист билан қопланган, ҳажми 30–40 тоннали ноксимон конвертор деб аталувчи қурилмага қўйилган ва тагидаги тешиклардан ҳаво ҳайдалган (2-расм). Конверторни ишга тушириш учун аввало уни горизонтал ҳолатга ўтказиб, оғиздан тагидаги тешиклар мезонигача чўян қуилади, сўнгра тагидаги тешиклар орқали аввалига ҳавони кичик босимда ҳайдалади. Конверторни аста-секин вертикал ҳолатга келтиргунча ҳайдаладиган ҳаво босими ҳам орттирилиб иш меъёрига етказилади.

Бунда ҳаво кислороди чўяндаги темирни, кейин Si, Mn, P... ларни оксидлай боради. Натижада суюқ металл температураси деярли кўтарилади ва ҳосил бўлаётган оксидлар ( $\text{SiO}_2$ ,  $\text{MnO}$ ,  $\text{P}_2\text{O}_5$ ,  $\text{FeO}$ ) нинг ўзаро бирикишидан шлак ҳосил бўла боради. Чўян температураси зарур даражага кўтарилгач, ундаги углерод оксидлана бошлайди. Кошишма кутилган таркибга келгач, конверторга ҳайдалаётган ҳаво босимини пасайтириш билан бирга у горизонтал ҳолатга ўтказилиб, ундаги суюқ пўлат ковинга чиқарилади.

Шуни айтиш жоизки, бу усулнинг оддийлиги, бошқаришининг қулигиги, ёқилғи талаб этмаслиги, унумдорлигининг юқорилиги ва бошқал афзаликлари билан бирга айrim камчиликлари ҳам бор. Айниқса, маълум кимёвий таркибли (S ва P кам, Si кўп) суюқ чўян бўлиши, аниқ таркибли юқори сифатли пўлатлар олишнинг қийинлиги, ажрапиб чиқадиган газларнинг ҳавони бузиши ва бошқалар унинг камчилигидир. Бу камчиликларни бартараф этиш устида олиб борилган изланишлар натижасида инглиз металлурги С.Д. Томас 1878 йилда Бес-



2-расм. Конверторнинг схемаси:

1 – ҳаво қутиси; 2 – конверторнинг оғзи; 3 – ичи ковак қапфа;  
3' – қапфа; 4 – шестерня;  
5 – рейка

семер усулини такомиллаштириди. Яъни у, конверторнинг динас ғишидан терилган деворини тошкүмир смолали даломит ғиши билан алмаштириди, натижада чўян таркибидаги заарли Р, С кўшимчалари кўпроқ бўлган арzon чўянлардан пўлатлар олинадиган бўлинди. Чунки, чўян таркибидаги Р, С ларни ўзи билан боғлаб шлакка ўтказиш учун конверторга маълум миқдорда флюс деб аталувчи оҳак тошини киритиш имкони туғилди. Шуни айтиш ҳам жоизки, Томас усулида олинган пўлат сифати Бессемер усулида олинган пўлатдан пастроқ бўлади, чунки бу пўлатда  $\text{FeO}$  миқдори кўпроқдир. Конверторга киритилган флюс ( $\text{CaO}$ ) темир оксидини ( $\text{FeO}$ ) боғламайди. Бессемер конверторда эса қайта ишланувчи чўянда S ва Р миқдори оз, жараёнда ҳосил бўлаётган  $\text{SiO}_2$  темир оксиди билан бирикиб шлакка ўгади. Шу сабабли бу пўлатда унинг механик хоссаларига салбий таъсир кўрсатувчи  $\text{FeO}$  анча оздир.

Маълумки, юқоридаги усуллар билан пўлат ишлаб чиқариш ҳажми ортган сари халқ хўжалиги турли тармоқларида металл чиқиндилар кўплаб йигила борди. Шунинг учун ҳам уларни қайта ишлаш, олинадиган пўлат сифатини янада яхшилаш муаммоси туғилди. Бу муаммони ечини борасида олиб борилган изланишлар натижасида 1864—1865 йилларда француз металлурглари ота-бала Э. Мартен ва П. Мартен металл чиқиндиларни алангали печларда қайта ишлаш билан кўплаб сифатли пўлатларни олиш усулини тавсия этдилар. Юқори сифатли ва легирланган пўлатларга эҳтиёжнинг тобора ортиши сабабли олиб борилган изланишлар натижасида XIX аср охирига келиб электр ёйли, индукцион, кейинрок вакуум шароитда ишлайдиган электропечлардан фойдаланилди. Шу билан бир қаторда чўянлардан пўлат олишда кислородга тўйинтирилган ҳаводан, ҳаво ўрнига кислороддан фойдаланиш борасида ҳам изланишлар олиб борилди. Ҳозирда ҳам бу борада илмий текшириш институтларида, завод лабораторияларида изланишлар олиб борилмоқда.

## 2-§. Металл ва унинг қотишмаларини ишлаб чиқариш усуллари ва уларнинг машинасозликдаги ўрни

Маълумки, табиатда соф ҳолда учровчи металлардан бошқа барча металлар турли бирикмалар (оксидлар, сульфидлар, фосфидлар ва бошқалар) таркибида бўлиб, уларда анчагина бегона кўшимчалар ( $\text{SiO}_2$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{CaO}$  ва бошқалар) ҳам бўлади. Бу бирикмалар маъданлар дейилади. Агар металлургия корхоналарида бу маъданлардан металлар ишлаб чиқаришда фойдаланилса, уларни рудалар дейилади.

Саноатда рудалардан хили, хусусияти ва бегона бирикмалардан тозалик даражасига кўра металларни ажратиб олишда қўйидаги асосий усуллардан фойдаланилади:

**1. Пирометаллургик усул** — бу усул кенг тарқалған булиб, бунда рудаларни ёқилғи ёқилған махсус печларда эритиб, улардан суюқ ҳолда металлар ажратиб олинади. Бунга домналарда темир рудалардан чүянлар олиниши мисол бўлади.

**2. Гидрометаллургик усул** — бу усулда рудаларни аввало эритувчи эритмаларда ишланиб, кейин улардан кимёвий усул билан чўктириб ёки электролиз усулида металлар олинади. Бу усулга мис рудалардан мисни ажратиб олиш мисол бўлади.

**3. Электрометаллургик усул** — бу усулда рудалар электр печларда эритилади ёки туз эритмалари электролиз этиб металлар ажратиб олинади. Бу усулга алюминий рудаларни электр печда эритиб алюминий оксиди олиш, кейин ундан электролиз усулида алюминий олиш мисол бўлади.

**4. Кимёвий-металлургик усул** — бу усулда кимёвий ва пирометаллургик жараёнлар натижасида тегишли рудалардан титан, ваннадий, цирконий, ниобий каби элементлар ажратиб олинади. Масалан, титан оксидларидан тетрохлорид ( $TiCl_4$ ) ни олиш учун уларни герметик электр печда хлор билан ишлангандан кейин ундан  $Ti$  ни электропечда  $Mg$  билан қайтариб олиш мисол бўлади.

Кейинги йилларда рудалардан металларни ажратиб олишида электрон нур, плазма иссиқлигига ишловчи печлардан ҳам фойдаланилмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, собиқ СССРдаги йирик металлургия комбинатлари (Магнитогорск, Кузнецк, Череповецк ва бошқалар) дан фарқли ўлароқ республикамизда 1942 йилда Бекобод, 1953 йилда Олмалиқ, 1971 йилда Навоий ва бошқа металлургия комбинатлари қурилган ва уларда кўплаб қора, рангли металлар ҳамда уларнинг қотишмалари ишлаб чиқарилмоқда.

Кузатишлардан маълум бўлишича, техник тоза металлар (масалан  $Fe$ ,  $Al$ ,  $Cu$ ) дан электро ва радиотехникада, тантал ( $Ta$ ), ниобий ( $Nb$ ), гафний ( $Hf$ ), цирконий ( $Zr$ ), кремний ( $Si$ ) ва уларнинг қотишмаларидан приборсозликда, атом техникасида ва бошқа соҳаларда фойдаланилса, машинасозликда эса турли машина ва металлконструкцияларнинг қарийб 90% дан оптикароғи қора металл қотишмалар (чўян ва пўлат)га тўғри келади.

Бунинг боиси шундаки, қора металл қотишмалари қониқарли физик-кимёвий, технологик ва механик хоссаларга эга бўлиши билан бирга, кимёвий таркибининг ўзгаришида хоссаларининг ўзгариши, шунингдек термик, термо-кимёвий ва бўлак ишловларга берилиши натижасида структура ўзгариши ҳисобига хоссаларининг зарурий йўналишида йўналтирилиши, нархининг арzonроқлигидир. 1- ва 2-жадвалларда машинасозликда кенг қўлланиладиган металлар, уларнинг қотишмалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шуни қайд этиш жоизки, ҳозирда дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган металларнинг 94% га яқини қора металларга, қолгани рангли металларга тўғри келади.

## I-жадвал

Металлар-нинг номи	Кимёвий белгиси	Еркобигидраги миқдори, % да	Зичлиги, г/см <sup>2</sup>	Суюқла-ниш темпера-тураси, °C	Чизиқли кентгайиш коэффициенти, (10 <sup>-4</sup> )	0°Сдаги солишинирма электр үтказувчан-лиги м см/м <sup>1</sup>	Чүзилишта мустақамлик. чегараси, МПа (кгк/мм <sup>2</sup> )	Брингел буйича қаттиқшылығы, МПа (кгк/мм <sup>2</sup> )	Нисебиүзай-иши, %	Күндаланг кесимиининг нисебиүзай-иши, %	Зарбий қовушоқлости	
											Ж/м <sup>2</sup>	кгм/см <sup>2</sup>
Темир	Fe	4,2	7,87	1539	11,9	11,0	250—333 (25—33)	500(50)	21—55	55—86	3000	30,0
Мис	Cu	1·10 <sup>-1</sup>	8,94	1083	16,42	64,0	220—240 (22—24)	350(35)	60	75	1800	18,0
Алюминий	Al	7,45	2,7	660	24,0	37,0	80—110 (8—11)	200—370 (20—37)	40	85	—	—
Магний	Mg	2,1	1,74	651	25,7	23,0	170—210 (17—21)	250 (25)	15	20	—	—
Титан	Ti	1,0	4,5	1812	7,14	—	300—450 (30—45)	850 (85)	20—28	35—50	—	—
Қалай	Sn	4,10 <sup>-1</sup>	7,3	232	22,4	8,5	200—400 (20—40)	50—100 (5—10)		70	550	5,5
Рух	Zn	5,10 <sup>-1</sup>	7,14	419	32,6	17,4	150 (15)	300—420 (30—42)	5—20	7,0	70	0,7
Никель	Ni	8·10 <sup>-1</sup>	8,9	1452	13,4	8,5	400—500 (40—50)	600 (60)	40	70	4000	40,0
Хром	Cr	2,10 <sup>-1</sup>	7,1	1550	8,1	38,4	300 (30)	1000—1080 (100—108)	10	—	—	0,2
Курғашин	Pb	1,10 <sup>-4</sup>	11,34	320	29,5	4,9	180 (18)	40—60 (4—6)	50	100	100	2,5

## 2-жадвал

№	Қотишималарнинг номи	Чўзилишдаги мустаҳкамлиги МПа (кгк/мм <sup>2</sup> )	Оқувчанлик чегараси, МПа (кгк/мм <sup>2</sup> )	Нисбий узайиши, %	Бринелл бўйича қаттиқлиги, МПа (кгк/мм <sup>2</sup> )	Зарбий қовушқоғлиги Ж/м <sup>2</sup> (кгк/см <sup>2</sup> )	Ишлатилиш соҳаси
1	Кам углеродли пўлатлар (углероди 0,3 % гача)	320—480 (32—48)	280—300 (28—30)	18—31	1369—1700 (136—170)	300—700 (3—7)	Трубалар, листвлар тайёрлашда
2	Ўртача углеродли пўлатлар (углероди 0,65 % гача)	500—650 (50—65)	250—380 (25—38)	10—15	1800—2400 (180—240)	300—500 (3—5)	Ўқлар, валлар, тишли гидраклар тайёрлашда
3	Кунг углеродли пўлатлар (углероди 2 % гача)	700—800 (70—80)	400—450 (40—45)	4—8	2000—2600 (200—260)	150—300 (1,5—3)	Кесиш асбоблари тайёрлашда
4	Кулранг чўянлар	150—500 (15—50)	—	40—50	1800—2600 (180—260)	50—200 (0,5—2)	Шаклдор қўймалар олишда
5	Бронзалар	280—500 (28—50)	65—200 (6,5—20)	20—50	600—1000 (60—100)	50—600 (0,5—6)	Арматуралар, мураккаб шаклли қўймалар, антифрикцион деталлар тайёрлашда
6	Латунлар (жезлар)	250—500 (25—50)	100—200 (10—20)	20—50	400—500 (40—50)	400—1500 (4—15)	Полоса, стерженлар, арматуралар тайёрлашда
7	Алюминий қотишималари (дюралюминий)	420—490 (42—49)	240—380 (24—38)	7—14	1000—1300 (100—130)	200—400 (2—4)	Листлар, стерженлар, шаклдор қўймалар, штамповкалар тайёрлашда
8	Магний қотишималари	280—300 (20—30)	120—220 (12—22)	—	450—750 (45—75)	50—90 (0,5—0,9)	Чиниқлар, штамповкалар, листлар тайёрлашда

## ЧҮЯНЛАРНИ ДОМНА ПЕЧЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

### 1-§. Чүян ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар

Маълумки, замонавий metallurgия комбинатлари йирик ва мураккаб иншоот комплекси булиб, конлардан вагонларда келтирилган руда, ёқилғи ва флюсларни маҳсус майдонларга туширувчи механизмлар, уларни бойитувчи қурилмалар, кокс ишлаб чиқарувчи батареялар, домналарни қиздирилган ҳаво билан узлуксиз таъминловчи ҳаво қиздиргичлар, домнадан чиқарилган чүян ва шлакларни керакли жойга ташувчи ковшли вагонеткалар, чүянлардан пўлатлар олувчи печлар, улардан эса прокат маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва бошқа қатор участкалардан иборат бўлади. Домналарда чүянлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материалларга темир рудалар, ёқилғилар, флюслар киради ва улар шихта дейилади.

**Темир рудалар хили, таркиби ва хоссалари.** Темир рудаларда темир оксидлари билан бирга маълум миқдорда бегона қўшимчалар (кум, гилтупроқ, силикат ва бошқа бирикмалар) учрайди. Геологларнинг маълумотларига кўра, ер бағрида 200 га яқин темир рудалари бўлиб, уларнинг 40% дан зиёдроғи собиқ СССР худудидадир. Ўзбекистонда кўпгина конлар ҳам борлиги аниқланган.

З-жадвалда чўян ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий темир рудалар ва улар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, баъзи темир рудаларда темирдан ташқари оз бўлсада Cr, Ni, W, V, Cu, Ti, Mo ва бошқа металлар ҳам учрайди. Бу рудаларга **комплекс рудалар** дейилади. Бу рудалардан чўян олишда фойдаланилганда чўян хоссалари анча яхшиланади. Шу боисдан бу рудаларни таби ий легистранган рудалар, улардан олинган чўянларни эса **табиий легирланган чўянлар** дейилади. Бундай рудаларнинг йирик конлари Украина (Никольск), Грузияда (Чиатура), Орскда ва бошқа жойларда бор.

**Марганецли рудалар.** Бу рудаларда учровчи маъданларда  $MnO_2$ ,  $MnO$ ,  $MnCO_3$  ва бошқа оксидлари учрайди. Бу рудаларда 20—55% гача Mn бўлади. Бу рудалардан ферромарганец ва марганеци кўпроқ чўянлар ишлаб чиқаришда шихта таркибига зарур % қўшилади.

Чўян ишлаб чиқаришда домна печларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларига руданинг кимёвий таркиби, физик ҳолати, ўлчамлари, бегона қўшимчалардан тозалиги даражаси ва бошқа кўрсаткичларининг таъсири катта. Шу боисдан 80% га яқин рудаларни печга киритишдан аввал у бегона жинслардан бирмунча тозаланади, саралаб, оксидларидан темирни осонроқ қайтариладиган қилиш мақсадида бойитилади.

## 3-жадвал

Руданинг номи	Маъданнинг номи	Кимёвий бирюмаси	Темирнинг миқдори, %		Бегона кўшимчалар	Ранги	Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	Кайтарилиувчанлиги	Собиқ СССР даги конлар мавжуд районлар
			оксидларда	рудаларда					
Магнитли темиртош	Магнетит	Fe <sub>3</sub> O <sub>4</sub>	72,2	40—65	Силикатлар, сульфиллар, кальцитлар ва бошқалар	Қорамтир тусли	5	Кийин қайтарилади	Урал (Магнитная, Високая Благодат тоғлари), Сибирнинг Ангара-Пит районлари, Қозғистоннинг Кустанай вилояти, Кавказ, Украина ва Курск вилояти магнит аномалияси ва бошқа районлар
Қизил темиртош	Гематит	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	70,0	50—60	—	Қизилдан қорамтир қизилгача	4,5—5	Осон қайтарилади	Украина (Кривой Рог), Шаркй Сибирь (Коршунова), Қозғистонда (Атасуя, Соколовск-Сарбайск ва бошқа районлар)
Қўнғир темиртош	Лимонит	2Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> H <sub>2</sub> O	60,0	30—50	—	Жигарранг сарикдан қора қўнғиргача	3,7—4	—	Украинанинг Керчъ ярим ороли, Тула, Липецк, Крим ярим ороли, Қозғистон (Лисаковск ва Лятск) ва бошқа районлар
Шпат темиртош (карбонатлар)	Сидерит	FeCO <sub>3</sub>	48,0	30—40	—	Сарғиш ва кулрант	3,7—3,9	—	Уралнинг Байкал ва Кривой Рогнинг Златоуст, Крим ва бошқа районлари

## 2-§. Рудаларни бойитишининг асосий усуллари

### Майдалаш ва саралаш

Йирик (1200 мм ва ортиқ) темир рудаларни бегона қўшимчалардан тозалаш, ўлчамлари бўйича саралаш мақсадида улар конларнинг ўзидаёқ турли конструкцияли (жағли, конусли) майдаловчи машиналарда майдаланиб, механик фалвиirlарда эланиб, сараланади. Агар рудаларнинг ўлчамлари 100 мм ва ундан ортиқ бўлса — йирик, 30—100 мм оралигига бўлса — ўртача, 1,0—30 мм гача бўлса — майда ва 1,0 мм гача бўлса — жуда майда рудалар дейилади. Йирик ва ўртача ўлчамли рудалар домналарга, майда ва жуда майдалари йирикловчи машиналарга юборилади. Нега катта ўлчамли ёки майда ва жуда майда рудалардан домнада фойдаланимайди, деган савол туғилиши мумкин. Домнага йирик рудалар киритилганда домна ҳажмидан унумли фойдаланимаслигидан ташқари фирмада рўпарасига ўтгунча руда оксидларидан темир қайтарилишига ултурилмайди. Майда рудалар киритилганда эса жараён меъёрида бормайди. Шу боисдан домнага ўлчамлари 30—100 мм ли рудалар киритилади.

**Ювиш.** Кўпинча темир рудаларда кўп миқдорда тупроқ, гил, қум ва бошқа бегона қўшимчалар учраши сабабли рудаларни улардан тозалаш мақсадида сув билан ювилади. Бунинг учун рудалар майдалаш машиналарида майдаланганидан кейин ювиш машинасининг айланувчи барабан қисмига киритиб тагидан маълум босимда сув ҳайдаб турилади.


Бунда бегона қўшимчалар руда сиртига кўтарилиб, курилмадан сув билан ташқарига ўтади. Бойиган руда қурилма тагига чўкади. Кейин уни қурилмадан чиқарилиб, қуритилади.

### Рудаларни осон қайтарувчан этиш мақсадида қиздириш


Зич рудаларни кристалл сувдан, карбонат ангидридларидан ва қисман олтингугуртдан тозалаш билан осон қайтарувчан қилиш мақсадида бойитилади. Бунинг учун рудаларни 600—800°С температурали печга киритиб, маълум вақт қиздирилади. Борувчи физик-кимёвий жараёнлар натижасида ундан бегона қўшимчалар ажралади. Шу билан бирга рудадаги  $Fe_2O_3$  магнитли  $Fe_3O_4$  оксидга ўтали, зарур бўлса, кейин улар электромагнитли қурилмада бойитилади.

**Электромагнитли қурилмада бойитиш.** Бу усулдан магнит хоссали рудаларни бегона қўшимчалардан тозалашда фойдаланилади. Бунинг учун руда аввал тегирмонда 0,1 мм гача майдаланиб, уни электромагнит қурилманинг узлуксиз ҳаракатланувчи лентасига юклаб турилади. Руда электромагнитнинг таъсир зonasига кирганда, унинг темир оксиidi ( $Fe_3O_4$ ) ли қисми лентага тортилиб, бегона жинслардан тозаланади. Бойиган темир руда электромагнитнинг таъсир зonasидан чиқсан ташқаридаги маҳсус қутиласрга ортилади (3-расм).

**Йириклаш.** Маълумки, рудаларни қазиб олишда, майдалашда улардан ёғаётган майда ва ниҳоятда майда материаллардан фойдаланиш мақсадида йирикланади. 3-расмда кўпгина металлургия комбинатларида кенг қўлланиладиган йириклаш машинасининг схемаси келтирилган. 4-расм, а даги схемадан кўриниб турганидек, у йўналтирувчи издаги роликлардан ва узлуксиз ҳаракатланувчи лентали занжирдан иборат бўлиб, унда 70—150 тагача металл кутилар ва уларнинг таглик панжарасида 5—6 мм ли темирилар бўлади. Йириклаш жараёнини 4-расм, б даги схемадан кузатайлик. Схемадан кўринадики, кутиларга аввало унинг панжара тешиклари 1 дан ўтмайдиган ўлчамли йирикланган бўлак (агломерат)лар киритилиб, унинг устига йирикланувчи майда шихта материаллар 3 (ўртacha 70—80% темир руда концентрати ва майда агломерат чиқиндилар, 15—20% майдаланганд оҳактош, 5—7% майда кокс, 1% марганец руда) га 4—6% сув қўшиб, айланувчи барабанда қориштириб, кутисига киритилади, кейин бундаги кокс газ горелкаси ёки нефть форсунка ёрдамида ёндирилади. Кокс яхши ёниб туриши учун зарурий ҳавони вакуум курилма суриб туради. Бунда ёниш зонасидаги ҳаво аста-секин кути таглигига ўта боради. Бу шароитда кокснинг ёниши, қисман темир оксидларида O<sub>2</sub> камайиши ( $\text{Fe}_2\text{O}_3 \rightarrow \text{Fe}_3\text{O}_4 \rightarrow \text{FeO}$ ) оҳактошнинг парчаланиши ( $\text{CaCO}_3 \rightarrow \text{CaO} + \text{CO}_2$ ) боради ва ҳосил бўлган FeO, CaO лар SiO<sub>2</sub> билан бирикиши натижасида шлак ажрала бошлайди. Бу зонада температуранинг 1300—1500°C




3-расм. Электромагнит  
курилманинг схемаси



4-расм, а да. Рудаларни йириклаш машинасининг схемаси:

- 1 — барабан;
- 2 — рельслар;
- 3 — ёндирувчи горн;
- 4 — пиширувчи аравача



**4-расм, б. Пишириш схемаси:**

- 1 – панжара;
- 2 – таглик;
- 3 – йирикланувчи шихта қатла-ми;
- 4 – ёниш ва пишириш зонаси;
- 5 – йирикланган агломерат қатлам

уларни маҳсус барабандарда ёки саёз төгөрага ўхшаш қурилмага киритиб, 5–10 минут айлантирилади. Бунда улар боғловчи бентонит билан боғланаб диаметри 10–30 мм ли шарсизмөн маҳсулотга ўтади.

Кейин улар лентали қуритиш машинани аввалига 300–500°C температура зонасида қиздириб, окатиш деб аталмиш маҳсулот олинади. Сүнгра уларни янада пухталаш учун 1300–1400°C зонасида пиширилиб, совитилгач сараланади. Бу маҳсулотларнинг 10 мм дан кичик ўлчамдагилари қайта йириклишга юборилади.

Замонавий домна печларда йирикланган материаллардан фойдаланиш иш унумдорлигини 1,5–2 марта ошириш билан коксни 20–30% тежайди.

### 3-§. Ёқилғилар хили, таркиби ва хоссалари

Маълумки, ёқилғилар органик моддалар бўлиб, таркибидаги углерод, водород, углеводородлар, олтингугурт биримлар, кислород, азот ҳамда кулга ўтувчи биримлар ( $\text{SiO}_2$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{CaO}$  ва бошқалар) ва сув бўлади. Углерод, водород, олтингугурт ва углеводородлар ёқилғининг асосий ёнувчи компонентларидир. Ёнганда кулга ўтувчи моддалар ёнмайдиган компонентлардир.

Металлургия корхоналарида (темир рудалардан чўянлар ишлаб чиқаришда, улардан пўлатлар олишда ва уларга термик ишлов беришда зарур температурада қиздиришда) фойдаланиладиган ёқилғиларнинг

кўтарилишида суюқ шлак қаттиқ темир руда майдаларини чулғаб, совигач йирикланади. Шуну айтиш зарурки, бу ишловда олинган агломерат кокслар таркибидаги олтингугуртдан 80–90% тозаланади.

Бундай машиналарда кунига 2000 тоннагача флюсланиб йирикланган агломератлар олинади.

Флюсланган агломератларнинг фоваклиги домналарнинг иш унумдорлигини оширади. Йириклиштирувчи қурилмалар металлургия заводларидан олисда бўлса, вагонларда ташибда парчаланади. Шу боисдан пухтароқ ва йирикроғини олишда 1915 йиллардан бошлаб ниҳоятда майда (0,5 мм гача) темир руда концентратларидан фойдаланиш учун уларга 10–12% майдаланган оҳактош, 1–2% бентонит гили ва 8–10% сув қушиб,

хиллари күп, лекин улар ёнганда юқори иссиқлик ажратиш билан бирга темирни оксидлардан қайтаришда актив роль ййнаши лозим.

Домна пецида содир бўладиган жараённинг жадал бориши ва сифатли чўян ишлаб чиқаришда ёқилфининг иссиқлик ажратиш хусусиятининг юқори бўлиши, таркибида чўян сифатига путур етказувчи олтингугурт ва фосфорларнинг деярли бўлмаслиги, ёнганда оз миқдорда кул ҳосил қилиши ҳамда пухтароқ, ғовакроқ ва арzonроқ бўлиши лозим.

4-жадвалда саноатда ишлатиладиган ёқилғилар турлари келтирилган.

4-жадвал

Агрегат ҳолати	Ёқилғи турлари	
	табиий	сунъий
Қаттиқ	Ўтин, торф, ёнувчи сланецлар, кўнғир кўмир, тошкўмир, антрацит	Писта кўмир, торф кокси, тошкўмир кокси, термоантрацит, торф ва кўнғир тошкўмир чангларидан олинганд брикет ва бошқалар
Сулоқ	Нефть	Нефти қайта ишлашда олинадиган маҳсулотлар (бензин, керосин, лигроин, мазут ва бошқалар)
Газ	Табиий газ	Кокс гази, домна гази, генератор гази ва бошқалар

Шуни қайд этиш жоизки, қаттиқ ёқилғилар ичидаги 1 кг қуруқ ўтин ёндирилганда 10,5–12,6 МЖ, торф 6,8–16,8 МЖ, писта кўмир 27,2–31 МЖ иссиқлик ажратади. Лекин писта кўмирда S ва P оз бўлиб, ғоваклиги 40% гача бўлсада, майдаланишга қаршилиги кичик ( $2-4 \text{ MN/m}^2$ ) ва таннархи анча қимматроқ. Одатда писта кўмирдан кичик домналарда юқори сифатли чўянлар олишда фойдаланиш ҳоллари учрайди.

Асосий металлургик ёқилғиларга тошкўмир кокси, табиий газ ва мазут киради.

**Тошкўмир кокси.** Бу ёқилгини олиш учун сифатли тошкўмир (Донецк ва Кузбасс кўмирлар) ни 2–3 мм гача майдалагач, коксловчи печь (батарея) ларда 1000–1100°C температурада ҳавосиз 15–18 соат қиздирилади. Олинган кокс қаттиқ ва ғовак бўлади. Шуни қайд этиш ҳам жоизки, бунда коксдан ташқари бензол, фенол, нафталин, кокс гази, тошкўмир смолалари ва бошқалар ҳам олинади. Кокс ишлаб чиқарувчи батареяларнинг 50–60 та камералари бўлиб, ҳар бир камеранинг бўйи 4,5–6,0 м, эни 0,4–0,5 м бўлиб, улар алоҳида ёқилаётган газлар ҳисобига 1350–1400° температурага қиздирилади. Бу камераларнинг ҳар биридан жараёнда 12–16 тонна кокс олинади. Ўртacha 1 тонна тошкўмирдан 750–800 кг кокс ва 320–330 м<sup>3</sup> кокс гази олинади.

Коксларнинг сифати кимёвий таркибига, физик-кимёвий ва зарур механизм хоссаларига боғлиқ. Кокслар таркибида 85–90% C; 0,5–2% S; 0,8%

гача Р. 1% га яқин ажралувчи газлар, 7—15% кул ҳосил қилувчи бирикмалар ва 2—4% гача намлик бўлади.

Кокснинг аллангаланиш температураси — 700°C га яқин, майдаланишга қаршилиги 10—14 МН/м<sup>2</sup> (110—140 кгк/см<sup>2</sup>), ғоваклиги 45—55%.

1 кг кокс ёндирилганда 27,2—31,4 МЖ иссиқлик ажралади.

**Коке гази.** Тошкўмирдан кокс олишда ажраладиган газ кокс гази дейилади. Бу газнинг таркибида 46—63% Н<sub>2</sub>, 21—27% СН<sub>4</sub>, 2—7% СО, 4—18% N<sub>2</sub> ва бошқа газлар ҳамда сув буглари ҳам бўлади, 1 м<sup>3</sup> кокс гази ёндирилганда 15—18 МЖ иссиқлик ажралади. Бу газдан масалан, мартен печларни, ҳаво қиздиргичларни, кокс олевучи батарея камераларини қиздириша фойдаланилади.

**Генератор гази.** Бу газ газ генераторларида қаттиқ ёқилғиларни чала ёндириш билан олинади. Уларнинг таркибида 5—8 % СО<sub>2</sub>, 30% гази СО, 2—3% СН<sub>4</sub>, 10—15% Н<sub>2</sub> ва қолгани N<sub>2</sub> ва сув буглари бўлади, 1 м<sup>3</sup> бу газ ёндирилганда 5,4—6,7 мж иссиқлик ажралади. Бу газдан сув иситгич қозонларда, ички ёнув двигателларида фойдаланилади.

**Домна гази.** Домна печларидаги чўян ишлаб чиқаришда ажралувчи газларга домна гази дейилади. Домна печидан ажралувчи бу газлар билан одатда шихта, чанг ва заррачалар ҳам аралашиб чиқади. Шу сабабли улар маҳсус газ тозалагичлардан утказилиб, шихта чангларидан тозаланади. Унда ёғилган бу заррачалар йириклишга юборилади. Домна гази таркибида 12% СО<sub>2</sub>, 28% СО, 0,5% СН<sub>4</sub>, 2,5% Н<sub>2</sub>, 57% N<sub>2</sub> бўлади, 1 м<sup>3</sup> бу газ ёндирилганда 3,6—4,2 мж иссиқлик ажралади. Бу газдан ҳаво қиздиргичларда, сув иситиш қозонларидаги фойдаланилади.

**Табиий газ.** Бу ёндирилганда юқори калорияли иссиқлик ажралувчи, бирердан иккинчи срга осон узатилувчи арzon газ бўлиб, унинг асосий қисми СН<sub>4</sub>дан иборатdir. Унинг таркибида 92—98% СН<sub>4</sub>, 2% СО<sub>2</sub>, 1% N<sub>2</sub>, 1% Н<sub>2</sub> ва 3% СН<sub>2</sub> газлар бўлади. 1 м<sup>3</sup> бу газ ёндирилганда 33,5 МЖ гача иссиқлик ажралади. Металлургия печларидаги табиий газдан фойдаланиш домна ва мартен печларда металл ишлаб чиқариш жараёнини тезлатиб, иш унумдорлигини оширади, қимматбаҳо коксни тежаш билан бирга металл сифатини яхшилади.

**Мазут.** Нефти қайта ишлашда снгил фракциялар (бензин, керосин ва бошқалар) ажралгач, қурилмада қолган суюқ қолдиқ мазут дейилади. Мазут таркибида 84—86% С, 10—13% Н<sub>2</sub>, 0,2—0,7% S, 0,5—0,8% N<sub>2</sub>, 1,0% Н<sub>2</sub>O бўлади. 1 кг мазут ёндирилганда 35—46 МЖ иссиқлик ажралиб, 0,2—0,3% кул ҳосил бўлади. Ундан мартен ва металл қиздиргич печларда ёқилғи сифатида фойдаланилади.

#### 4-§. Флюслар ва уларнинг аҳамияти

Маълумки, рудалар домналарга киритилгунгача бойитилсада, уларда бирмунча бегона қўшимчалар (SiO<sub>2</sub>, Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, CaO, MgO, S, P ва бошқалар) қолади. Чўян ишлаб чиқаришда руда таркибидаги бу бегона қўшимчалар ва ёқилғи кулини металлардага ажратиш мақсадида печларга киритиладиган моддаларга флюслар дейилади. Флюсларни кислота хоссали (таркибида SiO<sub>2</sub>, кўп), асос хоссали (таркибида CaO, MgO, MnO, FeO кўп) ва нейтрал хоссали (таркибида гилтупроқ, шу-

нингдек, ишқорий ва бошқа моддалар бўлган) хилларга ажратиласди. Амалда фойдаланиладиган темир рудалари таркибида кўпроқ  $\text{SiO}_2$ , бўлгани учун флюс сифатида домна печларида оҳактош ( $\text{CaCO}_3$ ) ва камроқ оҳактошли доломит ( $m \text{CaCO}_3$ ,  $n \text{MgCO}_3$ ) дан фойдаланилади. Флюс руда таркибидаги бегона кўшимчаларни ҳамда ёқилғи кулини ўзи билан бириттириб шлакка ўтказиб, жараённинг бир меъёрда боришини ва шу билан кутилган таркибли, сифатли чўян олишни таъминлади. Жараёнда шлакда оксидлар, чўянда эса улардан қайтарилган элементлар бўлади. Агар чўяндаги бирор элемент оксиди шлакда бўлса, уни ўзида сақлаш хусусиятига эга бўлиши керак. Агар шлакдаги бу оксидни сақлаш қийин бўлса, улардан қайтарилган элементлар чўянга ўтади. Масалан, таркибида оҳак кўп бўлган асос хоссали шлак  $\text{SiO}_2$  ни осон ўзида сақласа,  $\text{MnO}$  ни жуда ёмон сақлайди. Агар шлак асосли бўлиб, чўянда углерод етарли бўлса, у  $\text{MnO}$  дан  $\text{Mn}$  ни қайтаради. Демак, шлак таркибини аввалдан белгиласак, чўян таркибини ҳам ростлаш мумкин бўлади. Флюслар хили ва миқдори руда таркибидаги бегона кўшимчалар хили, ажралувчи кул миқдорига кўра белгиланиб, ўлчамлари 30—80 мм оралиғида бўлади.

### 5-§. Ўтга чидамли материаллар таркиби, хоссалари ва ишлатилиш жойлари

Металлургия печлари, ҳаво қиздиргичлар, металл сақлагич қурилмалар, ковшлар, газ трубалари деворлари ўтга чидамли материаллардан тайёрланган гиштлар, блоклардан терилиб, ички сирт юзалари ўтга чидамли тупроқ билан шувалади. Маълумки, металлургия печларида жараёнлар юқори температура шароитида боради. Шу боисдан, печлар, металл сақлагич қурилмалар ва бошқалар юқори температурада суюқланмайдиган, термик жиҳатдан чидамли бўлган, жараён давомида печдаги суюқ металл, шлак ва печь газлари билан реакцияга киришмайдиган, ҳажмини деярли сақлайдиган ва арzon материаллардан тайёрланган бўлиши лозим.

5-жадвалда металлургия печлари ва қурилмаларида кўпроқ ишлатиладиган ўтга чидамли материалларнинг хили, таркиби, суюқланиш температураси ва ишлатилиш жойлари келтирилган.

**Динас гишти.** Бу гиштларни тайёрлаш учун майдаланган табиий кварцини олиб, унга боғловчи материал сифатида бир оз гил тупроқ ва оҳактош кўшиб сув билан маълум нисбатда қориштирилгач, қолипланади, кейин эса олингган гиштни 1400—1500°C температурада маълум вақт қиздирилиб пиширилади.

**Магнезит гишти.** Бу гиштни тайёрлаш учун табиий магнезит ( $\text{MgCO}_3$ ) маҳсус печлардаги 1400°C температуррагача қиздирилади. Бунда магнезит  $\text{MgO}$  ва  $\text{CO}_2$  га парчаланади. Олингган  $\text{MgO}$  га маълум нисбатда гилтупроқ ва оҳак кўшиб сув билан қориштирилди, сўнгра пресслаб керакли шакл берилгач, 1500°C температуррагача бир неча соат қиздириб пиширилади.

Хоссаси	Үтте чидамли материаллар түрлари	Таркиби	Суюқланиш температураси °C	Ишлатилиш жойи
Кислотали	Динас гишти	92–96% SiO <sub>2</sub> , 3–5% CaO, Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> ва бошқалар	1730–1830°C	Бесселер конверторида, кислотали мартен ва электр печларыда
	Қаары қуми ва бошқа қумлы гил материал	95–97% SiO <sub>2</sub>	1730–1830°C	Кислотали металлургия печларининг деворлари ва айрим қисмларини таъмирилашида
Асосли	Магнезит гишти	90–95% MgO, 1–2% CaO, 2–3% Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> , 2% SiO <sub>2</sub> ва 1% Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	2000–2400°C	Асосли конвертор, мартен ҳамла электр печлар деворлари ва тубларини таъмирилашида
	Магнезит қуқуни ва MgO миқдори күп бошқа материаллар	91–94% MgO, 1–2% CaO, 2–3% FeO, 2%га яқин SiO <sub>2</sub> ва 1% Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	2400°C гача	Асосли металлургия печларини тубларини тулдиришида ва таъмирилашида
	Доломит гишти	52–58% CaO, 35–40% MgO ва қисман SiO <sub>2</sub> , Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> , Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	1800–1960°C	Асосли конвертор, мартен ҳамда электр печь деворлари ва уларни таъмирилашида
	Хром—магнезит	35% Cu <sub>2</sub> O, 25% MgO, 4% CaO, 28% Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> +Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> ва 6% SiO <sub>2</sub>	2000°C дан паст эмас	Асосли мартен ва электр печь шипларида
Нейтрал	Шамот гишти	50–60% SiO <sub>2</sub> , 30–42% Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> ва 1,5–3 % Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	1580–1750°C	Домна ковш деворларида
	Углеродли гишт блоклар	Графит, кокс ёки антрацит қуқунлари бўлиб, буларда углерод 92% гача бўлади	2000°Cдан ортиқ	Домна утхона тагликларида, алюминий олувчи электролиз ванна деворларида, мис қотишмаларни эритувчи тигелларда

Шуни қайд этиш лозимки, печь температураси кескин ўзгариши натижасида магнезит гиштлар ҳажми ўзгаради ва өрилади. Шу боисдан магнезит гиштларни печь шипларига ишлатиш тавсия этилмайди.

**Доломит гишти.** Бу гиштни тайёрлаш учун табиий доломит ( $\text{CaCO}_3 \cdot \text{MgCO}_3$ ) ни 1550–1750°C температурагача қиздирилади. Бунда доломит CaO, MgO ва CO<sub>2</sub> ларга парчаланади. Олингган оксид қуқунларига боғловчи модда сифатида 7–10% тошкўмир смоласи қушиб, қолипда прессланади. Олингган гишт маълум температурада қиздирилиб пиширилади.

## 6-§. Домна печи ва ушиг тузилиши

Домна печи 5—10 йил давомида (бу даврга компания дейилади) узлуксиз ишловчи шахта печи бўлиб, ўртacha ҳажми 2000—3000 м<sup>3</sup> бўлади. Кейинги йилларда катта домналар ҳам қурилмоқда.

Масалан, 1974 йилдан бошлаб Кривой Рог металлургия комбинатида фойдали ҳажми 5000 м<sup>3</sup> ли домна ишламоқда. 1986 йилда эса Череповецк металлургия комбинатида «Северянка» деб аталган бешинчи домна ишга туширилди. Бу домна дунёдаги энг катта печлардан бири бўлиб, фойдали ҳажми 5580 м<sup>3</sup>, бўйи 100 м дан ортиқ, диаметри 19 м, замонавий автоматик механизмлар билан жиҳозланган. Бир суткада унда 10000—12000 т, йилига эса 4—4,5 млн т чўян ишлаб чиқарилади.

5-расм, *a* да домна печининг умумий кўриниши, 5-расм, *b* да эса унинг зоналари бўйича температурасининг тақсимланиш графиги келтирилган. Домна печининг девори ўтга чидамли шамот ғиштидан терилиб, ички сирт юзи ўтга чидамли гил билан сувалиб, сиртидан эса 20—40 мм ли пўлат лист билан пайвандлаб қопланган ва маҳкамланган.


Печнинг ўтга чидамли ғишт терилмаларининг чидамлилигини ошириш мақсадида (печь баландлигининг 3/4 қисмида) совитгич трубалар ўрнатилган ва уларда совуқ сув айланниб туради. Домнанинг юқори қисми *1* колошник деб аталади.

Колошник қисмида шихта материалларини порциялаб, бир текисда домнага юклаш аппарати *2* ўрнатилади.

Юклаш аппаратининг кичик ва катта конуслари бўлиб, улар бир вақтда ишламаслиги сабабли домнада жараён кечайдан ажралаётган газларнинг атмосферага чиқишига, ҳавонинг эса печга киришига йўл қўймайди.

Домна ишлаётганда ажралаётган газлар унинг колошник қисмига ўрнатилган трубалар *3* орқали газ тозалаш аппаратига ўтади.

Унинг катта цилиндрига ўтишида тезлиги пасайиши сабабли ундағи руда ва кокс заррачалари цилиндр тагига ёғилади, лекин бу газларга руда ва кокс чанглари эргашади. Шу боисдан тозароқ тозаланиши учун газ скруббер деб аталувчи цилиндрларда ва сув пуркагич билан намлаб ажратилади. Янада яхши тозалаш учун газ икки электродлараро ҳосил этилган юқори кучланишли электр майдонидан ўтказилади. Бунда электр зарядланган қаттиқ заррачалар электр майдони таъсирида электродларнинг бирига отилади. Шундай қилиб тозаланган газдан ёқилғи сифатида фойдаланилади. Газ тозалаш аппаратида тозаланган домна газлари маҳсус трубалар орқали кўпинча ҳаво қиздиргичларга юборилади. Печнинг колошник қисми тагидаги пастга томон кенгайиб борадиган кесик конусли энг катта қисми *4* га шахта дейилади. Бундай конструкция шихта эриган сари уни пастга тушишига кўмак беради.



**5-расм.** Домна печининг умумий куриниши (а) ва унинг зоналари буйича температуранинг тақсимланиш графиги (б):

1 — колошиник; 2 — юклаш аппарати; 3 — трубалар; 4 — шахта; 5 — распар;  
6 — заплечик; 7 — ўтхона; 8 — фурма; 9 — чүян чиқиш нови;  
10 — шлак чиқиш нови; 11 — темир устун

Бу қисм, ўз нағызда, пастидаги цилиндрик шаклли қисм 5 билан туташган булиб, унга **распар** дейилади. Распар эса пастидаги кесик конусли қисм 6 билан туташган булиб, у **заплечик** деб аталади. Бу қисм утхонага қараб кичрай бориши сабабли қаттиқ шихтани распар ва шахтала тутилишига кўмаклашади.

Бу қисм, ўз нағызда, пастидаги цилиндрик шаклли қисм 7 билан туташган булиб, унга **утхона** деб аталади. Утхона туби эса лешчадъ

дейилади. У графит блоклар ёки юқори сифатли шамот ғиштларидан терилади.

Печь металл ҳалқали таглик плитага, плита эса бетон пойdevорига ўрнатилган темир устунлар 11 да туради. Ўтхонада ёқилғи ёнади ҳамда суюқ чүян ва шлак ёқилади.

Ўтхонанинг энг пастки қисмидан колошникнинг энг юқори қисмигача бўлган ҳажми печнинг фойдали ҳажми дейилади. Ўтхонанинг юқорироқ қисмидан айланада бўйлаб жойлашган бир неча тешиклар бўлиб, уларга махсус ускуналар (формалар) 8 ўрнатилади. Фурмалар печь деворларидан 130—200 мм ичкарига чиқарилган бўлиб, кокс яхши ёниши учун улар орқали печта 0,25 МПа (2,5 мм) босимда 800°—900°C ли қиздирилган ҳаво ҳайдаб турилади. Фурмалар сони печнинг ҳажмига қараб 16—24 та ва ундан ортиқ бўлади. Фурмалар мис ёки алюминий қотишмаларидан тайёрланиб, иш жараёнида эриб кетмаслиги учун унинг ҳавол деворлари орқали совуқ сув айлантириб турилади.

Фурмаларнинг пастроғида шлак, ундан пастроқда эса чўян чиқариш тешиклари бўлиб, уларга новлар 9, 10 ўрнатилади.

Ўтхонада ёғилаётган зичлиги 6,9 г/см<sup>3</sup> ли суюқ чўянни ҳар 2—4 соатда, зичлиги 2,5 г/см<sup>3</sup> бўлган суюқ шлакни эса ҳар 1—1,5 соатда ўз новлари орқали ковшларга чиқариб турилади. Бунинг учун электр бурғалаш машинаси ёрдамида 50—60 мм тешик очилади, уларни беркитишида эса ўтга чидамли тиқинлардан фойдаланилади.


Металлургия комбинатларида бир вақтда бир неча домналар ишлайди. Ўртacha ҳисобда 1 т чўян олиш учун печта 2035 кг темир руда, 146 кг марганиец руда, 971 кг кокс, 598 кг оҳактош юкланиб, 3575 кг ҳаво ҳайдалади. Бунда 755 кг шлак, 5217 кг домна гази ва 348 кг колошник чанги ажралади.

Домналарнинг бир меъёрда, барча ишлар юқори даражада механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган режимда ишлашида электрон ҳисоблаш машиналарининг роли катта.

Юқорида таъкидлаганимиздек, домна печлари 5—10 йиллар давомида узлуксиз ишлайди. Бунда домналарни қай вақтда таъмирлашга қўйилишини қандай аниқланади деган савол туғилиши табиий. Одатда, домна деворининг тезроқ емириладиган жойлари орасига радиоактив <sup>60</sup>Со изотопи қўйиб юборилади. Печларнинг ишлашида тахминий режаланган муддатда Гейгер ҳисоблагичи билан у нурланиши кузатилиб турилади. Печь деворининг маълум қалинлиги кўйиб емирилганда <sup>60</sup>Со нинг маълум микдори чўянига ўтади. Бу ҳолда у нурланиши кўрсаткичи камаяди. Демак, ҳисоблагич кўрсаткичи у нурланишини кузатиш орқали таъмирлаш вақти аниқланади.

## 7-§. Домна печининг ёрдамчи қурилмалари

6-расмда шихта материалларини домнага бир текисда юкловчи аппаратнинг схематик тузилиши келтирилган. Схемадан кўринадики, шихта материаллари 10—15 м<sup>3</sup> ҳажмли аравачалар 2 да печнинг колошник майдончасига қоя из 1 дан галма-гал кўтариб, шихтани юк-



**6-расм. Домнага шихта юклаш аппаратининг схемаси:**

1 — қия из; 2 — аравача; 3 — қабул воронкаси; 4 — тақсимловчи воронка;  
5 — кичик конус; 6 — юритма; 7 — катта конус; 8 — футеровка

лаш аппаратининг қабул воронкаси 3 га тўқади. У ердан эса шихта материаллари тақсимловчи воронка 4 га ўтади. Шихта материалларининг бир маромда катта конус 7 га юкланиши учун тақсимловчи воронка ҳар гал шихта юклангандан кейин кичик конус 5 билан биргаликда ўз юритмаси 6 воситасида  $60^\circ$ ,  $120^\circ$ ,  $180^\circ$ ,  $240^\circ$  ва  $300^\circ$  га ўки атрофида айланади. Кейин кичик конус 5 автоматик равишда пастга тушишида шихта катта конус 7 га бир текисда юкланди, у ердан эса домнага ўтади. Шуни қайд этиш ҳам жоизки, бу аппарат шихтанинг йирик бўлакларини печь марказига, майдароқларини печь деворига яқинроқ юклайди. Бу ҳолда газлар шихтани тўлароқ қамраб, руданинг печининг бутун кесими бўйлаб тўлароқ қайтарилиши таъминланади.


#### Ҳаво қиздиргичнинг тузилиши ва ишлаши

Домнадаги ёқилгининг жадал ва тўла ёнишини узлуксиз таъминлаш учун унга ҳаво қиздиргич қурилмадан маълум босимда қиздирилган ҳаво, ҳайдаб турилиши ҳақида юқорида қайд этилган эди. 7-расмда эса ҳаво қиздиргич қурилманинг тузилиши ва ишлаши схемаси

### 7-расм. Ҳаво қиздиргичнинг тузилиши:

1 — пўлат филоф; 2 — ўтга чидамли девор; 3 — газ горелкаси; 4 — совуқ ҳаво келтириш трубкаси; 5 — газ ёнадиган канал; 6 — каналчалар; 7 — ёниш маҳсулотлари чиқиб кетадиган канал; 8 — қизиган ҳаво келтириш трубкаси; 9 — мўри

келтирилган. Одатда ҳаво қиздиргичларнинг диаметри 6—8 м, баландлиги 20—40 м бўлиб, усти минора гумбазига ўхшайди. Ички қисми деворлари ўтга чидамли шамот фиштидан терилган бўлиб, иккига ажратилган. Торроқ вертикал канали ёниш камераси, кенгрок катак-катак қилиб терилган саноқсиз вертикал каналчали қисми совуқ ҳавони қиздириши камераси бўлади. Ҳаво қиздиргични ишга тушириш учун аввало горелка 3 га маълум температурада қиздирилган домна гази ва ҳаво юборилиб, бу аралашма газ ёниш камерасида ёндирилади. Газ алангаси юқорига кўтарилиб, кейин пастга ўта совуқ ҳавони қиздириш камераси катак-катак каналчаларидан ўтиб, уларнинг деворлари ни қиздириб, мўрига ёки буғ қозонларига ўтади. Ҳаво қиздиргичнинг бу катак-катак деворлари  $\sim 1500^{\circ}\text{C}$  гача қизийди. У обдон қизигач, уларни қиздириш тутатилади. Кейин совуқ ҳаво маҳсус қурилма 3 орқали қиздириш камерасига ҳайдалади. Бу совуқ ҳаво ўта қизиган катаклардан ўтиб  $-800-1000^{\circ}\text{C}$  гача қизийди ва шу ҳолатда домнага ҳайдалади. Ҳаво қиздиргич совигач ( $\sim 45-60$  минутдан сўнг), уни яна қиздиришга ўтилади. Шуни қайд этиш жоизки, ўртача ҳажмли домнанинг меъёрида ишлаши учун бир суткада  $\sim 8$  млн  $\text{m}^3$  қиздирилган ҳаво сарфланади. Агар зарур температурагача қизиган ҳаво қиздиргичга юборилган совуқ ҳавони 1 соатда зарур температурагача қиздирса, домнани узлуксиз қиздирилган ҳаво билан таъминлаш учун кетма-кет ишловчи 3 та ҳаво қиздиргич керак. Баъзан улардан бирини тозалаш ёки таъмирлаш зарурлигини эътиборга олсак, 4 та ҳаво қиздиргич керак бўлади.



### 8-§. Домна печини ишга тушириш ва унда кечадиган жараёнлар

Янги қурилган ёки таъмирланган печларни ишга туширишдан аввал унинг ва ёрдамчи қурилмаларнинг ишга яроқлилиги кузатилади.

Уларни ишга яроқли эканлигига ишонч ҳосил этилгач, фурма тешила-ри орқали печь ўтхонасига бир оз кокс, унинг устига фурма мезонига-ча тараша ўтин қаланади-да, колошник орқали кокс киритиб форсун-ка алансасида ўтин ўт олдирилади. Ҳаво қиздиргичда 800°—900°C тем-пературагача қиздирилган ҳаво тўсгич 6<sup>”</sup> очилиши билан труба 8 ва фурма қурилмалари 9 орқали 0,2—0,3 МПа (2—3 атм) босимда домна-га ҳайдалиб, бир неча кун зарурий иш температурасигача қизигач, унга юклаш аппарати орқали аввалига флюсли кокс (салт колоша) киритилади (8-расм). Кокс ёнаётганда ажralаётган газлар домна юқорисига кўтарила бориши маълум температурага етгач, унга колоша (руда, кокс ва флюс) юклана бошланади. Ажralаётган газлар юқорига кўтарилиганда ва юқоридан пастга ўтаётганда шихта материалларини қиздира боради.



Бу шароитда мураккаб физик-кимёвий жараёнлар бориб, темир оксидлардан темирнинг қайтарилиши, унинг углеродга тўйиниши ва шлакнинг ажralиши содир бўлади.

Домна печида кечадиган асосий физик-кимёвий жараёнларни қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин:


**Ёқилғининг ёниши.** Фурма орқали домнага ҳайдалаётган қиздирилган ҳаво кислороди унинг рўпарасидаги коксни ёндиради:  $C + O_2 \rightarrow CO_2 + Q$  (ажralаётган иссиқлик ҳисобига маълум вақтдан сўнг фурма атрофига температура 1100—2000°C гача кўтарилади). Тажрибалар шуни кўрсатадики,  $CO_2$  гази печнинг 1000°C дан юқорироқ температурали зonasида чўғланган кокс қатламларидан ўтиб, углерод (II) оксидга айланади:  $CO_2 + C_k \rightarrow 2CO - Q$ . Бу газ юқорига кўтарила бориб, темир оксидлардан темирни қайтара боради. Шу билан бирга чўғланган кокс ҳаво таркибидаги сув буғларидан водородни ҳам қайтаради:  $H_2O + C_k \rightarrow CO_2 + H_2 - Q^*$ . Агар ёқилғи сифатида қисман табиий газдан ҳам фойдаланилса, тубандаги реакция боради:  $CH_4 + O_2 \rightarrow 2H_2O + Q$ .

Натижада печда темир оксидлардан темирни қайтарувчи асосий газ ( $CO$ ) микдори ортади.

Маълумки, шихта материалларининг ажralувчи газлар иссиқлиги таъсирида қизиб боришидан кимёвий бирикмаларнинг парчаланиши содир бўлади. Масалан, печнинг 100—350°C температурали зonasида кимёвий бирикмалардаги сув ва ёқилғидаги учувчи моддалар ажралса, ундан юқорироқ температурали зonasида карбонатлар парчаланади.



\* Q ва -Q ҳарфлар борувчи реакцияларнинг иссиқлик эффективлигининг шартли инфодаси.



**8-расм. Домна печининг ишлаш схемаси:**

1 — домна печи; 2', 2F — ҳаво қиздиргич; 3 — компрессор; 4 — мүри;  
5 — газ трубаси, 5', 6, 6'' — түсгичлар; 7 — совуқ ҳаво трубаси;  
8 — қиздирилган ҳавони фирмаларга узатиш трубаси; 9 — фирмалар

Натижада шихта материал бўлаклари ғовакланади ва баъзан ёрилади. Бу жараён печнинг колошник қисмидан бошланиб шахтанинг ўрталарида тугайди.

**Темир оксидларидан темирнинг қайтарилиши.** Темир оксидларидан темирнинг қайтарилиши асосан углерод (II) оксиди, шунингдек қаттиқ углерод ва қисман водород ҳисобига боради.

Домна печларида темирнинг углерод (II) оксиди ҳисобига темир оксидларидан қайтарилиши тахминан  $400^{\circ}\text{C}$  температурада бошланиб,  $900-1000^{\circ}\text{C}$  температурада тугайди:



Темирнинг темир оксидларидан CO ҳисобига қайтарилиш тезлиги пеъч температурасига, руда таркибига, физик ҳолатига, қайтарувчи газларнинг миқдорига боғлиқ. Шуни қайд этиш керакки, шахтанинг


пастроқ қисмидә СО билан қайтарилемай қолган темир кокс углероди ва темир руда ғовакларидаги қоракуя (құрум) күренишидаги қаттиқ углерод ҳисобига ҳам қайтарилади:



Бу жараён 400—500°C температурали зонада башлансада, 1300—1400°C температурали зонада тугайди. Бу температура шароитта қайтариленген темир ҳали қаттиқ, ғалвирак масса тарзыда бўлади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, Fe нинг 60—50% и асосан углерод (II) оксиди ҳисобига ва 40—50% қаттиқ углерод ҳисобига (0,2—1% и шлакка ўтиши ҳисобга олинмаса) тўла қайтарилади.


**Темирниң углеродга тўйиниши.** Қайтариленген темир, углерод (II) оксиди углерод билан реакцияга киришиб темир карбидини ҳосил қиласди:



Шуни қайд этиш жоизки, темир карбиди ғалвирак темирда яхши эриб бориши натижасида темирниң углеродли қотишмаси ҳосил бўла боради. Бу темир қотишма таркибида углерод миқдори ортган сари унинг суюқланыш температураси пасая боради. Масалан, қотишма таркибида углерод миқдори 1,8—2,0% га етганда у 1200—1150°C температурада суюқланади. Бу суюқ қотишма печнинг юқори температурали зонасига ўта боришида эриб, пастга оқишида чўғланган кокс бўлаклари орасидан ўтиб, яна қўшимча углеродга тўйина боради ва печъ ўтхонасига йиғилаётган бу қотишма таркибида углероднинг миқдори 3,5—4% га етади. Домнада темирдан ташқари унинг юқори температура (1100—1450°C)дан паст бўлмаган зонасида ўз оксидларидан Si, Mn, P ва бошқа элементлар ҳам углерод билан қайтарилиб чўянга ўтади:



Маълумки, шихта таркибидаги фосфор, асосан, кальцийнинг фосфорли тузи тарзыда бўлади. Бу туздан айни шароитда фосфор ангидриди дастлаб кремний оксиди билан, кейин эса ундан фосфор углерод билан қайтарилади:



Демак, фосфорнинг деярли ҳамма қисми чўянга ўтади.

Олтингугуртга келсак, у коксда ва рудада  $\text{FeS}_2$ ,  $\text{FeS}$ ,  $\text{CaSO}_4$ ,  $\text{CaS}$  бирикмалар тарзида бўлади. Жараён вақтида унинг қарийб 10—60% и  $\text{SO}_2$ ,  $\text{H}_2\text{S}$  газлар тарзида печдан чиқиб кетса, бир қисми металлда  $\text{FeS}$  ва шлакда эса  $\text{CaS}$  тарзида қолади. Металлдаги олтингугурт ва фосфор унинг сифатига катта путур етказувчи элементлар бўлиб, улар металдан қанча тозаланса, сифати шунча ортади. Шу боисдан металлда эриган  $[\text{FeS}]$  ни шлакка ўтказиш учун печга кўпроқ оҳактош киритилиши керак. Шундагина у олтингугуртни  $\text{CaS}$  бирикма тарзида шлакка боғлайди:



Шундай қилиб, чўяндаги  $\text{FeS}$  дан олтингугуртнинг бир қисми  $\text{CaS}$  тарзида шлакка ўтказилади. Бунда  $\text{MgO}$  ва  $\text{Mn}$  ҳисобига ҳам металл олтингугуртдан қисман тозаланади, чунки магний сульфид ( $\text{MgS}$ ) металлда эrimайди. Марганец сульфид ( $\text{MnS}$ ) эса жуда ҳам оз эрийди:



**Шлакнинг ажралиши.** Маълумки, печга флюс сифатида киритилган оҳактош ( $\text{CaCO}_3$ ) ~ 900°C температурали зонада  $\text{CaO}$  ва  $\text{CO}_2$  га парчаланади.  $\text{CaO}$  распар зонаси яқинида  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{FeO}$  ва бошқа бетона қўшимчалар билан бирикиб дастлабки шлак ажрала бошлайди, унинг температураси одатда, 1150—1200°C бўлади ва у ўтхона томон оқа бориб, кокс кулини, қайтарилимай қолган оксидлар ва бетона қўшимчаларни ўзида эритади. Шу билан бирга  $\text{CaO}$  чўяндаги S ни ўзи билан боғлаб шлакка ўтказади, шлакда эса оз миқдорда  $\text{FeO}$  қолади.

Темирнинг қайтарилиши ва шлак ҳосил бўлиш жараёнларининг маълум кетма-кетликда кечиши ажралувчи шлакнинг кимёвий таркиби, суюқланиш температурасига боғлиқдир. Масалан,  $\text{Mn}$  кўпроқ бўлган чўян олиш зарур бўлса, шлакда оҳак миқдори кўпроқ бўлиши керак. Чунки бундай шлакда  $\text{Mn}$  ёмон эрийди, натижада  $\text{Mn}$  қайтарилиб, чўянга ўтади. Агар таркибида  $\text{Si}$  кўпроқ бўлган чўян олинадиган бўлса, аксинча, шлакда оҳак миқдори камроқ бўлиши керак.

Шлакларнинг муҳим характеристикаларидан бири асосли ва кислотали оксидларнинг ўзаро нисбатларидадир:  $(\text{CaO} + \text{MgO})$ :  $(\text{SiO}_2 + \text{Al}_2\text{O}_3)$  ва бу нисбат чўянлар ишлаб чиқаришда 0,9—1,4 оралиғида бўлиши лозим.

## 9-§. Домна печининг маҳсулотлари ва уларни печдан чиқариш

Домна печининг асосий маҳсулоти чўяндир. Лекин чўян олишда у билан бирга кўпгина шлак, домна гази ва колошник чанглари ҳам

ажралади. Шлак, домна гази ва колошник чангларидан саноатда кенг фойдаланилганлиги сабабли, уларни ҳам шартли равища домна печининг құшымча маңсулотларига киритилади (С-расм). Домналарда оли наидиган чүянлар қай мақсадларда ишлатилишига күра қуидаги турларга ажратиласы:

**а) Қайта ишланадиган чүянлар.** Бу чүянлар таркибида ўртача 3,8—4,4% С; 0,3—1,9% Si; 0,2—1,0% Mn; 0,15—0,2% P ва 0,02—0,07% S бўлади. Уларда углероднинг ҳаммаси ёки кўпроқ қисми темир билан кимёвий бирикма — темир карбиди ( $Fe_3C$ ) ҳолида, қолгани графит тарзida бўлади. Бу чүянлар жуда қаттиқ ва муртдир. Қолипларни тўлдириш хусусияти ёмонроқ бўлиб, кескичлар билан ёмон кесиб ишланади. Саноатда бу чүянлардан пўлат олиниши сабабли уларни қайта ишланадиган чүянлар дейилади. Бу чўян қўймаларининг синиқ юзалари оқиш тусда бўлганлигидан оқ чўянлар деб ҳам юритиласы. Домналарда олинаётган чўянларнинг 80—90% и бу чўянларга тўғри келади.

**б) Қўйма чўянлар.** Бу чўянлар таркибида ўртача 3,5—4% С; 3,2—3,6% Si; 1,5% гача Mn; 0,05—0,45% P ва 0,03% S бўлиб, углероднинг кўп қисми эркин ҳолда, яъни графит тарзida бўлади. Бу чўянларнинг синиқ юзалари кулранг тусда бўлганлиги учун кулранг чўянлар деб ҳам юритиласы. Қотганда ҳажмининг кам киришиши, осон кесиб ишланиши, қониқарли пухталиги ва бошқа хоссаларига кўра улардан мурракаб шакли, турли ўлчамли қўймалар олинади. Шу боисдан улар қўйма чўянлар дейилади. Домнада олинаётган чўянларнинг 9—12% қўйма чўянларга тўғри келади.

**в) Легирланган чўянлар.** Бу чўянларда одатдаги элементлардан ташқари маълум миқдорда легирловчи элементлар (Cr, Ni, Ti, Mo ва бошқалар) бўлади. Легирловчи элементлар чўянларга зарур механик, физик-кимёвий хоссалар беради. Масалан, Cr чўяннинг қаттиқлигини, пухталигини орттириб ейилишга чидамли қилса, Ni эса ишланувчалигини яхшилади.

**г) Махсус чўянлар (ферроқотишмалар).** Бу чўянлар одатдаги чўянлардан таркибида Si, Mn нинг миқдори кўплиги билан фарқ қиласы. Уларни уч хилга, яъни ялтироқ (ойна) чўянларга, ферромарганешларга ва ферросилицийларга ажратиласы. Ялтироқ чўянлар таркибида 10—25% Mn ва 2% Si бўлади. Ферромарганешлар таркибида 70—75% Mn ва 2,5% гача Si бўлади. Ферросилицийлар таркибида 19—92% Si бўлади.

Махсус чўянлардан пўлатлар олишда, темир оксидлардан темирни қайтаришда қайтарувчилар сифатида, шунингдек, легирловчилар сифатида фойдаланилади. Домналарда факат ферромарганец, бошқа ферроқотишмалар электропечларда олинади.

Шуни қайд этиш ҳам жоизки, чўянларнинг тузилишида графитнинг қандай шаклда бўлишига қараб улар мустаҳкамлиги юқори ва болғаланувчан чўянларга ҳам ажратиласы. Мустаҳкамлиги юқори чўянларни олиш учун суюқ чўянга бир оз миқдорда Si, Mg, Ce ёки бошқа



**9-расм. Домна печи маҳсулотлари ва ишлатилиш жойлари**

элементлар қуқунлари киритилади. Бу чүянлар юқори, қуйма ва технологик хоссага эга. Шу боисдан улардан масъулиятли деталлар (тирсаки валлар) олинади. Болғаланувчан чүянларни олиш учун эса оқ чүян қуймалари махсус режимда юмшатилади.

**Домна гази.** Домналардан ажралаётган газларга домна гази дейилади. Бу газ таркибида 26—32% CO; 2—4% H<sub>2</sub>; 0,2—0,4% CH<sub>4</sub>; 8—10% CO<sub>2</sub> ва 56—63% N<sub>2</sub>, бўлади. Домна газининг таркибида кўпгина ёнувчи газларнинг борлиги сабабли тозалангач, улардан ёқилғи сифатида кенг фойдаланилади.

**Домна шлаки.** Руда, ёқилғи таркибидаги бегона жинсларни ҳамда ёқилғи кулини флюс билан бирикиб ажралган бирикмаси бўлиб, ундан шлак пахтаси, фишт, шлак блоклар, цементлар ва бошқа материаллар олишда фойдаланилади.

**Колошник чанги.** Домна газларига қўшилиб чиқадиган шихта материалларининг чанги колошник чанги дейилади. Улар таркибида 40—50% гача темир бўлади. Домна газлари махсус газ тозалаш қурилмаларда тозалангач, уларда йиғилган чанглардан агломератлар тайёрланади. 6-жадвалда домна печининг асосий маҳсулотлари келтирилган.


Қотишмалар хили	C	Si	Mn	P	S
				камидә	
Қайта ишланадиган чүйнлар:					
Мартен (М1, М2, М3)	3,5—4,5	0,3—1,3	0,3—1,5	0,15—0,3	0,02—0,07
Бессемер (Б1, Б2)	3,5—4,5	0,3—1,4	0,3—0,7	0,06—0,07	0,04—0,06
Фосфорлы (МФ1, МФ2, МФ3)	3,2—3,5	0,3—1,3	1—2	1—2	0,05—0,07
Юқори сифатлы (ПВК1, ПВК2, ПВК3)	3,2—4	0,3—1,3	0,3—1,5	0,05	0,015 —0,025
Күймакорлик чүйнлари:					
ЛК1, ЛК2, ...ЛК7	3,5—4	3,21—3,6	1,5 тача	0,08—1,2	0,02—0,05
Шунингдек, Mg билан рафи- нирланган ЛР1, ЛР2...ЛР7					
Максус чүйнлар:					
Ялтироқ (ойна) чүян (341, 342, 343)		2	10—25		
Ферромарганец (СМ <sub>II</sub> 10, СМ <sub>II</sub> 20 ва бошқалар)	0,5—7	2,0—2,5	70—75	0,05—0,45	0,03
Ферросилиций (ФС 90, ФС 751 ва бошқалар)		19—92			

Одатда, турли вақтда олинган чүянлар кимёвий таркибиغا кўра бир-биридан фарқланиши сабабли уларни текислаш билан олтингу- гуртнинг бир қисмини шлакка ўтказиш мақсадида печдан катта ҳажми (600—2500 т) миксер деб аталувчи ва газ билан қиздирилиб туриладиган «ёғгич» идишларга қуйилади. Унда чүянни маълум вақт сақла- нишида олтингугуртнинг бир қисми шлакка марганец сульфиди (MnS) тарзida ўтади, чунки MnS нинг металлда эрувчанлиги температураси пасайнишида камаяди. Бундан ташқари баъзан чүяннинг пекдан чиқа- ришда ёки миксерга тахминан чүян массасининг 1% чамасида сода ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ) киритилади. Бу металлдаги олтингугуртнинг қолган бир қисми қуйидаги реакция бўйича шлакка ўтказади:



Агар бунга зарурият бўлмаса, чүянни ҳажми 80—100 т ли ковш вагонеткаларда, пўлат ишлаб чиқарувчи цехларга ёки чүян қўйма оловучи машиналарга узатилади. 10-расмда чүян қўйиш машинасининг тузи- лиши ва ишлаши схемаси кўрсатилган.

Схемадан кўринадики, суюқ чўян ковшдан нови орқали ҳаракат- ланувчи лентага ўрнатилган металл қолилларга бирин-кетин қўйиб турилади. Унинг маълум тезликда ҳаракатланишида қўйма совиб қота боради, тўла қотгач, қўймалар максус вагончага юкланди. Металлни



10-расм. Чүян қуиши машинасининг схемаси

қолипда тез совиши ва ёпишиб қолмаслигининг олдини олиш мақсадида қолип сиртига маҳсус аппарат ёрдамида оҳак суви пуркаб турилади. Бу машиналарда олинган ҳар бир чүяннинг қўйма оғирлиги 45—50 кг бўлиб, у машинасозлик заводларининг қуиши цехларига юборилади.

Шлакка келсак, шлаклар печда йиғилган сари ковш вагонетларга (~30 т ли) чиқарилиб, улардан қурилиш материаллари олинади. Асосли шлакларда кўпгина оҳак бўлгани учун улардан гиштлар, блоклар, цемент тайёрланади. Масалан, суюқ шлакни сувли ҳовузга ингичка оқимда қуилганда у тез совишида майдо-майдо юмалоқ бўлакчаларга ўтади, кейин уларни кукунга ўтказилади. У сув билан қориширилса, цементга ўхшаб қотади. Кислота хоссали шлаклардан буф ёки ҳаво пуркаб ўтказилса, улар узун ипга ўтади. Шундай қилиб шлак пахтаси олинади.

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, чўянларнинг хоссалари кимёвий таркибиغا, структурасига ва турли қўшимчалардан тозалик дараҷасига боғлиқ. Қуида чўянлардаги доимо мавжуд элементларнинг унинг хоссасига таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган:

**У г л е р о д.** Углерод чўянлар таркибидаги муҳим элемент бўлиб, таркибиغا ва қайта совиш тезлигига кўра у  $Fe_3C$  ёки графит кўрининшида бўлади.

Графит кўринишида бўлганда чўяннинг оқувчанлиги ортиб, мурракаб шаклли, юпқа деворли сифатли қўймалар олишини таъминлайди. Бу чўянларда углероднинг миқдори 3,2—3,5% бўлади.

**К р е м н и й.** Чўянлар таркибидаги кремний темир билан силицидлар ( $FeSi$ ,  $Fe_3SiO_4$ ) ҳосил қилиб, углеродни графит тарзда ажратишта қўмаклашади. Шу боисдан сифатли қўймалар олишга белгиланган чўянларда кремнийнинг миқдори 0,8—4,6% оралиғида олинади.



a



б

11-расм, а ва б. Углерод, кремний ва девор қалинлигининг чүян турiga таъсир этиш графиги

11-расм, а да углерод билан кремнийнинг чүян хилига биргаликда таъсири, 11-расм б да эса қотишманинг хилига углерод + кремний ва девор қалинлиги (совуш тезлиги)нинг таъсири күрсатилган (11-расм).

Марганец. Чүянларда марганец темир карбида ( $Fe_3C$ ) нинг барқарорлиги ортиши билан углероднинг графит тарзда ажралишига қаршилик күрсатади, чунки у углерод билан  $Mn_3C$  карбида беради. Шу билан у чүян таркибидаги олтингугуртни  $FeS$  бирикмадан қайтарып,  $MnS$  тарзда шлакка ўтказиб, чүянни заарарлы олтингугуртдан бироз тозалайди. Сифатли құймалар олишда белгиланған чүянларда марганец миқдори 0,5—1,5% дан ортмайды.

Олтингугурт. Чүянлар таркибіда олтингугурт чүянлардан углероднинг графит тарзда ажралишига қаршилик күрсатади, унинг оқувчанлигини пасайтиради ва мұртлашади. Чүянлар таркибидаги олтингугурт миқдори 0,07% дан ортмайды.

Фосфор. Чүянлар таркибіда фосфор бир тарафдан қаттық ва мұрт әвтектік бирикма ҳосил қилиб, уннинг механик хоссасынан кіттеп путтур етказади. Шу бойынша чүянларда фосфор миқдори 0,08% дан оргасылығы керак. Иккінчи томондан кулранг чүянларнинг оқувчанлигини орттиради. Айниқса мураккаб шакли, юпқа деворлы құймалар олишда құл келади. Шу бойынша мастьулиятли құймалар олишда фосфорнинг миқдори 0,1 % ча бўлади.

## 10-§. Домна печи ишининг техник-иқтисодий курсаткичлари

Домна печларининг ишига баҳо бериш учун уннинг бир суткада қанча чүян ишлаб чиқара олишини ва бунинг учун қанча ёқилғи сарфланишини билиш лозим. Одатда печнинг асосий техник-иқтисодий күрсаткичи уннинг фойдалы ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти ( $K_f$ ) ва ёқилғининг солишиштірма сарфланиш коэффициенти ( $K_e$ ) орқали аниқланади. Бунда уннинг фойдалы ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$K_{\phi} = \frac{V}{T}, \text{ м}^3/\text{т.}$$

Бу ерда:  $V$  — печнинг фойдали ҳажми,  $\text{м}^3$ ,  $T$  — ўртача бир суткада ишлаб чиқарилган чўян миқдори, т.

Кўпчилик домналарда  $K_{\phi} = 0,5 - 0,7$  оралиғида бўлади.

Домналарда ёқилгининг солиштирма сарфланиш коэффициенти ( $K_r$ ) ни аниқлаш учун ёқилгининг бир суткадаги сарфи ( $A$ ) ни эритилган чўян миқдорига ( $t$ ) бўлинади:

$$K_r = \frac{A}{t}$$

Одатда, бу коэффициент  $0,5 - 0,6$  оралиғида бўлади. Бу коэффициентлар қанча кичик бўлса, печнинг иш унуми шунча юқори бўлади. Домна печининг иш унумини ошириш учун кейинги йилларда катта печлар қуриш билан бирга илғор чўянкорларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, шихта материалларини суюқлантиришга тайёрлаш, айниқса, агломерат ва оқатиш концентратлардан фойдаланиш, қиздирилган ҳаво температураси ҳамда босимини кўтариш билан уни кислородга тўйинтириш ва иш жараёнида температуранинг бир меъёра бўлишини таъминлаш каби ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, оғир ишларни механизациялаштириш ва технологик жараёнларни автоматлаштирилган ҳолда бошқариш каби ишларга катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга тозаланган домна газларини тўғридан-тўғри домнага ҳайдаш мумкинлиги тўғрисида илмий ишлар ҳам олиб борилмоқда. Буларнинг ҳаммаси домналар ишининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини орттиришнинг муҳим омиллариdir.

### 3-боб

## ПЎЛАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛЛАРИ

### 1-§. Умумий маълумот

Юқоридаги параграфлардан маълумки, пўлат асосий конструкцион материал бўлиб, у чўянга нисбатан пухта, пластик, қониқарли оқувчанликка, пайвандланувчанликка ва кесиб ишланувчанликка эга. Лекин солиштирма оғирлигининг каттароқлиги, коррозияга тезроқ берилишига қарамай машинасозликда улардан чўйнлардек турли шакли қўймалар, прокат маҳсулотлар олишда кенг фойдаланилади. Айниқса, уларнинг юқори сифатли, легирланган маҳсус хоссали навларига талаб борган сари ортмоқда. Металлургия корхоналарида ҳозирда пўлатларни асосан конверторларда суюқ чўян сатҳига кислород ҳайдаш йўли билан, мартен ва электр печларда ишлаб чиқарилмоқда. Бу усулларда

шихта таркибидаги С, Si, Mn, P элементлари оксидланади, оксидлар эса бирикиб шлак ҳосил қилади. Натижада уларнинг микдори кескин камаяди. Бунда борувчи кимёвий реакциялар тезлиги шихта таркиби-га, температурага боғлиқ бўлади.

7-жадвалда қайта ишланадиган чўянлардан кам углеродли пўлатлар олишда унинг кимёвий таркибининг ўзгариши % ҳисобида келтирилган.

7-жадвал

Материал	C	Si	Mn	P	S
Кайта ишланадиган чўяни	4—4,4	0,76—1,26	1,75 гача	0,15—0,3	0,03—0,07
Кам углеродли пўлат	0,14—0,22	0,12—0,3	0,4—0,65	0,05	0,055


## 2-§. Конвертордаги суюқ чўян сатҳига кислород ҳайдаш йўли билан пўлат ишлаб чиқариш

Маълумки, Бессемер ва Томас конверторларида пўлат ишлаб чиқариш усулларининг қатор камчиликлари туфайли турли мамлакатларда такомиллашган усуллар яратиш борасида изланишлар олиб борилди. Собиқ СССР да эса дастлабки тажрибалар 1933—1934 йилларда А.И. Мозговой томонидан олиб борилган бўлсада, унинг натижалари металлургия заводларида 1952—1953 йилларда қўлланила бошланди. Ҳозирга келиб ишлаб чиқарилаётган углеродли ва кам легирланган пўлатларнинг 60—70% дан ортиқроғи шу усул билан олинмоқда. Бу усулнинг оддийлиги, ёқилғи талаб этмаслиги, иш унумининг юқорилиги, уларнинг сифатига путур етказувчи газлар ( $N_2$ ,  $H_2$ ) нинг озлиги, капитал маблағлар сарфининг камлиги, чиқинди металларни кўпроқ қайта ишлашга имкон бериши бу усулнинг саноатда борган сари кенг қўлланишига сабаб бўлмоқда. Лекин бу усул айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Жумладан, суюқ чўянни кўпроқ талаб этиши (1 т пўлат олиш учун 820—830 кг чўян), металл куйиндининг кўплиги (6—9%) ва анча микдорда чангларнинг ажralиши ва бошқалар.

**Конверторнинг тузилиши.** Конвертор ноксимон кўринишдаги таги берк қурилма, унинг деворлари доломит ёки магнезит смолали, хроммагнезит фиштдан терилган бўлиб, деворларининг қалинлиги ҳажмига кўра 700—1000 мм оралиғида бўлади. Сиргидан эса пўлат лист билан қопланади. Конверторда ажralувчи газлар билан чиқувчи металл заррачаларини тутувчи қурилмаси бўлади. 12-расм, а дан кўрина-дикни конвертор цапфалар ёрдамида станица таянчларига ўрнатилиади. Конверторга шихта материалларни юклаш, олинган пўлатни, шунинг-

дек, шлакни ундан чиқариш учун уни горизонтал ўқи атрофига зарур бурчакка бурилади. Бунинг учун конверторга кислород кири туви мис найча (фурма) ундан чиқарилиши лозим. Конвертор ҳажми 100—350 т ва ундан ортиқ ҳам бўлади. Масалан, сифими 300 т ли конверторнинг иш бўшлиги бўйи 9 м, диаметри 7 м га яқин бўлса, оғзининг диаметри 3,5 м бўлади. Бу конвертордаги суюқ металл қалинлиги эса 1,7 м гача бўлади. Одатда конвертор уларда 400—800 марта пўлат олингач, таъмирланади.

**Конверторни ишга тушириш.** Бунинг учун аввало конверторнинг ишга яроқлилиги кузатилиб тўла ишонч ҳосил қилингач, ундан пўлатни ковшга чиқариш тешиги юқори сифатли, ўтга чидамли магнезитдан тайёрланган тиқин билан беркитилади. (Одатда 40—60 марта пўлат олгандан сўнг янгиси билан алмаштирилади). Сўнгра конверторни олисдан бошқариладиган қурилма билан 12 расм, б да кўрсатилган «а» ҳолатга ўтказиб, аввало унга оғзидан қайта ишланадиган чўян массасининг 20—30% чамасида қора металл чиқиндилари, кейин эса 1250—1400°C температурали суюқ чўян киритилади («б» ҳолат). Сўнгра қайта ишланадиган металл массасининг 5—8% чамасида оҳактош (зарур бўлса маълум миқдорда боксит, темир руда) киритилиб, конвертор вертикал ҳолатга ўтказилади («в» ҳолат). Кейин конвертордаги суюқ металл сатҳига 300—800 мм етмаган ҳолда фурма найча туширилиб, у орқали 0,9—1,4 МПа (9—14 кг/см<sup>2</sup>) босимда кислород ҳайдалади. Шуни қайд этиш жоизки, кичик конверторларда кислород ҳайдовчи фурма




12-расм. Кислород конверторининг тузилиши (а) ва ишлаши (б):


- 1 — конвертор;
- 2 — футеровка;
- 3 — кислород ҳайдаш фурмаси;
- 4 — оғиш;
- 5 — ўқи

учлик соплоси бигта бўлса, катталарида 2—4 та бўлади. Юқори температура шароитида (2000—2400°C) фирмা материали эримаслиги учун унинг ҳавол деворидан 0,6—1,0 МПа (6—10 кг/см<sup>2</sup>) босимда совуқ сув ўтказиб турилади (бунда фирманинг ҳавол деворидан ҳар минутда 4000—5000 л сув ўтади).



**Конверторда кечадиган жараёнлар.** Суюқ металл сатҳига ҳайдалаётган кислороднинг бир қисми металлга ўтиб, қолгани ванна сиртига тарқалади. Унга ўтган қисми металлни шиддатли аралаштириб оксидлай бошлайди (13-расм). Бунда кислород аввало темир билан реакцияга киради:



Ҳали металл температураси пастроқлиги сабабли оксидланганда иссиқлик ажратувчи элементлар металлдаги  $[\text{FeO}]$  кислород билан оксидланади.



Ҳосил бўлаётган оксидлар эса ўзаро бирикib шлак ҳосил этади:



Кўпинча юқоридаги реакцияларни тезлатиш мақсадида печга маълум микдорда темир руда киритилади ёки фирмা орқали ҳайдалувчи кислород микдори оширилади. Печдаги температура (1700°C) кўтарилиганда углероднинг шиддатли оксидланиши ва темирнинг қайтарилиши боради:




Пуфак тарзида ажралаётган газ ( $\text{CO}$ ) металл ваннани аралаштириб таркиби ва температураси текисланиши билан заарли газлар ( $\text{N}_2$ ,  $\text{H}_2$ ,  $\text{O}_2$ ) дан ва нометалл материаллардан деярли тозаланади. Шуни таъкидлаш жоизки, бир-бири билан контактда бўлиб, ўзаро аралашмайдиган суюқ фазалар (металл ва инлак) ва уларда эриган бирикмалар, жумладан,  $\text{FeO}$  айни температура шароитида ҳар иккала суюқликда маълум

\* Металда эриган компонентлар ўрта қанс [ ] га, шлакда эриганларини эса кичик қанс ( ) га олинган.

нисбатда тақсимланади. Бунда унинг тақсимланиши айни температурада констант бўлади:

$$L_{FeO} = \frac{FeO\text{ шлакда}}{FeO\text{ металда}} = \text{const.}$$

Жараён даврида шлак таркибида FeO миқдори ўзгарса, металл ваннада ҳам FeO миқдори ўзгаради. FeO нинг металлдаги Si, Mn, P лар билан реакцияяга кириши ҳақида юқорида қайд этилган эди. Фосфор ангидриди ( $P_2O_5$ ) ҳам FeO сингари шлакда ва металлда эриб тақсимланади:



13-расм. Конверторда жараён кечётганда элементларнинг оксидланиш графиги

$$L_{P_2O_5} = \frac{P_2O_5 \text{ шлакда}}{P_2O_5 \text{ металда}} = \text{const.}$$

Юқори температура шароитида шлакдаги фосфор ангидридан P углерод билан қайтарилиб металлга ўтиши мумкин. Шу боисдан бу зарарли элементни шлакда сақлаш учун ваннага маълум миқдорда яна оҳактош киритилади. Бунда  $P_2O_5$  билан оҳак бирикаб металлда эримайдиган бирикма ҳосил этиб шлакка ўтади:



Металлда эриган [FeS] нинг деярли кўп қисми эса шлакдаги (CaO) билан реакцияяга кириб (CaS) тарзida шлакка ўтади:



Демак, шлакда CaO қанча кўп бўлиб, FeO кам бўлса, пўлат зарари P ва S элементлардан шунча яхшироқ тозаланади.

Конверторга кислород ҳайдашни тўхтатиш вақтини конвертордаги пўлатдан намуна олиб, таркиби экспресс лабораторияда кузатиш орқали аниқланади. Намуна олиш учун конверторга кислород ҳайдаш тўхтатилиб конвертор зарур бурчакка бурилади. Агар бунда С миқдори кўп бўлса, яна маълум вақт кислород ҳайдалади. С миқдори кутилганидан камроқ бўлганда пўлатни ковшга чиқаришда ферросплав киритилиши билан FeO дан Fe қайтарилиб, углеродга тўйинтирилади. Одатда 250 т ли конверторда йилига 1200 минг тонна пўлат олинади.

Конверторларнинг иш унумини ошириб, сифатли пўлатлар олишда катта ҳажмли (450–500 т), ўқи атрофига айланадиган конверторлар-

дан фойдаланиш, ҳайдаладиган кислороднинг босимини ошириш ҳамда жараённи бошқаришда автоматик тизимлардан фойдаланиш катта самара беради.


### **3-§. Мартен печларида пўлатлар ишлаб чиқариш усуллари**

Юқорида қайд этилганидек, конверторларда пўлат ишлаб чиқариш усулларини камчиликлардан холироқ, этиш борасидаги изланишлар мартен усулининг яратилишига олиб келди. Бу усул XIX асрнинг иккинчи ярмida яратилди (Россияда дастлабки мартен печи 1869 йилда Сормово заводида инженер А.А. Износков ва уста Я.И. Плечковлар томонидан қурилган бўлиб, унинг сифими 2,5 т бўлган, холос). Замонавий печларнинг сифими 200—900 т оралиғида бўлиб, уларда қаттиқ ёки суюқ чўяндан ва уларнинг ломлари ва бошқа чиқиндилардан углеродли, кам ва ўртача легирланган конструкцион пўлатлар олиниади.

**Мартен печининг тузилиши ва ишлаши.** Мартен печи алангали регенераторли печь бўлиб, унинг энг муҳим қисми иш бўшлиғи (камераси)дир. Асосли печлар кўп тарқалган бўлиб, унинг деворлари магнезит ғиштидан терилиб, таглиги магнезит кукуни (кислотали печларда эса деворлари динас ғиштидан терилиб, таглиги кварц кукуни) билан қопланади. Печнинг сирти пўлат лист билан қопланади, пухталигини ошириш учун бўйига ва кўндалангига тортилган пўлат арматуралар билан маҳкамланади. Печнинг олд деворида шихта материалларини камерага юклаш (намуна олиш) учун дарчалари бўлади. Печнинг ишлаш даврида бу дарчалар маҳсус тўсқич билан беркитилади, иш жараённинг бориши эса уларнинг бирига ўрнатилган маҳсус ойна орқали кузатилади.

Печнинг таглиги орқа девори томон қияроқ бўлиб, девор тешигига ўрнатилган навлардан пўлатни ва шлакни равон ва тўлароқ чиқишини таъминлайди.

Печнинг ён деворларида қиздирилган табиий ёки домна газ аралашмаларини ва ҳавони унинг иш бўшлиғига киритувчи каллаклари бўлади. Каллакларига горелка, мазутда ишлаганида эса форсунка ўрнатилади. Печнинг олд қисмida эса пол сатҳидан анча пастроқда жуфт регенератор 8, 9 ўрнатилади. Бу регенераторлар билан печнинг иш бўшлиғи оралиғида «шлаковик» деб аталувчи камералари бўлиб, улар ўзаро боғланган бўлади ва печни ишлашида газлар билан эргашиб чиқаётган чанг ва шлак томчилари унга ўтади (бу қисм расмда кўрсатилмаган) (14-расм). Металлургия заводларда кўпроқ 250—500 т ли печлар тарқалган бўлиб, уларнинг таглик юза ўлчами  $\sim 20 \times 6 \text{ м}^2$  бўлади. Одатда, бу печларда 400—600 марта пўлат олингач, улар капитал таъмирланади.



**14-расм. Мартен печининг схемаси:**

1 — суюқлантирилган металл; 2 — шлак; 3 — печь шипи; 4 — печнинг туби; 5 — печнинг орқа девори; 6 — печнинг олд девори; 7 — шихта киритиладиган дарча; 8 — газ регенераторлари; 9 — ҳаво регенераторлари; 10 — сиртқи иш сатхи; 11 — печга ҳайдалувчи ҳаво киритиладиган ва ёниш маҳсулотлари чиқариб юбориладиган каналлар; 12 — печга ҳайдалувчи газ киритиладиган ва ёниш маҳсулотлари чиқариб юбориладиган каналлар; 13 — клапан; 14 — мүри; 15 — сув билан совитиб турилувчи кислород формаси

**Печни ишга тушириш.** Аввало печни ишга яроқлилигига ишонч ҳосил этилгач, печь бўшлиғига шихта материаллари (суюқ ёки қаттиқ чўян, пўлат ва чўян чиқиндилари, темир руда, флюс ва ферро қотишмалари) маълум тартибда киритилгандан кейин, унинг ўнг томондаги каллаклари каналларига маълум босим остида қиздирилган ёнувчи газ ва ҳаво юборилади, у ерда булар аралашиб ёнади. Юқори температурали аланганинг узун машъали ўз йўлида шихта материалларини, печь деворларини қиздира бориб, қарама-қарши томондаги симметрик ўрнатилган каналлари орқали совук регенераторларнинг катак-катак терилган каналларидан ўтиб, деворларини қиздира боради. Уларнинг деворлари 1250—1280°C температурагача қизигач, уларнинг бирига совук газ, иккинчисига совук ҳаво ҳайдалади. Улар қиздирилган регенератор катакларидан ўтиб 800—900°C гача қизигач, у ердан ўз каллак каналлари орқали печь камерасига ўтиб алангланиб ёнади. Унинг

машъали энди чапдан ўнгга қараб шихта материалларини қиздириб, қарши томондаги каллақлар орқали совиган жуфт регенераторларга ўтади ва уларни қиздира боради. Печнинг ишлашида заруриятга кўра (— ҳар 10—15 минутда) газ ва ҳаво йўналиши клапанлар 13 орқали автоматик равишда бошқарилади. Агар мазут ишлатилса, фақат ҳаво-ни қиздириш регенераторигина бўлади.

Асосли мартен печларда пўлатлар ишлаб чиқариш шихта таркибига кўра скрап-рудали, скрап ва рудали усулларда олиб борилади.

Куйида кўпроқ тарқалган усуллар баён этилади:

1. **Пўлатларни скрап-рудали усулда ишлаб чиқариш.** Бу усулдан домна печлари бўлган пўлат ишлаб чиқарувчи металлургия комбинатларида фойдаланилади. Бунда шихтанинг 60—80% қайта ишланадиган суюқ чўян, 20—40% скрап (темир-терсак), шунингдек металл массасининг 15—20% ҳисобида темир руда ва 5—10% оҳактошдан иборат бўлади. Печни ишга туширишдан аввал унинг иш қисмининг ишга яроқлилиги кузатилади. Башарти аввалги ишловларда ёрилган, емирилган жойлари бўлса, бу жойлар маҳсус машина ёрдамида магнезит қукунлари билан таъмирланади. Кейин печнинг пўлат ва шлак чиқариладиган тешиги ўтга чидам тиқин билан беркитилади. Печга шихта материаллари олди деворидаги юклаш дарчалари орқали мульда деб аталувчи металл яшик ёрдамида аввало темир-терсак, темир руда, оҳактош юкланди, улар обдон қиздирилгач, печга қайта ишланувчи чўян қуйилади. Суюқ чўян таркибидаги Si, Mn, P ва қисман C лар асосан темир руда кислороди билан оксидланади ва бу оксидлар оҳак билан реакцияга киришиши оқибатида шлак ажрала бошлайди. Агар металл ваннадаги оксидланиш жараёнини тезлатиш ва металлни керакли температурагача қиздириш зарур бўлса, печга яна маълум миқдорда темир руда киритилади ёки маҳсус трубка орқали кислород ҳайдалади. Ванна температураси деярли кўтарилгач, углерод шиддатли оксидлана бошлайди. Бунда металл ванна аралашиб, бамисоли қайнайди. Бунда ваннадаги N<sub>2</sub>, H<sub>2</sub> ва бошқа газлар ажралиши билан металл нометалл материаллардан тозалана боради ва таркиби анча текисланади. Металлдаги зарарли S ни тўла-роқ шлакка ўтказиш учун печдан шлак чиқарилгач, унга маълум миқдорда боксит ёки кальций фторит (CaF<sub>2</sub>) қўшилган оҳактош киритилади. Бунда металл ваннадаги FeS дан темир қайтарилиб, олtingугурт CaS тарзида шлакка ўтади. Кейин эса ваннадаги FeO дан Fe ни қайтариши учун масалан, ферромарганец ёки бошқа қайтарувчилар, зарур бўлса маълум миқдорда легирловчى элементлар ҳам киритилади. Жараён охирларида вақти-вақти билан ваннадан металл намуналар олиб, таркиби ва хоссалари экспресс лабораторияда кузатиб борилади. Пўлат кутилган таркибига келгач, нов тешиги очилиб металл ковшга чиқарилади. Бу усулда темирнинг темир рудадан қайтарилиши ҳисобига пўлат миқдори 2—3% ортади.

**2. Пўлатларни скрап усулида ишлаб чиқариш.** Домналари бўлмаган кичик металургия ва машинасозлик заводларида бу усулдан фойдаланилади. (Одатда, печлар ҳажми 100 т гача бўлади). Бунда шихтани 65—75% и скрап (темир-терсак), 25—35% и қайта ишланадиган қаттиқ чўян, шунингдек металл массасининг 5—6% и ҳисобида оҳактошдан иборат бўлади.

Пўлатларни ишлаб чиқариш жараёни юқорида кўрилган скрап-рудали усулга ўхшаш кечади.

Печни ишга туширишдан аввал унга майда пўлат чиқинди (скрап) ларнинг ярми, кейин металл массасининг 3—5% ҳисобида оҳактош, сўнгра эса қолган пўлат чиқиндилари ва қаттиқ чушка деб аталувчи чўян киритилади. Шихта тўла суюқлангач, печь газларидаги ва металлда эриган FeO нинг кислороди ҳисобига Si, Mn, P лар оксидланади ва ҳосил бўлаётган  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{MnO}$ ,  $\text{P}_2\text{O}_5$  оксидлар ўзаро ва  $\text{CaO}$  билан бирикиб, шлак ҳосил бўлади. Ванна температураси зарур даражагача қўтарилигач, углерод жадал оксидланиб, металл бамисоли қайнати оқибатида газлардан, шунингдек нометалл қўшимчалардан тозалана боради. Шуни қайд этиш жоизки, темир оксидларидан Fe ни қайтариш муҳим давр ҳисобланади, чунки пўлатда темир оксидининг кўп бўлиши, уни механик ишлаганда ва айниқса, қиздирилганда синувчан қиласи. Шу боисдан пўлатни ундан деярли тозалаш учун ваннага маълум миқдорда темирга нисбатан кислородга яқинроқ бўлган элементлар (ферромарганец, ферросилиций ва алюминий) бўлаклари ёки унинг кукунлари киритилади. Бунда қуйидаги реакциялар боради:



Ҳосил бўлган оксидлар пўлатда эримай, осонгина  $n\text{SiO}_2 \times m\text{FeO} \times k\text{MnO}$  бирикмалар ҳосил қилиб, шлакка ўтади. Пўлат кутилган таркибга келгандан кейингина ковшга чиқарилади. Пўлатларни темир оксидлардан қайтарилиши даражасига қараб тўла қайтарилиган, қайтарилимаган ва чала қайтарилиган хилларга ажратилади.

**Тўла қайтарилигандан пўлатлар.** Бу пўлатлардан қўймалар олишда пўлат аввало печда ферромарганец билан, кейин эса ковшда ферросилиций ва алюминий билан қайтарилилади. Шу боисдан бу пўлатларда темир занг жуда оз бўлади. Маълумки, қолилга қуйилган пўлат совиганда ҳажми кириша боради. Шу боисдан қуйманинг юқори қисмида киришиш бўшлиги ҳосил бўлиб, унинг атрофида газ говаклари ҳам бўлади. Булар, кейин кесиб ташланади. Бу қуймаларнинг кимёвий таркиби текис бўлиб, сифати юқори, лекин нархи қимматроқ бўлади. Улардан муҳим деталлар тайёрлашда фойдаланилади.

**Қайтариlmаган пўлатлар.** Бу пўлатлардан қўймалар олишда пўлат печда фақат ферромарганец билан қайтарилади. Қолипга қўйилганда эса FeO дан Fe углерод ҳисобига қайтарила боради:



Бунда ажралаётган CO гази пўлатни аралаштиради. Қўйма қотганда ташқарига чиқишга улгурмаган газлар пуфаклар тарзида қўймада қолади ва ҳажми бўйлаб ғоваклик беради. Бундай қўймаларда киришиш бўшлиги бўлмайди. Шу боисдан қўймаларнинг сифати тўла қайтариlgан пўлат қўймалардан анча пастроқ, кимёвий таркиби нотекисроқ бўлади ва ёмонроқ пайвандланади. Шунинг учун улардан масъулияти пастроқ деталлар тайёрлашда фойдаланилади.

**Чала қайтариlgан пўлатлар.** Бу пўлатлардан қўймалар олишда пўлат печда ферромарганец ва қисман ферросилиций билангина қайтарилади. Шу боисдан улар чала қайтариlgан пўлатлар дейилади. Уларнинг хоссалари тўла қайтариlgан ва қайтариlmаган пўлатлар оралиғида бўлади.

Металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилаётган қўймаларнинг 55% тўла қайтариlgан, 40% қайtариlmаган ва қолган 5% гина чала қайtариlgан пўлатларга тўғри келади. Агар юқори сифатли легирланган пўлат олиш зарур бўлса, суюқ металл ваннасига маълум миқдорда легирловчи элементлар ёки уларнинг ферро қотишмалари (масалан, феррохром, ферротитан) киритилади. Бунда печга Fe га қараганда кислородга яқин бўлмаган легирловчи элементлар (масалан Ni, Cu, Mo, Co ва бошқалар шихта материаллари билан), темирга нисбатан кислородга яқин элементлар (масалан, Si, Mn, Al, Cr, V, Ti ва бошқалар) эса металл таркибидаги FeO дан Fe қайtарилади ёки қайtarувчилар билан киритилади.

Саноатда ишлаб чиқарилаётган пўлатларнинг 16—18% ини легирланган пўлатлар ташкил этади. ГОСТ бўйича углеродли ва легирланган пўлатларнинг 1500 дан ортиқ маркалари бор. Шуни қайд этиш лозимки. Бекободдаги металлургия комбинатида турли маркали углеродли пўлатлар скрап вариантда ишлайдиган печларда олинади. У ерда юз тоннали учта мартен печи табиий газда мунтазам равишда ишлаб турибди.

**Кислотали мартен печларда пўлат ишлаб чиқариш.**

Бу усулдан юқори сифатли конструкцион ва легирланган пўлатлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

**Печнинг тузилиши.** Бу печлар асосли мартен печининг тузилишига ўхшаш бўлиб, девори эса ўтга чидамли динас фиштидан терилади. Лекин бу ҳол эритилаётган шихтадаги P ва S ни тозалаш учун флюс сифатида оҳактошни печга киритишга имкон бермайди. Шу сабабли фақат таркибида 0,02—0,03% дан ортиқ P ва S бўлмаган тоза шихтлар ишлатилганда фойдаланиш керак. (Амалда кўпинча пўлат олишда

одатдаги шихта асосли печда, кейин кислотали печда ишланиб кутилган таркибли, сифатли пүлатлар олинади).

**Печнинг ишлаши.** Печга киритилган шихта материаллари суюқла наётган вақтдан бошлаб унинг таркибидаги Fe, Si, Mn, P элементларнинг оксидланиши печь газлардаги кислород ва темир руда кислороди ҳисобига боради. Ҳосил бўлган оксидлар ўзаро бирикib дастлабки, юқори кремнийли ( $40\text{--}60\%$   $\text{SiO}_2$ ) шлак ажралади ва металл сиртига кўтарилиб, уни печь бўшлиғидаги азотга, водородга ва кислородга тўйинишдан сақлайди. Бу печларда пўлат олишнинг хусусияти шундан иборатки, биринчидан шихтада P ва S лар миқдорининг озлиги бўлса, иккинчидан  $\text{FeO}$  да  $\text{Fe}$  қайтарувчи моддалар билан эмас, балки юқори температурада шлакдан ҳамда печь деворидан углерод ҳисобига қайтарилаётган Si билан қайтарилади. Бу печларда олинган пўлат асосли печларда олинган пўлатларга қараганда азотга, водородга, кислородга кам тўйинган бўлиб, таркибида металлмас қўшимчалар миқдори деярли кам бўлади. Шунинг учун ҳам бу пўлатлар юқори механик хоссаларга эга бўлади. Бу пўлатлардаги айниқса, зарбий қовушоқлик ва пластикликнинг юқорилиги улардан муҳим деталлар, жумладан, тирсакли валлар, турбина роторлари, шарли подшипниклар тайёрлашда кенг фойдаланиш имконини беради.

#### **4-§. Мартен печлар ишининг техник-иқтисодий курсаткичлари ва уларнинг умумдорлигини ошириш йўллари**

Мартен печларининг иш унуми печь таглигининг ҳар бир квадрат метр юзасидан бир суткада олинган пўлат ва уни олишга сарфланган шартли ёқилғи миқдори билан белгиланади. Ҳозирги вақтда печь тубининг ҳар бир  $\text{m}^2$  юзасидан бир суткада ўртacha 8—12 т гача пўлат олиниб, ҳар бир тонна пўлат учун 80—100 кг гача шартли ёқилғи сарфланади. Мартен печларида турли маркали кам ва кўп углеродли, кам ва ўртacha легирланган сифатли пўлатлар олиниши унинг афзаллиги бўлса, жараённинг узоқ вақт давом этиши (8—10 соат) ва ёқилғининг кўп сарфланиши, пўлатда қисман эриган газлар бўлиши, S ва P дан тўла кутула олмаслик ва бошқалар эса унинг камчилигидир.

Печларнинг иш унумини оширишда шихта материалларини суюлтиришга саралаб яхшилаб тайёрлаш, уларни печга юклашни механизациялаштириш, жараённи автоматик бошқариш, айниқса, табиий газ ва кислороддан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Тажрибалар шуни курсатадики, печга ҳайдалаётган ҳавонинг 30% кислородга тўйинтирилса, жараённинг тезлашиши ҳисобига иш унуми 20% га ортиб, ёқилғи сарфи 10—15% га камаяди.


Кейинги йилларда юқори сифатли арzonроқ пўлатлар олишида пўлатларни аввал асосли мартен печда олиниб, кейин эса уларни кислотали печда қайта ишлаш усуулларини қўллаш яхши самара бермоқда. Шу

билин бир қаторда печлар конструкцияси такомиллашмоқда. Жумладан, икки ваннали мартен печларида ҳам пўлатлар ишлаб чиқарилмоқда.

### 5-§. Икки ваннали мартен печларида пўлат ишлаб чиқариш

Кузатишлар шуни кўрсатадики, одатдаги мартен печларининг иш бўшлиғида ажралаётган иссиқликнинг 20—25% игина шихта материаллари ва шлакни қиздиришга сарфланса, 50—55% печь газлари билан, 20—25% эса сув билан совитилувчи ўтга чидамли гиштдан терилган деворларга ўтади. Шу боисдан, иссиқликдан тўлароқ фойдаланиш икки ваннали печларнинг яратилишига олиб келади (Собиқ СССР да 1965 йилдан бошлаб икки ваннали мартен печларидан Магнитогорск, Череповецк ва бошқа металлургия комбинатларида фойдаланилмоқда).

**Печнинг тузилиши.** Бу печлар деворлари асосли мартен печлар сингари магнезит ёки доломит гиштлардан терилиб, сиртидан пўлат лист билан қопланган. Печнинг иш бўшлиғи сув билан совитиб туриладиган ўтга чидамли тўсиқ 7 билан «А» ва «Б» тент қисмларга ажратилган (15-расм). Печь шипи эса ажратиладиган қилинади. Печда эритилган пўлат ва шлак орқа деворидаги новлардан чиқарилади. Унинг мартен печи сингари регенераторлари йўқ. Иш бўшлиғидаги газлар шлаковик деб аталувчи қисмидан мўри борқали иситгич қурилмаларга юборилади. Печнинг «Б» қисмига киритилган шихта (металл темир-терсак, руда ва оҳактош) газ горелка алангасида қиздирилиб эритилади. Бу вақтда «А» қисмдаги эритилган суюқ металл сатҳига фурма 2 орқали кислород ҳайдаб турилади. Бунда ажралаётган CO гази «Б» қисмига йўналтирилади ва у ерда у тўла ёнади. Натижада ванна температураси кўтарилиб жараён тезлашади, бинобарин иссиқликдан фойдаланиш ҳажми ортади. «А» ваннадаги металл куттилган таркибга келганда у ва шлак ўз новидан ковшга чиқарилади. Сўнгра бу қисмга қаттиқ



15-расм. Икки ваннали мартен печнинг ишлаш схемаси:

- 1 — горелка; 2 — кислород формаси;  
3 — суюқлантирилган металл;  
4 — шлак; 5 — қаттиқ шихта;  
6 — мўри; 7 — тўсиқ

шихта материаллари юкланадида, горелка 1 алангасида қиздирилиб эритилади.

Бу вақтда суюқ металл сатқига фирмә 2 орқали кислород ҳайдаб туриласи. Бунда ажралган газлар «Б» қисмга йўналтирилади ва у ерда тұла ёнади. Натижада ванна температураси күтарилиб, жараён тезлашади ва шу йўсинда жараён яна такрорланаверади.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган пўлатларнинг 80% и ҳозирда конвертордаги суюқ чўян сатқига кислород ҳайдаш ва мартен печларда олинмоқда. Бунинг боиси уларнинг техника-иқтисодий кўрсаткичидадир. Куйидаги жадвалда бу усуllibардан бирининг иккинчисига нисбатан самаралилиги келтирилган.

8-жадвал

Ишлаб чиқариш усуllibарни	Бир соатдаги иш унумдорлиги, т.	Иссикликдан фойдаланиш коэффициенти, %	Шихтада темиртерсаклардан фойдаланиш, %
Конвертордаги суюқ чўян сатқига кислород ҳайдаш усулида	400—500	30	20—25
Скреп-рудали усульда ишлайдиган мартен печларда	70 гача	50	40—50
Иккى ванияни мартен печларда	200—300	70	40—45

### 6-§. Электр печларда пўлат ишлаб чиқариш

Мартен печларда олинган пўлатларда бирмунча печь газлари, но-металл қўшимчаларнинг борлиги, кўплаб легирланган асбобсозлик, коррозияга ва ўтга чидамли пўлат олинишининг чекланганлиги, печь конструкциясининг мураккаблиги, шунингдек юқори пухталикка эга бўлган маҳсус хоссали пўлатларга бўлган эҳтиёжнинг борган сари ортиши янада такомиллашган усуllibар устида изланиш олиб боришга унади. Юқорида қайд этилганидек, XIX асрнинг охири XX аср бошларида электр печлардан фойдаланила бошланди. Бу печлар тузилишининг одийлиги, ток параметрини ўзgartариши билан печь температурасининг ростланиши, турли мухитларда ва вакуумда ишлаши ҳамда арzon шихта материаллардан юқори сифатли, маҳсус хоссали пўлатлар олиниши каби афзалликларга эга.


Электр печлар иккى гуруҳга ажратилади:

1. Электр ёйли печлар. 2. Индукцион электр печлар. Куйида бу печларнинг тузилиши, ишлаши ва уларда пўлат ишлаб чиқариш технологияси ҳақида маълумотлар келтирилган.

## 7-§. Электродлари вертикал ўрнатилган электр ёй печларда пўлат ишлаб чиқариш

16-расмда саноатда кенг қўлланиладиган кумир графит электродлари вертикал ўрнатилган уч фазали ўзгарувчан токда ишловчи печнинг схемаси келтирилган. Бу печлар деворлари магнезит ёки хромагнезит фиштидан терилган бўлиб, сиртидан пўлат лист билан қопланган. Печнинг шил қисми 6 ва таглиги 9 сферик шаклда бўлиб, сегментлари орқали роликларга таянади (кatta ҳажмли 70—200 т печлар шихтани юклашни осонлаштириш мақсадида шили ажраладиган ёки суриласидиган қилиб курилади). Шихта печга маҳсус машина (бадъя) билан киритилади. Кичик ҳажмли (30 т гача) печларнинг ён деворидаги дарчаси 7 орқали унга шихта материаллари маҳсус механизм билан киритилади. Эритилган пўлат унинг тешиги 2 га ўрнатилган нови 1 орқали ковшга чиқарилади. Бунинг учун маҳсус гидравлик ёки электр юритгич механизм ёрдамида уни тешик 2 томон 40—45° га, шлакни чиқариш учун эса дарчаси 7 томон 10—15° га бурилади, иш жараёнида эса бекитгичлар билан беркитилади. Печь бўшлиғига ўз тутқичларига ўрнатилган графит электродларни 5 маҳсус механизм билан шил тешиклари орқали заруриятга кура тушириш ёки кўтариш автоматик бошқарилади. Электродлар диаметрлари печь ҳажмига қараб 200—600 мм, узунлиги эса 3 м га етади. Одатда шихта материаллари пулат ломлар, чуюн, темир руда, флюс ва ферро қотишмалардан иборат бўлади. Флюс сифатида, асосли печлардагидек, одатдаги оҳактошдан, кислотали печларда кварцдан фойдаланилади.

Шуни қайд этиш жоизки, қайта эритилувчи металл лом шихтанинг 85—90% ҳамда чуюн 5—10% ини ишғол этиши билан S ва P дан тоза бўлиши лозим. Акс ҳолда пўлатни тозалашда кўпгина электр энергия сарфланади. Бу ҳол пўлат нархини кескин кўтаради. Маълумки, печда ҳаво, кислород ҳайдалмаслиги са-



**16-расм. Электродлари вертикал ўрнатилган электр ёй печининг схемаси:**

- 1 — нов; 2 — металл чиқариш тешиги;
- 3 — электрод тутқич;
- 4 — трансформаторнинг иккиласи чулғами;
- 5 — электродлар; 6 — печь шили;
- 7 — шихтани юкловчи дарча;
- 8 — сегментлар; 9 — таглик

бабли құшымчаларни оксидлаш учун печга маълум миқдорда руда киритилади.

**Печни ишга тушириш.** Даставвал печга шихта юкланиб унга электродлар туширилади. Трансформатордан әгилувчи мис кабеллар орқали пең җәммиға қараб кучланиши 100—600 вольтли 1—10 кА гача бўлган электр токи юборилади, электродлар билан шихтанинг металл қисми орасида электр ёй ҳосил қилинади. Ёй иссиқлиги (~ 3500°C) таъсирида шихта қизиб, тезда эрийди. Шуни қайд этиш лозимки, кўмир электродлар ёнгани сари ёй узунлиги маҳсус қурилма билан автоматик ростланиб боради. Зарур бўлса, янги электродлар резьба ҳисобига бураб узайтирилади. Шихтанинг тозалик даражасига кўра пўлат қўйидаги усуулар билан олинади:

1. Қўшымчаларни тўла оксидлаш билан. 2. Қўшымчаларни қисман оксидлаб ва оксидламасдан.

**1. Қўшымчаларни тўла оксидлаш билан пўлат олиш.** Бу усуулдан таркибида заарли қўшымчалар кўп бўлган, арzon шихта материаллари (88—90% гача пўлат чиқиндилари, 7—8% гача қайта ишланадиган чўян, 2—3% электрод синиклари ва 2—3% оҳактош) ишлатилганда фойдаланилади. Печда борувчи жараёнларни қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Шихта материалларини пеңга юклаш. Бунда пеңга шихта материалларининг дастлаб майда, кейин эса йирик темир-терсак чиқиндилари, қайта ишланадиган чўян ва оҳактошлар киритилади.

Шихта материалларини суюқлантириш. Шихтанинг металл бўлаклари устига электродлар тушириб, зарур ток ростлагич, ток занжири уланиб электр ёйи ҳосил этилади (кўпинча ёйнинг барқарор ёниши учун ҳар бир электрод тагига йирик кокс бўлакчалари ҳам қўйилади). Ёй атрофида ҳосил бўлган юқори температурали зона таъсирида шихта материали қисқа вақт ичida суюқланади.

**Қўшымчаларни оксидланиши ва шлакнинг ажralishi.** Шихта материалларининг суюқланиши вақтида темир руда ва пең атмосфера кислороди ҳисобига аввал Fe оксидланиб, ҳосил бўлган FeO металл ваннада эриши натижасида ажралаётган кислород Si, P, Mn ва қисман C ни оксидлай бошлайди. Ҳосил бўлган оксидлар ( $\text{SiO}_2$ ,  $\text{P}_2\text{O}_5$ , FeO ва MnO) ўзаро ва CaO билан бирикиб, асосли шлак ҳосил қиласди. Бу шлак таркибида 40—50% CaO, 15—20% FeO бўлади.

Маълумки, юқори температурада шлақдаги темирнинг фосфорли ( $\text{FeO})_3\text{P}_2\text{O}_5$ ) бирикмаси парчаланишида ажралган  $\text{P}_2\text{O}_5$ дан фосфор углерод ҳисобига қайтарилиши, яна у металл ваннага ўтиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун ҳали пең температураси у қадар кўтарилиб месданоқ бу шлакни пеңдан чиқариб туриш ёки уни шлакда барқарор бирикма ҳолида сақлаш учун пеңга яна оҳактош киритиш лозим. Бунда P ва S нинг шлакка ўтиши мартен пеңлари сингари боради. Пўлат кутилган таркибига яқинлашиши биланоқ бирламчи шлак пеңдан

чиқарилиб, иккиламчи мұхим босқич, яъни углероднинг шиддатли оксидланиши бошланиши учун ваннага маълум миқдорда темир руда киритилади. Бунда ваннада ажралаётган CO гази суюқ металлни аралаштириб, уни газлар ва металлмас қўшимчалардан деярли тозалайди. Агар ваннадан олинган намуна текширилганда унинг таркибидаги фосфор ва углерод миқдори кутилганидан ортиқ бўлса, иккиламчи шлак ҳам печдан чиқарилиб ваннага маълум миқдорда яна оҳактош ва темир руда киритилади.



Купинча иккиламчи, зарур бўлса, учламчи шлак печдан чиқарилган металлдаги фосфор миқдори 0,01% гача камаяди.

Агар металлни қисман углеродга тўйинтириш зарур бўлса, ваннага маълум миқдорда электрод парчалари ёки кокс, баъзан эса писта кўмирда суюқлантирилган тоза чўян киритилиб, печь дарчалари бир неча минут беркитилиб углерод миқдори кутилган таркибга етказилади.

Пўлатдаги FeO дан Fe ни қайтариш ва уни олтин-гугуртдан тозалаш. Бунинг учун ваннадаги шлак сиртига маълум миқдорда қайтарувчи моддалар (ферромарганец, ферросилицийлар) кукуни киритилади. Бунда металлдаги FeO дан Fe қайтарилади. Шуни таъкидлаш зарурки, металлдаги FeO дан Fe ни қайтарилиш даражаси ортган сари шлак ранги оқара бошлайди. Оқ шлак таркибида 55—60% CaO, 0,5% гача FeO бўлади. Ўта қизиган шлакдаги углерод оҳак билан реакцияга киришиб, кальций карбид ҳосил қиласи:



Таркибida CaO борлигига металлдаги FeO ва MnO дан Mn нинг қайтарилишига қулай шароит туғилади:



Бу жараён 0,5—1 соат давом этади. Шлак совитилганда оқ кукун тарзида қотади. Жараён давомида ваннадан намуна учун металл олиниб, кимёвий таркиби кузатилади. Агар легирланган пўлатлар олина-диган бўлса, ваннага маълум миқдорда легирловчи элементлар ёки уларнинг қотишмалари киритилади, 15—20 минут сақлангандан сўнг ковшга чиқарилади.

**2. Қўшимчаларни қисман оксидлаб ва оксидламасдан пўлат ишлаб чиқариш.**

Агар шихта таркибida қўшимчалар миқдори йўл қўйилган даражадан деярли ортиқ бўлмаса, қисман оксидлаш усули қўлланилади. Қисман оксидлашда шихта материаллари суюқланишида Si, P, Mn, C лар асосан FeO кислороди ҳисобига оксидланиши биланоқ шлак ажрала бошлайди, сўнгра металлдаги FeO дан Fe қайтарувчилар ёрдамида қайтиради, зарур бўлса легирланади.

Тажриба шуни күрсатадыки, углеродли пўлатлар олишда ажралган шлак печдан чиқарилганда металлдаги фосфорнинг миқдори 50% гача камаяди. Қўшимчаларни оксидламасдан пўлат олишда эса фақат металл чиқиндиларигина қайта эритилади. Баъзан қайта ишланадиган металлардаги C, N<sub>2</sub> ва H<sub>2</sub> ларнинг миқдорини камайтириш мақсадида ваннага бир неча минут кислород ҳайдалади.

### 8-§. Кислотали электр ёй печларда пўлат ишлаб чиқариш

Кислотали электр ёй печлардан янада сифатли конструкцион ва легирланган пўлатлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Бу печларнинг деворлари кислота хоссали ўтга чидамли материалдан ишланганиги сабабли жараёнда флюс сифатида қум кислотали шлаклардан фойдаланилади.

Шихта материаллари таркибида P ва S нинг миқдори 0,03% дан кам бўлиши лозим.

Юқорида кўрилганидек, шихта материалларининг суюқланишида ундаги Fe, Si, Mn лар печь муҳитининг кислороди ҳисобига оксидланиб, металл оксидлари қумтупроқ билан бирикиб, шлак ажрала бошлиди. Бу шлакда 40—60% SiO<sub>2</sub>, 20—25% FeO, 20—25% MnO бўлиб, ранги қорамтирилганда жараённи тезлатиш мақсадида печга маълум миқдорда темир рудаси киритилади ёки кислород ҳайдалади. Бунда ваннада эриган FeO даги кислород углеродни шиддатли оксидлай бошлиди:



Ажралаётган ис гази (CO) металлни аралаштириб, уни газ ва нометалл материаллардан тозалай бошлиди. Углерод миқдори кутинган таркибга келгач, дастлабки шлак чиқарилиб, печга маълум миқдорда шлак ажратувчи аралашма (80% кварц қуми, 10% майдаланган шамот ва 10% сўндирилган оҳак) киритилади. Кейин эса металлдаги FeO дан Fe қайтарувчи моддалар билан қайтарилади.

Кўпинча шлакдаги SiO<sub>2</sub> дан Si ни қайтариш мақсадида ваннага маълум миқдорда писта кўмир кукуни киритилади. Бунда SiO<sub>2</sub> дан қайтарилган Si қўшимча равишда FeO дан Fe нинг қайтарилишини таъминлайди. Бу пўлатлар таркибида P ва S миқдорининг озлиги, FeO дан Fe нинг тўлароқ қайтарилганлиги, унда газлар ва нометалл қўшимчаларнинг камлиги туфайли, уларнинг сифати асосли электр печларда олинган пўлатларга қараганда анча юқори бўлади.

### 9-§. Электр ёй печларининг техник-иктисодий кўрсаткичлари

Электр ёй печларининг техник-иктисодий кўрсаткичи унинг иш унуми ва сарфланган электр энергияси миқдорига қараб аниқланади.

Одатда, электр ёй печларидаги (ҳажмига қараб) соатига 5—25 т пўлат олиниб, ҳар бир тонна пўлат учун 600—950 кВт соатгача электр энергияси сарфланади. Масалан, 100 т ли печда жараён 6—7 соат давом этади.


Электр печларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини оширишда кислороддан фойдаланиш, уларни электр майдонида ва вакуум камераларда ишлов жараёнини бошқаришда эса ЭХМ дан фойдаланиш ўз самарасини бермоқда.

### 10-§. Индукцион электр печларда пўлатларни ишлаб чиқариш

Индукцион электр печлардан юқори сифатли, зангламайдиган, ўтга чидамли ва бошқа махсус хоссага эга бўлган пўлат олишда фойдаланилади. Бундай печнинг тузилиши схемаси 17-расмда кўрсатилган. Схемадан кўринадики, печь ўзига хос ҳаво трансформатори бўлиб, унинг сув билан совитилиб турилувчи мис ўрамли / трубкаси (индуктори) бирламчи чулғам, ўтга чидамли материалдан ясалган идиш (тигель) га киритилган шихтанинг темир-терсаклари иккиласмичи чулғам вазифасини ўтайди.

Печь тигели асосли ёки кислотали ўтга чидамли материаллардан тайёрланади. Сифими эса 50—3000 кг оралиғида бўлади. Индукцион печларнинг ишлашида индукторига юборилувчи ток характеристига кўра юқори частотали (10—1000 Гц), ўртача частотали (500—1000 Гц) ва қўйи (саноат) частотали (50—60 Гц) токларда ишлайдиганларга ажратилади.

**Печни ишга тушириш.** Аввало шуни қайд этиш жоизки, бу печларда олинувчи пўлатлар таркибига яқин (Р ва S лардан тоза) шихта материаллари сарҳисоб асосида олиниб, улар тигелга устидан киритилади, қопқоғи ёпилади. Кейин индукторга зарурый частотали бир фазали ўзгарувчан ток юборилади. Бунда шихта индукторда индукторланган кучли юритма ток ажратган иссиқ таъсирида тезда қизиб, эрийди ва ҳосил бўлаётган оксидларнинг боришида шлак ажрала бошлайди. Асос печларда флюс сифатида маълум миқдорда оҳактош (кислотали печларда  $\text{SiO}_2$ ) га ойна синикларидан фойдаланилади. Ажралётган шлак металл сиртига ўтади. Шлак, ўз навбатида, металлни оксидланишдан ва атмос-



17-расм. Индукцион электр печнинг схемаси:


- 1 — тигель;
- 2 — индуктор;
- 3 — пўлат чиқариш нови;
- 4 — ковш;
- 5 — металл;
- 6 — индукцион ток;
- 6' — ўқ

фера газларидан ҳимоя этади. Шуни ҳам айтиш лозимки, индукторнинг электр майдони эса суюқ металлни шиддатли аралаштириб борувчи кимёвий реакцияларни тезлатиб, текис тартибли пўлат олишга, нометалл материалларни шлакка ўтказиб, температурасини текислайди. Жараён охирида печга FeO дан Fe ни қайтарувчи моддалар маълум миқдорда киритилади. Кутилган таркибли пўлат олишга эришилгач, уни нов 3 дан ковш 4 га чиқариш учун ўқи батрофида зарур бурчакка бурилади. Индукцион печлар электр ёй печларга қараганда фойдали иш коэффициентининг ва иш унумининг юқорилиги, электродларнинг йўқлиги, таркибида N<sub>2</sub>, H<sub>2</sub> газларнинг ва нометалл материалларнинг озлиги сабабли юқори сифатли, кам углеродли ва маҳсус хоссали пўлатлар олиниши каби афзалликларига эга. Бироқ шлак металлнинг иссиқлиги ҳисобига қизигани учун унинг температураси металлникидан пастроқлиги сабабли улар ўртасида шиддатли реакциялар бормайди. Шу боисдан металлдаги P ва S лардан кутилиш қийин кўчади.

Кислотали печларда эса FeO дан Fe нинг қайтарилиши аввал қайтирган Si билан, кейин эса тўлароқ ферросилиций ва алюминий билан олиб борилади.

### 11-§. Пўлат ишлаб чиқаришнинг истиқболли усули

Маълумки, одатдаги пўлат ишлаб чиқариш усулларида темир рудасидан чўян, чўяндан пўлат олишда кўплаб материал ресурслари талаб этилишидан ташқари ажralиб чиқётган чиқинцилар атмосферани бузади. Кейинги йилларда (собиқ СССР да ва бошқа давлатларда) пўлатни бевосита рудадан олиш устида изланишлар олиб борилди ва олинган натижалар асосида 1984 йилда Курск магнит аномалияси базасида Оскольск электр металлургия комбинати қурилди. 18-расмда бу комбинатда пўлатни бевосита темир рудаларидан олишнинг технологик схемаси келтирилган. Бунда темир руда майдаланиб, сув билан аралаштирилган концентрат (пульпа, 70% гача темир бор) Лебединск бойитиш комбинатидан труба 2 орқали фильтрли вакуум қурилма 3 га узатилиди. У ерда тиндирилиб, сувсизлантирилади. Кейин эса уни барабан 4 да боғловчи бентонитли гил билан аралаштириб, барабан 5 да узатилиб, окатишлар олинади. Окатишларни печь 6 га узатилиб, зарур температурада обдон қиздириладида конвейер билан қурилма 8 га узатилиди. Реформер 7 да аралаштирилган табиий ва колошник газлари 760°C температурагача қиздирилиб, 0,15 МПа босимда бу қурилмага юборилади. Бунда борувчи реакциялар натижасида окатишларда темирнинг миқдори 90—95% га ортади. Кейин улар ҳажми 150 т ли электр печь 9 га узатилиб, суюқлантириб, бегона қўшимчалардан тозалангач, унга маълум миқдорда тегишли элементлар киритилиб зарур таркибли пўлатлар олинади. Сўнгра бу пўлатни печдан ковшга, ундан куйиш машинаси 10 га қўйилиб, қўймалар олинади. Бу қўймалар ичъ



**18-расм.** Темир рудалардан пўлатни домнасиз олиш усулининг технологик схемаси:

1 — бойитилган концентрат; 2 — труба; 3 — вакуум фильтр;  
 4, 5 — барабан; 6 — печь; 7 — реформер; 8 — курилма; 9 — электр печь;  
 10 — куйиш машинаси; 11 — печь; 12 — прокат стани

11 да зарур температурагача қиздирилиб, маълум вақт шу температурада сақлангач, прокат стани 12 га узатилиб прокатланиб юқори сифатли маҳсулотлар олинади. Бу усулда йилига 4 млн т дан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, лекин бу усулнинг темирга ниҳоятда бой рудалар талаб этиши бу усулдан кенг фойдаланишга тўсиқ бўлмоқда.

#### 4-боб

### ПЎЛАТЛАРНИ ҚЎШИМЧАЛАРДАН ТОЗАЛАШ ВА ЖУДА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПЎЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛЛАРИ

#### 1-§. Умумий маълумот

Маълумки, электр ёй ва индукцион печларда олинган пўлатларда ос бўлса-да  $O_2$ ,  $H_2$ ,  $N_2$  газлари ҳамда нометалл қўшимчалар бўлади. (9-жадвалга қаранг). Улар металлянинг механик, технологик ва бошқа хоссаларини пасайтиради. Шу сабабли янада юқори сифатли пўлатлар олишда пўлатларни газлардан ва нометалл қўшимчалардан тозалаш муҳим аҳамиятга эга. Амалда пўлатларга қўйилган талабларга кўра улар вакуум камераларда, улардан инерт газлар ўтказиб ва синтетик шлак ёрдамида тозалашда кенг фойдаланилмоқда.

#### 9-жадвал


Пўлат ишлаб чиқариш шароити	Газлар ва нометалл қўшимчалар миқдори, %			
	$O_2$	$H_2$	$N_2$	нометалл қўшимчалар
Хаво мухитида	0,0193	0,003	0,0056	0,039
Вакуум мухитида	0,0019	0,0005	0,0028	0,0042

## 2-§. Пўлатларни қўшимчалардан тозалаш усуллари

**а). Пўлатларни вакуум камерада ишлаш.** Бу усулнинг бир неча хиллари бўлиб, булардан бири 19-расм, *а* да схематик кўрсатилган. Майтумки, ковшдаги металл босими пасайиши билан ундаги O<sub>2</sub>, H<sub>2</sub>, N<sub>2</sub> ва бошқа газларнинг эриши камая боради. Натижада ундан ажралаётган газлар ўзи билан нометалл қўшимчаларни ҳам эргаштиради. Демак, ковшдаги металлни газлардан ва нометалл материаллардан тозалаш учун аввало камерадаги ҳаво 0,267—0,667 кПа босимгача сўрилиб, сўнгра унга ковшли металл киритилиб, у ерда 10—15 минут сақланиши лозим. Бунда металлдан пуфакчалар тарзида ажралаётган газлар билан бирга нометалл қўшимчалар ҳам эргашиб чиқади ва натижада ундаги газлар миқдори 3—5 марта, нометалл қўшимчалар миқдори эса 2—3 марта камаяди.

**б). Пўлатларни инерт газлар билан тозалаш.** Ковшдаги суюқ металлдан бирорта инерт газ, масалан, аргонни ү қадар катта бўлмаган босим остида ўтказилади (19-расм, *б*). Бунда металл яхши аралашиб газ ва нометалл қўшимчалардан тозаланади. Айниқса, легирланган пўлат қўймалар олишда металлни қолипга қўйишда оксидланмаслиги учун маҳсус қурилма орқали аргон оқимида қўйиш яхши натижалар беради.

**в). Пўлатларни синтетик шлак билан тозалаш.** Печдан металлни ковшга чиқаргунга қадар унга металл массасининг 3—5% миқдорида электр печда эритилган шлак (55% CaO, 40% Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> ва оз миқдорда SiO<sub>2</sub>, MnO, FeO) киритилади. Кейин унга пўлат қўйилади. Бунда пўлат шлак билан тез аралашиб контакт юзаларнинг ошиши ҳисобига ўтувчи реакциялар тезлиги ортиб, металл газ ва нометалл қўшимчалардан деярли (50—70%) тозаланади.



19-расм. Пўлатларни газ ва металлмас қўшимчалардан тозалаш:

*а* — вакуум камерада; *б* — инерт газлар ёрдамида; 1 — вакуум камера трубкаси; 2 — ковшга қўйилган металл; 3 — тиқин

### 3-§. Жуда ҳам юқори сифатли пўлатлар ишлаб чиқариш усуллари


Пўлатлар сифатига талабнинг тобора ортиб бориши сабабли юқорида қайд этилган усулларда олинган пўлатлар талабга тўла жавоб бермай қолди. Шу боисдан қуйила жуда ҳам юқори сифатли пўлатлар олиш усулларининг баъзилари ҳақида маълумотлар келтирилган.

г). Пўлат стерженларни электр-шлак печда қайта эритиб тозалаш. Бу усул Е.О. Патон номли металларни электр ёй ёрдамида пайвандлаш институти жамоаси томонидан 1960 йилда яратилган бўлиб, бунда электр печларда олинган пўлатлардан тайёрланган цилиндрик ёки квадрат шаклии стерженлар қайта эритилади.

20-расмда бундай печнинг схемаси келтирилган. Схемадан кўрина-дикি, печнинг сув билан совитилиб туриладиган кристализатори 1 углеродли пўлатдан тайёрланган бўлиб, унга пўлат стерженлар ва металл таглик ўрнатилган. Курилмани ишга туширишдан аввал кристализаторга маълум миқдорда флюс ( $\text{CaO}$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ва  $\text{CaF}_2$  аралашма) киритилиб, пўлат стерженлар туширилгач, ток занжири уланади (бунда пўлат стержень (электрод) нинг  $1 \text{ mm}^2$  юзасига 20 A ҳисобида, 46—60 В кучланишли ўзгарувчан ток юборилади) ва электр ёй суюлтириладиган металл билан металл таглик орасида ҳосил этилади. Бу ёй иссиқлиги таъсирида флюс эриб, шлак ҳосил бўла бошлайди. Шлак ҳажми маълум миқдорга етгачгина ёй учади.

Токнинг шлак қатламидан ўтиши ҳисобига шлак ўта қизиб унинг температураси 2000—2500°C га этишида электрод стержень эриб, шлак қатлами орқали кристализаторга ўтаётган металл томчилари газ ва нометалл қўшимчалардан деярли тозалана боради. Кристализаторда ёфиладиган суюқ металл жадал совишида пастдан юқори томон бутун қисми


бўйлаб кристаллана бориши сабабли зич, майдонали, жуда ҳам юқори сифатли қўймалар олинади. Металл кристализаторда сирт юзи тўла қотгач, уни таглик билан ажратиб олинади. Бундай қўймаларнинг массаси 10—12 т ли бўлиб, кўндаланг қисми одатда, цилиндрик, квадрат, тўғри тўртбурчак шаклии бўлади.



20-расм. Электр-шлак печь схемаси:  
1 — кристаллизатор; 2 — суюлтирилаётган металл; 3 — электродлар; 4 — роликлар;  
5 — дозатор; 6 — шлак; 7 — металл таглик;  
8 — куйма

## 21-расм. Вакуумли электр ёй печининг схемаси:

- 1 — печь; 2 — электрод тутқич;  
3 — вакуум насос; 4 — башқариш панели;  
5 — электрод стерженлар; 6 — сув билан совитиладиган қолип; 7 — күйма




д). Пўлат стерженларни вакуумли электр ёй печларда қайта эритиб тозалаш. Бу усулда қайта суюқлантириладиган пўлат стерженлар одатдаги электр печларда олиниб, уларнинг кимёвий таркиби олинадиган металл таркибига яқин бўлади. 21-расмдаги схемадан кўринадики, металл стерженлар электрод тутгич 2га ўрнатилиб, сув билан совитилиб турилувчи кристализаторга туширилади. Кейин кристализатордан ҳаво 0,00133 кПа босимгача сўрилиб, пўлат стержень билан металл таглик ўзгармас ток занжирга уланади. Бунда электрод катод, металл таглик анод ва зифасини ўтаб, улар орасида электр ёй ҳосил бўлади. Ёй иссиқлиги таъсирида электроднинг учи эриб, газлардан ва нометалл қўшимчалардан тозаланиб, кристализаторга ўта боради. У ерда металл пастдан юқорига қараб кристалланиб текис таркибли жуда ҳам юқори сифатли, зич қўйма 7олинади. Бундай қўймаларнинг массаси 50 т га етади. Одатда, 1 т бундай пўлат қўйма олиш учун 400—500 кВт-соат электр энергияси сарфланади. Бу усуллардан ташқари пўлатлар электрон нур, плазмали ёй печларда ҳам қайта эритилади.

## 5-боб

### ПЎЛАТ ҚЎЙМАЛАРНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ

#### 1-§. Умумий маълумот

Одатда, металлургия заводларида металл печдан ковшга чиқарилиб, кейин уни кран ёрдамида турли шакл ва ўлчамдаги металл қолиларга олиб бориб қуиши билан йирик қўймалар олиш технологик жараёнларнинг асосий босқичларидан биридир. Пўлатлардан сифатли қўймалар олишда уларни газлар ва шлаклардан деярли тозалаб, қолиларга текис киритишнинг аҳамияти катта. Бунда пўлат печдан чиқарилгунга қадар печь новлари, ковш ва қолилар талабга жавоб берадиган қилиб тахт қилиб қўйилиши лозим. (Одатда, кўпроқ ишлатиладиган кичик ковшлар сигими 10—15 т гача, ўргача ковшларнинг сигими 10—25 т гача ва катта ковшларнинг сигими 300—400 т га етади.) 22-расмда катта ҳажмли стопорли ковш схемаси келтирилган. Ковшларнинг деворлари ўтга чидамли шамот фиштидан терилган бўлиб, сирти-




**22-расм.** Стопорли ковш схемаси:

- 1 — конус; 2 — қулоқ (цапфа);  
3 — стакан; 4 — тиқин;
- 5 — таянч; 6 — даста; 7 — ричаг;
- 8 — стержень; 9 — ўтга чидамли қоплама

дан темир гилоф билан қопланган. Үнга эса пўлат ҳалқа кийдирилган. Бу ҳалқанинг иккита илгак иладиган қулоғи бор. Ковш тубида ўтга чидамли материалдан тайёрланган стакани бўлиб, унинг тешиги заруриятга кўра ўтга чидамли тиқин билан беркитилади. Тиқин стержени ричаглар тизими билан боғланган. Кейинги йилларда қолипга металлнинг қуилиши тезлигини ростловчи шибер (бекитгич) ли ковшлардан ҳам фойдаланилмоқда. Металл қолиплар кўпинча чўяндан тайёрланган. Кўйма қолипдан осон ажралиши учун унинг иш юзалари конуссимон қилиб ясалади.

Қолипларнинг шакллари ва ўлчами олинувчи қўйма материалига ва ўлчамига боғлиқ бўлади. Масалан, турли прокат ва поковкалар тайёрлашда квадрат, тўғри тўртбурчак шаклли қолиплардан, трубалар тайёрлашда эса цилиндрик шаклли қолиплардан фойдаланилади (23-расм).

Сифатли қўймалар олиш учун қолипларга металл қуйилгунга қадар иш юзалари металл томчилардан тозаланиб, махсус мой (масалан, тошкўмир смолоси) билан мойланиб, 80—120°C температурагача қиздирилади. Бунда металл қолипга қуйилганда мой ёниб газ қатлами ҳосил бўлади ва у қўймани қолипга ёпишиб қолишдан сақлади. Қолипнинг қиздирилиши эса металлни ўта совишдан сақлаб, сифатли қўймалар олишини таъминлайди.




**23-расм.** Қўйма олишда ишлатиладиган қолиплар:

- 1 — прокат олинадиган қўйма қолипи; 2 — тунука ясаладиган қўйма қолипи;
- 3 — труба тайёрланадиган қўйма қолипи;
- 4—7 — поковкалар олинадиган қўйма қолиплари

## 2-§. Пўлатни металл қолипларга устидан қўйиш

Бу усулдан прокатланувчи, болғаланиб ишланувчи йирик (20 т гача ва ортиқ), сифатли, зич пўлат қўймалар олишда фойдаланилади (24-расм). Бунда пўлат ҳар бир металл қолипга устидан алоҳида-алоҳида қўйилади (24-расм, а). Бу усулнинг оддийлиги, мураккаб қўйиш тизимини талаб этмаслиги, металлнинг тежалиши, ковш тиқинининг камроқ очилиб ёпилиши, металлнинг қўйилишини кузатиб туриш имкониятининг мавжудлиги, металл температурасининг пастроқлиги, уни шлак ва газлардан тўлароқ тозаланиши кабилар унинг бошқа усуллардан афзаллигидир. Бироқ шу билан бирга қолипга қўйилаётган металлнинг сачраши, қўйма сиртида қаттиқ оксид пардалар ва ғадирбудирликлар бўлиши, киришиш бўшлигининг катталиги бу усулнинг камчилигидир. Одатда, металлнинг сачрашининг олдини олишда варонкандан фойдаланилади (24-расм, б), киришув бўшилиги ва говакликларни камайтиришда қолип устига қўшимча устама қолип ўрнатилади. Бу қолип иш юзи ўтга чидам материал билан қопланади. Баъзан устама қолидаги металлни қиздириб туриш учун махсус иссиқлик ажратувчи аралашмалардан ҳам фойдаланилади.




24-расм. Пўлатни қолипларга устидан қўйиш схемаси:

а — пўлатни қолипга бевосита устидан қўйиш;  
б — пўлатни ковшдан воронка орқали қўйиш

## 3-§. Пўлатни металл қолипларга тагидан киритиб қўйиш

Бу усулдан майда ва ўртача массали қўймаларни кўплаб олишда фойдаланилади.

Бунда бир йўла бир неча қолипларга metall ўзаро туташтирилган марказий қўйиш тизими каналлари орқали тагидан бир текисда киритилади (25-расм). Бу усулда бир вақтнинг ўзида сирт юзаси текисроқ бўлган, киришиш бўшлиғи бўлмаган кўплаб қўймалар олинади. Бироқ мураккаб қўйиш тизимини талаб этиши, металлнинг кўпроқ сарфланиши, қўйилувчи metall температурасининг устидан қўйиш усулидагига қараганда 100—150°C юқорироқ бўлиши, газ ва нометалл қўшимчалардан тўлароқ тозаланмаслиги бу усулнинг камчилигидир. Шуни қайд этиш жоизки, бу усулда қолипга қўйилаётган metall фақат фер-



25-расм. Металлни қолипга тағидан киритиб қуиши схемаси:

1 — металл қолип; 2 — металл таглик; 3 — шлак түткічлар; 4 — воронка ва марказий трубка; 5 — қуиши ковши; 6 — құшимча қолип


ромарганец билан чала қайтарилғанлығы сабабли қолипта метталдан ажралаёттан СО гази тұла ташқарига чиқолмайды, натижада у ҳажми бүйича тарқалиб құймадағовакликтар беради. Шу боисдан құймада киришүв бүшілиғи ҳам бүлмайды. Бу усул устидан қуиши үсулига қарғанда анча унумли, құймаларнинг сирт юзаси текис ва тозароқ бўлади. Лекин юқорида қайд этилган камчиликлардан ташқари қолипларни йиғишнинг қийинлиги, газ ғовакликлари, но-металл қўшимчалар кўпроқ бўлиши сабабли бундай үсулда олинган пўлат қўйма сифати пастроқ бўлади.

#### 4-§. Пўлатни маҳсус металл қолип (кристаллизатор) устидан узлуксиз қуиши

Юқорида кўрилган қуиши үсулларининг камчиликларидан ҳоли этиш устида изланишлар металларни кристаллизаторга узлуксиз қуиши үсулиниң яратилишига олиб келди (26-расм). Курилмани ишга туширишдан олдин кристаллизатор иш юзалари ўсимлик мойи билан мойланади ва тағига металл таглик ўрнатиласи (26-расм, а). Расмдан кўринадики суюқ пўлат ковш 1дан оралиқ ковш 2га қуилади. Ундан у орқали сув билан совитилиб туриладиган мис кристаллизатор 3га узлуксиз қуилиб турилади.

Кристаллизатор металл билан тұлғандан кейин металл таглика ёпишиб қота бошлайды. Бунда унинг штангасини тортувчи механизм пастта торта боради. Бу вақтда кристаллизатордаги металлнинг ички қисми ҳали тұла қотмаганлығы боисдан, роликлар оралиғидан ўтаёттандын унга сув пуркаб турилади. Металлар роликлар орасидан тұла ўтгач, зарур шаклға келади (масалан, квадрат шаклли маҳсулотларнинг кесим ўлчами  $150 \times 150$  мм дан  $400 \times 400$  мм гача бўлади). Заруриятга кўра улардан керакли узунликдаги маҳсулот ацетилен алангасида қиздирилиб, кислород оқимида ёки механик кесилади. Бу хил курилма бир неча йилдан бери Бекободдаги металлургия комбинатида ишлаб турибди.

Бу үсулда юқорида кўрилган металл қолиплар талаб этилмайды, чиқынди миқдори юқорида күрилган үсуллардан 5—8 марта кам, иш унуми деярли юқори. Одатда ишлов бериш тезлиги олинаёттан пўлат маҳсулотининг шакли ва ўлчамига кўра  $0,4—10$  м/мин оралиғида бўлади.



**26-расм. Металларни узлуксиз қуиши қурилмасининг схемаси:**


**a** — вертикаль ҳолатда қуиши: 1 — ковш; 2 — оралиқ ковш;  
**3** — кристаллизатор; 4 — совитиш суви; 5 — иккиламчи совитиш зонаси;  
**6** — роликлар; 7 — құйма; 8 — газ кескіч; **б** — радиал ҳолатда қуиши

Масалан, бир кристаллизаторлы қурилмада соатига 20—150 т маңсулот олинади.

Агар қурилмаларнинг бир неча кристаллизаторлари бўлса ва улар параллел ишлатилса, иш унуми бир неча марта ортади. Бундай вертикаль кристаллизаторлы қурилмалар бўйининг баланд (40—45 м) бўлиши таъмилаш ишларида маълум қийинчиликлар туғдиради. Шу бойисдан кейинги йилларда радиал типдаги қурилмалардан фойдаланилмоқда (26-расм, б).

### 5-§. Пўлат қуйманинг тузилиши

Маълумки, метал қолипга қуилган металл вақт ўтиши билан ўз иссиқлигини унинг деворларига, ташки мұхиттегі бериб совий бошлайди. Суюқ металлнинг қолипга тегиб турған жойлари бошқа жойларига нисбатан ўта совиганлиги «түфма» кристалланиш марказлари сонини ортириб, майда донали зич, кичик қатламли I зонани ҳосил қиласди. Қуйма марказига томон совиши тезлігі камая бориши сабабли иссиқлик тарқалишига қараб марказга қараб чўзилган узунчоқ донали II зона ҳосил бўлади. Қуйманинг ўзаги томон совиши тезлігининг янада камайиши эса турли томонга йўналган йирик донали III зона ҳосил



27-расм. Құйманинг түзилиши:

I — майда доналар зонасы; II — узүічоқ донлар зонасы; III — құйманинг марказий қисмидеги кристаллар зонасы; IV — құйманинг кесиб ташлаңадиган қисмі; V — киришүв бүшлиғи; VI — құйманинг туб қисмі

Күпинча құйманинг марказий ва устки қисмінде бу элементтер чекка қисмінде қараганда 2—3 марта күпроқ, тағ қисмінде эса камроқ бўлади. Бу нуқсонли құймаларни аввал юқори температурада юмшатиб, сўнгра меъдердаги температурада тўла юмшатиш йўли билан таркиби бўйича дсирли текисланса, бошқа нуқсонлар кесиб ташланади.

бўлишига олиб келади (27-расм). Бу зоналарнинг хоссаси, кенглиги қўйма таркибига, массасига, совиш тезлигига, пўлатни қайтарилиганиң даражасига ва бошқа кўрсаткичларга боелик. Масалан, қўйма массаси ортган сари узунчоқ кристаллар зонаси кенгайиб боради.

### 6-§. Пўлат қўймаларда учрайдиган асосий нуқсонлар ва уларнинг олдини олиш тадбирлари

Қатор технологик сабабларга кура пулат қўймаларда турли нуқсонлар учрайди. Масалан, қолипга пўлат устидан қўйилганда унинг юқори қисмиде киришиш бўшлиғи, унинг атрофида эса газ пуфакчалари, сиртида ғадир-будирликлар, дарзлар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Қўймалардаги бу нуқсонларнинг олдини олиш мақсадида қолип устига қўшимча қиздириладиган устама қолип ўрнатилади. Натижада пайдо бўлаётган киришиш бўшлиғи ва газ пуфакчалари устама қолилдаги металлга ўтади. Бундан ташқари қўймаларда қўшимчаларнинг, масалан P, S, C ларнинг хотекис тақсимланиши ҳам унинг сифатига (пухталигига) катта путур етказади.

## 6-боб

### РАНГЛИ МЕТАЛЛАР ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

#### 1-§. Умумий маълумот

Рангли металлар ( $\text{Cu}$ ,  $\text{Al}$ ,  $\text{Mg}$ ,  $\text{Zn}$ ,  $\text{Pb}$  ва бошқалар) ва уларнинг қотишмаларидан, ўзига хос хоссалари (электр токини ва иссиқликни яхши ўтказиши, юқори пластиклиги, коррозия бардошлиги ва бошқалар) га кўра нархининг қора металлар ва унинг қотишмаларига нисбатан анча қимматлигига қарамай, саноатнинг турли тармоқларида кенг фойдаланилади. Қуйида  $\text{Cu}$ ,  $\text{Al}$ ,  $\text{Mg}$  ва  $\text{Ti}$  ни ишлаб чиқариш технологияси баён этилади.

## 2-§. Мис ва уни ишлаб чиқариш

Соф ҳолдаги мис қизғиши рангли металл бўлиб, унинг асосий физик-механик хоссалари ҳақида маълумотлар 10-жадвалда келтирилган.

Мис табиятда асосан турли маъданлар (сульфид, оксид, карбонат, силикат) таркибида учрайди.

Геологлар маълумотларига кўра миснинг 80% сульфидли, 15% га яқини оксидли ва қолгани карбонатли, силикатли бирикмалар бўлиб, уларнинг таркибида анчагина қум, гилтупроқ, оҳак, магний оксидлари, оз бўлсада никель, рух, кўрғошин, кумуш, олтин ва бошқа металлар ҳам учрайди.


10-жадвалда асосий мис маъданларининг хиллари ва таркиби келтирилган.

10-жадвал

Тартиб №	Маъданлар турлари	Маъданларнинг номи	Кимёвий формуласи	Миснинг миқдори, %
1.	Сульфидли бирикмалар	Халькопирит (мисколчедани)	CuFeS <sub>2</sub>	34,5
		Борнит	CuFeS <sub>2</sub> · Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	55,5
		Кореллин	CuS	66,4
		Халькоzin (мис ялтироғи)	Cu <sub>2</sub> S	79,8
2.	Оксидли бирикма	Куприт	Cu <sub>2</sub> O	88,8
3.	Карбонатли бирикмалар	Малахит Азурит	CuCO <sub>3</sub> · Cu(OH) <sub>2</sub> 2CuCO <sub>3</sub> · Cu(OH) <sub>2</sub>	57,3 55,1
4.	Силикатли бирикма	Хризокхола	CuSiO <sub>3</sub> · 2H <sub>2</sub> O	36,0

Уралда, Қозогистонда, Ўзбекистонда, Тожикистонда ва бошқа жойларда мисга бой конлар бор. Ҳозирда металлургия корхоналарида (Олмалиқ комбинатида ҳам) мисни асосан сульфидли ва камроқ оксидли рудалардан олинади. Мис рудалари таркибида мис миқдори жуда ҳам оз (0,3—2% гача) бўлгани сабабли уларни бегона қўшимчалардан тозалаш катта аҳамиятга эга. Куйида мис рудаларини бойитиш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Флатацион бойитиш.** Бу усул мис ва бегона қўшимчаларнинг сув билан турлича намиқиши хусусиятига асосланган. Бундай бойитиш қурилмасининг тузилиши 28-расмда схематик тарзда келтирилган. Қурилманинг қия тубли қутига ўхшаш қисмига сув билан махсус реагент (озгина минерал ёки ўсимлик мойи) киритилади. Кейин унга воронка орқали 0,05—0,5 мм гача майдаланган мис рудаси киритилиб, трубка 8 дан унинг тагидаги тўқимаси орқали маълум босимда ҳаво ҳайдалади. Бунда заррачалар мойли суюқлик билан яхши аралашади. Бегона қўшимчалар намиқиб ванна тагига чўқади. Мис заррачалари



**28-расм. Мис рудаларини флатацион бойитиш машинасининг схемаси:**

1 — резиналангын түкима;  
2 — камера; 3 — бегона жинслар; 4 — бегона жинсларни чиқариш тешиги; 5 — күпик; 6 — мис концентрат олиш тешиги; 7 — сув трубкасі; 8 — трубка

эса намиқмай, мой пардага чулғаниб мойга ўтган ҳаво уларни күпик тарзидә суюқлик сиртига күтаради. Ванна тагига йигилаётган бегона құшимчалар унинг тубидаги тешик орқали ташқарига чиқарылып турилади. Күпикли мис заррачалар дарча борқали олинади ва фильтрлаб, күритилади. Бу ишлов натижасида олинган концентратда мис миқдори 10—35% гача ортиши билан унда 15—35% S, 15—37% Fe ва оз миқдорда  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{CaO}$  ва бошқа бегона құшимчалар ҳам бўлади. Шу сабабли бу концентратларни бегона құшимчалардан янада тозалаш

учун бир неча тубли вертикал цилиндрик печлардан ёки қайнновчи қатламли қурилмалардан фойдаланилади. Вертикал печлар диаметри 6,5—7,5 м; бўйи 9—11 м бўлиб, уларнинг энг устки таглигига майдаланган концентратлар киритилади. Печь ўз ўқи атрофига айланишида унга ҳайдалувчи ҳаво кислороди билан Si, S, Fe лар реакцияга киришишида ажралувчи иссиқлик ҳисобига қизий боради. Бунда печь кураклари унинг таглигидаги тешигидан пастки тагликка, ундан янада пастки тагликларига ўтишида печь температураси 800—850°C кўтарилилади ва қуйидаги реакциялар бориши натижасида бойийди:




Ажралган  $\text{SO}_2$  газидан сульфат кислота олишда фойдаланилади.

**«Қайнновчи» қатламли қурилмаларда мис концентратини бойитиш.** Кейинги йилларда бу мақсадда янада унумлироқ усуулдан фойдаланилмоқда. Бундай қурилманинг схемаси 29-расмда келтирилган. Схемадан кўринадики, қурилмани ишга тушириш учун майдаланган мис концентрати трансформатор 1дан бункер 2 орқали дозатор 3га, ундан қурилманинг иш камераси 4га ўтади. Камерага эса тешиклар 7 орқали 700—800°C гача қиздирилган ҳаво шундай босимда ҳайдаладики, бунда руда заррачалари муаллақ вазиятда туриб, ҳаво оқими билан атрофлича ювилади (бамисоли қайнайди). Бундай шароитда заррачаларнинг оксидланиши деярли тезлашади ва ажралаётган газлар циклон 10га ўтиб, чанглардан тозаланади. Бойиган заррачалар эса канал 9 орқали олинади. Бу усул юқорида кўрилган усуулга қараганда бир неча

**29-расм. Мис рудалариниң «қайновчи қаттам» остида бойитиш курилмасыннинг схемаси:**



- 1 — транспортёр; 2 — бункер;
- 3 — дозатор; 4 — иш камераси;
- 5 — ҳаво камераси; 6 — насадка;
- 7 — ҳаво киритиш тешиклари;
- 8 — ҳаво киритиш тешиги; 9 — канал;
- 10 — циклонлар; 11 — трубалар



бор унумли бўлиши билан концентрат 50% гача S дан ҳоли бўлади. Бойитилган концентрат огарка деб юритилади. Улар алангали ёки электр печларда эритилади.

**Алангали печларда бойитилган мис концентратларидан штейн деб аталувчи мис қотишмалари олиш.**

Бу мақсад учун қаттиқ, суюқ ёки газ ёқилғиларда ишловчи алангали печдан фойдаланилади (30-расм). Бу печларниң узунлиги 40 м, эни 10 м, бўйи 4,5 м, таглик юзи 250 м<sup>2</sup> гача бўлиб, таглиги ва шипи динас фиштидан териладида сиртига кварц қум қопланади. Печь 1500—1600°C температурагача қизиганда қум доналари тридимитга ўтиб таги билан пухта бирикади. Бу печларда бир йўла 100 т гача мис концентрати эритилади. Печь температураси 900°C дан 1200°C га кўтарилиганда унда қуйидаги реакциялар боради:



**30-расм. Алангали печниң схемаси:**

- 1 — бункер; 2 — воронка; 3 — печь туби; 4 — шихта; 5 — суюқ штейн чиқариш тешиги; 6 — шлак чиқариш тешиги; 7 — ўтхона; 8 — мўри

Қайтарылған мис реакцияга киришмай қолған темир сульфид мис оксид билан реакцияга киришади:




FeO эса  $\text{SiO}_2$  билан бирикіб, шлак ҳосил қиласы:



Жараёнда печь тағига  $\text{Cu}_2\text{S}$  ва  $\text{FeS}$  дан иборат штейн ёғила боради. Олинган штейн таркибида 20—60% Cu, 10—60% Fe, 20—25% S ва қисман Pb, Ag, Au, Zn, Ni ва бошқа элементлар бўлади. Жараёнда ҳосил бўлаётган темир силикатда бўлак оксидлар эриб шлакка ўтади. Бу печларнинг 1  $\text{m}^3$  туб юзидан 2—6 т штейн олинади.

**Мис штейндан хомаки мис олиш.** Хомаки мисни маҳсус горизонтал конверторларда суюқ штейндан ҳаво ҳайдаш йўли билан олиш усули 1866 йилда инженер В.А. Семенников томонидан тавсия этилган (31-расм). Расмдан кўринадики, конвертор цилиндрик шаклли қурилма бўлиб диаметри 3—4 м, узунлиги 6—10 м, деворлари эса ўтга чидамли магнезит фиштдан терилиб, сиртига пўлат лист қопланган ва бандажлар билан маҳкамланиб тўрт жуфт роликлар 1 га ўрнатилган.



Конверторни ишга туширишдан олдин оғзидан маълум миқдорда кварц бўлаклари флюс сифатида киритилган. Уни механизм 2 ёрдамида шундай ҳолатга буриб келтириладики, оғзидан  $\sim 1200^\circ\text{C}$  ли штейн қўйилганда у ҳаво ҳайдала-диган фурма тешикларидан таш-қарига оқиб кетмайдиган бўлади.


Фурмалардаги тешиклар сони 40—50 та, диаметри 50 мм гача бўлади. Кейин конверторга 1.0—1.4 МПа босим остида ҳаво ҳайдаш билан конвертор иш ҳолатига ўтка-

**31-расм. Цилиндр шаклидаги горизонтал конверторнинг схемаси:**

1 — роликлар; 2 — конверторни айлантирувчи механизм; 3 — ўтга чидамли футеровка; 4 — конверторнинг оғзи; 5 — печга флюс киритиш воронкаси; 6 — ҳаво трубаси;  
7 — фурма

зилади. Шуни қайд этиш жоизки, штейн зичлиги 5 г/см<sup>3</sup>, мисники эса 8,9 г/см<sup>3</sup> бўлгани учун мис қайтарилган сари жараёнда конвертор ҳажмидан тўла фойдаланиш учун бир неча марта унга штейн қуиб турилади. Конверторда ўтадиган жараённи икки босқичга ажратиш мумкин:

**Биринчи босқич.** Бу босқичда конверторга ҳайдалаётган ҳаво кислороди темир ва мис сульфидларни оксидлайди ва ҳосил бўлган темир (II) оксид кварц (қумтупрок) билан бирикиб шлак ҳосил қиласди:




Турли ҳажмли печда шихта таркибига кўра жараён 5—25 соат оралғида боради.

Бунда ажралаётган газларда 12—17% SO<sub>2</sub> бўлиб, у газ тозалагич трубкага ўтиб чанглардан тозалангач, сульфат кислота олишга юборилади.

Жараёнда ажралаётган шлак йифилган сари конверторни буриб, шлак унинг оғзидан ковшга чиқарилади. Конверторга эса яна флюс ва штейн киритилиб ҳаво ҳайдалади. Бу босқичда темир сульфидининг оксидланиши ва шлак ажралиши билан штейн темирдан деярли тозаланади. Унинг таркибидаги тоза мис сульфида — 80% Si бўлади.

**Иккинчи босқич.** Бу босқичда конвертордаги мис сульфид ҳайдалаётган ҳаво кислороди билан реакцияга кириб мис қайтарилади:



Бу жараён 2—3 соат давом этади.

Натижада конверторда хомаки мис олинади. Бу мисда 1,5—2% бегона қўшимчалар (S, Fe, N<sub>2</sub>, O<sub>2</sub>, Pb, Ag, Mp ва бошқалар) бўлади. Бу мис конвертор оғзидан ковшга чиқарилиб, ундан қўймалар ва плиталар олинади.

**Хомаки мисни бегона қўшимчалардан тозалаш.** Одатда, хомаки мис таркибида жуда оз миқдорда Au, Ag каби асл металлар бўлса, бегона қўшимчалар миқдорига у қадар катта талаблар қўйилмаса, у ҳажми 400 т га етадиган аллангали печларда эритиб, ҳаво ҳайдаб тозаланади. Бунда борувчи жараённи икки босқичга ажратиш мумкин.


**Биринчи босқич.** Бу босқичда хомаки мис печда тўла эритилгач, унинг оксидланишини тезлатиш учун ваннага диаметри 20—40 мм ли ўтга чидамли материал билан қопланган пўлат трубка туширилиб, у орқали 0,2 МПа (2 ат) босимда ҳаво ҳайдалади. Бунда ҳаво кислороди мисни оксидлайди:



$\text{Cu}_2\text{O}$  эса бегона қүшимчалар ( $\text{Al}$ ,  $\text{Si}$ ,  $\text{Mn}$ ,  $\text{Zn}$ ,  $\text{Fe}$ ,  $\text{Ni}$ ,  $\text{Pb}$ ,  $\text{Sb}$ ,  $\text{As}$ ,  $\text{Bi}$ ) ни ( $\text{Me}$ ) оксидлаб, мис қайтарилади:



ва бир вақтда олтингүргүт ҳам оксидланади:



Шуни қайд этиш жоизки, баъзи металл оксидлари ( $\text{Sb}_2\text{O}_3$ ,  $\text{PbO}$ ,  $\text{ZnO}$  ва бошқалар) печь газлари билан печдан чиқса,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{SiO}_2$  лар шлакка ўтади.  $\text{Au}$ ,  $\text{Ag}$  оксидланмай, мисда эрийди.

Иккинчи босқич. Бунда мис мис оксидларидан қайтарилади. Печдан шлак чиқарилгач, металл ванна яна оксидланмаслиги учун ваннага маълум миқдорда писта кўмир кукуни киритилади. Сўнгра ваннага диаметри 200—300 мм ли узун нам қайнин ёки қайрағоч таёқ туширилиб аралаштирилади. Бунда ваннадан ажралаётган сув буғлари ва углеводород газлар ваннани яхши аралаштириши натижасида эриган газлардан деярли тозаланади. Бунда углеводород газлар мисни мис оксидидан қайтаради:




Бу усулда олинган мисда 0,1%  $\text{Ag}$  ва  $\text{Au}$ , 0,3—0,6%  $\text{S}$  ва бошқа қўшимчалар бўлади.

Шуни қайд этиш зарурки, ҳозирда 90—95% хомаки мис электролитик усулда тозаланади. Бу усулда жуда ҳам тоза  $\text{Cu}$  олиш билан бирга унинг таркибидаги асл металлар ( $\text{Au}$ ,  $\text{Ag}$  ва бошқалар) ҳам олинади.

Бу жараён қўроғшин ёки винипласт билан қопланган ёғоч ёки бетон ванналарда олиб борилади (32-расм). Ваннани ишга туширишдан аввал унга маълум миқдорда 60—65°C ли электролит (мис купоросининг сувдаги 12—15% ли эритмаси ( $\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ ) га 10—15% ли сульфат кислота ( $\text{H}_2\text{SO}_4$  аралашмаси) киритилади. Анод сифатида қалинлиги 30—50 мм, юза ўлчами  $1 \times 1 \text{ m}^2$  ли хомаки мис пластинкалар, катод сифатида эса қалинлиги 0,5—0,7 мм ли электролитик тоза мис пластинкалари олинади.

Анодлар сони ваннанинг ҳажмита қараб 20 дан 50 тагача бўлади. Улар ваннага туширилганда оралиғи 40 мм бўлади. Анод пластинкалар ўзгармас ток манбанинг мусбат қутбига, катодлар эса манфий қутбига уланади.

Занжирдан кучланиши 2—3 В ва зичлиги 100—150 A/m<sup>2</sup> ли ўзгармас ток ўтганда анод пластинкалар электролитда аста-секин эрийди ва ундан эритмага  $\text{Cu}^{2+}$  катионлар ўтади. Ундан эса катод пластинкаларига мис катионлар ўтиб зарядсизланиб ( $\text{Cu}^{2+} \rightarrow 2e^- \rightarrow \text{Cu}$ ) қоплана бо-



**32-расм. Мисни электролиз йүли билан тозалаш (рафинирлати) ванинининг схемаси:**

1 — анод шинаси; 2 — катод шинаси; 3 — анодлар; 4 — катодлар;  
5 — электролит

ради. Катод пластинкалар массаси 10—15 суткада 70—100 кг га етади. Бегона қўшимчалар эса ванна тубига чўқади. Эримаган қўшимчалар ва Au, Ag ҳамда бошқалар шлам беради. Улар вақти-вақти билан олиниб, фильтрланган асл металларни ажратиб олишига юборилади. Олинган мис жуда тоза мис бўлади. 1 т электролитик мис олиш учун соатига 200—400 кВт электр энергия сарфланади. Бу миснинг MOO, MO, M1, M2, M3, M4 маркалари бўлади. Масалан, энг тоза мис MOO маркаси бўлиб, унда миснинг миқдори 90—99% бўлади. Заруриятга кура бу мислардан турли диаметрли симлар ва бошқа маҳсулотлар, шунингдек мис қотишмалари олишда легирловчи элементлар сифатида фойдаланилади.

### 3-§. Алюминий ва уни ишлаб чиқариш

Алюминий кумушсимон рангли металл бўлиб, унинг ўзига хос асосий хоссалари 1-жадвалда келтирилган. Айниқса, унинг ва қотишмаларининг коррозияга бардошлиги, азот ва органик кислоталарда турғуникини сабабли у самолётсозликда, электротехникада ва бошқа соҳаларда кенг қўлланади.

Геологларнинг айтишларича, алюминий 250 дан ортиқ маъданлар таркибида бўлиб, табиатда кўп тарқалган.

Алюминийнинг асосий рудаларига бокситлар, нефелинлар, алюнитлар, каолинлар киради. Уларнинг йирик конлари Уралда, Сибирда, Санкт-Петербург вилоятида, Ўрта Осиё республикаларида ва бошқа жойларда бор. Алюминий рудаларидан алюминий олиш жараёнини икки босқичга ажратиш мумкин:

1. Алюминий рудаларидан алюминий оксидини олиш.
2. Алюминий оксидларидан алюминий олиш.

**Алюминий рудаларидан алюминий оксидини олиш.** Алюминий рудаларидан алюминий оксидини олиш улар таркибидаги бегона жинсларнинг хилига ва миқдорига боғлиқ.

Агар руда таркибида кумтупрок кам, темир оксиди кўп бўлса, ишқорли усуслан фойдаланилади, чунки  $\text{SiO}_2$  ишқорда эрийди. Темир

оксиди эса эримай, осон ажралади. Аксинча рудада құмтупрок күп, темир оксиди кам бұлса, кислотали усулдан фойдаланилади, чунки темир оксиди кислотада эрийди,  $\text{SiO}_2$  эса эримайды. Агар рудада құмтупрок ва темир оксиди ҳам күп бұлса, электротермик усулдан фойдаланиш тавсия этилади. Алюминий рудалари ичидә күп тарқалғаны бокситлар, каолинлар бўлиб, бокситлар таркибида 30—57%  $\text{Al}_2\text{O}_3$ , 16—35%  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ , 3—13%  $\text{SiO}_2$ , 2—4%  $\text{TiO}_2$ , 3% гача  $\text{CaO}$ , 10—18%  $\text{H}_2\text{O}$  бўлади. Каолинлар таркибида эса 36—45%  $\text{SiO}_2$ , 30—40%  $\text{Al}_2\text{O}_3$ , 1,5%  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ , 15—20%  $\text{H}_2\text{O}$  бўлади. Бокситларда  $\text{SiO}_2$  камлиги учун ундан алюминий оксидлари ишқорли усулда олинади. Куйида бу усулда  $\text{Al}$  оксидини олиш баён этилади.

**Ишқорли усул.** Бу усул XIX асрнинг охирида Россияда К.И. Байер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бунда рудалар ластаввал махсус печларда қиздирилиб, кейин шарли тегирмонларда куқун ҳолига келгунча майдаланади. Кейин уни узунлиги ~ 80—150 м, диаметри 2,5—5 м ли секин айланадиган барабанли печда маълум миқдорда сода ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ) ва оқактош ( $\text{CaCO}_3$ ) билан аралаштирилиб 1100°C температурагача қиздирилади. Бунда куйидаги реакциялар боради:



Олинган масса (натрий алюминат, натрий феррит ва кальций силикат) махсус бакда 60°C температурали сув билан ишланади. Бунда натрий алюминат ( $\text{Na}_2\text{O} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3$ ) ва натрий феррит ( $\text{Na}_2\text{O} \cdot \text{Fe}_2\text{O}_3$ ) лар сувда эрийди, кальций силикат ( $\text{CaO} \cdot \text{SiO}_2$ ) эса сувда эримай бак тагига чўқади. Кейин бу эритма бакдан чиқарилиб, махсус идишда гидролизланади. Бунда натрий феррит темир (III)-гидроксид тарзида чўктириб ажратилади:



Энди эритмада натрий алюминатнинг ўзи қолади. Бу эритма олиниб, уни сув қуйилган махсус идишда карбонат ангидрид билан ишланади алюминий гидроксиди олинади:




Алюминий гидроксид ивиқ чўкма тарзида ажралади, натрий карбонат эса эритмада қолади. Алюминий гидроксид идишдан олиниб, фильтрланади. Сўнгра айланадиган қия печда 950—1200°C температурагача маълум вақт қиздирилади. Бунда у парчаланиб алюминий оксиди ҳосил бўлади:



**Алюминий оксидидан алюминий олиш.** Алюминий оксидидан алюминий олиш учун криолит ( $\text{Na}_3\text{AlF}_6$ ) ли электролизёрда электролиз қилинади (33-расм). Электролизёр деворлари шамот гишти ва күмир блоклардан терилиб, сиртидан пұлат лист билан қопланади ва бетон пойдеворига ўрнатилади. Күмир блокларга катод шинаси 7жойлашган бўлиб, у ўзгармас ток манбанинг манфий қутбига, электролизёрга тушириладиган күмир блок 3анод вазифасини бажариб, унинг штирлари / эса иш жараёнида ток манбанинг мусбат қутбига уланади.


Электролизёрни ишга тушириш учун унга 90—94% криолит, 6—10% гилтупроқ киритилиб, ток занжирига катод ва анодлар уланади. Бунда занжирдан 4—10 В ли 75000—150000 А ( $0,7—1,2 \text{ A}/\text{cm}^2$  зичликда) ток ўтишида электролит 950—1000°C температурагача қизиб суюқланади. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, электролитнинг бир қисми электролизёр деворлари ва анодлар атрофида совиб қотади ва унга кейинги қисм (порция)даги  $\text{Al}_2\text{O}_3$  киритиб турилади. Ваннада қўйидағи реакциялар боради:



Алюминий катионлари ( $\text{Al}^{3+}$ ) катодга бориб зарядсизланади:  $\text{Al}^{3+} + 3e \rightarrow \text{Al}$ . Анионлар ( $\text{AlO}_3^{3-}$ ) анодга боради. Натижада  $2\text{AlO}_3^{3-} - 6e \rightarrow \text{Al}_2\text{O}_3 + \frac{1}{2}\text{O}_2$ . Ажраётган газсимон кислород күмир электродларни аста ёндира боради.

Ванна тубида суюқ алюминий йигилади. Йигилаётган алюминий ҳар 3—4 суткада чиқариб турилади.

Одатда 1 т Al олиш учун ўртача 2 т алюминий оксидаи, 0,1 т криолит, 0,6 т анод массаси ва 17000—18000 кВт-соат энергия сарфланади. Олинган алюминийда оз бўлса-да Fe, Si, Zn,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ , қўшилмалар ва  $\text{H}_2$ ,  $\text{N}_2\text{CO}$ ,  $\text{CO}_2$ , газлар бўлади ва улар унинг хоссаларига путур етказади. Агар бу алюминий махсус камерада 10—15 минут хлор билан ишланса, ҳосил бўлган  $\text{AlCl}_3$  суюлтирилган металл билан аралашиб, уни газ ва нометалл қўшимчалардан тозалайди. 30—45 минут тиндирилгач, Al нинг тозалиги 99,5—99,85% га етади.



33-расм. Электролизёр схемаси:

- 1 — анод штирлар; 2 — суюқ анод массаси;
- 3 — блок (анод);
- 4 — кожух; 5 — шамот гишт терилма;
- 6 — углерод блоклари;
- 7 — катод шинаси

Агар құшимчалардан яна ҳам тозароқ алюминий олиш зарур бўлса, уни электролитик усулда қайта тозаланади. Бу усулда анод тозаланувчи алюминий пластинка бўлса, катод тозаланган алюминий пластинкалари бўлади. Электролит сифатида эса алюминийнинг суюқланиш температурасидан юқори бўлган бирор хлорид ёки фторит тузларининг сувдаги эритмасидан фойдаланилади. Занжирга зарурий ток улангандан анод пластинкалари электролитда эриб, ундан алюминий ионлари катодга ўтиб борали. Турли құшимчалар эса ванна тубига ёғилади.

Бу усулда олинган алюминий ниҳоятда тоза бўлади, унинг қуйидаги маркалари бор: A 999 (99,999% Al); A995 (99,9995% Al); A99 (99,99% Al); A97 (99,97% Al), A95 (99,95% Al) ва техник тозалари A 85, A8, A7, A6, A5, A0 (99,0% Al) бўлади. Юқори тозаликдаги алюминийлардан кабель симлар, кўпроқ алюминий қотишмалари тайёрланади. Техник алюминийдан эса листлар, электр сим ва бошқа буюмлар тайёрлашда фойдаланилади.

#### 4-§. Магний ва уни ишлаб чиқариш

Техникада фойдаланиладиган металларнинг ичидә магний пластиклиги, енгиллиги билан ажралиб туради (I-жадвалда унинг хоссалари келтирилган). Ҳозирда ундан реактив техникада қаттиқ ёнилғи сифатида, турли қотишмалар олишда ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилади.

Табиатда магний кўпгина маъданлар таркибида учрайди. Асосий магний маъданларига қуйидагилар киради:

1. М а г н е з и т . Бу маъдан магний карбонат ( $MgCO_3$ ) дан иборат бўлиб, унинг таркибида 28,8% Mg, қолгани эса Si, Fe, Al, Ca оксидлари бўлади. Магнезит конлари Урал ва бошқа жойларда бор.

2. Д о л о м и т . Бу маъдан ( $MgCO_3 \cdot CaCO_3$ ) қўш карбонатли бўлиб, унинг таркибида 13,5% Mg, қолгани кварц, кальцит, гипс ва бошқа құшимчалар бўлади. Доломитнинг йирик конлари Урал, Украина ва бошқа жойларда бор.

3. К а р на л л и т . Бу маъдан магний ва калийнинг сувли хлориди ( $MgCl_2 \cdot KCl \cdot 6H_2O$ ) бўлиб, унинг таркибида 8,8% Mg, қолгани бошқа құшимчалар бўлади. Карналлитнинг йирик конлари Урал ва бошқа жойларда бор.


4. Б и ш о ф и т . Бу маъдан магнийнинг сувли хлориди ( $MgCl_2 \cdot 6H_2O$ ) бўлиб, унинг таркибида 12% гача Mg, қолгани бошқа бирикмалар бўлади. У асосан, денгиз ва кўл сувларида бўлади.

Магнийни масалан, магнезит ёки доломит бирикмаларидан ажратиб олиш учун улар даставал печларда 750—850°C температурада маълум вақт қиздирилиб бойитилади:






Кейин эса бу концентрат деворлари шамот ғишидан терилган электр печда углерод, углерод (II) оксида 800—900°C температурагача қиздириб хлор билан ишланади:



Олинган суюқ магний хлорид ( $\text{MgCl}_2$ ) ковшга чиқарилиб зич бекитиладиган маҳсус ваннада электролиз қилинади. 34-расмда бу қурилманинг бир секцияси схемаси келтирилган. Деворлари шамот ғишидан түртбұрчак шаклда терилган бўлиб, унинг графит пластинкаси анод 1, пўлат пластинкаси катод 2 бўлади.

Анод ва катод пластинкаларини шамот ғишили түсиқ 3 ажратиб туради. Электролит сифатида  $\text{MgCl}_2$ ,  $\text{NaCl}$ ,  $\text{KCl}$ ,  $\text{CaCl}_2$ , тузларининг эритмаларидан (масалан 7—15%  $\text{MgCl}_2$ , 38—42%  $\text{CaCl}_2$ , 17—28%  $\text{NaCl}$  ва 22—30%  $\text{KCl}$ ) фойдаланилади.

Ўзгармас ток манбайнинг манфий кутби графит пластинка (анод)-га, мусбат кутби пўлат пластинка (катод)га уланади. Электролитдан 8—10 В ли, 30—50 кА (зичлиги 0,5—0,6 А/см<sup>2</sup>) ли ток ўтганда электролит қисқа вақт ичидә 700—750°C гача қизийди.



**34-расм. Магний хлоридни электролиз қилиш ваннаси секциясининг схемаси:**

- 1 — анод; 2 — катод пластинкаси; 3 — түсиқ;
- 4 — хлорни чиқариш трубкаси

Бу шароитда ундаги  $MgCl_2$ , Mg ва 2Cl га парчаланади. Mg ионлари катод пластинкаларга бориб зарядсизланиб, катод бүшлигига йигила бошлайди ва улар насос ёрдамида вакуум ковшга сўриб олинади, анод пластинкаларда йигилган газсимон хлор трубка орқали сўриб олиниб фойдаланишга юборилади.

Жараёнда ажралаётган қўшимчалар ванна тубига чўкади ва улар вақти-вақти билан чиқариб турилади.

Электролиз усулида олинган магнийда 2—5% гача турли қўшимчалар бўлади. Бу зарарли қўшимчалардан тозалаш учун уни тигелли электр печларда 720—750°C температурада қайта суюқлантирилади. Флюс сифатида хлоридлар ёки фторидлардан фойдаланилади. Бунда бегона қўшимчалар флюс билан бирикиб шлак беради. Mg ни маълум вақт тигелда тутиб турилади. Бунда бегона қўшимчалар тигел тагига чўкади. Тозаланган магнийни ковшга чиқаришда оксидланмаслиги учун унинг сиртига олtingугурт кукуни сепилади. 1 кг магний олиш учун 4,5 кг сувсизлантирилган магний хлорид ва 55—60 мВт электр энергияси сарфланади.

Техник магнийнинг Mg-90, Mg-95 ва Mg-96, Mg-99 каби маркала-ри бор. Масалан, Mg-99 маркада магний миқдори 99,9%, Mg-95 да 99,95% ва Mg-96 да 99,96% бўлади.

### 5-§. Титан ва уни ишлаб чиқариш

Титан ер қобиғида кўп тарқалган кумуш ранги металл, унинг солиширима пухталиги юқорилиги, коррозия ва оташ бардошлиги, қиздирилгандан ҳам пухталигининг сақланиши муҳим хусусиятларидир. (1-жадвалда унинг асосий хоссалари келтирилган). Титан элементи 1791 йилда топилган бўлса-да, саноатда 1950 йилдан бошлаб унинг қотишмалари ишлаб чиқарила бошланди. Ундан саноатнинг турли тармоқларида (самолёт ва ракетасозликда, кемасозликда, кимё саноатида) кенг қўлланилмоқда.

Геологларнинг маълумотларига кўра ер бағрида титаннинг 70 га яқин маъданлари бор. Металлургия саноатида унинг қуйидаги маъданларидан титан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади:

1. Рутил (90%  $TiO_2$  гача). Бу маъдан таркибига кўра ранги қизилдан жигар ранггача, зичлиги 6—6,5 г/ $cm^3$  бўлиб, ялтироқдир.

2. Ильменит (80%  $TiO_2$  гача). Бу маъдан таркибига кўра ранги қорамтироқ, зичлиги 4,5—5,2 г/ $cm^3$  бўлиб, ялтироқдир.

3. Титанит (32—47%  $TiO_2$ ). Бу маъдан таркибига кўра сариқдан қорагача, солиширима оғирлиги 3,4—3,6 г/ $cm^3$  бўлади.

Титаннинг йирик конлари Уралда, Украинада ва бошқа жойларда бор. Титаннинг активлиги, айниқса, юқори температурада кислород, азот ва бошқа элементлар билан реакцияга тез киришиши уни  $TiO_2$  дан қайтариб олишда анча қийинчилликлар туғдиради.

## Титан рудаларидан титанни олиш

Титан рудаларидан титан концентратларини олиш учун уларни аввало майдалаб электромагнит усулда бойитилади. Кейин бу концентратга маълум миқдорда писта кўмири қўшиб электр ёй печда ~ 1700°C температурада қиздириб эритилади. Бунда концентратлар таркибидаги оксидлардан темир қайтарилиб, углеродга тўйиниб чўян ҳосил бўлади. Титан оксидлари эса шлакка ўтади. Улар металл қолипларга куйилади. Чўядан металургия саноатида фойдаланилади. Шлак таркибида 80—90%  $TiO_2$ , 2—5% FeO ва маълум миқдорда  $SiO_2$ ,  $Al_2O_3$ , CaO, MgO ва бошқа қўшимчалар бўлади. Шлакдан Ti олинади. Бунинг учун шлакни кукун ҳолига ўтказилиб, унга маълум миқдорда писта кўмири ёки кокс ва боғловчи сифатида тошкўмир смолоси қўшиб қориштирилади. Олинган массани қолип (пресс форма) га солиб, прессланади ва брикетлар олинади.

Титан олиш технологик жараёнини икки босқичга ажратиш мумкин:

**1 - босқич.** Брикетларни хлор билан ишлаб титан тетрохлорид ( $TiCl_4$ ) олиш.


**2 - босқич.** Титан тетрохлориддан титанни ажратиб олиш.

Брикетларга хлор билан ишлов бераби  $TiCl_4$  ни олиш учун уларни герметик аргон муҳитли электр печда (35-расм) 800—900°C температурада қиздирилганда унга хлор юборилади ва унда борувчи реакциялар натижасида титан тетрохлорид олинади:




$TiCl_4$  дан ташқари  $SiCl_4$ ,  $FeCl_3$ ,  $MgCl_2$  ва бошқалар ҳам ажралади. Титан тетрохлорид 23°C да суюқланаб, 136°C температурада қайнаниши туфайли у печда тезда буғланиб, ўзи билан Si, Fe, Mg хлоридларни эргаштиради. Буғ ҳолатида ажралувчи маҳсулотлар чанг ёғғич б да чанглардан тозаланиб, конденсат 7 да суюқлантирилади ва фильтрланиб, қўшимчалардан тозаланади.

Титан тетрохлориддан титанни қайтариб олиш учун уни маҳсус зангламайдиган пўлатдан ясалган герметик печь реакторда магний (бъзан водород ёки натрий) билан қайтарилади (36-расм). Бунинг учун



35-расм. Рутил брикетларига хлор билан ишлов бериш курилмасининг схемаси:

1 — рутил брикетлари; 2 — қаршилик элементлари; 3 — электродлар; 4 — трубка; 5 — буникер; 6 — чаңг йиғич; 7 — конденсат; 8 — совитич; 9 — титан хлорид



### 36-расм. Электр печь схемаси:

- 1 — реактор; 2 — темир стакан; 3 — магний хлорид; 4 — қайтариlgан ғовак титан; 5 — магний хлоридні чиқарыш трубкасы; 6 — қуйиш нови; 7 — инерт газни чиқарыш трубкасы; 8 — тетрохлорид трубкасы; 9 — иссиқлик изоляцияси; 10 — печь

реактор 2дан ҳаво сүрилиб, уннің үрнігі аргон газы ұйдалады да, печь 900—1000°C гача қиздирилғач, унга маълум миқдорда Mg киритилади. Кейин эса унга трубка орқали буғсимвон тетрохлорид киритилади. Бунда қуйидаги реакция боради:



Қайтариlgан Ti заррачалари реактор тубига ўтиб, ғовак масса беради. Суюқ MgCl<sub>2</sub> эса реактор новидан чиқарилади. Олинган бу ғалвирап титан эса вакуумли электрпечда қайта эритилиб, ундагы құшымчалардан тозаланады да, ундан құймалар олинади. ГОСТ 9807-74 бүйінча техник титанни BTi-00 (99,53% Ti), BTi-0 (99,48% Ti) ва BTi-1 (99,4%) маркалари бор.

### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- Металлар, уларнинг хоссалари ҳақида айтиб беринг.
- Асосий темир рудалари ва уларни бойитиш усулларини айтиб беринг.
- Металлургияда қандай ёқылғылар ва флюслардан фойдаланилади?
- Үтга чидамли материалдар ва уларнинг ишлатилиш жойларини айтиб беринг.
- Домна печини ишга тушириш ва унда кечадиган жараёнлар ҳақида айтиб беринг.
- Домна печидан олинадыған махсулотлар ва уларнинг ишлатилиш жойларини айтиб беринг.
- Домна печи ишининг техника-иқтисодий күрсаткычларини айтиб беринг.
- Конверторда суюқ чүяп сатхига кислород ҳайдаш йөли билан пүлат ишлаб чиқарышда қандай жараёнлар кечади?
- Мартен печида пүлат ишлаб чиқаришда скрап-руданли ва скрап вариялтарда жараёнлар қандай боради?
- Электродлари вертикаль үрнатылған электр ёй печда пүлат ишлаб чиқарыш ҳақида айтиб беринг.
- Юқори сифатлы пүлат ишлаб чиқарыш усулларини айтиб беринг.
- Пүлаттарни қолипларға қуйиш усуллари, уларнинг афзалліклари ва камчиликтерини айтиб беринг.
- Мис рудалари ва улардан мисни ажратиб олиш босқичларини айтиб беринг.
- Алюминий ва магний бирикмалари ҳамда улардан Al ва Mg ии ажратиб олиш босқичларини айтиб беринг.
- Мис, алюминий ва магнийларнинг маркаларини ёзib күрсатинг.

## МАТЕРИАЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

Материалшунослик бўлими «Конструкцион материаллар технологияси» курсининг назарий бўлими бўлиб, бу бўлимда турли материалларнинг кимёвий таркиби, ички тузилиши (структураси) билан хоссалараро боғлиқлик ўрганилади. Асосий мақсад машина ва механизмлар деталларининг иш шароитига кўра материалларни илмий асосда оқилона танлаш билан зарурый термик, термокимёвий ва бошқа ишловларда пухталигини орттириб, эксплуатацион кўрсаткичларни яхшилашдир.

Маълумки, ҳозирда машина ва механизмлар деталларининг 90% дан зиёдроги қора металл қотишмалари (пўлат ва чўянлар)дан тайёрланади. Бунинг боиси шундаки, улар пухта, пластик ва яхши технологик хоссаларга эга бўлиши билан бирга ўзидан иссиқликни, электрни яхши ўтказиш каби бошқа зарур хоссаларга ҳам эга. Айниқса, уларнинг кимёвий таркибига ва структурасига кўра хоссаларининг ўзгариши ва арzonлиги машинасозликда улардан асосий конструкцион материал сифатида фойдаланилишига сабаб бўлмоқда.

Кейинги йилларда металл ва уларнинг қотишмалари билан бир қаторда нометалл материаллардан ҳам оз бўлса-да конструкцион материаллар сифатида фойдаланилмоқда. Шу боисдан металлшунослик фанини материалшунослик фани деб аталмоқда. Шунга кўра бу бўлимда металлшунослик асослари ва нометалл материаллар ва улардан деталлар тайёрлаш технологик усуллари ҳақида алоҳида-алоҳида маълумотлар баён этилади.

### 7-боб

## МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

### 1-§. Умумий маълумот

Маълумки, конструкцион материаллар (металлар ва нометаллар) узлуксиз ҳаракатдаги молекулалар, атом (ион)лардан иборат ва улар фазода турлича жойлашган бўлиб, ўзаро боғланиши ҳарактерига кўра хоссалари ҳам ҳар хил бўлади.

Материалларнинг ички тузилишини рентген нури ёрдамида ўрганиш натижасида шу нарса аниқланганки, металлар ва улар қотишмаларининг атомлари фазода маълум тартибда жойлашиб, ўзига хос крис-

талл панжара ҳосил қиласи ва бу панжара тугунларидаги атомлар уз-луксиз равишда маълум амплитудада тебранади. Атомларнинг бир-бирларини тортиш кучлари билан бир-бирларини итариш кучлари ўзаро мувозанатдалиги туфайли шаклини сақлади. Уларнинг хоссалари ҳар хил йўналишда турлича бўлади ва бу хусусиятга анизатропия<sup>1</sup> дейилади. Нометалл (аморф)<sup>2</sup> материаллар (шиша, мум, ёғоч, сопол ва бошқалар) атомлари эса фазода тартибсиз жойлашади. Шу боисдан улар кристаллик панжарага эга бўлмайди. Уларнинг хоссалари ҳар хил йўналишда бир хил бўлади ва бу хусусиятга изотропия<sup>3</sup> дейилади. Бундан ташқари улар металлар сингари аниқ критик температурага эга бўлмайди.

Материаллар молекула ва атомларининг ўзаро бирикиш характеристига кўра қўйидаги хил боғланишларга ажралади:

**Молекуляр боғланиш.** Бу боғланишда фазовий кристалл панжараларининг уч тугунларидаги молекулалар ўзаро молекуляр тортилиш кучлари ҳисобига бирикиб турадилар.

Бу хил боғланишга полиэтилен, полистирол, органик ва кўпгина ноорганик моддалар эга. Буларда молекулаларни ўзаро боғловчи кучлар кичикилиги сабабли улар унчалик пухта ва қаттиқ бўлмай, осон суюқланади.

**Ион боғланиш.** Бу боғланишда фазовий кристалл панжараларининг уч тугунларида маълум тартибда мусбат ва манфий зарядли ионлар жойлашиб, ўзаро тортилиш (электростатик) кучлари ҳисобига бирикиб туради. Ион боғланишли моддаларга кўпчилик тузлар (масалан, NaCl) ва баъзи оксидлар киради. Бу боғланишли моддалар молекуляр боғланишли материалларга нисбатан пухтароқ бўлиб, суюқланиш температураси ҳам юқорироқ бўлади.

**Атом боғланиш.** Бу боғланишда фазовий кристалл панжараларининг уч тугунларида атомлар жойлашиб, ўзаро тортилиш кучлари ҳисобига бирикиб туради. Олмос, кремний ва баъзи ноорганик бирикмалар бу хил боғланишга эга. Бу боғланишли материаллар жуда ҳам пухта бўлиб, суюқланиш температураси юқори бўлади.

**Металл боғланиш.** Бу боғланишда фазовий кристалл панжараларининг уч тугунларида металл атомларнинг мусбат ионлари жойлашиб, уларни эркин электронлар куршайди.

Улар мусбат зарядли ионлар билан эркин электронларнинг ўзаро тортишув кучлари ҳисобига бирикиб туради. Бу хил боғланишга металлар киради. Шу боисдан улар пухта ва пластик бўлиб, электр токи-

<sup>1</sup> Анизатропия сўзи юнонча anisis — тенгмас (ҳар хил) ва tropos — хосса сўзларидан тузилган бўлиб, ҳар хил хоссани деган маънени билдиради.

<sup>2</sup> Аморф сўзи юнонча amorphos сўзидан олингани бўлиб, шаклсиз деган маъноти билдиради.

<sup>3</sup> Изотропия сўзи юнонча (izo ва Ietros — йўналиш) жисмларнинг физик хосслари ҳамма йўналишларда бир хиллигини билдиради.

ни ва иссиқликни яхши ўтказади. Айрим материаллар ҳам борки, уларнинг уч тугунларининг бир йўналиши атом (ковалент) боғланишли, иккинчи йўналиши эса металл боғланишли бўлади.


## 2-§. Идеал (соф) ва реал металларнинг тузилиши, фазовий кристалл панжаралар ва хоссалари

Агар бирор соф металлнинг тузилишини ўрганмоқчи бўлсак, унинг бирор атомларининг марказидан тегишли фаразий чизиқлар ўтказиб кристалл панжара ҳосил қилинади. Кристалл панжарарнинг тугунларида эса атомлар (ионлар) туради. Металларнинг фазовий кристаллик панжарасини тасаввур этиш учун унинг энг кичик элементар кагакча модели тузилади ва у орқали фикр юритилади.

Кузатишлар машинасозликда кенг миқёсда фойдаланиладиган металларда куйидаги элементар фазовий кристалл панжаралар учрашини кўрсатади:

**1. Ҳажми марказлашган элементар куб панжара.** Бундай фазовий кристалл панжарада металл атомларининг саккизтаси кубнинг уч тугунларида, биттаси эса куб марказида жойлашган бўлади (37-расм, *а*). Fe, Mo, Ne, Ta ва бошқа металлар бу хил фазовий кристалл панжарага эга.

**2. Ёқлари марказлашган элементар куб панжара.** Бундай фазовий кристалл панжарада металл атомларининг саккизтаси кубнинг уч тугунларида, олтиласи эса куб ёқларининг марказида жойлашган бўлади (37-расм, *б*). Бу хил фазовий кристалл панжара Pb, Fe, Al, Cu, Au, Ag ва бошқа металларга хосдир.



37-расм. Фазовий кристалл панжараларнинг турлари:

*а* — ҳажми марказлашган элементар куб панжара; *б* — ёқлари марказлашган элементар куб панжара; *в* — олти қирралли гексагонал элементар панжара

**3. Олти қирралы призма (гексагонал) күриниңдеги элементар панжара.** Бундай фазовий кристалл панжарада металл атомларининг ўн иккитаси олти қирралы призманинг уч тугунларида, иккитаси устки ва пастки асослар марказида ва учтаси ёқлар марказида жойлашган бўлади (37-расм, в). Бу хил фазовий кристалл панжара Zn, Cd, Mg, Ni, Co, Ti ва бошқа металларга хосдир. Шуни ҳам қайд этиш керакки, айрим металларда ромбоэдрик, тетрагонал ва янада мураккаб панжаралар ҳам учрайди.

Агар элементар катақчаларнинг кўплаб даврий тақрорланишини на- зарга олиб, уларнинг уч тугунларидан текисликлар ўтказсан, ҳар бир текислика тегишли атомлар сонини, кўшни атомлар оралигини ва уларни қай бурчак бўйлаб жойлашгандигини аниқлаш мумкин бўлади. Одатда, ҳажми марказлашган элементар куб ва ёқлари марказлашган элементар куб панжараларнинг катақчасидаги кўшни атомлар оралигини «а» ҳарфи билан, олти қирралы призманинг элементар панжарасининг катақчасидаги атомлар оралиқларини «а» ва «с» ҳарфлари билан белгиласак, улар оралигини ангестрем ( $\text{A}$ ) ( $1\text{A} = 10^{-8}$  см) ўлчаш мумкин. Аниқланганки куб панжарада «а» қиймати  $7,5 - 5\text{\AA}$ , олти қирралы призмада  $a = 2 - 3\text{\AA}$  ва  $c = 3,5 - 6\text{\AA}$  оралиғида бўлади. Кўпгина металлар, масалан, Fe, Cr, Mo ва бошқалар бир хил фазовий кристалл панжарали бўлсаларда, уларнинг атомлар оралиғи фарқланади (11-жадвал).

#### 11-жадвал

Металлар хили	Fe	Cr	Mo	W	V
Кўшини атом оралиқлари.	2,866	2,885	3,147	3,165	3,028

Шу боисдан уларнинг хоссалари ҳам ҳар хил. Металларнинг фазовий кристалл панжараларининг кўрсаткичларида уларнинг **базиси** ва **координацион сонлари** киради.

Фазовий кристалл панжара базиси деб элементар катақчасининг ўзигагина тегишли атомлар сонига айтилади. Масалан, ҳажми марказлашган элементар куб фазовий кристалл панжаранинг катақчасини кузатсан, катақчанинг уч тугунларида саккизта атом жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқа саккизта катақчага ҳам киради.

Фақат катақчанинг марказида жойлашган атомгина шу катақчага тегишли бўлади. Демак, ҳар қайси элементар катақчага иккита ( $8 : 8 + 1 = 2$ ) атом тўғри келади. Фазовий панжара базиси сони 2 га тенг бўлади. Худди шу йўсинда турли фазовий кристалл панжара катақчасининг базисини аниқлаш мумкин.

Фазовий кристалл панжаранинг координацион сони деб кристалл панжарадаги ҳар бир атомга энг яқин ва бир хил оралиқда турган атомлар сонига айтилади. Масалан, ҳажми марказ-

лашган фазовий кристалл куб панжара катақчасида ҳар бир атом ўзига әнг яқын ва бир хил оралиқда турған саккыста атом билан, ёқлари марказлашган фазовий куб панжара катақчасида ҳар бир атом ўзига әнг яқын ва бир хил оралиқда турған ўн иккита атом билан қуршалған бўлади. Демак, ҳажми марказлашган фазовий кристалл куб панжаранинг координацион сони 8 та, ёқлари марказлашган фазовий куб панжаранинг координацион сони 12 та бўлади. 13-жадвалда техник металларда учрайдиган асосий фазовий кристалл панжара катақчалари нинг базиси ва координацион сонлари келтирилган.

#### 12-жадвал

Фазовий кристалл панжара хили	Шартли белгиси	Базис сони	Координацион сони
Ҳажми марказлашган электр куб панжара	Х.М.К.П.	2	8
Ёқлари марказлашган электр куб панжара	Ё.М.К.П.	4	12
Гексагонал куб электр панжара	Г.К.П.	4	12

Координацион соннинг қиймати қанча катта бўлса, атомларниң фазовий кристаллик панжара катақчасида жойлашиш зичлиги ҳам шунча ортади. Масалан, K8 бўлганда атомларниң жойлашиш зичлиги 68%, K12 бўлганда эса атомларниң жойлашиш зичлиги 74% бўлади.


Хулоса қилиб айтганда, металларниң хоссалари фазовий кристалл панжара катақча хилига, атомлар оралиғига, базисига, координацион сонларига боғлиқ бўлади.

Металларни элементар фазовий кристалл панжара катақчасининг уч тугунларидан ўтувчи текисликка кристаллографик текислик дейилади (38-расм).

Бу текисликда атомлар зичлиги турлича бўлганлиги сабабли хоссалари ҳам ҳар хил бўлади. Металларда бу хусусиятни, масалан, мис монокристаллида (ёлғиз бир катта кристаллда) кўриш мумкин.

Тажрибада ёлғиз катта мис кристаллини турли кристаллографик текислик йўналишидан намуналар кесиб олиниб, уларниң механик хоссалари синааб кўрилганда, чўзилишдаги мустаҳкамлиги  $\sigma_b = 146$  дан  $350$  МПа, нисбий узайиши  $\delta = 10 - 55\%$  гача фарқлангани кўрилган.

Реал металларниң механик хоссалари идеал (соғ) металлар хоссаларига



38-расм. Кристаллографик текисликлар:

$D_1BC_1$  — куб текислиги;  
 $A_1AC_1$  — онтаэдра текислиги;  
 $A_1CBC_1$  — ромбик текислиги

таққослаганда уларнинг бир неча ўн баравар пастлиги аниқланган. Бунга фазовий панжарада турли бегона қўшимча бирикма атомлари борлиги, кимёвий нотекислиги, фазовий кристалл панжаранинг но-мукаммаллиги, киришув бўшлиғи, газ ғоваклари, дарзлар бўлиши ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. Бу хил нуқсонлар технологик жара-ёнларнинг такомиллашмаганлиги, металларнинг кристалланиш даврида айрим атомлар энергиясининг фазовий кристаллик панжаранинг ўртacha энергиясидан катталиги, шиддатлироқ диффузия ҳаракатлари туфайли содир бўлиши мумкин.

Металларнинг фазовий панжараларида учровчи нуқсонлар асосан қўйидаги хилларга ажратилади:

**Нуқтали нуқсонлар.** Фазовий кристалл панжарада атомлар эгалламаган бўш жойлари бўлганлиги, элементар катакчага ўтган бегона атомлар бўлиши, шунингдек, қўшимча элементлар атомларининг кристалл панжара тугунларидағи атомлар ўрнига ўтиши ва катакчаларга кириши оқибатида нуқтавий нуқсонлар ҳосил бўлади. Бу нуқсонлар концентрацияси жуда кам бўлсада, кристалларнинг физикавий хоссаларига таъсири катта. Масалан, тоза яrim ўтказгич кристалларда қўшимча элемент атомларнинг мингдан бир улуши ҳам электр қаршилигини  $10^5$ — $10^6$  га ўзгартиради.

**Чизиқли нуқсонлар.** Фазовий кристалл панжаранинг икки йўналишида кичик ва учинчи йўналишида деярли катта бўлган нуқсонларга чизиқли нуқсонлар дейилади. Бу хил нуқсонларга атом текисликларининг силжиши ва нуқтавий нуқсонлар киради. Бу нуқсонларнинг асосий хусусияти кристаллар ичida ҳаракатланувчанлиги, ўзаро ва бошқа нуқсоңлар билан активлигидадир. Масалан, деформацияга берилмаган кристалларнинг  $1 \text{ см}^3$  ли ҳажмида уларнинг сони  $10^6$ — $10^8$  га етса, пластик деформацияга берилса янги силжиш (дислокация)<sup>1</sup> лар ҳосил бўлиб, уларнинг сони юз минг марта ортади.


**Сиртқи нуқсонлар.** Бу хил нуқсонлар нуқтали ва чизиқли нуқсонлар қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу нуқсонлар кўпинча металлар сиртида учрагани учун сиртқи нуқсонлар дейилади. Шуни қайд этиш жоизки, металларнинг фазовий кристалл панжарасида нуқсонлар қанча кам бўлса, улар идеал тузилишга шунча яқин бўлади. Масалан, идеал фазовий кристалл панжарали темирнинг чўзилишга мустаҳкамлигини ( $\sigma_u$ ) атомлараро тортилиш кучлари орқали ҳисобласак, у 200 МПа ( $20 \text{ к.кг}/\text{мм}^2$ ) га яқин бўлади. Ваҳоланки, реал, техник темирнинг чўзилишга мустаҳкамлиги 2,5—3,0 МПа ( $0,25$ — $0,30 \text{ к.кг}/\text{мм}^2$ ) дир.

39-расмда металларнинг фазоний кристалл панжара бузилиши дарражаси ( $\rho$ ) га кўра чўзилишга мустаҳкамлиги ( $\sigma_u$ )нинг ўзгариш графиги келтирилган. Графикдан кўринадики, фазовий кристалл панжара

<sup>1</sup> Дислокация — инглиз сўзи dislocation дан олинган бўлиб, дон заррачалари ҳамда блокларининг ўзаро силжиши ва бурилиши оқибатида пайдо бўлади.

**39-расм. Фазовий кристалл панжара бузилиш даражаси ( $\rho$ ) га күра мустаҳкамликнинг ўзгариши:**

- 1 — назарий мустаҳкамлик;
- 2 — жуда ингичка толанинг мустаҳкамлиги;
- 3 — юмшатилгандағи мустаҳкамлик;
- 4 — термик, термомеханик ишловдан кейинги мустаҳкамлик



бузилиши ( $\rho$ ) ортиб боришида критик бузилиш қиймат ( $\rho_c$ )га қадар  $\sigma_{\text{в}}$  нинг қиймати камая боради. Сүнгра эса орта бошлайди. Бунинг боиси, бузилиш даражасининг критик қиймати га етгандан кейин ортиб боришида бир-бирининг силжишига қаршилик күрсатышилади. Бу ҳол металларга термик ҳамда термомеханик ишлов бериш жараёнида ҳам күрилади.

### 3-§. Металларнинг кристалланиши

Маълумки, ҳар қандай металл шароит (босим, температура) ўзгаришига қараб доимо кичик эркин энергияли барқарор ҳолатта ўтишга интилади. Механикадан маълумки, масалан, бирор бир золдирни ердан баландликка күттарсак, у маълум потенциал энергияга эга бўлади.

Агар уни бу баландликдан пастга қўйиб юборсак, юмалаб ер юзига ўтишида бу энергияси сарфланиши билан тўхтайди.


Шунингдек, металларни суюқланиш температурасидан юқорироқ температурагача қиздирилганда атомларнинг бетартиб диффузия ҳаракати зўрайди ва температура пасайган сари сусайди.

Суюқ ҳолатдаги металларни босим ўзгармаганида температура пасайишида атомларининг бетартиб ҳаракатда бўлган ҳолатидан, бетартиб жойлашган қаттиқ ҳолатта ўтиш жараёнига бирламчи кристалланиш дейилади.

40-расмда суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги металларнинг эркин энергияси қийматининг температурага қараб (ўзгармас босимда) ўзгариши график тарзida кўрсатилган.

Расмдаги графикдан кўринадики, металл мувозанат, яъни назарий кристалланиш температурасидан ( $T_{\text{нк}}$ ) юқори температурада суюқ ҳолатда бўлиб, унинг эркин энергия<sup>1</sup> қиймати ( $F_k$ ) қаттиқ ҳолатдаги металлнинг эркин энергияси қиймати ( $F_c$ ) дан кичик ( $F_c < F_k$ ) бўлади, ак-


<sup>1</sup> Эркин энергия термодинамик функция бўлиб, ҳаракатда бўлган атом ва молекулаларни ўз ичига олган тизимнинг эркинлик ҳолатини характерлайди.



**40-расм.** Суюқ ва қаттық ҳолатдаги металларнинг эркин энергиясы қийматынин температурага қараб үзгариш графиги

строқ температурада совитиш даражаси ( $\Delta T$ ) ни аниқлаш үчүн уларнинг назарий критик температурасы ( $T_{н.к.}$ ) дан анча пактарда берилген:

$$\Delta T = T_{н.к.} - T_x$$



**41-расм.** Кристалланиш жараёнидаги совитилиш згралари:

1 — металлар кристалланишидаги критик згри; 2 — ўта совитилган металл кристалланишидаги згри; 3 — янада ўта совитилган металл кристалланишидаги згри; 4 — нометалл материалдарни кристалланишидаги згри; бу ерда  $T_{н.к.}$  — назарий критик температура;  $\Delta T_{н.к.}$ ,  $\Delta T_x$  ва  $\Delta T_s$  — ўта совитиш температурасы;  $V_{x_1}$ ,  $V_{x_2}$  ва  $V_{x_3}$  — ҳақиқий совитиш тәзелги

Металларнинг эркин энергия қийматини ( $F$ ) эса қуидагида ифодалаш мүмкін:

$$F = I - TS.$$

Бу ерда  $I$  — тизимнинг ички энергияси;  $T$  — абсолют температурасы;  $S$  — энтропия.


Тизимнинг ички энергия қиймати эса фазаларнинг кинетик ва потенциал энергияларининг йиғиндисига тенг бўлади.

Энтропия эса тизимда заррачаларининг жойланишини характерлайди ва температура кўтарилиган сари энтропия ҳам ортади.

Кузатишлар шуни кўрсатади, металлар металл қолилга қуилганда унинг ўта совуши натижасида кристалланиш температураси яқинидаги айрим ерларидан биринчи ва иккинчи секундларда бир неча майда («тұғма») кристалланиш марказлари ҳосил бўлиб, улардан маълум шаклли бирламчи кристаллар, кейин уларга тик йўналган иккиламчи, кейин эса уларга ҳам тик йўналган учламчи ва уларга яна тик йўналган тўртламчи ва ҳоказо бошқа кристаллар суюқ фазада ҳосил бўла боради.


Бу жараён ҳар бир «тұғма» марказлардан ўсаётган кристалларнинг бир-бирлари билан тўқнашгуларигача боради. Бунда уларнинг ўсиш йўналиши ва тезликлари фарқланади (42-расм).

Бу кристалларнинг тузилиши дараҳт шохларини эслатади. Шу бойисдан ҳам уларга «Дендрит»<sup>1</sup> дейилади (43-расм). Металларнинг кристалланиш жараёни бутқул тугаганда ҳар хил шаклли, ўлчамли ва турли томонга йўналган кристаллит (дон)лар ҳосил бўлади ва улараро юпқа



42-расм. Металлар кристалланишида доналарининг ҳосил бўлиш схемаси

<sup>1</sup> Дендрит сўзи юнонча *dendron* — дараҳт сўзидан олинган булиб, шохчали дараҳт шаклидаги кристаллар билдиради.



43-расм. Дендрит схемаси:  
1 — бирламчи; 2 — иккимичи; 3 — учламчи ўқлар бўйлаб кристалларнинг ўсиши


нометалл күшимчаларнинг пардаси бўлади. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, суюқ металларда эримаган оксидлар, нитритлар, сульфидлар ва бошқа нометалл заррачалар ҳам сунъий кристалланиш марказлари бўлади.

1878 йилда Д.К. Чернов металларнинг кристалланиш жараёнини ўрганиб, уни икки босқичдан иборат бўлишини аниқлади.

Биринчи босқичда «тумба» кристалланиш марказлари ҳосил бўлса, иккинчи босқичда эса бу марказлардан кристалларнинг ўсиши солир бўлади. Ундан бир неча йил кейин эса Г.Г. Тамман бу жараённи кузатиб, кристалланиш марказлари сони ва чизиқли ўсиш тезлигининг ўта совиш даражасига қараб ўзгаришини аниқлади (44-расм).

Агар металларнинг кристалланиш жараёнида ҳосил бўлаётган доналарнинг бирлик ҳажмда-ча ифодалаш мумкин:

$$A = f \frac{MC}{KT},$$



44-расм. Кристалланиш марказлари сони ва кристалларнинг чизиқли ўсиш тезлигининг ўта совиш даражасига қараб ўзгариш графиги

бу ерда  $f$  — мутаносиблик коэффициенти;  $MC$  — кристалланиш марказларининг бирлик ҳажмида вақт бирлигига ҳосил бўлиш сони,  $\text{мм}^3/\text{с}$ ;  $KT$  — кристалларнинг вақт бирлигига чизиқли ўсиш тезлиги,  $\text{мм}/\text{сек}$ .

Демак,  $A$  нинг қиймати қанча ортса, доналар шунча майда бўлади. Металларнинг кристалланиш жараёнини ўрганиш унинг доналари ни майдалаш ўйли билан хоссаларини яхшилаш мумкинлигини кўрсатади.

Маълумки, машина деталь заготовкаларига қўйилган талабларга кўра уларни тайёрлашда фақат қўймалардан эмас, балки уларни прокатлаш, болғалаш ва бошқа усувларда олинган маҳсулотлардан ҳам кенг фойдаланилади.


#### 4-§. Металларнинг аллотрофик\* шакл ўзгаришлари

Машинасозлик саноатида кенг фойдаланиладиган металлар Fe, Ni, Sn, Co, Ti ва бошқалар қаттиқлигига босим ўзгармасада, температура ўзгарганда кичик эркин энергияни барқарор ҳолатга интилиши сабабли улар бир кристалл панжарали ҳолатдан бошқа тузилишдаги кристалл панжарали ҳолатга ўтади. Жараёнга эса аллотрофик ўзгариш дейилади. Шуни айтиш жоизки, металларнинг суюқ ҳолатидан совиб боришидаги критик температурасини  $A_c$  ва қаттиқ ҳолатида қиздирилишидаги критик температурасини  $A_e$  ҳарфлари билан белгиланади. Уларнинг қаттиқлигига температура ўзгаришида фазовий кристалл панжара ўзгаришларидаги модификациялари юнонча  $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\gamma$  ва  $\delta$  ҳарфлари билан белгиланиб, бу ҳарфлар металларнинг символларига индекс тарзида ёзилади. Масалан:  $\text{Fe}_\alpha$ ,  $\text{Fe}_\beta$ ,  $\text{Ti}_\gamma$  ва ҳоказо. Бу хил кристалланишга иккиласми кристалланиш дейилиб, у ҳам бирламчи кристалланиш сингари боргани билан бу жараённинг боришида, диффузия ҳаракати секин боради.

45-расмда темирнинг суюқ ҳолатида аста-секин уй температурасигача совиб боришида аллотропик шакл ўзгаришидаги критик температурулари ва модификацияларидаги фазовий кристаллик панжаралари келтирилган. Аслида металл совсасда, расмдаги ўзгармас температуруларни кўрсатувчи тўғри чизиқлар, қайта кристалланиш жараённида яширин иссиқлик ажралиши сабабли ҳосил бўлади.

Расмдаги графикдан кўринадики, ҳосил бўлувчи модификациялар ( $\text{Fe}_\delta$ ,  $\text{Fe}_\alpha$ ,  $\text{Fe}_\beta$ ,  $\text{Fe}_\gamma$ ) ўзига хос кристалл панжараларга, атомлараро ораликларга ва бошқа кўрсаткичларга эгалиги сабабли хоссалари ҳам турлича.

\* *Аллотропия сўзи юнонча anisos* — ҳар хил ва *tropos* — хосса маъноларини англатиб, баъзи кимёвий элементлар (металлар)нинг ўзгармас босимда температураси ўзгарганда хоссалари турлича бўла олишини билдиради.



45-расм. Темирнинг суюқ ҳолатидан уй температурасигача совиб боришида аллотропик шакл ўзгаришидаги критик температураналар графити

Масалан,  $\text{Fe}_{\alpha}$  магнитланадиган бўлса,  $\text{Fe}_{\beta}$  магнитланмайдиган бўлади. Шуни ҳам айтиш лозимки, бирламчи кристалланишдан ўлароқ иккиламчи кристалланиш кичик ва катта ўта совишларда ҳам боради.

Металларнинг аллотропик хусусиятларини билишининг амалий аҳамияти ниҳоятда каттадир. Масалан, темирга (темир асосида олинганд қотишмалар — углеродли пўлатлар ва чўянлар) термик, термоқимёвий ва бошқа ишловлар беришда шу хусусиятга асоссланилади.

## 8-боб

### МЕТАЛ ҚОТИШМА, УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ҲОЛАТ ДИАГРАММАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТИПЛАРИ

#### 1-§. Умумий маълумот

Икки ва ундан ортиқ металларни металлар билан ёки металларни металлоидлар билан бирга суюлтириш, қиздириб қовуштириш, электролиз этиш ёки конденсациялаш натижасида олинган мураккаб би-

рикмаларга қотишишмалар дейилади. Маълумки, машинасозликда, масалан, мис, алюминийлардан ток ўтказгич симлар, вольфрамдан электр лампаларининг ёритиш симлари сифатида фойдаланилади. Лекин асосий конструкцион материаллар сифатида Fe, Cu, Al, Mg, Ti ва бошқа металлар қотишишмаларидан кенг фойдаланилади. Бунинг боиси шундаки, бу қотишишмалар соғи металларга нисбатан юқори механик хоссаларга эга. Шунингдек, улар арzon бўлишидан ташқари уларнинг таркибиага кирувчи элемент (компонент\*)ларнинг хилини ва миқдорини бир тарафдан ўзгартириш билан бирга иккинчи тарафдан термик, термо-кимёвий ва бошқа ишловлар натижасида структураларини (хоссаларини) зарурий томонга яхшилаш мумкин.

Қотишишмалар таркибиага кирувчи компонентлар сонига кўра икки, уч ва кўп компонентли қотишишмаларга ажратилади. Шуни қайд этиш жоизки, қотишишмалар таркибиага кирувчи деярли ҳамма компонентлар (атом диаметрлари катта фарқланувчилардан ўлароқ) суюқ ҳолида бир-бирида исталган миқдорда эриса, қаттиқ ҳолатга ўтишда компонентларнинг бир-бирида эрувчанилиги турлича бўлади.

Қотишишмалар таркибиага кирувчи компонентлар хилига, миқдорига ва бошқа кўрсаткичларига кўра уларда қўйидаги кўринишдаги қотишишмалар учрайди:


**1. Компонентлари механик аралашма берувчи қотишишмалар.** Агар қотишишмалар таркибиага кирувчи компонентлар суюқ ҳолда бир-бирида тўла эриб, кристалланиш жараёнида бир хил атомларнинг ўзаро тортилиш кучлари бошқа атомларнинг ўзаро тортилиш кучларидан катта бўлганда ҳар бир компонент мустақил доналарини ҳосил қиласи. Бу қотишишмаларга компонентлари механик аралашма берувчи қотишишмалар дейилади.

Демак, бу қотишишмаларга кирган ҳар бир компонент ўз фазовий кристалл панжарасини сақладайди. Масалан, A ва B компонентли қотишишмаларнинг схематик равишда келтирилган микроструктурасини бир неча юз бор катталаштирадиган металлографик микроскопда кузатилса, ҳар бир компонентнинг доналари алоҳида-алоҳида бўлиб, доналари чегараси билан боғланганлиги кузатилади (46-расм). Бундай қотишишмалар хоссаси компонентлар хоссасига ва миқдорига боғлиқ бўлади.

Кузатишлар натижасида бу қотишишмалар таркибиага кирувчи компонентлар атомлари диаметрларининг фарқи тахминан 15% дан ортиқ бўлиб, турли фазовий кристалл панжарали бўлиши аниқланган.

Бу хил тузилишли қотишишмаларга Pb—Sb, Zn—Sn, Pb—Ag ли қотишишмалар мисол бўлади. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, агар бу қотишишмаларнинг бирламчи кристалланиш жараёни ўзгармас температурада борса, бундай қотишишмаларга эвтектика қотишишмалар дейилади. Эвтек-

\* Компонент сўзи лотинча *componens* (componentis) сузидан олинган булиб, ташкил этувчи деган маънони билдиради.



**46-расм. А ва В компонентли қотишманнинг микроструктура схемаси**


ўтганда ҳам шу хусусиятини сақлаб, бир жинсли бирикма ҳосил қиласа, бундай қотишмаларга компонентлари қаттиқ эритма берувчи қотишмалар дейилади. Шуни ҳам айтиш жоизки, қаттиқ эритма ҳосил бўлишида қайси компонентнинг фазовий кристалл панжараси сақланса унга эривучи, қайси бирининг фазовий кристалл панжараси сақланмаса унга эривучи компонент дейилади. Бу ҳол шартли равишда тубандагича ифодаланади: А (В). Бу ерда «А» — компонент эривучи, «В» — компонент эрувчи (47-расм).

Қотишка таркибига киравчи компонентларнинг атом радиус ўлчамлари фарқига кўра уларнинг эрувчанилиги турлича бўлади. Атом радиуслари катта фарқланмаган ва фазовий кристалл панжаралари бир хил бўлган компонентлар бир-бирида чекланмаган миқдорда эрийдиган қаттиқ эритмалар беради. Масалан: Cu—Ni. Бу қотишмада эривучи компонентнинг эривчанилиги қаттиқ ҳолатда ҳам суюқ ҳолатдагидек тўла сақланади.

Кўпчилик металлар эрувчи компонентларни чекланмаган миқдорда эрита олса, баъзилари эса чекланган миқдордагина эрита олади. Агар бир хил кристалл панжарали икки компонентнинг атом диаметлари ўзаро фарқ қиласа, яъни эрувучи компонент атом диаметри эривучи компонент атом диаметридан катта бўлса, ҳосил бўлган қаттиқ эритманинг фазовий кристалл панжараси бирмунча бузилишига (эластик энергия йиғилишига) олиб келади.

Бу бузилиши маълум чегарага етгач, кристалл панжара ўз барқарорлигини йўқотади. Бу эса эрувучи компонентнинг эривчанилигини билдиради. Агар эрувчининг миқдори эрувчанилик чегарасидан ортса, қаттиқ эритмадан ортиқча фазалар ажралади.

Кузатишлар шуни курсатадики, қотишка таркибига киравчи компонентлар атомларининг



**47-расм. Қаттиқ эритманинг микроструктура схемаси**


диаметрлари күпі билан 8% фарқ килса, әрүвчидә компонентлар әрүвчан булиб әрүвчанлығы чекланмаган қаттық эритмалар ҳосил бўлади. Агар қотишига таркиби киравчи компонентлар бир хил кристалл панжарали бўлмай, атомларнинг диаметрлари 8% дан 15% гача фарқ қилиса, әрүвчи компонентларнинг эритувчидә әрүвчанлығи чекланади.

Қаттық эритмаларда қуйидаги боғланишли моделлар учрайди:

а) Эрүвчи компонент атомларининг эритувчидеги компонент атомлари билан ўрин алмашиши натижасида қаттық эритмаларнинг ҳосил бўлиши (48-расм, а). Агар әрүвчи компонент атомлари эритувчидеги компонентнинг фазовий кристалл панжараси тугунига ўтиб, атомларнинг ўрин алмашиши билан ҳосил бўлган қаттық эритмалар дейилади. Бундай қаттық эритмалар  $\text{Fe}-\text{Ni}$ ,  $\text{Cu}-\text{Zn}$ ,  $\text{Cu}-\text{Si}$  ли қотишмаларда кўрилади.

б) Эрүвчи компонент атомларининг эритувчидеги компонентнинг фазовий кристалл панжарасига сингиши билан қаттық эритмаларнинг ҳосил бўлиши (48-расм, б). Агар әрүвчи компонент атомларининг диаметри эритувчидеги компонент атомларининг диаметридан кичик бўлиб, улар эритувчидеги компонентларнинг фазовий кристалл панжара бўшлигига ўтса, бундай қаттық эритмаларга сингиш қаттық эритмалар дейилади. Бундай қаттық эритмалар  $\text{Fe}$  билан  $\text{Ti}$ ,  $\text{W}$ ,  $\text{C}$ ,  $\text{V}$  элементли қотишмаларда кўрилади.

**3. Компонентлари кимёвий бирикмалар берувчи қотишмалар.** Бу бирикмаларнинг асосий хусусияти шундаки, уларнинг таркиби барқарор бўлиб, компонентлар атомлари бирламчи кристалланиш жараёнида бирикиши натижасида фазовий панжаранинг тугуларида аниқ жойланиб, мураккаб структурага эга бўлади. Бу бирикмаларни  $\text{A}_n \cdot \text{B}_m$  формула билан ифодалаш мумкин. Бу ерда « $\text{A}$ » ва « $\text{B}$ » ҳарфлар тегишли компонентлар, « $n$ » ва « $m$ » индекс ҳарфлар эса оддий сонлардир. Шуни айтиш жоизки, кимёвий бирикмалар хоссалари компонентлар хоссаларидан кескин фарқланади. Шунингдек, уларнинг эриш температураси ўзгармас бўлади. Улар қаттық эритмалардан фарқли ўлароқ электрон тузилиши ва кристаллик панжараси катта фарқланувчи компонентлараро ҳосил бўлади. Буларнинг нормал валентликларига,  $\text{MgSn}$ ,  $\text{Mg}_2\text{P}_2$ ,  $\text{MgS}$  ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. (Булар интерметаллитлар деб ҳам юрити-



48-расм. Қаттық эритмаларнинг ҳосил бўлиш схемаси:

а — әрүвчи компонент атомларининг эритувчидеги компонентлари билан ўрин алмашиши билан;

б — әрүвчи компонент атомларининг эритувчидеги компонент фазовий кристаллик панжара бўшлигига ўтиши билан

лади.) Атомлари металларнинг атомларидан кичик бўлган нометаллар ( $\text{C}$ ,  $\text{N}$ ,  $\text{H}$ ,  $\text{B}$ ) билан берган бирикмалари (карбидлар, нитридлар ва бошқалар) сингиш фазовий кристаллик панжара беради ва улар  $M_1X$  ( $\text{Fe}_1\text{N}$ ,  $\text{Mn}_1\text{N}$  ва бошқалар),  $M_2\text{C}$  ( $\text{Fe}_2\text{C}$  ва бошқалар) ва  $\text{MX}$  ( $\text{WC}$ ,  $\text{TiC}$  ва бошқалар) тарзидаги формулалар билан ифодаланади. Бундай сингиш кристаллик панжара ҳосил бўлиши учун нометалл компонентлар радиуси ( $P_m$ ) ни металлар радиуси ( $R_m$ ) га нисбати 59 дан кичик бўлганда ( $P_m : R_m < 59$ ) куб ёки гексагонал типдаги сингиш фазовий кристалл панжара беради. Бу сингиш панжарали қотишманинг электр ўтказувчалиги ва эриш температураси ҳамда қаттиқлиги юқори бўлади.

Агар юқоридаги шарт бажарилмаса,  $\text{Mn}$  ва  $\text{Cr}$  лар карбидлари анча мураккаб фазовий кристалл панжара беради. Бу хил панжарани сингиш фазовий панжара деб бўлмайди. Сингиш панжара асосида ажралиш фазовий панжарали қаттиқ эритма ҳосил бўлади. Бунда эрувчи компонент атомлари эритувчи компонент фазовий кристалл панжарасига ўтишида айрим атомларнинг ажралиши билан қаттиқ эритмалар ҳосил бўлади. Бундай қаттиқ эритмалар, масалан  $\text{TiC}$ ,  $\text{VC}$ ,  $\text{NC}$  ва бошқа кимёвий бирикмалар асосида олинган қотишмаларда учрайди. Бундай кристаллик панжарага нуқсонли панжара ҳам дейилади.

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, қотишмаларнинг тузилишига кўра хоссалари турлича бўлади. Шу боисдан уларнинг температураси ва таркиби ўзгарса, тузилишини ўрганиш учун уларнинг ҳолат диаграммаси тузилади.

## 2-§. Қотишмаларнинг ҳолат диаграммалари ва уларнинг тузилиши

Қотишма компонентларининг миқдори ва температураси ўзгаришида структура (хоссаси) ўзгаришини кўрсатувчи диаграмма шу қотишманинг ҳолат диаграммаси дейилади.

Қотишмаларнинг ҳолат диаграммаси унинг айни шароитда энг кичик эркин энергияли барқарор фаза (структуралар)лар ҳолатини график равишда кўрсатгани учун бу диаграмма қотишманинг мувозанат диаграммаси деб ҳам аталади. Демак, қотишманинг ҳолат диаграммасидан кристалланиш даврида структураларнинг ҳамда уларга кўра хоссаларининг ўзгариши кузатилади. Ҳолат диаграммаси бўйича қотишманинг масалан, механик ва бошқа хоссаларини, термик ишлов режимларини ҳам белгилаш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам қотишмалар ҳолат диаграммаларининг амалий аҳамияти foят катта.

Маълумки, қотишмаларнинг кўплаб ҳолат диаграммалари бор. Бироқ, қотишмалар таркибига кирувчи компонентлар хили ва миқдори ортиши билан ҳолат диаграммаларининг тузилиши мураккаблашади. Шу боисдан энг оддий ҳолат диаграммалари икки компонентли қотишмаларга хос бўлгани учун шу қотишмаларнинг ҳолат диаграммасини

тузиш, борувчи структура ўзгаришларини, компонентлар миқдорини сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш билан чекланамиз.

### 3-§. Компонентлари қаттиқ ҳолида механик аралашма берувчи қотишманинг ҳолат диаграммасини тузиш

Амалда қотишмаларнинг ҳолат диаграммасини тузиш учун компонентларни ва аниқ таркибли бир неча қотишмаларни олиб, уларни тигель деб аталувчи ўтга чидамили материаллардан тайёrlанган идишга киритиб, печда қиздириб, суюлтирилади, сўнгра аста-секин совитиб борилади. Бунда уларнинг кристаллана бошлаши ва тугаши температураларининг ўзгариши термоэлектрик пиromетр билан, структураси эса маҳсус металлографик микроскоп ёрдамида кузатиб борилади. Олинган материаллар асосида қотишманинг ҳолат диаграммаси тузилади. Масалан, кўрошин (Pb) билан суръма (Sb) қотишмасининг ҳолат диаграммасини тузиш учун уларни ва турли концентрацияли қотишмаларини олиб, уларнинг ҳар бирини эритгач аста-секин совитиб борилишида критик температураларини аниқлаймиз.


13-жадвалда Pb, Sb ва уларнинг турли концентрацияли қотишмаларининг аниқланган критик температуралари келтирилган.

13-жадвал

Pb ва Sb нинг ва улар қотишмаларининг концентрацияси, % да	Кристалланишнинг бошланиш температураси, °Сда	Кристалланишнинг тугаш температураси, °Сда
100% Pb	327	327
95% Pb ва 5% Sb	300	246
90% Pb ва 10% Sb	260	246
87% Pb ва 13% Sb	246	246
100% Sb	631	631

Аниқланган натижалар асосида ҳар бир компонент ва қотишмалар учун совитиш эгри чизиқлари чизилиб, координаталар тизимининг ординаталар ўқи бўйлаб Pb ва Sb нинг ва улар қотишмаларининг критик температураларини, абсцисса ўқи бўйлаб концентрацияларини кўйиб чиқиб, уларга тегишли кристаллана бошлаш температуралари («а» нуқталар)ни ва кристалланишнинг тугаш температуралари («б» нуқталар)ни ўтказиб, бу нуқталарни ўзаро туташтирасак, Pb билан Sb қотишмаларнинг ҳолат диаграммаси тузилади. Бу диаграммага 1-тип диаграмма ҳам дейилади (49-расм).

Ҳолат диаграммадан кўринадики, қотишманинг кристаллана бошлаш (ликвидус деб аталувчи) чизиги АСВ дан юқори температурада қотишма суюқ эритма ҳолатда, кристалланишнинг тугаш (солидус деб аталувчи) чизиги ДСЕ дан қуий температурада қаттиқ ҳолатда ва улар оралиғида эса суюқ ва қаттиқ ҳолатда бўлади.



49-расм. Pb—Sb қотишималари ҳолат диаграммасини түзиш


Қотишиңа температурасы үзгаришида унинг фаза үзгаришини күзатыш учун қотишиманың характеристикасын (A, C, B) олиб, уларни суюқ ҳолатдан уй температурасынан аста-секин советиб борамиз (50-расм).

Агар А концентрациялы суюқ қотиши мөлдөмдөн көрсетилсе, у,  $t_c$  температура («а» нүкта) гача суюқ ҳолатда бўлади.  $t_c$  температурадагина суюқ әрітмадан Pb кристаллари ажрала бошлайди, чунки бу суюқ әрітмада Pb миқдори 13% дан кўпроқdir.

Қотишиңа температураси  $t_c$  дан пасайган сари суюқ әрітмадан ажралаётган Pb кристаллари миқдори орта боради ва шу билан суюқ әрітмада Pb нинг миқдори камайиб, Sb миқдори эса ортиб боради.

Демак, ҳар бир температурага маълум таркибли қотишиңа түғри келади.

Агар маълум температурадаги қотишиманиң суюқ әрітма миқдорини аниқлаш зарур бўлса, шу температурадан АС чизик билан кесишгунча горизонтал чизик ўтказиб, кесишиш нүктаси абсцисса ўқига



50-расм. Pb — Sb қотишималариңиң температурасынга кўра фаза үзгариши

туширилса, шу температурадаги қотишманинг суюқ эритма таркиби аниқланади.

Диаграммадан күринадики, кристалланаётган эритманинг суюқ эритма қисми  $t_1$  температурада  $k_1$ ,  $t_2$  температурада  $k_2$ ,  $t_3$  температурада С таркиби бўлади. Шуни қайд этиш жоизки, С таркиб (87% Pb билан 13% Sb) ли қотишманинг ҳар иккала компоненти  $t_c$  температурада бир вақтда кристалланади. Бунда Pb, Sb нинг кристалланиш марказлари атрофилда кристаллар ўсиб, диффузияланишига қаршилик кўрсатади ва ўсиш тезлигини секинлатиб майда донли қотишма олинади. Бундай қотишмага эвтектика\* дейилади. Бу қотишма аниқ кимёвий таркибли бўлиб, бу тизимдаги қотишмалар ичидаги энг кичик суюқланиш температурасига эга бўлади. Техникада бу қотишмадан турли мурракаб шаклли қўймалар олишда, ковшарлар тайёрлашда кенг фойдаланилади. Эвтектик таркибдан чап томондаги қотишмалар эвтектика-гача бўлган қотишмалар, эвтектик таркибдан ўнг томондаги қотишмалар эса эвтектикандан кейинги қотишмалар дейилади. Шундай қилиб А қотишманинг температураси эвтектика температура ( $246^{\circ}\text{C}$ ) дан паст бўлганда унинг структураси Pb кристаллари билан эвтектика ( $\text{Pb}_{kp} + \text{Sb}_{kp}$ ) кристаллардан иборат бўлади.


Бу қотишмани эвтектик температурадан уй температурасигача совитиб борилганда структурасида ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди. Демак, эвтектиканагача бўлган қотишмаларнинг структураси уй температурасида  $\text{Pb}_{kp} +$  эвтектикандан иборат бўлади.

Эвтектикандан кейинги қотишмаларнинг кристалланиш жараёни эвтектиканагача бўлган қотишмалар сингари кечади. Лекин бунда улар аста-секин совитиб борилганда СВ чизиги бўйлаб суюқ эритмалардан  $\text{Pb}_{kp}$  кристаллари эмас,  $\text{Sb}_{kp}$  кристаллари ажrala бошлайди. Температура СВ чизигидан пасайган сари суюқ эритмада Sb кристаллари миқдори камая боради. Қотишма температураси  $t_c$  температурага етганда суюқ эритма таркиби эвтектика таркибига келганлиги учун у шу температурада эвтектиканагача ўтади. Шундай қилиб, эвтектикандан кейинги қотишмалар структураси  $246^{\circ}\text{C}$  дан кутий температурада Sb кристаллари билан эвтектикандан иборат бўлади. Агар Pb билан Sb қотишмаларининг ҳолат диаграммасини айрим соҳаларга ажратсан, уларнинг температураси ва концентрацияси ўзгаришидаги структуралари қўйида-гича бўлади:

I соҳада — суюқ эритма; II соҳада —  $\text{Pb}_{kp} +$  суюқ эритма; III соҳада —  $\text{Sb}_{kp} +$  суюқ эритма; IV соҳада —  $\text{Pb}_{kp} +$  эвтектика; V соҳада —  $\text{Sb}_{kp} +$  эвтектика.

51-расмда турли концентрацияли Pb-Sb қотишмасининг микроструктураси келтирилган.

\* Эвтектика сўзи юнонча eutektos сўзидан олинган бўлиб, осон суюқланувчи демакдир.



51-расм. Турли концентрацияли Pb — Sb қотишмасыннг микроструктурасы

#### 4-§. Фазалар миқдорини аниқлаш

Қотишмаларнинг ҳолат диаграммасидан фойдаланиб, уларнинг турли соҳаларидаги фазалар миқдорини кесмалар қоидаси асосида осонгина аниқлаш мүмкін. Биз бу ерда кесмалар қоидасыннг математик ифодасини көлтириб чиқариш устида түхтальмай, бу қоида асосида бир неча масалаларни ечиш билан кифояланамиз.

**1-мисол.** 80% Sb билан 20% Pb дан иборат қотишманинг 280°C температурадаги суюқ ва қаттиқ фазалари миқдори аниқлансын, дейлик. Бу масалани ечиш учун аввало берилган қотишманинг ҳолат диаграммасини чизиб, бу диаграммадан берилган таркибли қотишманынг ўрнини, фазаларини аниқлаймиз. Бунинг учун диаграмманинг абсцисса ўқидан 80% Sb ли концентрацияни белгилаб, у ердан вертикаль I—I чизиқ, ордината ўқидан эса 280°C температурани күрсатувчи нүқтадан горизонтал KM чизиқ ўтказиб, у чизиқтарни кесишгандыкташып, нүктеси L қотишманинг берилган ўрнини топамиз (52-расм, a).

Маълумки, ҳолат диаграммасининг бу соҳасида қотишма Sb билан суюқ эритмадан иборат бўлади. Агар қотишманинг умумий фазалари миқдорини  $Q_y$ , қаттиқ фаза миқдорини  $Q_k$  ва суюқ фаза миқдорини  $Q_c$  билан белгиласак, кесмалар қоидасига кўра уларнинг нисбатларини қўйидагича ифодалаш мүмкін:

$$\frac{Q_k}{Q_y} = \frac{КЛ}{KM}; \quad \frac{Q_c}{Q_y} = \frac{ЛМ}{KM};$$

Энди  $D$  нүқтадаги қотишманинг қаттиқ фаза миқдорини юқоридаги формула асосида аниқласак бўлади:

$$Q_k = \frac{K\Gamma}{KM} \cdot Q_y = \frac{60}{80} \cdot 100\% = 75\%$$

Демак,  $280^{\circ}\text{C}$  температурада бу қотишиша 75% қаттық Sb кристаллари, 25% суюқ эритма бўлади.


**2-мисол.** Таркиби юқоридаги мисолда берилган қотиshmанинг уй температурасидаги фазалари ва уларнинг миқдори аниқлансан, дейлик. Бу масалани ечиш учун аввалги мисолдагидек, қотиshmанинг ҳолат диаграммасини чизиб, 80% Sb ли бу қотиshmанинг  $20^{\circ}\text{C}$  температурадаги ўрнини худди юқорида кўрилган мисолдагидек тегишли концентрациясидан ва температурасидан вертикал I—I ва горизонтал ЭМ чизиқлар ўтказиб, улар кесишган К нуқтани аниқлаймиз (52-расм, 6).

Маълумки, бу соҳада қотишиша Sb<sub>krp</sub> билан эвтектикадан иборат бўлади. Энди кесмалар қоидасига кўра, қотиshmанинг бу соҳадаги фазалар миқдорини юқоридаги формулага кўра аниқлаймиз.

$$Q_k = \frac{\mathcal{E}K}{\mathcal{E}M} \cdot Q_y = \frac{67}{87} \cdot 100\% = 77\% \text{Sb}_{krp}$$

Қолган 23% эвтектика бўлади.

Баъзи ҳолларда қотишиша фазаларининг миқдорини учбурчак усулида аниқлаш бирмунча қулай бўлади (52-расм, в). Маълумки, Pb-Sb ли қотиshmаларнинг С нуқтадаги таркиби 100% эвтектикадан иборат. Бу ҳолда курилган ABD учбурчакнинг CD кесмасини 100% деб олиб, А нуқтадаги таркибли қотишиша миқдорини аниқлаш учун бу нуқтадан ABD учбурчак асосига тик I—I чизиқ ўтказиб, уни учбурчакнинг BD кесмасига туширилса, олдинги МК чизиги А нуқтадаги айни қотиshmанинг эвтектика миқдорини билдиради. Ўхшаш CBD ва MBK учбурчаклардан маълумки,



52-расм. Pb — Sb қотиshmаларининг ҳолат диаграммаси бўйича фазалар миқдорини аниқлаш

деб олиб, А нуқтадаги таркибли қотишиша миқдорини аниқлаш учун бу нуқтадан ABD учбурчак асосига тик I—I чизиқ ўтказиб, уни учбурчакнинг BD кесмасига туширилса, олдинги МК чизиги А нуқтадаги айни қотиshmанинг эвтектика миқдорини билдиради. Ўхшаш CBD ва MBK учбурчаклардан маълумки,

$$\frac{MK}{CD} = \frac{MB}{CB},$$

бу ердан

$$MK = \frac{MB}{CB} \cdot CD.$$

МВ ва СВ кесмалар қийматларини тенгламага қўйиб, МК қийматини аниқлаймиз:

$$MK = \frac{20}{87} \cdot 100\% = 23\%.$$


Демак, қотишма 23% эвтектика ва 77% Sb<sub>kp</sub> дан иборат бўлади. Шундай қилиб, ҳолат диаграммаларига тааллукли қатор масалалар билан Pb—Sb қотишмаси мисолида танишиб чиқдик.

Шуни қайд этиш лозимки, қотишмаларнинг хилига кўра, уларнинг ҳолатини, фазаларини характерловчи диаграммаларнинг кўплигига қарамай, уларни тузиш йўллари Pb—Sb қотишмаси сингари термик анализ материаллар асосида тузилади.

Агар қотишма таркибиغا кирувчи компонентлар суюқ ҳамда қаттиқ ҳолатда бир-бираидан тўла эриб, қаттиқ эритмалар берса, уларнинг ҳолат диаграммалари (53-расм, б да) кўрсатилгандек бўлади. Бу диаграммага иккинчи тип диаграмма ҳам дейилади.

Бу диаграммани уч соҳага ажратсак, биринчи соҳада суюқ эритма, иккинчи соҳада қаттиқ эритма ( $\alpha$ ) билан суюқ эритма ва учинчи соҳада эса қаттиқ эритма ( $\alpha$ ) бўлади. Бундай қотишмаларга юқорида айтилганда Cu—Ni, Fe—Ni қаттиқ эритмалари мисол бўлади. Бу қотишмалар таркибиغا кирувчи компонентлар бир хил фазовий кристалл панжарали бўлиб, атом ўлчамлари фарқи 8% дан ортмайди. Шуни қайд этиш жоизки, кристалланишнинг бошланиш (ликвидус) чизиги бўйлаб ажralаётган қаттиқ эритма қийин эрийдиган компонентларга тўйинган бўлади (масалан, Cu—Ni қотишмада Ni билан), лекин температура пасайган сари ажralувчи қаттиқ эритмада осонроқ эрийдиган компонентлар миқдори ортиқ бўлади. Натижада олинган қотишма структураси бир текис бўлмайди, чунки кристалланиш вақтида диффузияланишга тўла улгурмай, қаттиқ эритма таркиби текисланмайди. Бу ҳолда айрим доналар ичida элементлар нотекис тақсимланади. Бундай ҳодисага ички дендрит ликвация дейилади. Бу ҳолнинг олдини олиш учун уни кристалланишнинг тугаш (солидус) чизигидан 50—100°C пастроқ температурагача қиздириб, маълум вақт шу температурада сақлаб, кейин совитиш лозим.

Агар қотишма таркибиغا кирувчи компонентлар суюқ ҳолида бир-бираидан чекланмаган миқдорда тўла эриб, қаттиқ ҳолида чекланган миқдорда эриб қаттиқ эритмалар берса, уларнинг ҳолат диаграммалари 53-расм, в да кўрсатилгандек бўлади. Бу диаграммага учинчи тип диаграмма ҳам дейилади.



**53-расм.** Қотишималарнинг характерли ҳолат диаграммалари ва хоссаларининг ўзгариши:

*a* — механик аралашма; *б* — эрувчанлиги чекланмаган қаттиқ эритма;  
*в* — эрувчанлиги чекланган қаттиқ эритма; *г* — кимёвий эритма

Агар қотишка таркибиға киругчи компонентлар суюқ ҳолатда бир-бирида чекланмаган мүқдорда эриб, қаттиқ ҳолатда эримай, бир ёки бир неча барқарор кимёвий бирикмалар ҳосил қылса, уни  $A_nB_m$  тилидаги оддий формула билан ифодалаш мүмкін ва бундай қотишималарга барқарор кимёвий бирикма берувчи қотишималар дейилади. Уларнинг ҳолат диаграммаси 53-расм, *г* да күрсатилгандек бўлади. Бу хил диаграммага тўртинчи тип диаграмма дейилади. Бундай қотишималарга  $Mg-Pb$ ,  $Co-Sb$ ,  $Mg-Si$ ,  $Mn-Ca$  қотишималари мисол бўлади.

Юқоридаги ҳолат диаграммасидан кўринадики, қотишиманинг хоссалари таркибиға киругчи компонентлар хилига, мүқдорига ва уларнинг ўзаро муносабатига боғлиқ бўлади.

Механик аралашма, қаттиқ эритма (эрувчанлиги чекланган ва чекланмаган) ва кимёвий бирикма ҳосил қиласидан қотишималарнинг компонент концентрациялари ўзгаришига кўра хоссаларининг ўзгариш графиги келтирилган (53-расм). Шуни қайд этиш жоизки, қотишималарнинг ҳолат диаграммаси билан физика-механик ва технологик хоссалари ўртасида маълум боғлиқлик бор.

### 5-§. Фазалар\* қоидаси ҳақида тушунча

1873—1878 йилларда Д. Гиббс мувозанат ҳолатидаги қотишималарнинг эркинлик даражаси (*C*) билан компонентлар (*K*), фазалар (*Φ*) ва

\* Фаза деб чегара сирти билан ажралган, кимёвий таркиби (структураси) бир хил бўлган қотишималар қисмига зитилади.

ўзгарувчан ташқи омиллар ( $Y_t$  — босим, температура) нинг боғланишини қуйидагича ифодалайди:

$$C = K - \Phi + Y_t$$

Агар ўзгармас босимли ва концентрацияли қотишманинг фақат температураси ўзгарса, унда юқоридаги формула қуйидаги кўринишига ўтади:

$$C = K - \Phi + I \quad (1)$$

Энди бу формулани соғ металл ва икки компонентли қотишмага татбиқ этиб, уларнинг турли шароитдаги эркинлик даражасини аниқлайлик.

Маълумки, соғ металл бир компонентли бўлиб, у критик температурада икки фазали (суюқ ва қаттиқ), бунда  $K = I$ ;  $\Phi = 2$  бўлади. Бунда эркинлик даражасини аниқлаш учун бу кўрсаткичларни юқоридаги формула (1)га қўйсак, унда  $C = 1 - 2 + 1 = 0$  бўлади. Бу, айни шароитда соғ металл мувозанат ҳолатда бўлишини кўрсатади.

Металларнинг температураси критик температурадан юқорига кўтариlsa ёки пасайса, мувозанат ҳолати бузилади. Демак, бу ҳолатни сақлаш учун температурани ўзгартирмаслик керак.

Энди фазалар қоидасини икки компонентли Pb—Sb қотишманинг суюқ эритма соҳасига татбиқ этиб кўрайлик. Маълумки, айни шароитда қотишмада  $K = 2$ ;  $\Phi = 1$ , унда  $C = 2 - 1 + 1 = 2$  бўлади. Бу қотишманинг айни соҳасида температурасини ва компонентлар концентрациясини маълум чегарарада ўзгартириш мумкинлигини кўрсатади, бунда фазалар сақланиб қолади. Бу қоида асосида қотишмаларнинг ҳолат диаграммалари қанчалик тўғри тузилганлигини ва ҳолат диаграмма соҳаларига тегишли фазалари, бинобарин, хоссаларини ва уларга кўра қотишманинг технологик ишлов бериш режимини тахминий бўлсада белгилаш мумкин бўлади.

## 9-боб

### ТЕМИР-УГЛЕРОД ҚОТИШМАЛАРИНИНГ ҲОЛАТ ДИАГРАММАСИ, СТРУКТУРАЛАРИ ВА ТАСНИФИ

#### 1-§. Умумий маълумот

Саноатнинг турли-туман янги соҳаларининг яратилиши ва ривожланиши темирнинг юқори ва жуда ҳам юқори, сифатли, пухта, агресив муҳитларда ишловчи углеродли қотишмаларига бўлган эҳтиёжни тобора оширмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларни ишлаб чиқариш усулларини такомиллаштириш билан бирга хоссаларини ҳам яхшилашни талаб қилмоқда.

XIX асрнинг 30-йилларида рус инженери П.П. Аносов дунёда биринчи бўлиб пуллатларнинг структурасини ўрганишда микроскопдан фойдаланди. Шу билан бирга легиорловчи элементларнинг пўлатнинг хоссасига кўрсатадиган таъсирини аниқлади. 1868 йилда эса Д.К. Чернов пўлатларни критик температуралар вазиятини, таркибидаги углерод миқдорига боғлиқлигини ва структура ўзгаришлари сабабларини аниқлади. Шунингдек, у Fe—C қотишмасининг ҳолат диаграммасини тузиш учун дастлабки муаммоларни ҳал этди. Уйдан бир неча йил кейин француз олимни Ф. Османд Ле-Шателье пиromетри ёрдамида Fe—C қотишмаларининг критик нукталари вазиятини аниқлаб, айрим структураларга ном берди. Инглиз олимни Р. Аустен, французы олимни Ле-Шателье, рус олимни А.А. Байков ва Н.Т. Гудсовлар қотишмалар маълум температурагача қиздирилганда қаттиқ эритмалар ҳосил бўлишини аниқладилир.

Голланд олимни Розебом ва инглиз олимлари В. Юм-Розери, Р. Аустенлар Д. Гиббснинг фазалар мувозанат назариясидан фойдаланиб, Fe—C қотишмаси ҳолат диаграммасининг дастлабки вариантини туздилар.

Ўтган асрнинг охиридагина немис олимни П. Геренс ўзидан аввалги олимларнинг ишлари натижаларига асосланниб, Fe—C қотишмасининг тўлароқ ҳолат диаграммасини тузди. Кейинги йилларда қотишмаларни ўрганиш усулларининг такомиллашуви бу диаграммага маълум аниқлклар киридти.


Демак, Fe—C қотишмаларининг ҳолат диаграммаси бутун дунё олимларининг узоқ йиллар давомида олиб борган ишлари натижасидир.

Маълумки, темирнинг углеродли қотишмаларида углерод темир карбиди ( $Fe_3C$ ) ёки графит тарзда бўлиши мумкин, чунки юқори температурали пўлатларда темир карбиди турғун фаза бўлмагани учун у шартли равишда  $Fe—Fe_3C$  тизимида мустақил фаза деб қабул этилади. Шунга кўра Fe—C қотишмасининг ҳолат диаграммаси темир-карбид ва темир-графитли ҳолат диаграммаларига ажратиласди.

Амалда фойдаланиладиган Fe—C қотишмаларида углерод миқдори 4,5—5% дан ортмагани учун  $Fe—Fe_3C$  ва  $Fe—G$  ли қотишмаларининг ҳолат диаграммасини умумий ҳолда ўрганиш билан кифояланамиз.

### Темир-углерод қотишмасининг ҳолат диаграммаси

Fe— $Fe_3C$  ҳолат диаграммасини тузишда худди Pb—Sb қотишмасининг ҳолат диаграммасини тузиш каби термик анализ материалларига асосланилади. Координата тизимининг ордината ўқига қотишманинг температураси, абсцисса ўқи бўйлаб қотишмалардаги углероднинг % миқдори кўйиб чиқилади. Кейин эса айни қотишмаларнинг кристаллана бошланиши ва тугаши критик температуралари совитиш эгри чизиқларидан аниқлангач, уларни абсцисса ўқидан углерод концентрациясининг тегишли жойига ўтказиб, кристаллана бошланиши ва тугаш температураларини кўрсатувчи нукталарни ўзаро туташтирасак, қотишманинг ҳолат диаграммаси тузилади (54-расм). Диаграмманинг чап томонидаги ордината чизигидаги A нуқта темирнинг суюқланиш температураси ( $1538^{\circ}\text{C} \pm 5$ ) ни, N ва G нуқталар эса унинг аллотропик шакл ўзгариш температураларини ва ўнг томондаги вертикал чизиқдаги D нуқта темир-карбиднинг суюқланиш температурасини ( $1250^{\circ}\text{C}$ ) кўрсатади.



54-расм. Темир-углерод қотишмаларининг ҳолат диаграммаси

Агар абсцисса ўқидаги 2,14% углеродни кўрсатувчи нуқтадан вертикаль чизиқ ўтказиб, диаграммани икки қисмга ажратсак, чап қисми пўлатларга, ўнг қисми эса чўянларга тааллуқли бўлади.

Пўлатларга тааллуқли қисми пўлатлар таркибидаги углерод миқдорига кўра эвтектоид ( $C = 0,8\%$ ), эвтектоидгача ( $C < 0,8\%$ ) ва эвтектоиддан кейинги пўлатларга ( $0,8\% < C < 2,14\%$ ), худди шунингдек, чўянлар ҳам таркибидаги углерод миқдорига кўра эвтектикали ( $C = 4,3\%$ ), эвтектикагача ( $2,14\% < C < 4,3\%$ ) ва эвтектикандан кейинги ( $C > 4,3\%$ ) чўянларга бўлинади.

Диаграмманинг  $ABCD$  чизиги қотишманинг кристаллана бошлиниш температуроси бўлиб, ундан юқорида қотишма суюқ эритма ҳолатида бўлади (бу чизиқликвидус\* чизиғи деб ҳам юритилади).  $AHJECF$  чизиги қотишма кристалланишнинг тугаш температуроси бўлиб, ундан пастда эса қотишма қаттиқ эритма ҳолатда бўлади (бу чизиқ солидус\*\* чизиғи деб ҳам юритилади).

Қотишма  $ABCD$  ва  $AHJECF$  чизиқлар орасида суюқ ҳамда қаттиқ ҳолатда бўлади.  $AN$  чизиқ юқори температурали феррит\*\*\* соҳасини

\* Ликвидус лотинча суз бўлиб, суюқ демакдир.

\*\* Солидус лотинча сўз бўлиб, қаттиқ демакдир.

\*\*\* Феррит сўзи темирининг лотинча номи феррумдан олинган.

билиради. Бу соҳада углерод кўпи билан 0,1% бўлади. *GPO* соҳасидаги углерод 0,025% гача бўлади. *PO* чизиги бўйича ферритдан учламчи цементит ажралади.

Пўлатларни суюқ эритма ҳолатидан аста-секин уй температурасигача совитилганда фаза (структуря) ўзгаришлари билан танишишни эвтектоид таркибли ( $C = 0,8\%$ ) пўлатдан бошлаб кузатайлик. Маълумки, бундай таркибли пўлат *ABC* чизигидан юқори температурада суюқ эритма ҳолатда бўлади.

Агар А таркибли эвтектоид пўлатни суюқ эритма ҳолатидан аста-секин совитиб борсак, унинг температураси *ABC* чизигидан а, нуқтали температурага келганда қотишманинг кичик эркин энергия ҳолатга интилиши сабабли ундан аустенит\*  $Fe_{\gamma}(C)$  кристаллари ажрала бошлиди. Қотишмани янада совитиб бориша суюқ фазадан ажралаётган аустенит донлари орта боради. Эритманинг температураси АЕ чизигидаги ( $a_2$  нуқтали) температурага келганда бирламчи кристалланиш тугаб, суюқ эритманинг ҳаммаси қаттиқ аустенитта ўтади. Бу даврда диффузион жараёнлар бориши натижасида аустенит таркиби бирмунча текисланади. Температура янада пасайганида S нуқтали температурага келгунча структура ўзгариши бормайди. Қотишма температураси S нуқтали температура ( $727^{\circ}C$ )га келганда  $Fe_{\gamma}$  нинг  $Fe_{\alpha}$  га ўтишида аустенит феррит билан цемент ( $Fe_3C$ ) нинг майдада пластинкали донларига парчаланади ва ҳосил бўлган бу механик аралашмага перли т дейилади.

Қотишмани уй температурасигача янада совитиб бориша структура ўзгаришлари содир бўлмайди. (Перлит структуралари пўлат шлифи микроскопда қаралганда садафга ўхшайди. Шу боисдан ҳам перлит деб юритилган.)

Агар эвтектоидгача, масалан, таркибida углерод 0,5% бўлган пўлатни юқорида кўрилганидек суюқ эритма ҳолатидан уй температурасигача аста-секин совитиб борилса, температураси GS чизигига келгунча структураси эвтектоид пўлат сингари ўзгара боради. Температураси GS чизик температурасига келганда аустенитда углерод эришининг ортиши туфайли ундан феррит донлари ажрала бошлиди ва аустенит донлари углеродга тўйина боради. Бу жараён PS чизиқдаги температура ( $727^{\circ}C$ ) гача боради. Қотишманинг температураси PS чизиққа келганда аустенит таркибидаги углерод миқдори эвтектоид таркибига ( $C = 0,8\%$ ) етганлиги сабабли аустенит феррит билан цементит ( $Fe_3C$ ) нинг механик аралашмасига, яъни перлитга ўтади. Шундай қилиб, PS чизиқли температурадан қўйи температурада пўлат структураси феррит билан перлит донларидан иборат бўлади.

Эвтектоиддан кейинги, масалан, таркибидаги углероди 1,2% бўлган пўлатларни суюқ эритма ҳолатидан аста-секин совитиб борилганда

\* Аустенит деган ном инглиз олими Р. Аустен шарафига кўйилган.

унинг температураси ES чизиқли температурагача кечувчи жараён эвтектоидгача бўлган пўлатлар сингари боради. Бу пўлатни ES чизигидан пастроқ температурага совитишда аустенитнинг углеродни эритиш хусусияти камайиб бориши сабабли ундан иккиламчи цементит ( $\text{Ц}_{\text{II}}$ ) кристаллари ажрала бошлайди. Қотишманинг янада совишида ажралаётган  $\text{Ц}_{\text{II}}$  миқдори орта боради.

Қотишма температураси SK чизиқса етгач, аустенит таркибидаги углерод миқдори эвтектоид таркибига етиб, у феррит билан  $\text{Ц}_{\text{II}}$  дон-ларнинг механик аралашмаси перлитга ўтади.

Демак, SK чизиқдан қуий температурада пўлат структураси иккиламчи цементит ва перлит структуралардан иборат бўлади.

Биз юқорида пўлатнинг суюқ ҳолатидан уй температурасигача аста-секин совитилишида содир бўладиган структура ўзгаришлари билан танишдик. Агар эвтектик таркибли ( $C = 4,3\%$ ) суюқ эритма ҳолатидаги чўянни аста-секин совитиб борилса, унинг температураси С нуқтага келганда суюқ эритма аустенит билан бирламчи цеминтит ( $\text{Ц}$ )нинг механик аралашмасидан иборат бўлган (ледебурит\* деб аталувчи) структура ҳосил бўлади. Бу структурали қотишмани  $727^{\circ}\text{C}$  температурагача совитилганда ҳам структураси ўзгармайди. Лекин бу қотишма таркибидаги аустенитнинг  $727^{\circ}\text{C}$  дан қуий температурада барқарор эмаслиги туфайли, у феррит билан цементитга парчаланиб перлитга ўтади. Демак, эвтектик чўян структураси  $727^{\circ}\text{C}$  температурадан қуий температурада бирламчи цементит ( $\text{Ц}$ ) билан перлитдан иборат бўлади. Бу структура ҳам ледебурит дейилади.

Агар эвтектикағача бўлган таркибли суюқ чўян ( $2,14 < C < 4,3\%$ ) аста-секин ABC чизиқ температурасигача совитилса, суюқ эритмадан аустенит кристаллари ажрала бошлайди. Қотишма температураси EC чизигига келганда суюқ фаза таркиби эвтектика таркибига ( $c = 4,3\%$ ) етиб, ледебуритга ўтади. Лекин қотишма янада совитиб борилганда аустенитнинг углеродни эритиш хусусияти камайиши сабабли ундан иккиламчи цементит ( $\text{Ц}_{\text{II}}$ ) кристаллари ажрала бошлайди. Қотишма янада совитиб борилса, ажралаётган  $\text{Ц}_{\text{II}}$  миқдори орта боради. Қотишма температураси SK чизиги ( $727^{\circ}\text{C}$ )га келгач, аустенит феррит ва цементит фазаларига парчаланади. Шундай қилиб, эвтектикағача бўлган чўянлар SK чизигидан қуий температуралари соҳада иккиламчи цементит, перлит ҳамда ледебуритдан иборат бўлади.

Агар эвтектикағадан кейинги суюқ ҳолатдаги чўян аста-секин совитилса, температура CD чизигига етганда ундан бирламчи цементит ( $\text{Ц}$ ) кристаллари ажрала бошлайди. Янада совитиб борилса, ажралаётган  $\text{Ц}$ , миқдори орта боради, суюқ эритма таркиби эвтектика таркибига ( $C = 4,3\%$ ) келганда, у ледебуритга ўтади. Шундай қилиб, эвтек-

\* Ледебурит деган ном немис олими А. Ледебур шарафига қўйилган.

тигадан кейинги чүянлар структураси бирламчи цементит билан ледебурит структуралардан иборат бўлади.

Амалда металларнинг микроструктураларини ўрганишда улардан кичик ( $-10 \times 10$  мм ўлчамли) намуналар кесиб олиниб, уларнинг бир ёгини эговда ёки абразив тоша текислаб, текисланган юзалар донлари майдаланиб борувчи жилвири қозоулар билан силикъланади. Кейин силликъланган юзалар мовут тортилиб, Г.О.И. пастаси суртилган айланувчи дискда ишлаб жилоланади.

Кўпинча, кора металлар қотишмалари (пўлат ва чўянлар)нинг микроструктураларини ўрганишда бу юзалар нитрат кислота ( $\text{HNO}_3$ )нинг спиртдаги 4—5% ли эритмасига бир неча секунд тутиб турилгач, сувда ювиб, кейин спиртли пахта билан артилиб, қурилиди. Шундан сўнг, унинг микроструктураси металлографик микроскопда 200—300 марта катталаштириб кузатилиди. Нитрат кислота эритмасининг намуна юзасига таъсирида донларининг турлича емирилиши натижасида юзада ғадир-будирилик ҳосил бўлади. Микроскопда кузатишда, унинг юзасига юборилган нурни объективга тўғри қайтарган донлари оқиш рангда, нурни четга қайтарган донлари эса қорамтириб бўлиб кўринади. Оқиш донлари феррит, қорамтирилари перлит структура бўлади.

55-расм *a*, *b* да таркибида углероди турлича бўлган пўлатлар ва қайта ишланувчи чўянларнинг микроструктуралари, 55-расм *c* да кулранг чўянларнинг, 55-расм *d* да болғаланадиган ва 55-расм *e* да мустаҳкамлиги юқори чўянларнинг микроструктуралари келтирилган.


## 2-§. Темир-углерод қотишмаларининг асосий структуралари ва уларнинг хоссалари

Темир-углерод қотишмалари суюқ ҳолатдан уй температурасигача совитилганда уларда феррит, цементит, аустенит, перлит, ледебурит ва графит сингари асосий структураларни кўриш мумкин.

Бу структуралар қотишмаларда биргаликда ва ёлғиз ҳолда учрайди. Қуйида бу структуралар ва уларнинг хоссалари билан танишиб чиқамиз.

**Феррит (Ф)** — углероднинг альфа темирдаги қаттиқ эритма  $\text{Fe}_{\alpha}$  (С) си бўлиб, бу эритмада углерод миқдори жуда оз ( $727^{\circ}\text{C}$  да 0,02% гача) бўлади. Умумий ҳолда унинг таркибида 99,8—99,9% Fe, қолгани углерод, кремний, марганец, фосфор, олtingугурт ва бошқа элементлар ҳам бўлади. Маълумки, қотишманинг хоссаси унинг таркибига, донлар ўлчамига, шаклига ва турли бегона қўшимчалардан тозалик дарајасига боғлиқ бўлади. Ўртача феррит структурали қотишманинг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси  $\delta = 250—300 \text{ MPa}$  ( $25—30 \text{ kгк}/\text{мм}^2$ ), нисбий узайиши  $\delta = 10—30\%$ , Бринелл бўйича қаттиқлиги  $\text{HB} = 800—1000 \text{ MPa}$  ( $80—100 \text{ кгк}/\text{мм}^2$ ), зарбий қовушоқлиги эса  $\text{КСИ} = 2—3 \text{ ж}/\text{м}^2$  ( $20—30 \text{ кгм}/\text{см}^2$ ) оралиғида бўлади.

**Цементит (Ц)** — темирнинг углерод билан ҳосил қилган кимёвий бирикмаси ( $\text{Fe}_3\text{C}$ ) бўлиб, таркибида 6,67% С бўлади. Бу қотишма жуда қаттиқ,  $\text{HB} = 8000 \text{ MPa}$  ( $800 \text{ кгк}/\text{мм}^2$ ) ва нисбий узайиши нолга яқин.



**55-расм. Пўлатлар ва чўянларнинг микроструктуралари:**

*a* — таркибида углерод миқдори турлича бўлган пўлатларнинг микроструктураси; *b* — таркибида углерод миқдори турлича бўлган қайта ишланувчи чўянларнинг микроструктураси; *c* — қўйма (кулранг) чўянларнинг микроструктуралари; *d* — болғаланувчали чўянларнинг микроструктуралари

Цементит  $Mn$ ,  $Cr$  ва бошқа элементларни ўзида маълум миқдорда эритади, маълум шароитда эса парчаланиб, ундан эркин углерод (графит) ажралади.

**Аустенит (A)** — углероднинг гамма темирдаги қаттиқ эритмаси —  $Fe_3C$  бўлиб, бу эритма таркибида  $1147^{\circ}C$  температурада  $2,14\%$  гача углерод булади. Аустенит структурали пўлатни ўртacha Бринелл бўйича қаттиқлиги  $NV = 1600—2000$  МПа ( $160—200$  кгк/ $мм^2$ ), нисбий узайиши  $\delta = 40—50\%$  оралиғида бўлади.

**Перлит (P)** — феррит билан цементит фазаларининг механик аралашмаси бўлиб, унинг таркибида  $0,8\%$  углерод булади. Перлит структурали пўлатнинг хоссалари унинг таркибидаги фазалар миқдорига, уларнинг доналари ўлчамига ва тозалик даражасига боғлиқ. Перлит структурали пўлатнинг ўртacha қаттиқлиги,  $NV = 1800—2200$  МПа ( $180—220$  кгк/ $мм^2$ ), нисбий узайиши  $\delta = 5—8\%$  оралиғида бўлади.

**Ледебурит (L)** — аустенит билан бирламчи цементитнинг майдадоналаридан иборат бўлган механик аралашма бўлиб, унинг таркибида

4,3% углерод бўлади. Бундай структурали чўяннинг хоссаси таркибига, фазалар миқдорига, уларнинг доналари ўлчамига ва тозалик дарајасига боғлиқ. Бу структурали чўяннинг ўртача қаттиқлиги,  $HB = 3000-4500$  МПа ( $300-450$  кгк/ $\text{мм}^2$ ) оралиғида бўлади.

**Графит (Г)** — чўянларнинг асосий металл массасида графит пластика, шарсимон ёки бодроқсимон шаклда бўлиши мумкин. Графитнинг Бринелл бўйича қаттиқлиги  $HB = 30-50$  МПа ( $3-5$  кгк/ $\text{мм}^2$ ) бўлади.

Маълумки, темир-углерод қотишмаларда юқорида қайд этилган структурадан ташқари, оз бўлсада бошқа фазалар, масалан, оксидлар, сульфидлар, фосфоридлар, нитридлар ва бошқалар ҳам учраши мумкин. Улар қотишма хоссасига путур етказади. Талабалар амалий машғулотларда  $\text{Fe}-\text{Fe}_3\text{C}$  ва  $\text{Fe}-\text{Г}$  ли қотишмаларнинг ҳолат диаграммасининг турли соҳаларидағи структураларини ва хоссаларини батафсил ўрганадилар.

### 3-§. Пўлатлар хоссаларига С, Si, Mn, S ва Р элементларнинг таъсири

Маълумки, углеродли пўлатлар таркибида углероддан ташқари Si, Mn, S ва P, шунингдек, оз бўлсада нометалл қўшимчалар бўлади ва улар пўлатнинг хоссаларига турлича таъсири кўрсатади.

Шу боисдан бу элементларнинг углеродли пўлатларга таъсири билан танишайлик:

**Углерод.** Пўлатлар таркибида углерод ортган сари пухталик кўрсатичлари ошади ва пластик деформацияга бериувчанлик камаяди. Бунга структурада темирнинг углеродли кимёвий бирикмаси бўлмиш темир карбиди ( $\text{Fe}_3\text{C}$ ) нинг ортиши сабаб бўлади. Агар унинг таркибида углероднинг миқдори 0,8—0,9% дан ортса, у деярли мўртлашиши туфайли пластиклиги кескин ёмонлашади. Бунинг сабаби, структурадаги перлит доналарни цементит турни чулғашидадир.

**Кремний ва марганец.** Одатда пўлатларда кремний миқдори 0,2—0,5% бўлса, марганец миқдори 0,3—0,7% бўлади. Бунда пўлатнинг механик хоссалари деярли ўзгармайди. Шуни қайд этиш ҳам жоизки, Si ва Mn пўлатдаги  $\text{FeO}$  дан Fe ни яхши қайтарувчиdir. Агар пўлатда Si нинг миқдори 0,8% дан, Mn нинг миқдори 1% дан ортса, пўлатнинг мустаҳкамлиги ва қаттиқлиги ортади. Одатда, бу пўлатлар леғирланган пўлатлар қаторига киритилади.

**Фосфор.** Пўлатларда фосфорнинг миқдори 0,03—0,05% бўлади. У темир билан темир фосфид ( $\text{Fe}_3\text{P}$ ,  $\text{Fe}_2\text{P}$ ) беради ва  $\text{Fe}_3\text{P}$  темир билан қаттиқ эритма ҳам беради. Лекин  $\text{Fe}_3\text{P}$  да жуда оз эрийди, шу сабабли фосфор пўлатни мўртлаштиради. Бу ҳол айниқса, пўлат совуқ ҳароратда бўлганда намоён бўлади.

**Олтингугурт.** Пўлатларда олтингугурт миқдори 0,01—0,05% булади. Олтингугурт пўлатларда темир билан, масалан  $\text{FeS}$  кимёвий бирикма беради ва бу бирикма темирда практик эримайди. Агар қотишмада 3,16%  $\text{FeS}$  (85%S) бўлганда, у эвтектика ( $\text{Fe} + \text{FeS}$ ) беради. Бу эвтектиканиң суюқланиш температураси 985°C бўлади. Бу пўлатларни кристалланиш жараёнида доналарни чулғайди. Бу пўлатларни 1100—1200°C температурада қиздириб босим билан ишлашда эриши сабабли доналараро боғланиш узилиб, ёрилиши ва парчаланишига сабаб бўлади.

Маълумки, пўлатларни олишда уларда оз бўлсада  $\text{FeO}$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{SiO}_2$  ва бошқа бирикмалар билан  $\text{O}_2\text{N}_2$ ,  $\text{H}_2$  лар ҳам бўлади. Булар ҳам пўлатларнинг пухталигига путур етказади. Масалан, нометалл қўшимчалар қаттиқ ва мўртлиги сабабли пўлат қўймаларни прокатлашда майдалашиб, маҳсулотнинг зарбий қовушоқлигини пасайтириб, толиқувчан қилса, водород пўлатдаги микровакларга ўтиб, кўзга кўринмас дарзлар ҳосил қиласи.

#### **4-§. Углеродли пўлатларнинг турлари, маркалари ва ишлатилиш жойлари**

Одатда, пўлатлар ишлаб чиқариш усуllibарига, кимёвий таркибиغا, темир оксидидан темирнинг қайтарилганлик даражасига, сифатига, ишлатилиш жойларига ва структурасига кўра ажратилади.

**И ш л а б ч и қ а р и ш у с у л и г а .** Пўлатлар ишлаб чиқариш усулига кўра конверторда, мартен печларда, электр печларда ва бошқа усулларда олинган пўлатларга ажратилади.

**К и м ё в и й т а р к и б и г а .** Пўлатлар кимёвий таркибиغا кўра углеродли ва легирланган пўлатларга ажратилади. Шуни қайд этиш жоизки, углеродли пўлатларда углерод миқдори 0,3% гача бўлса — кам углеродли, 0,3—0,5% оралиғида бўлса — ўртача углеродли, 0,7% дан ортиқ бўлса — кўп углеродли пўлатлар дейилади.

**Т е м и р о к с и д и д а н т е м и р н и қ а й т а р и л г а н л и к д а р а ж а с и г а .** Пўлатлар  $\text{FeO}$  дан  $\text{Fe}$  ни тўла қайтарилган, чаля қайтарилган ва қайтарилмаганларга ажратилади.

**С и ф а т и г а** кўра пўлатлар оддий сифатли, сифатли ва юқори сифатли пўлатларга ажратилади.

**Ишлатилиш жойига** кўра пўлатлар конструкцион (қурилиш ва машинасозлик), асбобсозлик ва маҳсус пўлатларга ажратилади.

Структурасига кўра пўлатлар эвтектоидгача, эвтектоид ва эвтектоиддан кейингиларга ажратилади. Маълумки, эвтектоидгача бўлган пўлатларда структура феррит, феррит-перлит ёки перлит-ферритдан, эвтектоид пўлатда структура перлит-цементитдан иборат бўлади. 14-жадвалда ГОСТ 380—71

га күра оддий сифатли конструкцион пўлатларнинг А ва Б гурухлари, маркалари, асосий механик хоссалари, таркибидаги С, Мп миқдори ва ишлатилиш жойлари келтирилган.

14-жадвал

Марка-лари	А гурухидаги пўлатлар				Б гурухидаги пўлатлар		Ишлатилиш жойн
	$S_{e_1}$ , Мп	$S_{e_2}$ , Мп	в, %	марка-лари	С %	Мп, %	
СтО	300	—	25	БСтО	0,23 (купи билан)	—	Тагликлар, тусиқлар
Ст1кп	300—390	—	35	БСт1к БСт1пс	0,06—0,12	0,25—0,50	
Ст1пс, Ст1сп	310—410	—	34	БСт1сп	0,06—0,12	0,25—0,50	
Ст2кп	320—410	215	33	БСт2 кп, БСт2пс	0,09—0,15	0,25—0,50	
Ст2пс, Ст2сп	330—430	225	32	БСт2сп	0,09—0,15	0,25—0,50	Унчалик мухим булмаган курилиш конструкцияси элементлари (трубалар, парчин михлар, болтлар) тайёрлашда
Ст3кп	360—460	235	27	БСт3кп, БСт3пс	0,14—0,22	0,40—0,65	
Ст3пс, Ст3сп	370—480	245	26	БСт3сп	0,14—0,22	0,40—0,65	
Ст3Гпс	370—490	245	26	БСт3Гпс	0,14—0,22	0,80—1,10	
Ст3Гсп	390—570	—	—	БСт3Гсп	0,14—0,22	0,80—1,10	
Ст4кп	420—510	255	25	БСт4кп, БСт4пс	0,18—0,27	0,40—0,70	
Ст4псб Ст4сп	410—530	265	24	БСт4сп	0,18—0,27	0,4—0,7	
Ст5пс, Ст5сп	490—630	285	20	БСт5пс, БСт5сп	0,28—0,37	0,50—0,80	Юқори пухталик талаб қыладитан қишлоқ хужалик машина деталлари ва бошқалар тайёрлашда
Ст5Гпс	450—590	285	20	БСт5Гпс	0,22—0,30	0,80—1,20	
Ст6пс, Ст6сп	590	315	15	БСт6пс, БСт6сп	0,38—0,49	0,50—0,80	

Сифатли углеродли конструкцион пўлатлар оддий сифатли углеродли конструкцион пўлатлардан кимёвий таркибининг аниқлиги, Р ва S ларнинг ва нометалл қўшимчаларнинг камлиги билан ажралса, юқори сифатлиларда хоссасига путур етказувчилар янада кам бўлади.

Маълумки, углеродли пўлатлар ишлатилишига кўра конструкцион, асбобсозлик ва маҳсус хоссалиларга ажратилган. Маҳсус пўлатлар таркибига доимий мавжуд элементлардан ташқари маълум миқдорда легирловчи элементлар (Cr, Ni, W ва бошқалар) киритилади. 15-жадвалда кам ва ўртача углеродли, сифатли конструкцион пўлатлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

## 15-жадвал

Пўлат марка-лари	Элементнинг фоиз миқдори								Механик хоссалари				Ишлати-лиш жойлари
	C	Si	Mn	P	S	Cr	Ni	$\sigma_t$	$\sigma_e$	d	y		
				кўпи билан									
08кл	0.05 0.11	0.035 к/6	0.25 0.50	0.04	0.04	0.1	0.25	18	30	35	60		
05	0.12	0.37	0.35 0.65	0.035	0.04	0.1	0.25	20	33	33	60		
10кл	0.07 0.14	0.07 к/6	0.25 0.50	0.04	0.04	0.15	0.25	19	32	33	55		
10	0.07 0.14	0.17 0.37	0.35 0.65	0.035	0.04	0.15	0.25	21	34	31	55		
20	0.17 0.24	0.17 0.37	0.65	0.04	0.04	0.25	0.25	25	42	25	55		
55	0.52 0.60	0.17 0.37	0.50 0.80	0.04	0.04	0.25	0.25	39	66	13	35	Машина ва механизмларнинг масбулиятли тишли ғидирлак- лари, валлари ва бошқалар	
70	0.75	0.17 0.37	0.50 0.80	0.04	0.04	0.25	0.25	43	73	9	30		
85	0.82 0.90	0.17 0.37	0.50 0.80	0.04	0.04	0.25	0.25	100	115	6	30		
70 г	0.75	0.17 0.37	0.90 1.20	0.04	0.04	0.25	0.25	46	80	8	30	Турли хил рессорлар, пружиналар ва бошқалар	

16-жадвалда ГОСТ 1485-74 бўйича кўп углеродли асбобсозлик пўлатларнинг маркалари, улардаги углеродлар миқдори, юмшатилгандаги, сувда тоблаб бўшатилгандан кейинги қаттиқлиги ва ишлатиш жойлари келтирилган.

## 16-жадвал

Пўлатнинг маркаси	Углерод миқдори, %	Юмшатилгандан кейинги қаттиқлиги NB, кг/мм <sup>2</sup>	Сувда тоблангандан кейинги қаттиқлиги НРС, камидা	Ишлатилиш жойи
1	2	3	4	5
У7 ва У7А	0,65—0,74	187	62	Зарблар таъсирида ишловчи асбоблар, масалан теша, болта, исказа, штамп ва бошқалар
У8 ва У8А	0,75—0,84	187	62	Қаттиқлиги ва қовушоқлиги юқори бўлиши талаб этиладиган асбоб ва буюмлар, масалан, кермер, матрица, пунсон, металл кесувчи кайчилар

16-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5
У9 ва У9А	0,84—0,94	192	62	Қаттиқлиги юқори, қовушоқлиги пастроқ бўлиши тилаб этиладиган асбоблар, тош кесини зу биласи, дурадгорлик асбоблари ва бошқалар
У10 ва У10А	0,95—1,04	197	62	Кучли зарб таъсирида бўлмайдиган қаттиқлиги юқори, қовушоқлиги пастроқ бўлиши талаб этиладиган асбоблар, масалан, металл ратиалаш кескини, метчик, плашка, развертка, этов ва бошқалар
У11 ва У11А У12 ва У12А	1,0—1,2	207	62	Жуда қаттиқ бўлиши талаб этиладиган асбоблар, масалан, фреза, шабер, парма, метчик, плашка, этов, развертка ва бошқалар
У13 ва У13А	1,1—1,3	207	62	Ниҳоятда қаттиқ бўлиши талаб этиладиган асбоблар, масалан, кирялар, шабер, ўроқ ва бошқалар

**Углеродли пўлатларнинг маркаланиши.** Кам углеродли конструкцион пўлатлар ( $БСТ_1$ ,  $СТ_2$ ,  $СТ_{1_{kn}}$ ,  $СТ_{3_{pc}}$  ва бошқа маркалар)даги, масалан  $БСТ_{kn}$  маркадаги Б ҳарфи пўлатни бессемер конверторда олингалигини билдиради, СТ ҳарфлари пўлатлигини, бу ҳарфлардан кейинги рақам тартиб номерини билдиради. Шуни қайд этини керакки, рақамлар номери ортга сари пўлатлар таркибидаги углерод миқдори ҳам ортади. Рақам индекс ҳарфи «сп»га келсак пўлатдаги  $FeO$  дан Fe нинг тўла қайтарилганлигини, «пс» — чала, «кп» — қайтарилмаганлигини билдиради.

Ўртача углеродли тартиб конструкцион пўлатлар ( $0,5$ ,  $0,8$ ,  $10$ ,  $20$ ,  $30Г$  ва бошқалар) ГОСТ 1050-44 бўйича икки хонали рақамлар билан маркаланиди. Масалан, пўлат 40 маркадаги 40 сон юзга бўлинса, унинг таркибидаги углероднинг ўртача фоиз миқдори аниқланади. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, сифатли конструкцион пўлатлар таркибидати марганец миқдорига кўра икки гурухга ажратилади.

Биринчи гурухдаги пўлатларда марганец миқдори кўпин билан  $0,7$ — $0,8\%$  бўлса, иккинчи гурухдаги пўлатларда марганец миқдори  $1$ — $1,2\%$  гача бўлади.

Кўп углеродли пўлатларнинг ( $У7$ ,  $У8$ ,  $У8А$  ва бошқалар) маркаланишига келсак, масалан, У10А маркали пўлатдаги «У» ҳарфи углеродли пўлатлигини, рақам ўнга бўлинса, таркибидаги углерод миқдорини билдиради. Рақамдан кейинги «A» ҳарфи эса пўлатнинг таркибида S, P элементлар йўқ даражада бўлиб, бу пўлатлар юқори сифатли пўлатлар эканлигини билдиради. Масалан, У7А пўлат таркибида углерод  $0,7\%$  бўлса,  $S \leq 0,02\%$ ,  $P \leq 0,3\%$  бўлади.

## ЛЕГИРЛАНГАН ПҮЛАТЛАР ВА ЛЕГИРЛОВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ

### 1-§. Умумий маълумот

Углеродли конструкцион пўлатлар термик ишлангандан кейин ҳам юқори пухталик талабларига тўла жавоб бермаслиги, кичик тоблаш чуқурлиги, қуи температурада мўртлашуви, коррозия бардошлигининг пастроқлиги ва бошқалар, шунингдек, углеродли асбобсозлик пўлатларнинг иссиқликтан кенгайиш коэффициентининг катталиги, юқори температурали агрессив муҳитлар таъсирига берилиши, ўта қизувчанлиги, тез ейилиши, машинасозликнинг айрим соҳалари, айниқса, ракета, реактив ва атом техникаси каби айрим янги соҳаларнинг ривожланиши сабабли уларнинг юқори температура оралиғи ( $-269$  дан  $1200^{\circ}\text{C}$  ва айрим ҳолларда эса  $2000$ — $2500^{\circ}\text{C}$  гача), юқори босим ва агрессив муҳитларга тўла бардош берадиган комплекс хоссанли материалларга эҳтиёж ортди.

Бу борада олиб борилган изланишлар турли маркали, махсус хоссанли легирланган пўлатларнинг яратилишига олиб келди. Легирланган пўлатлар олиш учун углеродли пўлатларга мақсадга кўра маълум миқдорда легирловчи элементлар Cr, Ni, W, V, Mo, Ti ва бошқалар қўшилади. Углеродли пўлатлар таркибига қайси легирловчи элемент қўшилса, пўлат шунга қараб номланади. Масалан, Cr қўшилса — хромли, Cr, Ni ва Mo қўшилса — хром-никель-молибденли пўлат дейилади. Углеродли пўлатлар таркибига қўшиладиган легирловчи элементлар темир ва нометаллар билан кимёвий бирикмалар — FeSi, Fe<sub>3</sub>W, FeCr, MnO, MnS, SiO<sub>2</sub>, Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> ва бошқалар ҳосил қиласиди. Уларни углеродга муносабатига кўра икки гурӯхга ажратилади:

**1. Карбидлар ҳосил қилувчилар.** Бу элементларга Mn, Cr, W, Mo, V, Ti, Nb, Ta ва бошқалар киради.

**2. Карбидлар ҳосил қилмайдиганлар.** Бу элементларга Ni, C, N, Cu, Cd ва бошқалар киради.

Шуни қайд этиш жоизки, пўлат таркибидаги карбидлар ҳосил қилувчи элементларнинг оз ёки кўплигига кўра оддий ёки мураккаб карбидлар ҳосил бўлади. Оддий карбидларнинг кимёвий формуласи  $(\text{Fe}, \text{M})_3 \cdot \text{C}$  тарзida ёзилади. Бу ерда M — пўлатдаги легирловчи элементни билдиради. Мураккаб карбидларнинг кимёвий формуласи  $(\text{Cr}, \text{Fe})_3 \cdot \text{C}$  тарзida ёзилади. Бу карбидлар цементит асосида ҳосил бўлиб, асосий металл атомлари легирловчи элемент атомлари билан ўрин алмашади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, бир қатор элементлар аустенитда ва ферритда эрийдида, темирнинг полиморфизм хоссасига таъсир кўрса-

тади. Масалан, Mn, Ni, C, N, Cu, Cd элементлар аустениттада эриб N нүктани күтариб, G нүктани пасайтириб  $\alpha$  соҳани кенгайтиради (54-расм). Zn, B, Be, Al, Si, W, V, Ti ва бошқа элементлар ферриттада эриб, аксинча N нүктани пасайтириб, G нүктани күтариб  $\alpha$  соҳани кенгайтиради.

Аустениттада эриган легирловчи элементлар (Со дан ташқари) пўлатларни тоблаш критик тезлигини пасайтириб, тобланиш чуқурлигини орттириб, тобланувчанинги яхшилайди. Бу эса уларни мойда ва ҳавода тоблаш имконини бериб, ҳосил бўладиган ички зўриқиши кучланишларни анча камайтиради. Лекин легирланган пўлатларни тоблашда қолдиқ аустенит миқдори углеродли пўлатларга қараганда кўпроқ бўлади. Тобланган пўлатларни бўшатишида легирловчи элементларнинг структура ўзгаришига бирмунча қаршилиги сабабли уларни юқорироқ температурада олиб борилади. Легирланган феррит — Fe<sub>y</sub> даги легирловчи элементларнинг қаттиқ эритмаси бўлиб, легирловчи элементлар миқдори ортган сари хоссалари ҳам ортади. Легирланган аустенит Fe<sub>y</sub> даги легирловчи элементларнинг қаттиқ эритмаси бўлиб, легирловчи элементлар миқдори ортган сари хоссалари (пухталиги, коррозияга бардошлиги ва бошқалар) ортади. Легирланган цементит темирнинг бир неча атомлари легирловчи элемент атомлари билан ўрин алмашувидан ҳосил бўлади.

## 2-§. Легирланган пўлатлар таснифи

Мавжуд стандартга кўра легирланган пўлатлар *кимёвий таркибиغا, структурасига ва ишлатилишига* кўра таснифланади:

*Кимёвий таркибиغا* кўра қуйидаги уч синфга ажратилади:

1-синфга таркибида 2,5% гача легирловчи элементлар бўлган пўлатлар киради. Улар кам легирланган пўлатлар дейилади.

2-синфга таркибида 2,5—10% гача легирловчи элементлар бўлган пўлатлар киради. Улар ўртача легирланган пўлатлар дейилади.

3-синфга таркибида 10% дан ортиқ легирловчи элементлар бўлган пўлатлар киради. Улар кўп легирланган пўлатлар дейилади.

*Структурасига* кўра нормалланган легирланган пўлатлар беън синфга ажратилади:

1-синфга перлит структурали пўлатлар киради. Бу пўлатларда легирловчи элементлар миқдори 5—6% дан ортмайди. Бу пўлатлардан олинган заготовкалар босим ва кескичлар билан яхши ишланади. Бу пўлатлар нормаллаб термик ишлангач, структураси перлит (сорбит, троостит) бўлади. Бу пўлат буюмлар тоблаб бўшатилгач, механик хоссалари деярли ортади. Бу синфдаги пўлатларга кўпчилик конструкция ва асбобсозлик пўлатлари киради.

2-синфга мартенсит структурали пўлатлар киради. Бу пўлатларда легирловчи элементлар миқдори кўпроқ бўлади. Бу пўлатлар жуда

қаттиқлиги билан характерлиди. Шу боисдан ёмон кесиб ишланади. Улардан кенг фойдаланилмайди. Уларнинг структураси легирланган мартенсит ва ортиқча карбидлардан иборат бўлади.

3-синфга аустенит структурали пўлатлар киради. Бу пўлатларда легирловчи элементлар — Mn, Ni, Cr лар 12—30% ва ундан юқори бўлади. Бу пўлатлар юқори пухталикка, пластик ва қовушоқликка, коррозия ва оташбардошлиқ, кам ейиладиган каби маҳсус хоссаларга эга. Бу пўлатлар қаттиқлигига фаза ўзгаришларга, структурасининг барқарорлиги сабабли термик ишловларга берилмайди.

4-синфга феррит структурали пўлатлар киради. Бу пўлатларда кўп миқдорда легирловчи элементлар — Cr, W, Si лар ва оз миқдорда углерод бўлади. Бу пўлатлар қаттиқ ҳолида фаза ўзгаришларга, структурасининг барқарорлиги сабабли термик ишловларга берилмайди.

5-синфга карбид (ледебурит) структурали пўлатлар киради. Бу пўлатларда кўп миқдорда углерод ва карбид ҳосил қиливчи элементлар (Cr, W, Mn, Ti ва бошқалар) бўлади. Бу пўлатларда асосий металл массасида жойлашган мураккаб карбидлар бўлиб, улар кимёвий таркиби га кўра сорбит ёки мартенсит структурали бўлади. Бу синфдаги пўлатлар юқори қаттиқликка эга бўлиб, кам ейилади. Шу боисдан бу пўлатлардан асосан кескичлар тайёрланади.

Ишлатилишига кўра уларни конструкцион, асбобсозлик ва маҳсус хоссали синфларга ажратилади. Легирланган конструкцион пўлатлар, ўз навбатида, одатдаги температура шароитида ишлатиладиган ва юқори температура шароитида ишлайдиган пўлатларга бўлинади. Легирланган асбобсозлик пўлатлар кескич асбоблар, штамплар ва ўлчов асбоблари учун ишлатиладиган пўлатларга бўлинади.

Легирланган маҳсус хоссли пўлатлар маҳсус физикавий, кимёвий ва механик характеристикали пўлатларга бўлинади. ГОСТ бўйича легирланган пўлатлар маркалари даги элементларни белгилашда ҳарфли рақам тизими қабул этилган бўлиб, бунда ҳарфлар аниқ элементни билдиради. Масалан, хромни — X ҳарфи, никелни — N, марганецни — Г, вольфрамни — В, ванадийни — Ф, мисни — Д, кобальтни — K, молибденни — M, кремнийни — С, титани — T, азотни — A, фосфорни — P, алюминийни — Ю ва ҳоказо.

Бу ҳарфлар олдида келувчи рақамлар пўлатлар таркибидаги углероднинг юздан бир улушини билдиради. Ҳарфлардан кейинги рақам шу элементнинг фоиз ҳисобидаги ўртача миқдорини билдиради. Агар ҳарфлардан кейин рақам бўлмаса, бу пўлатда 1,5% гача айни элемент бўлади. Масалан, 30ХН3 маркали пўлатда 30 рақами юзга бўлинса, унинг таркибидаги углерод миқдори аниқланади. Яъни бу пўлатда 0,3% углерод бор. X ҳарфи хромни, ундан кейин рақам йўқлиги сабабли бу пўлатда 1,5% гача хром бор. N — ҳарфи никелни, ундан кейин келган 3 рақам эса пўлатда 3% никель борлигини билдиради. Пўлатларнинг юқори сифатли эканлигини кўрсатиш учун маркасининг охирига A ҳарфи ёзилади. Масалан, 30ХГСНА.

Легирланган маҳсус пўлатларнинг маркалари олдида қўшимча A, Ш, Р ва бошқа ҳарфлар ҳам ёзилади. Масалан, А12, ШХ15, Р18 ва ҳоказо. Бунда A ҳарфи

автомат пўлатлигини, Ш — шарикли подшипник пўлатлигини, Р — тезкесар пўлатлигини, Я — хромниелли зангламас пўлатлигини, Ж — хромли зангламас пўлатлигини, Е — магнитли пўлатлигини билдиради. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, юмшатилган легирланган пўлатлар эвтектоидгача, эвтектоид, эвтектоиддан кейинги ва ледебурит гурухларга бўлинади.

### 3-§. Легирланган конструкцион пўлатлар ва уларнинг ишлатилиш жойлари

**Кам углеродли пўлатлар.** Бу пўлатларнинг ГОСТ 19228—73 бўйича 28 та маркалари бўлиб, уларда углероднинг миқдори 0,12—0,22%, легирловчи элементларнинг миқдори эса 1,5—2,5% оралиғида бўлади. Бу пўлатлар майданда донли, пластик ва яхши пайвандланадиган бўлади. Булардан листлар, полосалар турли шаклдаги деталлар тайёрланади.

**Сифати яхшиланадиган легирланган пўлатлар.** Бу пўлатлар таркибида углерод миқдори 0,3—0,5%, легирловчи элементлар миқдори 2,5% дан ортмайди. Бу пўлатлардан тишши фидираклар, поршень бармоқлари, кулачоклар ва бошқалар тайёрланади. Пўлатлардан тайёрланган деталлар сирти углеродга тўйинтириб (цементитланиб), сўнгра тоблаб бўшатилади. Шу боисдан бу хил пўлатларга цементитланувчи пўлатлар дейилади.

**Автомат пўлатлар.** Кам углеродли пўлат заготовкалар юқори пластиклиги ва қовушоқлиги сабабли уларни станокларда кесиб ишлашда узлуксиз ажралувчи лентасимон қириндини кесиш зонасидан ташқарига чиқариш бирмунча қийинлиги ва бунга хотима бериш учун пўлатлар таркибидаги S ва R лар миқдори бирмунча ортирилади, бу эса кесиб ишлашда қириндininинг майдаланишига ва ишланилган юза сифатининг яхшилинишига олиб келади. Бу пўлатлар гайкалар, болтлар, винтлар, шпилькалар каби деталларни автомат станокларда тайёрлашда жуда қўл келади. Шу боисдан улар автомат пўлатлар дейилади.

**Подшипник пўлатлар.** Бу пўлатлар таркибида углерод миқдори 0,95—1,15%, хром миқдори 0,4—1,65% бўлади. Бундай пўлатлардан подшипник шарчалари, роликлари, юқори босимда ишлайдиган насос ва храповик механизм деталлари тайёрланади.

**Рессор-пружина пўлатлар.** Бу пўлатлардан тайёрланадиган рессор-пружиналар иш шароитида турли қийматдаги ва характердаги юкламалар таъсирида қолдиқ деформация бермай, уларни сўндириш хоссаларига эга бўлиши билан бу хусусиятни узоқ вақт сақлайди. Бу деталлар 0,5—0,8% углероди бўлган, легирланган пўлатлардан иборат бўлади.

**Юқори пухталика ва ейилишга чидамли пўлатлар.** Бу пўлатлардан машинасозликда кенг миқёсда фойдаланилади. Уларнинг таркибида углерод жуда кам ( $c \leq 0,03\%$ ), никель (10—25%) ва қисман Co, Mn,

Ti, Al, Cr, Cu ва бошқа легирловчи элементлар бўлади. Улардан экскаватор ковшларининг тишлари, трактор гусеницалари ва бошқалар тайёрланади.

**Коррозиябардош пўлатлар.** Бу пўлатларга хромли, хром-никелли пўлатлар кириб, уларда углерод миқдори 0,1—0,2%. Улар ҳаводагина эмас, юқори температурали агрессив муҳитларда ҳам коррозияга бардошлидир. Шу боисдан бу пўлатлардан турбина парраклари, юқори босимда ишловчи цилиндрлар ва бошқа деталлар тайёрлашда фойдаланилади.

**Максус хоссали ва бошқа хил пўлатлар.** Бу хоссали пўлатлар таркибида кремний миқдори 4,8% гача бўлади. Бу пўлатлардан трансформаторлар, релелар, двигатель роторлари ва бошқалар тайёрланади, чунки бу пўлатлар кичик коэритив кучга ва юқори магнит ўтувчанликка эга бўлади. Шуни қайд этиш жоизки, бу пўлатлардаги C, S, O<sub>2</sub> ва N<sub>2</sub> уларнинг юқори магнит ўтувчанлигини кескин пасайтиради, чунки улар ферритда эримай, Fe<sub>3</sub>C, FeO, Fe<sub>3</sub>N кимёвий бирикмалар беради. Бу пўлатлар магнито юмшоқ пўлатлар деб юритилади. Агар пўлатлар кичик магнит ўтказувчаникка, барқарор катта коэритив кучга ва катта қолдиқ индукцияга эга бўлса, улар магнито қаттиқ пўлатлар дейилади. Улардан доимий магнитлар тайёрланади. Шунингдек, қаршилик электр печларда углеродли, хромалюминийли феррит синфга кирувчи пўлатлардан ҳам фойдаланилади.

**Легирланган асбобсозлик пўлатлар.** Маълумки, турли материаллардан ҳилма-хил деталлар, кескичлар ва ўлчов асбоблари тайёрлашда уларнинг хоссаларига, ишлов шароитига кўра материални оқилона ташлашнинг аҳамияти катта. Масалан, материалларни совуқлайн ишловчи штамплар юқори қаттиқликка, пухталика эга бўлиши зарур бўлса, ўлчов асбоблари (калибр, ўлчов плиталари ва бошқалар) эса легирланган углеродли пўлатларни юқорида қайд этилган хоссаларидан ташқари, иссиқликдан кенгайиш коэффициенти кичик бўлгани учун булар ҳам кўп углеродли легирланган пўлатлардан тайёрланади.

17-жадвалда айрим пўлатларнинг кимёвий таркиби, механик хоссалари ва ишлатилиш жойлари мисол сифатида келтирилган.

9-бобнинг 4-ғ да қайд этилганидек, Fe—C ли қотишмаларда Fe—Г тарзида бўлиши мумкинлиги сабабли қўйида Fe—Г қотишмаси диаграммаси билан танишамиз.

#### 4-§. Темир-графит қотишмаларининг ҳолат диаграммаси

54-расмдаги темир-углерод қотишмаларининг ҳолат диаграммасида қотишманинг суюқ ҳолатидан уй температурасигача секин совитишида содир бўладиган структура ўзгаришлари билан танишган эдик. Шу диаграммада пунктир чизиклар билан Fe — графит қотишмаларининг уй температурасигача ниҳоятда секин совитишдаги структура ўзгаришлари кўрсатилган. Диаграммадан кўринадики, ҳамма пунктир

чизиқлар сидирға чизиқлардан бир оз юқорида бўлиб, бир оз чапга силжиган.

Кузатишлар чўяnlар қанча секин совитилса, шунча графит ажралишини, цементит эса шунча кам бўлишини кўрсатди. Шунингдек, углерод ва кремнийнинг ортиши ҳам ажralадиган графит миқдорини ортируса, марганец эса аксинча графитнинг миқдорини камайтиради. Юқоридаги маълумотлардан маълумки, таркибида C, Si кўпроқ ва Mn камроқ бўлган чўяnlар секин совитилганда углероднинг графит тарзida ажralishi боради.

Агар эвтектикагача бўлган маълум таркибли суюқ чўян ниҳоятда секин совитиб борилса, унинг температураси ABC чизигига келганда ундан аустенит кристаллари ажralа бошлади. Температуранинг янада пасайишида ажralаётган аустенит кристалларининг миқдори орта боради. Температура E'C' чизигига келганда суюқ чўян таркиби эвтектика таркиби гелиши туфайли, у аустенит билан графит аралашмасидан иборат бўлган эвтектикага (A + Г) ўтади. Қотишма температураси янада пасайиб бориши натижасида аустенитдан иккиламчи графит ( $\Gamma_{II}$ ) ажralа боради. Температура 5'K' чизигига, яъни 738°C температурага келганда аустенит феррит билан графитга парчаланади. Бу температура пасайишида структура ўзгармайди. Агар эвтектикандан кейинги (C > 4,3%) суюқ ҳолатдаги чўян ниҳоятда секин совитилса, температура C'D' чизиқка келганда ундан бирламчи графит ( $\Gamma_1$ ) ажralади. Температура пасайтан сари суюқ фаза таркиби эвтектика таркибига яқинлашади. Температура C'F' чизигига келганда суюқ фаза аустенит билан графитдан иборат эвтектикага ўтади. Цементит фаза графитга нисбатан бекарор бўлганлиги сабабли юқори температура шароитида  $Fe_3C \rightarrow 3Fe + C$  га парчаланади. Шу боисдан Fe —  $Fe_3C$  ли диаграммаси Fe—Г диаграммасига қараганда бекарорроқдир. Бинобарин цементит заррачаларининг ажralishi учун сарфланадиган иш графит заррачаларининг ажralishiiga сарфланадиган ишдан камроқ бўлади.

## 5-§. Чўяnlарнинг хили, улардаги мавжуд элементларнинг хоссаларига таъсири ва маркаланиши

Юқорида қайд этилганидек, чўян темирнинг углеродли қотишмаси бўлиб, унинг таркибида 2,14% дан 6,67% гача углерод, ундан ташқари маълум миқдорда Si, Mn, P ва S элементлари ҳам бўлади.

Маълумки, чўяnlарнинг таркибида углерод ва кремний кўп бўлиб, марганец кам бўлса ва у жуда ҳам секин совитилса, углерод эркин тарзда ажralади.

Агар аксинча углерод ва кремний кам бўлиб, марганец кўп бўлса ва тезроқ совитилса, углерод чўянда цементит ҳолида бўлади.

2-боб 9-§ да айтилганидек, чўяnlарни ишлатилишига ва таркибидаги углероднинг қай тарзда ва шаклда эканлигига кўра улар қайта

Пұлат	Маркасы	Комплекттәр миқдари								Механик хоссалары					Ишатылышы
		C	Si	Mn	S	P	Cr	Ni	қолтани	$\sigma_s$	$\sigma_u$	d	j	KИС кгм/см <sup>2</sup>	
		артықшас								МПа				% %	
Углеродлы	10	0,07-0,19	0,17-0,37	0,35-0,65	0,04	0,035	0,15	—	—	340	210	31	55	—	Нормалланғандан кейин
	25	0,22-0,3	—	0,5-0,8	—	—	0,25	—	—	460	180	23	50	900	
	50	0,77-0,55	—	—	—	—	—	—	—	640	380	14	40	400	
Камшегир-данған	14Г2	0,12-0,18	0,17-0,2	1,2-1,6	0,04	0,055	0,3	0,3	Cu(0,3)	470	340	21	—	700 300 500	+20°C -40°C да -40°C -70°C
	10ХСННД	0,12	0,8-1,1	0,5-0,8	—	—	0,6-0,9	0,3-0,8	Cu(0,4-0,8)	530	400	10	6	300	Термик ишловласыз
Яхшиланған	30Х	0,24-0,32	—	0,5-0,8	0,025	0,015	0,8-1	—	—	900	700	12	45	700	Яхшиланған
	30ХГСА	0,28-0,34	0,8-1,2	0,8-1,1	0,015	0,025	0,8-1,1	—	—	1000	850	10	45	500	
	40ХН2МД	0,37-0,41	—	0,5-0,8	—	—	0,6-0,9	1,25-0,6	M <sub>2</sub> (0,2)	1100	950	12	50	800	
Цементланған	20Х	0,17-0,23	—	0,5-0,8	0,025	0,025	0,7-1	—	—	800	650	11	6	—	Кесими 35 мм тачы деталлар үчүн Кесими 80 мм тачы деталлар үчүн
	25ХГМ	0,23-0,29	—	0,9-1,2	—	—	0,9-1,2	—	—	1200	1100	10	45	800	
Автомат	A12	0,08-0,16	0,15-0,55	0,7-1	0,08-0,2	0,118-0,15	—	—	—	430	—	22	34	—	Термик ишловсиз Нормалланған Тоблаб бүштілген
	A45Е	0,42-0,3	0,17-0,37	0,5-0,8	0,5-0,8	0,04	0,29	0,25	Se(0,01-0,1)	650	260	16	—	—	
	AC14ХТН	0,13-0,18	0,17-0,37	0,7-0,1	0,035	0,033	0,8-1,1	0,8-1,1	Ph(0,2)	1120	850	8	—	800	
Рессор пружинали	60С2	0,57-0,65	1,5-2	0,6-0,8	0,025	0,025	0,3	—	—	1300	1200	6	25	—	Тоблаб бүштілген
	50ХТ	0,46-0,54	0,17-0,37	0,7-1	—	—	0,9-1,2	—	—	1300	1100	7	35	—	
	65С26А	0,61-0,69	1,5-2	—	0,015	—	0,3	—	W(0,8-1,2)	1900	1700	5	20	—	

ишиланувчи, құймакорлик (кулранг), боғланувчан ва мустақамлиги үқори чүянларга ажратилади:

**Қайта ишиланувчи чүянлар.** Бу чүянларда углерод темир билан асосан темир карбиди ( $Fe_3C$ ) тарзida бўлади. Шунинг учун бу чүянлар жуда қаттиқ ва мўрт бўлади. Металлургия корхоналарида бу чүянлар асосан қайта ишланиб, пўлатлар олинади. Шунингдек, уларнинг қўйма буюмларини термик ишлаб, боғланувчан чүянлар ҳам олинади.

**Кўйма чўянлар.** Бу чўянларнинг таркибида углероднинг кўп қисми эркин ҳолда, яъни графит тарзida бўлади. Улар структураларининг металл асосига кўра перлитли, ферритли, феррлит-перлитли, перлит-ферритли хилларга ажратилади. Маълумки, бу структурали чўянларни олиш жараёни секин кечади. Шунинг учун шароит яратилмаса, суюқ эртимадан аустенитнинг цементитли аралашмаси ажралади.

Графитнинг ажралиши қаттиқ ҳолатда ҳам бориши мумкин, чунки үқори температура шароитида цементит барқарор эмас. Бундан цементитнинг парчаланиши ва углерод атомларининг аустенитда эриши, ундан графитнинг ажралиши билан кристалланиш марказларининг ҳосил бўлиши, углерод атомларининг кристалланиш марказлари томон диффузияланиши билан графитнинг ажралиши боради. Юқоридаги жараёнларнинг бориши чўян таркибига, қўйманинг совиш тезлигига ва унда эримаган бегона қўшимчалар заррачалари ( $Al_2O_3$ ,  $AlN$ ,  $SiO_2$ ) миқдорига боғлиқ.

ГОСТ 1412-79 бўйича чўянларнинг қўйидаги маркалари мавжуд: СЧ10, СЧ12, СЧ15, СЧ18, СЧ20, СЧ21, СЧ24, СЧ25, СЧ30, СЧ35, СЧ40, СЧ45.

Масалан, СЧ12 феррит-перлитли, СЧ15 перлит-ферритли ва СЧ30, СЧ35 перлитли чўянлар бўлади. Бу хил чўянлар нархи арzon бўлиб, яхши қўйма хоссаларига эга, кескичлар билан яхши кесиб ишилнади, шу билан бирга пўлаттага нисбатан ишқаланиш коэффициенти кичик ва қониқарли механик хоссаларга эга. Шу боисдан улардан ҳар хил шакли қўймалар олинади. Лекин бу чўянларда графит борлиги сабабли уларни чўзишга нисбатан пухталиги пўлатларга нисбатан анча кичик бўлади. Чунки, графитнинг пухталиги темирга нисбатан пастлиги туфайли унга микроваклик деб қаралса, кучланишнинг бу ерга ёғилиши оқибатида дарзлар бериши сабабли чўзилишга пухталиги пастроқ. Лекин шу билан бирга чўянлар структурасида графитнинг бўлиши сикувчи кучлар таъсирида зичланиши сабабли пухталиги пўлатлардан қолишмайди, лекин графитнинг антифрикцион хоссаларини яхшилаш билан тебранишлари сўндириллади. Шу боисдан ундан машинасозликда кент фойдаланилади.

18-жадвалда кулранг чўянларнинг баъзи маркалари, асосий механик хоссалари ва ишлатилиш жойлари келтирилган.

Маркалари	Кимёвий таркиби			Механик хоссалари			Ишлатилиш жойлари
	C, %	Si, %	Mn, %	$\sigma_u$ , МПа	$\sigma_{0.2}$ , МПа	NВ кг./мм <sup>2</sup>	
Ферритли чүянлар							
СЧ10	3,6	2,4	0,6	98—100	274—280	143—229	Курилиш колонналари, рамалар, пойдевор плиталари
СЧ15	3,6	2,2	0,6	147—150	314—320	263—229	Автотракторлар, станоклар, насослар ва бошжаларнинг куйма деталлари
СЧ18	3,5	2,1	0,6	176—180	358—360	170—229	
СЧ20	3,4	1,8	0,8	196—200	392—400	170—241	Компрессорлар, турбиналар, дизель шинлинилдирлари, кулачоқчи валилар, корпуслар каби масъулиятли куймалар
СЧ25	3,3	1,8	0,8	245—250	451—460	180—250	
СЧ30	3,1	1,1	0,8	294—300	490—500	181—255	
Перлитли чүянлар							
СЧ35	2,9	1,0	0,9	443—350	539—550	197—219	Юқори масъулиятли куймалар
СЧ40	2,6	2,7	0,3	392—400	588—600	207—285	
СЧ45	2,3	2,7	0,3	441—450	637—650	229—289	

Чүянларнинг хоссалари хилма-хил бўлиши уларнинг кимёвий таркиби, совитилиш тезлигига боғлиқлиги ҳақида юқорида айтган эдик. Шу боисдан доимий мавжуд элементлар ва совитилиш тезлигининг чўянларнинг хоссалари (структураси)га таъсири билан танишамиз.

**Углерод.** Қуйма чўянлар таркибидаги углерод миқдори – 4% дан ортиқ бўлмайди ва у қолипда қанча секин совитилса, углероднинг графит тарзда ажралиши ортади. Чўянларда углероднинг ортиши унинг оқувчанлигини ортириди, қолипда киришувининг кичиклиги мураккаб шакли, юпқа деворли сифатли қуймалар олишни таъминлайди. Шу боисдан сифатли қуймалар олишда белгиланган чўянларда углероднинг миқдори 3,2—3,5% оралиғида бўлади.

**Кремний.** Чўянлар таркибидаги кремний темир билан силицидлар ( $FeSi$ ,  $Fe_2SiO_4$ ) ҳосил қилиб, углеродни графит тарзда ажралиб чиқишига кўмаклашади. Шу боисдан сифатли қуймалар олишда белгиланган чўянларда кремнийнинг миқдори 0,8—4,6% оралиғида бўлади.

**Марганец.** Чўянларда марганец темир карбиди ( $Fe_3C$ )нинг барқарорлигини ортириб, углероднинг графит тарзда ажралишига қаршилик кўрсатади. Шу билан у чўян таркибидаги олтингугуртни  $FeS$  бирикмадан қайтариб,  $MnS$  тарзда шлакка ўтказиб, чўянни заарарли олтингугуртдан бир оз тозалайди. Шу боисдан сифатли қуймалар олишда белгиланган чўянларда марганец миқдори 0,5—1,5% дан ортмайди.

**Олтингугурт.** Чүянлар таркибидаги олтингугурт чүянлардан углероднинг графит тарзда ажралишига қаршилик кўрсатали, унинг окувчанигини пасайтиради ва мўртлаштиради. Чүянлар таркибидаги олтингугурт миқдори 0,07% дан ортмайди.

**Фосфор.** Чүянлар таркибida фосфор қаттиқ ва мўрт звтектик бирикма ҳосил қилиб, унинг механик хоссасига катта путур етказади. Шу боисдан чүянларда фосфор миқдори 0,3% дан ортмаслиги керак.

Углерод билан кремнийнинг чүянлар структурасига биргаликда таъсири (*a*), шунингдек, углерод ва кремнийнинг ҳамда совитилиш тезлигининг, чүянлар структурасига таъсири (*b*) график тарзда 11-расмда келтирилган. Расмдаги графикдан кўринадики, зарур структура (хосса)ли кўймалар олиш учун чўяннинг кимёвий таркиби ҳамда совитилиш тезлигини (қолип материали ва девор қалинлиги ҳисобига) тўғри белгилаш зарур.

**Кулранг чўянларнинг маркаланиши.** Бу чўянларнинг маркаларидаги «СЧ» ҳарфлари кулранг чўянлигини, улардан кейинги рақамлар эса чўяннинг чўзилишга синашда энг кичик мустаҳкамлигини билдиради. Масалан, СЧ15 маркали кулранг чўяндаги СЧ — кулранг чўянлигини, 15 рақами эса унинг чўзилишдаги мустаҳкамлиги ( $\sigma_e$ ) 15 кгк/мм<sup>2</sup> эканини билдиради.

**Болғаланувчан чўянлар.** Юқорида қайд этилганидек, қайта ишланидиган чўянлардан олинган қўймалар жуда қаттиқлиги ва мўртлиги сабабли улардан жуда камдан-кам ҳолларда машинасозликда (тегирмон тошлари, прокат жуваларни эътиборга олмасак) фойдаланилади. Шу боисдан бу чўянлардан олинган қўймалар (шестернялар, поршенилар, юлдузчалар)га термик ишлов берилади. Бунда унинг таркибидаги темир карбид ( $Fe_3C$ ) феррит ва графитга парчаланади. Бунда ажралган графит пластинка шаклида бўлмай, бодроқсимон, шаклсиз, тўп-тўп ҳолда асосий металл структурасида тарқалган бўлади. Шу сабабли бу чўянларнинг механик хоссалари пўлат билан кулранг чўянлар оралиғида бўлади. Шунинг учун ҳам бу чўянларни шартли равишда болғаланувчан чўянлар дейилади. Лекин бу чўянлар мўртлиги учун болғалаб ишлатилмайди.

Шуни қайд этиш жоизки, болғаланувчан чўянлар қўймаларини олишда графитнинг ажралишига қаршилик кўрсатувчи элементлар масалан, марганешнинг миқдори камроқ бўлиши керак. Шу боисдан одатдаги болғаланувчан чўянларда углерод миқдори 2,2—2,8%, кремний миқдори 0,6—1,2%, марганец миқдори 0,4%, олтингугурт ≤ 0,1% ва фосфор миқдори ≤ 0,2% дан ортмайди.

19-жадвалда болғаланувчан чўянларнинг ГОСТ 1215-79 бўйича маркалари, механик хоссалари келтирилган.

Шуни айтиш ҳам жоизки, бу чўянлар пўлатларга қараганда арzon ва қониқарли механик хоссаларга эга бўлганлиги учун улардан кейин-

Маркалари	Чўзилнишга мустаҳкамлиги $\sigma_u$ , МПа	Нисбий чўзилувчанлиги $\delta$ , %	Бринелл бўйича қаттиклиги HB, кг/мм <sup>2</sup>
КЧ30-6	294	6	100—163
КЧ33-8	223	8	100—163
КЧ35-10	333	10	100—163
КЧ37-12	362	12	100—163
КЧ45-7	441	7	150—207
КЧ50-5	490	5	170—230
КЧ60-3	588	3	200—269
КЧ55-4	539	4	192—241
КЧ65-3	637	3	212—269
КЧ70-2	686	2	241—285
КЧ80-1,5	784	1,5	270—820

ги йилларда деярли юкламада ишлатиладиган тирсакли валлар, поршенинлар каби деталлар тайёрлашда ҳам фойдаланилмоқда.

**Болғаланувчан чўянларнинг маркаланиши.** Бу чўянларнинг маркаларидаги «КЧ» ҳарфлари болғаланувчан чўянлигини, ундан кейинги биринчи икки рақам чўзилишдаги ўртача мустаҳкамлигини ва кейинги рақам нисбий чўзилувчанлигини билдиради. Масалан, КЧ 35—10 маркали болғаланувчан чўяндаги КЧ болғаланувчан чўянлигини, 35 рақам унинг чўзилишдаги мустаҳкамлигини кгк/мм<sup>2</sup> да ва кейинги 10 рақам эса унинг нисбий узаювчанлигини % да билдиради.

**4. Мустаҳкамлиги юқори чўянлар.** Кўймакорлик чўянларнинг пухталиги ва пластиклигини ошириш учун уларни қолипга қўйишдан аввал унга озгина (чўян массасининг 0,4—0,6% да) модификаторлар (масалан, алюминий кукуни, магний ёки унинг қотиши (20% Mg ва 80% Ni) киритилади. Бунда масалан, Al чўядаги кислород билан Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> беради. У эса қўшимча кристалланиш марказлари бўлади, магний эса актив элемент бўлгани сабабли кристалланаётган графит сиртига ўтиб, уни юпқа парда билан қоплайди, барча йўналишларда секин ва бир текисда ўсишга олиб келади. Натижада графит шарсизмон ҳолатга ўтади. Бу графит кичик юзали бўлиб, металл асосининг пухталигига пластинкали графитга нисбатан камроқ путур етказади. Шу сабабли бу чўянларнинг механик хоссалари юқори бўлади. Масалан, оддий кулранг чўянларнинг нисбий узайиши 0,2—0,5% бўлса, бу чўянларнинг нисбий узайиши эса 2—17% бўлади. Шунингдек, зарбий қовушоқлиги 0,2—0,5 дан 2—6 гача ортади. Бу чўянлардан станок станина-

лари, шпинделлари, автомобиль ва тракторларнинг тирсакли валлари, пресс траверслари каби мухим деталлар куймалари олинади. 20-жадвалда бу чўянларнинг ГОСТ 7293-85 га кўра маркалари, асосий механик хоссалари ва ишлатилиш жойлари келтирилган.

#### 20-жадвал

Маркалари	Кимёвий таркиби			Механик хоссалари				Ишлатилиш жойлари
	C, %	Si, %	Mn, %	ε <sub>u</sub> , МПа	ε <sub>u</sub> , МПа	ε, %	HB кг./мм <sup>2</sup>	
Ферритли чўянлар								
ВЧ38-17	2,7—3,6	1,3—2,4	0,3—0,6	373—380	235—240	17	140—170	
ВЧ42-12	2,7—3,6	1,3—2,4	0,3—0,6	412—420	274—280	12	140—170	
Феррит-перлитли чўянлар								
ВЧ45-5	2,7—3,6	1,1—2,2	0,4—0,7	441—450	323—330	5	160—220	Тебриниш нагрузкаларда ишловчи редуктор картерлари, ричаглар, кронштейнлар, вентиллар корпуслари каби юқори мустаҳкамлик ва қовушоқлик тараб этувчи деталлар куймалари
ВЧ50-7	2,7—3,6	1,1—2,2	0,4—0,7	490—500	343—350	7	171—241	
ВЧ50-2	2,7—3,6	1,1—2,2	0,4—0,7	490—500	343—350	2	180—260	
Перлитли чўянлар								
ВЧ60-2	2,7—3,6	2,2—2,5	0,4—0,7	588—600	393—400	2	200—280	Ўѓаруруч нагрузкаларда ишловчи таҳсиллаш ва тирсакли валлар, шестерназар, прокат стан валлари каби юқори толикиш пулталикли куймалар
ВЧ70-2	2,7—3,6	2,2—2,5	0,4—0,7	686—700	441—450	2	229—300	
ВЧ80-2	2,7—3,6	2,2—2,5	0,4—0,7	784—800	490—530	2	250—330	
Бейнитли чўянлар								
ВЧ100-2	3,4	3,4—3,8	0,4—0,7	981—1000	686—700	2	270—350	Мустаҳкамлиги юқори чўянларнинг маркаланиши. Бу чўянларнинг маркаладиги «ВЧ» ҳарфлари мустаҳкамлиги юқори чўянилигини, ундаи кейинги рақамлар чўяннинг чўзилишга мустаҳкамлигини билдиради. Масалан, ВЧ45 маркали чўянда ВЧ-мустаҳкамлиги юқори чўянилигини, 45 рақами эса унинг чўзилишга мустаҳкамлигини (кг/мм <sup>2</sup> ) билдиради.
ВЧ120-2	3,4	3,4—3,8	0,4—0,7	1177—1200	882—900	2	302—380	

**Мустаҳкамлиги юқори чўянларнинг маркаланиши.** Бу чўянларнинг маркаладиги «ВЧ» ҳарфлари мустаҳкамлиги юқори чўянилигини, ундаи кейинги рақамлар чўяннинг чўзилишга мустаҳкамлигини билдиради. Масалан, ВЧ45 маркали чўянда ВЧ-мустаҳкамлиги юқори чўянилигини, 45 рақами эса унинг чўзилишга мустаҳкамлигини (кг/мм<sup>2</sup>) билдиради.

**Легирланган чўянлар.** Агар оддий чўянлар таркибига маълум миқдорда Ni, Mo, Cr, Cu, W ва бошқа элементлар киритилган бўлса, бундай чўянлар легирланган чўянлар дейилади.

Легирланган чўянлар коррозиябардош, ишқаланишга чидамли, камейнладиган ва бошқа хоссаларга эга. Бу хил чўянларнинг ЧХ9Н5, ЧХ16М2, ЧХ22, ЧХ28 2 ва бошқа маркалари бор.

21-жадвалда ГОСТ 1585-79 бўйича легирланган антифрикцион чўянларнинг бъязи маркалари, қаттиқлиги ва ишлатилиш жойлари мисол сифатида келтирилган.

21-жадвал

Чўян маркаси	Қаттиқлиги НВда		Ишлатилиш жойлари
	МПа	кгс/мм <sup>2</sup>	
АЧС-1	1766—2364	180—241	Валлар билан жуфт ишлайдиган подшипник, втулка деталлари тайёрланади
АЧС-3	1570—1864	160—190	Валлар билан жуфт ишлайдиган деталлар тайёрланади

## II-боб


### РАНГЛИ МЕТАЛЛ ҚОТИШМАЛАРИ

#### 1-§. Умумий маълумотлар


Юқорида қайд этилганидек, машинасозликда темир қотишмалари (пӯлат ва чўянлар) коррозияга берилувчанлиги, зичлигининг юқорилиги, темир рудалари нархининг ортишига қарамай асосий конструкцион материалdir. Лекин машиналарнинг айrim деталлари (подшипниклар, втулкалар, шестернялар, трубалар ва бошқалар) нинг иш шароити антифрикцион, коррозиябардош ва бошқа хоссаларга ҳам эга бўлиши зарурлиги, нархининг қимматлигига қарамай рангли металлар ( $\text{Cu}$ ,  $\text{Al}$ ,  $\text{Mg}$ ,  $\text{Ti}$  ва бошқалар) ва уларнинг қотишмаларидан кенг фойдаланишга ундейди. Куйида саноатда кенг фойдаланиладиган рангли металлар қотишмалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

#### 2-§. Мис қотишмалари, маркалари ва ишлатилиш жойлари

Техникада миснинг рух, қалай, алюминий, берилий, кремний, марганец, никель ва кўроғошин қотишмаларидан кенг фойдаланилади. Чунки миснинг юқорида қайд этилган элементлар билан легирланиши механик, технологик, антифрикцион, коррозиябардошлик хоссаларини оширади. Миснинг рухли қотишмасига латунъ дейилади.  $\text{Cu}-\text{Zn}$  қотишмасининг ҳолат диаграммаси 56-расм, а да келтирилган. Диаграммадан кўринадики, агар қотишмада рух миқдори 39% гача бўлса, рухни мисдаги  $\alpha$  қаттиқ эритмаси олиниб, унда миснинг элементар фазовий кристалл панжараси сақланган ҳолда, унинг айrim атомлари рух билан ўрин алмашади. Шу боисдан бу структурали латунлар пухта, пластик ва коррозияга бардошли бўлади. Бу қотишмалар кристалланишининг бошланиш ва тугаш температура (чилик)ларининг яқинлиги сабабли улар яхши қўйма хоссаларига ҳам эга бўлади. Қотишма



а



б

56-расм. Миснинг рухли қотишмасининг ҳолат диаграммаси (а) ва рух микдорига кўра бу қотишманинг чўзишишга мустаҳкамлиги, шунингдек, нисбий узайининг ўзгариши

таркибида рух микдори 39% дан 46% гача бўлса, структура  $\alpha + \beta'$  фазалардан иборат бўлади. Шуни қайд этиш жоизки,  $\beta'$  — фаза Cu—Zn нинг электрон базасида ҳосил бўлган қаттиқ эритмасидир. Қотишмада  $\beta'$  фаза бўлиши унинг қаттиқлигини орттириб, пластиклигини камайтиради.

56-расм, б да эса латунларнинг таркибидаги рух микдорининг механик хоссаларига таъсири келтирилган. Диаграммадан кўринадики, 43% гача Zn қотишмаларнинг нисбий узайинш ва чўзишишга пухталиги ( $\sigma_n$ ) зиёдлиги сабабли техникада таркибида 43% гача рух бўлган латунлардангина фойдаланилади. Шуни ҳам айтиш зарурки, одатда мисни легирлаш учун киритилган легирловчи элементлар массаси 7—9% дан ортмайди.

Латунлар технологик кўрсаткичларига кўра босим билан ишланадиган ва қўймалар олинадиган хилларга ажратилиди. 22-жадвалда уларнинг маркалари, асосий механик хоссалари ва ишлатилиш жойларидан мисоллар келтирилган.


#### 22-жадвал

Маркалари	Механик хоссалари		Ишлатилиш жойлари
	$\sigma_n$ , MPa	$\delta$ , %	
<b>Босим билан ишланадиганлар</b>			
Л 90	260	44	Трубалар, чивиқлар
ЛАЖ 60-1-1	450	46	
ЛМЖЦ 50-1-1	450	50	Трубалар, чивиқлар, симлар
ЛС59	400	46	
<b>Кўймалар олинадиганлари</b>			
Л 80-ЗЛ	250	10	Арматуралар, прибор деталлари
ЛАЖМЦ 66-6-3-2-	600	7	Винтлар, гайкалар, червяк винтлари
ЛЦ С80-3-3	250	7	Втулкалар, подшипникилар

ГОСТ 2060—73 бүйича латунлар Л ҳарфи ва рақамлар билан маркаланади. Масалан, L96 маркада Л ҳарфи латунлигии, 96 рақами эса қотиши мақаласында 96% мис. қолгани рухлигини билдиради. Таркибиде мисдан бошқа Al, Fe, Mn ва бошқалар бўлган маҳсус латунларнинг маркаланишига келсак, улардаги легирловчи элементлар номларининг бош ҳарфлари, масалан, темир (железо) — Ж, марганец — Мц, никель — Н, қалай (олова) — О, кремний — К, кўрошин (свинец) — С билан, бу ҳарфлардан кейинги рақамлар эса шу элементлардан неча % борлигини билдиради. Масалан, LАЖ 6 маркада 60% Cu, 1% Al, 1% Fe бўлиб, қолган 38% эса рух бўлади.

**Бронзалар.** Бронза деб мисни қалайли, алюминийли, кремнийли, никелли ва бошқа элементлар билан қотишималарига айтилади. 57-расм, а да қалайли бронзанинг ҳолат диаграммаси келтирилган. Диаграммадан кўринадики, қалай миқдори 7—9% гача бўлса ва бу қотиши ма суюқ ҳолидан уй температурасигача секин совитилса, унинг структураси латунлар сингари қалайнинг мисдаги  $\alpha$  қаттиқ эритмасидан иборат бўлади. Агар қотишимада қалайнинг миқдори ундан ортишида эса структураси  $\alpha$  ва Cu<sub>3</sub>Sn фазасидан иборат бўлади. Натижада қотишиманинг қаттиқлиги ва мўртлиги ортади. 57-расм, б да эса қотиши механик хоссаларининг таркибидаги қалай миқдорига кўра ўзгариши келтирилган. Қаттиқ эритмали қотишималар таркиби оқувчанлик, антифрикцион хоссаларга эга ва юқори коррозиябардошлидир. Шу бойисдан техникада булардан заруриятга кўра фойдаланилади. Маълумки, қалай қимматбаҳо металл бўлганлиги сабабли уни тежаш керак. Айрим қотишималар олишда кўпинча қалай қисман ёки батамом Al, Fe, Pb ва бошқа элементлар билан алмаштирилади.

**Алюминийли бронзалар.** Бу қотишималарда алюминий миқдори 11% гача бўлади. Алюминийнинг мисдаги бир фазали қаттиқ эритмаси



57-расм. Си-Сн қотишишининг ҳолат диаграммаси (а), қалайнинг бронзанинг механик хоссаласига таъсири (б).

қалайли бронзага нисбатан пластик, коррозиябардош ва чидамли қотишмадир. Лекин оқувчанлиги пастроқ, қолипга қуйилганда ҳажмий киришуви катта (2,3%). Агар бу қотишмага маълум миқдорда темир, марганец ва бошқалар киритилса, механик хоссаси янада ортади.

**Кремнийли бронзалар.** Бу қотишмалар таркибида 2—3% кремний бўлиб, уй температурасида кремнийнинг мисдаги бир фазали қаттиқ эритмаси ҳосил бўлади. Бу қотишма яхши қўйма хоссали, пухта бўлади. Кўп ҳолларда Si қалай ўрнини босади. Агар бу бронза таркибида марганец, никель ва бошқа элементлар киритилса, хоссалари янада ортади. 58-расмда юмшатилган латунь, бронзаларнинг микроструктураси келтирилган.

### 3-§. Алюминий қотишмалари, маркалари ва ишлатилиш жойлари

Алюминийнинг Si, Cu, Mp ва бошқа элементлар билан ҳосил қилган бирикмалари алюминий қотишмалари дейилади.

Алюминий қотишмаларининг пухталиги, коррозиябардошлиги, технологик хоссаларининг яхшилиги, термик ишловларга берилиши каби ўзига хос ҳусусиятларига кўра улардан машинасозликда, авиасозликда, кабель саноатида ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилади.

Кўйида алюминийнинг кремнийли, мисли, мис ва кремнийли, магнийли ва мураккаб таркибли қотишмалари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

**Алюминийнинг кремнийли қотишмалари.** Бу қотишмалар таркибида кремнийнинг миқдори 4—13% гача бўлиб, ундан ташқари маълум миқдорда бошқа элементлар ҳам бўлади. Бу гурӯҳга кирувчи қотишмалар қўйилиш хоссаларининг юқорилиги, осон кесиб ишланиши, пайвандланиши, қониқарли механик хоссалари билан характерланади. Масалан, двигатель цилиндр блоклари, картерлари, компрессор корпуслари ва бошқалар бу қотишмадан тайёрланади. Бу қотишмаларга силжуминлар дейилади.

Алюминий қўйма қотишмаларининг 37 та маркаси бўлиб, улар ҳақида маълумотлар тегишли ГОСТларда берилган. Шуни қайд этиш жоизки, бу қотишмалардан олинган қўймалар пухталигини ошириш



58-расм. Юмшатилган латунь (а) ва бронза (б)ларнинг микроструктураси.

зарур бўлган ҳолларда суюқ қотишмасига массасининг 0,01—0,02% чамасида натрий ёки натрий ва калийнинг фторли туз аралашмали-ри киритиб модифициранади.

**Алюминийнинг мисли қотишмалари.** Бу қотишмалар таркибида мис-нинг миқдори 4—5% бўлиб, қолган қисми бошқа элементлардан ибо-рат бўлади. Бу қотишмаларнинг қуилиш хоссалари пастроқ бўлиб, дарзлар ҳосил қилишга мойилроқдир. Шу сабабли бу қотишмалардан (АЛ7, АЛ19) унчалик катта бўлмаган оддий шакли қўймалар (арма-туралар, кронштейнлар) олишда фойдаланилади.

**Алюминийнинг мис ва кремнийли қотишмалари (АЛ3, АЛ5, АЛ6).** Бу қотишмаларнинг хоссаси 1 ва 2-гуруҳдаги қотишмаларнига яқин-роқ бўлади.

**Алюминийнинг магнийли қотишмалари.** Бу қотишмаларда магний-нинг миқдори 4,5—11% гача бўлиб, қисман Zn, Si ва бошқалар ҳам бўлади. Бу қотишмаларнинг ҳам қуилиш хоссалари пастроқ бўлади. Лекин коррозиябардошлиги, механик хоссалари ва кесиб ишланиши яхши бўлиб, нам атмосфера шароитида ишлайдиган оддий шакли қўймалар олишда фойдаланилади.

**Алюминийнинг мураккаб таркибили қотишмалари.** Бу қотишмалар таркибида Cu, Ni, Cr, Zn, Mn, Ti ва бошқалар бўлиб, юқорида кўрилган қотишмалардан пухталиги, ўтга чидамлилиги ва бошқа хоссалари билан фарқланади. Масалан, бу гуруҳдаги қотишманинг АЛ1 марка-сидан поршенлар, прибор корпуслари олинади.

23-жадвалда алюминий қотишмалари маркалари, таркиби ва ишла-тилиш жойлари ҳақида маълумот келтирилган.

23-жадвал

Маркалари	Кимевий таркиби, % (қолгани А1)					Ишлатилиш жойлари
	Cu	Mo	Si	бошқалар		
1	2	3	4	5	6	
Қўймалар олиналигинлари						
АЛ2	—	—	10—13	—	Приборлар корпуслари каби кичик натрзулалр таъсирида бериладиган деталлар	
АЛ9	—	0,2—0,4	6—8	—	Фланецлар, картерлар, поршенлар каби ўртими натрзука таъсирига бериладиган деталлар	
АЛ7	4—5	—	—	—	Ўқидар катта бўлмаган кронштейнлар, шакли мураккаб бўлмаган арматуралар	
АЛ8	—	9,5—11,5	—	—	Вилкалар, шассилар каби натрзулалр га бериладигон сомолст-кемисозлик листаллари	
АЛ12	4,6—6	0,8—1,3	—	0,1 Cr 3,2 Ni	Двигатель блоклари сингари юкори температурага чидламли йирик қўймалар	

1	2	3	4	5	6
<b>Босим билан ишланадиганлари</b>					
АМп	—	—	—	1—1,6 Мп	Декрати чўёзлиб ишланниши натижасида олинадиган деталлар, уззитич трубблар, пойкаланадиган болтлар, ўаклеккалар
АМпI	—	4—13	—		
Д1	3,8—4,8	0,4—1,7	—	.4—.8 Мп	Корпус деталлари, паррак винтлари, ўаклеккалар каби самолёт конструкция элементлари, нагрузка таъсирида берилувчи деталлар
Д16	3,8—4,9	1,2—1,8	—	.3—.9 Мп	

Жадвалдан кўринадики, босим билан ишланадиган Al ни термик ишловлар билан пухталаниладиган алюминий қотишмалари D1, D16 маркали бўлиб бу қотишмаларга дуралюминилар\* дейилади. Кейинги йилларда дуралюминининг D1, D16 маркаларидан бошқа B95 ва B96 маркалари яратилган бўлиб, улардан самолётларнинг лонжеронлари, стримгерлари тайёрланмоқда. Масалан, B95 маркали қотишмада 14—20%Cu, 1,8—2,3% Mn, 5—7% Zn ва 0,1—0,25% Cr бўлиб қолгани алюминий бўлади. Агар пухталаниладиган алюминий қотишмаларини 500—520°C температурагача қиздирилса, икки фазали ҳолатдан бир фазали ҳолатга ўтади. Бунда масалан, мис алюминийда эриб, мураккаб қаттиқ эритма ҳосил бўлади. Бу қотишмани бир неча кун уй температурасида сақланса, кристаллик панжарадаги мис атомлари унинг айрим зоналарида ёғилиши натижасида қаттиқлиги ва пухталиги бир мунча ортади. Бу жараёнга қотишмаларнинг чиникиши дейилади. Буни тезлатиш учун уй температурасида эмас, балки 100—150°C температурада маълум вақт сақлаш лозим.

#### 4-§. Магний қотишмалари, маркалари ва ишлатилиш жойлари

Магнийнинг Al, Mn, Zn, Si ва бошқа элементлар билан ҳосил қилган бирикмаларига магний қотишмалари дейилади. Бу қотишмаларнинг хоссаларини яхшилаш учун уларга маълум миқдорда цирконий, ниобий, торий элементлари ҳам киритилади. Бу қотишмаларнинг технологик хоссалари яхшилиги, солиштирма пухталигининг юқорилиги, термик ишловлардан кейин пухталаниши ва бошқа хусусиятларига кўра улардан самолётсозликда ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилади.

Магний қотишмалари 2 грухга ажратилади:

1. Деформацияланувчи қотишмалар. Бу қотишмаларнинг ГОСТ 14957-76 га кўра MA-1, MA2, M2-1, MA8 ва бошқа маркалар бўлиб, улардан арматуралар, мураккаб шаклли турли хил деталлар тайёрлашда фойдаланилади.

\* Дуралюминий сўзи лотинча durus — қаттиқ ва алюминий сўзларидан тузилган бўлиб, қаттиқ алюминий деган маънони билдиради.

**2. Құйма қотишмалар.** Бу қотишмаларнинг МЛ1, МЛ3, МЛ5 ва бошқа маркалари бўлиб, мураккаб шаклли қуймалар олишда фойдаланилади. Шуни қайд этиш жоизки, бу қотишмаларнинг коррозиябардошлигининг пастлиги сабабли ундан тайёрланган деталлар сирти юпқа қилиб лак, бўёқ, эпоксидсмолалар билан қопланади.

### **5-§. Титан қотишмалари, маркалари ва ишлатилиш жойлари**

Титанни Al, W, V, Mn, Mo, Cr билан ҳосил қылган бирималариға титан қотишмалари дейилади. Бу қотишмаларнинг сирти юзасида ҳимоя парда ҳосил бўлиши сабабли зангламайдиган пўлатлардан ҳам коррозиябардошлидир. Айниқса, юқори ва қути температураларда хоссаларини сақтай олади, пластиклиги сабабли, совуқлигига ва қиздирилганда босим билан ишланади, инерт мұхитда яхши пайвандланади. Лекин пўлатга нисбатан ёмон кесиб ишланишига қарамай, турли соҳаларда кенг қўлланилади. Титан қотишмаларининг босим билан ишландиган BT4, BT6, BT14 маркаларидан ҳамда BT5L, BT14L, BT21L қўйма маркаларидан турли хил деталлар тайёрланади. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, титан қотишмаларининг бир фазали структуралиги термик ишловда пухталанмайди. Саноатда унинг тоблаб чиниқтирилдиган икки фазалиларидан, жумладан, самолётларда, ракеталарда, кемасозликда, криоген техникада ва кимё саноатида кенг фойдаланилади.

### **6-§. Антифрикцион қотишмалар, маркалари ва ишлатилиш жойлари**

Бу қотишмалар Sn, Pb, Cu, Al ва бошқа элементлар асосида олиниб, сирпаниш подшипникларининг вал бўйнига тегиб, ишқаланувчи юзаларни (вкладишларни иш юзасига қўйиш учун) тайёрлашда ишлатила-диган қотишмаларга антифрикцион материаллар дейилади. Бу қоти-шмаларнинг суюқланиш температураси анча пастлиги, етарли даражада юқори механик хоссаларга эга бўлиши, вал материали билан ишқаланиш коэффициенти кичикилиги, иссиқликни яхши ўтказиши, коррозиябардошлиги, ўзида мойни сақтай олиши билан бирга асоси пластик ва қовушоқ бўлиб, унда таянч вазифасини ўтайдиган бир текисда жойлашган қаттиқ бирималар ҳам бўлали. Бунда подшипник (вкладиш)да айланувчи вал бўйнининг бутун сирти бўйича ишқаланиб ва жараёнда юмшоқ асос материали микроарифчаларига сирт юзадаги мойлар ўтиб туради. Шундагина улардан тайёрланган сирпаниш подшипник (вкладиш) лари меъерида ишлайди. 59-расмда вкладиш билан валнинг ишлаш шароитини акс эттирувчи схема келтирилган. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, қотишмаларнинг асоси ҳаддан ташқари юмшоқ бўлмаслиги керак, акс ҳолда у подшипникка тушадиган босим таъсирида сиқиб

чиқарилиши мүмкін. Шунингдек, қаттық брикмалар миқдори ҳам етарли даражадан ортиқ бўлмаслиги лозим, чунки валинг босими таъсирида ортиқча қаттиқ бирималарнинг бир қисми уваланиб, ҳосил бўлган майда заррачалар вал бўйини тирнаб тезроқ ишдан чиқаради.

Юқорида қайд этилган талабларга жавоб берадиган антифрикцион материалларга баббитлар, бронзалар, латунлар, модифицирланган кулранг ва болғаланувчан чўянлар, ғовакли металлокерамик материаллар, пластмассалар, пластифицирланган ёғоч, текстолит, резина ва бошқалар киради.

Жумладан, қалайли баббит яхши антифрикцион материал бўлгани учун катта нагрузкалар ва тезликда ишловчи буғ турбиналар, турбо компрессорлар подшипник вкладишларида кенг фойдаланилади. Чунки унинг пластик асоси сурмани мисдаги ва қалайдаги қаттиқ эритмаси бўлиб, қаттиқ биримада эса Cu<sub>3</sub>Sb, SnSb лар бўлади. Лекин қалай қимматлиги учун, масалан B83 маркадаги қалайнинг бир қисмини Pb билан алмаштирилиб, B83 ўрнига B16 маркали баббитдан фойдаланилади. Демак антифрикцион материалларнинг қай биридан подшипник (вкладишлар) учун оқилона фойдаланишда валинг материалга солиштирма босими ва айланиш тезлиги ҳамда материал нархи ҳисобга олинади. 24-жадвалда асосий антифрикцион материалларнинг хили, маркаси, қўллаш шароити ва ишлатилиш жойлари мисол сифатида келтирилган.

24-жадвал

Антифрикцион қотишма номи	Маркаси	Қўллашиш шароити			Ишлатилиш жойлари
		босим Р, кг/см <sup>2</sup>	тезлик θ, м/с	P V кгкм/см <sup>4</sup>	
Баббит	B88 B83 B16	200 100	50 30	750 300	Тезюар дизеллар подшипникларида Электрвоз подшипникларида
Бронза	Бронс 5-5-5 Бронс 4-4-4-	80	3	120	Электр двигател насос подшипникларида
Латунь	AMuc 52-4-1	40	2	60	Конвейер редуктор подшипникларида
Чуйн	AЧС1 AЧС2	25	5	100	Тобланган, нормалланган валлар билан ишловчи подшипникларда
Металлокера- мик материал- лар	Бронза графит тимер графит	150 8-12 200 6-10	0,1 4,0 0,1 4,0	— — — —	Мойланиши қийин шароитда ишловчи подшипникларда



59-расм. Сирпаниш подшипнинг ишлаш схемаси.

## ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАР, АБРАЗИВ ВА КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР

### 1-§. Умумий маълумот

Турли хоссали материалларни кескичлар (парма, фреза ва бошқалар) билан кесиб ишлашда уларнинг кескирлиги узоқ вақт сақланиши учун улар қаттиқ ва пухта, маълум қовушоқ, коррозиябардош материаллардан тайёрланиши лозим. Айниқса, юқори механик, физик-кимёвий хоссали материалларни кесиб ишлашда, иш унумдорлиги ва сифат кўрсаткичларини кўтаришда бу материалларга қўйилган конструктив ва геометрик талабларнинг аҳамияти foят катта.

Маълумки, осон кесиб ишланадиган материалларни кесиб ишловчи кескичлар углеродли асбобсозлик (У2, У8, У9, У9А, У10А ва бошқалар), кам легирланган 9ХС, 13Х, ХВСГ ва бошқалардан тайёрланса, кесиб ишланиши қийинроқ материалларни кесиб ишлашда тезкесар (Р18, Р9, Р6М5 ва бошқа) пўлатлардан, қаттиқ қотишмалар ва абразив материаллардан фойдаланилади.

### 2-§. Қаттиқ қотишмалар гуруҳлари, маркалари ва ишлатилиш жойлари

Қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқарилишига кўра икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга металлокерамик қаттиқ қотишмалар, иккinci гуруҳга қўйма қотишмалар киради. Металлокерамик қаттиқ қотишмаларнинг асоси юқори температурага, кислота ва ишқорларга чидамили, қаттиқ, кам ейиладиган карбидлар (WC, TiC, TaC) кукунларига маълум миқдорда кобалт (Co) элементи боғловчи сифатида қўшиб аралаштирилгач, уни пресс-қолипга киритиб, прессслаб, турли шаклли ва ўлчамли пластинкалар олинади. Кейин уларни печга киритиб, карбидларни суюқланиш температурасидан пастроқ температурада маълум вақт қиздирилиб, кейин совитилади. Бунда кобалт әриб карбидлар донларини чўлгаб, уларни ўзаро пухта боғладайди. 25-жадвалда бир ва икки карбидли металлокерамик қотишмаларнинг маркалари, кимёвий таркиби ва физик-механика хоссалари келтирилган.

Бу маркалардан ўлароқ учкарбидли — титан-тантал-вольфрам (Т.Т.) қаттиқ қотишмалар ҳам бор. Қўйма қаттиқ қотишмалардан эса қўйма йўлда чивиқлар олинади. Улар таркибидаги қимматбаҳо вольфрам йўқлиги уларнинг афзаллигидир. Булардан заруриятга кўра ейилиб ишдан чиқсан деталларни тиклашда фойдаланилади. Одатда чивиқлар ацетилен кислород алангасида ёки электр ёй ёрдамида эритиб тикланадиган деталнинг ейилган жойига қопланади. Қўйидаги жадвалларда қаттиқ ва қўйма қотишмаларнинг хили ва кимёвий таркиби келтирилган.

Вольфрам қотишина						Титан вольфрам қотишина						
	Қотишина таркиби, %		Физика-механик хоссаси				Қотишина таркиби, %			Физика-механик хоссаси		
Қаттиқ қотишина лари	фрам карбиди	Ко-балт	Этилишга пухталик чегараси кг/мм <sup>2</sup>	Үртача солишиштирма оғирлиги, г/см <sup>2</sup>	Қаттиқ-лиги роквелл шкаласи бүйича	Қаттиқ қотишина маркаси	Вольфрам карбиди, (WC)	Ко-балт Со	Титан карбиди (TC)	Этилишга пухталик чегараси	Үртача солишиштирма оғирлиги	Қаттиқ-лиги роквелл шкаласи бүйича
BK2	98	2	100	15,2	90,0							
BK3	97	3	100	15,1	89,0	T5K10	85	10	5	115	12,7	88,5
BK4*	96	4	130	15,0	89,5							
BK6*	94	6	120	14,8	88,0	T14K8	78	8	14	115	11,6	89,5
BK6M	94	6	130	14,0	90,0							
BK8	92	8	130	14,6	87,5	T15K6	78	6	15	110	11,3	90,0
BK8B*	92	8	150	14,6	86,5	T15K6T	79	6	15	110	11,4	91,0
BK10	90	10	135	14,4	87,0	T30K4	66	4	30	90	9,7	92,0
BK11	89	11	150	14,2	86,0							
BK15	85	15	160	14,0	86,0	T60K6	34	6	60	75	6,8	90,0

Қотишмалар хили	Асосий компонентларнинг массаси бўйича таркиби, %					
	Cr	Mn	Ni	Si	C	Fe
Сормант: № 1	28	1,5	4,0	3,5	2,8	60,2
№ 2	15	1,0	1,8	1,8	1,7	78,7
Сталинит	17	15,0	—	2,0	9,0	57,0

Булардан ташқари асоси  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{Cr}_2\text{O}_3$ ,  $\text{SiO}_2$  ва бошқалар асосида ўзаро боғлаб олинган поликристаллик бирикмалар пластиклари босим остида прессланиб тайёрланган минералокерамик қаттиқ қотишмалар олингач, печда қиздириб пухталаради. Уларнинг қаттиқлиги HRA 90—93 бўлади, пластинкаларидан ҳам кескичларга маҳкамлаб нафис кесиб ишлашда фойдаланилмоқда. Бу пластинкаларга микрол дейилиб уларни ЦМ322, ЦМ маркалари бор. Улар кесувчанлик хоссаларини 1700°C гача қизиганида ҳам сақлайди. Кейинги йилларда минералокерамик пластинкаларни кесувчанлик хоссасини ошириш мақсадида уларга маълум миқдорда Mo, W, Ti карбидлари қўшилмоқда. Бу материаллар керметлар дейилади. Шунингдек, бор нитриди поликристаллари асосида тайёрланган эльбор деб аталувчи материал пластинкаларидан металларни нафис ишлашда ҳам фойдаланилмоқда.

### 3-§. Абразив материаллар хиллари ва ишлатилиш жойлари

Абразив материаллар жуда майда ва қаттиқ, ўткир кесувчи қиррали бўлиб, улар табиий (олмос, корунд, кварц) ва сунъий (синтетик олмос, электр корунд, бор ва кремний карбидлари) материалларга ажратилиди.

Агар олмоснинг қаттиқлигини 100% десак, бор карбидиники 43%, кремний карбидиники 30%, электрокорундники 20%, тобланган асбобсозлик пўлатлариники 10% атрофида бўлади. Абразив материаллардан тайёрланган кескичларнинг кесувчанлик хоссаси 1800—2000°C температурагача қиздирилса ҳам кам ейлади. Шу боисдан бу материаллар катта тезликларда (15—70 м/с) кесиб ишлаш имконини беради.

Куйида кўп ишлатиладиган абразив материаллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Электрокорунд (шартли белги-Э) таркибига қўра оқ нормал ва монокорундларга ажратилади. Оқ электрокорундда 98—99%  $\text{Al}_2\text{O}_3$ , нормалида 91 % дан кам бўлмаган ҳолда  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ва монокорундда 97—98%  $\text{Al}_2\text{O}_3$  бўлади.

Бу материаллардан күпроқ чўзилишга қаршилиги катта бўлган материалларни жилвирловчи тошлар тайёрланади.

Уларнинг донлари электрокорунд донларига нисбатан йирикроқ бўлади. Улар таркибидаги SiC миқдорига кўра қора рангли кремнийга (КЧ) ва ўт рангли кремний карбиди (КЗ)га ажратилади. Қора ранглисинг таркибida SiC 95—97 % бўлса, ўт ранглида эса SiC 97% ва ундан ортиқ бўлади.

Қора ранглиларидан тайёрланган жилвир тошлардан чўзилишга қаршилиги кичик бўлган ва қовушоқ металл ҳамда уларнинг қотишмаларини жилвирлашда, ўт ранглиларидан қаттиқ қотишмаларни жилвирлашда ва минералокерамик материаллардан тайёрланган кескичларни чархлашда фойдаланилади.

**Бор корунд.** Уларнинг кулранг ва қора ранглилари бўлиб, уларнинг кукунларидан тайёрланган пасталардан металл буюмлардан бирининг юзини иккичисининг юзига ишқалаб мослашда, шунингдек қаттиқ қотишмаларидан тайёрланган кескичларни ва ниҳоятда қаттиқ материаллар (рубин, кварц, корунд) ни жилвирлашда фойдаланилади.

Хром оксиди кукунларидан ҳам жилвирлаш ва жилолаш ишларида фойдаланилади.

**Олмос кескичлар.** Табиий ва сунъий олмос кристаллари деярли мўртлигига қарамай, саноатда улардан кескичлар тайёрлашда фойдаланилади. Бу кескичлардан айниқса, материалларнинг катта тезликда ишлаб текис юзали, аниқ ўлчамли деталларни олишда фойдаланиш ҳажми ортмоқда.

Ҳозирда тахминан 70% техник олмослардан жилвирловчи тошлар, олмос қаламлари тайёрлансанса, 20% идан корунд ва кремний карбидлари тайёрланади. Олмос кристаллари массаси 0,2—0,75 карат (1 карат 0,2 г га тенг) кескичлар каллагига механик ўрнатилади.

Рус олими Л.Ф. Верешагин раҳбарлигига синтетик олмос олинган. Унинг АСР, АСР АСБ ва бошқа маркаларидан кескичлар тайёрлашда фойдаланилади. Шуни ҳам айтиш керакки, 1964 йилдан бошлаб, борнитрид материали (эльбор) ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бу материалнинг абразивлик хусусияти олмосга яқин, пластинкалари кескич каллакларига ўрнатилиб, ундан металларни нафис ишлашда фойдаланилади.

#### 4-§. Композицион материаллар

Композицион материаллар деб икки ва ундан ортиқ хилли, бирбирида эримайдиган компонентлардан тайёрланган материалларга айтилади. Кутилган хоссаларига кўра компонентлар хили ва миқдори белгиланади. Бундан кўриниб турибдики, аввалдан кутилган хоссали материални олиш мумкин. Буни турли шароитда ишловчи деталлар, курилмалар тайёрлашда аҳамияти жуда ҳам катта. Композицион материаллар асоси пластик матрица ва турли хил тўлдирувчи материаллардан иборат бўлади.

Матрица сифатида металлар (Al, Mg, Ti ... ва уларнинг қотишмалири) ва полимерлар (эпоксид ва фенолформальдегид смолалар, полiamидлар ва бошқалар) ишлатилса, тўлдирувчилар сифатида қум кукунлари, асбест толалари, алюминий нитритлари, бериллий оксидлари, бор карбидлари, углеродли ва легирланган пўлатлардан олинган ниҳоятда ингичка (20—1500 мкм) симлар ва бошқалар ишлатилади. Тўлдирувчилар суюлтирилган матрица материалига киритилади ёки плазма оқимида пуркалади. Бошқа усуллари ҳам бор. Бунда матрица материали тўлдирувчи материаллар билан қаттиқ эритмалар ёки кимёвий бирикмалар ҳосил этиб, пухта боғланиб, мустаҳкам, қовушоқ ва коррозия ҳамда ўқори температурага чидамли материаллар олинади.

Умумий ҳолда композицион материалларнинг мустаҳкамлигини кўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\sigma_{\text{к.м}} = \sigma_{\text{в}} \cdot V_{\text{в}} + \sigma_{\text{м}} \cdot V_{\text{м}}, \text{ МПа}$$

бу ерда  $V$  — композицион материалдаги фазалар ҳажми,  $\text{см}^3$ , индекслар «к» — композицион материал, «в» — толалар ҳажми,  $\text{см}^3$  ва «м» эса матрица материал ҳажми,  $\text{см}^3$ .

Машинасозликда бу материаллардан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, 400—500°C да пухталигини сақладиган, коррозиябардош матрицаси алюминийли композицион материалдан самолётсозликда, кимё саноатида реактивлар сақловчи идишлар, пухталаридан эса автомобиль кузовлари, тақсимловчи валлар, винтлар, трубалар ва бошқалар тайёрланмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, металлопластиклар деб аталадиган қалинлиги 0,3—1,2 мм ли бир ёки иккала томони 0,05—1 мм полимер (полиэтилен, полипропилен, поливинилхлорид) лар билан қопланган материаллардан коррозиябардошлиги, электроизоляцион ва бошқа хоссалари ҳамда кўркамлиги туфайли совутгич корпуслари, автомобиль кузовлари тайёрлашда ва бошқаларда кенг кўламда фойдаланилмоқда.

## 13-боб

### КУКУН МАТЕРИАЛЛАРДАН ДЕТАЛЛАР ТАЙЁРЛАШ

#### 1-§. Умумий маълумот

Металл ва нометалл материаллар кукунларидан турли хил деталлар тайёрлаш технологик усулига кукун металлургияси дейилади. Бу усулда тайёрланган деталлар (сирпаниш подшипниклар, цилиндрик ва конус тишили шестернялар, киря асбоблари, кескичлар каллакларига маҳкам ўрнатиладиган қаттиқ қотишма пластинкалари ва бошқалар) турли хоссали бўлиши билан бирга, бир томондан геометрик шакл ва ўлчамлари аниқ, юза ғадир-будирлиги кичик бўлади, қимматбаҳо металлар тежа-

лади, құшымча ишловлар талаб этмайды, юқори малакали ишчига за-  
рурият бўлмайды, иш унуми юқори ва бошқа шунга ўхаш кўрсат-  
кичларга эга бўлади, иккинчи томондан қўйма ва босим билан иш-  
лашда олинган деталлардан фарқли ўлароқ таркиб нотекислиги, кири-  
шув бўшлиғи, дарз кетишлар бўлмайды, учинчى томондан анъанавий  
усулларда олиб бўлмайдиган ВК, ТК типли қаттиқ қотишмалар оли-  
нади. Чунки бундай қотишмалар таркибида W, Mo, Nb каби метал-  
ларнинг суюқланиш температураси жуда юқоридир.

Археологик материаллардан маълумки, эрамиздан бир неча аср  
муқаддам яшаган Миср ҳукмдори Фиръавн Тутамхамон тобутига қў-  
йилган ханжар сирти олтин кукуни билан қопланган экан.

Бу қадимда одамлар кукун металургиясидан фойдаланиш йўллари  
билан таниш бўлганликларидан далолат беради.

1827 йили рус инженерлари П.Г. Соболевский ва В.В. Любинский-  
лар платина кукунидан тангалар тайёрлаганлар ва улар бу соҳанинг  
кенг имкониятларини кўрсатиб, назарий асосларини ҳам яратганлар.  
Бу истиқболли технологик усул узоқ йиллар давомида турли сабаблар-  
га кўра саноатда жорий этилмаган. Фақат XX аср бошларида гина ма-  
шинасозлик корхоналарида бу усул қўллана бошланди. Ҳозирда мах-  
сус цехлар ишлаб турибди ва бу усулда деталлар тайёрлаш ҳажми тобо-  
ра ортмоқда.

## **2-§. Кукун материаллардан деталларни тайёрлаш технологияси**

Кукун материаллардан деталлар тайёрлаш технологик жараёнини  
умумий тарзда қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Кукун материаллари тайёрлаш.
2. Кукунлардан кутилган таркибли шихта олиш.
3. Маълум микдордаги шихтани прессформага киритиб пресслаш.
4. Олинган буюмга зарур хоссалар бериш учун уларни термик иш-  
лаш.
5. Заруриятга кўра, масалан, сирпаниш подшипниклар, кири асбоб-  
ларга қўшымча ишловлар (ғовакларини мойга тўлдириш, калибрлаш,  
ва бошқалар) бериш.

**Кукун материаллари тайёрлаш.** Маълумки, турли шаклли ва ўлчам-  
ли металлар кукунларини металургия заводларида ва комбинатларда  
механик, кимёвий ва физик-кимёвий усулларда кўплаб тайёрланади.  
Турли металлардан механик усулда кукунлар тайёрлашда шар тегир-  
монлардан фойдаланилади. Бунда шар тегирмон барабанига чўян, пўлат  
ёки қаттиқ қотишмалар шарлари ва кукунга айлантириладиган қирин-  
дилар, майда материал бўлаклари киритилиб, барабан қопқоғи берки-  
тилади, уни ўз ўқи атрофига минутига 3000 мартагача айлантирила-  
ди. Бунда барабандаги шарчалар материалга урилиб уни майдалайди.

Худди шу мақсадда тебранадиган тегирмонлардан ҳам фойдаланилади. Металл оксидларидан металларни кимёвий ва физика-кимёвий усулларда қайтарганда водород, углерод икки оксиidi газлари ( $H_2$ , CO) дан фойдаланилса, туз эритмаларидан ажратишида эса электролиз усулидан фойдаланилади.

### **3-§. Кукун материаллар ўлчами, шакли ва технологик хоссалари**

Металл кукунларининг ўлчамларига кўра уларни ниҳоятда майда (дон ўлчами 0,5 мкм гача), жуда майда (дон ўлчами 0,5—10 мкм), майда (дон ўлчами 10—40 мкм оралиғида), ўртача (дон ўлчами 40—150 мкм оралиғида) ва йирик (дон ўлчами 150—500 мкм оралиғида) хилларга ажратилади.

Шаклига қараб эса ясси, тенг ўқли ва толали турларга ажратилади. Темир кукунларининг масалан, ПЖ2К, ПЖ4С ва бошқа маркалари бўлади. Бу маркалардаги шартли белгилар қуйидагиларни билдиради. ПЖ — темир кукуни (порошок железный), рақамлар кимёвий таркиби бўйича гурухларини, ҳарфлар эса кукунлар донадорлигини, жумладан, К — йирик (крупный), С — ўртача (средний), М — майда (мелкий) деган маънони билдиради. Кукунларнинг технологик хоссаларига келсак, уларга пресс қолипга киритигувчи тўкма кукун массаси, оқувчанлиги, прессланувчанлиги ва термик ишланувчанликлари киради. Агар тўкма кукун массаси ўзгармаса, термик ишловда киришувчанлигининг доимийлиги таъминланади. Оқувчанлиги, яъни кукуннинг пресс-қолипни тўлдирувчанлиги кукун ўлчами кичрайган ва намлиги оргтан сайин ёмонлашади, шунингдек прессланувчанлиги кукун материал пластиклигига, боғлиқ бўлиб, сирти актив моддалар кўпайган сари ортади. Термик ишланувчанлиги эса кукун материаллар заррачаларининг бирикuvчанлигига боғлиқ.

Шуни қайд этиш жоизки, маҳсулот тайёрлаш учун зарур таркибли кукун аралашма тайёрлашда унинг пресс-қолипда прессланувчанлигини ошириш учун маълум миқдорда парафин, стеорин кўшилса, термик ишланувчанлигини осонлаштириш учун маълум миқдорда осон эрийдиган моддалар аралаштирилади.

### **4-§. Кукун материаллардан тайёрланган деталлар конструкциясига қўйилувчи асосий талаблар**

Деталлар деворлари қалинлигининг кескин фарқ қилмаслиги.

Деталларда прессформа ўқига тик узун ва тор оптикалар, ариқчалар, ўткир бурчакли ўтишлар бўлмаслиги, юқори аниқлик деталларнинг механик ишловлар учун маълум қатлам ҳисобга олиниши ва ташқи, ички резьбаларни кесиб ишлашда маълум қатлам ҳам ҳисобга олиниши зарур.


## 5-§. Куқун материаллардан деталлар тайёрлаш үсуллари

Металл куқунлардан деталлар тайёрлашда деталлар характеристига күра күйидаги үсуллардан фойдаланилади.

**1. Совуклайн пресслаш.** Бу үсулда пресс-қолипга маълум таркибли ва миқдордаги куқун материал аралашмаси киритилиб, уни пресс пулансони билан маълум босимда прессланади (60-расм, а). Бунда куқун заррачалараро контакт ортиб, ғоваклик камайиб, деформациялана боради ва кутилган шаклли буюмга ўтади. Буюмни пухталаш учун у термик ишланади. Бунда заррачаларнинг механик боғланиши, электростатик кучлар тортилиши ва ишқаланиш жараёнининг бориши ҳисобига пухталанади.

Шуни айтиш жоизки, пресслаш босими ортган сари заготовка пухталиги ҳам ортади. Лекин куқунни пресс-қолип деворига ишқаланиш кучи таъсирида олинувчи заготовка бўйи бўйича босим нотекис тақсимланади. Шу боисдан заготовка пухталиги ва ғоваклиги бўйи бўйича турлича бўлади. Оддий шаклли, бўйининг диаметрига нисбати бирдан кичик ( $I/D < 1$ ) бўлган цилиндрик (втулка хилдаги) заготовкалар, шунингдек, ташқи диаметрининг девор қалинлигига нисбати учдан кичик ( $D/t < 3$ ) бўлганда бир томонлама пресслаш үсулида олинади. Бунда босим 600—2000 кгк/мм<sup>2</sup> оралиғида бўлади.

Мураккаб шаклли заготовкаларни олишда икки томонлама пресслаш үсулидан фойдаланилади. Бунда пресс-қолипга тегишли тўкма куқун материал киритилгач, гидропресс пулсанон билан дастлабки уст-



60-расм. Оддий шаклдаги металлокерамик буюмларни ёпик прессформада пресслаш схемаси:

а — бир томонлама пресслаш; б — икки томонлама пресслаш;

1 — пулсанон; 2 — прессформа; 3 — шихта

ки босим берилади. Сұнгра гидропресс тұхтатилиб, пресс-қолип преслаш устки ва пастки пуансон билан олиб борилади (60-расм, б). Бу ҳолда текис зичлиқли заготовка олинин, зарурий босим 30—40% га камаяди. Юқоридаги маълумотлардан маълумки, пресслаш босими олинувчи заготовка шаклига, зичлигига, пресслаш усулига ва бошқа күрсаткичларга боғлиқ.

Шуни ҳам айтиш жоизки, пресслаш жараёнида куқун заррачалари эластик ва пластик деформацияга берилиши сабабли деярли кучланиш заготовкада бўлади. Шу боисдан буюм пресс-қолипдан олинганда эластик деформация таъсири туфайли ўлчамлари бирмунча ортади.

**2. Қиздирилган ҳолатда пресслаш.** Бу усулда пресс-қолипга киритилган куқунни пресс-қолипни бўшлиқ шаклига ўтиши ва термик ишланиши билан бирга олиб борилади. Бунда пресслаш температураси асосий куқуннинг абсолют суюқланиш температурасининг 0,7—0,9 улушига тенг олинади. Шу боисдан жараён совуқлайнин пресслаб буюм олишга қараганда тезроқ ва пресслаш босими пастроқ бўлади. Бу усулда олинган буюм пухталиги, зичлиги ва структурасининг бир хиллиги билан ажралади.

Бу усулдаги пресс-қолип материали иш шароитига чидамли, пухта бўлиши билан бирга куқун билан реакцияга киришмайдиган ва арzonроқ материалдан тайёрланади.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, олинган буюмлар ва деталлар хоссаси ва сифати (кенг маънода) куқун материаллар хили, шакли, донадорлигидан ташқари пресслаш босимига, термик ишловлар режимига ва узил-кесил ишловлар характеристига ҳам боғлиқ бўлади.

Куқун материалларидан олинган деталлар шартли равищда қуйидагича маркаланади: масалан, ЖГр 1—20 ПФ; бу ерда Ж — темир куқуни, 1% графит, говаклиги 20% бўлиб, структураси перлит билан ферритдан иборат бўлади. Ёки ЖГр Н7 Д2—6,8, бу ерда асоси темир, 1% графит, 7% Ni, 2% Cu бўлиб, зичлиги 6,8 г/см<sup>3</sup> бўлади.

Айниқса, кейинги йилларда массаси 500 кг гача ва ундан ортиқ бўлган заготовкалар олишда ҳар томонлама босим билан пресслаш усулидан фойдаланилмоқда. Бу ҳолда босимнинг бир текисда берилиши, ташқи ишқаланишининг ўқлиги сабабли, зарурий зичлиқдаги заготовкалар олишга эришилмоқда.

Бу ишлов усулларига қуйидагиларни күрсатиш мумкин:

1. Гидростатик. Бунда куқун материал эластик қобиққа киритилгач, зарурий босим мой, глицерин ёки сув орқали ҳар томонлама бир текисда берилади.

2. Пресс-қолипга киритилган куқун материалга парафин, резинали қолип деворли эластик қобиқ орқали ҳар томонлама бир текисда зарурий босим берилади.

3. Металл пресс-қолипга киритилган куқун материалга зарурий босим инерт газ, суюқ металл орқали берилади.

Шунингдек, куқун материалларни прокатлаш усули билан ҳам турли хил заготовкалар (чивиқлар, полосалар ва турли кесимлилар) олинади.

## 14-боб

### МЕТАЛЛАРНИНГ КОРРОЗИЯГА БЕРИЛИШИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ

#### 1-§. Умумий маълумот


Маълумки, металл ва улар қотишмаларининг ташқи мұхит таъсирида емирилишига коррозия дейилади. Бундай емирилишга металларнинг заңглаши, кимёвий аппаратларнинг турли эритмалар таъсирида ишга яроқсиз ҳолга келишини мисол сифатида көлтириш мүмкін. Статистика маълумотларидан маълумки, темир қотишмаларнинг 15—20% и коррозияга берилади. Демак, металларни коррозиядан сақлаш давлат аҳамиятига молик масалади.

Металларнинг коррозияга берилиш механизмига кўра улар: кимёвий, электрокимёвий ва аралаш коррозияга ажратилади.

**Кимёвий коррозия.** Металларни электр токини ўтказмайдиган (дизэлектрик) мұхитларда, масалан, қуруқ газларда, ёқилғи ёндирилгандан ажралувчи газлар, ҳаво ва суюқ органик моддалар (бензин, мазут, смолалар ва бошқалар) билан кимёвий реакцияга киришиши туфайли емирилишига кимёвий коррозия дейилади. Алангали печларда пўлатларнинг пластиклигини ошириш мақсадида қиздирилгандан ундаги ҳаво кислородининг пўлат заготовкага ўтиши туфайли темир оксиди ( $3\text{Fe} + 2\text{O}_2 = \text{Fe}_3\text{O}_4$ ) нинг ҳосил бўлиши кимёвий коррозияга мисолдир. Агар бу парда пухта бўлса, масалан  $\text{Al}_2\text{O}_3$ , металлни коррозиядан анча сақлади, бу хил коррозиянинг бориш тезлиги металлнинг ва мұхитнинг хилига, температурасига ва унинг мұхит таъсирида бўлиш вақтига боғлик бўлади.

**Электрокимёвий коррозия.** Металларнинг электр токни ўтказадиган мұхитда (масалан, нам ҳаво, кислоталарни ва тузларни сувли эритмалари таъсирига берилиб) емирилишига электрокимёвий коррозия дейилади.

Агар электролитга туширилган турли металл электродларни сим билан уласак, гальваник жуфт ҳосил бўлиши маълум. Бунда электрод потенциали кичик бўлгани — анод, катта потенциаллиги — катод бўлади. Бу шароитда анод ионлари электролитга ўта бориб, анод пластинкалари тўла катодга ўтгунча жараён давом этади. Масалан, потенциали — 0,440 В ли темир ва потенциали — 0,763 В ли рух пластинкаларини электролитга тушириб, улар сим билан уланса, рух пластинкаси анод бўлгани учун у электролитда эриб, ундан катодга ўта боради (61-расм).



**61-расм.** Гальваник элементнинг ишлаш схемаси

Пўлатларнинг структураси феррит ва цементит фазалардан иборат. Бу структурали пўлатни электролитга туширсак, унинг ҳар бир фаза дони ўз потенциалига эга бўлади, чунки улар бир-бирлари билан металл масаси орқали боғланган. Бу қотишманинг кўплаб микрогольваник жуфт ҳосил бўлиши ҳам табиийдир. 62-расмда икки фазали қотишмани электрокимёвий коррозияга берилиши схематик кўрсатилган. Бу схемада қора участка билан потенциали каттароқ фаза (катод), оқ участка билан потенциали кичикроқ фаза (анод) кўрсатилган, қора стрелка билан анод электронларини электролигта ўтиши, оқ стрелка билан анод электронларини муқобил равишида катодга ўтиши кўрсатилган. Юқоридаги маълумотларга асосан икки фазали қотишмалар икки фазали қотишмаларга нисбатан коррозияга чидамли деган хуносага келиш мумкин. Тажрибалар бу ҳолни тасдиқлайди. Масалан, мартенсит структурали тобланган пўлатни феррит ва цементит структуралари пўлатта таққосласак, мартенсит структуралари пўлат коррозияга кам берилишини кўрамиз. Шуни қайд этиш жоизки, бир фазали дейилувчи реал металларда структуравий нуқсоцлар (дислокациялар, турли бегона қўшимчалар ва бошқалар) бор, уларни ҳам ўз электропотенциаллари бўлади, албатта. Шу боисдан уларни электролигта туширсак, электрокимёвий коррозия боришини кузатишимиз мумкин.

**Аралаш коррозия.** Металларнинг юқорида кўрилган ҳар иккала хил коррозиянинг биргаликда бориши натижасида емирилиши аралаш коррозия дейилади.

Металларнинг коррозияга берилиб емирилишини характерига кўра текис, нотекис, айрим жойлари бўйича донлараро ва бошқа хилларга ажратиш мумкин. Буларнинг ичida энг хавфлиси донлараро коррозиядир. Чунки у метал ташқарисидан кўринмайди. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, агар буюмлар текис бўлса, бу сиртда масалан, пухта оксидларнинг пардалари электролит таъсиридан ҳимоялайди. Одатда, металларнинг коррозияга чидамлилигини айни муҳитдаги шароитда коррозияга берилиш тезлиги билан аниқланади.

Жадвалда турли металлар потенциал ( $\phi_e$ ) ларининг (шартли равиша да ноль деб олинган) водородга нисбатан қийматлари келтирилган.



**62-расм.**

Элементлар номи	Металлар потенциали, ю, В	Элементлар номи	Металлар потенциали, ю, В	Элементлар номи	Металлар потенциали, ю, В
Олтин	+ 2,87	Құрғошин	- 0,126	Рұх	- 0,763
Күмүш	+ 0,789	Қалайи	- 0,136	Марганец	- 1,18
Симоб	+ 0,789	Никель	- 0,25	Титан	- 1,63
Мис	+ 0,520	Кобальт	- 0,27	Алюминий	- 1,66
Висмут	+ 0,215	Темир	- 0,44	Магний	- 2,36
Водород	0,000	Хром	- 0,744	Натрий	- 2,74

## 2-§. Металл буюмларни коррозияга берилишининг олдини олиш усуллари

Маълумки, машинасозликда асосий конструкцион материал бўлган темир қотишмалари (пўлат ва чўяnlар) дан тайёрланган буюмларни коррозияга берилишининг олдини олиш ғоят катта аҳамиятта эга. Чунки бундай деталларни тайёрлашда легирланган пўлатлардан, рангли металл қотишмалари ва пластик массалардан фойдаланилсада, улар нархининг қимматлиги ва техник-иқтисодий нуқтаи назардан бундай материалларни кенг қўллаш чекланган. Шу боисдан металларни коррозиядан сақлаш масаласи мухимлигича қолмоқда. Амалда металл буюмларнинг коррозияга берилишининг олдини олишда сиртлари коррозиябардош металлар ва нометалл материаллар билан қоплаш усулларидан, мухит активигини пасайтириш ва электрокимёвий усуллардан фойдаланилади. Куйида бу усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

### 1. Металл буюмларни коррозиябардош металлар билан қоплаш.

Бу усул анодий ва катодий хилларга ажратилади. Анодий қоплашда электролитга туширилган металл буюм ўз потенциалидан кичик потенциалли металл билан қопланади. Бунга темир қотишма буюни рух билан қоплаш мисол бўлади. Катодийда электролитга туширилган буюм ўз потенциалидан катта потенциалли металл билан қопланади. Бунга темир қотишмадан тайёрланган буюни никель билан қоплаш мисол бўлади.

**Гальваник усулда қоплаш.** Бу усулда анод сифатида коррозиябардош металлар ( $Zn$ ,  $Cr$ ,  $Al$ ,  $Ni$  ва бошқалар) пластинкалари, катод сифатида буюм олинади. Электролитли ваннага туширилган анод пластинкаси ўзгармас ток манбанинг мусбат кутбига, буюм манфий кутбига уланади. Занжирдан маълум кучланишли ток ўтишида анод пластинка электролитда эриб ионлари катод сиртига ўта боради (61-расм). Қоплама қалинлиги ток кучига, ўтиш вақтига боғлиқ.

**Термодиффузион усулда қоплаш.** Бу усулда буюмлар сиртларига ҳимоя парда юқори температурали шароитда коррозиябардош металлар атомларининг диффузияланишида боради. Бунда буюмлар сиртини, масалан, Al билан қоплашга аллитирлаш, Cr билан қоплашга хромлаш, Si билан қоплашга силицирлаш дейилади.

**Металл әритмаларға тушириб қоплаш.** Бунинг учун сирт юзи занг, мой ва кирлардан яхшилаб тозаланган буюмни суюлтирилган металл (Zn, Al ёки бошқалар) ваннага тушириб маълум вақт сақланади. Бунда буюм бу металлнинг юпқа пардаси билан қопланади. Масалан, симлар, том тунукалари, трубалар сирти рухланади.

**Пуркаб қоплаш.** Бу усулда металл буюмлар сиртига Al, Cr, Ni ва бошқа металлар уларнинг оксидлари ( $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{Cr}_2\text{O}_3$ ,  $\text{SiO}_2$  ва бошқалар) карбидлар ( $\text{B}_4\text{C}$ ,  $\text{TiC}$ ,  $\text{NeC}$  ва бошқалар) нинг диаметри 0,5—3 мм ли симлар ёки диаметри 20—100 мкм ли сферик шаклли қуқунлари аргон, азот ёки водород газларининг плазмали оқимида пуркалади.

**Термомеханик қоплаш.** Бу усулда қопланувчи буюм сиртига қопланувчи металл қўйилиб қиздирилган ҳолда, масалан, прокатланади. Кейинги йилларда буюмлар сиртига коррозиябардош металл қуқунлари ва пластик массалар ҳам қопланмоқда. Бунинг учун бирон буюм сирти занг, мой ва кирлардан тозаланади. Унинг юзасига металл қуқуни (пластик масса) маълум қатламда бир текис тўкилади. Сўнгра буюм зарур температурада қиздирилади. Бунда қуқун эриб, буюм сиртини текис қоплаш билан бирга унга пухта ёпишади.

**Нометалл материаллар билан қоплаш.** Бу усулга буюмлар сиртини лак, бўёқ, мой, эмаль, резина ва эбонитлар билан қоплаш киради. Буюм сиртини лак бўёқлар билан қоплаш учун сирти занг, мой ва кирлардан яхшилаб тозаланганча, зарурй лак, бўёқ буюм сиртига маъйин чўткада юпқа қилиб, текис суртилайди ва қуритилади.

Металл буюмлар омборда сақланадиган ёки бошқа жойга юбориладиган бўлса, сиртларига минерал мой ва ёғлар суркалади. Резина ва эбонит билан қопланадиган бўлса, аввало занг, мой ва кирлардан яхшилаб тозаланган буюмлар сирти резина елим суртилиб, кейин хом резина ёки эбонит лист ёпишириб вулканизацияланади.

**2. Мұхит активлигини пасайтириш.** Бунинг учун агрессив мұхитга озгина ингибитор деб аталувчи баъзи бир органик ва нооргоник биримлар киритилади. Натижада электролитик жараён механизми ва кинетикаси ўзгариши сабабли коррозия тезлиги пасаяди. Агар ички ёниш двигателларини совитиш тизимидағи ёки буғ қозонларидаги сувга масалан, озгина хромпик ( $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$ ) киритилса, металлнинг коррозияга берилиши анча камаяди.

**Протекарлар билан ҳимоялаш.** Бу усулдан электролит мұхитида ишловчы деталлар (масалан, кема винтлари) ни коррозиядан ҳимоялашда фойдаланилади.

Бунинг учун деталнинг коррозияга бериладиган жойи яқинига протектор деб аталувчи, потенциали ҳимоя этилувчи металл потенциалидан кичик металл пластинка ўрнатилади. Бу шароитда протектор анод, деталь катод бўлиб, улар орасида ҳосил бўлган гальваник жуфт натижасида протектор пластинкасигина емирилади.

## 15-боб

### МЕТАЛЛ ВА УНИНГ ҚОТИШМАЛАРИНИ ТЕРМИК ИШЛАШ

#### 1-§. Умумий маълумот

Машинасозликда пўлат ва чўянлардан, шунингдек, рангли металл қотишмаларидан тайёрланадиган кўпгина деталлар ва кескичларнинг физик-механик ва технологик хоссаларини яхшилаш билан эксплуатацион кўрсаткичларини ошириш мақсадида уларга термик ишлов берилади.

Металл ва унинг қотишмаларига термик ишлов бериш учун уларни маълум температурагача қиздириб, шу температурада маълум вақт саклаб турилгандан кейин ҳар хил тезликда совитилади.

Бу ишлов беришда заготовкаларнинг кимёвий таркиби ўзгармай, структураси ўзгариши ҳисобигагина хоссалари ўзгаради.


#### 2-§. Материалларни термик ишлашда фойдаланиладиган печлар ва бошқа ажромлар

Маълумки, металларга термик ишлов беришда қиздиргич печлар ва улардаги температурани кузатувчи приборлардан, совитгичли идишлар ва хилма-хил қисқичлардан фойдаланилади. Қиздиргич печлар турли конструкцияли бўлиб, уларнинг шакли ва ўлчами термик ишланадиган буюмлар шакли ва ўлчамига, печга киритиш усулига, иссиқлик манбаига ва бошқа кўрсаткичларига кўра ажралади. Печларни иссиқликнинг буюмга таъсирига кўра алангали, муфелли ва ванналиларга ажратилади (63-расм). Алангали печларда ўртача ва катта ўлчами буюмлар қиздирилади. Буларда печь таглигига терилган буюмлар аланга ва қизиган газлар ҳисобига қизийди.

Муфел печларда майда ва ўртача ўлчамли буюмлар печь деворларидан ўтувчи иссиқлик ҳисобига қизийди.

Ваннали печларда қиздириладиган майда буюмлар туз эритилган ваннага туширилади. Печларда иссиқлик манбаи сифатида ёқилғилардан ва электр токидан фойдаланилади. Суюқ ёқилғилар печь камера-сига форсунка орқали, газ ёқилғилар горелка орқали киритилади.

Печлар иш характеристига кўра даврий ва узлуксиз ишловчиларга ажратилади. Масъулиятли буюмларни термик ишлашда оксидланмайди-



**63-расм. Қиздиргич печлар:**

- a* — алангали пек; *б* — таги суримайдиган электр пек; *в* — мүфелли пек; *г* — ваннали пек

ган мұхитли печлардан фойдаланиш лозим. Шуни қайд этиш жоизки, пек температураси  $400^{\circ}\text{C}$  гача бўлса термометрдан,  $1250^{\circ}\text{C}$  гача ва ундан ортиқ бўлса термоэлектрик ва оптик пиromетрлардан фойдаланилади.

### 3-§. Пўлатларни термик ишлаш

Маълумки, пўлатлардан қўймалар, прокат маҳсулотлари ва поковкалар олишда улар бутун ҳажми бўйича бир текис совимаганлиги сабабли структуралари бир текис бўлмайди. Шу боисдан ички зўриқиши,

кучланишлар, таркиб нотекисликлари учрайди. Булар, ўз навбатида, унинг хоссаларига путур етказади. Шу сабабдан кутилган мақсадга жумладан, заготовкаларни кейинги технологик ишловларга тайёрлашга ёки узил-кесил ишлаб деталларга зарурий хоссалар берилишига кўра термик ишловлар хили белгиланади. А.А. Бочвар тақлифига кўра металларга термик ишлов бериш тўрт гурухга ажратилади:

**Биринчи гурух.** Бу гурухга биринчи хил юмшатиш киради. Бу хил юмшатишга рекристаллизацион юмшатиш ҳам дейилади. Маълумки, металларни совуқлайнин босим билан ишлашда бир гурух кристаллар иккинчи гурух кристалларга нисбатан силжишида кристаллик панжарасининг эластик қийшайиши, доналарнинг бурилиши, майдаланиб, деформация йўналиши бўйича чўзилиши оқибатида пластиклиги пасаяди.

Металларни дастлабки пластик ҳолига қайтариш зарур бўлган ҳолда бу хил юмшатишдан фойдаланилади. Бунинг учун металл буюмни фаза ўзгариш бермайдиган температурада (масалан, 600—700°C гача) қиздириб, маълум вақт шу температурада сақлаб, кейин аста-секин совитилади. Металлни қиздиришнинг бошланғич даврида (200—400°C) эластик деформацияланган кристалл панжара дастлабки ҳолига қайтади, температурани бирмунча юқорироқ кўтарилишида эса янги деформацияланмаган доналар ҳосил бўлади (бу кристалланиш ҳодисаси рекристалланиш дейилади). Натижада металл дастлабки пластиклигига қайтади.

**Иккинчи гурух.** Бу гурухга иккинчи хил юмшатиш (чала, диффузион, изотермик ва донадор перлит олиш учун ишловлар) киради. Бу ишловдан мақсад металлнинг доналарини майдалаштириб, структурасини яхшилаш, ички зўриқиши кучланишлардан холи этиб, осон кесиб ишланадиган қилишдир. Бунинг учун пўлат буюмни фаза ўзгариш температурасидан бир оз юқорироқ температурагача қиздириб, шу температурада маълум вақт сақлагач, печь билан бирга секин совитилади. Кўйида иккинчи гурух юмшатишга кирувчи юмшатишлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Чала юмшатиш.** Баъзи ҳолларда пўлат қўймалар ва поковкаларни механик ишлашдан олдин ички зўриқиши кучланишларини камайтириш, структурасини яхшилаш осон кесиб ишланадиган қилиш учун улар чала юмшатилади. Масалан, эвтектоидгача бўлган пўлат буюмлар AC<sub>1</sub> критик чизиқ билан AC<sub>3</sub> критик чизиқ оралиғидаги температурагача, эвтектоиддан кейинги пўлат буюмлар эса AC<sub>1</sub> критик чизиқ билан AC<sub>3</sub> критик чизиқлар оралиғидаги температурагача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт тутиб турилгач, аста-секин совитилади. Бу ишловда фақат перлит структурасигина қайта кристалланади, қолган структуралар ўзгармайди. Шу боисдан ҳам чала юмшатиш дейилади.

**Диффузион юмшатиш.** Пўлат қўймалар (айниқса, легирланган пўлатлар) кимёвий таркибининг нотекислигини текислаш мақсадида бу хил ишлов берилади. Бунинг учун масалан, эвтектоидгача бўлган пўлат буюмлар АС<sub>1</sub> критик температурадан 200—300°C юқори температурагача қиздирилиб, шу температурада 10—15 соат сақлангач, аввал 600°C температурагача секин, кейин эса ҳавода совитилади.

Буюмни юқори температурада бир неча соат тутиб туришда аустенит доналаридаги углерод ва бошқа элементлар диффузияланганда таркиби текисланиб, деярли текис структура ҳосил бўлади. Бунда аустенит доналари йириклишади. Шунинг учун бу термик ишловдан сўнг доналарни майдалаштириш мақсадида у қўшимча равишида тўла юмшатилади.

**Тўла юмшатиш.** Бу ишлов фаза ўзгариши билан олиб борила-диган юмшатиш бўлиб, бу юмшатишга тўла юмшатиш дейилади. Бу усул пўлат қўймалар ва поковкаларнинг доналарини бир текис, майда донали қилиш ва ички кучланишлардан холи этиш мақсадида қўлланилади. Бунда эвтектоид ва эвтектоидгача бўлган пўлатларнинг маркасига қараб уларни АС<sub>1</sub> ва АС<sub>2</sub> критик температурадан 30—50°C юқорироқ температурагача қиздириб, шу температурада маълум вақт сақлангач аста-секин совитилади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, эвтектоиддан кейинги пўлатларни тўла юмшатиш учун уларни АС<sub>1</sub> температурадан бир оз юқорироқ температурагача қиздириб, шу температурада маълум вақт сақлаб, совитилганда ажралувчи цементит перлит доналарини парда билан чулғаб олиб, уни мўртлаштиради. Шу сабабли бу пўлатларни тўла юмшатиш учун уларни АС<sub>2</sub> температурадан 30—50°C юқорироқ қиздириб, шу температурада маълум вақт сақлаб, аста-секин совитилади.

**Изотермик юмшатиш.** Бу усул тўла юмшатишдаги каби мақсадларда қўлланилади. Масалан, эвтектоидгача бўлган пўлат буюм АС<sub>1</sub> критик температурадан, эвтектоиддан кейинги пўлатлар эса АС<sub>2</sub> критик нуқтадан 30—50°C юқори температурагача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт сақлангач, заруриятга кўра масалан, 600—700°C температурали мухитга ўтказилиб, шу мухитда аустенит феррит билан цементитга батамом парчалангунча тутиб турилади, кейин ҳавода совитилади. Бу усул тўла юмшатишга қараганда 3—4 марта унумлироқдир. Масалан, легирланган пўлатларни тўла юмшатиш учун одатда, 15—18 соат вақт сарфланса, изотермик юмшатишда 3—4 соат кифоядир. Бу ишлов иккита печда ёки икки зонали печларда олиб борилади.

**Донадор перлит олиш учун юмшатиш.** Эвтектоид ва ундан кейинги, шунингдек, легирланган пўлат буюмларнинг пластинка тарзидаги цементит доналарини майда донадор структурага айлантириш мақсадида юмшатилади. Бунинг учун эвтектоиддан кейинги пўлатлар АС<sub>1</sub> критик температурадан бир оз юқорироқ температурагача (750—760°C) қиздирилиб, шу температурада маълум вақт тутиб ту-

рилгач, аста-секин (соатига 25—30° тезликда) 600°C гача совитилади. Маълумки, пўлатни АС<sub>1</sub> критик нуқтадан юқорироқ температурагача қиздирилганда перлит доналари аустенитга ўтиб, цементит эса ўзгармай қолади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, аустенитда эримаган карбидлар ва бошқа қўшимчалар пўлатни совитишда қўшимча кристалланиш марказлари ҳосил қилиб донадор структура олишга кўмаклашади. Бундай пўлат юмшатилган пўлатта нисбатан қаттиқлити ва пухталиги пастроқ бўлгани билан нисбий узаювчанлиги деярли юқори бўлади.

**Нормаллаш.** Бу усул пўлатларнинг йирик донали структурасини майдалаш билан ўртacha углеродли юмшатилган пўлатларга қараганда пухталигини бирмунча кўтариш мақсадида, кам углеродли пўлатларни кесиб ишлашда қўлланилади.

Масалан, эвтектоидгача бўлган пўлат буюмларни АС<sub>1</sub> критик температурадан, эвтектоиддан кейинги пўлатларни эса АС<sub>2</sub> критик температурада 30—50°C юқори температурагача қиздириб, шу температурада маълум вақт тутиб турйлгач, ҳавода совитилади. Бунга нормаллаш дейилади. Шуни қайд этиш лозимки, нормалланган кам углеродли пўлатларнинг структураси феррит билан перлитдан иборат бўлиб, хоссалари эса юмшатилган пўлатларнидан бир оз фарқ қиласи. Шу сабабли, амалда вақтнинг тежалиши ҳисобига иш унумдорлигини ошириш учун бундай пўлатлар юмшатилмай нормалланади. Нормалланган ва юмшатилган ўртacha углеродли пўлатларнинг (С = 0,3 — 0,5%) хоссалари бир-биридан фарқ қилиши сабабли нормаллаш юмшатиш ўрнини боса олмайди.

**Тоблаш.** Кўп ҳолларда конструкцион пўлатлардан тайёрланган деталлар, масалан, шестернялар, валлар, углеродли асбобсозлик пўлатлардан тайёрланган кескичлар ва бошқалар уларнинг пухталигини, кескирлигини, ейилишга чидамлилигини ошириш мақсадида тобланади. Бунинг учун эвтектоидгача бўлган углеродли пўлатларни АС<sub>1</sub> критик температурадан, эвтектоид ва эвтектоиддан кейинги пўлатларни АС<sub>2</sub> критик температурадан 30—50°C юқорироқ температурагача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт сақлаб турйлгач, критик тезликда ёки ундан юқорироқ тезликда, масалан, совуқ сувда совитилади. Тез совитилишидан мақсад аустенитни тўлароқ мартенситга ўтказишdir. Кам углеродли пўлатларда углероднинг камлиги ва аустенитнинг мартенсит структурага ўтиш температурасининг юқорилиги сабабли тоблашда аустенитнинг феррит билан перлитга парчаланиши содир бўлади. Шу сабабли куттилган қаттиқликка эришилмайди. Шунинг учун бу хил пўлатлар амалда тобланмайди, фақат ўрта ва кўп углеродли пўлатларгина тобланади. Бунда буюм сиртқи қатламининг ўзак қисмига қараганда тезроқ совиши ички зўриқиши кучланишларини вужудга келтиради.

Шуни ҳам қайд этиш жонзки, агар буюм меъердаги температурадан ўта қиздириб тобланса, мартенсит доналар цементит тури билан

ўралади. Бу ҳолда унинг янада мўртлашиши сабабли кутилган натижага эришилмайди. Агар бунда ички зўриқиши кучланишлари металл пухталигидан катта бўлса, буюм дарз кетади. Шу сабабли пўлат буюмларни тоблаш режимини белгилашда уларнинг маркасига, шаклига, ўлчамларига, девор қалинлигига кўра совитиш муҳитига уларни тушириш каби масалаларга катта эътибор бериш лозим. Амалда тоблаш муҳити сифатида совуқ сув, туз эритмалари, ишқорлардан фойдаланилади. Совитиш суюқликлари тоблашда пўлат буюмни 500—600°C температура оралигига совитилишида аустенитнинг феррит ва цементит доналар аралашмасига парчаланишига йўл қўймай, уни мартенситга айланishi вақтида (200—300°C) секин совитиш лозим. Бундай режимда аустенит батамом мартенситга айланиб, ички зўриқиши кучланишларидан холироқ бўлади.

28-жадвалда амалда кўпроқ фойдаланиладиган совитгич муҳитлари ва уларнинг пўлат буюмларни зарур температура оралигидаги совитиш тезликлари келтирилган.

28- жадвал

Асосий совитгичлар тuri	Температуралар оралигидаги совитиш тезлиги, град/с	
	550—600°C	200—300°C
18—20°C даги сув	600	270
50°C даги сув	100	270
10% ли оши тузининг сувдаги эритмаси	1100	300
Минерал машина мойи	150	30
Трансформатор мойи	120	25

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, пўлатларни тоблашда фойдаланиладиган совитгичларнинг бирортаси ҳам юқорида қайд этилган талабларга тўла жавоб бермайди. Шу боисдан аниқ маркали пўлат буюмларни кўрсаткичларига кўра тоблашда талабга жавоб берадиган хилларига яқинроқларидан фойдаланилади.

Маълумки, пўлат буюмларни тоблашда ҳосил бўлувчи ички зўриқиши кучланишларининг улар хоссаларига салбий таъсири катта. Шу боисдан улар ҳосил бўлишининг асосий сабабларидан, жумладан, маълум температурагача қиздирилган буюмни совитишда материали, шакли, ўлчами, кесим юзалари бўйича температура тафовути, совитиш тезлиги ва фаза ўзгаришларини кўрсатиш мумкин. Агар ички зўриқиши кучланишларининг қиймати катта бўлса, буюмни тоб ташланиши, дарз кетиш ҳоллари учраши мумкин.

Тобланган пўлат буюмларни ички зўриқиши кучланишлардан ҳоли этиш билан структурасини яхшилаш натижасида қаттиқлигини пасай-

тириш, пластиклигини ва қовушоқлигини күтариш мақсадида улар бүшатилади. Тобланган пўлат буюмларни бўшатиш мақсадига кўра улар қуи, ўртача ва юқори температурали бўшатишга ажратилади.

**Кўйи температурали бўшатиш** — бу ишловда тобланган углеродли пўлат буюмлар 150—200°C температурагача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт тутиб турилгач, аста-секин совитилади. Бу хил бўшатишдан одатда, иш юзалари тобланган кескичлар, ўлчов асбобларини бўшатишда фойдаланилади. Бу хил бўшатишда улар ички зўриқиши кучланишлардан холи бўлиши натижасида бўшатилган мартенсит структурага эга бўлиши туфайли қаттиқлиги сақланади.


**Ўртача температурали бўшатиш** — бу ишловда тобланган пўлат буюмлар 350—500°C температурагача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт сақлаб турилгач, аста-секин совитилади. Бу хил бўшатишдан зарбга берилиб ишлайдиган рессорлар, пружиналар каби тобланган деталларни бўшатишда фойдаланилади. Бу хил бўшатиш натижасида улар ички зўриқиши кучланишлардан бирмунча холи бўлиши билан мартенсит структура майда феррит ва цементит фазалар (троостит) га парчаланади. Шу боисдан қаттиқлиги бир оз пасаяди.

**Юқори температурали бўшатиш** — бу ишловда тобланган пўлат буюмлар 550—600°C температурагача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт сақлаб турилгач, аста-секин совитилади. Бу хил бўшатишдан катта юкламаларда ишлайдиган тишли фидираклар, валлар каби тобланган деталларни бўшатишда фойдаланилади. Бу хил бўшатиш натижасида улар ички зўриқиши кучланишлардан деярли холи бўлиши билан мартенсит майда феррит ва цементит фазалар (сорбитлар) га парчаланади. Шу боисдан қаттиқлиги анча пасаяди.

64-расмда углеродли пўлатларнинг юмшатиш ва нормаллаш температураларини углерод миқдорига қараб белгилаш графиги келтирилган. 65-расмда углеродли пўлатларнинг тоблаш температурасини углерод миқдорига кўра белгилаш ва тоблангандан кейин қуи температурали бўшатиш режимлари графиги умумий ҳолда келтирилган. 29-жадвалда углеродли нормалланган пўлатларнинг механик хоссалари ҳамда ишлатилиш соҳалари келтирилган.

29- жадвал

Пўлатлар маркалари	Механик хоссалари				Ишлатилиш соҳалари
	s, МПа	d, %	f, %	НВ, кг/см <sup>2</sup>	
10	270	27	—	76—118	Стерженъ, труба, листлар тайёрлашда
20	348	24	—	—	—
25	2120	18	50	121—170	Чўкичлашда, стерженъ, трубалар тайёрлашда
35	510	15	45	143—187	Чўкичлашда, стерженлар тайёрлашда
45	588	13	40	170—229	Чўкичлашда, стерженъ, трубалар тайёрлашда
50	617	13	40	174—255	Чўкичлашда, стерженлар тайёрлашда



64-расм. Пулатларни юмшатыш әсебеттерінің температураларының углерод мөлдөріне қараб белгилаш графиги


30-жадвалда асбобсозлик пүлатларини юмшатыш, тоблашда бүшатыш режимлари ва қаттықликлари келтирилген.

30- жадвал

Пүлатлар маркасы	Юмшатышда		Тоблашда			Бүшатышда	
	қизл.т °C	қатт.НВ. к	қизл.т °C	сов.мұхити	қаттық HRC	қизл.т °C	қаттық HRC
У7, У7А	750—760	187	800—820	сув, мой	61—63	120—200	63—60
У8Г, У8ГА	750—760	187	780—800	сув, мой	62—64	160—200	64—66
У9, У9А	750—760	187	760—780	сув, мой	62—65	160—200	64—62
У10	760—780	197	760—780	сув, мой	62—65	160—200	64—62
У12	760—780	207	760—780	сув, мой	62—66	160—200	65—62

#### 4-§. Углеродлы пүлатларни қиздиришда структура үзгариши

Агар уй температурасидаги эвтектоид ( $c = 0,8\%$ ) пүлат аста-секин қиздириб борилса (66-расм), перлит таркибидаги феррит Ас<sub>1</sub> критик температура ( $727^{\circ}\text{C}$ ) дан бир оз пастроқ температурада аустениитта айланы бориб, үзіда цементит доналарини эритиб, критик температурада



65-расм. Пүлатларни тоблаш ва бўшатиш температурасини углерод микдорига қўра белгилаш графиги.


аустенитга батамом ўтади. Эвтектоидгача ( $c < 0.8\%$ ) бўлган пўлатлар  $Ac_1$  критик температурагача аста-секин қиздириб борилса, фақат структура перлити критик температурада аустенитга айланади. Температуранинг  $Ac_1$  критик температурадан юқорига кўтарилишида феррит доналари аустенитда эрий бошлаб, температураси  $Ac_3$  чизигига етганда гина батамом эрийди.

Агар эвтектоиддан кейинги ( $c > 0.8\%$ ) пўлатлар аста-секин  $Ac_1$  критик температурагача қиздирилса, фақат структура перлити аустенитга айланади. Демак,  $Ac_1 - Ac_3$  критик температуralар оралиғида пўлатнинг структураси аустенит ва иккиласи чиментит доналаридан иборат бўлади. Бундай пўлат температурасининг янада кўтарилишида иккиласи чиментит доналари аустенитда эрий бошлаб, температура  $Ac_3$  чизиққа етганда батамом эрийди.

Шуни қайд этиш жоизки, аустенит доналарининг ўсиш тезлиги қотишманинг таркибига, температурасига, тутиш вақтига ва доналар ўлчамига боғлиқ бўлади.

Одатдаги шароитда пўлатларни термик ишлашда бирмунча тезроқ қиздирилиши сабабли аустенитнинг ҳосил бўлиши бир оз кечикади. Чунки пўлатлар структурасининг ўзгариш тезлиги уларнинг қизиш тезлигидан кичикроқ. Демак, пўлатларни термик ишлашда узлуксиз қиздиришида перлитнинг аустенитга айланishi ўзгармас температурада эмас, балки маълум температуralар оралиғида боради.

66-расмда эвтектоид пўлатни маълум температурагача қиздирилганда перлит доналарининг аустенит доналарига айланаш бошлаш ва



66-расм. Эвтектоид пўлатни қиздиришда перлит доналарининг аустенит доналарига айланаш ва тугаш температуralари


тугаш температуralарини кўрсатувчи эгри чизиқлар графиги келтирилган. Графикдан кўринадики, пўлатлар структураси ўзгаришининг бошланиши ва тугашини кўрсатувчи эгри чизиқлар чексизликда А, горизонталга қўшилади. Бу пўлатни жуда секин қиздиришда мазкур эгри чизиқлар Ас, чизигининг бир нуқтасида кесишади. Реал шароитда перлит структурали пўлатни қиздиришда унинг аустенитга айланishi Ас<sub>1</sub> чизиқдан (727°C) бир оз юқорироқ температурада боради.

Графикдан кўринадики, қиздириш тезлиги қанча катта бўлса, перлитни аустенитга ўтиш вақти шунча кичик бўлади ва аксинча, пўлат буюмларининг бутун ҳажми аустенитга ўтиб, бир жинсли бўлиши учун уларни шу температурада маълум вақт тутиб туриш зарур.

### 5-§. Пўлатларни қиздиришда аустенит доналарининг ўсиши

Эвтектоид пўлатларни Ас<sub>1</sub> критик температурадан юқорироқ температурада қиздирилганда перлит доналари аустенит доналарига айланади. Бунда феррит доналарини цементит доналари чегарасида аустенитнинг кристалланиш марказлари ҳосил бўлиб, улардан аустенит кристалллар ўса боради. Температуранинг янада юқорироқ даражага кўтарилишида доналар йириклишади. Аустенит доналарининг ўсиш тезлиги углерод миқдорига, диффузия тезлигига ва FeO дан темирнинг қайтарилганлик даражаси, яъни табиий йирик ёки майдо дошлигига ҳам боғлиқ бўлади. Қайтарилмаган (қайнамайдиган) (67-расм, «а» чизиқ) ва тўла қайтарилган (қайнамайдиган) (67-расм, «б» чизиқ) пўлатларни қиздиришда аустенит доналар ўлчамини қиздириш температурасига қараб ўзгариши ҳам келтирилган. Бу графикдан кўринадики, қайтарилмаган ва тўла қайтарилган пўлатларни Ас<sub>1</sub> критик температурадан юқорироқ температурада доналар ўлчамлари температура

**67-расм. Қайтарилимаган (а) ва қайтарилиган (б) эвтектоид пүлатларни қиздиришида аустенит доналари улчамининг температурага қараб ўзгариши графиги**




даражасига кура, турлича тезликда ўсади. Тула қайтарилиган пүлатларни қиздиришида маълум температурагача аустенитда эримай қолган алюминий оксид ( $Al_2O_3$ ), сульфид ( $FeS$ ), нитрид ( $AlN$ ) ва бошқалар доналар чегарасида субмикроскопик заррачалар тарзида ажралиб, аустенит доналарининг ўсишига қаршилик кўрсатади. Шу боисдан ҳам бу хил пўлатларни 900—950°C температурагача қиздирилганда ҳам доналари йириклишмайди. Лекин бу пўлатлар 900—950°C температурадан юқориropic температурада қиздирилганда аустенит доналари ўсишига қаршилик кўрсатаётган бирикмаларни аустенитда эриши туфайли доналарнинг ўсиш тезлиги кескин ортади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, пўлат таркибидағи легирловчи элементларнинг кўпчилиги, масалан Ni, Ti, Mo, W аустенитда эриб қаттиқ эритмалар ҳосил қилиб, доналарининг ўсиш тезлигига қаршилик кўрсатса, Ni, Si ва карбидлар ҳосил этмайдиган элементлар аксинча кўмаклашади.

68-расмда перлит структуралари пўлатларни турли температурада қиздириб аста-секин совитишида доналар ўлчамларининг ўзгариши схематик тарзда келтирилган. Шуни эслаш лозимки, агар аустенит доналари йирик бўлса, термик ишловдан олинган структура доналари ҳам йирик, майда бўлса, майда бўлади. Майумки, йирик донали пўлатлар қаттиқ бўлиб, пластиклиги паст бўлади.

Пўлат доналари ўлчамини аниқлашда улардан намуналар олиб, 930°C температурагача қиздириб, аста-секин совитилгандан сўнг тайёрланган шиф-лар структураси микроскопда кузатилади. Бунда дона ўлчами саккиз баллни стандарт доналар улчамига таққосланади. Агар намуна доналари 4 номерли баллга яқин бўлса — йирик, 5—8 номерли баллга тугри келса — майда донали бўлади. Балл номери (N) билан, бир  $mm^2$  юзадаги доналар сони (n) орасидаги боялашини куйндагича ифодалаш мумкин:  $n = 8 \cdot 2 \cdot N$ .



**68-расм. Перлит структуралари пўлатларни турли температураларда қиздириб аста совитишида доналар ўлчамининг ўзгариши схемаси**

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, легирловчи элементларнинг аустенитда эриши углеродга кўра анча секин ва қаттиқ эритмалар ҳосил этиши сабабли улар карбидларини аустенитда эриб бир жинсли аустенит доналари ҳосил бўлиши учун уларнинг углеродли пўлатларга нисбатан юқорироқ температурада қиздириш ва шу температурада кўпроқ вақт тутиб туриш лозим.

Пўлатларга термик ишлов беришда қиздириш температураси меъёридан ошириб юборилса, доналари йириклишиб, мўртлашади. Агар температура ҳаддан ташқари кўтаришса (солидус чизигига яқин бўлса), доналар чегарасига кислород ўтиши унинг куйишига олиб келади. Масалан, эвтектоидгача бўлган пўлатлар ўта қиздирилса ( $Ac_1$ , критик температурасидан бирмунча юқори температурада), доналар йириклишади. Бу пўлатни совитишда эса чўзилган пластинка бир-бирига турли бурчак бўйича жойлашган игна тарзидаги феррит доналари ажralади. Бундай структурага Видманштет структураси дейилади. Бундай нуқсонли структурани мсъериалги температурада қайта қиздириб ишлаш билан тузатиш мумкин. Лекин куйган нуқсонни тузатиб бўлмайди. Бундай буюм қайта эритишга юборилади. Юқорида қайд этилган масалаларни бакалаврлар билиши шарт, чунки термик ишлаш натижалари бу масалаларнинг қанчалик тўғри ҳал этилишига боғлиқ.

#### 6-§. Аустенит структурали углеродли пўлатларни турли тезликларда совитишда структура ўзгариши

Маълумки, эвтектоид пўлатни аустенит ҳолатигача қиздириб, шу температурада маълум вақт сақлаб, уй температурасигача аста-секин совитилганда ўтувчи структура ўзгаришлари  $Fe - Fe_3C$  ҳолат диаграммасида кўрилгандек содир бўлади, яъни бунда температураси  $Ac_1$ , критик температурага келганда аустенит доналари феррит ва цементит доналарига парчаланади:  $(Fe_y(C) \rightarrow Fe_x(C) + Fe_3C)$ . Бу фазалар уй темперагурасигача сақланади. Бунда аввало  $Fe_y$  нинг фазовий кристаллик панжараси  $Fe_y$  панжарага ўтади, кейин эса аустенитдан углерод ажраби темир билан бирикиб цементит ҳосил бўлади.

Лекин аустенит структурали пўлат каттароқ тезликда совитилса, юқорида кўрилган структура ўзгаришлари содир бўлмайди. Бу жараённи кузатиш мақсадида эвтектоид таркибли пўлатдан намуналар тайёрлаб, уларни аустенит ҳолатигача (масалан,  $780^{\circ}C$ ) қиздириб, батамом аустенитга айлангунча шу температурада сақланади. Кейин улар  $650^{\circ}C$ ,  $500^{\circ}C$ ,  $400^{\circ}C$  ва  $250^{\circ}C$  температурали мұхитда тўла совитилади. Бунда аустенитнинг вақт бирлигига парчалана бошлишини  $H_1$ ,  $H_2$ ,  $H_3$  ва  $H_4$  ҳарфлар билан, парчаланишининг тугашини эса  $K_1$ ,  $K_2$ ,  $K_3$  ва  $K_4$  ҳарфлар билан белгиласак, аустенитнинг вақт бирлигига парчаланишини ордината ўқига фойизда, вақтни эса абсцисса ўқига белгиласак, аустенитнинг вақт бирлигига парчаланиши даражаси кузатилади (69-расм, а).

Бу олинган материаллар асосида пўлатни турли температурали мұхитларда совитишида структура ўзгаришларини кузатиб, ҳолат диаграммасини тузиш мүмкін.

Бунинг учун координата тизимининг ордината үқига аустенит структуралы намуналарнинг совитилиш температура қыйматларини, абсисса үқига намуналарни айни температурали мұхитларда тутиб туриш вақтини логарифмик масштабда қўйиб, уларни турли температурали мұхитларда совитишида аустенитнинг парчалана бошлаш ва тугаш вақтларини ўтказиб, уларни ўзаро туташтирусак, аустенитнинг ўзгармас температурали мұхитда парчаланиш ҳолат диаграммаси тузилади (69-расм, б). Диаграммадан кўринадики, аустенит структуралы эвтектоид пўлат намунани 700–600°C температурали мұхитта ўтказиб, у ерда тўла совитилганда перлит структура ҳосил бўлади.



69-расм. Аустенит структуралы пўлатнинг ўзгармас температурали мұхитда парчаланиш диаграммаси

Агар аустенит структурали намунани 600—500°C ли ўзгармас температурали мұхитта ўтказиб, у ерда тұла совитилса, перлит доналари янада майдароқ ферриттинг цементитти доналаридан ташкил топған сорбит структура олинади. Агар аустенит структурали намунани 400—500°C температурали ўзгармас мұхитта ўтказиб, у ерда тұла совитилса, феррит ва цементит доналарнинг янада майда структураси олинади. Бу структуралар тросит дейилади. Агар аустенит структуралари намунани 240—400°C температурали ўзгармас мұхитта ўтказиб, тұла совитилса феррит ва цементиттинг ниҳоятда майда доналари, яъни игнисимон тросит ёки бейнит деб аталувчи структура ҳосил бўлади.

Юқоридагилардан кўринадики, аустенит структурали пўлатларнинг ўта совитиш даражаси ортган сайин ҳосил бўлаётган феррит ва цементит доналарининг майдалиги ҳам ортади.

Агар аустенит структурали пўлат намунани катта тезликда (масалан, союқ сувда) ўта совитилса, аустенитдан углерод темир карбида ( $Fe_3C$ ) тарзида ажралишта улгутра олмай, қаттиқ эритмада қолади. Бунда ёқлари марказлашган куб кристалл панжарали — у темир ҳажмий марказлашган куб кристалл панжарали —  $\alpha$  темирга ўтади. Натижада  $\alpha$  темирнинг углеродли қаттиқ эритмаси ( $Fe_{\alpha}(C)$ ) ҳосил бўлади. Бу структура мартенсит деб аталади.

Пўлатларни аустенит ҳолатидан ўта совитишда унинг мартенситга айланишини таъминловчи минимал совитиш тезлиги критик тезлик ( $v_c$ ) дейилади. Шуни ҳам айтиш керакки, аустениттинг мартенситта ўта бошланиш ( $M_a$ ) ва тугаш ( $M_s$ ) температуралари вазияти пўлатнинг кимёвий таркибига боғлиқ. Масалан, аустенит таркибida углерод ва легирловчи элементлар (Со ва Al дан ташқари) миқдори ортган сари  $M_a$  ва  $M_s$  температуралари пасаяди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, аустенит структурали пўлатларни  $M_a$  ва  $M_s$  температура оралиқларида совитишда аустенит тұла мартенситга ўтишга улгурмай, қисман аустенит қолдиқ тарзида қолади. Бу эса тобланған пўлатнинг пухталигига путур етказади.

Юқоридагилардан кўринадики, углеродли пўлат буюмларга термик ишлов беріб, зарур структуралы (хоссали) пўлат олиш учун аустенит ҳолатидаги пўлатларни совитиш тезлигини түғри белгилаш керак. Масалан, пўлатларни ҳавода (секундига 50—70°C тезликда) совитилса — сорбит, мойда (секундига 80—100°C тезликда) совитилса — троостит ва союқ сувда (секундига 150—180°C тезликда) совитилса — мартенсит структуралар ҳосил бўлади.

## 7-§. Пўлат буюмларни термик ишлашда қиздириш вақтини аниқлаш

Агар термик ишлашда қиздиришнинг умумий вақтини  $T$ , ҳарфи билан, буюмни зарур температурагача қиздиришга сарфланған вақти-

ни  $T_k$  билан ва уни шу температурада тутиб туриш вақтини  $T_y$  билан белгиласак,  $T_y$  вақт  $T_k$  ва  $T_y$  вақтларнинг йифиндисига тенг бўлади:

$$T_y = T_k + T_{t, \text{ мин}}$$

Бунда буюмни зарур температурагача қиздириш вақти ( $T_k$ ) эса печь температурасига, буюм материалига, шаклига, ўлчамларига ва уларни печга жойлаш характеристига боғлиқ бўлади. Умумий ҳолда уни қуйидаги империк формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$T_y = 0,1K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot D$$

бу ерда  $K_1$  — печь мұхит коэффициенти (газ учун 2, туз эритмаси учун 1, металл эритмалари учун 0,58);  $K_2$  — буюм шаклининг коэффициенти (цилиндр учун 2, шар учун 1);  $K_3$  — қиздириш коэффициенти (бир томонлама қиздириш учун 4, ҳар томонлама қиздириш учун 1),  $D$  — буюмнинг ўлчами (максимал кўндаланг кесимнинг минимал ўлчами),  $\text{мм}^2$ .

Буюмни зарур температурада тутиб туриш вақти ( $T_y$ ) ни эса углеродли пўлатлар учун буюм кўндаланг кесимнинг ҳар бир миллиметрига 1,0—1,5 минут, легирланган пўлатлар учун тахминан 2—2,5 минут олинади.

Албатта, конкрет буюмлар учун аниқланган  $T_y$  вақти тажриба асосида кузатилиб, аниқликлар ҳам киритилади.


## 8-§. Пўлатларни термик ишлашда ҳосил бўладиган асосий структуралар ва уларнинг хоссалари

Кузатишлар шуни кўрсатади, аустенит структуралари пўлат буюм совитиш даражасига қараб перлит, сорбит, троостит, игнасимон троосит ва мартенсит структураларга ўтади. Қуйида бу структуралар ҳақида маълумотлар келтирилган:

**Сорбит.** Бу структура перлит структураси сингари ферритнинг цементитли механик аралашмаси бўлиб, доналари фақат майдароқ бўлади. Бу структуралари пўлатларнинг Бринелл бўйича қаттиқлиги  $NB = 2700—3200 \text{ МПа}$  оралиғида бўлади.

**Троостит.** Бу структура ҳам худди сорбит структура сингари ферритнинг цементитли механик аралашмаси бўлиб, доналари сорбитга нисбатан янада майдароқ бўлади. Бу структуралари пўлатларнинг Бринелл бўйича қаттиқлиги  $NB = 3800—4200 \text{ МПа}$  оралиғида бўлади.

**Мартенсит.** Бу структура углероднинг альфа темирдаги қаттиқ эритмаси  $Fe_3(C)$  дир. Бу структуралари пўлатларнинг Бринелл бўйича қаттиқлиги  $NB = 6000—6500 \text{ МПа}$  оралиғида бўлади (70-расм).



**70-расм.** Аустенит, перлит, сорбит, троостит ва мартенсит структурали пулатларнинг микроструктураси

#### **9-§. Тобланган пўлат буюмлардаги қолдиқ аустенитин мартенситга ўтказиш**

Кўл углеродли, легирланган пулат буюмлар тобланганда 3—15% ва баъзи ҳолларда ундан ҳам кўпроқ қолдиқ аустенит бўлади. Шу сабабли уни мартенситга ўтказиш учун пўлатларнинг хили ва маркасига қараб тоблангандан сўнг қуруқ муз билан спирт аралашмаси мухитида ( $-78,5^{\circ}\text{C}$ ), суюқ кислородда ( $-183^{\circ}\text{C}$ ), суюқ азотда ( $-196^{\circ}\text{C}$ ) маълум вақт тутиб турилади.

#### *16-боб*

### **ПУЛАТЛАРНИ ТОБЛАШ УСУЛЛАРИ, ТОБЛАНГАН ҚАТЛАМ ҚАЛИНЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРДА УЧРАЙДИГАН НУҚСОНЛАР**

#### **1-§. Пулатларни тоблаш усуллари**

Юқоридаги параграфларда пўлатларни термик ишлаш билан боғлиқ бўлган назарий масалалар билан танишдик. Энди пўлат буюмларни тоблашда амалда кенг қўлланиладиган усуллар билан танишамиз.

**Бир совитгичда тоблаш.** Бу усул оддий шаклли углеродли (легирланган) пўлат буюмларни тоблашда қўлланилади. Бунинг учун пўлат буюмни тоблаш температурасигача қиздириб, бу температурада маълум вақт тутиб турилгач, совуқ сувда (мойда) совитилади. Бунда буюм материалига, ўлчамига ва деворлар қалинлигига қаралади. Чунки бу усулда ички зўриқишиш кучланишлари бирмунча каттароқ бўлади.

**Икки совитгичда тоблаш.** Бу усулдан кўп углеродли (легирланган) пўлатлардан тайёрланган кескичлар (парма, метчик ва бошқалар) ни тоблашда фойдаланилади. Бунинг учун буюм тоблаш температурасигача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт сақлаб турилгач, аввал сувда аустенитнинг мартенситга ўта бошлаш температурасигача совитилиб, кейин мойда ёки ҳавода совитилади. Бу ишловда аустенитни мартенситга айланиш жараёни секинроқ борганилиги учун ички зўриқишиш кучлари бирмунча камроқ бўлади. Шуни ҳам айтиш жоизки, парма, развертка каби узунчоқ асбобларни совитиш муҳитига тик тушириб, унинг атрофидаги буғ ёки мой пардалар сиртига қопланиб олмаслиги учун уларни айлантириб туриш лозим.

**Изотермик тоблаш.** Бу усулдан углеродли ва легирланган пўлатлардан тайёрланган пружина, рессор, болт каби деталларни тоблашида фойдаланилади. Бунинг учун заготовка тоблаш температурасигача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт сақлаб турилгач, ўзгармас температурали муҳитга, масалан,  $250^{\circ}\text{C}$ — $300^{\circ}\text{C}$  ли туз эритмаси солинган ваннага ўтказилиб, пўлат таркибидаги аустенит феррит билан цементит аралашмасига парчалангунча сақланади, сўнгра ҳавода совитилади. Натижада ички зўриқишиш кучланишидан холироқ бўлган игназимон троостит структура ҳосил бўлади.

**Тоблаб бўшатиш.** Бу усулда сирт юзалари қаттиқ, ўзак қисми эса қовушоқ бўлиши зарур бўлган детал (тишли фидирак, вал заготовка) лар тоблаш температурасигача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт сақлаб турилгач, тобловчи муҳитли ваннага ўтказилади ва чала совитилгач, ҳавода тўла совитилади. Бунда чала совиган буюм ўзак қисмининг иссиқлиги ҳисобига сирт қатлами бўшатиш температурасигача қизиб тоблаш билан юқори температурада бўшатиш буюмнинг хоссаларини яхшилайди.

## 2-§. Пўлат буюмларнинг сирт юзаларинигина тоблаш


Катта юклама таъсирида ишлайдиган деталлар, жумладан, тирсакли вал бўйинлари, тишли фидираклар тиши юзалари иш жараёнида динамик ва циклик нагрузкалар таъсирига берилишда кам ейиладиган қилиш учун уларнинг сирт юзаларинигина тоблаб бўшатилади. Бунинг учун уларнинг сирт юза қатлами тоблаш температурасигача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт тутиб турилгач, сувда ёки мойда совитилади. Натижада сирт қатлами тобланниб ўзаги тобланмай

қовушоқлигича қолади. Буюмларни тоблаш температурасигача қиздириш учун кўлинча юқори частотали токдан, баъзан газ алангасидан, электр контактли қиздириш қурилмаларидан ҳам фойдаланилади. Юқори частотали токдан фойдаланиши усули бошқа усуллардан иш унумининг юқорилиги ва автоматлаштиришга осон берилиши билан фарқ қиласи. Бу усул В.Д. Вологдин томонидан тавсия этилган бўлиб, саноатда 1935 йилдан бошлаб қўлланила бошланди. Бунинг учун буюм қурилманинг индуктор деб аталувчи ҳалқасимон мис ўрамли трубка 4 га киритилиб, унга юқори частотали ўзгарувчан ток юборилади. Бунда буюм атрофида ўзгарувчан магнит майдон ҳосил бўлиб, унинг таъсирида буюмда юқори частотали уортма ток (фуко токи) ҳосил бўлиб, ажralаётган иссиқлик ( $Q = 0,24J^2Rt$ ) ҳисобига қисқа вақт ичда сирт қатлами зарур температурагача қизийди, чунки ажраётган иссиқликнинг 90% и буюм сиртқи қатламига тўғри келади.

Кейин эса буюмга индуктор тешиклари орқали сув пуркаб тобланади (71-расм). Бу усулда температуранинг осон ростланиши, буюмнинг қисқа вақт ичда қуйиндисиз, зарур температурагача қизиши, жараённинг автоматик тарзда бошқарилиши бу усулнинг афзаллиги бўлса, қурилма нархининг қимматлиги, буюм шаклига мос индуктор талаб этилиши эса бу усулнинг камчилигидир. Одатда, пўлат буюмларнинг сиртқи қатламларини 1–2 мм қалинликда тоблашда частотаси 15000–16000 Гц бўлган лампали генераторлардан, қалинлиги 3–10 мм гача бўлган буюмларни тоблашда эса частотаси 500–700 Гц бўлган машина генераторлардан фойдаланилади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, тоблаш чуқурлиги ( $h$ ), ток частотаси, буюмнинг солишимда электр қаршилиги ва магнит ўтувчанлигига боғлиқ ва у қуйидагича ифодаланади:

$$h = 5000 \sqrt{\frac{\rho}{\mu \cdot f}}, \text{мм.}$$

Бу ерда  $\rho$  — буюмнинг солишимда электр қаршилиги,  $\text{Ом} \cdot \text{мм}^2/\text{м}$ ,  $\mu$  — магнит ўтувчанлиги  $\text{fc}/\mathcal{E}$ , Г — ток частотаси, Гц.



71-расм

### 3-§. Пұлат буюмларнинг тобланған қатлами қалинлигини аниқлаш

Маълумки, пўлатларни тоблашда улар маълум температурагача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт сақлаб турилгач, критик ёки ундан ҳам каттароқ тезликда совитилади. Агар бунда буюмнинг ички қатламлари критик тезликдан пастроқ тезликда совиса, бу қатламлар тобланмай троостит ёки сорбит структура ҳосил бўлади. Одатда, тобланған қатлам қалинлигини аниқлаш учун унинг сиртидан ўзак қисмига қараб ярим мартенситли структурагача бўлган қатлам олинади, шу қатлам қалинлиги тобланған қалинлик ҳисобланади.

### 4-§. Пўлат буюмларга термоциклик ишлов бериш


Кейинги йилларда темир қотишмалардан тайёрланған буюмларни термик ишлашда уларга зарурий пухталик, қовушоқлик ва пластиклик беришда термоциклик ишлов (Т.Ц.И.) усулидан кенг фойдаланилмоқда. Бу ишлов уларни механик, термофизик ва термоэлектрик хоссаларини ростлашга имкон бериш билан анъанавий термик ишлов усуllibаридан анча арzonдир.

Маълумки, пўлат буюмларни юмшатиш ва тоблаш учун уларни АС<sub>3</sub> киртик температурадан бир оз юқоригоқ температурагача қиздириб, шу температурада бирмунча вақт тутиб турғандан кейин зарур циклик тезликларда совитилади (72-расм).

Т.Ц.И. да эса пўлат буюмни Ас<sub>3</sub> киртик температурадан 30—50°C юқоригоқ температурагача қиздириб 80—100°C пастроқ (Аг, температурагача) совитиб, яна қиздириб совитиш циклини 3—7 марта такрорланғанидан кейин зарурий тезликда совитилади. Бу ишлов натижасида зарур хоссали майдада донали структурага эришилади. Шуни қайд этиш лозимки, буюм пухталигининг ортиши пластиклиги ва қовушоқлигининг камайиши ҳисобига ёки аксинча боради.

Бу ишловда структура ўзгариш механизми қотишмани қўп марта-лаб қизлириб, совитилишида перлитни диффузион, мартенситни нодиффузион ўзгаришлари ( $\alpha \rightarrow \gamma \rightarrow \alpha \rightarrow \gamma \dots \alpha$ ) билан боғлиқ.

31-жадвалда баъзи маркали пўлатларни ва ВЧ 45—6 маркали чўянни нормалланған, юмшатилган ва термоциклик ишланғандан кейинги механик хоссалари келтирилган.



72-расм. Пўлатга термоциклик ишлов бериш режими


Материал	Термик ишлов хили	$s_u$ , МПа	$s_r$ , МПа	$\delta$ , %	j, %	КИС, кж/м <sup>2</sup>
Пўлат 20	Нормал. Т.Ц.И.	430 463	240 275	32,2 42,5	66,5 75,6	1650 2500
Пўлат 60	Нормал. Т.Ц.И.	661 584	375 384	21,7 27,2	47,3 60,1	620 1320
Пўлат 10	Юмшатил. Т.Ц.И.	704 686	464 443	10,2 16,3	16,6 25,0	60 300
Чўин ВЧ45	Юмшатил. Т.Ц.И.	552 668	435 548	6,0 10,0	5,4 8,4	400 1600

Бу усулда чўянлар, рангли металлар ва уларнинг қотишмаларини термик ишлаш ҳам катта амалий аҳамияттага эга.

### 5-§. Пўлат буюмларга термомеханик ишлов бериш

Пўлат буюмларнинг мустаҳкамлигини ва толиқишига чидамлилигини ошириш мақсадида уларга термомеханик ишлов берилади. Пўлат буюмларга термомеханик ишлов беришнинг қандай температурада олиб борилишига қараб бу усулни юқори ва қуйи температурали ишловларга ажратилади.

Юқори температурали термомеханик (ю.т.т.м.) ишловларда пўлат буюм аустенит ҳолатигача ( $A_{\text{c}1}$ , критик температурадан бир оз юқори роқ температура) қиздирилиб, шу температурада пластик деформация-



73-расм. Пўлатга термомеханик ишлов бериш режими:  
а — юқори температурада термомеханик ишлов бериш; б — паст температурада термомеханик ишлов бериш

ланади. Бунда аустенит доналари майдаланиб, физик пухталангандан кейин тоблаб бўшатилади.

Куйи температурали термомеханик (қ.т.т.м.) ишловда эса буюм аустенит ҳолатигача қиздирилиб, шу температурада бир оз сақланганч уни 400—600°C температурагача тез совитилиб, шу температурада пластик деформацияланиб, тоблаб, бўшатилади. 32-жадвалда пўлат буюмларни термик ва термомеханик ишловлардан сўнг механик хоссаларининг ўртача ўзариши келтирилган.

### 32-жадвал


Ишлов тури	$s_y$ , МПа	$s_u$ , МПа	$\delta$ , %	$\zeta$ , %
Т.И.	1400	1100	2	3
Ю.Т.Т.М	2100—2700	1900—2200	7—9	25—40
К.Т.Т.М.	2400—2900	2000—2400	5—8	15—30

### 6-§. Пўлат буюмларга термик ишлов беришда учрайдиган нуқсоплар

Маълумки, пўлат буюмларга термик ишлов беришда мақсадга кўра, унинг хилига, маркасига, шаклига ва ўлчамларига қараб ишлов режими белгиланади ва у технологик картада қайд этилади. Бу режимга қатъий риоя этиш лозим, акс ҳолда сирт юзалирининг оксидланиши, углеродсизланиши, доналарининг йириклиши, тобланиши, баъзан дарз кетиш ҳоллари юз бериши мумкин. Масалан, алангали печларда буюмларга термик ишлов беришда печь бўшлиғидаги ҳаво кислороди ҳисобига сирт юзасининг оксидланиши содир бўлади. Тобланган буюмлардаги ички зўриқиши кучланишининг катта бўлиши деформацияланишга (баъзан эса дарз кетишга) олиб келади. Шу боисдан уларни камайтириш мақсадида термик ишловларда технологик картада кўрсатилган шарт ва режимларга алоҳида эътибор бериш лозим.


### 7-§. Легирланган пўлатларни термик ишлашнинг хусусиятлари

Маълумки, легирланган пўлатлар углеродли пўлатларга қараганда иссиқликни ёмон ўтказади, кўпчилик легирловчи элементлар ( $\text{Cu}$ ,  $\text{V}$ ,  $\text{W}$ ,  $\text{Mo}$ ,  $\text{Ti}$  ...)  $\text{Fe}-\text{Fe}_3\text{C}$  ҳолат диаграммасидаги  $\text{Ac}_1$  ва  $\text{Ac}_3$  критик температураларини бирмунча кўтарса, баъзилари, масалан  $\text{Mn}$ ,  $\text{Ni}$  пасайтиради. Булардан ташқари шуни эътиборга олиш лозимки, аустенит доналари қиздиришда ўсишга мойил,  $\text{Mn}$  дан ташқари барча легирловчи элементлар, айниқса, карбидлар ҳосил этувчиликар карбидлари аустенит доналар чегарасида жойланиб уларнинг ўсишига деярли қар-



74-расм. Турли фоизда легирловчи элементлари булган пўлатларни S-симон этриси

раммадаги структура ўзгаришларини кўрсатадиган эгри чизиклар бирмунча ўнга сурлади (74-расм). Натижада пўлатларни мойда, ҳавода тоблаб мартенсит структура олинади ва тоблаш қалинлиги ортади (75-расм).




75-расм. Пўлатлардаги легирловчи элементлар фоизига кўра тоблапиш қалинлиги:

- 1 — углеродистый лист;
- 2 — хромированный лист;
- 3 — никелированный лист;
- 4 — хромомарганцовистый кремниевый лист

Мисол сифатида Р18 маркали тезкесар пулатдан тайёрланган кескични кесувчап ва кам ейиладиган қилиш мақсадида тоблаб бўшатишни қайдай режимларда олиб бориш зарурлиги келтирилган. (76-расм). Расмдаги графикдан кўринади, кескичини аввалига 500—600°C гача секинроқ тезликда қиздириб, шу температурада бир оз саклагач, янада секинроқ тезликда 800—850°C температурагача қиздирилади. Шу температурада маълум вақт тутиб турилгандан сўнг 1280°C температурагача тезроқ қиздириб, шу температурада бир оз тутиб турилгач, мойда ёки ҳавода совитиб тобланади. Кейин уни 560°C температурада 2—3 марта бўшатилади. Бунда мартенситда W, V ва бошқа карбидлар ажралиб, аустенитни мартенситга ўтиши туфайли кескичининг қаттиқлиги ортиб, ички кучлардан холи бўлади. Шуни қайд этиш жоизки, бу термик ишлаш технологиясида кескичини 500—600°C ва 830°C течипертураларгача секин қиздиришда структура ўзгаришлари натижасида ҳосил бўлувчи ички кучланишлар кичик бўлади. Бу температурадан 1280°C температурагача тез қиздириб, бир оз вақт тутиб туришда эса аустенитда цементит эрийди.

шилик кўрсатади. Шу боисдан таркибида Mn, Ni ни пўлатлардан бошқа барча легирланган пулат буюмларни термик ишлашда углеродли пўлатларга нисбатан юқори-роқ температурада қиздириб, айни температурада кўпроқ тутиб туриш лозим.

Аниқланганки, Со дан ташқари барча легирловчи элементлар тоблаш критик температурасини пасайтиради. Бунда изотермик диаг-



76-расм. Р-18 маркали тезкесар пўлат кескични тоблаб бўшатиш режими

## 17-боб

### ПЎЛАТ БУЮМЛАРНИ КИМЁВИЙ-ТЕРМИК ИШЛАШ УСУЛЛАРИ

#### 1-§. Умумий маълумот

Кўпгина деталлар (тишли фидираклар, поршен бармоқлари, червяклар, подшипник роликлари ва турли хил ўлчов асбоблари ва бошқалар) сирт юзасининг қаттиқлигини ошириш, коррозиябардош ва ейилишга чидамли қилиш мақсадида кимёвий-термик ишловлар берилади. Бунинг учун пўлат буюмларга маълум температурадаги кимёвий актив муҳитларда ишлов берилади.

Бунда муҳит молекулалари диссоцияланиб ажралаётган атомлар (масалан, C, N, Al, Cr, Si ва бошқалар) буюм сиртига диффузияланиб, қаттиқ эритма ёки кимёвий бирикмалар ҳосил қилиб, қаттиқликни оширади. Бу усулда буюмларнинг сирт юза қатлами таркибининг ўзгариши муҳит турига қараб, масалан, цементитлаш, азотлаш, хромлаш, алитирлаш деб юритилади. Кўйида саноатда кўпроқ тарқалган кимёвий термик ишлов усуллари ҳақида маълумотлар баён этилган.

#### 2-§. Пўлат буюмларнинг сиртқи қатламини углеродга тўйинтириш (цементитлаш)



Кам углеродли ва кам легирланган пўлатлардан тайёрланган буюмларнинг сирт юзаларини кимёвий автиқ муҳитларда атомар углерод билан тўйинтириш жараёнига цементитлаш деб айтилади.

Юқоридаги маълумотдан маълумки, кам углеродли (одатда  $C \leq 0,25\%$ ) ва кам легирланган пўлатлар (масалан, 20Х, 18Х11) дан тайёрланадиган буюмнинг сирт қатламини одатда, 1—1,2% гача углеродга тўйинтириб, кейин тоблаб бўшатиш билан уларнинг қаттиқлигини ошириб, ўзак қисмининг пластиклигини сақлаш билан кам сийладиган қилинади. Маълумки, кўп ҳолларда буюмларнинг айрим жойларигина цементитланади. Бундай ҳолларда цементитланмайдиган жойларига электроли-

тик усулда 0,03—0,04 мм қалинликда мис ёки маңсус қоплама қоплади. Баъзан бу жойларга қўйим қолдирилиб, кейин йўниб ташланади. Пулат буюмларнинг сирт қатламини углеродга тўйинтириш углеродга бой қаттиқ, газ ва суюқ муҳитларда олиб борилади.


а) Пўлат буюмларнинг сирт юзини углеродга бой қаттиқ моддалар муҳитида цементитлаш

Углеродга бой муҳит сифатида кўпинча 75—80% писта кўмир, қолгани карбонат тузлари ( $\text{BaCO}_3$ ,  $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ,  $\text{K}_2\text{CO}_3$ ) дан иборат бўлган (карбюризатор деб аталувчи) аралашмадан фойдаланилади. Буюмларни цементитлаш учун оташбардош металлдан тайёрланган қутига аввалига оз миқдорда карбюризатор киритилиб, унинг устига маълум тартибда цементитланувчи бир неча пўлат буюмлар жойланади. Кейин уларнинг устига яна карбюризатор киритилади. Металл кути шу йўсинда карбюризаторлар ва пўлат буюмлар билан 77-расмда кўрсатиландек тўлдирилади. Сўнгра қути қопқоқланиб, тирқишилари ўтга чидамли шамот гил билан зич шуваланади, кейин печга киритилиб,  $900$ — $950^\circ\text{C}$  температурагача аста-секин қиздирилади ва шу температурада бир неча соат тутиб турилади. Бунда қутидаги ҳаво кислороди писта кўмир (углерод) билан реакцияга киришиб, кислород озлиги учун  $\text{CO}_2$  ўрнига  $\text{CO}$  гази ҳосил бўлади.  $\text{CO}$  гази барқарор бўлмагани учун диссоцияланиб,  $\text{CO}_2$  ва атомар углеродига ажralади. Атомар углерод эса пўлат буюм сиртига диффузияланиб аустенитда эрий бошлиайди:



77-расм. Пўлатларни қаттиқ карбюризаторли муҳитда цементитлаш схемаси

Шунинг билан бирга карбонат тузлари ҳам парчаланишида ажралаётган углерод (IV)-оксид күмир билан реакцияга киришиб, углерод (II)-оксидини ҳосил қилади.



Ажралаётган CO гази эса парчаланиб, күтидаги актив атомар углерод миқдорини орттириб, цементитлаш жараёнини тезлаштиради.

Цементитланган қатлам қалинлиги атомар углероднинг диффузияланиши тезлигига, температурага ва тутиш вақтига боғлиқ. Масалан, цементитлаш жараёни 930°C температурада олиб борилса, 0,1 мм ли цементитланган қатлам олиш учун 1 соат кифоя қилади. Бу усул оддийлигига қарамай, иш унумининг пастлиги, ишлаш шароитининг ёмонлиги каби камчиликка эга. Шунга қарамай бу усул кичик ўлчамли буюмларни таъмирлаш устахоналарида қўлланилади.

б) Пўлат буюмларнинг сирт қатламини суюқ муҳитларда цементитлаш

Одатда, бу усулдан кичик ўлчамли буюмларни цементитлашда фойдаланилади. Бунда карбюризатор ўрнига кўпинча 75—80% натрий карбонат ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ), 10—15% натрий хлорид ( $\text{NaCl}$ ) ва 5—10% кремний карбид ( $\text{SiC}$ ) тузлари аралашмаси олиниб, маҳсус ваннага киритилади ва 820—850°C температурагача қиздирилиб суюлтирилгач, унга цементитланувчи буюмлар туширилади. Ваннада борувчи реакциялар натижасида атомар углерод ажралиб, буюмнинг сиртқи қатламига ўгади:




Маълум вақтдан кейин буюмлар ваннадан олинади. Бу усул буюмлар текис қизиши, ваннадан олиниб бевосита тобланиши каби афзалликларга эга.

в) Пўлат буюмларнинг сирт қатламини газ муҳитида цементитлаш

Бу усул юқоридаги усуллардан иш шароитининг яхшилиги, жараённинг механизациялаштирилганлиги ва автоматлаштирилганлиги натижасида иш унумининг икки, уч марта юқорилиги билан ажралиб туради ва саноатда кенг тарқалган. Бу усулда буюмлар 900—950°C температурали герметик камерали печга киритилиб, улардан узлуксиз равишда табиий, ёритиш, генератор газлари ёки уларнинг аралашмалари ўtkазиб турилади. Бу шароитда печь камерасидаги углеводород газлар парчаланиб, ажралаётган актив атомар углерод буюмларнинг сиртқи қатламларига диффузияланади:







**78-расм.** Цементитланган қатлам қалинлегининг температура ва вақтта қараб ўзгариш графиги

янада ошириш, ички кучланишлардан холи этиб структурасини яхшилаш учун буюмларни тоблаб, қуйи температуралда бўшатилади. Бунда сирт юзасининг структураси мартенсит билан қисман цементитдан иборат бўлади ва қатлам қаттиқлиги  $HRC = 58—63$  оралиғида бўлади.

Агар деталь углеродли пўлатдан тайёрланган бўлса, ички қисми структураси феррит ва перлитдан, легирланган пўлатлардан тайёрланса, троостит ёки сорбитдан иборат бўлади. Пўлат буюм ички қисмининг қаттиқлиги пўлат маркасига кўра  $HRC = 20—40$  оралиғида бўлади. 78—79 расмларда цементитланган қатлам қалинлегининг температура билан ишлов вақтига қараб ўзгариш графиги, кўндаланг кесим юзасининг микроструктураси келтирилган.



**79-расм.** Цементитланган деталь кўндаланг кесим юзасининг микроструктураси




Агар ажралаётган атомар углеродлар буюм сиртқи қатламига тўла ютила олмаса, яъни абсорбция тезлиги диссоциация тезлигидан кичик бўлса, ортиқча углерод буюм юзасига қурум тарзида ўтиб жараённинг нормал боришини қийинлаштиради. Шуни қайд этиш жоизки, цементитланган буюмларнинг сиртқи қатламлари углеродга туйингани билан етарли даражада қаттиқликка эга бўлмайди. Шу сабабли, уларнинг сирти қаттиқлигини

### 3-§. Пұлат буюмларнинг сиртқи қатламини азотта түйинтириш

Маълумки, юқори температурали агрессив мұхитларда ишловчи деталлар (ички ёниш двигатели гильзалари, тирсакли вал бўйинлари, поршень бармоқлари ва бошқалар) кам ейилиши, узоқ ишлаши учун кўпинча таркибида Al, Cr, Ti, Mo, Ni ва бошқа элементлари бўлган легирланган пўлатлар (масалан, 35ХМЮА, 38ХМЮА, 35XXН7 ва бошқалар)дан тайёрланади. Бундай деталлар сиртқи юза қатламларнинг қаттиқлигини, коррозиябардошлигини ва толиқиши чегараларини ортириш мақсадида азотланади. Бунинг учун дастлаб буюм тобланиб, юқори температурада бўшатилади. Сўнгра 500—600°C температурали маҳсус печга киритилиб, печга маълум босимда аммиак ҳайдалади. Бу шароитда аммиак диссоцияцияниб ( $2\text{NH}_3 + \text{N}_2$ ) ажратиласкан атомар азот буюм сиртига диффузияланаб, Fe<sub>4</sub>N билан нитритлар ( $\text{Fe}_4\text{N}$ ), ва легирловчи элементлар (Al, Cr, Mo ва бошқалар) билан ҳам нитритлар ( $\text{Fe}_4\text{N}\text{AlN}$ ,  $\text{C}_2\text{N}$ ,  $\text{Cl}_2\text{N}$ ,  $\text{MoN}$ ,  $\text{Mo}_2\text{N}$ ) ҳосил қиласиди. Натижада, сирт юза қаттиқлиги кескин ортади. Азотланган қатламнинг қалинлиги буюм материалига, газнинг диффузия тезлигига, температурага ва ишлов бериш вақтига боғлиқ бўлади. 80-расмда азотланган қатлам қалинлиги ва қаттиқликнинг температурага ҳамда ишлов вақтига қараб ўзгариши графиги келтирилган. Масалан, ўртача температурада ишлов беришда 0,25—0,5 мм ли азотланган қатлам ҳосил қилиш учун 2,5—6 соат вақт сарфланади. Шуни қайд этиш керакки, азотланган қатлам қалинлиги цементитланган қатлам қалинлигидан 1,5—2 марта ортиқ ( $\text{HB} = 1000—1200 \text{ кг}/\text{мм}^2$ ) бўлади.

Бу қаттиқлик буюм 600°C гача қизигандан ҳам сақланади. Лекин бу ишловда тайёрланган буюмларнинг ўлчами бирмунча ортиши жилвирлашни талаб этади.



80-расм. Азотланган қатлам қалинлиги (*h*) ва қаттиқлиги-(*НВ*)нинг температура ҳамда ишлов бериш вақтига қараб ўзгариш графиги

#### **4-§. Пұлат буюмларнинг сиртқи қатламиның бир вақтда углеродда ҳамда азотта түйинтириш (цианирлаш)**

Цианирлаш деб ҳам юритилувчи бундай усулдан поршень ва унинг бармоқлари, валиклар, калибрлар, кескичлар каби түрли шаклли майда ва үртача ўлчамли буюмларга ишлов беришда фойдаланилади. Бунда уларнинг сиртқи қатлами қаттықлиги ҳамда коррозия бардошлигиги ошиб кам ейиладиган бўлади. Бу ишловларни қаттиқ, суюқ ва газли мұхитларда олиб бориш мумкин:

**а) Қаттиқ мұхитда цианирлаш.** Бу усулда ишлов 60—80% писта күмир, қолгани сариқ кон тузи ( $K_4Fe(CN)_6$ ) билан натрий карбонат ( $Na_2CO_3$ ) ли аралашмада олиб борилади. Бунинг учун деталлар ара-лашма солинган темир қутига маълум тартибда жойланиб, зич берки-тилгач, кутини 500—950°C температурали печда маълум вақт қиздирилади. Бу шароитда цианлар парчаланиб, ажralаётган C ва N атомлари буюм юзасига ютилади. Цианирланган буюмлар қутидан олиниб, юқори температурада бўшатилади.

**б) Суюқ мұхитда цианирлаш.** Бу усулда цианирланадиган буюмлар суюлтирилган натрий цианид ( $NaCN$ ), кальций цианид  $Ca(CN)_2$ , калий цианид ( $KCN$ ) ва бошқа тузлар солинган ваннага туширилиб, маълум температурада қиздирилади. Бунда циан тузларнинг диссоцияланиши натижасида ажralган актив атомар углерод ва азот буюмлар сиртига ўтади. Конструкцион пўлатларни ишлов шароитига кўра ванна температураси 550—600°C бўлса, қуий температурали; 800—850°C бўлса, ўрта ва 900—950°C бўлса, юқори температурали цианирлаш деййилади. Суюқ эритмаларда цианирлашни 5 минутдан 1 соатгача олиб бориша цианирланган қатлам қалинлиги 0,2—0,5 мм оралиғида бўлали. Цианирланган буюмлар тоблаб, қуий температурада бўшатилади. Шуни ҳам айтиш жоизки, бу усулда ишланган буюмларни тоблаш чуқурлиги цементитлашга қараганда кичикроқ, лекин коррозия бардошлигиги ва ейилишга чидамлилиги эса юқорироқ бўлади. Бу жараённи олиб бориша циан тузларининг заҳарлиги ва қимматлиги бу усулдан фойдаланишини бирмунча чеклайди.

**в) Газ мұхитида цианирлаш.** Бу усулда буюмлар газ мұхитида (масалан 70—80% табиий газ ва 30—20% амиак ( $NH_3$ ) аралашмани печга киритилиб, унга 900—950°C температурада бир неча соат ишлов берилади. Бу шароитда табиий газ ва амиак парчаланиб, ажralган атомар C ва N лар буюм сиртига ютилади. Масалан, 2—5 соат ишловда 0,5—1,5 мм қатлам олинади. Бу усулда сарфланаётган газ миқдори осон ростланади. Бу ишлов мақсадга кўра түрли температураларда олиб борилади. Масалан, қуий температурада кўпроқ азот, камроқ углерод диффузияланиб буюм сиртига ўтса, юқори температура кўпроқ углерод, камроқ азот қопланади. Бу ишловлардан кейин буюм тоблаб бўшатилади.

Бу усул каттароқ буюмларни ишлаш имконини бериш билан бирга захарли циан түzlаридан фойдаланишдан холи этади.

### 5-§. Пўлат буюмларнинг сиртқи юзаларини металл ва пометаллоидлар билан тўйинтириш

Оғир шароитда ишлайдиган деталларни коррозияга, иссиқликка, кислоталар таъсирига ҳамда ейилишга чидамлилигини ошириш мақсадида сиртқи юзалари Cr, Al, Si, B, Mn ва бошқа элементларга тўйинтирилади. Бу жараён диффузион легирлаш ҳам дейилади.

**а) Хромлаш.** Пўлат буюмларнинг коррозиябардошлигини ҳамда ейилишга чидамлилигини ошириш учун уларнинг сирт юзаларини хром билан қоплашга хромлаш дейилади. Хромлаш қаттиқ, суюқ, газ мұхитларда бажаралиши мүмкін:

**Қаттиқ мұхитда хромлаш.** Металл қутига аввало майдаланган 60—65% феррохром ( $\text{FeCr}$ ), 30—35% гил тупроқ ва 3—6% хлорид кислота ( $\text{HCl}$ ) ёки аммоний хлорид ( $\text{NH}_4\text{Cl}$ ) дан иборат аралашма күкунлари, кейин мой, занглардан тозаланган пўлат буюмлар (клапанлар, пармалар) киритилгач, кути қопқоғи беркитилади ва тирқишилари гил билан суvalади, сұнгра, 1050—1150°C температурагача қиздирилади ҳамда шу температурада 10—15 соат тутиб турилади. Хромлаш жараёнида хром хлоридлар ( $\text{CrCl}_2$ , ёки  $\text{CrCl}_3$ ) ҳосил бўлади, уларни буюм сирти билан муносабатда бўлишида Cr ажралиб, буюм сиртига ўтади.

**Суюқ мұхитда хромлаш.** Бунда 70—85% барий хлорид ( $\text{BaCl}_2$ ) оғирлиги бўйича 15—30% хром хлорид ёки феррохром аралашма ваннага солиниб, 950—1100°C температурагача қиздирилиб, суюқлантирилгандан кейин ваннага хромланадиган буюмлар солиниб бир неча соат тутиб турилади. Бунда  $\text{CrCl}_2$  ва  $\text{BaCl}_2$  лар парчаланишида ажралган атомар Cr буюм сиртига ютилади.

**Газсимон мұхитда хромлаш.** Бу усулда хромланадиган буюмлар ва феррохром маҳсус металл ретортда печга киритилиб 950—1050°C температурагача қиздирилади ва у орқали хлорид кислота ўтказилиди. Бунда  $\text{HCl}$  феррохромга таъсир этиб  $\text{CrCl}_2$  ҳосил бўлади деталларнинг сиртига бориб текканда, ундан атомар Cr ажралгач, у буюм сиртини хромга тўйинтиради. Бунда хромлаш қалинлиги 0,04—0,10 мм бўлади. Хромланувчи буюмлар таркибида углероднинг миқдори 0,2% дан ортмайди. Бу ҳол эса агрессив мұхитларда (масалан, азот кислотада, дарё сувларда) ишлайдиган деталларни хромлашда қимматбаҳо кўп хромли пўлатлар ўрнига арzonроқ пўлатлардан фойдаланишни таъминлайди.

**б) Алюминийлаш.** Буюмлар сирт юзаларини алюминийга тўйинтиришга алюминийлаш дейилади ва у қуйидаги мұхитларда олиб борилади:

**Қаттиқ мұхитда алюминий кукуни билан алюминийлаш.** Бу усулда мұхит сифатида алюминий ёки ферроалюминий кукуни билан 0,5—

2% аммоний хлорид ( $\text{NH}_4\text{Cl}$ ) аралашмаси, баъзан бунга шамот қукуни, кварц қуми ҳам қүшиладиган аралашма олинади. Сирти Al билан тўйинтириладиган буюмлар аралашма солинган пўлат қутига маълум тартибда жойланади. Кейин бу кутини печга киритиб, 950—1050°C гача қиздирилади ва 5—10 соат шу температурада тутиб турилади. Бунда ажралаётган газлар ташқарига чиқиб кетиши учун кути қопқоғида кичкина тирқиши қолдирилади. Бу шароитда  $\text{NH}_4\text{Cl}$  парчаланиб  $\text{HCl}$  ҳосил бўлади. Бу Al (ферроалюминий) билан реакцияга киришиб  $\text{AlCl}_3$ , ҳосил бўлади ва темир билан реакцияга киришади:



Ажралган атомар алюминий буюм сиртига ўтади. Бунда деталь сиртига 0,1—1,0 мм гача қалинликда Al қопланади.

**Суюқ муҳитда алюминийлари.** Бунинг учун пўлат идиш (тигель) олиниб, унга алюминий солинади. 750—800°C қиздирилиб суюлтирилгач, унга сирти тозаланган буюмлар туширилиб, 45—90 минут сақланади. Бунда деталь сирти 0,2—0,25 мм қалинликда Al билан қопланади.

**Газ муҳитида алюминийлаш.** Алюминийланувчи буюмлар реторта деб аталувчи металл қутига жойланиб, ферроалюминий қукуни билан кўмилади ва зич беркитилгач, печда маълум температурада қиздирилади ва, ундан хлор ёки водород хлорид газлари ўтказилади. Юқорида кўрилгандек борувчи реакциялар оқибатида, масалан, 980°C да 2 соат тутиб турилса, буюм сирти 0,4—0,5 мм ли алюминий билан қопланади.

**в) Пўлат буюмлар сиртини кремний билан тўйинтириш.** Пўлат буюмларни кислоталарга, коррозияга ва ейилишига бардошлилигини ошириш мақсадида сирт юзи 0,2—0,8 мм қалинликда  $\text{Si}$  билан тўйинтирилади. Бу жараёнга силицирлаш дейилади. Одатда бу ишлов қаттиқ ва газ муҳитларда олиб борилади.

Қаттиқ муҳитда олиб боришда муҳит сифатида 60% ферросилий, 38—39% гилтупроқ ёки каолин ва 0,02—1% алюминий хлорид қукуни аралашмаси олиниб, у билан буюмлар темир қутига маълум тартибда жойланадида, кути қопқоғи зич беркитилади. Кейин кути печга киритилиб, маълум температурада бир неча соат қиздирилади. Бунда борувчи жараёнда ажралган  $\text{Si}$  буюм сиртига ўтади.

Газ муҳитда эса муҳит сифатида кремний хлорид муҳити олиниб, у билан буюмлар махсус пўлат қутига маълум тартибда жойланади, пеъч 950—1050°C температурагача қиздирилади. Бунда борувчи жараёнда ажралган атомар  $\text{Si}$  буюмлар сиртига ўтади. Бунда 2—4 соат ишловда 0,5—1,2 мм қатламли  $\text{Si}$  олинади. Худди шу мақсадларда металл буюмлар бор (B) билан ҳам қопланади.

## ЧҮЯН БУЮМЛАРНИ ТЕРМИК ҲАМДА КИМЁВИЙ ТЕРМИК ИШЛАШ УСУЛЛАРИ

### 1-§. Умумий маълумот

Чүян буюмларни ҳам пўлатлар сингари термик ва кимёвий-термик ишловлар натижасида хоссаларини зарурий томонга ўзгартириш мумкин.

Лекин шуни қайд этиш жоизки, чўянларнинг пухталигини ошириш мақсадида уларни тоблаб бўшатишда графит борлиги туфайли пўлатлар сингари юқори пухталикка эга бўлмайди. Амалда чўян буюмларнинг хилига, маркаларига ва улардан кутиладиган хоссаларига қараб қўйидаги термик ишловлар берилади:

**Юмшатиш.** Мураккаб шаклли чўян қўймалар олишда ички зўриқиши кучланишлари иш жараёнида унга таъсир этуличи ташқи кучланишларга қўшилиб, тез ишдан чиқиши мумкин. Шу боисдан бундай қўймалар ички зўриқиши кучланишларидан халос этиш ва структурасини яхшилаш мақсадида юмшатилади. Қўйманинг шаклига, ўлчамларига ва бошқа кўрсаткичларига кўра юмшатиш режими белгилана-ди. Масалан, ўртача шаклли ва ўлчамли қўймалар 500—550°C темпера-турагача аста-секин қиздирилиб, шу температурада бир неча соат тутиб турилгач, печь билан бирга совитилади. Маълумки, чўян қўймаларни металл қолипда тез совитишда сиртқи қатлам қаттиқлиги ҳаддан таш-қари ортиб кетади. Бу эса кесиб ишлашда қийинчиликлар туғдирали. Шу сабабли бундай қўймаларнинг сирт қаттиқликларини камайтириш мақсадида уларни 900—1000°C температурагача қиздириб, шу темпе-ратурада маълум вақт тутиб турилгач, печь билан бирга совитилади. Бу ишловда унинг таркибидаги Fe<sub>3</sub>C феррит билан графитга парчала-нади. Натижада сирт қатлам боғланувчан структурали чўянларга ўта-ди, уларни энди осон кесиб ишлаш мумкин бўлади.

Кейинги йилларда катта юклама таъсирида ишлайдиган мураккаб шаклли қатор деталлар, жумладаи прокат валлар, тирсакли валлар, поршенлар пўлатлардан фарқиلى ўлароқ, боғланувчан чўянлардан тай-ёрланмоқда. Чунки боғланувчан чўянлар юқори мустаҳкамликка ( $\sigma = 300—600$  МПа), нисбий узаювчаникка ( $\delta = 2—12$ ) ва қаттиқлик-ка ( $NB = 149—269$  кгк/мм<sup>2</sup>) эга бўлиши билан бирга яхши кесиб иш-ланади ва иш жараёнида кам ейилади. Қўйида боғланувчан чўян қўй-маларни олиш ҳақида маълумотлар баён этилган.

### 2-§. Боғланувчан чўян қўймаларни олиш

Амалда қайта ишланадиган чўянлардан олинган турли шаклли ва ўлчамли қўймаларни термик ишлаш натижасида улардан боғланувчан

чүян құймалар олиш катта техник-иқтисодий тежамкорлик беради. Юқоридаги мавзулардан маълумки, боғланувчан чүяңларни структурасында күра қуидаги иккі гурұхға ажратиш мүмкін:

1. Ферритли боғланувчан чүян.


2. Перлитли боғланувчан чүян.

Ферритли боғланувчан чүян құймалар олиш учун қайта ишланадиган чүян құймаларни металл қутига териб, устидан оксидланмаслығы учун құм билан күмилиб қути беркитилгач, тирқишилари гилтупроқ билан сувалади. Сүнгра печга киритилиб, 81-расмда күрсатилганидек режимда юмшатилади. Бунда чүяндеги  $Fe_3C$  дан графиттинг ажралиши иккі босқичда боради:


1-босқич. Бунда құйма 950—1000°C температурагача аста-секин қиздирілиб, шу температурада бир неча соат тутиб турилади. Бу шароитда  $Fe_3C$  аустенит билан графитта парчаланади:

2-босқич. Кейин пеңч температурасы 700—740°C гача пасайтирилади, шу температурада маълум вақт тутиб турилиб, уй температурасында совитилади. Бунда перлит таркибидеги  $Fe_3C$  феррит ва графитта парчаланади. Натижада ферритли боғланувчан чүян құйма ҳосил бўлади.

Перлитли боғланувчан құймаларни олиш учун эса қайта ишланувчан чүян құймаларни юқоридагидек металл қутига жойланади. Фақат бу ерда құм ўрнига темир руда киритиледи. Сүнгра қути пеңчта киритилиб (81-расм, баги) графикда күрсатилган режимда юмшатилади. Графикдан кўринадики, 950—1000°C температурагача секин қиздирілиб, шу температурада бир неча соат тутиб турилгач, тезроқ совитилади. Шу сабабли перлит таркибидеги  $Fe_3C$  парчаланишга улгурмайди. Натижада перлитли боғланувчан чүян құйма ҳосил бўлади. Бу жараённи тезлатиш билан чүян хоссаларини яхшилаш мақсадида С.А. Сал-



*a*



*b*

81-расм. Қайта ишланадиган чүян құймаларни юмшатиш режимлари:

*a* — ферритли боғланувчан чүян құйма олиш режими;

*b* — перлитли боғланувчан чүян құйма олиш режими

тиков ва бошқалар қайта ишланувчан чүян қўймаларни юмшатишида аввал тоблашни тавсия этдилар. Бунда ҳосил бўлувчи майдада доналар ва ички кучланишлар қўшимча кристалланиш марказлари бўлиб, ишловни тезлатади.

**Н о р м а л л а ш .** Чўян қўймалар пухталиги ва пластиклигини ошириш мақсадида нормалланади. Бунинг учун чўян қўймалар 850—900°C температурагача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт тутиб туррилгач, ҳавода совитилади. Маълумки, чўян қўйма 850—900°C температурагача қиздирилганда унинг таркибидаги эркин графит аустенитда эрийди. Бу ҳолатдаги қўйма ҳавода совитилганда перлит миқдори ортиб, доналари майдалашади. Натижада, кутилган хоссаларга эришилади.

**Т о б л а ш .** Кулранг чўян қўймаларни тоблашдан мақсад уларнинг пухталигини оширишдир. Бунинг учун қўймани 850—900°C температурагача қиздириб, шу температурада маълум вақт сақлангач, улар маркаси, шакли ва кўндаланг кесим ўлчамига кўра сувда, мойда ёки туз эритмасида совитилади. Тобланган қўйма чўянлар структураси мартенсит, қолдиқ аустенит ва графитдан иборат бўлади.

**Б ў ш а т и ш .** Тобланган чўян қўймалар ички зўриқиши кучланишларидан холи этиш мақсадида бўшатилади. Бўшатиш режими кутилган қаттиқликка кўра белгиланади. Агар қаттиқлиги юқори бўлиши талааб этилса, паст температурада (200—250°C), қаттиқлиги пастроқ бўлиши талааб этилса, юқорироқ (450—600°C) температурада бўшатилади.


Чўян қўймаларнинг пухталигини, қаттиқлигини, коррозиябардошлигини ошириш билан ейилишга чидамли қилиш мақсадида уларга пўлатлар сингари кимёвий-термик ишловлар ҳам берилади.

## 19-боб

### РАНГЛИ МЕТАЛЛ ҚОТИШМАЛАРНИ ТЕРМИК ИШЛАШ ЎСУЛЛАРИ

#### I-§. Умумий маълумот

Рангли металл қотишмаларига ҳам темир қотишмалари сингари турли хил термик ишловлар берилади. Буни Al—Cu қотишмаси мисолида кўрайлик. Қотишманинг ҳолат диаграммасидан кўринадики, (82-расм), таркибида 0,5% мис бўлган қотишма уй температурасида  $\alpha$  қаттиқ эритмага эга. Температура кўтарилган сари Cu нинг Al да эриши орта боради. Агар таркибида 0,5% дан 5,7% гача миси бўлган икки фазали ( $\alpha + \text{CuAl}_2$ ) қотишмани кузатсан, мисининг алюминийда эрувчанлиги  $FD$  чизиқ бўйича чекланади. Агар бу қотишмани  $f$  температурагача қиздирсан,  $\text{CuAl}_2$  ли кимёвий бирикма алюминийда эриб,  $\alpha$  фазага ўтади. Бу қотишмани шу ҳолатдан тезда совитсан,  $\alpha$  қаттиқ эритмадан



82-расм. Алюминий — мис қотишимасининг ҳолат диаграммаси

$\text{CuAl}_2$  бирикма ажралишга улгурмай, ўта тўйинган қаттиқ бирикмага ўтади. Одатда бу инкубацион давр  $\sim 30$  мин бўлиб, бу вақтдан кейин ундан  $\text{CuAl}_2$  бирикма аста-секин ажрала боради. Бу жараёнга чиниқиши дейилади. Бунинг оқибатида буюмнинг пухталиги ва қаттиқлиги бир мунча ортади. Жараён уй температурасида борса, табиий чиниқиши, юқорироқ температурада борса, сунъий чиниқиши деб аталади. Бунда бекарор фазаларнинг барқарор фазаларга ўтиши ҳисобига қотишимасининг хоссалари яхшиланади.

Магний қотишималаридан олинган мураккаб шаклли қўймаларни бир жинсли қилиб юмшатиш мақсадида уларни  $400\text{--}450^\circ\text{C}$  температуррагача қиздириб, шу температурада  $15\text{--}30$  соат тутиб турилгач, аста-секин совитилади. Бунда донлар чегарасидаги ортиқча фазалар эриб, таркиби текисланади. Юмшатиш натижасида улар босим билан осон ишланадиган бўлади. Бошқа қотишималарга ҳам худди шундай зарур термик ишловлар берилади.

## 20-боб

### НОМЕТАЛЛ МАТЕРИАЛЛАР, УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРДАН ДЕТАЛЛАР ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ

#### 1-§. Умумий маълумот

Машинасозликда конструкцион материаллар асоси металл ва уларнинг қотишималари бўлгани билан нометалл материаллардан фойдала-

ниш ҳажми ҳам борган сари ортмоқда. Нометалл материаларнинг хили кўп, лекин саноатда пластик массалар, резина, лак, бўёқ, елим, асбест, картон, шиша, керамика, мойлар ва бошқалар ҳам кенг қўлланилмоқда. Уларнинг пухталиги, термик ва кимёвий жиҳатдан чидамлилиги, изоляцион, айниқса, технологик ва эксплуатацион хоссаларининг юқорилиги кўпгина ҳолларда улардан металлар ўрнидагина эмас, зарур материаллар сифатида ҳам фойдаланишни тақозо этади.

Қадимда одамлар табиий нометалл материаллардан (мармар, тош, ёғоч ва бошқалардан) асосан уйлар куришда фойдаланганлар. Саноат турли тармоқларининг ривожланиши, ҳар хил машиналар ва механизmlарнинг яратилиши натижасида улар деталлари учун зарур хоссали материалларга бўлган талаб орта боради. Ўз навбатида, давр талабига жавоб берадиган, нометалл материаллар яратиш борасида олиб борилган изланишлар янги-янги материалларнинг яратилишига олиб келди. Бу материаллар ичизида пластик массалар муҳим ўрин тутади.

Собиқ СССРда нометалл материаллардан конструкцион материаллар сифатида фойдаланиш ҳажми 3—4% гина бўлса, АҚШда бу кўрсаткич 15—20% ва ундан ҳам ортиқ бўлган. Нометалл материаллардан фойдаланиш ҳажмининг камлигига, биринчидан, уларни ҳар томонлама чукур ўрганилмаганлиги, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш технологиясининг замонавий талабларга тўла жавоб бермаслиги сабаб бўлган. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, масалан, машина деталлари тайёрлашда пластмассалардан оқилона фойдаланиш, катта техника-пектисодий самара беради.

Кўйида машинасозликда кўпроқ фойдаланиладиган нометалл материаллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

## 2-§. Пластик массалар ва уларнинг тузилиши

Пластик массалар табиий ва сунъий хилларга ажратилади. Табиий-ларга целлюлоза, слюда, асбест, графит, пахта, илак, жун ва бошқалар, сунъийларга полиэтилан, вискоза, синтетик каучук ва бошқалар киради. Уларнинг асоси полимерлар бўлади.

Полимерлар кўплаб такрорланувчи ўзаро кимёвий боғланган мономерлардан иборат бўлиб, хоссалари ҳам турлича бўлади. Уларни тузилишига қараб оддий (яъни фақат полимерлардан иборат) ва мураккаб таркибли хилларга ажратилади. Оддий пластик масаларга: полиэтилен, полипропилен, органик шиша ва бошқалар киради. Мураккаб таркиблиларга боғловчилардан ташқари тўлдирувчилар, пластификаторлар, стабилизаторлар, катализаторлар, мойловчилар ва бўёвчи моддалар ҳам киради. Баъзан боғловчилар сифатида полимерлар ўрнига битум, асфальт, цементлардан ҳам фойдаланилади. Тўлдиригичлар пластмассаларни физик-механик, кимёвий ва технологик хоссаларини яхшилаш билан кам ейиладиган қилади. Буларни пластиклигини, элас-

тиклигини ва оқұвчанлигини ошириш мақсадыда уларға пластификаторлар сифатыда камфора, канакунжут мойи, глицерин, дибутилфлат ва бошқалар құшилади. Мойловчи моддалар сифатыда мум, стеоприн, трансформатор мойи ишлатилади.

Бүеклар сифатыда охра, роданин, нигрозин ва бошқалардан фойдаланылади.

Уларнинг хоссалари кимёвий тузилишига, молекуляр оғирлигига, занжир структурасыга ва молекулаларнинг ўзаро жойланишига боғлиқ бўлади. Юқори молекуляр бирикмаларнинг макромолекулалари чизиқли, чизиқли шоҳобчали ёки фазовий структурали бўлиши мумкин.

Чизиқли структурали полимерларнинг макромолекулалари занжир узунлиги, кўндаланг кесими ўлчамларидан юзлаб, минглаб узун бўлади.

Чизиқли шоҳобчали структурали полимерларнинг макромолекулалари ёнига шоҳобчалар тарқалган бўлиб, уларнинг сони ва узунлиги ҳар хил бўлади. Шуни қайд этиш жоизки, чизиқли ва чизиқли шоҳобчали структурали полимерлар айрим молекулалардан иборат бўлиб, улар ўзаро молекулалар кучлари билан боғланган ва уларнинг катта ёки кичиклиги хоссаларига таъсир этади. Бу полимерлар эластик бўлиб, эритувчиларда яхши эрийди. Агар қиздирилса, юмшаб суюқланади. Совигандан кейин эса қотади, суюлтирилса аввалги хоссалари тикланиди. Чизиқли ва чизиқли шоҳобчали структурали полимерлар термо-пластик пластмассалар асоси бўлади.

Фазовий структурали полимерлар айрим чизиқли структурали полимерларнинг ўзаро тикланиши (поликонденсацияланиши ва полимеризацияланиши) натижасида олинади. Бундай полимерлар кўндалангига боғланиши сабабли улар эритувчиларда эримайди ва қиздирилганда суюқланмайди. Фазовий структурали полимерлар термореактив полимерлар асосини ташкил қиласди.

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, чизиқли ва чизиқли шоҳобчали структураларларга оддий, фазовий структураларларга мураккаб полимерлар дейилади.

### **3-§. Термо ва термореактив пластик массалар хиллари, хоссалари ва фойдаланиш жойлари**

**Термопластик пластмассалар.** Бу пластик массаларга полиэтилен, поливинил хлорид (винилпласт), фторопласт, полистирол, полиамид ва бошқалар киради. Қуйда улар ҳақида маълумотлар келтирилади.

**Полиэтилен.** Бу материал аморф кристалик тузилишли бўлиб, унинг молекуляр массаси олиниш технологиясыга кўра юқори босимли ва қўйи босимли бўлали. Полиэтилен кўпгина кислота ва ишқорларга, шунингдек, мойларга ва бензинга чидамли бўлиши билан яхши

диэлектрик хоссага эга. Шу бойсдан ундан кимё саноатида кислота ва ишқорларни сақловчи идишлар, трубалар, электро-радио техникада деталлар ва бошқалар тайёрланади. Шуни қайд этиш жоизки, полистилен деярли мустаҳкам материал бўлмасада,  $-60^{\circ}\text{C}$  гача совуқса чидайди.

**Винипласт.** Бу материал ҳам кислота ва ишқорларга, мойларга ва бензинга чидамли бўлиши билан диэлектрик хоссага эга. Шу бойсдан ундан кимё саноатида турли деталлар, трубалар, изоляцион материаллар сифатида фойдаланилади. Шуни қайд этиш жоизки, винипласт  $-40 \div +60^{\circ}\text{C}$  температураларга чидайди.

**Фторопласт.** Бу материал фторли полимерлар бўлиб, унинг фторопласт -3, фторопласт -4 хиллари бўлади. Фторопластнинг 93—97% и кристаллик тузилишга эга. Фторопласт -3 ни  $210^{\circ}\text{C}$  температурагача қиздирилса, қовушоқ-окуҷан ҳолатга ўтади,  $310 \div 315^{\circ}\text{C}$  температурада парчаланади. Агар фторопласт -4 ни  $327^{\circ}\text{C}$  дан юқори температурагача қиздирилса, аморф ҳолатга ўтади. Бу материал тез совитилса, кристаллиги камаяди. Шуни қайд этиш жоизки, фторопласт -4 барча агрессив муҳитларга чидамли, юқори сифатли диэлектрик ва антифрикцион хоссага эга бўлиб,  $-269 \div +250^{\circ}\text{C}$  оралигидаги температурага чидайди. Бу материалнинг совуқлигига  $0,3 \div 0,5 \text{ кгк}/\text{мм}^2$  юкламада ейилувчанлиги, нархининг құмматлигиги унинг камчилигидир. Фторопластлардан самолётсозликда, электро-радиотехникада, кимё саноатида фойдаланиладиган деталлар тайёрланади.

**Полистирол.** Бу материал кўпчилик кислота ва ишқорларга, сувга чидамли, яхши диэлектрик ва технологик хоссага эга. Шу билан бирга бу материал мойларда ва ёқилғида шишиши. Полистиролдан электро-радио техникада турли деталлар, ҳар хил идишлар, аккумулятор баклари ва бошқалар тайёрланади.

**Полиамид.** Бу материаллар деярли юқори мустаҳкамликка, сув, мой, ёқилғи, ишқор ва кучсизроқ кислоталарга чидамли, кичик ишқаланиш коэффициентига эга бўлиб, абразив материалларга юқори қаршилик кўрсатиб кам ейилади. Шу бойсдан полiamид материаллардан сирпаниш подшипниклари, тишли ғилдираклар ва бошқа кўплаб деталлар тайёрланади.

**Органик шиша (полиметилькрилат).** Бу материал ўзидан 75% гача ультрабиниғаша нурларни яхши ўтазади, атмосферада чидамли. Лекин  $80^{\circ}\text{C}$  температурагача қиздирилса, юмшайди. Бу материалдан самолёт дарчаларини, машина ва приборларнинг шитларини тайёрлашда ва бошқа жойларда кенг фойдаланилади.

**Термопротив пластмассалар.** Бу композициян материаллар таркибиға қўшиладиган материаллар — толали (пахта тивиқи, асбест ва бошқалар), органик ёки минераллар (ёюч, кварц қукуни на-

бошқалар) га кўра қават-қаватли ва кукунли пластмассаларга ажратилиди.

Қават-қаватли пластмассаларда қоғозлар, матолар ва бошқалар қаватма-қават жойланиб, уларни ўзаро боғловчи сифатида термогреактив полимерлар (фенолоформальдегид, эпоксид ва бошқалар) дан фойдаланилади. Бу пластик массалар конструкцион ва электротехник материаллар сифатида кенг ишлатилади. Қаватма-қават пластмассалардан гетинакс, текстолит, ёғочли пластиклар, шишали текстолит, асботекстолитлар кўпроқ тарқалган. Куйида буларнинг айримларини тайёрлаш усулига тўхтalamиз.

**Гетинакс.** Бу пластик массага қўшиладиган қоғозлар параллель тарзда қаватма-қават ётқизилиб, уларни боғлаш учун фенолформальдегид ёки бошқа термогреактив смолалардан фойдаланилади. Бу материал яхши изоляцион хоссали ва деярли юқори механик мустаҳкамликка эга бўлади. Шу боисдан ундан электро ва радиотехникада панеллар, босма схемалар тайёрлашда фойдаланилса, юқори сифатли қоғозлардан тайёрланганларидан конструкцион материал сифатида прибор корпуслари, кичик юкламага берилувчи деталлар тайёрланади. Гетинакс листларнинг сирт юзаларига декоратив қофоз ёпишириб, унга рангсиз лак шимдирилса, сувга чидамли бўлади. Бундай материал билан вагонларнинг ички қисми, самолёт кабиналари, деворлар ва эшиклар қопланади.

**Текстолит.** Бу пластмассага қўшиладиган бўз ва бошқа матолар бўлиб, уларни боғловчи сифатида фенолоформальдегид ёки бошқа термоактив смолалардан фойдаланилади. Уларнинг чўзилишга мустаҳкамлиги  $\sigma = 10 \text{ кгк}/\text{мм}^2$  дан кичик бўлмайди. Агар у пўлат билан бирга жуфт бўлиб ишласа, ишқаланиш коэффициенти кичик бўлиб, ейилишга чидамли бўлади. Шу боисдан ундан сирпаниш подшипниклар, шовқинсиз ишлайдиган тишли ғилдираклар, червяклар тайёрлашда фойдаланилади. Графитли текстолит янада юқори антифрикцион хоссали бўлгани сабабли ундан прокат станлар подшипник вкладишлари тайёрланади. Электротехник текстолитдан приборлар шитлари, турли электротехник буюмлар, панеллар тайёрланади.

**Қаватма-қават ёғочли пластмассалар (ДСП).** Бу пластикмасса листларни юпқа ёғоч шлонларини фенолоформальдегид смолаларига тўйинтириб, қиздириб, босим остида преслаш натижасида олинади. Булар юқори механик мустаҳкамликка, антифрикцион ва дизэлектрик хоссага эга бўлгани сабабли улардан автомобиль қисмлари, машина деталлари, қабиқлар, шкивлар, тишли ғилдираклар, подшипник вкладишлари тайёрланади. Шунингдек, улардан электроизоляцион материаллар сифатида фойдаланилади. ДСП бундай қатор афзалликлар билан бирга камчиликлардан ҳам холи

эмас. Масалан, у намиққанида шишиб, механик хоссалари бирмунча пасаяди.

Асботекстолит. Бу пластмассага қүшиладиган материал асбест мато бўлиб, уларни боғловчи сифатида турли термореактив смолалардан фойдаланилади. Кремний органик боғловчи смолали асботекстолит иссиққа чидамли бўлади. Шу боисдан ундан иссиқликни ҳимоялаш ва изоляцион материал сифатида фойдаланилади. Бу материал 250—350°C ҳароратга чидамли бўлади. Асботекстолит яхши фрикцион хоссалиги сабабли ундан фрикцион дисклар, тормоз колодкалари тайёрлашда кенг фойдаланилади.

Шиша текстолитлар. Бу пластмассаларга қүшиладиган материал шиша матоси бўлиб, унда боғловчи сифатида фенолоформальдегид, кремний органик ва бошқа смолалардан фойдаланилади. Бу материал юқори мустаҳкамликка, яхши изоляцион хоссага эга. Кимёвий барқарор бўлиб, ёнмаслиги ва чиrimаслиги билан характерлидир. Ундан трубалар, турли ҳажмли идишлар, автомобиль кабиналари, электро ва радиотехник буюмлар, приборлар корпуслари, шитлар ва бошқалар тайёрланади.

Шиша толали пластмассалар. Бу материални олишда (маркаси АГ-4В) шиша толаларини олиб, уларга боғловчи сифатида маълум микдорда фенолоформальдегид смоласи қўшилади. Арапашма қиздирилиб, босим билан прессланади. Бу материал юқори механик ва технологик хоссага эга. Шу боисдан деярли юклама остида ишловчи буюмлар тайёрлашда фойдаланилади.

33-жадвалда мисол сифатида қаватма-қаватли термореактив пластмассалар, таркиби ва хоссалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Кукунсимон органик ёки минераллар қўшиладиган пластмассаларга боғловчилар сифатида фенолоформальдегид ва бошқа термореактив асосидаги полимерлар қўшилади. Булар кимёвий жиҳатдан барқарор, сувга чидамли ва юқори изоляцион хоссага эга бўлади. Бу материаллар ишлатилишига кўра умумий техниковий, электроизоляцион, оташбардош, намликка чидамли, фрикцион, антифрикцион ва бошқаларга ажратилади.

Бу композицион материаллардан прибор корпуслари, панеллар, электроизоляцион деталлар, сирпаниш подшипниклари, тормоз колодкалари, трубалар, тишли фидирақлар, хўжалик буюмлари ва бошқалар тайёрланади. 34-жадвалда органик моддалар ёки минераллар қўшилган типик термореактив пластик массаларнинг физик-механик хоссалари келтирилган.

35-жадвалда саноатда кенг қўлланиладиган пластик пластмассаларнинг хили, асосий хоссалари ва қўлланилиш соҳасига мисоллар келтирилган.

Материал	Таркиби		Зиңгизги г/см <sup>3</sup>	Мустақамтый чегарасы, кгк/мм <sup>2</sup>			Зарбага чылдамлы- лижиги, кгн/см <sup>2</sup>	Рұксат этилдан температура, °С	20°С-ни температурала 24 сағта сұнда намықшы, %
	Күшілділігіні материал	боеловын смола %		чүрнелінің	этилдинің	енқилемшің			
Гетинакс	қофоз	40-60	1,3-1,4	8-10	8-14	—	10-20	120-140	0,5-4,0
Текстолит	пачта мато жа бошқалар	45-60	1,3-1,45	5-12	10-15	15-25	20-40	80-180	0,8-1,6
Қаватша-қават өтөч пластмасса (ДСП)	өтөч шпони	20-25	1,3-1,35	15-30	10-25	10-15	20-80	120-150	0,5-5,0
Асбесттекстолит	асбест мато	25-30	1,3-1,5	5-8	7-15	20-35	20-35	250-350	0,3-0,5
Шиншылты текстолит	шина мато	35-45	1,6-1,85	20-45	12-50	25-40	60-300	150-250	0,8-2,5

Материал маркаси	Күшиладиган материал	Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	Мустаҳамлігі, кгк/мм <sup>2</sup>		Қаттиқлігі НВ, кгкг/мм <sup>2</sup>	Мартенс бұйнча иссиқлікка чидамлілігі, °С
			чүзі- лишга	сікі- лишга		
Умумий техника әхтиёжлари учун ғенопластлар						
K-17-2; K-119-2 ва бошқалар	Еғоч уни	1,4	3- 6	15- 16	20- 40	125
Электроизоляцион, памликка кимәвілі барқарор						
ФКП-1; ФКП-2	Еғоч уни, ми- нерал күкүні ва улар ара- лашмасы	1,3- 1,4	3- 5	15- 20	20- 35	125
K-21-22	Еғоч уни	1,3- 1,4	3- 5	16- 20	30- 35	120
K-214-52	Минерал кукүні	1,8	5	16	30- 32	120
Юқори фрикцион хоссаси						
ФК-24А	Минерал кукүні	2,4	2,3	10	30	—

#### 4-§. Пластик массаларниң технологик хоссалари

**1. Оқувчанлық** деб материални маълум температуралы босимда пресс-қолипни тұлдериш хоссасыга айтилади. Оқувчанлық боғловчилар, күшиладиган материаллар хилига, миқдорига ва пресс-қолип конструкциясыга боғлиқ.

**2. Киришувчанлық** деб олинган буюмлар (деталлар)нинг шакли ва ўлчамларини пресс-қолипни бүшлиқ шакли ва ўлчамларига нисбатан кичрайишига айтилади. Киришувчанлық боғловчилар ва қүшиладиган материаллар хилига ва миқдорига, намлигига ва температурага боғлиқ.

**3. Қотиш тезлигі** деб (термореактив пластмассаларда) қовушоқли-оқувчан ҳолатидан тұла қотгунгача ўтган вақт орқали аниқланади. Қотиш тезлигі боғловчилар хоссасыга ва температурага боғлиқ. Агар қотиш тезлигі кичик бўлса, материални пресс-қолипда босим остида тутиш вақти ортади ва аксинча, қотиш тезлигі катта бўлса, материални пресс-қолипда босим остида тутиш вақти қисқаради. Бундай ҳолда буюмнинг айрим жойлари материал билан тұлмай, брак бўлиши мумкин.

Материал	$s_i$ , МПа	Зиччиги- г/см <sup>3</sup>	Асосий хоссалари	Иштатилниш сөздләри
Гетинаке	80 - 100	1,3 - 1,4	Яңши электрополимер хоссага эга	Панеллар, шиткалар, прибор корпуслары
Текстолит	50 - 120	1,3 - 1,45	Ишкәланниш көзффициентининг кичиклиги, ейилишта чидамаллилыги, электрополимер хоссаларининг яхшилтиги	Тишли гидравлеклар, подшипниклар, автомобиллар, вагонлар деталлари, электротехник приборлар деталлари
Қаватма-қават ёғочлы пластмассалар (ДСП)	150 - 300	1,3 - 1,45	- - -	- - -
Шишли текстолит	200 - 450	1,6 - 1,85	Кимёвий барқарор, ёнмайды, яхши изоляцион хоссага эга	Трубалар, идишлар, автомобиль қисмнда прибор корпуслари, панеллар
Асбокстолит	50 - 80	1,3 - 1,5	Иссикда жуда чидамлы, фрикцион хоссалари юкори	Тормоз колодкалары, фрикцион дисклар, исенкдан ұмояловчи қопламалар ва проклалкалар
Полизтилен	20 - 40	0,9 - 0,95	Ишкөр, мой, бензингарга кимёвий жиҳатдан чидамлы, диэлектрик хоссаси жуда яхши	Электро ва радиодеталлары, изоляцион материаллар, кимёвий барқарор трубалар, идишлар, ұмоя қопламалари
Фторопласт-4	20 - 30	2,15 - 2,35	Агрессив мұхитларга чидамлы. юкори изоляцион хоссага эга. - 269°C ли совукқа чидамлы	Кимёвий барқарор трубалар, клапанлар, насос деталлари, электро ва радио деталлар
Полиамидлар (капрон, нейлон)	50 - 70	1,1 - 4,3	Ишкәланниш көзффициенти кичик. сұнда, әқильтіде, ишқорларда чидамлы	Подшипниклар, тишли узатмалар, чиримайлилік канатлар, матолар
Полиметилметакрилат (органик шиша)	50 - 70	1,2	Атмосферага чидамлы, иш температурасы 80°C-да бұлған оптик күрілмаларда	Ериктік техника күрілмаларда, уй-жойларни истишда, самолётларда

**4. Термотурғунылк деб** (термопластик пластмассаларда) пресс материални пресс-қолипда маълум температурали босимда парчаланмай, қаттиқ ҳолатга ўтиш вақтига айтилади. Юқори термотурғун материаллар (масалан, полиэтилен, полистирол)дан буюм олиш осон кечади. Термотурғунылгиги кичик бўлган материал (масалан, полиформальдегид, поливинил хлорид) лардан буюм олишда парчаланиши мумкин, шу боисдан унга йўл қўймаслик тадбирларини кўриш керак.

### **5-§. Пластик массалардан тайёрланадиган деталлар конструкциясига қўйиладиган асосий талаблар**


Маълумки, пластик пластмассаларнинг физик-механик ва технологик хоссаларининг юқори бўлиши, деталь конструкциясининг содалиги, деворлар қалинлигининг кескин фарқланмаслиги, бир юзадан иккинчи юзага ўтиш радиусларининг кичик бўлиши, буюмни пресс-қолипдан осон ажралиши учун зарур қияликларнинг бўлиши, шунингдек, деталларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга қаратилган ишлар, сифатли (шакл ва ўлчамлар аниқ, сирт юзалар текис) деталлар тайёрлаш билан иш унумини ошириш лозим. Баъзи ҳолларда пластик массалардан деталларгина эмас, балки уларнинг заготовкалари (листлар, чивиқлар ва бошқа турли профиллар) олинади. Бу ҳолда листларни штамплаб турли хил деталлар ҳам тайёрлаш иқтисодий жиҳатдан қўл келади. Бунда юпқа листлар совуқлайин, қалинлари қиздирилган ҳолда штампланади. Бунда кесиш юзаларида дарзлар каби нуқсонлар бўлмаслиги учун, масалан, каттароқ тешикларни олишда аввалига кичикроқ диаметрли пуансон билан, кейин эса каттароқ диаметрли пуансон билан тешик ишланади.

### **6-§. Пластмассалардан деталлар тайёрлаш усуллари**

Пластмассалардан турли шаклдаги ва ўлчамдаги деталларни тайёрлашда қатор технологик усуллар мавжуд бўлиб, улар ичida босим билан қўйиш, айланувчан червяқ билан сиқиб чиқариш ва пресслаш усуллари кўпроқ қўлланилади.

**а) Пресс қолига босим билан қўйиш усули.** Бу усул машинасозликда термопластик пластмассалар (полиэтилен, винипласт, полистирол, полиамид ва бошқалар) дан турли шакл ва ўлчамдаги деталлар тайёрлашда қўлланилади (83-расм).

Схемадан кўринадики, бункер 7 га киритилган майдада ёки кукун материални дозатор 8дан электр қиздиргич 4 ли цилиндр 5 га киритилгач, плунжер 6 нинг чапга юришида бу материал цилиндрнинг қизиган зонасига ўтиб, 150—300°C температурада қизиб, суюқлангач, сопло 3 орқали 100—200 МПа босимда ҳайдашда у прессформа 1 бўшлиғи 2 ни тўлдиради.



**83-расм.** Босим билан қуйиш машинасиининг ишлеш схемаси:


1 — прессформа; 2 — прессформа бўшлиғи; 3 — сопло; 4 — электр қиздиргич; 5 — цилиндр; 6 — плунжер; 7 — бункер; 8 — дозатор

иш цилинди 3 га утиб зарурий ҳолатга ўтади. Червяқ 2 айланганда цилиндр 3 даги қиздирилган юқори пластик ҳолатдаги оқувчан термопластни сиқиб, матрица кўзидан утказилади. Бу усул чивиқлар, турли профилли маҳсулотлар, лента, труба, симни изоляция билан қоплашда қўлланилади.

**в) Қиздириб пресслаш.** Бу усулдан термореактив пластмассалардан турли шакл ва ўлчамдаги деталлар тайёрлашда фойдаланилади. Бунда прессформага киритилган пресスマтериални оқувчан қовушоқ ҳолатга келтириш учун зарур температурагача қиздириллади ва прессформада прессланади (85-расм).

Прессформалар конструкциясига кура бир ёки бир неча деталлар тайёрлаш учун яроқли бўлади. Матрица 1 га пресスマтериал 2 юклангунча у зарур температурагача қиздирилиб, кейин пуансон 3 билан прессланади.

## 7-§. Резина ва ундан буюмлар тайёрлаш



**84-расм.** Узлуксиз эзиб ишлеш машинасиининг схемаси:

1 — бункер; 2 — червяқ; 3 — цилиндр; 4 — қиздирилган зона; 5 — справка; 6 — каллак

У ерда бир неча секунд сақлангандан сўнг, плунжер 6 дастлабки жойига қайтарилгач, прессформа ажратилиб, деталь олинади. Бу усул серунумлиги, маҳсулотнинг геометрик аниқлиги ва ташқи юзасининг жуда текислиги сабабли механик ишлов бериш талаб этилмайди.

**б) Айланувчи червякли машинада термопластмассани матрица кўзидаши сиқиб чиқариб буюмлар тайёрлаш** (84-расм). Схемадан куринадик, майда ёки кукунсимон термопласт бункер 1 га кириб, у ердан

### Резинанинг хоссаси ва таркиби.

Маълумки, резина жуда эластик, кислота, ишқор ва мойларга чидамли, кам ейиладиган диэлектрик материалдир. Бу хоссаси туфайли ундан автомобиль, тракторларда зарурий куч таъсирини юмшатадиган воситалар (амортизаторлар), ҳаракат узатиш тасмалари, сальниклар, электроизоляцион элементлар ва бошқалар тайёрланади. Резина тайёрлашда


ўсимвиклардан олинадиган табиий каучукдан, күпроқ эса органик моддаларни синтез қилиб олинган ва табиий каучук хоссасыга яқын бўлган синтетик каучукдан фойдаланилади. Резинага зарур қаттиқлик бериш учун унга маълум миқдорда қоракуя, рух оксиди, бўр, пахта, вискоз толалари, пластиклигини ошириш учун стеарин, олеин, вулканизация жараёнини тезлатиш учун магний оксиди, рух, олтингугурт, оксидланишни камайтириш учун вазелин, парафин ва керакли ранг бериш учун охра, ультрамаринлар қўшилади. Кейин бу аралашмаларни 140°C гача қиздирилиб борувчи реакциялар натижасида резина олинади.

Резиналардан буюмлар тайёрлаш технологияси. Бу жараён қуйидаги босқичлардан иборат бўлади: ҳом резина тайёрлаш ва резинадан буюмлар тайёрлаш.


Ҳом резина тайёрлаш учун каучук олиниб, ундан маълум ўлчамларда майда бўлаклар кесиб олинади. Пластиклигини ошириш мақсадида 40—50°C температурагача қиздирилгач, металл жўвалар орасидан эзib ўтказиб, кейин унга зарур миқдорда тўлдиргич компонентлар кукуни қўшилади. Кукун маҳсус қоришириш машинасида яхшилаб аралаштирилиб, текис пластик масса ҳосил қилинади, бунга ҳом резина дейилади. Бундай резина органик эритмаларда эрийди, кутилган шаклга осон ўтади ва қиздирилса, ёпишқоқ бўлади.

Бу материалдан турли қалинликдаги лист, лента, ҳар хил шаклли заготовкалар олинади.

86-расмда резинадан турли қалинликдаги лист тайёрлаш схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, ҳом резина З турли томонга айланувчи жўвалар орасидан эзib ўтказилади. Бунда устки ва ўрта жўва 50—90°C гача қиздириллади, пастки жўва эса 15°C гача пастроқ қизиган бўлади. Жўва орасидан чиқаётган лист ёғоч барабан I га ўрала боради. Бунда лист қалинлигига жўвалар оралигини ростлаш билан эришилади. Агар резиналанган мато олиш зарур



85-расм. Тўғри пресслаш схемаси



86-расм. Резинадан лист ва лента тайёрлаш схемаси

бўлса, жўвалар оралиғидан бир вақтда хом резина 3 ва мато 2 утказилади. Бунда ўрта жўва пастки жўвага қараганда тезроқ айланади. Бу айланиш тафовути матога резина ёпишишини таъминлади. Олинаётган маҳсулот барабангга ўрала боради. Агар турли шаклли буюмлар (чивик, полоса труба ва бошқалар) олиш зарур бўлса, червякли машинадан фойдаланилади. Пресслаш билан буюмларни олиш учун маълум миқдордаги хом резина зарур температурагача қиздирилган пресс-қолипга киритилиб, пуансон билан 2—10 мн/м<sup>2</sup> босимда прессланади. Йирик ва мураккаб шаклли буюмлар олишда 83-расмда кўрсатилганидек хом резина қуйиш машинасида 80—100°C температурада қиздирилиб, 120 мн/м<sup>2</sup> гача бўлган босимда пресс-қолипга қуйилади. Олинган маҳсулоттага зарурий физик-механик хоссалар бериш учун уларга автоклавда 130—150°C температурада ва 0,1—0,4 мн/м<sup>2</sup> босимда маълум вақт термик ишлов берилади. Бу ишловга вулканизациялаш дейилади.

### **8-§. Мойловчи, зичловчи, қистирма ва елимлаш материаллари**

Ишқаланиб ишлайдиган деталларнинг ишқаланиш юзаларини мойлашга хизмат қилувчи материаллар мойловчи материаллар дейилади. Мойлар деталларнинг коррозиябардошлигини ошириш, ейилишини камайтириш ва улардан фойдаланиш муддатини узайтириш учун хизмат қилади. Мойлар суюқ, қаттиқ ва аралашмали бўлади. Суюқ мойларга минерал, ўсимлик, ҳайвон мойлари киради. Машинасозликда минерал мойлардан кўп фойдаланилади. Улар билан бир қаторда совун аралаштирилган қаттиқ мойлар (солидол, тавот, техник вазелин) дан ҳам фойдаланилади.

Аралашма мойларда совундан бошқа графит, тальк, слюдалар ҳам бўлади. Мойларни танлашда ишқаланувчи деталлар конструкциясига, иш шароитига юклама (нагрузка) температура, мұхит, ўзаро ишқаланувчи материалларга қаралади. Мойларнинг асосий характеристикасига қовушоқлиги, аллангаланиш температураси киради. Энг юқори қовушоқ мой минерал мойи бўлиб, унинг қовушоқлиги 17—22 Па дир. Машинасозликда зичлаш материаллари сифатида чарм, асбест, картон ва бошқа материаллардан ҳам фойдаланилади.

**Еним.** Турли материал бўлакларни ўзаро биринкитиришда елимлардан кенг фойдаланилади. Уларнинг хиллари кўп, албатта. Масалан, елимларга ёғоч, казеин, суяқ, балиқ елимлари, декстрин, крахмал ва бошқалар киради. Ҳар қандай материални елимлаб ёпишитиришда юзаларни аввал кир, зангдан тозалаш, улар текисланиб мослангач, яхши ёпишидиган елимлар танланиб юпқа қилиб суриласди ва тавсия этилган режимда биринкитириллади. 36-жадвалдан полимерлар асосида олинган еимлардан фойдаланиш соҳалари ва елимлаш режалари келтирилган.

Елимелар маркаси	Күллапаш соҳалари	Елимелаш режими			Елимеланган буюмларнинг эксплуатацион температураси, °С
		температура, 0°C	босим, кг/см².	вакт, соат	
ВиАМ 6-3	Текстолит, фанер, ёғочларни елимелашда	10-25	2-4	18 гача	-40 дан +70 гача
БФ2 ва БФ4	Металл, керамика, шишаларни елимелашда	180 гача	4-2	1	-60 дан +60 гача
Бакелит	Текстолит, гетинакс, шишаларни елимелашда	120 тача	—	4	-60 дан +120 гача
К-153	Металл, шиша, поливинилхлоридларни елимелашда	20-30	0,5 тача	48 гача	-30 дан +60 гача

### ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Металл ва унинг тузилиши, хоссалари орасида қандай боғлиқлик бор?
2. Металларнинг кристалланиши, бу жараёнини ўрганишнинг амалий аҳамияти нимада?
3. Қотишималарнинг ҳолат диаграммасини тузинг ва унинг амалий аҳамиятини айтиб беринг.
4. Fe-C қотишималарининг ҳолат диаграммаси, структуралари.
5. Углеродли пўлатлар ва чўянларнинг таснифи.
6. Легирланган пўлатларнинг таснифи.
7. Пўлат ва чўянлар хоссаларининг хилма-хил бўлишига қўшимча элементлар ва совитилиш тезлигининг таъсирини тушунтириб беринг.
8. Мис, алюминий қотишималари билан маркалари ва ишлатилиш жойларига мисоллар келтиринг?
9. Қотишималарнинг термик ишлаш усусларини бирма-бир тушунтириб беринг.
10. Пўлат буюмлар сирт юзаларини цементитлаш, азотлаш ва цианид усуслари қандай ва нима мақсадда олиб борилади?
11. Болғаланувчан чўян қўймалар қандай олинади?
12. Рангли металл қотишималарни термик ишлаш хусусиятларини тушунтириб беринг.
13. Металл ва нометалл материаллар кукунларидан деталлар тайёрлаш технологиясини айтиб беринг.
14. Қандай материаллар пластик массалар деб аталади ва уларнинг таркиби қандай хилларга ажратилади?
15. Пластмассалардан қандай усуслар билан буюмлар тайёрланади?

## МАТЕРИАЛЛАРНИ БОСИМ БИЛАН ИШЛАШ

21-боб

### МАТЕРИАЛЛАРНИ БОСИМ БИЛАН ИШЛАШ УСУЛЛАРИ, УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ, ФИЗИКАСОСИ ВА ИШЛОВ УСУЛЛАРИ

#### 1-§. Умумий маълумот

Конструкцион материаллардан олинган заготовкаларни ташқи юклама таъсирида пластик деформациялаш ила элементар ҳажмларини қайта тақсимлаб, кутылган шаклли ва ўлчами махсулотлар тайёрлаш технологик жараёнига босим билан ишлаш дейилади. Материалларни босим билан ишлаш усуллари одамларга жуда қадимдан таниш.

Археологик материалларнинг кўрсатишича, эрамиздан бир неча минг йиллар аввал ҳам пластик металлардан аввалига оддий шаклли учтиклар, теша ва болтага ўхшаш, кейинроқ эса қалқон, омочлар каби курол-асбоблар тайёрланган. Бунда олинган махсулотлар пластик деформацияланишида структура ўзгариши ҳисобига механик хоссалари ҳам яхшиланган.

Россияда XI асрга келиб металларни босим билан ишловчи корхоналар барпо этилиб, ўз эҳтиёжлари учун ва қўшни мамлакатларга ҳам турли махсулотлар ишлаб чиқарилган. XVI аср, яъни буюк географик кашфиётлар даврига келиб, одам кучида ишлайдиган ричагли, кейинроқ сув кучида ишлайдиган болалар ва 1839 йилга келиб Жеймс Несмит томонидан бугда ишлайдиган болга яратилиди. Кейинчалик янада такомиллаштирилиши сабабли қуввати, ФИК анча ортди.

Ҳозирда механик, сиқилган ҳавода ва буғда ишловчи бақувват болғалар, гидравлик пресслар борки, уларни машинасоэлик заводларининг темирчилик цехларида кўплаб кўриш мумкин.

Металларни босим билан ишлашнинг назарий асослари яратилишига ва ривожланишига рус олимларидан Д.К. Чернов, С.И. Губкин, Я.Н. Маркович, А.И. Зимин, И.М. Павлов, хорижий мамлакатлар олимларидан Г. Занс, Э. Томсон ва бошқаларнинг кўшган ҳиссалари фойт катта.

Шуни қайд этиш жоизки, ҳозир ишлаб чиқарилаетган пўлатларнинг таҳминан 90 фоизи, рангли металл ва уларнинг қотишмалари, пластик массалар ва бошқа материалларнинг 55 фоизи босим билан ишланиб, улардан турли хил махсулотлар олинмоқда. Бунинг боиси шундаки, бу усулдан қўймаларга қараганда аниқроқ шаклли ва ўлчамили, текисроқ юзали махсулотлар (листлар, симлар, трубалар, чивиқлар ва бошқалар)ни деярли чиқиндисиз ишлаб чиқариш мумкин. Шу туфайли уларнинг механик хоссалари бирмунча яхшиланниб, унумдорлиги эса кескин ортади. Шунинг учун ҳам бу усул катта истиқболли усул ҳисобланади.

## 2-§. Материалларни босим билан ишлаш усулларининг физик асоси

Материалларни босим билан ишлаш усуллари уларнинг пластик хоссасидан фойдаланишига асосланган. Маълумки, материалларнинг пластиклиги деб, уларнинг ташқи юклама таъсирида ёрилмай, синмай шакли ва ўлчамлари ўзгариши, бу юклама олингач, олган шакли ва ўлчамларини сақлаш хоссасига айтилади.


Металларнинг пластиклиги уларнинг хилига, кимёвий таркибиغا, структурасига, донлар ўлчамига ва шаклига, температурасига ва бошқа кўрсаткичларига боғлиқ.

Бинобарин, турли металлар ва уларнинг қотишмалари турли хил пластик даражага эга. Масалан, мис темирга нисбатан пластикроқ, шунингдек, кам углеродли пўлатлар углероди кўпроқ пўлатларга нисбатан пластикроқ. Пўлатлар таркибида С, Mn, Si, S, P ва легирловчи элементлар (Cr, W, Ti, Mg ва бошқалар) ортган сари пластиклик пасайса, Ni, V ва бошқалар ортган сари пластиклик ортади. Донлар ўлчами катталашган сари пластиклиги пасаяди. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, металл ва унинг қотишмаларининг температураси ортиши билан (ўта қиздирилмаса) пластиклиги ортади, яъни деформацияланишига қаршилиги камаяди. Тажрибаларнинг кўрсатишича, пўлатларни зарур температурага қиздиришда пластик деформацияга қаршилиги 10—15 марта камаяди.

Металларни деформациялаш тезлиги ортишида деформацияга қаршилиги ортади. Бунинг сабаби, металларни зарурий юқори пластик ҳолда қиздириб, босим билан ишлашда рекристалланиш (қайта кристалланиш) жараёни тўла ўтиб улгурмаслигидадир. Шу боисдан металларни кичикроқ тезликда ишловга нисбатан каттароқ куч билан ишлаш керак.

Шуни ҳам айтиш керакки, металларнинг пластиклигига юқорида қайд этилган кўрсаткичлардан ташқари уларга ташқи кучларнинг қўйилиш характеристининг ва заготовка билан асбоблараро ишқаланиш кучининг ҳам таъсири катта. Масалан, металлни чўзувчи кучлар кичик бўлиб, сиқувчи кучлар катта бўлса, деформация осон кўчади. Тажрибалар кўрсатадики, агар мармардек мўрт материални ҳар томонлама хотекис сиқилса, у пластик деформациялана олади. Демак, мўрт материалларни маълум шароитда тегишли режимлар тўғри белгиланса, босим билан ишлаш ҳам мумкин бўлади.

Маълумки, машинасозликда, қурилишда ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилаётган металлар ва уларнинг қотишмалари (симобдан ташқари) қаттиқ ҳолида жуда ҳам кўп (ўлчами  $10^{-1}$ — $10^{-5}$  см оралиғида) шаклсиз кристаллит (доначалар) ва улараро юпқа нометалл оксид, нитрит, силикатлар мажмусидан иборат бўлиб, улар ўзаро пухта боғланган. Уларни босим билан ишлашда аввало ғовакликлари ҳисобига зинч-



**87-расм.** Құйма пұлат заготовкаларни совуқлайин босим билан ишлашгача (а) ва ишлашдан кейинги (б) макроструктурасы

ланади, сүнгра донлар ва улар аро нометалл материаллар ҳам деформацияланади ва бу механизм ниҳоятта мұрakkab.

Бу жарайән модулини схематик тарзда қирралари билан ёнма-ён тахланған тангаларнинг бир оз қиялатилғандаги вазиятига үхшатиши мүмкін. Бунда улар бир-бирига нисбатан силжиши билан қияланиш текислигига қараб бир оз деформацияланиб бурила боради. Металларни босим билан ишлашда уларнинг хилига ва пухталигига күра таъсир этувчи ташқи юклама қыймати шундай бўлиши лозимки, у металлнинг эластик деформацияга қаршилик кучидан катта, чўзилишга муваққат қаршилик кучидан кичик бўлиши керак. Шундагина металлда дарзлар бўлмай, кутилган шаклга осонроқ ўтади. Бунда донлари ва донлараро жуда юлқа нометалл материалларнинг атомлари аввало энг зич жойланған текисликлари (қаршилик кичик бўлган текисликлари бўйлаб), кейин эса бошқа текисликлар бўйича сирпаниб силжиди. Бунда деформация йўналиши томон донларнинг чўзилиши, майдаланиши натижасида кристаллит панжара шакли бузилиб, металл пухталанади.

Металлар босим билан ишлов температурасига кўра совуқлайин ва қиздириб ишловга ажратиласди. Агар металларни босим билан ишлов температураси ( $T$ )  $\sim 0,4 T_{\text{ак}}$  температурасидан паст температурада олиб борилса, совуқлайин ишлов дейилади. Бунда металл донлари ва улараро нометалл материаллар деформация йўналиши бўйича силжиб, майдаланиб ва чўзилиши билан деярли пухталана боради. 87-расмда құйма пұлат заготовканнинг босим билан совуқлайин ишловгача ва ишловдан кейинги макроструктураси келтирилган.


Агар металларни  $\sim 0,4 T_{\text{ак}}$  дан юқоригоқ температурада босим билан ишлов олиб борилса, қиздириб ишлов дейилади. Бунда деформацияланыётган донлар ўрнига тенг ўқли деформацияланмаган донлар ҳосил бўлади.

Нометалл материалларга келсак, улар деформацияланганича қолиб толалик беради. Бунда толалар бүйлаб пухталиги, айниңса, унинг зарбий қовушоқлиги уларга тик йўналиш бўйича 1,5—2 марта ортади. Шунинг учун деталларни лойиҳалашда бу ҳолни ҳисобга олиш керак.


Металларни қиздириб босим билан ишлашда рекристалланиш температураси, масалан, темир учун  $-450^{\circ}\text{C}$ , мис учун  $-280^{\circ}\text{C}$ , алюминий учун  $-100^{\circ}\text{C}$ , рух учун  $-0^{\circ}$ , қалай учун  $-80^{\circ}\text{C}$ , қўрошин учун  $-30^{\circ}\text{C}$  бўлади. Демак, металларни рекристалланиш температурасидан паст температурада қиздириб босим билан ишланса-да, совуқлайн ишлаш дейилади.

Углеродли пўлатларни қиздириб, босим билан ишлаш учун уларнинг хилига, маркаларига ва бошқа кўрсаткичларига кўра тўла рекристалланиш ўтадиган температурада қиздириш ва шу температурада маълум вақт тутиб, кейин ишлаш керак. Масалан, эвтектоидгача бўлган пўлатларни  $\text{AC}_1$  критик температурадан, эвтектоид ва эвтектоиддан кейинги пўлатларни  $\text{AC}_3$  критик температурадан бироз юқориоқ температурагача қиздириб (88-расм), шу температурада маълум вақт сақлангандан кейингина ишланади. 89-расмда мисол сифатида турли технологик усулларда тайёрланган тирсакли валининг макроструктураси схемаси келтирилган. Тирсакли валининг иш муддати нуқтаи назаридан қаралса, иш жараёнида унга таъсири этувчи нормал куч тола йўналишига тушгани маъқул. 90-расмда эса пўлат листларни букишда тола йўналиши таъсири келтирилган.

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, металларни босим билан унумли ишлаш билан сифатли маҳсулотлар олиш, ишлов режимини тўғри белгилашда, амалда уларнинг деформацияга қаршилик кўрсатувчи омилларини ҳисобга олишда уларнинг ҳақиқий қаршилиги билан температура, деформация тезлиги ва даражасига боғлиқлигини кўрсатувчи номограммадан фойдаланилади.



88-расм.  $\text{Fe} - \text{Fe}_3\text{C}$  қотишмасининг ҳолат диаграммасига кўра пўлатларни қиздириб ишлашда температуралар оралигини (штрихланган қисм) аниқлаш графиги



89-расм. Турли усулларда тайёрланган тирсакли валларнинг макроструктура схемалари:  
а — потўғри; б — тўғри



Тўғри

Деталь



Букиши чизиги



Нотўғри

Прокатлаш  
йўналиши

90-расм. Листларни букишда толалар йўналишининг таъсири

### 3-§. Материалларни босим билан ишлаш усуллари

Металлургия ва машинасозлик саноатининг турли тармоқларида металларни босим билан ишлаш усуллари борган сари кенг тарқалмоқда. Бу усулларда пластик заготовкаларнинг катта тезликда, серунум ишланиши оқибатида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Кўйида бу усулларнинг асосийлари ва улар ҳақида маълумотлар келтирилган.

**1. Прокатлаш.** Бу усулда йирик қўйма заготовкаларни прокатлаш машина (стан)ларнинг қарама-қарши ёки бир томонга айланувчи жўвалари оралиғидан эзib ўтказиб ишлашга прокатлаш дейилади. Бунда заготовка ҳажми ўзгармаса-да, шакли ва ўлчамлари ўзгаради.

Прокатлашнинг қўйидаги турлари мавжуд:

**а) Бўйлама прокатлаш.** Бу ишловда заготовкаларни прокатлаш машиналарининг қарама-қарши томонга айланувчи жўвалар оралиғидан бўйига эзib ўтказиб ишлашта бўйлама прокатлаш дейилади (91-расм, а).

**б) Кўндалангига прокатлаш.** Бу ишловда заготовкаларнинг ўқдари параллел ёки маълум бурчак бўйича ўрнатилган прокат машинасининг жўвалари орасидан эзib кўндалангига ўтказиш билан ишлашга кўндалангига прокатлаш дейилади (91-расм, а).

**2. Пресслаш.** Бу ишловда заготовкаларни пресслаш машинасининг (контейнер деб аталувчи) ховал цилиндрига киритилиб, пуансони билан сиқиб, матрица деб аталувчи асбоб кўзидан эзib чиқариб ишлашга пресслаш дейилади (91-расм, б).


**3. Кирялаш.** Бу ишловда заготовкаларнинг киря деб аталувчи, кўндаланг кесим шакли ва ўлчами аста-секин кичрайиб борувчи асбоб кўзидан тортиб ўтказиб ишлашта кирялаш дейилади. Бунда заготовкаларнинг

күндаланг кесим шакли киря күз шаклига ўтиб кичраяди ва бўйигаузаяди (91-расм, в).

**4. Болғалаш.** Бу ишловда заготовкаларни болғалаш машинанинг пастки боёги муҳрасига (дастаки болғалашда сандонга) кўйиб, устки боёги муҳраси билан зарблаб ишлашга **болғалаш** дейилади (91-расм, г).

**5. Ҳажмий штамплаш.** Бу ишловда заготовкаларни штамп деб аталувчи асбобнинг пастки палла ўйигига қўйиб, устки палласи билан зарблаб ишлаш ҳажмий штамплаш дейилади (91-расм, д).

**6. Лист штамплаш.** Бу ишловда лист заготовкаларни матрица деб аталувчи асбоб устига қўйиб, четлари қисиши ҳалқаси билан қисилиб уларни пресс машина пуансони билан эзиб, уни матрица ўйигига киритиб ишлашга **лист штамплаш** дейилади (91-расм, е).



**91-расм.** Металларни босим билан ишлани усуулларининг асосий турлари:  
а — прокатлаш; б — пресслаш; в — кирялаш; г — болғалаш; д — ҳажмий штамплаш; е — лист штамплаш

**МЕТАЛЛ ЗАГОТОВКАЛАР ТУРИ,  
УЛАРНИНГ ПЛАСТИКЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ҚИЗДИРГИЧ ҚУРИЛМАЛАР**

**1-§. Заготовкалар турини**

Заготовкаларни босим билан ишлашда олинувчи буюмлар хилига, материалига, шакли ва ўлчамларига яқинини танлаш техник-иктисодий нуқтаи назардан зарурдир. Маълумки, босим билан ишлаш йўли билан олинувчи маҳсулотлар материали, шакли ва ўлчамига кўра пластик металл қўймалар ва прокатлар олинади, жумладан, пўлат қўймаларнинг массаси 500 кг дан то 350 т гача бўлади. Машинасозликда кўпроқ фойдаланиладиган пўлат (қўймалар массаси 3 т дан то 8 т гача) прокатларга келсак, уларнинг массаси, кўндаланг кесим шакли ва ўлчамига кўра турлича бўлади.

**2-§. Қиздиргич қурилмалар**


Металлургия ва темирчилик корхоналарида металл заготовкаларни босим билан ишлашдан аввал пластиклигини орттириш мақсадида уларни зарурий температуррагача қиздиришда қиздиргич қурилмалардан фойдаланилади.

Қиздиргич қурилмалар конструкциясининг оддийлиги, зарурий температуррага осон ростланиши, қисқа вақт ичидаги заготовкаларни текис қиздириши ва у температурани сақлаши, кимёвий таркибига путур етказмаслиги, ёқилғининг кам сарфланиши каби талабларга жавоб бериши лозим. Қиздиргич қурилмалар алангали (мазут ёки табиий газда ишловчи) ва электрик (электр токда ишловчи) хилларга ажратилиди. Алангали печлар эса қудуқли, методик ва камерали печларга ажратилиди.

Алангали қиздиргич печлар юқорида қайд этилган талабларга тўла жавоб бермаса-да, турли ўлчамли заготовкаларни зарурий температуррага қиздиришга имкон беради. (Баъзан таъмирлаш устахоналарида тошкўмирида ишловчи горна деб аталувчи ўчоққа ўхшаган печларда заготовкаларни қиздиришда уларни бевосита кўмир билан муносабатда бўлиши сабабли кимёвий таркибининг ўзгариши, ажралаётган иссиқликдан тўла фойдаланмаслик каби камчиликлари бўлиб, шу сабабли уларни фақат таъмирлаш устахоналарида учратиш мумкин.)

**Алангали қиздиргич печлар:**

**а)** Қудуқли печлар. Бу печлардан, одатда, йирик қўйма заготовкаларни босим билан ишлашдан аввал зарур температуррага бир текисда қиздиришда фойдаланилади. Ушбу замонавий печлар автоматик равишда ишлайди.




92-расм. Қудук типидаги рекуператив печь ячайкасниннег схемаси:

1 — рекуператор; 2 — газ труба; 3 — каналлар; 4 — қопқоқ;  
5 — құймалар; 6 — горелка

Шуни қайд этиш жоизки, бу печларни ишлатишда ёниш маҳсулотлари иссиқлигидан қайта фойдаланиладиган бўлса, уларга *рекуператив печлар* дейилади. Агар улардан ёнувчи газлар ва ҳавони қиздиришдагина фойдаланилса, уларга *рекуператив печлар* дейилади.

92-расмда қудуқли рекуператив печнинг бир ячайкаси схематик тарзда келтирилган. Расмдан кўринадики, печга пўлат құймани киритиш учун қопқоғи 4 кран билан олинади. Кейин унга заготовкалар 5 киритилиб, қопқоқланади. Сўнгра рекуператорларда қиздирилган ёнувчи газ ва ҳаво тегишли трубалар орқали горелка 6 га юборилади. Горелка мундштукидан чиқаётган газ ёқилади. Ёниш маҳсулотлари эса ён ёғидаги каналлар 3 орқали рекуператорлар 1 га утади.

**6) Методик печлар.** 93-расмда бу печнинг схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, у иш бўшлиғи (камераси) бўйига (8—22 м оравлиғида) чўзилган бўлиб, турли температуралари уч зонага эга бўлади. Печнинг столи 11 га юкланган заготовкалар юқори температуралари зонасига механик сургич ёрдамида аста суриб турилади (таглиги суриладиган транспортёр типидаги, туби айланадиган хиллари ҳам бўлади). Ёниш маҳсулотлари эса камерадаги заготовкаларни аста-секин (методик равиша) узлуксиз қиздириб, мўри 8 га ўтади. Бу печлар ёнувчи газларда, мазутда ишлаб осон ростланадиган бўлади. Унинг камерасига заготовкаларни киритиш, қизигандан кейин ишловга олиш қулаги, лекин ФИК 30—40 фоиз оравлиғида бўлади. Печларнинг иш унумдорлиги бир суткада ҳар бир квадрат метр таглик юзасида қиздирилган




93-расм. Методик печниңг схемасы:

1 — труба; 2 — қыздирилган заготовкани олиш дарчаси;  
горелкалар жоий; 4 — печь каркаси; 5 — заготовкани узил-кесил  
қыздириш камераси; 6 — печь девори; 7 — хомаки қыздириш камераси;  
8 — мүри; 9 — заготовкалар; 10 — сургич; 11 — иш столи

металл миқдори (одатда 25—35 т) ва ёқилғининг нисбий сарфланишига (шартли ёқилғи қиздириладиган заготовкалар массасининг 4,5—6% ини ташкил этади) биноан аникланади.

**в) Камерали печлар.** Бу печлар газ, мазут ва қаттиқ ёқилғиларда ишлайди, уларнинг камерасида температура бир хил бўлади. Уларда қиздирилаётган кичик заготовкалар ёқилғи билан бевосита муносабатда бўлмай, ёниш маҳсулотлари иссиқлиги таъсирида қизийди. Шуни қайд этиш жоизки, алангали печлар камерасида ҳаво назарий миқдордан ортиқроқ бўлгани сабабли печь муҳити оксидловчи бўлади. Бу ҳолнинг олдини олиш мақсадида печга қайтарувчи газлар ( $\text{CO}$  ёки  $\text{H}_2$ ) ҳайдалади ёки нейтрал муҳит ҳосил этилади. 94-расмда қаттиқ ёқилғида ишлайдиган камерали печнинг схемаси келтирилган. Схемадан кўринадику, заготовкаларни печга юқлаш дарчалари 5 орқали кири-тилади, ёқилғи эса ёниш камераси 1 даги оловдон панжараси 2 да ёқилади ва ёниш маҳсулотлари печнинг қиздириш камерасидан ўтиб заготовкаларни қиздириб, мўри 4 орқали ташқарига ўтади. Қачонки, заготовка зарурий температурагача тўла қизигач, уларни дарчалар орқали ишловга олинали. Бу печларда ажралувчи газлар билан қарийб 50 фоизгача иссиқлик атмосферага чиқади. Шу сабабли ФИК паст (15–35 фоиз оралиғида) бўлади. Печларнинг ФИК ини ошириш мақса-



94-расм. Камерали печнинг схемаси:

*1 — ёниш камераси; 2 — оловдон;  
3 — қиздиринш камераси; 4 — мүри;  
5 — заготовкани киритиш дарчаси;  
6 — заготовка*

дида бир неча камералар бир қилиб йиғилиб, күп камерали печларга үтказилмоқда.

### Электр қиздиргич қурилмалар

Бу қиздиргич қурилмалар алангали печларга қараганда қиздириш тезлигининг катталиги, метал куюндининг деярли озлиги, жараённинг автоматлаштиришга қулайлиги, иш шароитининг яхшилиги билан фарқланади.

Күйида электр қиздиргич қурилмалар турлари келтирилган:

**а) Қаршиликли электр қиздиргичлар.** Бу қиздиргичларнинг иш бүшлигига киритилган кичик заготовкалар уларнинг иш деворига нихромли, хромникелли ўрама симлар ёки карборунд стерженлар ўрнатылган бўлиб, улар зарурый ток үтказилганда ажralаётган иссиқлик ҳисобига қизийди.


**б) Контактли электр қиздиргичлар.** Бу қиздиргичларда заготовкаларни қурилманинг мис контактли қисқичларига қисиб, улар орқали 10—15 В кучланишили, 10000—15000 А ток үтказилишида қаршилиги ҳисобига қисқа вақт ичидан зарур температурага қизийди (95-расм). Бунда ажralаётган иссиқлик миқдорини Жоул-Ленц қонунига кўра кўйидагича аниқласа бўлади:

$$Q = 0,24 \cdot J^2 R \cdot t,$$

бу ерда  $J$  — ток кучи,  $A$ ;  $R$  — заготовка қаршилиги, Ом;  $t$  — токнинг заготовкадан ўтиш вақти, С.

Контактли қиздиргичларнинг ФИК юқори (68—75 фойз оралиғида) бўлади. Масалан, ўртача 1 кг ли чивиқ пўлат заготовкани зарур температурагача қиздириш учун 0,35—0,45 кВт/соат электр энергия сарфланади. Бу усуудан диаметри 15—75 мм гача, узунлиги 700 мм гача бўлган металл заготовкаларни қиздиришда фойдаланилади.

**в) Индукцион электр қиздиргичлар.** Бу қиздиргичларда заготовкаларни индуктор деб аталувчи мис ўрамли қисмiga киритилади-да, унга юқори частотали ёки саноат частотали ўзгарувчан ток юборилади. Бунда индуктор атрофида ҳосил бўлган ўзгарувчан магнит майдони таъсирида заготовкада юритма ток ҳосил бўлади ва бу ток таъсирида у тезда қизийди (96-расм). Шуни қайд этиш керакки, ток частотаси ортиши билан заготовкага токнинг сингиши чуқурлиги камаяди ва унинг қийматини қўйидаги империк формула бўйича аниқлаш мумкин:



95-расм. Контактли электр қиздиргич схемаси:

1 — заготовка;

2 — клеммалар;

3 — трансформатор

$$h = 5000 \sqrt{\frac{\rho}{\mu f}}, \text{мм},$$

бу ерда:  $\rho$  — заготовканинг солишири маңзуралығы, Ом;  $\mu$  — магнит киришувчанлығы, ГС/Э;  $f$  — ток частотаси, Гц.

37-жадвалда мисол тариқасида пўлат заготовкаларни  $1250^{\circ}\text{C}$  температурага қиздиришда унинг диаметрига кўра ток частотаси ва қиздириш вақти оралиғидаги боғланиш келтирилган.

### 37-жадвал


Қиздириладиган пўлат заготовканинг диаметри, мм	Ток частотаси, Гц	Қиздириш вақти, с
5–20	200000–300000	15
15–40	8000	30
30–80	2500	100
50–120	1000	210
150 ва ортиқ	50	480

Ўртача бир килограмм пўлат заготовкани зарурый температурага қиздириш учун  $0,4$ – $0,5$  кВт/соат электр энергия сарфланади. Бу усул қиздириш тезлигининг юқорилиги, металл куюндининг озлиги ( $0,5$  фоизгача) ва осон автоматлаштирилиши каби афзалликларга эга. Амалда бу усулдан диаметри  $15$ – $350$  мм гача бўлган заготовкаларни қиздиришда кенг фойдаланилади.

Маълумки, босим билан ишлаш натижасида олинадиган маҳсулотларнинг кўп қисми углеродли конструкцион пўлатлардан тайёрланиши сабабли ишловдан аввал уларнинг пластиклигини ошириш мақсадида маълум температурага қиздириш зарурлиги ҳақида юқорида

қайд этилган эди. Лекин пўлатлар хилига кўра уларнинг қиздириш температура чегараси айтилмаган эди. Амалда пўлатлар таркибидаги углерод миқдорига кўра уларнинг қиздириш температура чегарасини белгилашда  $\text{Fe}-\text{Fe}_3\text{C}$  ҳолат диаграммасидан (88-расм) ёки тегишли маълумотномалардан фойдаланилади.

Академик С. И. Губкин тавсиясига кўра бу температурани металлнинг абсолют суюқланниш температурасининг  $0,70$ – $0,95$  қийматига кўра белгиласа ҳам бўлади. 88-расмдаги  $\text{Fe}-\text{Fe}_3\text{C}$  диаграммадан кўринадики, босим билан ишлашни бошлаш температураси солидус чизигидан  $100$ – $150^{\circ}$  пастроқда, ишловни тугатиш температураси эса аустенитнинг перлит



96-расм. Индукцион электр қиздиригич схемаси:


- 1 — заготовка;
- 2 — индуктор;
- 3 — ток маңбаи

билин иккиламчи цементта парчаланиш температураси 75°C дан юкори-роқда бўлади. Агар пўлатларни босим билан ишлашда уни юқори тем-пература чегарасидан юқорироқ температурада ўта қиздирилса, донлар йириклишиб, мўртлашади. Бу температурадан янада юқорироқ темпе-ратурада эса донлараро осон эрувчи моддалар (масалан, эвтектика) эрийди, бундан ташқари муҳитдаги кислород унинг ички қатламлари-га ўтиб, донларни оксидлайди. Натижада уларнинг ўзаро боғланиши бузилади. Агар заготовкаларни босим билан ишлашда қиздириш тез-лигининг ҳаддан ташқари ортиши заготовкалар сирт юзлари билан ички қатламлар температуралари орасидаги тафовут ортиши ҳисобига термик кучланишлар, фазалар ўзгаришида эса структуравий кучла-нишлар ҳосил бўлади. Бу кучланишлар қўшилса, заготовка деформа-цияланишида ёрилиши ва баъзан дарз кетиши мумкин.


Айниқса, бу ҳол иссиқликни ёмон ўтказадиган (кўп углеродли, легирланган) пўлатлар учун деворлар қалинлигининг ҳар хиллиги, шак-лининг мураккаблиги катта хавф туғдиради.

97-расмда график равишда металларни қиздириб босим билан иш-лаш температурасига кўра механик хоссаларининг ўзгариши, 98-расм-да доналар ўлчамининг ўзгариши схематик тарзда кўрсатилган. Айтай-лик, ишловдан аввал заготовка доналар ўлчами «а» бўлган дейлик. Бу заготовкани зарур «г» температурага қиздириб, уни масалан, штамп бўшлиғига ўтказайлик. Маълумки, бу вақт ичидаги заготовка бир оз совийди, уни «Г-Д» эгри чизиқ билан белгилайлик. Маълумки, даст-лабки ишловдаги зарб натижасида заготовка доналари майдаланади. Лекин бунда сарфланган кинетик энергия бир қисмининг иссиқликка ўтиши сабабли заготовка температураси пасаймай, балки бир оз кў-тарилади, уни «Д-Е» чизиқ билан белгилайлик. Кейинги зарбагача унинг температураси бир оз пасая-ди, уни «Е-И» эгри чизиқ билан белгилайлик. Агар босим билан ишловни «Ж» температурада тугал-ласак, унинг доналари «з» ўлчамли бўлади. Агар ишлов давом эттирилса-чи? Хар бир кейинги зарб иш-ловлардан кейин доначалар ўлча-ми температура ўзгаришида «и», «лм», «но» эгри чизиқлар бўйича ўзгара боради.

Агар заготовкаларни босим билан ишлашни юқорироқ пластик ҳолдаги температурада олиб борилса, уни кугилган шаклга ўтказиши-да камроқ иш сарфланса-да, дона-лар йирикроқ бўлади.



97-расм. Юмшатилган углеродли пўлатни қиздириш температурасига кўра механик хоссаларининг ўзгариши графиги



98-расм. Металларни босим билан ишлашда ишлаш температурасига күра донлар үлчаминынг ўзгариши

Шунинг учун металларни босим билан қиздириб ишлашда уларнинг қиздириш температураси, қиздириш тезлигини шу температурада тутиш вақтини, ишловни қайси температурада тугаллашни белгилешеуде юқорида қайд этилган күрсаткычларга эътибор берган ҳолда маида донли бўлишига ҳаракат қилиш лозим. 38-жадвалда турли металл қотишмаларни босим билан ишлаш олдидан ишловни бошлиш ва тугатиш температура оралиқлари мисол сифатида келтирилган.

38-жадвал

Қотишманинг номи	Ишловни бошлиш температураси, °C	Ишловни тугатиш температураси, °C
Пулатлар	1050–1350	700–950
Мис қотишмалари	750–850	600–740
Алюминий қотишмалари	470–500	350–400
Магний қотишмалари	370–430	300–350
Титан қотишмалари	930–1150	800–900

Пўлатларни қиздириб босим билан ишлаш температураси углерод ортган сари юқори ва пастки температура оралиқлари тораяди. Шу боисдан кўп углеродли, легирланган, кўндаланг кесими йирик пўлат


заготовкаларни методик равишида бир неча босқычларда, яъни дастлабки босқычда фаза ўзгариш температурасигача секин, кейин фаза ўзгариш температурасида маълум вақт сақлаш, сўнгра зарурий температурагача тезроқ қиздириш ва охирида заготовка бутун кесими бўйича бир хил қизиши учун шу температурада зарур вақт сақлаш лозим.

Амалда заготовкани печда энг кам тутиб туриш вақти заготовка материалига, шаклига, печ температурасига, печга жойланниш характеристига боғлиқ бўлади. Проф. Н.Н. Доброхотовнинг тавсиясига кўра бу вақтни қўйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$T = \alpha \cdot K \cdot D \sqrt{D}, \text{соат}.$$

Бу ерда  $\alpha$  — заготовканинг печь камераси полига қай тартибда жойланганлигини ҳисобга олувчи коэффициент. Бу коэффициент қиймати 1,0—4,0 оралиғида бўлади. Аниқ ҳол учун заготовка кўндаланг кесим шаклига ва печга жойлаш характеристига кўра белгиланади (99-расм).  $K$  — заготовканинг кимёвий таркибини ҳисобга олувчи коэффициент, бу коэффициент қиймати кам ва ўртача углеродли ва легирланган пўлатлар учун 10, кўп углеродли ва кўп легирланган пўлатлар учун 20 олинади.  $D$  — заготовка диаметри (квадрат бўлса томонлар ўлчами), мм.

Юқорида келтирилган формуладан кўринадики, унда заготовка узунлиги ва пўлатдаги углерод миқдори қиздириш тезлигига деярли таъсир этмагани учун ҳисобга олинмаган.

Заготовкаларни печга жойланниш	Коэффициент $\alpha$
	1,0
	1,4
	1,3
	1,8
	2,0
	2,2
	4,0

99-расм. Заготовкаларнинг печга жойланниш схемаси

## МАТЕРИАЛЛАРНИ ПРОКАТЛАШ

### 1-§. Умумий маълумот


Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, прокатлаш натижасида олинадиган маҳсулотларнинг аксарият қисми бўйлама прокатлашда олиниди.

Агар заготовқадан, масалан, листлар, полосалар прокатланадиган бўлса, прокат станининг жўвалари цилиндрик, силлиқ, турли кесим юзали маҳсулотлар, масалан, швеллер, қўштаврлар прокатланадиган бўлса, ўйиқли бўлади (100-расм).

Кўндалангига прокатлаш усусларида даврий прокатлар, шарлар, гильзалар олинади (101-расм).

### 2-§. Прокат станлари, тузилиши ва ишлаши

Металларни прокатловчи машиналарга прокатлаш станлари дейилади. 102-расмда бўйлама прокатлаш станининг умумий кўрининиши келтирилган. Прокатлаш стани юқори сифатли пўлат ёки чўяндан тай-



*100-расм. Прокатлан жўвалари ва калибрлари:*

- a* — силлиқ листлар прокатлаш жўваси; *1* — бочка; *2* — бўйин; *3* — треф;
- b* — сортили буюмлар жўвалари: *4* — ўйик; *c* — очиқ калибр; *d* — ёпиқ калибр; *d* — қўштавр балкаларни тайёрлашдаги калибрлаш жўвалари




**101-расм. Күндалангига прокатлаш:  
шатун поковкасини (а) ва шарларни даврий прокатлаш (б)**

ёрланган жўвалари 8 айланма ҳаракатни электр двигател 1дан эластик муфта 2, редуктор 3, муфта 4, иш клети 5, шпинделлар 6, треф муфта 7 орқали узатади. Жўвалар кўндалант йўналишда сурилиш имконига ҳам эга.


100-расм, а, б да эса прокатлаш стани жўваларининг текис ва ўйиқли хиллари келтирилган. Текис, цилиндрик жўвалардан полосалар, листлар олишда фойдаланилса, ўйиқли жўвалардан кўндаланг кесим юзи турлича шаклда бўлган маҳсулот (сортамент)лар олинади. Агар жўваларни аниқ шаклли ва ўлчамли текис юзаси ўйиқлари қўшилса, калибр ҳосил бўлади (100-расм, в, г). Зарур температурагача қиздирилган заготовкани бир неча бор бўйлама прокатлаш натижасида кўштаврни олиш кетма-кетликлари 100-расм, д да келтирилган. Шуни қайд этиш жоизки, прокат станларининг иш клети жўвалар сонига кўра иккита, учта, тўртта, кўп жўвали ва универсал хилларига ажратилиди (103-расм).

Иккита жўвали хилида заготовкаларни жўваларнинг орасидан сиқиб ўтказиб ишловчи бақувват станлар жўвалари бир томонга айланадиган ва айланиш томони ўзгарадиган бўлиб, уларда қуйма пўлатлар прокатланади. Бу ишловлар такрорланиши натижасида кўндаланг ке-



**102-расм. Прокатлаш станининг схемаси:**

1 — электр двигатель; 2 — эластик муфта; 3 — редуктор; 4 — кулачокли муфта; 5 — иш клети; 6 — шпинделлар; 7 — треф муфта; 8 — жўвалар



### 103-расм. Прокат станлари:

*а — икки жүвали; б — горизонтал ва вертикаль үрнәтилган; в — уч жүвали;*  
*г — түрт жүвали; д — олти жүвали; е — күп жүвали; ж — универсал;*  
*з—к — трубалар тайёрлаш жүвалари; л — трубалар чўзувчи жүвалар*

сим юзи деярли катта ўлчамли квадрат ёки түғри түрт бурчакли, турли узунликдаги блюм ёки сляблар деб аталувчи заготовкалар олинади. Шу боисдан бу станлар блюминг ва слябинглар деб ҳам юритилади. Уч жүвали станларда заготовкаларни прокатлаш аввалига пастки ва ўрта жүвалар орасидан ўтишида сиқиб, эзилиши билан ишлангач, кейин уни ўрта ва устки жүвалар орасидан ўтишида сиқиб, эзиз ишланади. Түртта, олтита жүвали станларда заготовка ўрта жүвалар билан прокатланади. Иш жараённада уларнинг эгилмасликлари учун устки ва пастки катта диаметрли таянч жүвалар ўрнатилиб, заготовка ҳар бир клет жүваларидан кетма-кет ўтиб ишланади. Бунда заготовка материали хоссасига кўра прокатлаш тезлиги 35—40 м/с га teng бўлади. Сортовой станларга келсак, уларда заготовкалар прокатланиб, кесим юзи турли шаклли (юмалоқ, квадрат, швеллер, рельс ва бошқалар) маҳсулотлар олинади. Шуни қайд этиш жоизки, калибрловчи жүвалар ўйиклари заготовкани деярли сиқиб, эзишда аста-секин ўлчамлари кичрай бориш или ишланмоги лозим.

### 3-§. Бўйлама прокатлаш


Маълумки, металлургия корхоналарида прокатланувчи йирик пўлат заготовкалар турли шаклли ва ўлчамли қўймалар бўлиб, улар ишлаб чиқарилувчи цехлардан прокатлаш участкаларига узатилади. У ерда қудуқ типидаги печларда зарур температурагача қиздирилгач, кранлар билан прокат станининг рольгангига қўйилади, прокатланади. Санаатда прокатлаш усуллари ичida заготовкаларнинг 90 фойзи бўйлама прокатланади.

Бу ишловда маълум температурагача қиздирилган пўлат заготовкалар прокат станининг ўқларига параллел ўрнатилган ва қарама-қарши томонга айланувчи жўваларнинг орасидан бир неча бор сиқиб, эзизб ўтказиш ўёли билан ишланади (104-расм). Бу ишловлар натижасида қўйма пўлатлардан аввалига блюмлар, сляблар, кейин уларни тегишли станларда қайта прокатлаб, турли маҳсулотлар (балка, қўштавр, швeller, цилиндрик фўла ва бошқалар) олинади.

104-расмдаги схемадан кўринадики, жўвалар оралиғида эзилиб ишланувчи заготовканинг АВВ'А' қисмигина пластик деформацияга берилиб, қалинлиги кичрайиб, бўйига чўзилиб узайиши билан, энiga бир оз кенгая боради.

Прокатлашда заготовканинг абсолют сиқилиш қиймати ( $\Delta h$ ) унинг ишловдан аввали қалинлиги ( $h_o$ ) дан ишловдан кейинги қалинлиги ( $h_1$ ) нинг айримасига teng бўлади:

$$\Delta h = h_o - h_1, \text{ мм.}$$



104-расм. Бўйига прокатлаш схемаси

Бунда нисбий сиқилиш ( $\varepsilon$ ) ни қуйидагича аниқлаш мүмкін:

$$\varepsilon = \frac{h_0 - h_1}{h_0} \cdot 100\%.$$

Бунда заготовка энининг абсолют кенгайиши ( $\Delta B$ ) ишловдан кейинги эни ( $B_1$ ) дан ишловдан аввалги эни ( $B_0$ ) нинг айрmasига тенг бўлади:

$$\Delta B = B_1 - B_0, \text{ мм.}$$

Нисбий кенгайиши эса  $\theta = \frac{B_1 - B_0}{B_0} \cdot 100\%$  бўлади. Заготовканинг абсолют узайиши ( $\Delta l$ ) ни аниқламоқчи бўлсак, унинг ишловдан кейинги узунлиги ( $l_1$ ) дан ишловдан аввалги узунлиги ( $l_0$ ) ни айриш керак:

$$\Delta l = l_1 - l_0, \text{ мм.}$$

Бунда нисбий узайиши  $\delta = \frac{l_1 - l_0}{l_0} \cdot 100\%$  бўлади.

Маълумки, металларни прокатлашда унинг ҳажми ўзгармаслигини ҳисобга олсак, заготовка ҳажми ( $V_1$ ) олинган маҳсулот ҳажми ( $V_0$ ) га тенг ( $V_1 = V_0$ ) бўлади.

Маълумки,  $V = h_0 \cdot B_0 \cdot l_0$ ;  $V_1 = h_1 \cdot B_1 \cdot l_1$ . Уни қуйидагича ифодалаш ҳам мүмкін:

$$\frac{l_1}{l_0} = \frac{h_0}{h_1} \cdot \frac{B_1}{B_0}$$

$\frac{l_1}{l_0}$  нисбатта заготовканинг узайиши коэффициенти дейилади, уни « $\lambda$ » ҳарфи билан белгилаймиз,  $\frac{h_0}{h_1}$  нисбатга заготовканинг сиқилиши коэффициенти дейилади ва  $\gamma$  ҳарфи билан белгиланади,  $\frac{B_0}{B_1}$  нисбатга кенгайиши коэффициенти дейилади ва  $\beta$  ҳарфи билан белгилаб, юқоридаги тенгламани қуйидагича ёзиш мүмкін:

$$\lambda = \gamma \cdot \beta.$$

Заготовкани бўйлама прокатлашда  $\lambda$  асосий кўрсатгичлардан бири бўлиб, пўлатлар учун кўпинча 1,1—1,6 оралиғида бўлади.

Маълумки, заготовканинг прокатланишида  $ABB'A'$  қисми деформацияланиш зонаси бўлади.  $AB$ , шунингдек  $A'B'$  ёйининг горизонтал ўқдаги проекция узунлигига деформацияланиши зона узунлиги дейилади. Заготовкани жўвалар билан эзib, ишқаланиб турган  $AB$  ( $A'B'$ ) ёйини қамраш бурчаги ( $\alpha$ ) га эса қамраш бурчаги дейилади. Бу кўрсаткичлар қиймати заготовка материалига, қалинлигига, температурасига, прокатлаш тезлигига ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ. Маълумки,

заготовкани бўйлама прокатлашда уни қарама-қарши томонга айланадётган жўвалар оралиғига узатилганда у жўвалар билан ишқаланиб қамрала боради. 104-расмдаги схемадан кўринадики, прокатлашнинг бошлиланишида заготовка «A» нуқтаси (худди шундай «A'» нуқтаси) қамраш бурчаги ( $\alpha$ ) бўйлаб, қамралишда нормал кучлар  $N$  ( $N'$ ), уринма ишқаланиш кучлари  $T$  ( $T'$ ) таъсирига берилади. Агар бу кучларни вертикал ва горизонтал ўқларга проекцияласак, улар  $N_x$  ва  $T_x$  ( $N'_x$  ва  $T'_x$ ),  $N_y$  ва  $T_y$  ( $N'_y$  ва  $T'_y$ ) кучларга ажратилади.  $N_x$  ( $N'_x$ ) ва  $T_x$  ( $T'_x$ ) кучлар эса заготовкани сиқиб эзса,  $N_y$  ( $N'_y$ ) кучлар заготовкани жўвалар оралиғига киришига қаршилик кўрсатади.  $T_x$  ( $T'_x$ ) кучлар эса заготовкани жўвалар оралиғидан ўтишга чорлайди.

Демак, прокатлаши узлуксиз бориши учун  $T_x > N_x$  бўлиши керак. Маълумки,  $T = T \cdot \cos\alpha$ ;  $N = N \cdot \sin\alpha$ . Агар юқорида келтирилган шартга биноан  $T_x$  ва  $N_x$  кучлар ўрнига уларнинг қийматларини қўйсак, у тубандаги кўринишга ўтади:

$$T \cdot \cos\alpha > N \cdot \sin\alpha \quad (1)$$

Металларни узлуксиз бўйлама прокатлашда уларни қарама-қарши томонга айланадётган жўвалар орасидан эзиб ишлаш пайтида  $T \cdot \cos\alpha > N \cdot \sin\alpha$  бўлгандагина узлуксиз прокатлаши боради. Механикадан маълумки, икки жисм ўзаро бир-бирига ишқаланиб ҳаракатлашишида ишқаланиш кучи ( $T$ ), нормал куч ( $N$ )нинг ишқаланиш коэффициенти ( $f$ ) кўпайтмасига teng

$$T = N \cdot f. \quad (2)$$

Ишқаланиш коэффициенти қиймати эса жўвалар билан заготовка материалига, юзалар ҳолатига, температурасига, қамраш бурчаги ( $\alpha$ ) га ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ бўлади. Агар (1) тенгламадаги « $T$ » ўрнига (2) тенгламадаги унинг қийматларини қўйсак, у тубандаги кўринишга ўтади:

$$N \cdot f \cdot \cos\alpha > N \cdot \sin\alpha,$$

$$f \cdot \cos\alpha > \sin\alpha,$$

$$f > \operatorname{tg}\alpha.$$

Шундай қилиб, узлуксиз прокатлашнинг бориши учун жўвалар билан заготовканинг ишқаланиш коэффициенти ( $f$ ) қиймати қамраш бурчагининг тангенсидан катта бўлиши керак. Одатда, қиздирилган пўлат заготовкаларни силлиқ цилиндрик жўвалар билан прокатлашда  $\alpha = 32-38^\circ$ , совуқлайнин прокатлашда  $\alpha = 3-10^\circ$  оралиғида бўлади.

Лекин шуни айтиш керакки,  $\alpha$  бурчаги жўвалар диаметрига ва заготовканинг абсолют сиқилиш ( $\Delta h$ ) қийматига кўра ўзгаради. 104-расмдаги схемадан қўйидаги ифодаларни оламиз:

$$A, B = OB - OA_1 = R - OA,$$

$$OA_1 = R \cdot \cos\alpha,$$

$$A_1B = \frac{h_0 - h_1}{2} = R - R \cdot \cos\alpha,$$

$$h_0 - h_1 = D - D \cdot \cos\alpha$$

$$D \cdot \cos\alpha = D - (h_0 - h_1)$$

$$\cos\alpha = \frac{D - (h_0 - h_1)}{D} = 1 - \frac{h_0 - h_1}{D} = 1 - \frac{\Delta h}{D}.$$

Бу боғланишдан шундай холосага келиш мүмкін:

1. Заготовкани бир хил абсолют сиқишида жўвалар диаметри катталашган сари қамраш бурчаги кичрайди.
2. Қамраш бурчаги ўзгармаганда жўвалар диаметри ортишида абсолют сиқилиш қиймати ортади.
3. Жўвалар диаметри ўзгармаганда қамраш бурчаги ортишида абсолют сиқилиш ортади.

Агар заготовканинг жўвалар оралиғига кириш тезлигини  $\vartheta_0$ , жўваларнинг айланиш тезлигини  $\vartheta$  ва заготовканинг жўвалар оралиғидан ўтиш тезлигини  $\vartheta_1$  ҳарфлари билан белгиласак,  $\vartheta_0 < \vartheta < \vartheta_1$  бўлади. Прокатлаш жараёнини кузатишлар бу ҳолни тасдиқлайди.

Маълумки,

$$\vartheta = \frac{2\pi R \cdot n}{60}, \text{ м/с,}$$

Бу ерда  $R$  — жўвалар радиуси, мм;  $n$  — жўваларнинг 1 минутдаги айланиш сони.

Прокатлашда заготовканинг нисбий узайиш тезлиги тубандагича аникланади:

$$\vartheta_\delta = \frac{\vartheta_1 - \vartheta}{\vartheta} \cdot 100\%.$$

Умумий ҳолда  $\vartheta_\delta$  катталик  $\vartheta_1$  дан 3–10% га ортиқ бўлади. Прокатлаш тезлиги  $\vartheta$ , эса заготовка ва жўвалар материалига, абсолют сиқилиши қийматига, жўвалар радиусига ва бошқа кўрсаткичларга боғлик. Масалан, лист прокатлашда  $\vartheta = 15$  м/с, сим прокатлашда ~35 м/с га етади. Прокат станининг бир соатдаги унумдорлиги ( $A$ ) ни қуйидаги формула бўйича аниклаш мүмкін:

$$A = \frac{3600 \cdot G}{t}.$$

Бу ерда 3600 сони бир соатдаги секундлар;  $G$  — заготовка массаси, т;  $t$  — прокатлаш вақти, с.

#### **4-§. Прокат маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш**

Машинасозликда, қурилишда ва бошқа соҳаларда кенг миқёсда ишлатиладиган прокат маҳсулотлар турлари хилма-хил бўлиб, уларга *сортаментлар* дейилади.

Сортаментлар қуйидаги гурухларга ажратилади:

1. Сортли прокатлар. Бу маҳсулотларни ўз навбатида кўндаланг кесим шакли тўғри тўрт бурчакли, цилиндрик, квадрат, олти қиррали ва шу каби шакллilarга — оддий, кўндаланг кесими шакли мураккаб-роқ бўлган маҳсулотлар, масалан, швеллерлар, рельслар, қўштаврларга мураккаб прокат маҳсулотлар дейилади.

2. Листлар.

3. Трубалар.

4. Махсус шакллар.

Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда тегишли шаклли ва ўлчамли заготовкалар танланади.

**Сортли прокат маҳсулотлар ишлаб чиқариш.** Маълумки, пўлат қуймалар metallurgik цехлардан прокатлаш цехларига узатилади. Қуймалар тегишли печда 1200–1250°C температурагача қиздирилгач, ўзгармас токда ишловчи бақувват (5–10 минг кВт ли) блюминг деб аталувчи станларда бўйлама прокатлашга узатилади. Ишлов натижасида кўндаланг кесим томонлари ўлчами 140×140 мм дан 450×450 гача бўлган, бурчаклари маълум радиус бўйлаб ўтмасланган ва узунлиги 1–6 м ли блюм деб аталувчи квадрат маҳсулотлар олинади. Шунингдек қуймалардан бақувват слябин деб аталувчи прокат станларда қалинлиги 75–300 мм, эни 600–700 мм ва ундан ортиқ, узунлиги 1000–2500 мм бўлган, кесим юзи тўғри тўртбурчакли сляб деб аталувчи маҳсулотлар олинади. Блюм ва сляблар ўз навбатида бўлак прокат маҳсулотлар олишда заготовка бўлади. Шуни қайд этиш жоизки, булардан тегишли прокат олишда аввало уларни зарурий температурада қиздириб, сўнгра хомаки, кейин эса узил-кесил ишлаш учун тегишли жўвалар ва уларнинг ўйиклари (калибрлари) дан эзиб ўтказиб, ишлов натижасида кутилган шаклли, ўлчамли ва узунликдаги маҳсулотлар олинади, жумладан цилиндрик (диаметри 8–300 мм гача бўлган), квадрат (томонлар ўлчами 5–250 мм гача бўлган), олти қиррали (диаметри 6–100 мм цилиндрдан олинган), тўғри тўртбурчакли (қалинлиги 75–300 мм, эни 600–700 мм гача ва ундан ортиқ турли узунликдаги) ва мураккаб шаклли маҳсулотлар олинади.

**Листларни ишлаб чиқариш.** Пўлат листларни олишда заготовкалар сифатида сляблар олиниб, уларни алангали печларда зарур температура оралигида қиздириб, маълум вақт шу температурада кесим юзаси бўйича тўла қизигунча сақланади-да, кейин кўп клетли лист прокатлаш станининг ролъгангига ўтказилиб, аввалига хомаки, кейин эса узил-кесил бўйлама прокатланади. Бунда паралел ўрнатилган ва қарама-

Карши томонга айланувчи цилиндрик текис юзали горизонтал ва вертикал ўрнатилган жүвалар орасидан заготовканинг эзид ишланишида у түрт ёқлама сиқиб эзилади. Бунда ҳар бир марта эзид ўтказиб ишлashedan кейин жүвалар оралиги кичрайтирила борилади.

Хомаки прокатлашда заготовка 70–80% га сиқилиб ишланса, қолған қисми эса узил-кесил ишловга тұғри келади.

Шуни айтиш жоизки, кейинги йилларда пұлаттарни узлуксиз күйиш курилмасида олинган слябларни кетма-кет ўрнатилган хомаки ва узил-кесил ишловчи станларда прокатланмоқда. Бунда улар ҳар бир иш станларига ўтишида заготовка сиртидаги куюндилар ажратгичлар ёрдамида ажратилади. Бунда қалинлиги 1,2–16 мм гача бұлган листлар олинади.


Қалинлиги 1,5 мм дан юпқа листларни заготовка сифатида қиздирив прокатлашда олинган листлар совуқлайин прокатланади. Прокатлашдан аввал уларнинг сиртидаги оксидлардан тозалаш учун күпинча улар 10–20% ли сульфат кислотанинг сувдаги эритмаси солинган ваннага туширилиб, маълум вақт сақланғач, олиб яхшилаб ювилиб, кутилади-да, кейин прокатланади. Бу станларда полосалар қиздирилиб ишлаб олинса, листлар совуқлайин ишлаб олинади. Күп жүвали станлар иш клети жүвалари диаметри 10–30 мм бўлиб, уларнинг сони 12 ва ундан ортиқ бўлади. Уларнинг иш жүвалари кўпгина таянч жүваларига таянгани учун бикирлиги деярли юқори бўлади. Бу станларда полоса заготовкалар совуқлайин прокатланиб, қалинлиги 0,001 мм гача бўлган листлар олинади. Универсал станларда горизонтал ва вертикал ўрнатилган жүвалари бўлиб, буларда заготовка түрт томонлама сиқилиб, эзилиб прокатланиб ишланади. Шунингдек, жүвалари маълум бурчак бўйича ўрнатилган кўндаланг-вентсимон станларда труба гильзалари олинади. Шуни қайд этиш ҳам жоизки, кейинги йилларда такомиллашган кўп клетли узлуксиз ишловчи станлар саноатда көнг жорий этилмокда. Бу станларда иш клетлари бирин-кетин ўрнатилган чизиқли станларда, шунингдек кўп жүвали станларда мой ёки мойли сув (эмультсия) муҳитида прокатланади. Олинган рулон листлар ҳимоя мұхитли печда 650–720°C температурада юмшатилади ва зарурий ўлчамларда кесилади.

Кейинги йилларда листларнинг коррозиябардошлигини ошириш мақсадида уларнинг сирт юзалари полиэтилен, хлорвинил ва бошқа материаллар билан юпқа қилиб қопланмоқда. Шунингдек баъзан коррозиябардошлигини ошириш учун рухли ваннага тушириб, маълум вақт сақлаш билан уларнинг сиртлари рухланади.

Листлар қалин, юпқа ва ниҳоятда юпқа хилларга ажратилади. Агар листлар қалинлиги 4–160 мм гача бўлса — қалин, 4 мм дан кичик бўлса — юпқа ва қалинлиги 0,0015–0,15 мм оралиғида бўлса — ниҳоятда юпқа (фольга) листлар дейилади.


**Трубаларни ишлаб чиқариш.** Масъулиятли чоксиз пўлат трубаларни олишда аввало цилиндрик шаклли қўймалардан зарур ўлчамли заготовкалар кесиб олингач, улар тореци юза марказида (махсус тешик очувчи станларда ёки пармалаш станокларида) диаметри ~30 мм, чукурлиги 35 мм бўлган тешик очилади. Кейин уларни зарур температурага тегишли печда текис қиздирилади. Сўнгра улар ўқлари бир-бирига 5–15° бурчак бўйича ўрнатилган бир томонга айланувчи бочкасимон (иккала томони кесик конусли) жўвалар орасидан эзизб ўтказиб прокатланади (105-расм). Бунда жўваларнинг бир йўла айланишида заготовка қарши томонга бир неча марта айланниб, илгариланма ҳаракатланиб, кичрая боради. Бунда жўвалар конуслиги сабабли заготовка эзилиб, унинг ўрта қисмида радиал ва уринма кучланишлар таъсирига берилиб, марказида жипслиги бузила боради, қўймадаги мавжуд ғовакликлар, нометалл материаллар бу жараённи осонлаштиради.

Заготовканинг илгариланма сурилишда унинг йўналишига қарши томонга қаратиб ўрнатилган қўзғалмас конусли оправкага кийила боришида тешик кенгайиб, юмaloқ ва текис юзали маълум қалинликдаги гильза деб аталувчи маҳсулотга ўтади. Кейин эса бу гильзалардан трубалар олиш учун уларни яна калибр оралиқ ўлчамлари ўзгарувчи икки жўвали станларда ишланади. Бунда станнинг жўвалари ўз ўқи атрофида айланашганда улар оралиғига кенгая ва торая боради. Жўвалар калибри очилиб кенгайганда узун оправкага кийгизилган гильза маҳсус механизм ёрдамида улар оралиғига суриласди (106-расм, 1-хол). Жўвалар айланашганда калибр ўйиқлари кичрайишида гильза эзилиб ишлана боради (106-расм, 2-хол). Бунда оправкага кийгизилган гильза сурини йўналишига тескари томонга бирмунча узаяди. Бунда оправ-



105-расм. Гильзаларни олиш учун қўймаларни прокатлаш схемаси:

1 — заготовка; 2 — жўвалар; 3 — оправка



106-расм. Юпқа деворли трубани гильзадан тайёрлап схемаси

кадаги гильзанинг орқага тортилишига уни узатувчи механизм қаршилик кўрсатади. Жўвалар тўла бир айлангандан кейин яна салт калибр қисми келишида гильза бўйлама ўқ атрофида  $90^{\circ}$  га айлантирилиб, яна унинг ишланмаган жойи калибр оралиғига узатилади. Гильзадан керакли ўлчамдаги труба олмагунча цикл тақорланаверади. Одатда, жўвалар бир тўла айланнишида гильзани узатувчи механизм олға 8дан 25 мм гача сурилади. 120–180 марта суриб ишловда диаметри 45–600 мм, деворлар қалинлиги 2–150 мм гача, узунлиги 30 м гача бўлган трубалар олинади. Трубани ички диаметри оправка диаметрига, ташқи диаметри калибр диаметрига тенг бўлади. Агар диаметр 45 мм дан кичик трубалар олиш зарур бўлса, унда уларни кирялаш станларига узатилади.

### Чокли трубаларни ишлаб чиқариш

Бундай трубалар ишлаб чиқаришда заготовка сифатида пўлат лист олиниб, унинг эни тайёрланадиган трубанинг периметрига, қалинлиги эса унинг девори қалинлигига тенг бўлади.

Пайвандлаш қирралари жойлари маълум бурчак остида кесилиб тайёрланган лист заготовкани 1300–1350°C гача қиздириб, махсус прокат станнинг воронкаси орқали тортиб, эзиб ўтказилиб ишланади. Бунда заготовка кромкалари қисилиб, эзилиб пайвандланади. Бу усулда кичик диаметрли (100 мм гача) трубалар олинади. Катта диаметрли (630–

1420 мм) трубалар олишда эса заготовкани лист қайириш станида труба шаклиға ўтказиб, зарурий температурагача (~1300°C) қиздирилгач, пўлат оправкага кийгизилган ҳолда прокат стани ўйиқли жўвалар оралиғидан эзиг ўтказиш билан пайвандланади. Баъзи ҳолларда трубалар олишда пайвандлаш жойлари флюс қатлами остида электр ёй ёрдамида, роликли электроконтакт усулда ва аргон гази мұхитида электр ёй ёрдамида пайвандланади. Чокли трубалар қалинлиги 0,5–16 мм гача бўлиб, узунлиги 10–2500 мм оралиғида бўлади.

**Кўп қаватли трубалар олиш.** Диаметри 1420 мм гача бўлган, катта босимда (12 МПа) ишловчи трубаларни ишлаб чиқариш технологияси Е. О. Патон номидаги металларни электр пайвандлаш институтида ишлаб чиқилган бўлиб, бунинг учун қалинлиги 4–5 мм, эни 1700 мм ли лист заготовкалар олиниб, уларни маҳсус барабандга трубага ўраладида, айрим жойлари ишловда очилиб кетмаслиги учун пайвандланади, сўнгра эса бутун узунаси бўйлаб флюс қатлами остида электр ёй ёрдамида автоматик равишда пайвандланади. Кейин оправкага аввалига кичик диаметрли трубы кийгизилиб, унга ундан каттароги, кейингисига эса ундан ҳам каттароқ трубалар кийдирилиб, прокатлаш или ўзаро зичланади. Зарур зичликдаги трубалар олингач, торешилари текисланиб учма-уч қилиб пайвандланади. Бундай трубалар узунлиги 20 м ва ундан ортиқ бўлади.

**Маҳсус шаклдор прокат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.** Бу маҳсулотлар юқорида қайд этилганидек, хилма-хил бўлиб, уларнинг баъзилари металлургия корхоналарининг ўзида, баъзилари (даврий прокатлар, шарлар, роликлар ва бошқалар) машинасозлик заводларида кўндалангига прокатлаб ишлаб чиқарилади.

Айниқса, бу маҳсулотлар ичидаги даврий прокатларни винтсимон ўйиқли станларда кўндалангига прокатлаб олишнинг аҳамияти катта.

Бу маҳсулотларга темир йўл фидираклари, бандаж ҳалқалар, шарлар, кўндаланг кесим шакли бўйича даврий ўзгарадиган маҳсулотлар киради.

## 24-боб

### МАТЕРИАЛЛАРНИ ПРЕССЛАШ

#### 1-§. Умумий маълумот

Пресслаш машинасининг контейнер (ҳавол цилинтри)га киритилган материалларни унинг матрица деб аталувчи асбоби кўзидан сиқиб чиқариш билан боғлиқ бўлган технологик жараёнга пресслаш дейилиши юқорида қайд этилган эди. Бунда олинаётган буюмнинг кўндаланг кесими матрица кўзи шаклига ўтиб, бўйига узаяди.

Юқори пластик рангли металл ва уларнинг қотишмалари совук-лайнин, пўлатлар эса маълум температурага қиздирилиб прессланади. Бунда диаметри 3 мм дан ортиқ бўлган чивиклар, девор қалинликлари 1,5–12 мм га ва ички диаметри 20–400 мм гача бўлган трубалар, кўндаланг кесим ўлчами 400  $\text{мм}^2$  гача бўлган турли шаклли буюмлар ва бошқалар олинади, уларнинг узунлиги эса ҳар хил бўлади. Бу ишловда заготовкалар сифатида қўймалар ва сортаментлардан фойдаланилади.

Материалларни пресслашнинг икки усули бўлиб, булардан бири тўғри, иккинчиси эса тескари пресслашдир. 107-расм, *a* ва *b* да тўғри ва тескари пресслаш усуллари схемаси келтирилган.

107-расм, *a* дан кўринадики, контейнер деб аталувчи ҳавол цилиндр 2 га киритилган заготовка 6 шайбали пуансонни *A* стрелкаси томон юришида уни *P* куч билан сиқиб, матрица 3 кўзидан чиқаради, чунки ўнг томонидаги тирак шайба 5 матрицанинг силжишига йўл қўймай, контейнерни зич беркитиб туради. Бу ҳолда заготовка контейнердеворига ишқаланиб сурилиб деформацияланишида маълум қаршиликка учрайди. 107-расм, *b* дан кўринадики, тескари пресслашда матрица 3 ни пуансоннинг *A* стрелкаси томон юришида заготовка контейнерда силжимай, эзилиб, мажбуран матрица кўзидан ўтади. Бу ҳолда заготовка контейнердеворига ишқаланимайди, бинобарин, пуансонга қаршилик кўрсатувчи ишқаланиш кучи ҳам йўқ. Шу сабабли металларни тескари пресслаб буюмлар олишда сарфланадиган куч (*P*) тўғри пресслашга қараганда 20–30% кичик бўлиб, чиқинди ҳам 2–3 марта кам бўлади. Лекин тескари пресслашини тўғри пресслашга қараганда афзаликлари бўлса-да, пуансон конструкциясининг мураккаблиги, олинувчи маҳсулот узунлигининг чекланиши ва бошқа сабабларга қўра бу усулдан фойдаланиш бирмунча чекланган.

## 2-§. Пресслаш ускуналари ва асбоблари

Металларни пресслашда кўпроқ горизонтал ҳамда вертикал гидравлик пресслардан фойдаланилади, чунки уларнинг конструкцияси оддий бўлиб, тезлиги осон ростланади. Гидравлик горизонтал прессларнинг пресслаш кучи 600–60000 т оралиғида бўлса, вертикаллариники 300–1000 т оралиғида бўлади. Шуни қайд этиш керакки, металларни пресслашга ўтишдан аввал тайёрланувчи буюм материалига, хоссасига, шаклига ва ўлчамига қўра заготовка танлашда унинг ҳажми олинувчи буюм ҳажмига яқинроқ бўлиши лозим. Бунда унинг узунлиги (*l<sub>3</sub>*) ҳавол бўлмаган буюмлар учун  $l_3 = (2-3) \cdot d_{\max}$ , ҳавол буюмлар учун  $l_3 = (1,5-2) \cdot d_{\min}$  деб олинади. Кейин унинг сирт юзи оксид пардалар ва кирлардан тозалангач (бунинг учун масалан, 15–25% сульфат кислотанинг сувдаги эритмаси солинган ваннага маълум вақт тушириб, кейин яхшилаб ювиб, қуритилади), заруриятга қўра маълум темпера-


турага қиздириб, контейнерга киритилади. Пресслаш режими заготовка пластилигига, деформациялаш даражасига ва бошқа омилларга күра белгиланади. Агар заготовканинг асбоб матрица күзидан чиқиш тезлиги ( $\vartheta_3$ ) аниқланмоқчи бўлинса, пресслаш тезлигини  $\vartheta_n$  заготовканнинг чўзишиш коэффициентини  $\mu$  десак, унда

$$\vartheta_3 = \mu \cdot \vartheta_n; \text{ см/с.}$$

Масалан, мис қотишмасини пресслашда  $\vartheta_3$  нинг қиймати 12–15 см/с, алюминий учун 8 см/с бўлади.

Матъумки, матрица олинувчи буюм кўндаланг кесим шакли, ўлчами ва юза сифатини таъминлайди. Шунинг учун бу асбоблар сифатли углеродли ва легирланган асбобсозлик пўлатлар, металлкерамик қаттиқ қотишмалар, синтетик олмослар ва бошқа материаллардан тайёрланади. Уларнинг конструкциясига келсак, кўз ўлчамлари ўзгарадиган ва ўзгармайдиган хиллари бўлади.

107-расм, *a* да пластик металл ва унинг қотишмаларидан трубалар тайёрлаш схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, контейнердаги заготовка бир оз сиқиб эзилгач, пуансон иғнаси заготовка орқали матрица кўзига киради, кейин заготовкани пуансон билан сиқиб улар оралиғидан ўтказилади. 107-расм, *b* да пресслаб олинадиган турли шаклли ва ўлчамли буюмларнинг кўндаланг кесими мисол сифатида келтирилган.



107-расм. Пресслаш схемаси:

- a* — тўғри пресслаш; *b* — тескари пресслаш; *c* — трубалар тайёрлаш;
- c* — пресслаш йўли билан ҳосил қилинадиган буюмлар профили;
- 1 — пуансон; 2 — контейнер; 3 — матрица; 4 — буюм; 5 — шайба;
- 6 — заготовка; 7 — прессшайба

## МАТЕРИАЛЛАРНИ КИРЯЛАШ

### 1-§. Умумий маълумот

Бу усулдан прокатлаш ва пресслаш билан олиш қийин бўлган ингичка (диаметри 0,002 дан 4 мм гача бўлган) симлар, турли шаклли ва ўлчамли калибрланган чивиклар, турли профилли буюмлар, юпқа деворли трубалар ва бошқа пластик материаллар (пўлатлар, ранги металлар ва уларнинг қотишмаларидан) олинади. Бунинг учун аввало заготовкалар сиртидаги оксид пардалардан, кирлардан тозаланади (Кўпинча уларни 40–60°C ли 10–25% сульфат кислотанинг сувдаги эритмаси солинган ваннага маълум вақт тушириб сақлангач, олиниб, каучук содали сувли ваннада бир оз вақт тутиб турилиб, сувли ваннада ювилади ва қуритилади). Заготовкаларнинг бир учини киря кўзидан ўтадиган қилиб ишлангандан сўнг уни тобора кичрайиб борувчи киря асбоб кўзидан зарур қийматли куч ( $P$ ) билан тортиб ўтказилади. Бунда заготовка деярли деформацияланиб, кўндаланг кесими кичрайиб, бўйи узайиб, бутун узуунлиги киря кўзи шакли ва ўлчамига ўтиб, сирт юзи текис ва силлиқ бўлади.

Агар заготовканинг кесим юзини янада кичрайтириш зарур бўлса, унинг кўзи тобора кичрая борувчи бир неча кирялардан ўтказиб ишланади. Масалан, ингичка симлар олишда, кўзи кичрая борувчи кирядан 10–20 марта ўтказиб ишланади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, кирялашда заготовкалар кўпинча совуқлайнин ишлангани учун ишловдан аввалги кўндалант кесим юзи бирмунча кичрайиб, бўйига чўзилади, деформация ўйналиши бўйича доналар ва улараро нометалл материаллар бурилиб, чўзилиб, майдаланиб пухталанади. Шунинг баробарида мўртлашиб, маълум даражада деформацияланиб, узилиш хавфи туғилиши сабабли тортувчи куч қиймати чекланади. Шу сабабли металларнинг пластиклик даражасига кўра тортувчи куч заготовка кўндалант кесим юзининг кичрайиши 1,05–1,5 дан орттирилмагани маъкул. Бу куч қийматини куйидаги формула бўйича топиш мумкин:

$$P = K F \sigma_b; \quad H \text{ (кг)}.$$

бу ерда  $K$  — кирялаш коэффициенти (масалан, пўлатларни кирялаш учун 0,5–0,7);  $F$  — заготовканинг кўндаланг кесим юзи,  $\text{мм}^2$ ;  $\sigma_b$  — материалнинг чўзилишга кўрсатадиган вақтли қаршилиги,  $\text{МПа}$  ( $\text{кг. к/мм}^2$ ).

Амалда кирялаш кучини камайтириш учун контакт юза минерал мой, графит каби антифрикцион материаллар билан мойлаб турилади. Шуни айтиш жоизки, заготовкани бир неча бор совуқлайнин кирялашда мўртланиши сабабли зарур ҳолда термик ишлаб юмшатилади.


Металларни кирялашда ўргача нисбий деформацияланиш даражаси пүлаттарни кирялашда 10–18%, рангли металларни кирялашда 20–35% дан ортирилмайды.

## 2-§. Кирялаш ускуналари, киря материалы ва конструкцияси

Заготовкаларни кирялаш машиналарига *кирялаш станлари* дейилди ва улар иккى гурухга ажратилади:

1. **Тұғри чизиқ бўйлаб тортиб ишловчи станлар.** Бу станларнинг занжирли, рейкали, винтли ва бошқа хиллари бўлади. Занжирлilари саноатда кўпроқ тарқалган. Бу станларда диаметри 150 мм гача бўлган турли узунликдаги металл чивиклар, кўндаланг кесим шакли турлича бўлган буюмлар, трубалар олинади. Уларни кирялаш кучи 5–6 МН (150–600 тН) оралиғида бўлиб, тортиш тезлиги 20–50 м/мин бўлади. 108-расмда занжирли станинг схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, унинг станинасига кронштейн 1, унга киря 7 ўрнатилган. Станина йўналтиргичларида юрувчи аравача 4 нинг ўнг ёғида занжирга илинадиган илгаги 5 бор.

Кирялашни бошлашдан аввал заготовкалар сирт юзалардаги кир ва оксидлардан тозаланиб, кейин бир учи ингичкаланиб, киря кўзидан ўтказиладиган қилиб ишлангач, уни киря кўзидан ўтказиб, аравача қисқичи билан қисилгач, аравача илгаги узлуксиз ҳаракатланувчи занжир 6 нинг пластинкасига илинади. Занжирнинг ҳаракатида у билан бирга аравача ҳам ўз йўналтирувчиларида тўғри чизиқ бўйлаб юриб,




108-расм. Занжирли кирялаш стани схемаси:

1 — кронштейн; 2 — заготовка; 3 — қисқич; 4 — аравача; 5 — илгак;  
6 — занжир; 7 — киря


заготовкани киря күзидан тортиб утказа боради. Кирялаш тугагач, буюм қысқичдан ажратиб олинади-да, пластинкадан илгак чиқарылади. Бунда аравача қия йұналтирувчиларда юриб, дастлабки жойига қайтади. Кирялаш тезлиги калта пўлат чивиқлар ( $5\text{--}8$  м) олишда  $0,03\text{--}0,65$  м/с, узун чивиқлар олишда  $1,6\text{--}2$  м/с оралығыда бўлади. Бир вақтнинг ўзида бир неча чивиқларни ( $10$  донагача) параллел киряловчи конструкцияли серунум кирялаш станлари ҳам бор.

**2. Барабанли кирялаш станлари.** Бу станларда диаметри  $0,002\text{--}10$  мм гача бўлган симлар, кичик кесимли турли шаклли буюмлар олинади. 109-расмда бир барабанли кирялаш станининг схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, айланувчи барабан 1 га ўралган симнинг ингичкаланган учи киря 2 күзидан ўтказилиб, барабан 3 га маҳкамланаади. Барабан 3 га эса айланма ҳаракатни электр двигател 5дан редуктор 4 ва жуфт конус тишли фиддираклар 6 орқали узатилади. Киряланувчи сим диаметрига кўра барабанлар диаметри  $120\text{--}1000$  мм ва ундан ортиқ бўлади. Бир барабанли станлар қуввати  $15\text{--}50$  кВт бўлиб, тортиш тезлиги  $240$  м/мин гача бўлади. 110-расмда эса бир неча киря кўзларидан кетма-кет ўтказиб ишловчи кўп барабанли станда заготовкани кирялаш схемаси келтирилган. Расмдан кўринадики, кирялашда заготовкани 1-7 кирялар күзидан тортиб ўтказилишида сим  $8\text{--}14$  барабанларга ўрала боради. Кирялашда сим кесими ингичка тортиб узаяди, кейинги барабанлар тезлиги ортганда зарурый тарангликка эришилади. Бу кирялаш станлари қуввати  $150$  кВт гача бўлиб, тортиш тезлиги  $2500$  м/мин гача ва ундан ортиқ бўлади.



**109-расм. Бир барабанли кирялаш стани схемаси:**

- 1. 3 – барабан; 2 – кронштейн; 4 – редуктор; 5 – двигатель;
- 6 – тишли фиддирак; 7 – киря



110-расм. Кўп барабанли станица кирялаш схемаси:

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 — кирялар; 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14 — барабанлар


Кирялар иш қисми юқори қаттиқликка эга бўлган асбобсозлик материалларидан, пўлатлардан, қаттиқ қотишмалардан ва синтетик олмосдан ҳам тайёрланади. Бу материаллар коррозиябардош бўлиб, жараёнда кам ейилади. Масалан, турли профилли чивиқлар ва трубалар олишда асбобсозлик пўлатларининг У7, У12, ШХ 15, Х12М ва бошқа маркаларидан, диаметри 0,55 мм пўлат симлар олишда эса металлокерамик қаттиқ қотишмалардан (масалан, ВК8, Т15К6 маркаларидан) тайёрланади. 111-расмда ўриндиқ (обойма) ҳалқага ўрнатилган кирянинг бўйлама кесим схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, унинг бўйи бўйлаб характерли 4 та зона ажратиш мумкин:

**I зона (А участка).** Бу участка заготовканинг киря кўзига кириш конуси ( $\beta$ ) дейилади. Бу конус орқали учи ўткирланган заготовка унинг киря кўзига киритилади ва бу бурчак  $40\text{--}60^\circ$  оралиғида олинади. Бу зонада мойловчи мой ҳам текис тақсимланади.


**II зона (Б участка).** Бу зона иш конуси ( $\alpha$ ) дейилади. Бу зонада заготовка пластик деформацияга берилади. Бу зона узунлиги  $l = (0,5\text{--}0,7) d_{\max}$  оралиғида олинади. Конус бурчаги ( $\alpha$ ) эса заготовка қаттиқлилигига, у билан кирянинг ишқаланиш кучига кўра белгиланади. Одатта,  $2\alpha = 8\text{--}26^\circ$  оралиғида бўлади.

**III зона (В участка).** Бу зонада заготовка калибраниб, аниқ шаклли ва ўлчамли, текис юзали, силлиқ маҳсулотга ўтади. Бу зонанинг эни  $B = (0,3\text{--}1,0) d_k$  оралиғида олинади.

**IV зона (Г участка).** Бу зона чиқиш конуси ( $\gamma$ ) дейилади. Бу зона кирялаб олинувчи буюмнинг сиртини тирналишдан, дарзланишдан сақлайди. Бу зона бурчаги  $\gamma = 60\text{--}90^\circ$  оралиғида бўлади. Обойма ҳалқага келсак у қовушоқ ва деярли пухтароқ конструкцион пўлатлардан тайёрланади ва улар конструкциясига кўра яхлит, йиғма ва роликли бўлади.



111-расм. Кирянинг бўйлама кесими (а) ва унинг ўриндиқка маҳкамланиши (б)



112-расм. Трубаларни кирялаш схемаси

112-расмда трубаларни кирялаш схемалари көлтирилгән. Схемадан күринадики, ишловлар оправкалар билан ва оправкасиз олиб борилади. Агар труба девори қалинлигини бир оз юпқалаш зарур бўлса, узун оправка билан бирга (112-расм, а), трубанинг ташки диаметрини ва қалинлигини кичрайтириш зарур бўлса, қўзғалмас ва қўзғалувчи оправакада (112-расм б ва в) ва ички диаметринигина кичрайтириш зарур бўлса, оправкасиз ишлов олиб борилади (112-расм, г).

## 26-боб

### МАТЕРИАЛЛАРНИ ЭРКИН БОЛҒАЛАШ


#### 1-§. Умумий маълумот

Эркин болғалаш деб пластик ҳолатдаги материални болға боёк муҳраси (зарур ҳолда тегишли асбоблардан фойдаланиш) билан зарблаб ёки пресс муҳрасининг босими таъсирида кутилган шаклли ва ўлчамли буюмлар олиш технологик жараёнинг айтилади. Бу технологик ишлов натижасида олинган буюмларга поковка дейилади. Поковкалар турли шаклли ва ўлчамли бўлиб, массаси бир неча граммдан 350 т гача ва унлан ортиқ бўлиши мумкин.

Шуни айтиш жоизки, катта поковкалар қўймалардан олинса, ўртacha ва кичик ўлчамли поковкалар прокат заготовкалардан олинади. Металларни болғалаш усуллари билан одамлар жуда қадимдан таниш бўлганлигига қарамай, бу усуллар ҳозирда ҳам буюмларни доналаб ва кам серияда ишлаб чиқарувчи корхоналарда кенг қўлланилади.

Бу усул механизациялашынанда даражасига кура дастаки ва машиналарда болғалаш турларига ажратиласы. Дастаки болғалашда майда прокат заготовкани уста бир учини чап қулидаги қисқиң билан қисиб, сандон устига құйиб, ўнг құлидаги болғача билан уриш билан шогирдига кувалда билан уриш жойини күрсатыб, күтилган шаклли ва ўлчамли буюм тайёрлады. Бу ишларни бажаришда түрли асбоблардан (қисқиң, текислагиң, зубила, болға ва бошқалардан) фойдаланылады (113-расм). Буюм сифати уста малакасига боғлиқ бўлиб, иш унумдорлиги жуда паст. Шу сабабли бу усулдан ҳозирда фақат кичик таъмирлаш устахоналарида фойдаланилмоқда.

Машинасозлик заводларининг темирчилик цехларида түрли заготовкалардан поковкалар олишда түрли хил машиналардан фойдаланылади.



**113-расм. Металларни дастаки болғалашда ишлатыладыган асбоблар:**  
 а — болғача; б — босқон; в — сандон; г — омбирлар; д — силлиқлагиличлар;  
 е — қисқиңчлар; 1 — устки; 2 — остки; ж — подбойкалар; ж — устки;  
 2 — остки; з — зубилалар

## 2-§. Эркин болғалаш усқуналари


Маълумки, заготовкаларни болғаларда динамик зарб билан катта-роқ (6–7 м/с) тезликда ишланса, прессларда эса секинроқ (0,1–3 м/с) тезликда статик юкламада катта босим билан ишланади.

Болғалаш машиналари конструкциясининг оддийлиги, осон ростланиши, ҳар хил тезликда ва турли куч билан ишлаши ҳамда бошқа кўрсаткичларига кўра болғалаш-пресслаш цехларида кенг фойдаланилади. Болғаларнинг сиқилган ҳавода (пневматик), сиқилган буф-ҳавода, механик тарзда ишловчи ва бошқа хиллари бўлса, прессларнинг эса сиқилган сувда (гидравлик), сиқилган буф-ҳавода, кривошип, фрикцион ва бошқа хиллари бор. Уларнинг қайси биридан фойдаланиш олинувчи поковкалар материалига, шакли ва ўлчамларига боғлиқ. Масалан, майда (25–30 кг гача) поковкалар олишда пневматик болғалардан, ўртacha поковкалар олишда сиқилган буф-ҳавода ишловчи болғалардан ва йирик поковкалар олишда гидравлик пресслардан фойдаланилади.

Сиқилган буф-ҳавода ишловчи болғалар тузилишига кўра оддий ва мураккаб хилларга ажратилади. Оддий хилларида сиқилган буф-ҳаво зарб берувчи қисмларни фақат юқорига кўтаришга хизмат қилса, мураккаб хилларида сиқилган буф-ҳаво зарб берувчи қисмларни фақат юқоригагина кўтармай, балки пастга тушишида поршента қўшимча босим ҳам бериб, болғанинг зарб қувватини анча орттиради. Бу хил болғалардан асосан саноатда кенг фойдаланилади.

*Сиқилган ҳавода ишловчи болғаларнинг тузилиши ва ишлаши.* 114-расмда бу болғанинг умумий кўриниши ва ишлаш схемаси келтирилган. Бу расмдан кўринадики, унинг иккита цилинтри бўлиб, булардан бири компрессор цилинтри 9 бўлса, иккинчиси иш цилинтри 12, улар сиқилган ҳавони тақсимловчи механизmlари 6, 7 орқали боғланган. Компрессор цилинтридаги поршен 13 га илгарилама-қайтма ҳаракат электр двигатель 11, редуктор 10 ва кривошип-шатун механизми 14 орқали узатилади.

Компрессор поршени 13 пастга ҳаракатланганда унинг тагидаги сиқилган ҳаво тақсимловчи механизми 6 орқали иш цилинтри поршени 12 тагига ўтиб, уни юқорига кўтаради ва аксинча поршен 13 юқорига ҳаракатланганда сиқилган ҳаво тақсимловчи механизм 7 орқали иш цилинтридаги поршен 12 нинг юқорисига ўтиб, уни пастга юргизади. Бунда у билан боғланган баба 15 боёқ пастга ҳаракатланиб, пастки боёқ 4 устидаги заготовкани зарблайди. Зарур бўлса, устки боёкни ҳаво тақсимловчи механизм ёрдамида кўтарилган ёки туширилган ҳолда сақлаш мумкин. Бу болғаларда тушувчи қисмлар массаси 75–1000 кг гача бўлиб, минутига 95–225 марта зарб бера олади. Шу боисдан бу болғалардан майда поковкалар олишдагина фойдаланилади.




**114-расм. Пневматик болға:**

*a — умумий күриниши; б — ишлаш схемаси; 1 — педаль; 2 — шабот; 3 — ёстиқча; 4 — пастки босқ; 5 — устки боек; 6, 7 — ҳаво тақсимловчи механизм; 8 — иш цилинтри; 9 — компрессор цилинтри; 10 — редуктор; 11 — электр двигатель; 12 — иш цилинтри поршени; 13 — компрессор поршени; 14 — криношил-шатунлы механизм; 15 — баба*

*Сиқилган буғ-ҳавода ишловчи болғалар тузилиши ва ишлаши. Бу болғаларнинг бир ва икки стойкаликлари бўлади. 115-расмда икки стойкалигининг умумий күриниши ва ишлаш схемаси кўрсатилган. Сиқилган буғ-ҳавода ишловчи болғалар ишлашига кўра оддий буғ машинасига ўхшаёт бўлиб, бунда ҳам сиқилган буғ ёки ҳавони икки томонга тақсимлаш механизми (золотник) бўлади.*

Болғани ишга тушириш учун ричаг 1 ни, у билан боғланган тортқи 2 ни пастга ўтказилганда буғ ёки ҳаво тақсимловчи механизм 4 орқали 0,7–0,9 МПа босимда цилиндр 5 поршени тагига кириб поршени ва у билан боғланган шток 8, баба 10 ва устки боек 11 ни юқорига кўтаради ва аксинча ричаг 1 ни, у билан боғланган тортқи 2 ни юқорига ўтказилганда буғ ёки ҳаво тақсимловчи механизм 4 орқали 0,7–0,9 МПа босимили сиқилган буғ ёки ҳаво цилинтри 5 поршени юқорисига кириб поршенини ва у билан боғланган шток 8, баба 10 ва устки боек 11 ни пастга ҳаракатлантиради. Бунда пастга ҳаракатланувчи деталлар массасига буғ ёки ҳавони кўшилиб, пастки боек муҳраси устида қўйилувчи заготовкани зарблайди. Болға ҳаракати ва унинг қай ҳолда сақланиши золотникли тақсимловчи механизм ёрдамида бошқарилади. Бундай болғалаш машиналарнинг пастга тушувчи қисмлари массаси 0,5 дан 5 тоннага етади. Уларда массаси ўртача 20–350 кг ва баъзан 2–3 т гача бўлган поковкалар олинади.

*Болғаларнинг заготовкага зарб бериш энергиясини аниқлаш. Маълумки, заготовкаларни болғадаги кинетик энергия ( $E$ ) ни қўйидаги формула бўйича ифодалаш мумкин:*



**115-расм. Икки стойкали бүг-хавода ишловчи болға схемаси:**

- 1 — ричаг;
- 2 — тортқи;
- 3 — золотник;
- 4 — тақсимловчи механизм;
- 5 — цилиндр;
- 6 — поршень;
- 7 — юналтирувчи;
- 8 — шток;
- 9 — станина (стойка);
- 10 — баба;
- 11 — устки боек;
- 12 — пастки боек;
- 13 — шабот (пүлат плита)

Агар  $\vartheta$  нинг ўрнига унинг қийматини (1) тенгламадан аниқлаб,  $E_1$  тенгламага қўйсак, унда  $E_1 = \frac{m\vartheta^2}{2} \cdot \frac{m}{m+M}$  бўлади.

Демак, болғалашга бевосита сарфланадиган энергияни тубандагича аниқлаш мумкин:

$$E - E_1 = \frac{m\vartheta^2}{2} - \frac{m\vartheta^2}{2} \cdot \frac{m}{m+M} = \frac{m\vartheta^2}{2} \left( 1 - \frac{m}{m+M} \right),$$

ФИК эса

$$\eta = \frac{E - E_1}{E} = \frac{m\vartheta^2}{2} \left( 1 - \frac{m}{m+M} \right) : \frac{m\vartheta^2}{2} = \frac{M}{m+M} = \frac{1}{1 + \frac{m}{M}}$$

$$E_K = \frac{m \vartheta^2}{2}, \text{ Ж(кг.м)},$$

бу ерда  $m$  — болғанинг пастга тушувчи қисмлари массаси, кг;  $\vartheta$  — зарб бериш моментидаги тушувчи қисмларнинг чизиқли тезлиги, м/с.

Зарблашда бу энергиянинг бир қисмигина заготовкани деформациялашга, қолгани асбобни эластик деформациялашга, ҳаракат қилувчи деталларнинг ишқаланишига ва шабот тебранишига сарфланади.

Агар шабот массасини  $M$ , болгани зарбовчи деталларнинг пастга тушиш тезлигини  $\vartheta$  билан белгиласак, шаботни ва боёкли бабани эластик материалдан тайёрланган десак, унда зарбдан сўнг улар (импульснинг сақланиши қонунига кўра)  $\vartheta$  тезликда ҳаракатланади. Унда:

$$m \cdot \vartheta = (m + M) \cdot \vartheta, \quad (1)$$

унда тизимнинг энергияси  $E_1 = \frac{(m+M) \cdot \vartheta^2}{2}$  бўлади.

бұлади. Бу тенгламадан күринағы, шабот массасы ортишида ФИК ҳам ортади. Шу сабабы  $M = 15-20$  т олинади. Шунингдек, заготовкага зарб бериш энергиясина умумий ҳолда қуидагича аниқлаш мүмкін.

$$E = G \cdot H_1 \cdot J \text{ (кг.м).}$$

Бу ерда  $G$  — болғанинг пастта тушувчи қисмлари массасы (кг);  $H_1$  — болғанинг пастта тушувчи қисмларининг күтарилиш баландлығы, м.

### 3-§. Эркин болғалашдаги ассоциациялар

1. *Чүктіриш*. Бу операцияда заготовка бүйиге кичрайтирилиб, бунинг ҳисобига күндаланғ кесим ўлчамлари катталаштирилади (116-расм, а). Бу ишловда бүйиге эгилмаслиги учун заготовка бүйі диаметридан ёки қалынлигидан 2,5 мартадан ортиқ олинмаслиги керак. Одатда кесим юзи квадрат на түғри түрт бурчаклы заготовкаларни бошқа кесимли шаклга ўтказиша уларни аввало юмалоқ шаклга ўтказып қаралат этишда чүктіриш (энг кичик периметр қоидасы бүйіча ишлов) дейилади. Бунда күтилган мақсадға тезроқ эришилади. Агар заготовканинг айрим жойлари чүктірилса, бу ишловға мағаллий чүктіриш дейилади. Бунда заготовканинг чүкиш коэффициенти қиймати қуидагича аниқланади:

$$K_r = \frac{H}{h},$$

бу ерда  $H$  — заготовканинг чүктірилгүнча баландлығы, мм;  $h$  — заготовканинг чүктірилгандан кейинги баландлығы, мм.

Масыулиятли поковкаларни олиша  $K_r = 3-5$  ва баъзан ундан ортиқроқ бұлади.


2. *Чүзиш*. Бу операцияда заготовканинг күндаланғ кесим ўлчами ҳисобига бүйін узайтирилади (116-расм, б). Бу ишловда заготовканинг күндалант кесими чүзилмаган жойини кетма-кет чүзиша уни ўқи атрофида айлантириб борилади.

Заготовканинг бир жойигина чүзилса, унга мағаллий чүзиш дейилади. Бунда узайниш коэффициенти қуидагича аниқланади:

$$K_y = \frac{L}{l}.$$

Бу ерда  $L$  — заготовканинг чүзилгандан кейинги узунлиғы, мм,  $l$  — заготовканинг чүзгүнгача узунлиғы, мм. Одатда бу коэффициент 1,3—2 оралиғида бұлади.

3. *Тешіш*. Бу ишловда заготовкадан маълум ҳажмдаги металл тешігін асбоб билан сиқиб чиқарилиб, тешік очилади (116-расм, в). Агар



**116-расм. Асосий болғалаш операциялари:**

*a* — чўқтириш; *б* — чўзиш; *в* — тешиш; *г* — букиш; *д* — бураш;  
*е* — кесиш; *ж* — пайвандлаш

Қалин металлда тешик тешиладиган бўлса, аввал заготовканинг бир томонидан чуқурча қилиниб, кейин орқа томонидан ишлаб тешик очилади. Одатда, диаметри 50 мм дан кичик тешиклар очиш иқтисодий маъқул бўлмайди.

4. *Раскаткалаш*. Ҳалқали заготовка тешикчани катталаштириш учун раскаткаланади. Бунинг учун махсус оправкага кийдирилган заготовка узлуксиз айлантириш йўли билан зарбланади.

5. *Букиш*. Заготовка махсус штамп бўшлиғи контури бўйлаб эгувчи машиналарда букилади.


6. *Бураш*. Заготовканинг бир қисмини иккинчи қисмiga нисбатан махсус мосламаларда ўқи бўйича маълум бурчакка буралади (116-расм, *д*).

7. *Кесиш*. Ўлчамлари катта бўлган заготовка бир неча майда бўлакларга кесиб ажратилади (116-расм, *е*). Буни бажаришда темирчилик болталари ва зубилалардан фойдаланилади.

8. *Пайвандлаш*. 1100–1300°C температурагача қиздирилган, масалан, кам углеродли пўлат заготовкаларни устма-уст, қия кертилган юзалари бўйича ёки учма-уч қилиб пайвандлаш учун уларнинг юзалари кир, мой ва занклардан тозалангач, болға ёки пресс остида сиқиласди (116-расм, *ж*).

#### 4-§. Поковкаларни болғалаш йўли билан тайёрлаш технологиясини лойиҳалашга доир масалалар

Бунинг учун аввало олинувчи деталь чизмаси асосида поковканинг чизмаси чизилади. Бунда соддалаштириш билан механик ишловга бел-



117-расм. Тирсакли вал поковкасини олиш схемаси:  
а — поковка чизмаси; б — ишлов беришдаги тишлар


гиланган қўйим, номинал ўлчамлар, допуск қийматлари ҳисобга олиниади. Унга кўра тегишли ўлчамли заготовка танланади. 117-расмда мисол сифатида поковка чизмаси асосида (тегишли номинал ўлчамлар допусклар, қўйим қийматлари ва қолдирмалар кўрсатилган). Поковка учун қуймалар олинса, унда заготовка массасини қўйидаги формула бўйича аниқласа бўлади.

$$G_3 = G_{\text{пок.}} + G_{\text{кес.}} + G_{\text{куй.}} + G_{\text{т.к.}}, \text{ кг.}$$

Бу ерда  $G_{\text{пок.}}$  — поковка массаси, кг;  $G_{\text{кес.}}$  — қуйманинг юқори ва таг қисмида кесиб ташланадиган нуқсонли жойлар массаси, кг. Одатда, пўлат қуймаларда нуқсонли жойи қўйма массасининг 14—30 фоизини, таг қисм 4—7 фоизини ишғол этади;  $G_{\text{куй.}}$  — металлни қиздиришда куйиндига ўтадиган массаси, кг (алангали печларда қиздиришда массасининг 2—3 фоиз миқдорда олинади);  $G_{\text{т.к.}}$  — технологик кесиндиilar.

Одатда, оддий шаклли поковкалар учун 5—10 фоиз, мураккаб шаклли поковкалар олишда қўйма массасининг 10—30 фоизигача белгиланади. Агар поковка майда ва ўртача бўлса, юқорида қайд этилганидек, заготовка сифатида тегишли ўлчамли сортамент олиш учун унинг ўлчамлари белгиланади. Поковкани олиш учун заготовкани ишлов операциялар кетма-кетлиги, ишлов режимлари белгиланиб, улар технологик картада қайд этилади. 118-расмда технологик нуқтаи назардан маъқул ва номаъқул поковка шаклларига мисоллар келтирилган.

Бу поковкани олиш учун юқорида қайд этилганидек, аввало поковка ҳажмини топамиз. Бунинг учун  $V_1$ ,  $V_2$ ,  $V_3$  ва  $V_4$  элементар



**118-расм.** Поковкалар шакларишинг түрөри ва нотүрли таңданишига мисоллар:  
а — маъқул; б — номаъқул

ҳажмларга ажратиб, ҳажмларини алоҳида-алоҳида аниқлаб, сунгра уларни қўшиб, поковканинг тўла ҳажмини топамиз. Бизнинг мисолимизда тўла ҳажм  $V_t = 15150 \text{ см}^3$  бўлади дейлик, кейин поковка массасини топамиз:

$$G_{\text{пок}} = V_{\text{пок}} \cdot \gamma = 15150 \cdot 7,8 = 118,2 \text{ кг.}$$

Бу ерда  $\gamma$  — пўлат зичлиги,  $\text{г}/\text{см}^3$ . Бундай поковка учун заготовка сифатида сортамент белгилаш маъқул. Маълумки, бу заготовкани аллангали печда зарур температуррагача қиздирсан, куйиндига ўтишини 3,5 кг, кесиндилаар массасини 6 кг деб қабул этсан, унда заготовка массаси бундай аниқланади:

$$G_t = G_{\text{пок}} + G_{\text{кун}} + G_{\text{тк}} = \\ = 118,2 + 3,5 + 6 = 127,7 \text{ кг.}$$

Поковка чизмасидан кўринадики, унинг энг катта участкасининг кесим ўлчами  $120 \times 250 = 30000 \text{ мм}^2$ . Бу поковкага шундай заготовка олишимиз керакки, унинг кесим юзи  $30000 \text{ мм}^2$  дан кичик бўлмасин. Шунинг учун унга яқин бўлган томонлари  $180 \times 180 \text{ мм}$  ли квадрат заготовка танлаймиз. Бунда унинг кесим юзи  $32400 \text{ мм}^2$  бўлади. Бунда  $32400 \text{ мм}^2 > 30000 \text{ мм}^2$ , бу эса талабни қондиради.

Энди заготовка узунлигини аниқлашга ўтамиз. Маълумки,

$$l_3 = \frac{G_3}{F_3 \cdot \gamma}, \text{мм.}$$


бу ерда  $G$  — заготовка массаси, кг;  $F$  — заготовка кўндаланг кесим юзи,  $\text{мм}^2$ ;  $\gamma$  — заготовка зичлиги,  $\text{г}/\text{см}^3$ .

Кейин эса сортаментдан  $l_3$  узунлигига яқин ўлчамли заготовка кесиб олинади. Сунгра заготовкани аллангали печда  $1000^\circ\text{C} - 1300^\circ\text{C}$  температуррагача қиздирисиб, 117-расм, б да кўрсатилганидек кетма-кетликда тегишли асбоблар билан зарблаб ишлаш натижасида поковка олинади.

**Болғалаш пресслари.** 119-расмда саноатда кенг тарқалган гидравлик пресснинг схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, пресс-

### 119-расм. Гидравлик пресс схемаси:

- 1 — пастки боёк;
- 2 — устки боёк;
- 3 — колонна;
- 4 — құзғалувчи траверса;
- 5 — иш цилиндр плунжери;
- 6 — иш цилиндр;
- 7 — траверса;
- 8 — плунжер;
- 9 — юқорига күтариадиган цилиндр;
- 10 — құзғалмас траверса;
- 11 — тортқи;
- 12 — стол;
- 13 — құзғалмас траверса;
- 14 — пойдевор;
- 15 — заготовка



нинг пастки құзғалмас траверси 13 пойдевор 14 га ўрнатылган. Унга стол 12, унга эса пастки боёк ўрнатылган. Пастки құзғалмас траверса 13, устки құзғалмас траверса 10 билан колонна 3 орқали боғланған.

Пресснинг құзғалмас траверсига 10 га иш цилиндрі 6 ва унга устки боёк 2 ўрнатылған. Уни юқорига күтаришга хизмат қиладиган цилиндр 9 ҳам ўрнатылади. Иш цилиндрининг 6 поршени 5 құзғалувчи траверса 4 билан боғланған. Құзғалувчан траверсага эса устки боёк 2 ўрнатылған. Цилиндрлар 9 поршеннлари тортқи 11, траверса 7 билан, у эса ўз навбатида құзғалувчи траверса 4 билан боғланған. Прессни юргизиш учун унинг иш цилиндрига 20—45 МПа (200—450 кг/см<sup>2</sup>) босимда сув эмульсияси ёки минерал май ҳайдалади. Бунда у поршен 5 ни босиб пастта юргизади. Бунда у билан боғланған траверса 4, устки боёк 2 ҳам пастта ҳаракатланиб, құзғалмас боёқдаги заготовка 15 ни катта юкланиш билан эзіб пластик деформациялады.

Бу даврда траверса 4 билан боғланған траверса 7 пастта ҳаракатланиб, поршеннлар 8 цилиндрларидаги суюқликни пресс бакига ҳайдайды. Құзғалувчан траверса 4 ни юқорига күтариш учун цилиндр 9 ларга маълум босимда суюқлик ҳайдалади. Бунда поршеннлар 8 юқорига күтарилишида улар билан боғланған траверсалар 7 ва 4 ҳам юқорига күтарилади ва иш цилиндрдаги суюқлик бакка ўтади. Саноатимиз ишлаб чиқараётган пресслар номинал кучланиши 2—150 МН (200—15000 т) оралиғида булади.


Гидравлик прессларнинг иш цикли:

1. Салт ҳаракат. Бунда устки боёк заготовкага яқинлаشتырилади.
2. Иш ҳаракати. Бунда устки боёк заготовкани статик босимда эзіб ишлайди.
3. Устки боёк дастлабки вазиятта ўтади.

## МАТЕРИАЛЛАРНИ ҲАЖМИЙ ШТАМПЛАШ

### 1-§. Үмумий маълумот

*Ҳажмий штамплаш* деб кўпинча маълум температурагача қиздирилган металл заготовкаларнинг штамп деб аталувчи (одатда, икки палладан иборат бўлган) асбобнинг пастки палла ўйигига қўйилиб, устки палла билан зарблаб ишлашда деформацияланиб, штамп ўйигини тўлдиришига айтилади (120-расм, *a*). Бу усул юқорида танишилган эркин болғалашга қараганда иш унумининг юқорилиги, мураккаб шакли поковкалар олинниши, шакли ва ўлчамларининг аниқлиги, сирти юзаси ғадир-бутиргилигининг камлиги, юқори малакали ишчини талаб



**120-расм. Ҳажмий штамплаш схемаси:**

- а* — очиқ штамплаш; *б* — ёпиқ штамплаш; *1, 2* — штамп паллалари;  
*3* — питр ариқчаси; *4* — заготовка; *5* — поковка;  
*в* — питр ариқчасининг кўришиши

этмаслиги каби афзалликларига кўра кўплаб бир хилдаги поковкалар тайёрланадиган йирик темирчилик цехларида кенг қўлланилади. Лекин штамп нархининг қимматлиги, поковка массасининг 250–300 кг гача бўлиши бу усулнинг камчилиги ҳисобланади.

## 2-§. Штамплар, материаллар хили ва конструкцияси


Юқорида айтилганидек, металларни ҳажмий штамплашда фойдаланиладиган асбобларга *штамп* дейилади. Улар юқори сифатли легирланган пўлатларнинг 5ХНВ, 5ХНМ, 5АТМ, 3Х2В9Ф ва бошқа маркаларидан тайёрланиб, тегишли термик ишловлардан ўтади.

Уларнинг ўйиқлари шакли, ўлчамлари поковкалар ташқи шакли ва ўлчамига жуда яқин бўлади. Штамплар конструкциясига кўра очиқ ва ёпиқ хилларга ажратилади. Очиқ штампларнинг ажралиш текислигига олинувчи поковка ташқи контури бўйлаб ўйифи бўлиб, у билан боғланган тор питр ариқчаси бўлади. Бу хил штампларда заготовкаларни штамплашда штамп ўйифидан ортиқча бўлган металл тор ариқча орқали питр магазинига ўтиб питр ҳосил бўлади. У кейин кесиб ташланади.

Уни бу тор ва кичик ҳажмли ариқчада тезроқ совушида бир томондан металлни питр магазинига ўтишига кўрсатувчи қаршилиги ортиши штамп ўйигини металл билан тўлароқ тўлишига кўмаклашса, иккинчи томондан штамп паллаларини бир-бирига ўрилишидан сақлади. Питр ариқча конструкцияси ва ўлчами поковка материалига, шаклига, ўлчамларига ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ. Одатда, питр массаси поковка массасининг 10–20 фоизи оралиғида бўлади.

Шуни қайд этиш жоизки, бу усулда маълум ҳажмли металл чиқиндига ўтса ҳам поковкани олиш жараёни бирмунча осонлашади. Ёпиқ штампларда питр ариқчаси бўлмай, ажралиш юзалари мураккаб текисликлар бўйича ўтиб, ўзаро қулфланади. Штамплашда эса металл ёпиқ ўйиқда деформацияланади. Шу сабабли бу штампларда олинадиган поковка массаси заготовка массасига тенг бўлиши керак. Бу штампларда штамплаб поковкалар олишда металл тежалса-да, штамп конструкцияси мураккабдир. Темирчилик цехларида поковкалар олишда юқорида қайд этилган қатор афзалликларга қарамай, амалда кўпроқ очиқ штамплардан кенг фойдаланилади.

Металларни эркин болғалашда кўрилганидек, штамплашда ҳам поковка чизмасини лойиҳалашда деталь чизмаси асосида унинг шаклини иложи борича соддалаштириб, кўйим, номинал ўлчамлар допусклари, қолдирмалар, шунингдек, қиздирилгандаги киришув қийматлари ҳисобига поковка ҳажми ( $1,2-1,5$  фоиз) орттирилади. Агар деталда тешик бўлса, у белгиланиб, кесилувчи парда қалинлиги ҳам кўрсатилади. Заготовканинг штамп ўйигига осонроқ ўтиши ва поковканинг ундан осон ажратилиши учун штамп ўйигининг кичик бўлиши, ажралиш текислигининг оддий сирт бўйича бир юздан иккинчи юзага ўтмас



121-расм. Поковкалар конструкциясини белгилаш схемаси

бүрчак бүйича ўтиши, штампнинг устки ва пастки контурлари тенг бўлиши, ёндошган юза девор қалинликлари кескин фарқланмаслиги, штамплашда металлнинг пастга қараганда юқорига осонроқ оқиб ўтиши ва бошқа талабларга алоҳида аҳамият бериш лозим (121-расм).

Амалда оддий шаклли поковкалар бир ўйиқли штампларда, мураккаб шаклларни кўп ўйиқли штампларда олинади. 122-расм, *a* да мисол сифатида поковкаларни кўп ўйиқли штампда олиш кўрсатилган, кўп ўйиқли штампларнинг ўйиқлари одатда чўзиш, айрим жойларига шакл бериш, эгиш ва бошқа ишларни бажаради. Шунга кўра, улар хомаки ва узил-кесил ишловчи ўйиқларга ажратилади. Узил-кесил ишланувчи поковка ўйиғи унинг ташки шаклига ва ўлчамига мос бўлади, лекин совигач, металлнинг киришув ҳисобига ўйиқ ҳажми бир оз каттароқ қилинади. Одатда, мураккаб шаклли поковкаларни кўп ўйиқли штампларда олиш иқтисодий жиҳатдан маъқулроқдир. 122-расм, *b* да кўп ўйиқли штампда цилиндрик заготовкадан шатун

поковкаси олишга мисол келтирилган. Расмдаги ишилов кетма-кетлигига қаралса, заготовка аввалига штампнинг ўтиш ўйиги 1 га ўтказилиб чизилади, кейин айрим жойини юмалоқлаш жойи ўйиги 2 га ўтказиб ишланади, сўнгра шакл бериш ўйигида ва охири узил-кесил ишлаш ўйиги 4 да ишланади.


### **3-§. Металларни ҳажмий штамплаш ускуналари ва уларда заготовкаларни штампялш**

Металл заготовкаларни штам-  
плашда фойдаланиладиган асосий  
ускуналарга сиқилган бүг-ҳавода и-  
алаш пресслари, горизонтал болға-  
он пресслар ва бошқалар киради.

Шуни айтиш керакки, сиқилган бүг-ҳанода ишловчи штамплаш болғалари тузилиши жиҳатдан эркін болғалаш болғаларига ўхшаш бўлиб, факат конструкциясида бир оз ўзгариш бор, холос. Жумладан, шабот массаси уни тушувчи қисмлар массасидан 20–30 марта оғирроқ бўлиб, унга станинаси бевосита болтли пружиналар билан ўрнатилган. Унинг ишга ростланувчи йўналтирувчилари штами паллаларининг бир-бирига мос тушишини таъминлайди. Болға эса педални босиш билан бошқарилади.

Одатда штамплаш болғалари көнг тарқалған бўлиб, уларда зарур температурагача қиздирилган чивиқ заготовкалар штампланиб, гайка, втулка, ҳалқа, болт каби поковкалар олинади. 123-расмда горизонтал болғалаш машинасининг кинематик схемаси, ишлаши ва унда заготовкани штамплаш схемаси кўрсатилган.

123-расмдаги схемадан күриналады, болгани ишіга тушириш учун аввало электр двигателі *1* ток тармоғында улапады. Бунда двигатель *1*дан айланма ҳаракат вал *3* даги маховик *4* га текстроп тасмали узатма *2* орқали узатылады. Маховикнинг ичига дискини фрикцион муфта ўрнатылған бўлиб, у маховикка уланганда ҳаракат у орқали вал *3* га ва ундан тишли ғидирлаклар *6* ва *5* орқали тирсакли вал *7* га узатылады. Тирсакли валдан эса ҳаракат шатун *9* орқали ползун *8* га ўтади. Ползун торецига эса пуансон *10* ўрнатылған. Тирсакли валга ўрнатылған эксцентрик деталлар *11* ва *12* айланадаётганда *15* ҳамда *14* роликлари навбатма-навбат босади. Роликлар матрица кўзгаладиган палласи




**122-расм.** Күп ўйиқли штамма штампашдағы ўтишлар:  
1 — чузиш ўйиги; 2 — айрим жойини юмалоқлаш ўйиги;  
3 — шакл бериш ўйиги;  
4 — пардоздаш ўйиги

*18* ни ричагли механизм *16* штампнинг қўзғалувчи палласини чапга сурниб, иш ўйини очади, ўнгга сурилганда иш ўйиги ёпилади.

123-расм, б да чивиқ заготовкани штамплаш натижасида оддий шаклли буюмни тайёрлаш кетма-кетлиги кўрсатилган. Штамплашдан аввал маълум температурагача қиздирилган чивиқ *4* нинг бир уни таянч тирак *2* га тирадунча штампнинг қўзғалмас палласи ўйигига қўйилади (*I* ҳол) (Бунда чивиқнинг чўқтириладиган қисм узунлиги унинг диаметридан 2,5–3 марта ортиқ бўлмаслиги лозим). Кейин чивиқ штампнинг қўзғалувчи палласи билан қисилади (*II* ҳол)да, пуансон *1* билан эзилиб деформацияланади, штамп ва пуансон ўйикларини тўлдиради (*III* ҳол).

Кейин пуансон дастлабки вазиятига қайтишида штамп паллалари очилиб, поковка олинади (*IV* ҳол).

Бу усулда диаметри 12,5–250 мм гача бўлган пластик металл чивиқлар штампланади.



*123-расм. Горизонтал болғалаш машинаси ва унинг кинематик схемаси:*  
*a* — умумий қурилиш; *b* — горизонтал болғалаш машинасининг кинематик схемаси; *1* — электр двигатель; *2* — узатма; *3* — вал; *4* — маховик; *5, 6* — тишли фидирик; *7* — тирсакли вал; *8, 13* — ползун; *9* — шатун; *10* — пуансон; *11, 12* — эксцентриклар; *14, 15* — роликлар; *16* — ричаг; *17* — шарнир; *18, 19* — матрица; *20* — заготовка; *b* — штамплаш схемаси; *1* — пуансон; *2* — тирак; *3, 5* — матрица паллалари; *4* — заготовка

Бу машиналарнинг қуввати 1–31 МН (100–3150 т) ли бўлади. Штамплаш болғаларининг тушувчи қисмлари массасини қўйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$G = K \cdot F_o, \text{Н(кг)}.$$

Бу ерда  $K$  — болға коэффициенти бўлиб, тушувчи қисмлар массасига қўшимча қўшилувчи босимни билдиради. Масалан, сиқилган буғ-ҳавода ишловчи болғаларда  $K = 18$  деб олинади. Оддий болғаларда эса  $K = 12$  деб олинади;  $F_o$  — поковкани пландаги проекция юзи, см<sup>2</sup>.

Прессларда ёки горизонтал болғалаш машиналари (ГБМ)да штамплашда зарурый куч  $P = k \cdot F_o \cdot \sigma^t, \text{Н(кг)}$  формула бўйича аниқланади, бу ерда  $k$  — поковка коэффициенти бўлиб, унинг қиймати прессларда 6,4–7,3; ГБМда эса 1,5–4 оралиғида олинади.  $\sigma^t$  — металнинг штамплаш температурасининг чўзишга мустаҳкамлик чегараси, МПа.


Заготовкаларни босим билан ишлашда поковка шакли ва массасига кўра болғанинг тушувчи қисмлари массасини танлашда 39-жадвалдан, пресс кучини эса заготовка массасига кўра 40-жадвалдан олиш мумкин.

39-жадвал

Болғанинг тушувчи қисм массаси, тк да	Мураккаб шаклли поковкалар массаси, кг	
	ўртача оғирликдаги	максимал оғирликдаги
0.1	0.5	2
0.2	2	6
0.4	6	18
0.75	12	40
1	20	70
3	100	320
5	200	700

40-жадвал

Пресснинг кучи, Тк	Заготовка массаси, кг	
	ўртача	максимал
600	1000	3000
1000	6500	8000
3000	30000	55000
10000	160000	25000




124-расм. Кривошип штамплаш пресси:

1 — двигатель; 2 — маховик; 3 — вал; 4 — кривошипли вал; 5, 6 — тишли фиддираклар; 7 — фрикцион муфта; 8 — лентали тормоз; 9 — шатун; 10 — ползун; 11 — стол

124-расмда кривошип штамплаш пресси ва унинг кинематик схемаси келтирилган. Прессни ишга тушириш учун аввало двигател 1 электр тармоғига уланади. Бунда электр двигател 1 дан айланма ҳаракат вал 3 га ўрнатилган маховик 2 га тасмали узатма орқали узатилади. Вал 3 дан эса ҳаракат тишли фиддираклар 5, 6 га узатилади. Тишли фиддирак 6 ичига дискили фрикцион муфта 7 ўрнатилган. Уни тишли фиддирак 6 га улаш учун педаль босилади. Бунда ҳаракат кривошип вали 4 га ўтади. Бу вал шатун 9 билан, у эса ползун 10 билан боғланган. Унга эса штампнинг устки палласи биректирилади (схемада кўрсатилмаган). У ҳаракатланиб, пастки палла уйигига кўйилган киздирилган заготовкани штамплайди. Штампнинг пастки палласи эса пресс столи 11 га ўрнатилади. Стол 11 нинг қия текислиги вертикаль йўналишга пона билан ростланади.

Заготовка штампланиб муфта ажратилгач, металл тормоз 8 ишга солиниб, пресс тўхтатилади. Бунда ползун юқори ҳолатда булади. Бу прессларнинг пухта ва бикр станинаси, тез ҳаракатланиши (минутига 35—90 гача), ползуннинг тўғри йўналиш бўйлаб аниқ текис юриши юқори сифатли поковкалар олишни таъминлайди. Бу пресслар қуввати 5 дан то 80 МН оралиғида бўлади. 125-расмда шаботсиз штамплаш болғасининг гузилиши ва ишлаш схемаси келтирилган. 125-расмдан кўринадики, цилиндр 1 даги поршен 2 га юборилган сиқилган ҳаво ёки



125-расм. Шаботсиз штамплаш болғаси схемаси:

1 — цилиндр; 2 — поршень; 3 — шток; 4 — устки баба; 5 — пастки баба; 6 — пўлат лента; 7 — ролик; 8 — стойка; 6 — винтли фрикцион пресс; 1 — винт; 2 — маховик; 3 — ползун; 4 — вал; 5 — электр двигатель

буғ поршенні, бинобарін, у билан бириккан шток устки бабани пастга қараб юритади. Бунда металл лента орқали боғланған пастки баба юқорига юради. Бунда бабаларга ўрнатылған штамп палладары ҳам ҳаракатланиб, улар ўйнайды заготовканды штамплайды.


126-расмда винтли фрикцион прессининг түзилиши ва ишлаш схемаси көлтирилған. Бу расмдан күринаиди, электр двигател 5 дан ҳаракат тасмали узатма орқали шкивге, у орқали вал 4 га узатилади. Агар вал 4 даги дисклар ричаглар тизими орқали маховик 2 га силжитилиб сиқылса, у айланиш томонига күра винт станинадаги гайкага киради ёки ундан чиқа боради. Шунда винтта ўрнатылған ползун ҳам пастга ёки юқорига күтарилади. Бу машиналарда у қадар катта бўлмаган поковка (болт, парчин ва бошқа) лар олинади.

### Электровинтли пресс. Бу пресс схемаси 127-расмда көлтирилған

Иккита ёйсімон статор 1 (127-расм, б) станинанинг юқори плитасида бир-бирига қарама-қарши жойлашган, шунинг ҳисобига электромагнит майдони таъсирида ҳосил бўлған таъсир этувчи кучлар тенглаштирилади. Хар бир ёйсімон статор корпус 6, статорнинг темир йигими 3 ва унинг ариқчаларига ўрнатылған чулғам 4, босиладиган секторлар 5 ва ўрнатувчи деталлардан иборат. Электр тармоғидан кучланиш узатилганда статорларда югурувчи электромагнит майдони ҳосил бўлади ва у маховикни ўзи билан эргаштириб, уни винт билан бирга айланишга мажбур қиласи, натижада ползун гайка билан бирга илгарилама ҳаракатланади.


Ползун ҳаракатини реверслаш ёйсімон статорлар чулғамларидан ўтаяётган токнинг йўналишини ўзгартириш ҳисобига бажарилади, яъни фазалари ўзгартирилади. Ёйсімон статорлар маховик ўқига нисбатан шпонкалар 7 билан бир марказга көлтирилади. Уларнинг янада бикир ўрнатилиши учун иккита тортқич 2 мўлжалланган.

Заготовкаларни ўйиқли секторли жўваларда жўвалаш . Болгаларда штамплаш (128-расм) усулида металлар қарама-қарши томонга айланувчи жўваларга ўрнатылған ўйиқли штамп секторлари орасидан эзиб ўтказиб штампланади.



126-расм. Винтли фрикцион прессининг схемаси:


1 — винт; 2 — маховик;  
3 — ползун; 4 — вал;  
5 — электродвигатель



127-расм. Электровинти пресс

Расмдан күринадики, сектор ўйиқлари бир-биридан узоклашганда улар оралиғига қисқычда сиқылған қыздырылған заготовка тирак 3 га тирайлунича узатилади (128-расм, а). Бунда айланыёттан сектор ўйиқлари яқынлашиб, заготовкани қамраши билан деформациялаб тегишли жойини штамплади. Бу усулдан оддий шаклли даврий поковкалар олишда көнг фойдаланилади.


**Заготовкаларни ротацион болғалаш машинада штамплаш (129-расм).** Бу машинанинг шпинделі үқи атрофида айланыёттанда (обойма ҳаралатланмаганда) роликлар 2 роликлар 1 рүпарасига ўтганида ползуулар 4 ва уларға ўрнатылған штамп паллалари радиал ўйигида юриб, улар оралиғида ўрнатылған, масалан, юмалоқ ёки квадрат заготовкани штамплади-да, дастлабки вазиятта марказдан қочирма күч ҳисобига қайтади. Бунда зарб сони ва кучи шпинделнинг айланыш тезлигига, роликлар ва боёклар сонига боғлиқ бўлади. Бу машиналарда диаметри 2–80 мм ва ундан ортиқроқ бўлған турли шаклли поковкалар олинади.



128-расм. Болғалаш жўваларининг ишлаш схемаси:


а — ишлов берила бошланиши; б — ишлов беришнинг тугаси;  
1 — сектор штампи; 2 — вал; 3 — тирак; 4 — стол; 5 — заготовка

**Заготовкаларни чўқтириш машиналарида штамплаш (130-расм).** Бу машиналарда диаметри 0,6—38 мм бўлган металлардан мих, болт, роликлар каби поковкалар олишда фойдаланилади. Расмдан кўринадики, чивиқ 1 дан парчин мих каллагини тайёrlаш учун аввало уни штамп 2 нинг кўзидан ўтказиб, ростловчи таянч 3 га тиради, кейин пичоқли механизм 4 ни юргизиб, зарур узунликдаги заготовка қирқилади. Сўнгра унинг штамп кўзига киритилиб, пуансон 5 билан зарблаб, парчин мих каллаги олинади. Пуансон орқага қайтаётганда чивиқ штамп кўзидан буюмни суриб чиқаради.



129-расм. Ротацион болғалаш машинасида штамплаш схемаси:

1 — таянч роликлари; 3 — пазлар; 4 — ползун; 5 — обойма; 6 — шпиндель



130-расм. Парчин михни чүктириш машинасида штамплаш схемаси:  
1 — чивик; 2, 6 — матрица; 3 — таянч;  
4 — пичоқылыш механизми;  
5 — пуансон; 7 — стержень

#### 4-§. Поковкаларни узил-кесил ишлаш


Очиқ штампларда, бошқа штамплаш усулларида олинган поковкалардаги питр, тешик пардаси, нотекисликлар, қуйиндилар ва бошқа нуқсонлар бўлиши узил-кесил ишловларни талаб этади. Тубандада бу ишловлар ҳақида маълумотлар келтирилган:

**Питр ва тешик пардасини қирқиши** (131-расм). Расмдаги схемалардан кўринадики, питрни қирқиши учун поковка матрица 2 га қўйилиб, уни пуансон 1 билан сиқиб, матрица кўзидан ўтказилади. Бунда матрица кескич ролини ҳам ўтайди. Тешик очиша эса кескич матрица бўлмай, пуансон булади.

Бу ишловларда пуансонга берилувчи куч қийматини  $P = 1.25\tau_{kp} \cdot \delta \cdot s$ , кг формула бўйича аниқлаш мумкин, бу ерда 1,25 — матрица ва пуансонлар қирраларининг ўтмасланиш коэффициенти;  $\tau_{kp}$  — металлнинг кесишга қаршилиги, МПа;  $\delta$  — питр қалинлиги, мм;  $s$  — поковканинг ажралиш текислиги периметри, мм.

**Поковканинг нотекис жойларини текислаш.** Бу ишловда поковкалардаги нотекисликларни текислаш учун уларнинг материалита, деформациялангандаги нотекислик кўрсаткичига кўра, совуқлайнин ёки қиздирилган ҳолда пресслар остида, штампларда текислаб ишланади.

**Поковка сиртидаги қуйиндиларни тозалаш.** Маълумки, қуйинди сирт юза сифатига катта путур етказиш билан бирга юзаларни механик



131-расм. Поковкада питр ва парда металлини қирқиб тушириш:

1 — пуансон; 2 — матрица; 3 — питр; 4 — парда; 5 — поковка

ишлишда қийинчиликлар ҳам туғдиради. Шу сабабли уларнинг характеристига кўра айланувчи барабанларга диаметри 1–3 мм ли қаттиқ металл шарчалар билан поковкаларни киритиб, ўқи атрофида маълум вақт айлантирилади ва баъзида кичик поковкаларни сульфат ёки хлорид кислоталарнинг кучсиз сувли эритмаси солингтан ваннага туширилиб маълум вақт сақланади.

**Калибрлаш.** Поковкалар ўлчам аниқликларини ва юза ғадир-будирини текислаб, аниқ шаклли ва ўлчамли текис юзали поковкалар олиш мақсадида калибрланади. Бунинг учун поковка аниқ шаклли, ўлчамили, текис юзали калибрловчи штамп ўйифидан ўтказиб ишланади.

**Поковка сифатини кузатиш.** Бунда технологик картада қайд этилган ўлчов асбоблари (штангелциркуль, шаблон, скоба ва бошқалар) дан фойдаланиб, поковка шакли, ўлчамлари, аниқлиги, юза тозалиги, текислик даражалари қанчалик талабга жавоб бериниши аниқланади.

## 28-боб

### ЛИСТ МАТЕРИАЛЛАРНИ ШТАМПЛАШ

#### 1-§. Умумий маълумот

Лист материалларни штамплаш деб, лист, лента (тасма), полоса тарзидаги юпқа (100 мм гача) пластик металлар ва уларнинг қотишмаларидан, шунингдек нометалл материаллардан турли шаклли ва ўлчамли буюмлар тайёрлаш технологик жараёнига айтилади. Кузатишларга кўра, бу усулда автотракторсозлика 50–60 фоизгача, асбобсозлика 70–80 фоизгача хилма-хил деталлар олинади. Бунинг боиси шундаки, бу усулда аниқ шаклли ва ўлчамли, текис юзали деталлар совуқлайин штамплаб олинади, иш унумдорлиги юқоридир. Лист материалларни штамплаш йўли билан буюмларни тайёрлаш технологик жараёнлари икки босқичга ажратилади:

1. Лист материаллардан заготовкалар тайёрлаш.


2. Заготовкаларни штамплаб кутилган шаклга келтириш.

Лист материаллардан заготовкалар тайёрлашда олинувчи буюм ўлчамига кўра, кам чиқинди чиқишига алоҳида эътибор берилади. Қанчалик оқилона бичиб, заготовка ажратилганлиги материалдан фойдаланиш коэффициенти ( $K_{\phi}$ ) орқали аниқланади:

$$K_{\phi} = \frac{n \cdot F}{B \cdot L},$$

бу ерда  $n$  — заготовка сони;  $F$  — заготовканинг қўндадланг кесими юзи,  $\text{мм}^2$ ;  $B$  — заготовканинг эни,  $\text{мм}$ ;  $L$  — заготовканинг узунлиги,  $\text{мм}$ .

Одатда,  $K_{\phi} = 0,75–0,8$  бўлади.



132-расм. Қирқиши машиналари:

*a* — пичоқли; *b* — дискли


132-расмда листлардан заготовкалар ажратишида күпроқ фойдаланыладиган пичоқ тиғи, қия (гильотина) ва дискли қирқиши машиналарининг схемаси көлтирилген.

Гильотина қирқиши машинасида заготовка ажратишида зарурий күчни тубандаги аниқлаш мүмкін:

$$P = 1,25 \frac{0,5 s^2 \cdot \tau_{kp}}{\alpha}, \text{Н (кг)},$$

бу ерда 1,25 — пичоқнинг ўтмасланиш коэффициенти; *s* — материал қалынлігі, мм;  $\tau_{kp}$  — материалнинг қирқишига қаршилигі, МПа, у одатта, 0,8 — 0,9δ<sub>0</sub> га тәнд болады;  $\alpha$  — устки пичоқнинг қиялик бурчаги, градусда.

Агар листдан берк контур бүйіча айланға, квадрат ёки бошқа шаклдаги заготовкалар ўйиб тушириш керак бўлса, у пуансон ва матрица-лардан фойдаланиб прессларда ажратилади (133-расм). Бунда зазор пуансон үлчами ҳисобига заготовканинг үлчамидан 5—10 foиз кичикроқ, матрица кўзи үлчами эса заготовка үлчамига тент олинади. Тен-



133-расм. Үйиб тушириш ва тешик очиш схемаси

шик очиша эса зазор матрица ўлчами ҳисобига олинади. Бу ишларни бажаришда зарурий күч қиймати қуйидагича ҳисобланади:

а) доиравий контур бўйлаб ажратишда  $P = 1,25\pi d s t_{kp}$ , Н(кг);


б) бошқа ҳолларда  $P = 1,25 L s t_{kp}$ , Н(кг);

бу ерда 1,25 — пуансон ва матрица кесувчи тиғларнинг ўтмасланиш коэффициенти;  $d$  — ўйиб туширилган заготовка диаметри, мм;  $L$  — ўйиб туширилган заготовка периметри: мм;  $t_{kp}$  — металнинг қирқишига қаршилиги, МПа.

## 2-§. Лист металларни штамплаш пресслари ва уларда бажариладиган ишлар


Темирчилик штамплаш цехларида кенг фойдаланиладиган прессларга гидравлик, буғ-ҳавода ишловчи, кривошип, фрикцион, механик ва бошқа пресслар киради. 134-расм, *a* да бир стойкали бир ползунли оддий кривошип пресс, 134-расм, *b* да эса икки ползунли муракаброқ кривошип машинасининг кўрининиши ва кинематик схемалари келтирилган.

134-расм, *a* даги схемадан кўринадики, ползун 7 ҳаракатни двигател 1, шестернялар 2, муфта 3, кривошип вал 5 орқали олади. Кривошип вал билан шатун 6, у билан эса ползун 7 боғланган. Заготовка штамплангач, муфта 3 автоматик равишда узилиши билан тормоз 4 уланиб, вал эксцентриситети юқори вазиятда тўхтайди. Ползуннинг юриш йўли кривошип вали эксцентриситет ўлчамининг иккига кўпайтмасига тенг бўлади. Заруриятга кўра, ползуннинг юриш йўлини эксцентрик втулка орқали ёки унинг таглик плитасини кўтариш ёки тушириш билан ростлаш мумкин.



134-расм. Кривошип пресслари:

*a* — бир ползунли; *b* — икки ползунли: 1 — двигатель; 2 — шестернялар; 3 — муфта; 4 — тормоз; 5 — кривошип вали; 6 — шатун; 7 — ползун



135-расм. Асосий штамплаш операциялари:

а — букиш; б — ботириси; в — борт қайриши; г — бурттириш;  
д — сүқиши; е — ўйиб тушириш ва тешик очиш

### Асосий штамплаш операциялари:

**Букиш.** Бу ишловда кутилган шаклдаги буюм олиш учун заготовкани матрица устига қўйиб (135-расм а да кўрсатилганидек), шаклдор пуансон билан эзиз матрица кўзига ўтказишида унинг паллалари йиғилиб, кутилган шаклга келади. Бунда пуансонга қўйилувчи кучни тубандаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$P = 0.7 \frac{B S^2 \sigma}{r+s} H(\text{кг});$$

бу ерда  $B$  — заготовка эни, мм;  $S$  — заготовка қалинлиги, мм;  $\sigma$  — материалнинг чўзилишга кўрсатган қаршилиги, МПа;  $r$  — букиш радиуси, мм.

**Ботириси.** Бу ишловда матрицага ўрнатилган доиравий заготовканинг марказий қисмига пуансон билан оҳиста босиб, уни матрица кўзига ботириб ўтказилади (135-расм, б). Бу ишловда стакан, втулка каби буюмлар олинади. Бунда бурма ҳосил бўлмаслиги учун  $\frac{r}{a_0} = 1,2 - 1,3$  оралиғида олинмоғи лозим.


**Борт қайриши.** Тешикли лист заготовканинг сиртқи контури бўйича борт ҳосил этилади (135-расм, в).

**Б ўрттириш.** Бунда пуансон билан эластик материални сиқилиб, заготовка матрица күзига ўтиб, кутилган шаклли бўлади (135-расм, г).

**С и қ и ш.** Ҳовал цилиндрик заготовка учини периметри бўйича сиқиб кичиклаштирилади (135-расм, д).


### 3-§. Оддий штамплаш усуллари

**Эластик материаллар ёрдамида штамплаш.** Бу усулдан қалинлиги 2 мм гача бўлган юқори пластик материаллардан кичик ва ўртача ўлчамдаги деталларни кам сериялаб олишда фойдаланилади. 136-расм, а дан кўринадики, контейнердаги резина ўринидиқ 3 даги лист 2 пуансон 1 билан ботирилганда, у заготовкани пуансонга сиқиб, кутилган шаклга айлантиради. 136-расм, б да полиуретаннинг пуансон 1 билан чўзиб ботириш, 136-расм, в да листни пуансон билан ботириб 1 штамплаш ва 136-расм, г да эса листни босқич билан босим остида кутилган шаклга ўтказиш кўрсатилган.



**136-расм. Оддий штамплаш усуллари:**

- а — резина билан штамплаш; 1 — пуансон; 2 — лист; 3 — резина ўринидик;  
б — полиуретанни пуансон билан чўзиб ботириши; 1 — ҳолда; 1 — пуансон;  
2 — деталь; 3 — матрица; 4 — туртки; 5 — шток; 6 — резина буфер; 11 — ҳолда;  
1 — ташки ползун; 2 — пуансон тутқич; 3, 6 — матрица; 4 — ички пуансон;  
5 — деталь; в — ботириш билан штамплаш; 1 — оправка; 2 — заготовка;  
3 — тирак; 4 — босқич; г — босиб штамплаш



137-расм. Илғор штамплаш усуллари схемаси:

*a* — портлатиб штамплаш: 1 — детонатор заряд; 2 — сув; 3 — қисқич ҳалқа; 4 — заготовка; 5 — трубка; 6 — матрица; *b* — электрогидравлик штамплаш: 1 — матрица; 2 — корпус; 3 — электрод; 4 — контакт курилма; 5 — туғрилагач; *c* — суюқлик билан штамплаш: 1 — плунжер; 2 — қисқич; 3 — суюқлик; 4 — резина фильтр; 5 — заготовка; 6 — матрица; 7 — деталь

#### 4-§. Илғор штамплаш усулулари ҳақида маълумот

Заготовкаларни портловчи моддалар кучида штамплаш. Бунда портловчи моддалар сифатида порох, тротил, бизантлардан фойдаланилади 137-расмдаги схемалардан күринади, штамплашни бошлашдан аввал сув билан тулдирилган бассейндаги матрица *b* устига лист ўрнатилиди. Қисқич *3* билан сиқилгач, матрица *b* ўйигидага ҳаво трубка *5* орқали сўрилади ва осилган детанаторли заряд портлатилади. Ҳосил бўлган кучли энергия сувда катта босимли тўлқин бераб, бу тўлқин заготовкани матрица томон сиқиб, штамплайди. Бу усул қимматбаҳо ускуналар талаб этмайдиган ниҳоятда унумли усулдир.

**Электрогидравлик штамплаш.** Бу усул юқорида кўрилган портлатиб штамплаш усулига ўхшашиб бўлиб, штамплаща ҳосил этилган электр заряди сув тўлқинига ўтиб, заготовкани матрицага штамплайди.

137-расм, *b* даги схемадан кўринади, заготовка матрица *1*га қўйилиб, чеккаси корпус *2* билан қисилади, кейин матрица ўйигидаги ҳаво сўрилиб, корпус сув билан тўлдирилади, сўнгра электрод *3* орқали электр импульси ҳосил этилади. Бунда сувда зарбовчи тўлқин ҳосил бўлиб, у заготовкани матрицага штамплайди. Суюқлик билан штамплаш 137-расм, *c* да кўрсатилган.

#### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- Металларни босим билан ишлаш қайси хоссага асосланган ва нима учун?
- «Металларнинг пластиклиги» деб қайси хусусиятта зитилади ва бу хусусият қандай кўрсаткичларга боғлиқ?
- Деформация нима ва унинг қанақа хилини биласиз ва уларни қандай тушунасиз?

4. Совуқлайин пластик деформацияланған металлнинг пухталаниш сабабини тушунтириб беринг.
5. Текстураланиш ҳодисасини айтиб беринг?
6. Рекристалланиш ҳодисасини қандай тушунасиз. Үнинг аҳамияти қандай? Рекристалланиш температурасини таҳминаш қандай аниқлаш мүмкин?
7. Металларни босим билең ишлаш олдидан қыздырыш температураси, қыздырыш тезлиги ва вақти қандай аниқланади?
8. Металларни босим билан ишлашнинг асосий усулларини бирма-бир схемада тасвирлаб, тушунтириб беринг.
9. Металларни босим билан ишлашда фойдаланиладиган заготовкалар түри, уларга қандай талаблар күйилади ва ўлчамлари қандай аниқланади?
10. Металларни қыздыриб босим билан ишлашда уларни зарур температурагача қыздырыш учун қандай қыздыргич курилмалардан фойдаланилади, уларнинг бирбиридан фарқи ва қандай афзаллуклари, камчиликлари бор?
11. Прокат станларининг таснифи ва кулланиш соҳаларини айтиб беринг.
12. Прокат станининг түзилиши, ишлашини схемадан тушунтириңг.
13. Металларни прокатлашда асосий операциялардан ташқари қандай ёрдамчи операциялар ҳам бажарилади?
14. Металларни бўйлама прокатлашда абсолют сиқилиш, абсолют кенгайиш ва абсолют узайиш қийматлари қандай аниқланади?
15. Металларни прокатлашда узайиш, сиқилиш ва кенгайиш коэффициентлари қандай аниқланади ва бу коэффициентлар ( $\lambda_{\alpha\beta}$ ) қийматлари нимага боғлиқ, үнинг аҳамияти қандай?
16. Металларни узлуксиз прокатлаш шарти нимага боғлиқ?
17. Сортли прокат маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологик жараёшини умумий тарзда тушунтириңг.
18. Чоксиз ва чокли трубаларни ишлаб чиқариш усулини тушунтириб беринг.
19. «Металларни пресслаш» деб қандай технологик ишловга айтилади?
20. Тұғри пресслаш билан тескари пресслаш орасыда қандай фарқ бор?
21. Пресслаш кучи ( $P$ ) қиймати қандай күрсаткичларга боғлиқ?
22. Пресслашда қандай маҳсулотлар олинади?
23. Металларни кирайлаш ва бу усулнинг бошқа технологик усуллардан қандай афзаллуклари ва камчиликлари бор?
24. Кирялаш кучи қандай аниқланади?
25. Кирялаш станлар түри, түзилиши ва ишлашини схемада тушунтириб беринг.
26. Киря-асбоб материали, түзилиши ва ишлаши.
27. Кирялашда трубалар қандай олинади?
28. Металларни болғалааб ишлашда фойдаланиладиган болғалаш болғаларидан бирини, түзилиши ва ишлашини тушунтириб беринг.
29. Металларни болғалашнинг асосий операциялари ва улар қандай бажарилишини тушунтириңг.
30. Металларни ҳажмий штампашнинг моҳияти нима? Ҳажмий штампашда ишлатиладиган ускуналар, штамплар хили ва түзилишини тушунтириб беринг.
31. Поковкаларни узил-кесил ишлаш усулларини айтиб беринг.
32. Қандай технологик жараён лист штампаш деб аталади? Лист штампаш операцияларини айтиб беринг.
33. Илфор лист штампаш усулларидан асосийларини тушунтириб беринг.

## МЕТАЛЛ ҚУЙМАЛАРИНИ ОЛИШ

29-боб

### ҚУЙМАКОРЛИК, ҚУЙМАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА УЛАРНИНГ ТАННАРХИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ КҮРСАТКИЧЛАР

#### 1-§. Умумий маълумот

Қуймакорлик корхоналари машинасозлик саноатининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, бунда аввалдан тайёрланган қолипга турли металл ёки уларнинг қотишмаларини қуиб, турли шаклли ва ўлчамли қуймалар олинади. Шуни қайд этиш жоизки, қуймалар (деталлар ёки уларнинг заготовкалари) массаси бир неча граммдан 250 т гача ва ортиқ бўлиши мумкин. Қуйма заготовкаларга келсак, уларнинг шаклли ва ўлчамлари деталлар шаклига ва ўлчамига кўра механик ишловларга мўлжалланган, кўйим қийматидан бир мунча каттароқ бўлади.

Одатда, қуймаларнинг ўлчамига ва корхоналарнинг хилига кўра чўян қуймалар учун кўйим ўлчами 2–20 мм, пўлат қуймалар учун ~4–28 мм гача бўлади. Кузатишлар кўрсатадики, машина деталларининг массаси бўйича 50 фоиздан ортиқроғи қуйма усулда тайёрланмоқда. Жумладан, станоксозликда 80 фоизга яқин деталлар (станок станиналари, тезлик қути корпуслари ва бошқалар), автотракторсозликда 60 фоизга яқин деталлар (цилиндр блоклари, картерлар, поршнелар, насос корпуслари, тирсакли валлар ва бошқалар) шу усулда олинмоқда.

Статистик маълумотлар кўрсатадики, ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган қуймаларнинг массаси бўйича 70 фоизга яқини кулранг ва модифицирланган юқори мустаҳкамликка эга бўлган чўянларга, 20 фоизга яқини пўлатларга ва қолгани эса болғаланувчан чўянлар билан рангли металл қотишмаларга тўғри келмоқда.

Бунинг боиси аввало уларнинг нархининг арzonлиги, қониқарли пухталиги, сифатли, турли шаклли ва ўлчамли қуймаларнинг осон тайёрланиши туфайли металлнинг тежалишидадир. Шу сабабли ҳам дунё бўйича 1985–1990 йилларда тахминан 80 млн тонна металл қуйма олинган. Бунинг 1/3 қисми собиқ СССРга тўғри келган. Ўзбекистонда 1989 йилда 842 минг 509 т металл қуйма олинган, холос.

Металл қуймаларни олишининг оддий усуллари билан одамлар жуда қадимдан таниш бўлғанлар. Кўпгина мамлакатларда, жумладан, Миср, Юнонистон, Хитойда олиб борилган археологик топилмаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, одамлар милоддан бир неча юз минг йиллар муқаддам оддий шаклли қуймаларни ер қолилларда олганлар.

Асрлар оша бу ҳунар авлодлардан авлодларга ўтиб ривожлана борди. Фақат, XIII—XIV асрларда чўянлардан, XVIII—XIX асрларга келип пўлатлардан турли шаклли ва ўлчамли қўймаларни гилли қум қолиларда олганлар.

Қўймакорликнинг кейинги йилларда ривожланишига ва унинг назарий асосларини яратишга улкан ҳисса қўшган олимларга Д.К. Чернов, П.П. Аносов, А.С. Лавров, Н.В. Калакутский, А.А. Бочвар, А.Г. Спасский, Л.С. Константинов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Айниқса, рус қўймакорлари металлардан мураккаб ва сифатли қўймаларни гилли қум қолиларда олиб, дунёга машхур бўлдилар. Мисол сифатида 1586 йилда А. Чохов бошчилигига тайёрланган 39 т ли бронза замбарак қўймани, 1735 йилда И. Моторин бошчилигига бронзадан олинган деярли 200 т ли нақшдор қўнғироқ қўймани, 1782 йилда Петр I хотираси учун мисдан деворлари қалинлиги 7,5 мм дан 30 мм гача бўлган, бўйи 10 м ли, оғирлиги 22 т га яқин отлиқ чавандоз қўймани келтириш мумкин. Бу қўймалар ҳозирда ҳам ёдгорлик сифатида сақланмоқда.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, турли металл ва уларнинг қотишмаларидан хилма-хил мураккаб шаклли ва ўлчамли сифатли қўймаларни олиш борасидаги муаммолар тўла ҳал этилган деб бўлмайди. Кейинги йилларда саноатнинг турли соҳалари вужудга келиши, айниқса, асбобсозлик, атом техникаси, электроника, ҳисоблаш машинасозлиги ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши туфайли турли муҳитларда ва температурада, деярли юкламаларда ишловчи зарур хоссали металл қотишмаларидан юқори геометрик аниқликка эга бўлган, текис юзали, сифатли, хилма-хил мураккаб шаклли қўймаларни кўплаб ишлаб чиқариш зарур бўлди. Бу эса ўз навбатида техник-иктисодий талабларга жавоб берадиган янги-янги такомиллашган технологик усуллар устида изланишларга, оғир жисмоний ишларни механизациялаш илиа иш унумдорлигини кескин орттиришга уннади. Изланишлар натижасида қатор такомиллашган технологик усуллар (қўймаларни металл қолиларда босим билан, эрувчи моделлар ёрдамида тайёрланган қолиларда, қобиқли қолиларда ва бошқалар) яратилиб, кўпгина технологик жараёнлар автоматлаштирилди.

Лекин ҳали ечилиши зарур бўлган муаммолар талайгина.

## 2-§. Қўймалар конструкциясини лойиҳалашга доир талаблар

Лойиҳачилар қўймаларнинг конструкциясини лойиҳалашда қўйма материали, шакли, геометрик аниқлиги ва ўлчамлари, сирт юзалар текислиги, пухталиги ва бошқа талабларни белгилашда уларни ишлаб чиқариш усули билан боғлиқ бўлган барча технологик масалаларни ҳам ҳисобга олишлари керак. Бу борада қўймалар шаклининг содлаштирилиши, заруриятсиз техник талаблар қўймасликнинг аҳамияти

кatta, чунки қўйма шакли қанчалик мураккаб бўлмаса, моделлар, стерженлар ва қолипга металлни киритиш тизими моделлари, шакли мураккаблашмайди. Шунингдек, қолипларни тайёрлаш анча осонлашади. Айниқса, бу борада қўймалар деворининг тўғри чизиқли бўлиши, қалинликларининг кескин ўзгармаслиги, бир юздан иккинчи юзага ўтиш жойларида ўтқир бурчаклар бўлмаслиги жуда мұхимдир. Қўймаларда ортиқлар, бикирлик, қобирғалар, чуқурчалар ва бошқалар бўлса, қолипдаги металларнинг совиб кристалланишида уларнинг деярли текис совишини таъминлаш лозим.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, сифатли деталларни тайёрлашда қўймаларнинг механик ишлов учун станок мосламаларига ўрнатиладиган таянч (база) юзаси, қолипнинг пастки қисмида бўлгани маъқул.

Қолипларни гилли қум материалларидан тайёрлаш учун ёғоч модельларидан фойдаланишда уларнинг деформацияланиши ҳисобига қолиплар шакли ва ўлчамларида пайдо бўладиган ноаниқликлар, металлнинг қолипда совиши пайтида киришув қийматларида йўл қўйила-диган хатолар қўймалар шакли ва ўлчамларига путур етказади. Шу боисдан ГОСТ, ОСТ ва техник нормалари ҳисобга олинади. Масалан, кулранг чўян қўймада 100 мм гача ўлчамга 1–2 мм, 2000 мм гача ўлчамга 5–10 мм, ўқлараро ўлчамларнинг четта чиқиши 500 мм га  $\pm 1\%$ , 2000 мм гача  $\pm 0.6\%$  бўлиши мумкин.

Қўймалар деворларининг бир юздан иккинчи юзага ўтиш радиусига келсак, деворлар қалинликлари  $1/3$  дан  $1/4$  оралиғида олинмоги (алюминий қотишмаларидан олинувчи қўймаларда 3 мм, магний қотишмаларида эса 5 мм дан кичик бўлмаслиги) керак.

Маълумки, қўймаларда бир ёки бир неча турли ўлчамли очиқ ёки берк тешиклар, турли шаклли чуқурчалар бўлиши мумкин. Қўймани олишда уларнинг шакли ва ўлчамларига мос стержендан фойдаланилади. Бунда техника-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Масалан, пўлат қўймалардаги тешиклар диаметри 8–10 мм, чўян қўймаларда 6–8 мм дан, мис қўймаларда 5–7 мм дан ортиқ бўлганда стерженлар ёрдамида, бундан кичиклари эса пармалаб очилиши тавсия этилади.

Агар юқорида қайд этилган асосий талабларга амал қилинмаса, қўймада деярли ички зўриқиши кучланишлар ҳосил бўлиб, бу унинг тоб ташлашига ва баъзан дарз кетишига олиб келади.

### 3-§. Қўймаларнинг таннархига тъясир этувчи асосий кўрсаткичлар

Маълумки, қўймаларнинг характеристига, ишлаб чиқаришнинг режадаги йиллик дастурига кўра корхона хили белгиланади. Турли корхоналарда қўймаларни ишлаб чиқариш даражасига кўра турли машина ва механизмлардан ва технологик жараёнлардан фойдаланилади. Йирик корхоналарда қўйма ишлаб чиқаришнинг барча технологик ишла-

ри механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган бўлиб, қўймаларнинг сифати ва таннархи кичик корхоналардагига қараганда анча арzon бўлади. Агар турли металл қотишмаларидан олинаётган қўймалар массасининг, механик ишловларга берилишини ҳисобга олмасак, уларнинг таннархига асосан материали, шакли ва корхона хили киради. 41-жадвалда қўймаларнинг таннархига таъсир кўрсатувчи асосий кўрсаткичлар ва уларнинг таъсир даражаси (қабул этилган бирликда) келтирилган.

41-жадвал

Қўйма материали	Шакли		Корхона хили	
	оддий	мураккаб	бир нечта қўймаларни ишлаб чиқарувчи кичик корхонада	кўплаб қўймаларни ишлаб чиқарувчи йирик корхонада
Кулранг чунн	1,0	1,8–2,2	1,0	0,4
Боғланувчан чўян	1,2–1,5	2–3	1,2–1,5	0,4–0,6
Углеродли пулат	1,5–2,0	3–4	1,5–2,0	0,5–0,6
Легирланган пулат	6,0–8,0	12,0–15,0	6,0–8,0	3–4
Алюминий қотишмалар	8,0–10,0	16,0–20,0	8,0–10,0	4–5

Шуни қайд этиш жоизки, йирик корхоналар замонавий, серунум ускуналар билан жиҳозланган, бу ерда такомиллашган технология бўйича сифатли қўймалар кўплаб ишлаб чиқарилади, шунинг учун корхонага сарфланадиган сармоялар икки-уч йилда қопланади. Шу боисдан қўймаларни кўплаб ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар сони ортиб бормоқда.

### 30-боб

## ҚОЛИПЛАР ХИЛИ, УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ТЕХНОЛОГИК МОСЛАМАЛАР ВА АСБОБЛАР

### 1-§. Қолиплар хили

Қўймалар ишлаб чиқаришда қолипларнинг иш муддатларига кўра бир марталик, бир неча марталик ва кўплаб қўймалар олишга яроқлиларга ажратилиди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, турли металл қотишмалардан олинувчи қўймалар массаси бўйича 70–80 фоизи бир марталик қўймалар олишга яроқли нам ва қуруқ қолипларда, қолган қисми

эса бир неча ўнлаб құймалар олишга яроқли мұваққат ҳамда юзлаб, минглаб құймалар олишга яроқли қолипларда олинмоқда.

**Бир марта құймалар олишга яроқли қолиплар.** Бу қолипларда бир мартагина құйма олингандан сүнг, улар бузилади. Бу қолип материалы таркиби олинувчи құйма материалы, шакли ва ўлчамларига күра белгиланади. Бу қолип материал асоси кварц қуми бўлиб, уларнинг донларини ўзаро боғловчилар сифатида тегишли боғловчилар (гил, спирт бардаси, цемент, суюқ шиша, термореактив смолалар, битум, канифол), құймага куйиб ёпишмаслигининг олдини олиш учун тошкүмир кукуни, чангсимон кварц, графит, газ ўтказувчанлигини ошириш учун ёғоч қипиғи, торфдан фойдаланилади. Ўлчами 0,25 дан 1 мм гача бўлган құмлар маълум миқдорда тегишли қўшимчалар қўшиб, маҳсус аралаштиргич қурилмада сув билан яхшилаб аралаштирилади. Бу аралашма кутилган хоссага эга бўлгач, қурилмадан чиқариб, қолип тайёрлаш участкасига юборилали, у ерда қолип тайёрланади.

**Мұваққат қолиплар.** Бу қолипларда бир нечагина (ўнлаб) құймалар олинади. Бу қолип материал асоси юқори температурага чидамли, шамот, магнезит, қум, асбест каби бошқа материаллар кукунларига маълум миқдорда тегишли боғловчилар (гипс, цемент ва бошқалар)ни қўшиб аралаштиргич қурилмада сув билан қориштириб, кутилган хоссага келгач, уни қолип тайёрлаш участкасига узатилади ва у ерда қолип тайёрланади. Бу қолипларда одатда турли шаклли кичик ва ўртача ўлчамли құймалар олинади.

**Кўплаб құймалар олишга яроқли қолиплар.** Бу қолиплар чўян, пўлат, мис ва алюминий қотишмаларидан тайёрланади. Бу қолипларда оддий шаклли кичик ва ўртача ўлчамли юзлаб ва минг-минглаб құймалар олинади. Шу боисдан уларга шартли равишда доимий қолиплар деб ҳам юритилади.

## 2-§. Технологик мосламалар ва асбоблар

Құймалар қолипларини тайёрлашда фойдаланиладиган технологик мосламаларга модель, модель таглиги, стержень яшиги, суюқ металлни қолига киритиш тизими моделлари, опока ва бошқалар киради.

Куйида асосий технологик мосламалар ҳақида маълумотлар келтирилади.


**Модель.** Модель деб қолип материалида олинувчи құйманың ташқи контуруни ҳосил құлувчи мосламага айтилади. Моделнинг ташқи шакли олинувчи құйма шаклига ўхшаш бўлгани билан ўлчамлари қолипга киритилган суюқ металлнинг совиб қотишида киришув қийматига ва механик ишловларга бериладиган юзалар қўйимига нисбатан каттароқ бўлади. Моделлар ва шунингдек бошқа технологик мосламалар енгил, осон кесиб ишланадиган, чидамли, арzon материаллардан тайёрланиб, улар қолип материалига ёпишмай, ундан осонроқ ажralадиган бўлиши керак.

Күймаларни кўплаб ишлаб чиқармайдиган кичик цехларда технологик мосламалар сифатли ёғочлар (қарағай, арча, занг ва бошқалар)-дан тайёрланади. Бунинг учун ёла, тахта, брус тарзидаги ёғочлар печда 60–70°C температурада (намлиги 8–10% гача келгунча) бир неча соат қуритилади-да, кейин технологик мосламаларни тайёрлаш участкасига узатилади. Улар чизмалар асосида тайёрланади.

Одатда, оддий шаклли, кичик ва ўртача ўлчамли қўймалар моделлари яхлит, мураккаб шаклли қўймалар моделлари ажралувчи ва шунингдек айрим-айрим бўлаклардан йигилган бўлади (138-расм).

Кўпинча ажралувчи моделлар икки (устки ва пастки) палладан изборат бўлиб, пастки палланинг ажралиш юзида иккита конусли кичик тешиги бўлса, устки палланинг ажралиш юзасида эса иккита конусли кичик ортиғи бўлади. Қолип паллалари шу конусли тешикларга конусли ортиқлар киритилган ҳолда йигилади.

Маълумки, ёғоч арzon материал ва у яхши кесиб ишлангани билан нам тортиб тоб ташлаши, тез чириши ва деярли пухтамаслиги туфайли ундан кенг фойдаланиб бўлмайди. Шу боисдан кўплаб бир хилдаги металл кўймаларни ишлаб чиқарувчи йирик цехларда моделлар ва шунингдек бошқа технологик мосламалар алюминий қотишмалар ва пластмассалардан тайёрланади. Бу материаллар ёғочга қараганда анча қиммат бўлса-да, узоқ вақт турли мұхитларда ишлаши давомида шакли ва ўлчамларини сақлаши, қолип материалида аниқ модель контури олиниши каби афзалликларга эга. Шуни қайд этиш жоизки, моделлар қайси материалдан тайёрланмасин, қолидан осонроқ чиқариш учун унинг вертикаль текисликларига кичик қиялик берилади, юзлари нағис ишланади, қиялик қиймати модель материалига, шаклига, ўлчамига, қолип материалига ва қолипни тайёрлаш усулига боғлиқ. Одатда, ўртача шаклли ва ўлчамли ёғоч моделларида бу қиялик 1–2°, металларда 0,5–1° оралигида бўлади.




138-расм. Моделлар хили:  
а — яхлит модель; б — икки бўлак модель; в — ажралувчи модель.

Моделларнинг бир юзадан иккинчи юзага ўтиш жойлари ўтмас бурчаклар бўйлаб текис ўтишидан ташқари, зарур ҳолларда қолипда стерженни ўрнатиш учун таянч юза ҳосил этиш учун моделда конусли ортиқ қилиниб, у қора рангга бўяб қўйилади. Шунингдек, моделларни олинувчи қўйма материалига кўра ажратиш мақсадида турли рангга бўяб, ҳарфлар ва рақамлар билан маркаланади. Масалан, чўянқўйма моделларини қизил рангга, пўлат қўймалар моделларини яшил рангга ва рангли металл қўймалар моделларини сарик рангга бўялади.

**Стержень яшиги.** Кўймалarda турли шаклли тешиклар, ўйиқлар олиш учун юқори сифатли гилли кум материалларидан уларнинг шаклига ва ўлчамига мос стерженлар тайёрлашда фойдаланувчи технологик мосламаларга стержень яшиги дейилади. Улар ҳам модель материалларидан тайёрланади. Уларнинг шакли ва ўлчамлари эса, қўймада олинувчи тешик шакли ва ўлчамидан, қолипда металнинг киришуви ва механик ишланадиган юзалар қўйим қиймати ҳисобига кичикроқ бўлади.

Одатда, кам серияли, оддий шаклли, кичик ўлчамли стерженларни тайёрлашда фойдаланиладиган стержень яшиклари моделлар сингари яхлит, мураккаб шаклли, катта ўлчамли стержень яшиклари икки паллали ва айрим-айрим бўлаклардан тайёрланади (139-расм).

**Суюқ металлни қолипга киритувчи тизим моделлари.** Суюқ металлни қолипларга равон киритишда, уни шлакдан, газлардан бирмунча тозалаб узатувчи каналлар моделлари мажмусига моделлар тизими




139-расм. Стержень яшиклари:

- а — яхлит стержень яшиги;
- б — икки бўлак стержень яшиги;
- в — ечишган стержень яшиги

дейилади. 140-расм, б да нормал қүйиш тизими моделлари көлтирилганды. Расмдан куринадик, у метални қүйиш косачаси 1, стояк деб аталувчи конус воронка 2, шлак тутқич 3, таъминлагичлар ва випор деб аталувчи конус воронкалардан иборат.


Бу моделлар ҳам олинувчи қўймалар шаклига, ўлчамига кўра модель материалларидан чизмалар асосида тайёрланади.

**Модель таглиги.** Қолипларни гилли қум материалларидан тайёрлашда фойдаланиладиган модель таглиги ёғочдан тайёрланса, бу тагликка модель таглик тахтаси дейилади (агар модель таглик металларидан тайёрланган бўлса, унга модель плитаси дейилади). Модель плиталарда маълум тартибда очилган тешиклар бўлиб, заруриятга кура уларга ўрнатиладиган моделлар бошқа моделлар билан алмаштирилади (141-расм).



140-расм. Нормал қўйиш тизими:

1 — қўйиш косачаси; 2 — стояк;  
3 — шлак тутқич; 4 — таъминлагичлар;  
5 — випор косачаси;  
6 — випор стояклари




141-расм. Модель плиталар:

а — бир ёқлама ишлайдиган модель плита; б — икки ёқлама ишлайдиган модель плита

**Стерженлар ўринидиги.** Стерженлар стержень яшикларида тайёрлангач, уларни пухталаш мақсадида ташқи шакли ва ўлчамига мос стержень ўринидигига ўтқазилиб, қуритиш учун печга узатилиб, маълум температура оралигига зарур вақт давомида қиздирилади. Бунда унинг ўринидикдаги кичик тешикларидан ҳаво ўтиб, улар бир текис қизиб пухталанади.

**Опока.** Қолип материалларида модел ташқи контурининг олиниши билан қўйма қолипни тайёрлашга хизмат қилувчи очиқ рама (кути)га опока дейилади. Опокалар пўлат, чўян ва алюминий қотишмаларидан тайёрланади. Улар конструкциясига кўра яхлит, бўлакларга ажралувчи, қобирғасиз ва қобирғали бўлиб, ўлчамлари стандарт бўйича турлича бўлади (142-расм). Одатда, йирик бўлмаган қўймалар қолипини тайёрлашда ажралмайдиган қовурғасиз опокалардан, йирик қўймалар қолипини тайёрлашда ажраладиган қобирғали опокалардан фойдаланилади.

Қўймалар қолиларини тайёрлашда опокалар бўшлиқларидан тўғри фойдаланиш туфайли қолип материаллари тежалади. Қолилар тайёрлашда қолип материалларининг кўплаб сарфланишини ҳисобга олишнинг аҳамияти катта. 42-жадвалда моделларни опокада қай таркибда, қай оралиқда жойлаштириш бўйича тавсиялар келтирилган.




**142-расм. Опокалар:**

- a* — қовурғасиз опока; *b* — қовурғали опока: 1 — устки опока;
- 2 — пастки опокалар; 3 — опокалар бўшлиғи; 4 — опокалар қулоқлари;
- 5 — маркаловчи штирлар

Моделларнинг опекалда жойлашниши	Куйманинг тавсифи	Ўлчамлари, мм			
		а	в	с	д
	майда	20–30	35–60	50–75	20–30
	уртача	50–75	75–100	100–125	40–60
	йирик	129–175	150–200	175–250	камида 100

Куймакорлик цехларида қолип материалларидан қолип ва стерженлар тайёрлашда фойдаланиладиган асбобларга қолиплаш асбоблари дейилади. Улар шартли равишда икки гуруҳга ажратилади:

1. Белкурак текислайдиган шибба ва бошқалар.
2. Моделни қолипдан, стерженни стержень яшигидан ажратиб олишда, қолиплар ва стержень сирт юзаларини тузатишда, текислашда, таъмирлашда фойдаланадиган андава, текислагич, қошиқ, илгак ва бошқалар (143-расм).



143-расм. Қолиплаш асбоблари:

а — белкурак; б — ғалвир; в — шиббалар; г — пневматик шибба;  
д — илгак қошиқ ва андавалар; е — текислагич, учли юмалоқ сим  
ва чутка

**БИР МАРТА ҚУЙМАЛАР ОЛИШГА ЯРОҚЛИ ҚОЛИП  
МАТЕРИАЛЛАРИГА ҚҮЙИЛУВЧИ ТАЛАБЛАР,  
ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ**

**1-§. Қолип материаллари ва уларга қүйилувчи талаблар**

Техника-иқтисодий талабларга жавоб берадиган қолиплар тайёрлашда уларнинг материаллари хоссаларининг аҳамияти foят муҳим. Шу боисдан улар куйидаги асосий механик, технологик, физик хоссаларга эга бўлиши лозим.

**Механик хоссалари га пухталиги, пластиклиги ва қайишқоқлиги, технологик хоссаларига оқувчанлиги, термомеханик бардошлиги, намиқмаслиги, ажралувчанлиги, газ ўтказувчанлиги, чидамлилиги кирса, физик хоссаларига эса иссиқлик ўтказувчанлиги, солишимдирма иссиқлик сифимлари киради.**

**Пухталиги.** Пухталиги деб, қолипларни тайёрлашда, уларни бир жойдан бошқа ерга ўтказишда, унга металл киритишда ўз шакли ва ўлчамини сақлаш хоссасига айтилади. Нам қолиплар учун уларнинг сиқилишга пухталиги  $\sigma_c = 30-70$  кПа бўлса, қуритилган қолиплар учун ўзилишга пухталиги  $\sigma_b = 80-200$  кПа оралиғида бўлади.

**Пластиклиги.** Пластиклиги деб, қолип материалига моделни ташқи куч таъсирида босилишда унинг ташқи контурига осон ўтиб, ундан модель олингандан кейин эса олган шаклини сақлаш хоссасига айтилади.

**Қайишқоқлиги.** Қайишқоқлиги деб, қолип материалини қолип бўшлиғига кираётган металл таъсирида маълум даражада сиқилиб, металлнинг совиб киришишида эса дастлабки жойига қайтиш хоссасига айтилади.

Агар металларда қайишқоқлик хоссаси кичик бўлса, куймада зўри-киш кучланишлар ҳосил бўлиб, тоб ташлашига ва базъзан дарз кетишига сабаб бўлади.

**Оқувчанлиги.** Оқувчанлиги деб, қолип тайёрлашда материални модель ташқи контурига мос бўшлиқقا бир текисда осонроқ ўтиш хоссасига айтилади.

**Термомеханик бардошлиги.** Термомеханик бардошлиги деб, материални қолипга юқори температурали металл кираётганда куймай, эри-май қолган шакл ва ўлчамларини сақлаш хоссаларига айтилади.

**Намиқмаслиги.** Намиқмаслиги деб қолип материалнинг ҳаво нами-ни ўзига олмаслигига айтилади.

**Ажралувчанлиги.** Ажралувчанлиги деб материални қуймадан осон ажралиши хоссасига айтилади.

**Газ ўтказувчанлиги.** Газ ўтказувчанлиги деб материалнинг қолипга металл киритилаётганда ундаги ҳавони ва ажралувчи газларни ташқарига чиқариш хоссасига айтилади.

**Чидамлилиги.** Чидамлилиги деб қолипда қайта-қайта қўймалар олишда материалнинг механик, технологик ва физик хоссаларини сақлашига айтилади.

Иссиқлик ўтказувчанлиги ва солиштирма иссиқлик сифимлари эса металлни қолипда совитиш тезлигига, бинобарин, структура (хоссанси)га таъсир кўрсатади, шунинг учун ҳам ушбу хоссаларни билмоқ лозим.

Статистик маълумотларига кўра, металл қўймаларни кўплаб ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарда бир тонна қўйма олишда ўртача 4–7 тонна қолип материал ишлатилишини зътиборга олсак, улар нархининг аҳамияти нақадар муҳимлиги маълум бўлади.

## 2-§. Қолип материаллар таркиби

Қолип материалларнинг юқорида қайд этилган хоссаларга қанчалик жавоб бериши улар кимёвий таркибига, донадорлиги (структураси)га, боғловчилар хилига ва миқдорига, намлиқ даражасига, қолидаги зичлигига ва бошқа кўрсатгичларга боғлиқ. Юқорида қайд этилганидек, бир марта қўймалар олишга яроқли қолип материалларининг асосий қисми кварц қумидир.

**Қолип қуми.** Бу материал асоси табиий кварц ( $\text{SiO}_2$ ) бўлиб, унда маълум миқдорда гил ва бошқа бегона бирикмалар ( $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ,  $\text{Na}_2\text{O}$ ,  $\text{CaO}$ ,  $\text{MgO}$  ва бошқалар) бўлади.

Табиий кварц зичлиги 2,5–2,8 г/см<sup>3</sup> оралиғида бўлиб, суюқланиш температураси 1750–1780°C оралиғида бўлган пухта ва қаттиқ модда. Лекин қумнинг шундай хусусияти ҳам борки, у 575°C температурага-ча қизиганда аллотропик ўзгариши сабабли ҳажми бирмунча ортади, натижада у ёрилади, парчаланади. Бу эса қолип материалини чангсизмон заррачалар билан тўйинтириб, сифатиша путур етказади.

Шу боисдан, бир марта ишлатилган қолип материалларнинг хоссаларини тиклаш мақсадида уларга маълум миқдорда ҳали ишлатилмаган кварц қуми қўшилади. Қолип материаллари таркибидаги боғловчи моддалардан ташқари барча бегона бирикмалар унинг хоссаларига путур етказади. Қолип қуми таркибидаги гилли моддалар миқдорига кўра кварцга ва гилга ажратилади. Агар қумлар таркибида 2 фоизгача гил ва 10 фоизгача бегона бирикмалар бўлса — кварц, гилли моддалар миқдори 50 фоиздан ортиқ бўлса — гил дейилади. Уларни қазиб олувчи жойлар номи билан аталади. Масалан, Любарец конида олинадиган қумни Любарец қуми дейилади ва ҳоказо.

ГОСТ 2138-74 бўйича қумларнинг кимёвий таркиби ва донадорлиги (структураси) бўйича бир неча синфларга ва гурухларга ажратилади.

43 ва 44-жадвалларда улар ҳақида маълумотлар келтирилган.

## 43-жадвал

Кумнинг номи	Синфи	Гилли молдалар миқдори, %	Кварц ( $\text{SiO}_3$ ), %	Хоссасига путур етказувчи бегона бирикмалар ( $\text{CaO}$ , $\text{MgO}$ , $\text{K}_2\text{O}$ , $\text{Na}_2\text{O}$ ) ва бошқалар, %
Кварцити	I	2 гача	≥ 97	2,25
...	II	...	≥ 96	2,5
...	III	...	≥ 94	3,5
...	IV	...	≥ 90	
Ширасиз	T	2 дан 10 гача		
Ширалироқ	P	10 дан 20 гача		
Ширати	Ж	20 дан 30 гача		
Сершира	OЖ	30 дан 50 гача		

## 44-жадвал

Кумнинг улчамига кура номи	Гурӯҳи	Асосий қум донлари қолган элаклар номери
Дағат	063	I; 063; 04
Жуда йирик	04	063; 04; 0315
Йирик	0315	04; 0315; 025;
Үртача	025	0315; 025; 016;
Майды	016	025; 016; 01;
Жуда майды	01	016; 01; 063;
Ниҳоятда майды	0063	01; 0063; 005;
Кукуп	005	0065; 005; элак тагидаги илишда

43-жадвалдан кўринадики, уларнинг кимёвий таркибига кўра бир неча сипғга ажратилиши талабаларга тушунарли бўлса-да, 44-жадвалда келтирилган гурӯҳлар ва донадорлигига ажратилганлиги қандай аниқланганлигини англаш қийинроқдир. Шу боисдан бу ҳақда қисқача маълумот келтирамиз. Одатда, қумни гилдан ва бегона бирикмалардан тозалаб қутилгач, ундан 50 грамм олиб, уни аниқ ўлчамдаги кўзли, устма-уст ўрнатилган учта элаклардан бирма-бир эланади. Бунда қайси элакда қум кўпроқ қолса, унинг донадорлиги шу элак кўзи ўлчами билан белгиланади. Масалан, дағат қумлар ўлчами 1,0–0,4 мм оралиғида бўлса, ўртача қумлар ўлчами 0,315–0,16 мм оралиғида бўлади.

Қумларни элашда устки элакда кўпроқ қолган қумлар А хилга, пастки элакда кўпроқ қолганлари Б хилга киради. А хилга кирган қумлар оддий сифатли ва Б хилга кирганилари юқори сифатли қумлар бўлади. Улар эса 1 К 02 А, 2 К 02 А ёки 1 К 02 Б, 2 К 02 Б тарзида маркаланади.

Масалан, 1 К 02 А да 1 К синфини, 02 гурӯҳни ва А ҳарфи эса хилини билдиради. Турли қуймалар қолилларини тайёрлаш учун ташлашда унинг хоссаларига путур етказувчи қўшимчаларнинг таъсирини эътиборга олмоқ лозим.

45-жадвалда турли құймалар олишда тавсия этилувчи қум синфлары көлтирилген.

45-жадвал

Құйма тасиғи ва материали	Күм синфи
Йирик пұлат құймалар олишда	I
Үртача ва майда пұлат құймалар олишда	II
Йирик ва үртача чүян құймалар олишда	III
Үртача ва майда чүян ва рангли металл құймалар олишда	IV

**Қолип гили.** Юқорида қайд этилганидек, қолип гили ҳам табиий бирикма бўлиб, унинг таркибида гилли моддалар 50% дан ортиқ бўлади. Унинг сув билан аралашмаси қум донларини ўзаро боғлаш хусусиятига эга. Гилли моддалар асоси пластик ва қовушқоқ каолинит ( $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ) дан иборат бўлиб, унда қисман  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ,  $\text{CaCO}_3$ ,  $\text{K}_2\text{CO}_3$ ,  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  ва бошқа бегона бирикмалар ҳам бўлади, улар гилни боғлаш хусусиятини пасайтиради.

Оддий хоссали гилларни қум донларининг ўзаро боғлаш хусусиятига кўра учта сортга, бир неча синфга ва гуруҳларга ажратилади. 46-жадвалда бу гуруҳларнинг шартли белгилари, боғлаш қобилияти, ишлатилиши ҳақида маълумотлар көлтирилган.

46-жадвал

Гилнинг номи	Шартли белгиси	Сиқилишдаги мустаҳкамлиги, $\text{s}_c$ , $\text{kgr}/\text{cm}^2$		Ишлатилиши
		намлигига	қуруқлигига	
Бўш боғловчи	M	0,15—0,3	>1,5	мураккаб бўлмаган қуруқ қолиплар тайёрлашда
Үртача боғловчи	C	0,3—0,5	1—2	майда, үртача қуруқ қолиплар тайёрлашда
Линча лутха боғловчи	B	>0,2	>2	мураккаб, йирик қолиплар ва стерженлар тайёрлашда
Жудаим пухта боғловчи	O	0,37	>2	

Гиллар тубандагича маркаланади:

Масалан, K III/2 T, маркасидаги K — каолинитли гиллигини, III — учинчи сортлигини, 2 — иккинчи синфлигини ва T, — иккинчи гуруҳдаги үртача чидамлилигини билдиради.

Шуни қайд этиш жоизки, гиллар табиатда күп тарқалған, арzon моддалардир. Уларни хоссаларига күра оддий сифатли (шартли равишида  $\Phi$  ҳарфи) ва юқори сифатли (шартли равишида  $B$  ҳарфи) хилларига ажратиласы. Оддий сифатли гиллардаги сув молекулалари күм заррачаларини сиртлари бүйича ўзаро боғласа, юқори сифатли бентонит гиллар ( $Al_2O_3 \cdot 4SiO_2 \cdot H_2O + H_2O$ ) эса күм заррачаларни фақат сиртлари бүйича эмас, балки ички қатламлари бүйича ҳам боғлады. Шу боисдан уларнинг қум донларини ўзаро боғлаш хусусиятлари оддий гилларга қараганда 2–3 марта ортиқ бўлади.

Қолип (стержень) материалларига юқорида қайд этилган зарурий хоссаларга эга бўлиши учун күм донларини боғловчи сифатида маълум миқдорда гилдан ташқари спирт бардаси, цемент, суюқ шиша, қолип материалини қўймага ёпишишининг олдини олиш учун унга маълум миқдорда тошкўмир кукуни, чангсимон кварц қуми ва бошқалар, шунингдек газ ўтказувчининг қайишқоқлигини орттириш учун ёғоч қипиғи ва бошқа моддалар қўшилади.

### 3-§. Maxsus қолип материаллари

Кейинги йилларда сифатли қўйма қолиллар тайёрлаш билан боғлиқ ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш билан иш унумини орттириш борасида олиб борилаётган ишларда махсус материаллар деб юритилувчи қолип (стержень) материалларидан фойдаланилмоқда. Бу материаллар асоси кварц қуми из миқдорда бўлиб, қум донларини ўзаро асосий боғловчилар сифатида синтетик смолалар (карбомидлар, карбомид фенолли, карбомид фурланли, феноллар ва фенол фуронли аралашмалар), шунингдек, суюқ шиша, цемент, сульфит спиртли барда ва бошқалар билан бирга катализаторлар сифатида бензосульфит ва ортофосфор кислоталардан кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирда уларнинг тегишли катализаторлари билан фойдаланилаётганларининг 40 дан ортиқ хили мавжуд.

Махсус синтетик боғловчи моддалар қўшилган қолип ва стержень материалларини қотиш шароитига кўра шартли равишида қўйидаги хилларга ажратиласы:

1. Тез қотувчи аралашма материаллар.
  2. Иссик ҳолатида қотувчи аралашма материаллар.
  3. Совук ҳолатида қотувчи аралашма материаллар.
  4. Суюқ ҳолатида қотувчи аралашма материаллар.
- 1. Тез қотувчи аралашма материаллар.** Бу материал таркибида 95–97% қум, 3–5% гил, 3–7% суюқ шиша бўлади. Агар бу материалдан  $CO_2$  гази ўтказилса, унда  $Na_2O \cdot 2SiO_2 + CO_2 = Na_2CO_3 + 2SiO$ , реакцияси боради ва тез қотадиган гель —  $SiO$ , бериб, ортиқча сув ажралади. Гель эса қум донларини ўзаро пухта боғлаб, тез қотади. Кузатишлар кўрсатадики, қолип материалига 3–5% суюқ шиша қўшилса, бу мате-

риалнинг нам ҳолатида сиқилишига мустаҳкамлиги  $\sigma = 15-30$  кПа га, чўзилишга пухталиги  $\sigma = 300-500$  кПа га етади, қотиш вақти эса қолипларнинг кесим қалинлигига боғлиқ бўлади. Бу материалдан фойдаланишда заҳарли молдалар эжралмаслиги, тез қотиши хоссасини узоқ вақт сақлаши унинг афзаллиги бўлса, намиқиши юқорилиги, қолидан қўйманинг ёмон ажралиши — камчилигидир.


**2. Иссик ҳолатида қотувчи аралашма материаллар.** Бу материалларга қум донларини боғловчи сифатида 3–4% карбомидфуран смолалар ҳамда тегишли катализаторлар қўшилади. Бу материаллар 250–280°C да 1–2 минутда қотади. Уларнинг чўзилишга мустаҳкамлиги  $\sigma = 1,5-2,5$  кПа га етади. Қимматбаҳо мосламалар, қиздириш қурилмалари талаб этиши эса бу материалнинг камчилиги ҳисобланади.

**3. Совук ҳолида қотувчи аралашма материаллар.** Бу материаллар таркибида 95% қум, 3% гил, 2% нефелин шлами, 1,5% натрий гидрооксид ва 7% суюқ шиша бўлиб, улар маҳсус шнекли машинада аралаштириб тайёрланади.


**4. Суюқ ҳолатида қотувчи аралашма материаллар.** Бундай материаллар таркибида 95–97% қум бўлиб, унга боғловчи сифатида маълум миқдорда суюқ шиша, феррохромли шлак (баъзан цемент) ва тегишли катализаторлар қўшилади.

#### 4-§. Қолип материалларини тайёрлаш

Карьерлардан келтирилган қум ва гилларни барабан хилли ёки бўлак конструкцияли печларда аввало 200–250°C температурада обдон қиздириб қуритилади. 144-расмда барабан хилли қуритиш печининг схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, қум ёки гил барабангага воронка 1 орқали киритилади. Барабан ўқи атрофида айланётганда ўтхонади.



**144-расм. Барабан типидаги қуритиш печининг схемаси:**  
1 — воронка; 2 — қуритилган материалнинг чиқиши жойи; 3 — ўтхона;  
4 — барабан; 5 — мўри



145-расм. Майдалаш машинасыннин схемасы:


- 1 — тогора; 2 — филдирак; 3 — вал;
- 4 — тишли филдирак

машинасида маълум вақт қориширилди (146-расм). Бу машиналарга бегунлар дейилди. Унинг залвар филдираклари 3 таглигига тегмаган ҳолда, қум донларининг ўлчамига қараб ростланади. Бунда филдираклар вертикал ўқ атрофида ва материалларга ишқаланиш ҳисобига горизонтал ўқ атрофида айланади.

Машина вертикал ўқ атрофида айланувчи сургичлари 2, 4 залвар филдираклари тагига материални сурниб туради. Қачонки, материал яхши аралаштирилиб, хоссалари кузатувдан ўтгач, унинг тортқичи 6 тортилса, материал қути тагидаги тешикдан ишлатиш жойига узатилади.

Агар бу материаллар ёпишқоқ бўлиб, бир текис намланмаган бўлса, улар титиш машинасида яна ишланади (147-расм). Расмдаги схемадан кўринадики, материал транспортёр орқали машина воронкаси 1 га узатилади, уни ўқи атрофида айланаб турувчи кураклари 2, пўлат сим 3 ёки занжирларга отади.

Материал симларга урилиб сочилиб, транспортёрга тушади. Материалнинг симларга ёпишиб қолган қисми, эксцентрик 4 ёрдамида ажратилади. Қуюв цехларида бир марта қуйма оловчи Қолип материаллар таркиби



146-расм. Қолип материаллини қоришириш машинаси:


- 1 — вертикал ўқ; 2 — сургич;
- 3 — филдирак; 4 — сургич; 5 — қути;
- 6 — тортқи

насидан чиқаётган иссиқ газлар иссиқлиги ҳисобига қизиб, қуриб боради. Агар кесакланиб қотган бўлаклари бўлса, улар майдалаш машиналарида майдаланади (145-расм).

Бу машина тогораси 1 га киритилган кесакланган материаллар унинг оғир филдираклари 2 билан эзилиб уваланади. Сўнгра улар эланади. Кейин бу материаллардан белгиланган миқдорда олиб, уларга маълум миқдорда боғловчи, қўшиладиган материаллар ва сув қуиб, қоришириш

**147-расм. Қолип материалини титиш машинасининг схемаси:**

1 — воронка; 2 — курак; 3 — симлар; 4 — эксцентрик



құймалар материал шаклиға ва масасига құра белгиланади (47, 48-жадвалларга қаранг).

Шуни айтиш керакки, бир марта ишлатилған қолип материалларига маңымум міндердөрд тоза күм, гил ва бошқа материаллар құшилиб, сув билан қоришириб, янгиланади. Бу ишларнинг барчаси механизациялаشتырылған ва автоматлаштырылған.

48-жадвал


Майда ва уртача құймалар учун	Қолип материалнинг таркиби, массасы жиһатидан %							Материалнинг хоссалари			
	Кайта ишлати- ладын мате- риал	кварц күми	кукун жолати- даги гил	тошқұмир кукун	суюқ шиша	мазут	гил	газ үтказув- чанлығы, см <sup>3</sup> СН/кг/мин	намли- гуда пухта- лиғы, кг/см <sup>2</sup>	Күрүқлигилда пухталығы, кг/см <sup>2</sup>	намлиги, %
Пұлат құйма	—	100	2-3	—	6,5-7,5	0,2-0,3	5 гана	70	0,25-0,35	≥ 8	5,5-6,5
Чуян құйма	15-29	90-75	—	5	6,5-7,5	+	5 гана	70	0,2-0,3	≥ 6	4-5

148-расмда қолип материаллари тайёрловчи автомат қурилма бир турининг схемасы көлтирилген.

Конвейер 1 даги қолип 2 га қуйилған металл панжара 3 га келгунча бирмунча совиб, қолип шаклиға ўтиб қолгач, қолип бузилиб, ундан қуйма ажратиласы. Ишлатилған қолип материалы эса панжара 3 күзларидан транспортёр 4 га тушади. У ердан эса тебранма әлакка узатилиб әланади.

Эланган материал лентали қия транспортёр 5 га узатиласы. Транспортёр охирига ўрнатылған магнит шкив 6 материалдаги металл зарражаларин үзінга тортиб, уни тозалайды. Тозаланған материал тақсимлаш лентасы 7 га, у ердан бункер 8 га, ундан эса дозатор 9 га ўтиб, у ердан бегун 10 га порциялаб келиб туради. Қачонким, тайёрланған материал талаб этиладында хоссага келгач, қия лентали транспортёр 11 га, ундан

Қолилар-нинг хили	Күйма массаси, кг	Қолип материалларининг тавсифи					Таркиби. массаси жиҳатидан %				
		Донадор-лиги	Гилли модда-лар миқдори, %	нам ҳолатдаги материалнинг газ ўтказув-чанлиги, см <sup>1</sup> ·см/кг·мин	Сиқилишидаги мустаҳкамлик чегараси, кг/см <sup>2</sup>	намли-гигида	Куруқ-лигида	нам-лиги	қайта ишлатила-диган материал	Ҳали ишла-тилмаган гилли кум	тош-күмир
Нам қолиллар	100 гача	02 А 0315 А	10-12	60-80	0,5-0,6	0,8-1,2	6,0-7,0	40-70	27-67	-	3,0
Куруқ қолиллар	100 дан ортиқ	0315 Б 04 А	11-13	80-100	0,6-0,65		6,0-7,0	35-60	37-62	-	3,0
	2000 гача	0315 Б 04 А	13-14	70	0,65-0,7		7,0-0,8	50-60	28-40	-	10-12
	2000 дан 15000 гача	0315 А 0,4 А	14-16	70	0,7-0,8		7,0-0,8	40-50	38-50	-	10-12



148-расм. Қолип материалларини тайёрловчи автомат қурилма:

1—конвейер; 2—қолип; 3—металл папіжара; 4—транспортёр; 5—қия транспортёр; 6—магнит шків; 7—тақсимлаш лентаси; 8—бункер; 9—дозатор; 10—бегун; 11—транспортёр; 12—сочгич; 13—бункер; 14—таъминлагич; 15—транспортёр; 16—сочгич; 17, 18, 19—лентали транспортёрлар; 20—бункер; 21—қолиплаш машинаси

сочгич 12 га, кейин эса тиндиригич бункери 13 га узатилади ва у ерда тиндирилиб, бир текисда намланади. Сүнгра қолип материали бункер 13 дан таъминлагич 14 га, ундан транспортёрлар 17, 18, 19 орқали бункерлар 20 га, ундан эса қолиплаш машинаси 21 га ўтади.

49-жадвалда янгиланган қолип материалларининг ўртача таркиби келтирилган.

49-жадвал

Қолип материалнинг ўртача таркиби	Компонентлар миқдори, %
Ишлатилған қолип материали	94,5—96,5
Қышладиган тоза кварц күми ва гил	3—5
Қышладиган маҳсус материаллар (тошқўмир, қипик ва бошқалар)	0,5
Сув	4,5—5,5

Шуни ҳам айтиш жоизки, қолип материаллари бажарадиган ишига кўра қуидаги хилларга ажратилади:

**1. Қоплама материаллар.** Бу материаллар опокадаги қолип бүшлиғининг суюқ металл билан бевосита муносабатда бўладиган юзларини қоплаш учун ишлатиладиган материал бўлиб, таркибида 50–90% ишлатилмаган ва 10–50% ишлатилган материал бўлади. Модель шакли ва ўлчамига кўра унинг сиртига 10 дан 100 мм гача қопланади.

**2. Тўлдиргич материаллар.** Бу материаллар опокадаги қоплама материал тагида бўлиб, у қолипнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу материаллар сифати қоплама материаллардан пастроқ бўлади. Таркиби бир марта ишлатилган материаллар маълум миқдорда гил, қум ва бошқа зарур қўшимчалар аралаштирилиб тайёрланади.

**3. Умумий материаллар.** Бу материаиллардан асосан йирик қуюв цехларида машиналарда кўплаб қолиллар тайёрлашда фойдаланилади. Улар билан опокаларнинг бутун ҳажми тўлдирилади. Шу боисдан бу материалларга умумий материаллар дейилади. Бу материаллар таркибида тўлдиргич материаллар 80–90% бўлиб, қолган қисми эса ишлатилмаган материаллар бўлади.

## 32-боб

### СТЕРЖЕНЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ, ТАВСИФИ, СИНФЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

#### 1-§. Стерженлар ва уларнинг материали

Юқорида қайд этилганидек, стерженлар қўймалардан турли шаклли ва ўлчамли очик ва берк тешиклар, чукурчалар олишга хизмат этади. Қолип материалларга нисбатан оғир шароитда ишлатилиши сабабли улар юқори сифатли стержень материаллардан тайёрланади. Қолилларни йиғиш пайтида стерженлар қолипдаги тегишли таянч юзларга ўрнатилади.

Стерженлар тайёрлашда кварц қум донларини ўзаро пухта боғловчилар сифатида сульфит, спирт, барда, синтетик смола, суюқ шиша ва бошқа боғловчилардан, газ ўтказувчанлиги билан қайишоқлигининг ортирилиши учун ёғоч қипиғи, торф майдалари ва бошқалар қўшилади.

#### 2-§. Стерженлар тавсифи, синфлари ва таркиби

Стерженларнинг ҳажмлари  $5 \text{ dm}^3$  гача бўлса майда,  $5 \text{ dm}^3$  дан  $50 \text{ dm}^3$  гача бўлса — ўртача ва  $50 \text{ dm}^3$  дан ортиқ бўлса йирик стерженлар дейилади. Улар шакли ва ўлчамларига қараб мураккаб шаклли, юпқа қирқимли, кичик ортиқли стерженлар I синфга; мураккаб шаклли, йирик кесимли бўлган юпқа қирқимли қобирғали стерженлар II синфга; мураккаблиги ўртача бўлган стерженлар III синфга; оддий шаклли стер-

женлар IV синфга; шакли оддий бўлган йирик стерженлар эса V синфа киритилади.

50-жадвалда стержень синфларига кўра уларнинг таркиби ва хоссалиари келтирилган.

50-жадвал

Стер- жен- лар синфи	Материалнинг таркиби, массаси жиҳатидан %							Хоссалари		
	кварц куми	қайта ишлати- ладиган мате- риал	шира- лироқ гилли кум	тил	боғлов- чилар	қи- ниқ	газ утка- зувчанили- ги, см <sup>3</sup> / см <sup>3</sup> /кГ мин	сиқилинн. мустаҳкамлаш- чегараси $\sigma$ , кГ/см <sup>2</sup>	намли- ги, %	
								нам холатида		
I	100	—	—	—	ПТ3.0–3.5	—	120	0.02–0.03	12	2.5–3.0
II	85–97	—	15	0–3	П3.0–3.5	—	100	0.15 тача	7–11	2.5–3.5
III	70–75	30–25	—	бен- тонит	КТ5.0 тача	—	80	0.25–0.35	5–7	5.5 тача
IV ва V	66–67	30	—	4.0–3.0	барда 1.0–1.5	3–4	60	0.45–0.55	2	5–6


### 3-§. Стерженларни тайёрлаш

Стерженлар тайёрлашда уларнинг материал таркибини тўғри белгилашдан ташқари айрим технологик воситалардан ҳам фойдаланилади. Жумладан, оддий шаклли майда (ингичка, юпқа) стерженларни тайёрлашда уларнинг пухталигини ошириш мақсадида баъзан ораларига металл сим қўйилса, мураккаб шаклли йирик стерженлар тайёрлашда эса металл рама ва каркаслардан фойдаланилади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ингичка, пухталиги пастроқ стерженлар қолилга металл киритишда синмаслиги учун тагига турли хил металл тираклар ўрнатилади (149-расм).

Стерженларнинг газ ўтказувчанилиги ни ошириш мақсадида орасига похол, каноп пиликлари ҳам қўйилади. Улар стерженни қуритишда куйиб кетиб, ғоваклар ҳосил қиласди. 150-расмда тройник стерженни ёғоч стержень яшигига қўлда тайёрлашни қай кетма-кетликда олиб бориш ишлари кўрсатилган.

Шуни қайд этиш керакки, стержень тайёрлашни бошлишдан аввал стержень яшик ярим паллаларининг иш юзалари қолдиқ материаллар ва чанглардан тоза-




Тирак Стержень

149-расм. Тиракларнинг хили ва ўргагилиши

ланиб, стержень материалининг деворга ёпишмаслиги учун юзаларига керосин пуркалади ёки графит кукуни сепилади (150-расм, а). Сүнгра қолип ярим палладарини стержень материали билан тұлдириб, яхшилаб шиббаланади (150-расм, б). Кейин стержень материалига каркас қуирилаб, ажралиш юзаларидан бир оз пастга ботирилади-да, газ чиқарыш каналчалари очилади (150-расм, в). Сүнгра стержень яшиги палладары йигилади (150-расм, д). Шундан кейин стержень яшигининг деворларига ёғоч болғача билан оҳиста уриб, устки палла пастки палладан ажратилади (150-расм, е). Кейин уни пастки палласи устига стерженнинг шаклига мос қуритиш ўринидиги қўйилиб, уни пастки палласи билан биргаликда 180°C айлантириб, стержень ўринидигига ўтказилади (150-расм, ж). Сүнгра уни табий газда ёки бошқа ёқилғида ишлайдиган печда шакли ва ўлчамига кўра 130–240°C температурада маълум вақт қиздирилиб пухталанади.

Маълумки, қуритиш пайтида стерженларнинг шакли ва ўлчамлари баъзан ўзгариши мумкин. Бундай ҳолларда улар таъмирланади, кейин маҳсус тагликка терилиб, қуруқ хонада сақланади. Йирик цехларда стерженлар қуритувчи печлар турли конструкцияли (вертикал ва горизонтал) бўлиб, узлуксиз ишлайди.



150-расм. Стерженни қўлда тайёрланиш


Шуни ҳам қайд этиш жоизки, мураккаб ва катта ўлчамли стержень яшиклари худди моделлар сингари айрим-айрим бўлаклардан тайёрланиб, кейин уларни ўзаро декстрин ёки сульфат елими билан елимлаб йигилади. Йирик қўймакорлик цехларида стерженларни тайёрлашда унинг сифатини яхшилаш, оғир жисмоний ишларни осонлаштириш, иш унумини ошириш учун турли конструкцияли (мундшуктли, пресслаш, силкитиш, кум пуркаш ва қум отиш) машиналаридан кенг фойдаланилади.

151-расмда қум пуркаш машинасининг тузилиши ва ишлаш схемаси көлтирилган. Расмдан кўринадики, машина столи / юқорига кўтарилиганда унинг устидаги стержень яшиги 2, қум пуркаш резервуари 4, таглик плитаси 3 орасига қисилади. Қум пуркаш резервуарига тақсимловчи клапан 5 орқали

5–6 атмосферагача сиқилган ҳаво ҳайдалганида ундағы стержень материалы тәшиклари орқали стержень яшигига бир текисда зичланади. Стержень яшик тағидаги сетка билан беркитилған жуда майда тәшиқчаларидан ҳаво ташқарига жуда катта тезликда чиқиб, ундағы материални янада зичлайди. Резервуарни стержень материалы билан түлдириш зарур бўлганда уни пневматик сургич 10 ёрдамида ролъганлар 9 да суриб, бункер 7 тағига келтирилгач, бекитгичи 6 очилади ва резервуар материал билан тулгач, бекитгич бекитилиб, у яна аввалги жойига қайтарилади. Бундай машинкаларда соатига 200–300 тагача мураккаб шаклли, майда ва ўртача катталикдаги стерженлар тайёрланади.

Йирик стерженларни тайёрлашда эса янада серунум қум ҳайдаш машиналаридан фойдаланилади. 152-расмда бу машинанинг тузилиши ва унда стержень тайёрлаш схемаси кўрсатилган. Расмдан кўринадики, у сиқилган ҳаво резервуари 1, ҳаво клапани 2, стержень материал резервуари 3, конуссимон сопло 5, ҳаво чиқариш тәшиклари 7 бўлган қопқоқ плита 6 дан иборат.


Машинани ишга туширишдан аввал столига стержень яшиги 4 ўрнатилади. Кейин столини юқорига кўтариб, стержень яшиги қопқоқ плита 6 тағига кутариш билан қисилади. Кейин бункер тўсгич очилиб, ундан резер-



**151-расм.** Қум пуркаш машинасининг схемаси:  
1 — стол; 2 — стержень яшиги;  
3 — таглик плита; 4 — резервуар;  
5 — клапан; 6 — бекитгич; 7 — бункер;  
8 — тебраткич; 9 — ролъгант; 10 — сургич

**152-расм.** Қум ҳайдаш машинасининг схемаси:

- 1 — ҳаво резервуари;
- 2 — клапан;
- 3 — материал резервуари;
- 4 — стержень яшик;
- 5 — конуссимон сопло;
- 6 — қопқоқ плита;
- 7 — ҳаво чиқариш тәшиклари



вуар 3 га маълум миқдорда стержень материал тўкилгач, тўскич бекитилди. Кейин резервуар 1 клапани 2 очилиб, у орқали сиқилган ҳаво резервуари 3 га ўтиб, у орқали стержень яшигига стержень материали ҳайдаб тўлдиради.


Ҳаво қолқоқ таглиқдаги кичик тешикчалар орқали ташқарига ўтади. Кейин ҳаво ҳайдаш тўхтатилиб, столни пастга тушириб, стержень яшиги олиниб, ундан стержень ажратилади. Стержень тайёрлаш шу тариқа такрорланаверади.

Одатда, қуритилган стерженларнинг чўзилишга пухталиги чўян қўймалар учун 4–6 кг/см<sup>2</sup>, газ ўтказувчанлиги 70–130 см<sup>3</sup>/кг мин бўлиши билан, ўтга чидамли, қайишоқ ва қўймадан осон ажраладиган бўлади.

Қўймаларда турли шаклли бўшлиқлар олишда фойдаланиладиган стерженларнинг қолипдаги таянч (моделнинг ортиқлари ёрдамида олинган) юзаларига ўрнатиладиган стерженлар конусли ортиқларининг узунлиги ва конус бурчаклари ўлчами, ўрнатилиш характеристига қараб белгиланади. Агар стерженлар вертикал ҳолда ўрнатиладиган бўлса, пастки жойига ўрнатилиш баландлиги ( $h_n$ ) унинг иш қисми узунлиги ( $L$ ) ва диаметри ( $D$ ) га қараб белгиланади. Масалан,  $L = 152–300$  мм,  $D = 26–50$  мм бўлса,  $h_n = 45$  мм қабул этилади. Стержень ўрнатиладиган устки қисмнинг баландлиги ( $h_y$ ) эса  $h_n$  га нисбатан қўйидагича белгиланади:

$$\frac{h_n, \text{ mm}}{h_y, \text{ mm}} = \frac{25, 30, 40 \dots 200}{15, 20, 25 \dots 120}$$

Стерженлар  $h_n$  ва  $h_y$  ларнинг қийматларига қараб ўрнатилиш жойи бурчаклари ( $\alpha, \beta$ ) белгиланади. Масалан,  $h_n$  ва  $h_y$  нинг қийматлари 26–50 мм оралиғида бўлса,  $\alpha$  бурчаги  $45^\circ$ ,  $\beta$  бурчаги  $35^\circ$  олинади (153-расм).



153-расм. Стерженларнинг ўрнатилиши:  
а — вертикал ўрнатилган; б — горизонтал ўрнатилган

## МЕТАЛЛАРНИ ҚОЛИПГА КИРИТУВЧИ ТИЗИМ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ ШАКЛИ ВА ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ


### 1-§. Металларни қолипга киритиш тизими

Суюқ металлни шлак ва газлардан деярли тозалаб, уни қолипга равон киритувчи каналчалар мажмугига қуиши тизими дейилади. 154-расмда кўп учрайдиган қуиши тизими турлари келтирилган.

Маълумки, одатда ковшдан қолипга киритилган металл косача 1 дан стояк деб аталувчи вертикаль конусли воронка 2 буйлаб шлак тутгич деб аталувчи горизонтал канал 3 орқали таъминлаш каналчалари 4 га ва улар орқали қолипга ўтади.

Шуни қайд этиш керакки, суюқ металл қуиши тизими ва қолипнинг деворларини ювмасдан, шикастламасдан текис тўлдириши лозим. Айтайлик, кулранг чўяндан мураккаб шаклли, бўйли, масалан, станок станицаси каби қўймалар олишда қолипга суюқ металлни бир неча жойдан киритиладиган ярусли (қаватли) қуиши тизимидан фойдаланиш маъкул (154-расм, в).

Олинувчи қўйма сифати қуиши тизимининг қанчалик маъкул танланганлигига ва улар каналларининг шакли ва қўндаланг кесим юзи ўлчамларининг тўғри белгиланганлигига боғлиқ.



154-расм. Кўп учрайдиган қуиши тизими турлари

### 2-§. Металларни қолипга киритиш тизими шакли ва ўлчамларини аниқлаш

Одатда, олинувчи қўйма учун қуиши тизимининг каналчалар шакли трапеция ёки цилиндрик бўлиб, уларнинг кесим юзаларини аниқ-

лашда аввало таъминлагич каналчаларининг кесим юзи аниқланади. Бунда тубандаги формуладан фойдаланилади:

$$\sum F_T = \frac{Q \cdot 1000}{Z \cdot \mu \cdot \gamma \cdot \sqrt{2gH_p}} \text{ см}^2.$$


Бу ерда  $F$  — таъминлагич каналчаларининг кўндаланг кесим юзи,  $\text{cm}^2$ ;  $Q$  — қолипга киритилувчи металл массаси, кг.  $Z$  — қолипнинг суюқ металл билан тўлиш вақти, с;  $\mu$  — қолип ва қуйиш тизими каналчаларининг қаршилик коэффициенти (бу коэффициент йирик, қалин деворли қўймалар олишда 0,7—0,8 ва юпқа деворли мураккаб шаклли қўйма олишда 0,3—0,4 олинади;  $\gamma$  — суюқ металл зичлиги,  $\text{г}/\text{см}^3$ ;  $g$  — металлнинг ерга тортилиш кучининг тезланиши,  $\text{см}/\text{с}^2$ ;  $H$  — қўйманинг ўрта ҳисобдаги баландлиги, см.

$H_p$  қийматини эса қўйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$H_p = H = \frac{P^2}{2},$$

бу ерда  $H$  — қолипга металлни киритиш жойидан қўйилиш косачаси мезонигача бўлган оралиқ, см;  $P$  — қолипга металлни киритиш мезонидан қолипнинг энг юқори қисмигача бўлган оралиқ, см;  $C$  — қолип баландлиги, см (155-расм).

Баъзи ҳолларда қўйиш тизими элементлари тубандагича ҳам аниқланади. Матъумки, қолипга металлни киритиш вақти асосан қотишма хилига, кимёвий таркибиغا, температурасига, массасига, қолип материалига, олинувчи қўйма деворлари қалинлигига боғлиқ. Одатда, ме-



таллни қолипга киритиш вақтини аниқлашда тубандаги формуладан фойдаланилади:

$$t = s \cdot \sqrt{Q \cdot \delta}.$$

Бу ерда  $s$  — құйма шаклиға ва девор қалинлигига боялиқ коэффициент (пүлат құймалар олишда 1,0—1,8, чүян құймаларда — 1,7—2,0, алюминий құймаларда — 2,0—3,0 олинади).  $Q$  — құйма массаси, кг;  $\delta$  — құйма деворларининг эң қалин екінші түрдегі қалинлиги, мм.

Бундан қуиши тизимининг таъминлагич, шлак тутқыч, стояклари күндаланг кесим юзлари орасидаги бояланиш қуидаги олинади:

$$\sum F_t : F_w : F_c.$$

Бунда, пүлат құймалар олишда 1:1,2:1,4; чүян құймалар олишда 1:1, 1:1,2; мис қотиши маңыздылығы олишда 4:2:1; алюминий қотиши маңыздылығы олишда 5,0:2,5:1,0; магний қотиши маңыздылығы олишда 6:3:1 нисбаттар тавсия этилади.

Стояк воронкасининг пастки диаметрини аниқлашда қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$d_n = \frac{4F_c}{\pi},$$

устки диаметрини аниқлашда эса қуидаги нисбатта олинади:

$$d_y = (1,1 - 1,15) \cdot d_n.$$

Шлак тутқычнинг күндаланг кесим юзи күпинча трапеция шакли бўлгани учун унинг қолган ўлчамларини тубандаги формула бўйича аниқланади:

$$F_{шл} = \frac{a+b}{2} \cdot h_{шл}.$$

Бу ерда « $a$ » ва « $b$ » — трапеция асослари, мм;  $h_{шл}$  — трапеция баландлиги, мм.

« $a$ » ва « $b$ » ҳамда  $h_{шл}$  қийматларини шундай белгилаш керакки, « $b$ » « $a$ » дан 1% га катта,  $h_{шл}$  эса таъминлагич баландлигидан 1,5—2 марта катта бўлиши керак.

Қуиши тизими таъминлаш каналчаси күндаланг кесимининг юзини олинувчи құйма массаси ( $Q_e$ )га, металлнинг қолипга кириш солиштирма тезлиги ( $y$ ) га ва металлнинг қолипга кириш вақти ( $t$ ) га кўра қуидаги формула бўйича аниқласа бўлади:

$$F_T = \frac{Q_e}{y \cdot t}, \text{ см}^2.$$

51—52-жадвалларда турли металлардан ҳар хил массали қўймалар олишда  $\gamma$  ва  $t$  нинг тажриба асосида аниқланган қийматлари келтирилган.

51-жадвал

Қотинма поми	Металлининг қолилга кириш солиштирма тезлиги $\alpha$ , кг/см <sup>2</sup> , с.
Қўйма чўяп	1—2,5
Пулат	0,8—1,5
Қалайли бронза	1—2
Латунь	0,75—1,5
Алюминий қотинмаси	1,5—3

52-жадвал

Қўйманинг массаси, кг	Металлининг қолилга кириш вақти, т. с	
	қўйма чўяп	пулат
5	3—5	5—8
10	4—6	7—10
25	7—10	8—12
50	8—12	10—15
100	10—15	12—35
200	15—20	25—35
400	25—40	40—50
1000	35—60	50—80
4000	70—100	100—160
10000	120—150	150—235

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб, қўйиш тизими каналчаларининг ўлчамларини аниқлашга оид бир мисолни кўрайлик:

Мисол: Курланг чўяндан (156-расмда тасвирланган) массаси 1000 кг ли қўйма олиш учун қўйиш тизими элементларининг шакли ва ўлчамлари аниқдаисин.

Бу масалани ечиш учун юқоридаги жадваллардан айни қўймага тегишли  $\gamma$  ва  $t$  ларнинг қийматларини олиб, улар асосида аввал  $F$  нинг қўндаданг кесим шакли ва ўлчам қийматини топамиз. Жадваллардан маълумки,  $Q = 1000$  кг ли чўяп қўйма учун  $\gamma = 2$  кг/см<sup>3</sup> ва  $t = 60$  с. Кейин юқоридаги формула бўйича  $F$  нинг қийматини аниқлаймиз:

$$F_T = \frac{Q_k}{\gamma \cdot t} = \frac{1000}{2 \cdot 60} = 8 \text{ см}^2.$$

Сўнгра қўйидаги нисбатлардан  $F_{\text{ш}}$  ва  $F_{\text{қ}}$  қўйматларни топамиз:

$$\sum F_{\text{т}} : F_{\text{ш}} : F_{\text{қ}} = 8 : (8 \cdot 1,1) : (8 \cdot 1,15),$$

бу ерда

$$F_{\text{ш}} = 8 \cdot 1,1 = 8,8 \text{ см}^2;$$

$$F_{\text{қ}} = 8 \cdot 1,15 = 9,2 \text{ см}^2.$$

$F_{\text{ш}}$  кесими, юқорида қайд этилгандек трапеция шаклида олингани учун, унинг кесим юзини қўйидаги формула асосида аниқлаймиз.

$$F_{\text{ш}} = \frac{a+b}{2} \cdot h_{\text{шл}}.$$

Бу ерда « $a$ » ва « $b$ » трапеция асослари,  $h_{\text{шл}}$  — трапеция баландлиги, « $a$ » ва « $b$ » қўйматлар топилади, бунда  $b > a$  олинади.

Стоякнинг пастки қисми кесим диаметрини қўйидаги формула асосида аниқлаймиз:


$$d_{\text{n}} = \sqrt{\frac{4F_{\text{н}}}{\pi}} = \sqrt{\frac{4 \cdot 9,2}{3,14}} = 3,4 \text{ см} = 34 \text{ мм},$$

бунда устки диаметри  $d = 1,2 \cdot 3,4 = 40,8 \text{ мм}$  бўлади.

Қўйма шаклига кўра, иккита таъминлагич олсак, унда ҳар бир таъминлагич кўндаланг кесимининг юзи  $F = \frac{F_{\text{н}}}{2} = \frac{8}{2} = 4 \text{ см}^2 = 40 \text{ мм}^2$  бўлади.

Шу ҳисоб асосида иккита тўғри тўрт бурчакли кесим юзи таъминлагичини белгилаймиз. Амалда ҳисоблаш асосида аниқланган ўлчамларнинг тўғрилиги қўймаларда синааб кўрилади, зарур бўлса, ўлчамлари бир оз ўзгартирилади.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, айниқса, йирик қўймалар олишда қолипдаги ҳаво ҳамда ажralувчи газларни ташқарига чиқариш ва қолипни металл билан тўлганлигини кузатишда випор деб аталувчи конусли воронка сони ва ўлчамларининг (сифатли қўймалар олишда) аҳамияти катта. Одатда, оддий шаклли майдо ва ўртача катталикдаги қўймалар олишда у, битта, мураккаб шаклли йирик қўймалар олишда бир неча бўлади ва уларни қ олипнинг энг юқори қисмига ўрнатилади. Унинг диаметри девори қўйма деворлар қалинлигининг 0,5–0,7 қисмига teng бўлади, кўпинча сифатли, аниқ ўлчамили йирик пўлат қўймалар олишда қолип устига қўшимча (устама қолип деб аталувчи) қолип ўрнатилади ва у орқали асосий қолипга киритилётган металлнинг ҳажмий киришувида устама қолипдаги суюқ металл асосий қолипни бутунлай тўлдириб туради. Натижада асосий қолипда ҳосил бўладиган киришув бўшлиғи устама қолипга ўтади. Устама қолип асосий қолип устида бўлгани учун унга газлар ва металлмас қўшимчалар ҳам ўтади. Унинг шакли ва ўлчами шундай белгиланиши керакки, ундаги



156-расм. Қўйма олиш схемаси:

- 1 — қўйма;
- 2 — қўйиш косачаси;
- 3 — стояк;
- 4 — шлак тутгич;
- 5 — таъминлагичлар

металл асосий қолипдаги металлдан кейин қотсин. Металл асосий ва устама қолипда қотгач, ортма металл ажратилиб, қайта эритишга юборилади. Кейинги вақтларда юқорида күрилган одатдаги устама қолиплардан ташқари устама қолипга металл қуийлгунча аралашма моддалар, масалан, бўрли бирималар маълум миқдорда киритилмоқда. Чунки улардан суюқ металл таъсирида газлар ажралиб, улар металлга босим бериши натижасида суюқ металлнинг ортиқчаси устама қолипга ўтади.

### 34-боб

## ҚОЛИПЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ

Маълумки, қўйма цехларда олинувчи қўймаларнинг шакли, ўлчами ва йиллик дастурига кўра уларнинг қолипларини асосан қолип материалдан машиналар ёрдамида тайёрланади.

Лекин айрим ҳолларда қўйманинг шакли, ўлчами, сонига ва техника-иктисодий кўрсаткичларга кўра қўлда ҳам қолип тайёрланади.

### 1-§. Қолипларни дастаки тайёрлаш


Оддий шаклли, кичик, бир нечтагина қўймалар (масалан, плита, рама, каркас) қолиплари ердаги қолипларда тайёрланади. Бунинг учун ерда модель ўлчамидан каттароқ чуқурча ўйилиб, аввал унга тўлдиргич қолип материали, сўнгра устига 10–12 мм қалинликда қоплама материал тўлдирилади-да, бир оз зичлаб текисланади. Кейин эса унинг ўртасига модель юзасини унга қаратиб, устига маҳсус тахтacha қўйиб, уни болғача билан оҳиста уриб, қолип материалининг маълум мезонигача ботирилади. Бунда модельнинг горизонтал вазияти тахтacha устига қўйилган адилак билан кузатилади. Сўнгра тахтacha олиниб, модель атрофи қўл билан босилгач, андава ёрдамида металл қуийш косачаси ва қолип бўшлиғига металлни киритиш ариқлари очилади. Кейин модель атрофи нам латта билан намланиб, қолидан модельни оҳиста юқорига кўтариб ажратилгач, қолип тайёр бўлади (157-расм, а). Бу усул опока талаб этмаслиги билан бирга қуийш тизими оддий бўлади. Бироқ қолип пухталиги ва газ ўtkазувчанлигининг пастроқлиги, олинган қўйма юзининг иотекислиги оддий шаклли майдада қўймалар олишгагина яроқлилиги туфайли амалда камдан-кам қўлланилади.

Агар мураккаброқ шаклли, ўлчамлари каттароқ қўймалар олиш лозим бўлса, уларни қаттиқ тагликли ёпиқ ер қолипларида олган маъкул. Бу усулда модель ярим палласининг ташқи контури ер чуқурчадаги қолип материалида, қўйма тизим каналчалари эса опокадаги қолип материалларида олинади. Бунда юқорида кўрганимиздек, қолип ярми ерда тайёрлангач, унинг устига опока ўрнатиласди.

*a*



*b*




157-расм. Ерда очиқ (*a*) ва берк (*b*) қолиплар тайёрлаш схемаси;

1 — модель; 2 — кокс; 3 — қолип материаллари; 4 — опока; 5 — қозық;  
6, 7, 8 — қуиши тизими элементлари; 9 — стержень; 10 — газ чиқариш  
трубкасы

Опокага қуиши тизими моделлари ўрнатилиб, атрофи қолип материали билан түлдирилиб, шиббаланади. Кейин унда газ чиқариш кичик тешикчалари ва металл қуиши косачаси очилади. Опокадан авнало стояк модели ажратилади. Сұнгра опока бир ерга олиб қўйилгач, ундан шлак тутгич, таъминлагич каналчалари ўйилиб, кейин қўйма модели эҳтиёткорлик билан чиқарилади, стержень тегишли жойига ўрнатилиб, қолил юзига металл киритишдан аввал чўян қўймалар олишда графит, пўлат қўйма олишда кварц қуқунлари сепилгач, опока яна ўз жойига қўйилиб, қолип йигиллади. Бундай қолип металл қуишига тайёр бўлади (157-расм, *b*).

## 2-§. Қолипларни андазалар ёрдамида дастаки тайёрлаш

Кўпинча бир неча дона оддий шаклли, доиравий қўймалар (қопқоқ, қозон каби) қолипини андазалар ёрдамида дастаки тайёрлаш техника-иктисодий жиҳатдан фойдали бўлади. 158-расмда қопқоқ (*a*) қўйманинг қолипини андаза ёрдамида тайёрлаш тартиби келтирилган. Расмдаги, *b* схемадан кўринадики, ерга ўйилган чуқурчага товон таги *1* ўрнатилиб, унга шпиндель *2* кийдирилади. Шпиндель атрофида қаттиқ таглик сифатида кокс бўлаклари уюлган бўлиб, унда газларни ташқарига чиқариш трубаси ўрнатилади. Қаттиқ таглик сиртига эса қолип материаллари уйилади. Шпинделга андаза *1* маҳсус планка *3* билан биректирилган. Андазани шпиндель атрофида айлантиришда қолип материали қирилиб, қолипнинг устки *a*, *b*, *c*, *d* юзаси ҳосил



**158-расм. Андаза ёрламида қолип тайерлаш схемаси:**

1 — төвөн таги; 2 — шпиндель; 3 — планка; 4 ва 6 — шаблон; 5 — маҳкамлаш винти

бўлади. Устки юзанинг контури олингач, планка 3, андаза 4 билан бирга ажратиб олинади. Олинган *a, b, v, e, d* юзага юпқа қофоз (баъзан эса майда кум кукуни) қопланиб, унинг устига опока ўрнатилиди (158-расм, *v*), ерга қозиқ қоқиб, опоканинг айни вазияти сақланади. Кейин опокага стояк, випор моделлари ўрнатилиб, қолип материаллари тўлдирилиб, зичланади. Газ чиқариш каналчалари очилади.


Кейин опока ажратилиб, ундан стояк ва випор моделлари олинади. Шундан сўнг, шпиндель планкасига иккинчи андаза бўрнатилиб, уни шпиндель атрофилда айлантириш билан қатлам қирилиб, қуйманинг пастки юза қолипи тайёрланади (158-расм, *e*).

Кейин эса планка ва андаза ажратиб олинади. Шпиндель қолдирган тешик қолип материали билан тўлдирилади. Сўнgra таъминлаш каналчаси ўйилиб, опока ўз жойига ўрнатилиб, қолип йигилгач, у металл қуийшга тайёр бўлади (158-расм, *d*).

### 3-§. Қолипларни иккита опокада дастаки тайёрлаш

Энди икки опокада қолип тайёрлашда бажариладиган ишлар билан танишиб чиқамиз. 159-расм, *a* да келтирилган пўлат тишли ғидирак (шестерня) заготовкасидан бир неча дона қўйма олиш талаб этилсин, дейлик. Бундай қўйма заготовкасини тайёрлашдан аввал унинг чизмасидан материали, шакли, ўлчами, юза ғадир-будурлик синфлари ва бошқа кўрсаткичлари билан танишиб чиқилади.

Одатда, бундай кам серияли деталь қўймалари қолипини тайёрлаш усулларини техника-иқтисодий жиҳатдан таҳлил этиш шуни кўрсатадики, улар қолипини икки опокада қолип материалларидан тайёрлаш маъқул бўлади. Шу боисдан бизлар ҳам иккита опокада тайёрлашни



**159-расм. Куйма заготовкасини тайёрлапи:**


*a* — деталь чизмаси; *b* — заготовка чизмаси; *c* — модель; *d* — стержень яшиги;

қабул этдик. Ишга киришишдан аввал, чизма талабига кўра қуйма заготовка чизмасини чизамиз (159-расм, б). Чизмада суюқ пўлатнинг қолипда совиб қотишида киришув қиймати ва механик ишловларга бериладиган юзалар қўйими ҳисобга олинниб, улар ҳисобига қуйма заготовканинг ташқи контури ўлчамлари катталаштирилган, стержень или олинувчи тешик ўлчами эса кичиклаштирилган. Кейин қуйма заготовка чизмаси бўйича модель, стержень яшиги, қолипга метални киритувчи тизим моделлари чизмалари чизилади. Сўнгра бўйича улар сифатли ёғочлардан тайёрланади. Ундан сўнг тегишли қолип (стержень) материаллари, шунингдек опокалар танлангач, зарур қолиплаш асбоблари ёрдамида қолип тайёрланади.

160-расмдаги схемадаги қолипни тайёрлаш ишлари кетма-кетлиги келтирилган:

1. Қолиплаш ери текислангач, брусколар қўйилиб, унга модель таглик тахтаси 1 горизонтал қилиб қўйилади-да, устига таъминлагичли модель 2 ўрнатилади (160-расм, а).

2. Пастки опока 3 модельга кийдирилиб, модель таглик тахтасига ўрнатилади. Кейин модель сиртига аввал қоплама материал, кейин унинг устига тўлдиригич қолип материалы киритилиб, опока тўлдирилгач, шиббаланади. Ортиқча материал чизгич 9 билан сидириб текисланниб, сим 4' билан бир неча газ чиқариш тешиклари 5' очилади (160-расм, б).



160-расм. Қолип тайёрлаш операциясининг схемаси:

1 — модель тағлиқ таҳтаси;  
2 — модель; 2' — озиқлантиригич модели; 3 — пастки опока;  
3' — қолип материали; 4 — шибба;  
4' — сим; 5 — устки опока; 5' — газ чиқарыш тешиклари; 6 — штиры;  
7 — шлак тутқич модели;  
7' — стояк модели; 8 — злак;  
9 — чизгич; 10 — стержень


4. Устки опока ҳам худди пастки опока сингари қолип материали билан тұлдирилиб, шиббаланғач, ортиқча қолип материали чизгич билан сидирилгач, газ чиқарыш тешикчалари сим билан очилади (160-расм, ғ). Сүнгра стояк модели бүйлаб металл қуйиш косачаси очилиб, стоякни аста-секин қимирлатып, опокадан чиқарилади. Устки опока пастки опокадан ажратилиб, 180° га бурилиб ерга қўйилади-да, ундан шлак тутқич модели ажратилади.

5. Пастки опокадан модель таъминлагич модели билан бирга аста-секин қимирлатып ажратилади (160-расм, ә).

6. Қолип бўшлиғига бир оз кварц кукуни сепилиб, стержень 10 уз жойига ўрнатилади (160-расм, ғ).


7. Устки опока пастки опокага қўйилиб, штирлар билан бириктриледи. Бунга энди металл қуйиб қўйма олинади.

161-расмда бошқа турдаги қўймалар қолипини тайёрлаш кетма-кетлиги изоҳсиз схемаси келтирилган. 162-расмда бир неча қолипларда, 163-расмда эса қолипни опокасиз рама ёрдамида тайёрлаш кетма-кетлиги ҳам келтирилган.




**161-расм. Күймани тайёрлаш схемаси:**

*a* — деталь чизмаси; *b* — заготовка чизмаси; *c* — модель; *d* — стержень яшиги; *e* — ийғилган қолип; *f* — күйма; *g* — күйим; *h* — модель ортиғи; *i* — стержень яшик палладары; *j* — стержень; *k* — стерженниң қолип бүшлигига ўрнатылған ҳоли; *l* — күйма системаси



**162-расм. Устма-уст (a) ва погонали устма-уст ўрнатылған (б) опокаларда күймалар олиш схемаси:**

*1* — марказий күйиш системаси; *2* — қолип; *3* — опока; *4* — таглик плита; *5* — күйиш косачаси



**163-расм. Қолипни опокасыз рама ёрдамида тайёрлаш:**

*a, б — пастки ва устки опокаларни қолип материалы билан зичлаш;  
в, г — устки опока ва модель плитани ажратиш; д — опокаларни йигиш;  
е — опокани қолипдан ажратиб қолипга жакет кийдириш;  
1 — сп; 2 — плита; 3 — пастки опока; 4 — шток; 5 — жакет*

### 35-боб

## ҚОЛИПЛАРНИ МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА ТАЙЁРЛАШ

### 1-§. Үмумий маълумот

Кўлда қолип тайёрлашда иш унумининг пастлиги, қолип материалынинг бир текис зичланмаслиги, қолиплар сифатининг пастлиги, малакали ишчилар талаб этиши ва бошқалар қолипларни тайёрлашда қолиплаш машиналаридан фойдаланишини тақозо этади. Машиналарда қолиплар тайёрлашда оғир ишларни машина бажариб, олинган қўймалар аниқ ўлчамли, текис юзали бўлади, механик ишловларга белгиланган қўйим қиймати анча камаяди ва металл тежалади, унумдорлиги эса ортади.


Қўймакорлик цехларида кенг фойдаланиладиган машиналар ишлаш принципларига кўра: прессловчи, силкитувчи, силкитиб прессловчи, қумотар; ишлатилиш энергиясига кўра дастаки, пневматик, гидравлик; механик хилларга; моделларнинг қолипдан ажратилишига кўра эса улар опокани штифлар ёрдамида кўтарувчи моделни қолипдан пастга тортиб ажратувчи, таглик плитани айлантириб, моделни юқорига кўтариш билан опокадан ажратувчиларга бўлинади.

## 2-§. Қолипларни прессловчи машиналарда тайёрлаш

Бундай машиналар конструкциясига кўра опокадаги қолип материалини устидан ёки тагидан прессловчи машиналарга бўлинади. Тагидан прессловчи машиналар конструкцияси мураккаброқ бўлгани ва опокадаги қолип материалларининг пастки қатлами устки қатламига нисбатан зичроқ бўлиши сабабли амалда устидан прессловчи машиналарга нисбатан камроқ қўлланилади.

164-расм, а да устидан прессловчи машинанинг тузилиши ва ишлаш схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, стол 3, поршень 2 билан бирга ясалган бўлиб, поршень цилиндр 1 га киритилган, стол 3 га модель таглик плитаси 4, унга эса модель 5 ўрнатилган. Опока б қулоқлари эса таглик плита штирларига кийдирилган. Опока устида эса рама 7 ўрнатилган. Қолип материали опока бункердан рама орқали киритилади.

Машинани юргизиш учун унга ҳаво киритиш тешиги орқали 0,5–0,8 МПа (5–8 атм) гача сиқилган ҳаво ҳайдалади (амалда қолип мате-



164-расм. Устидан (а) ва силкитиб (б) прессловчи машиналарнинг ишлаш схемаси:

а — устидан прессловчи ва б — силкитиб прессловчи машина;  
1 — цилиндр; 2 — поршень; 3 — стол; 4 — модель таглик плитаси;  
5 — модель; 6 — опока; 7 — рама; 8 — колодка; 9 — траверса

риалига берилувчи босим 3–5 кГ/см<sup>2</sup> та етадиган хилларидан күпроқ фойдаланилади). Цилиндрнинг пастки қисмига киритилган сиқилган ҳаво поршенин юқорига қўтарганда, траверса 9 га бириктирилган колодка 8 рамага кираётганда опокадаги материални зичлайди. Ҳаво ҳайдаш тўхтатилгач, тизим ўз оғирлиги ҳисобига пастга ҳаракатланиб, поршень тагидаги ҳавони ташқарига чиқаради ва стол дастлабки вазиятга қайтади.

Бу цикл бир неча марта такрорланиб, қолип ярми тайёрланади. Бу хил машиналар камчилиги шундаки, опокадаги қолип материали устки қисми зичлиги бошқа жойларидан юқорироқ бўлади. Шу боисдан бу машиналардан баландлиги 200 мм дан кўпроқ бўлмаган қўймалар қолипини тайёрлашда фойдаланилади.


164-расм, б да силкитиб пресслаш машинасининг тузилиши ва ишлаши схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, машинанинг цилинтри 1 га поршень 2 киритилган бўлиб, у стол 3 билан бир қилиб тайёрланган. Стол 3 га поршень билан бирга ясалган модель таглик плитаси 4, унга эса модель 5 ўрнатилган. Модель таглик плита штирлари опока б қулоқлари тешигига кийгизилган. Опокага эса рама 7 ўрнатилган. Машинани ишлатишдан аввал унинг устидаги бункери таглиги очилиб, опока қолип материали билан тўлдирилгач, таглик беркитилади. Кейин унинг цилиндрига 0,6–0,8 МПа (6–8 атм) гача сиқилган ҳаво машинадаги ҳаво тешиги орқали ҳайдалади.

Бунда поршень 30–100 мм баландликка қўтарилиганда пастки тешик очилиб, сиқилган ҳаво у орқали ташқарига чиқишида поршень устидаги барча тизим деталлари массаси билан пастга ҳаракатланиб, цилиндр таянчига урилиши натижасида опокадаги материал зичлана боради. Бу цикл бир неча бор такроғланганда кутилган зичликка эришилади. Схемадаги I, II ва III ҳоллар машинанинг иш циклини тасвирлайди. Опокадаги материалнинг зичланиш даражаси поршень таянчига урилиш кучи ва сонига боғлиқ. Бу машиналарнинг камчилиги опокадаги модель атрофидаги қолип материали юқори қисмидаги материалда зичроқ шиббаланишидир.

165-расмда устидан силкитиб прессловчи машинанинг тузилиши ва ишлаш схемаси келтирилган. Прессловчи машиналарнинг иш принципи асосида аралаш конструкцияли силкитиб устидан прессловчи машина яратилди.

Бу машиналарда қолип тайёрлашда модель атрофидаги қолип материалининг зичлиги опоканинг бошқа жойларига қараганда юқорироқ бўлади. Шу сабабли бу машиналарда баландлиги 250–400 мм ли қўймалар қолипи тайёрланади.

Шуни қайд этиш ҳам жоизки, одатда қўйма цехларда қолиплаш машиналаридан иккитаси ёнма-ён ўрнатилиб, уларнинг бирида қолипнинг устки, иккинчисида пастки қисми тайёрланади. Бу ярим қолиплар шу ерда йиғилиб, металл қўйиш жойига узатилади.



165-расм. Силкитиб устидан прессловчи машинанинг ишлаш схемаси

### 3-§. Қолипларни күмөттар машиналарда тайёрлаш

Бу машиналар конструкциясига кўра қўзғалмас консолли ва қўзғалувчи хилларга ажратилади. 166-расмда консолли қўзғалувчи машина хилининг тузилиши ва ишлаши схематик тарзда келтирилган.


Схемадан кўринадики, қолип материали транспортёр 1 орқали нав 2 га узатилади, ундан материал транспортёр 3 га, ундан воронка 4 га, воронкадан эса лентали транспортёр 5 га ўтиб, ундан машина каллаги 6 га ўтади (каллаги схемаси 166-расм, б да алоҳида кўрсатилган). Каллак минутига 1500–1600 марта айланади, унинг дискига ўрнатилган чўмичга тушган материал филоф тешиги 11 орқали опока 10 га ўтиб зичланади. Заруриятга кўра, машина каллагини опоканинг тегишли жойига суриб, материални бир текис тўлдириб зичланади. Бундай машиналардан йирик қўйма қолиплар тайёрлашда фойдаланилади.

Опокадаги қолип материал зичлиги опока баландлиги бўйича текис бўлади. Унумдорликка келсак, соатига  $12,5 \text{ м}^3$  гача қолип материалини опокага зичлаш мумкин. 167-расмда қолипни опокадан ажратиш усуслари, 168-расмда эса йирик қўймани опокода силкитиб ажратиш кўрсатилган.




166-расм. Қолипларни қумотар машинада тайёрлаш (а) ва унинг каллагининг (б) ишлеш схемаси:

1 — опока; 2 — ишчи; 3 — иш каллаги



167-расм. Қолипни ажратиш усуллари:

*a* — опокани кутариб ажратиш; *b* — модельни тушириб ажратиш;  
*c* — модель плитани айлантириб кутариб модельни ажратиш;  
 1 — модель; 2 — опока; 3 — модель плита; 4 — тортиладиган плита;  
 5 — айланадиган стол; 6 — штифтли механизм



**168-расм. Йирик құймани опокадан силкитиб ажратиши**

#### **4-§. Қолипларни қуритиш**

Юқорида қайд этилганидек, мураккаб шаклли, йирик пулат ва чүян күймаларни олишда қолипларнинг пухталигини ошириш мақсадида уларни маълум температурада қиздириш учун махсус аравачаларда печь камерасига киритилади. У ерда қолип материаллар таркибиға, ҳажмига ва боғловчилар турига қараб  $250^{\circ}$ — $450^{\circ}\text{C}$  температурада бир неча соат қиздирилади. Йирик қолипларни қуритиш учун унга ўрнатылган ва баъзан қолип бўшлиғига киритиладиган қиздиргичлардан ҳам фойдаланилади.

Қолипларни қуритишга сарфланадиган вақтни қисқартыриш мақсадида улар орқали  $\text{CO}$ , гази ҳам ўтказилади. Бунда қолип материалидаги 5—6% ли суюқ шиша у билан реакцияга киришиб, силикат кислота (гидрогель) ҳосил қиласи ва бу қум донларини юпқа парда билан чулғаб, 15—20 минутда уларни ўзаро пухта боғлайди.

Баъзи ҳолларда қолип бўшлиғининг иш юзасинигина, яъни 10—40 мм қалинликда қуритишда инфрақизил нурларидан ҳам фойдаланилади. Шуни қайд этиш жоизки, сифатли қүймалар олишда қолипнинг қанчалик тўғри йигилганинг ҳам аҳамияти катта. Чунки қолип бўшлиғига металл қуйилганда металлнинг статик босими таъсирида устки опока силжиб кўтарилимаслигининг олдини олиш мақсадида уларнинг устига юқ сифатида қуима металл қўйилади ёки улар скоба билан бириктирилади.

## ҚУЙМА МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-§. Үмумий маълумот

Техник-иқтисодий талабларга жавоб берадиган турли шаклли ва ўлчамли қўймалар олишда улар материалларининг суюқланиш температураси юқори бўлмаслиги, қолип бўшлиғида совиб боришида ҳажмий киришув қийматининг кичиклиги, суюқлигига газларни кам эритиши, шлак ва бошқа нометалл материаллардан ҳолироқ бўлиши билан қотганда ҳажми бўйича текисроқ, кутилган кимёвий таркибли, майда донли структура бериши лозим.

Маълумки, қотишмалар ичida қулранг чўяянларгина юқоридаги талабларга тўлароқ жавоб беради. Шу боисдан қўймаларнинг деярли кўпчилиги шу қотишмалардан олинади.

53-жадвалда турли қотишмаларнинг суюқланиш температуралари ва уларни қолипга киритиш температуралари қандай бўлишига мисоллар келтирилган.

53-жадвал

Қотишмалар номи	Суюқланиш температураси, °C	Қолипга киритилиш температураси, °C
Кам углеродли пўлатлар	1525	1560–1635
Ўргача углеродли пўлатлар	1515	1550–1615
Куп углеродли пўлатлар	1480	1510–1570
Кам легирланган пўлатлар	1500	1550–1580
Куп легирланган пўлатлар	1500	1550–1580
Қалайли бронзалар	1000–1015	1100–1200
Қалайсиз бронзалар	890	950–1050
Латунлар	890	950–1000
Алюминий қотишмалар	590	680–780
Магний қотишмалар	643–650	690–790

Маълумки, қотишмалар оқувчанлиги температура ортган сари ортади, лекин шу билан бирга уларни ўзида газлар (азот, водород, кислород ва бошқалар)нинг эритувчанлиги ҳам ортади. Натижада қўймаларнинг механик хоссалари пасаяди. Шу боисдан олинувчи ҳар бир қўйма учун уни қолипга киритиш температураси зарурий оқувчан-

ликни таъминлайдиган ҳолда, газлар, шлак ва нометалл материаллардан деярли тозаланишини ҳисобга олган ҳолда белгиланмоги лозим.

Масалан, олинувчи қўйма шакли қанча мураккаб бўлиб, девор қалинликлари юпқа бўлса, қотишмани қолипга киритиш температураси юқорироқ бўлиши керак.

## 2-§. Қўйма материалларнинг технологик хоссалари ва уларни аниқлаш

Техника-иқтисодий талабларга жавоб берадиган қўймалар олишда фойдаланиладиган асосий материалларга чўян, пўлат ва ранги metall қотишмалари киради. Айниқса, буларнинг ичидаги чўяннинг суюқланниш температураси пастлиги, оқувчанлигининг яхшилиги, ҳажмий киришувининг кичиклиги, кимёвий таркибининг текис бўлиши ҳамда арzonлиги билан жуда қўл келади.

Маълумки, қўймаларнинг хоссалари ва сифати уларнинг материалига, кимёвий таркибига, металлнинг шлак ва газлардан тозалигига, қолипнинг бир текисда равон тўлишига, унда совуш тезлигига ва бошқа кўп кўрсаткичларга боғлиқ.

Масалан, соғ металл ва эвтектик қотишмаларнинг оқувчанлиги қаттиқ эритмаларницидан, қаттиқ эритмаларни эса кимёвий бирималарницидан юқори бўлади. Қолип суюқ чўян билан тўлиб боришида ва унинг қолипда совишида кремний углероднинг графит тарзда ажралишига кўмаклашса, марганец аксинча қаршилик кўрсатади. Олтингугурт углероднинг графит тарзда ажралишига қаршилик кўрсатилиши билан механик хоссаларига путур етказади, фосфор эса қотишманинг оқувчанлигини ошириши билан қўйманинг механик хоссаларига путур етказади.

Суюқ металл температураси ортиши билан унинг оқувчанлиги ҳам ортади ва шу билан бирга унда эриган газлар ( $H_2$ ,  $N_2$ ,  $O_2$ ,  $CO$ ,  $CO_2$ ) ва бошқалар миқдори ҳам ортади. Бу эса қўймада ғовакликлар бўлишига олиб келади. Юқорида келтирилган маълумотлардан маълумки, зарурый хоссали, сифатли қўймалар олиш учун, айниқса, уларнинг кимёвий таркиби, шлак ва газлардан тозалигига, оқувчанлигига, киришув қийматига ва бошқаларга катта зътибор бериш лозим.

Маълумки, қолипларга металл қотишмаларни қўйгунча кимёвий таркиби аниқ бўлса-да, уларнинг температураси шундай олинадики, бунда у газлардан, шлакдан деярли ҳоли бўлган ҳолда қолипни бир текис тўлдирсиз. Амалда қўйма қотишмаларининг оқувчанлигини аниқлашда қолип материалидан кўндаланг кесим юзи  $0,56 \text{ см}^2$  ли трапеция шаклдаги спираль қолип тайёрланиб, унга маълум температурали металл қўйилади ва олинган спираль қўйма узунлигига кўра оқувчанлик аниқланади.

Қотишмаларнинг киришувчанлиги деб, қолипга киритилган суюқ металлнинг кристалланиш даврида ҳажмий ўлчамларининг кичрая боришига айтилади.

Ҳажмий киришувчанлик ( $\Delta V_{kp}$ ) қуйидагича аниқланади:

$$\Delta V_{kp} = \frac{V_{kol} - V_{kuy}}{V_{kol}} \cdot 100\%,$$

бу ерда  $V_{kol}$  — қолип ҳажми,  $\text{см}^3$ ;  $V_{kuy}$  — олинувчи қўйма ҳажми,  $\text{см}^3$ .

Кўп ҳолларда ҳажмий киришувчанлик чизиқли киришувчанликдан тахминан уч баробар ортиқ бўлади. ( $V_{kp} = 3\Delta l$ ), чизиқли киришувчанлик тубандагича аниқланади:

$$\Delta l_r = \frac{l_{kol} - l_{kuy}}{l_{kol}} \cdot 100\%,$$

бу ерда  $\Delta l_{kol}$  — қолипнинг узунлиги, мм.  $\Delta l_{kuy}$  — олинувчи қўйма узунлиги, мм.

54-жадвалда кимёвий таркиби ўртача бўлган қотишмаларидан қўймалар олишда уларнинг чизиқли киришувчанлик қийматлари мисол сифатида келтирилган.

54-жадвал

Қўйма материали	Чизиқли киришувчанлиги, %	Қўйма материали	Чизиқли киришувчанлиги, %
Қўйма чўянилар	0,9—1,3	алюминий қотишмалар	0,9—1,5
Қайта ишланадиган чўянилар	1,7—2,0	мис қотишмалар	1,4—2,3
Углеродли пўлатлар	2,0—2,5		


Амалда кўплаб турли шаклли, ўлчамли қўймалар кулранг чўяндан олинади. Технологик хоссалари (оқувчанлиги юқори бўлиб, кам киришади), ундан қониқарли пухталикдаги сифатли қўймалар олиниши, ишқаланиш ва коррозияга анча бардошлилиги, нархи арzonлиги каби жиҳатлари жуда қўл келади.

Кулранг чўянилар таркибида темирдан ташқари ўртача 3,4—3,7% C, 2,4—3,0% Si, 0,5—0,8% Mn, 0,4—0,6% P ва 0,1% S бўлади.

### 3-§. Қўйма чўяниларни зритувчи печлар, уларнинг тузилиши ва ишлаши

Қўйма цехларда олинувчи чўян қўймаларнинг ~90% дан ортиқ-роғи *вагранка* деб аталувчи шахта печларда тайёрланади. Чунки улар-

нинг конструкцияси оддий, бошқарилиши қулай, кам ёқилғи сарфлаб, узоқ вақт узлуксиз ва унумли ишлади. Бундай печларнинг дастлабкилари Россияда 1774 йилда курилган. 169-расмда печнинг тузилиш схемаси келтирилган. У юмалоқ шахта шаклли бўлиб, деворлари ўтга чидамли шамот фиштидан терилиб, сиртидан пўлат лист билан қопланган. У, залвор чўян плита таглик 4 да, таглик эса пойdevорга ўрнатилган устунларда ётади. Тагликнинг марказида печнинг ички



**169-расм. Вагранка пеҷ схемаси:**

- 1 — пойdevор; 2 — устун; 3 — қолқоқ; 4 — таглик; 5 — ҳаво пуллагич формаси; 6 — вентилятор; 7 — футеровка; 8 — гилоф; 9 — чўян плита;
- 10 — шихта солиш дарчаси; 11 — учкун сўндиригич; 12 — труба; 13 — бадъя;
- 14 — чўян чиқиши нови; 15 — чўян йиггич; 16 — шлак чиқиши тешиги;
- 17 — чўянни йигтичдан чиқариши нови; 18 — ковш

девори диаметрига тенг тешиги бўлиб, унинг ишлашида қопқоқ 3 билан зич беркитиб, тираклар билан тираб қўйилади. Заруриятга кўра қопқоқ очилиб, унда аввалги ишлашидан қолган металл шлак қолдиқлари чиқарилиб, таъмиранади. Ўтхона туби кум ва қолип материаллари билан тўлдирилиб, зичланади. Ўтхонанинг тубида суюқ чўянни печдан чиқариш тешиги бўлиб, унга нов 14 ўрнатилган. Ўтхонада йиғилаётган чўян шу нов орқали йиғич (копильник) 15 га вақти-вақти билан чиқариб турилади (йиғич йўқ печларни ўзида шлак чиқариш нови бўлади). Печнинг шахта қисмida шихта материаллар (кокс, металлом ва флюс) киритиш дарчаси 10 бўлиб, у орқали шихтани печга бадъя деб аталувчи юклash курилмаси ёрдамида юкланди. Бунда печь деворлари шикастланмаслиги учун дарчанинг пастрофига чўян плита 9 ўрнатилади. Печга киритилган кокснинг яхши ёниши учун вентилятор бдан ҳаво ҳалқали қутига, ундан фурмалар 5 орқали печга 350–700 мм сув устуни босимида ҳайдаб турилади (бунда ҳар бир м<sup>2</sup> юзага минутига 100–140 м<sup>3</sup> ҳаво тўғри келади).

Печнинг шихта материаллар юкландиган дарчаси юқорисида цилиндрик қисми бўлиб, у труба деб аталади. Унинг устки қисмida эса учкун сўндиригич 11 ўрнатилган. Жараёнда ажратилаётган газлар билан чиқаётган чўғланган заррачалар трубадан ўтиб, учкун сўндиригичда совутилиб йиғилади. Вагранкаларнинг ички девор диаметри ( $D$ ) билан баландлиги ( $H$ ) орасида маълум боғланиш бор ва у кўпинча  $H = (3,5 - 5) \cdot D$  га тенг бўлади. Соатига 2 тоннагача чўян ишлаб чиқариладиган печлар кичик, 2–10 тоннагача — ўрта ва 20–50 тоннагача бўлса — катта вагранкалар дейилади.

**Печни ишга тушириш.** Печни ишга туширишда аввал ўтхонасида тараша, устига ўтин қалаб ёқилади-да, кейин унинг устига оз-оздан фурма тешикларидан 600–800 мм чамасида кокс киритилади, бунга салт колоша дейилади. У шихта материалларининг печнинг юқори температуралари зонасида эришига кўмаклашади.

Сўнгра печда аввалига кичикроқ босимда ҳаво ҳайдалиб, кейин босим меъёрига етказилади. Печь роса қизигач, унга маълум нисбатда порциялаб шихта (қаттиқ чўян чушки, чўян ва пўлат ломлар, ферро-қотишмалар, кокс ва оҳактош) киритилади. Кокснинг ёнишида шихтанинг металл қисми эриб, ҳосил бўлаётган металл томчилари ўтхонага ўта боради.

Ажралувчи газлар эса печь юқорисига кўтарилаётганда шихтани қиздириб трубага ўтади. Жараён давомида шихта таркиби Si, Mn ларнинг оксидланиши ва уларнинг ўзаро бирикиши оқибатида шлак ҳосил бўлади.

Зарурий таркибли чўянларни эритиш жараёнида шихта таркибини белгилаш пайтида жараёнда шлакка ва газларга ўтувчи элементлар миқдорини ҳисобга олиш керак.

Тажрибалар күрсатадыки, жараёнда кремний 10–15% га, марганец 15–20% га, темир 1–1,5% га, фосфор миқдори деярли ўзгармайды, олтингүргүт миқдори эса кокс ҳисобига 50% га ортади. Шу бойынша шихта таркибиде ўртача 20–45% ЛКІ ёки бошқа маркалы чүян, 60–40% чүян лом, 10–25% пўлат лом, маълум миқдорда ферроқотишмалар ва оҳактошлар бўлади.

Чўян ишлаб чиқаришда печда кечадиган жараёнларни кузатиш давомида қўйидаги характеристерли зоналарга ажратиш мумкин:

**1-зона.** Бу зона шихтани печга киритиш даражасини пастки жойидан салт колошанинг устки қисмигача бўлган оралиқ бўлиб, бу зона ёниш маҳсулотлари иссиқлиги ҳисобига 400–500°C қизиб, намликтан ҳоли бўлади.

**2-зона.** Бу зона салт колошанинг устки қисмидан фурна тешиклар ўқигача бўлган оралиқ бўлиб, бу зона температураси 1350–1450°C оралиғида бўлади.

Одатда, печда мұхит оксидловчи ( $\text{CO} : \text{CO}_2 < 1$ ) бўлгани сабабли 1-зонадаги шихта материаллари ажralувчи газлар билан қизиб, астасекин оксидланана боради. Шунингдек, бу зонада  $\text{SO}_2$  гази борлиги туфайли металл олтингүргутга ҳам тўйиниши, оҳактошнинг парчаланиши билан бирга металл эриб, ўтхона томон томчилаб ўтишида газлар ва салт колоша кокс билан муносабатда бўлади. Бу зонада металлнинг оксидланиши 1-зонага нисбатан шиддатлироқ кечиб, темир оксидлардан темир қайтарувчи ферроқотишмалари билан қайтарилади. Шундай қилиб, қайтарилган темир кокс углероди ва олтингүргутга тўйина боради.

$\text{SiO}_2$ ,  $\text{MnO}$ ,  $\text{P}_2\text{O}_5$  оксидлар ўзаро ва  $\text{CaO}$  билан бирикиб, шлак ҳосил этиб, чўян сиртида йиғила боради. Ўтхонадан ҳар соатда намуна олиб, унинг таркиби ( $\text{Si}$ ,  $\text{Mn}$ ,  $\text{P}$ ,  $\text{S}$ ,  $\text{C}$ ) кузатилади. Қачонки чўян кутилган таркибга ўтгач, йиғичга ёки ковшга чиқарилади.

Маълумки, бу печь тузилиши жиҳатидан домна печга ўхшасада, бунда темир рудалардан темир қайтарилмайди, фақат металл қайта эритилиб, ўта қиздирилади, холос. Бу печларда олинувчи чўян массасига кўра одатда, 10–12% кокс ва 6% гача флюс сарфланади. Печь унумдорлиги эса ҳажмига кўра соатига бир тоннадан 30 тоннагача оралиқда бўлади. Кейинги йилларда уларнинг иш унумини ошириш, ёқилгини тежаш, чўянлар хоссаларини яхшилаш, атмосферани зарарли чиқиндилардан мухофаза қилиш мақсадида ажralаётган газларни тозалаш аппаратларида тозалаш, уларни рекуператор қурилмаларида ёзиш, ҳавони қиздириб печга ҳайдаш, кислороддан фойдаланиш, шунингдек, электр печлардан, иккита (дублекс) печларда эритиш йўли билан ҳам чўян олинмоқда.

## ПУЛАТ ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛ ҚОТИШМАЛАРДАН СИФАТЛИ ҚҮЙМАЛАР ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ

### 1-§. Пүлатлардан қўймалар олиш

Пўлатларнинг суюқланиш температураси чўянларга нисбатан юқорилиги, оқувчанлигининг пастлиги, ҳажмий киришувчанигининг каталиги ва бошқа хоссалари туфайли улардан сифатли қўймалар олишда маълум қийинчиликлар туғилади. Шу сабабли пўлатлардан сифатли қўймалар олишда қуйидаги асосий тадбирлар кўрилиши лозим:

- а) қолип металларни қуйиб, қўймага ёпишмаслигини таъминлаш;
- б) қўйиш тизими хили ва унинг каналчалар шакли, ўлчами шундай бўлмоғи лозимки, пўлат шлакдан ва газлардан анча тозаланиб, қолипга бир текисда равон кирадиган бўлсин;
- в) суюқ пўлатнинг бир текисда совиши учун қолипнинг зарур жойларига совиткичлар ўрнатиш лозим.
- г) қолип устига устама (қўшимча) қолип ўрнатиш керак.

### 2-§. Мис ва алюминий қотишмалардан қўймалар олиш

Маълумки, рангли металл ( $\text{Cu}$ ,  $\text{Al}$ ,  $\text{Mg}$ ,  $\text{Ti}$  ва бошқалар) қотишмалардан турли шаклли ва ўлчамли қўймалар (тишли фидираклар, втулкалар, подшипниклар ва бошқалар) олинади.

Бу қотишмаларнинг ўзига хос хусусиятлари (осон оксидланиши, иссиқлик ўтказувчанигининг юқорилиги, ҳажмий киришувининг каталиги ва бошқалар) улардан қўймалар олишда маълум тадбирлар кўришини талаб этади, чунончи:

- а) уларни печларда эритиша оксидланишнинг олдини олиш ҳамда нометалл қўшимчалардан тозалаш мақсадида кўпроқ горизонтал электр ва индукцион печларда флюслар (писта кўмир, барий хлорид, бура ва бошқалар) дан фойдаланиш;
- б) бир стоякли кўп таъминлагичли қўйиш тизимидан фойдаланиб, қолипга металлни тез ва бир текисда равон киритиш;
- в) қолипдаги ҳавонинг ва ажралувчи газларнинг ташқарига тўлароқ чиқишини таъминлаш мақсадида випорлардан фойдаланиш;
- г) қўйиш тизимининг тегишли жойида нометалл материалларни тутиб қолувчи тўр фильтр қўйиш ва бошқалар.

### 3-§. Магний ва титан қотишмалардан қўймалар олиш

Магний қотишмалардан қўймалар олишда қуйидагиларга эътибор бериш керак бўлади. Магний қотишмалар осон суюқланиши ва ҳавода

ўз-ўзидан алангаланиши учун уларнинг флюс қатлами остида ёки вакуумли электр печларда эритиб қолипга қуишида ёниб кетмаслиги учун қолип материалига 4–8% фторли тузлар, стержень материалига 0,25–1% олтингугурт ва борат кислота қўшилади ёки олтингугурт кукуни метал оқимига сепилади, бунда унинг буғи метални ҳаво тъсиридан сақлади. Қолип бўшлиғига равон киритиши учун бир неча таъминлагичлардан фойдаланилади.

Титан қотишмалардан қўймалар олишда унинг кимёвий активлигини ҳисобга олиш керак, яхиси маҳсус печларда аргон гази муҳитида эритилиб, қолипларга ҳам ҳимоя газ муҳитида киритиш лозим.

### 38-боб

## МЕТАЛЛ ҚЎЙМАЛАРНИ ТОЗАЛАШ ВА СИФАТИНИ КУЗАТИШ

### 1-§. Умумий маълумот


Маълумки, қолипларга металл қотишмаларни киритиб, сифатли қўймалар олиш жараёнида печдан маълум таркибли ўта қиздирилган металл қотишма турли хил (чойнаксимон, барабанли ёки стопорли) ковшларга чиқарилади (ковшларга металл қотишма қўйилгунча уларни яхшилаб қутиши шарт). Қачонким, ковшга металл тўлдирилгач, уни монорельса ҳаракатланувчи электр тельфер ёки кўпrik кран ёрдамида қўйиш жойига (конвейерига) олиб борилиб, қолипга киритилади. Шуни айтиш жоизки, оғзи очиқ ковшлардан фойдаланилганда шлакнинг бир қисми қўймага ўтиши мумкин, шу боисдан яхиси, тўсгичи бор чойнаксимон ёки стопорли ковшлардан фойдалангандан маъкул.

### 2-§. Қўймаларни тозалаш ва сифатини кузатиш

Қолидан ажратилган қўймада қўйиш тизими каналларидағи металл баъзан қўйиб, қолип (стержень) материалларга ёпишиб қолади ҳамда қолип паллалари тирқишидан ўтган металлар қўйма сифатига путур етказади. Қўймадан қўйиш тизими каналларидағи металлни ажратишда қўйма материали ва ўлчамига қараб зубила (I) билан қўлда, ёки пневматик болгалардан, газ кескич, кесиш станокларидан фойдаланилади.

Қўймага қўйиб ёпишган материаллар сим шчетка билан қўлда, айланувчи барабанларда, маҳсус камерада қум ва майда шарчалар оқимида, катта босимли сувли қум ва сув босимида тозаланади. Қўйма сиртида қолган ғадир-будирликлар ва нотекисликлар абразив чархларда текисланади. Сифати эса белгиланган усулларда кузатилади, зарур бўлса, таъмирлашга юборилади. 170-расмда қўймалар олиш технологияси билан боғлиқ ишлар кетма-кетлиги схемаси кўрсатилган.

**Модель, стержень яшиклари  
ва бошқа мосламалар  
тайёрлаш**



170-расм. Күймалар олиш технологияси жағағын кетма-кетлеги схемаси

## ҚУЙМАЛАР ОЛИШНИНГ МАХСУС УСУЛЛАРИ

Металл қотишмалардан кўплаб миқдорда бир хилдаги сифатли қуймаларни олингга бўлган талабнинг ортиши натижасида механизация ва автоматлаштирилган замонавий йирик қуйма корхоналар барпо этилди. Юқорида танишиб ўтилган анъанавий усулларда қуйма олишдаги камчиликлар (қолипнинг бир марта қуйма олиштагина яроқлилиги, қуйма шакли ва ўлчамларининг етарли даражада аниқмаслиги ва юза текисликларининг талабга жавоб бермайдиган тарзда иотекислиги, қуиши тизимида металл сарфининг кўплиги, иш шароитининг оғирлиги, иш унумининг пастлиги ва бошқалар мавжудлиги сабабли бундай нуқсонлардан деярли ҳоли бўлган такомиллашган технологик усуллар яратишни тақозо қилди. Қуйидаги параграфларда бу усуллар ҳақида қисқароқ бўлса-да, маълумотлар келтирилган.

### **1-§. Қуймаларни металл қолипларда эркин қуиб олиш**


Бу усулда металл қолипга металл эркин қуиилиб, аниқ шаклли ва ўлчамли, текис юзали, сифатли қуймалар олинади. Металл қолип (коқил) учун энг яхши материал кулранг чўян бўлади, чунки у ўзидан иссиқликни яхши ўтказиши сабабли деярли қизимай, тоб ташламайди, технологик хоссалари яхши (оқувчанлиги, осон кесиб ишланиши), нархи у қадар қиммат эмас, бу эса жуда қўл келади.

Металл қолиплар конструкцияси олинувчи қуйма шакли ва ўлчамига кўра турлича бўлади. Масалан, оддий шаклли, кичик ва ўртача ўлчамли қуймалар олишга мўлжалланган қолиплар вертикал ёки горизонтал текисликлар бўйича ажralадиган бўлади. Мураккаб шаклли, турли ўлчамли қуймалар қолиплари бир неча қисмлардан йиғиладиган бўлади.

Қора металл қуймалар олишда стерженлар юқори сифатли стержень материалларидан, рангли металл қуймалар учун У7, У10 ва бошқа маркали пўлатлардан тайёрланади. Қолипга киритилган металларнинг бир текис совишини таъминлаш мақсадида қолипнинг тегишли жойларига махсус қуйма бармоқлар ўрнатилади (171-расм, а).

Қолипларнинг иш муддатини ошириш, қуйма сифатини яхшилаш мақсадида қолипларга суюқ металл киритилгунга қадар, уларни 100–300°C температурагача қиздириб, иш юзаларига ўтга чидамли бўёқ пуркалади ёки ўтга чидамли материаллар ниҳоятда юпқа қилиб қопланади. Агар олинувчи қуйма юпқа деворли бўлиб, шакли мураккаб бўлса, унинг ҳамма қисмини металл билан бир текисда тўлдириш мақсадида қолипни тебратиб туриш ҳам тавсия этилади.

Металл қолиплар механик, пневматик ва гидравлик юритмали станокларга ўрнатилиб, уларнинг йиғилиш ёки очилиш жараёнлари ме-



**171-расм. Металл қолиппининг вертикал текислик бўйича ажралиши:**

1, 2 — қолип палладари; 3 — кулоқ; 4 — бармоқдари;  
5, 6, 9 — қўйиш системаси каналлари; 7 — штирь; 8 — қолип; 10 — випор;  
11 — ярим қолип; 12 — олд бабка; 13 — пружина; 14 — плита; 15 — туртки

ханизациялаштирилади (171-расм, б). Шуни қайд этиш жоизки, замонавий йирик қуюв цехларида металларни эритишдан бошлаб, қўймалар олингунча бўлган барча жараёнлар автоматлаштирилгандир.

Кўймаларни олиш технологик жараёни қўйидаги асосий босқичлардан иборат булади:

- 1) қолипни металл қўйишга тайёрлаш;
- 2) қолипга зарур миқдорда суюқ металл киритиш;
- 3) қўйма қотгач уни қолипдан ажратиш;
- 4) қўймадан қўйиш тизимида қотиб қолган металлни ажратиб уни тозалаш;
- 5) қўйманинг сифатини кузатиш.

## **2-§. Кўймаларни металл қолипларда босим остида қўйиб олиш**

Бу усул қўймаларни металл қолипларда олиш усулининг бир тури бўлиб, бунда металл қолип (пресс форма)га босим остида киритилади.

Суюқ металлнинг босим остида қолипга киритилиши туфайли тезроқ ва тўлароқ тўлиб, қўймада ғовакликлар деярли бўлмайди. Майда донали пухта қўймалар олиш билан бирга шакли ва ўлчамлари аниқ, юзалари текис бўлади. Бу усулдан йирик корхоналарда алюминий (АЛ2, АЛ3, АЛ9 маркаларидан), магний (МЛ5, МЛ6 маркаларидан), мис қотишимлари бўлмиш, латунь (ЛС 59-1, ЛК 80-3 Л, ЛМЦЖ 55-3-1 маркаларидан) ва бошқа қотишимлардан бир неча граммдан бир неча килограммгacha бўлган мураккаб шаклли, юпқа деворли (6 мм гача) қўймалар олишда кенг фойдаланилади.

Масалан, олинадиган қуйма ўлчамларига кўра чўяңлар 1250—1400°C оралиғида, пўлатлар эса 1500—1600°C оралиғида қолипга қийилади. Матъумки, қолипга қийилган металл вақт ўтиши давомида совиб қота боради. Қуйма шакли қанчалик мураккаб ва ўлчами катта бўлса, бир текисда совимаслиги оқибатида ички зўриқиши кучланишлари ҳосил бўлади. Шу сабабли қуйма қолилларни тайёрлашида уларда металларнинг иложи борича текис совишини таъминлаш тадбирлари кўрилмоғи лозим.

Суюқланиш температураси анча юқори бўлган металлардан мураккаб шакли ва юпқа деворли қуймалар олишда айрим қийинчиликлар туғилади, бу эса мазкур усулнинг камчилигидир.

Куймакорлик цехларida фойдаланилдиган қуйиш машиналари конструкциясига кўра:

- 1) иссиқ на совуқ камерали поршенили;
- 2) қўзғалмас ва қўзғалувчи компрессорли хилларга ажратилади.

### 1. Иссиқ камерали поршенили машиналарда қуймаларни олиш.


Одатда, бу машиналардан суюқланиш температураси 450—500°C гача бўлган рух, қалай, кўроғин асосидаги қотишмалардан кичик (25—30 кг гача) қуймалар олишда фойдаланилди. Машиналар конструкциялари жиҳатидан кўлда ишлатиладиган, ярим автоматик ва автоматик равишда ишлайдиганларга бўлинади. Масалан, автоматик равишда ишлайдиган машиналарда соатига 3000 гача ва ундан ортиқ қуймалар олиш мумкин.


172-расмда иссиқ камерали поршенили қуйиш машинасининг тузилиши ва ишлаш схемаси келтирилган.

Машинани ишлатишдан аввал йигилган қолип 7 билан мундштук 6 уланади. Машина юргизилганда поршень 5 сиқилган ҳаво босимида цилиндр 4 бўйлаб пастга қараб ҳаракатланиб, цилиндрдаги суюқ металлни қолипга 10—30 МПа босим остида ҳайдайди. Кейин поршень юқорига кўтарилади, қолип очилиб, қуйма ажратилади. Бу машиналарнинг асосий камчилиги шундаки, суюқланиш температураси юқори бўлган, масалан, Al, Cu каби металлар қотишмаларидан қуймалар олишда цилиндр юзаси билан: поршень орасида қотаётган оксид пардалар машинанинг меъёрда ишлашини издан чиқаради, яъни бу оксид пардалардан машинани тозалаш учун уни тез-тез тўхтатиб туриш керак бўлади.

**172-расм. Иссиқ камерали поршенили қуйиш машинасининг схемаси:**

- / — ванна; 2 — тесик; 3 — комал;
- 4 — цилиндр; 5 — поршень;
- 6 — мундштук; 7 — қолип





173-расм. Совуқ камералы поршенили қүйиш машинасининг схемаси:  
1 — цилиндр; 2, 4 — поршень; 3 — қолип; 5 — қолдик металл; 6 — құйма

## 2. Құймаларни совуқ камералы поршенили қүйиш машинасида олиш.

Бу хил машиналардан суюқланиш температураси юқориго бўлган, масалан, алюминий, мис қотишмаларидан құймалар олишда фойдаланилади.


173-расмда бундай машинанинг тузилиши ва ишлаши схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, құйма олиш учун маълум микдордаги суюқ металл цилиндр 1 га қуйилади (173-расм, а).

Бунда пастки поршень 4 юқорига кўтарилик бўлиб, қолипга металл киритиш канал тешиги беркитилган бўлади. Сўнгра устки поршень 2 пастга ҳаракатланганда металл катта босим (300 МПа гача) билан босилишда, цилиндрдаги металл қолипга босим билан қүйиш канали бўйлаб киритилган (173-расм, б).

Кейин поршенлар 2 ва 4 юқорига кўтарилади. Бунда қолдик металл қүйиш каналидаги металлдан ажралиб, цилиндрдан чиқарив қайта эритишга узатилади (173-расм, в). Кейинги құйма олиш учун бу жараён яна такрорланади.


## 3-§. Құймаларни қўзғалмас ва қўзғалувчи камералы компрессорли қүйиш машиналарда олиш

174-расмда қўзғалмас камералы машиналардан бирининг тузилиши ва ишлани схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, камера 2даги суюқ металл қолип 7 га ҳаво босимида патрубка 5 даги мундштук 6 орқали киритилади.



174-расм. Қўзғалмас камералы компрессорли қүйиш машинасининг схемаси:

1, 4 — тешик; 2 — камера; 3 — тиқин;  
5 — патрубок; 6 — мундштук; 7 — қолип



**175-расм. Құзғалувчи камерали компрессорлы қуйиш машинасының схемаси:**

1 — ванна; 2 — құзғалувчи камера; 3 — мундштук; 4 — учлик;  
5 — қолип; 6 — тешік


Бу машиналар камерасидаги металлнинг ҳаво кислороди билан оксидланиши, газларга түйиниши сабабли кенг тарқалмади. Бу машиналарнинг камчилигига барҳам бериш борасида олиб борилған изланишлар натижасида құзғалувчи камерали компрессорлы машиналар яратылды.

175-расмда құзғалувчи камерали машинаниң тузилиши ва ишлаш схемаси көлтирилған. Схемадаги чүн ванна 1 га құзғаладыган камера 2 туширилған бўлиб, унинг бир учига мундштук 3, иккинчи учига эса маҳсус учлик 4 ўрнатылған. Машина юргизилгандан тортқилар ёрдамида құзғалувчи камера ваннадан чиқади. Бунда қолип йиғилишида мундштук 3 қолип 5 билан, унинг иккинчи учи эса ҳаво келиш тешиги 6 билан боғланади. Шундан сўнг камерага сиқилған ҳаво ҳайдалади. Шунда камерадаги металл босим остида қолипга киради. Кейинги қуйма олишда цикл яна такрорланади. Бу машиналарда соатига 50 тадан 500 тагача қуймалар олиш мумкин.

#### **4-§. Қуймаларни айланувчи металл қолипларда олиш**

Бу усулда металл айланувчи металл қолипга (баъзан қолипнинг иш юзи қолип материали билан қопланған) киритилади. Бунда металл марказдан қочирма куч таъсирида қолип деворига отилишида совиб, кристалланиши қолип деворидан бошланиб, қуйманың ички бўш юзида тугайди, бу жараёнда нометалл материаллар (шлаклар, оксидлар), газлар қуйма сиртқи бўшлиғи томон ўтади. Натижада зич, майда, донли, текис юзали қуймалар олинади.

Бу усул юқори унұмлилиги, олинған қуйма сифатининг яхшилиги, қуйиш тизими талаб этилмаслиги каби афзалликлари билан юқорида




176-расм. Құймаларни вертикал ўқ атрофига айланувчи қолиппаратда олиш схемаси:  
 1 — металл қолип; 2 — суюқ металл;  
 3 — ковш

күрілған усуллардан ажралиб туради. Лекин қимматбаҳо ускунна талаб этиши, фақат доиравий құймалар олиниши каби камчиліктер ҳам бор.

Одатда, бу усулда чүян, пўлат ва рангли металл қотишмалардан бир неча килограммдан бир неча тоннагача бўлган турли хил қалинликдаги ва узунликдаги құймалар олинади. Олинадиган қуйма турига кўра металл қолиплар горизонтал, вертикал ва қия ўқлар бўйлаб айланадиган бўлади. Масалан, водопровод, канализация трубалари горизонтал ўқ атрофига айланувчи металл қолипларда, диаметри бўйидан катта бўлган құймалар (шкивлар, тишли фиддираклар) вертикал ўқ атрофига айланувчи металл қолипларда олинади. Шуни айтиш жоизки, вертикал ўқ атрофига айланувчи қолипларда қуйилған металл марказдан қочирма куч таъсирида ички сирти тобора парабола шаклига ўхшаш бўла боради (176-расм).

177-расмда горизонтал ўқ атрофига айланувчи металл қолипда чўян труба құймаларини олиш схемаси келтирилган. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай қолиплар чўяндан тайёрланиб, олинувчи құймалар сифатини яхшилаш, қолипларнинг иш муддатларини ошириш мақсадида улар металл киритилгунча 150–300°C атрофига қиздирилиб, иш



177-расм. Горизонтал ўқ атрофида айланувчи қолипда чўян трубани тайёрлаш схемаси

юзалири ҳимоя қоплама материал билан қопланади. Расмдан кўрина-дикни, қолип ролик 5 лар орқали ўз ўқи атрофида айланади.

Қолипга суриладиган ковш нови 1 орқали суюқ металл қуйилади (Бунда қуйманинг бир учида талаб этилган шаклли ва ўлчамли трубалар олиш учун гилли қумдан тайёрланган стержень ўрнатилади). Мазкур усулда трубалар олишда сиртининг тез совиши сабабли қаттиклиги ортади. Бу эса қолипнинг иш юзаси сифатига путур етказади. Шунинг учун қолип иш юзи маҳсус материал билан қопланади. Ушбу усулда қолипнинг бир минутдаги айланышлар сони қуйма материалига, унинг ички радиусига ва бошқа кўрсаткичларга кўра қуйидаги эмпирик формула бўйича аниқланади:

$$n = \frac{5620}{\sqrt{\gamma \cdot r}}, \text{ айл/мин.}$$

бу ерда  $\gamma$  — қуйма материалларининг зичлиги,  $\text{г}/\text{см}^3$ ,  $r$  — қуйманинг ички радиуси, см.

Одатда,  $n = 250$ — $1500$  айл/мин оралиғида бўлади. Бунда соатига диаметри  $100$ — $1000$  мм, узунлиги  $4$ — $10$  м, массаси  $100$ — $490$  кг бўлган  $24$ — $34$  та труба тайёрланади.

### 5-§. Қуймаларни эрувчи моделлар ёрдамида тайёрланган қолипларда олиш


Бошқа технологик усулларда олиш анча қийин бўлган мураккаб шаклли, аниқ ўлчамли, текис юзали қуймалар (тикув машинасининг мокиси, милтиқ тепкиси, фрезалар, пармалар ва ҳ.к) ишлаб чиқаришда мазкур усулдан кенг фойдаланилди. Бу усулда қуйма олиш технологиясининг бир неча вариантлари бор. Қуйида бир хили келтирилган. Бунинг учун аввал қуйма ва қуйиш тизими моделлари чизмалари чизилиб, улар асосида металл қолип тайёрланади, кейин осон суюқланадиган материаллар (масалан, 30% шам ва 70% стеорин) автоклавада

Эритилиб, қолип (пресс форма)га тегишли босим остида киритилади. Сүнгра модель қотгачи, ундан ажратиб олинади-да, ўтга чидамли махсус материал (кум кукуни билан этил силикатнинг суюқ шиша аралашмаси) ёки 90% майда кварц кум, 7% каолин, 3% графит, 20% суюқ шиша ва 80% сув суспензияли идишга 5–6 мм ли қатлам олингунча бир неча бор маълум вақт ботириб олинади. Сүнгра қуйиш тизими моделлари ҳам шу йўсинда тайёрланади. Кейин қўйма ва қуйиш тизими моделларининг тегишли жойлари электр ковъя ёрдамида қиздирилиб ёпиштирилади. Шу йўсинда тайёрланган блокларда қўйма моделлар сони уларнинг массасига кўра 100 тагача бўлиши мумкин. Кейин уларни уй температурасида қуритилади. Олинган қобиқдан эрувчи моделни ажратиш учун қиздирилган ҳаво, иссиқ сув ёки буғдан фойдаланилади.

Маълумки, иссиқ сувли ваннага туширилганда модель материали эриб сувга ўгади. Кейин олинган қобиқли қолипни пухталаш учун уни опокага жойлаб, атрофига қум тўлдириб зичлангач, уни печга киритиб, 800–860°С температурада 3–4 соат қиздириб пиширилади. Бунда модель материалларидан газга ўтувчи моддалар ажралиб, у пухталанади. Бундай қолипга металл қўйилади.

Металл қолипда кристалланиб, қўйма олиниб, кейин ундаги қуйиш тизими метали ажратилади. Бу қолиплар бир марта қўймалар олишга ярайди, холос.

178-расмда осон суюқланадиган моделлар ёрдамида тайёрланган қолипларда қўймалар олиш схемаси кўрсатилган.



178-расм. Суюқланувчи моделлар ёрдамида қолипларда қўймалар олиш схемаси:  
а — қўйма; б — металдан тайёрланган қўйма қолип; в — қолипга қўйилган осон суюқланадиган модда; г — модель; д — модельларининг умумий қўйма система ҳосил қилувчи модели билан спиширилган блок; е — кум қопламали модель блоки; ж — модель суюлтирилгандан кейин опокага урнатилган модель блокига металл қўйилиши

## 6-§. Құймаларни қобиқли қолиппелерде олиш

Қобиқли қолиппелер майда кварц қумига бояловчы сифатында 5–8% пульвер бакелит (уротропин құшилған фенолформальдегид смола күкүни) ёки боюловчы моддалар аралашмасы құшилған, иккі паллали қолип тайёрланады. Бундай бояловчы смола моддаларининг характертерли хусусияти шундаки, улар 140–160°C гача қиздирилғандың өтінің үшінші массага айланып, қум донларини чулғайды. Температурасы 250–300°C га күтәрілғандың эса бир неча секундда қотады. Уларнинг бу хоссаси қолиппелер тайёрлашда құл келады. Қуйда умумий ҳолда қобиқли қолиппен тайёрлаш технологиясы жараёни кетма-кетлиги көлтирилген:


1. Моделларнинг бир палласи сирти түрли қолдик материаллардан яхшилаб тозаланғач, унда олинувчи қобиқнинг осон ажралиши учун сиртига керосин ёки маңсус әмульсия пуркалиб, модель плитасига үрнатылған, 200–250°C температурага қиздириллады. Кейин уни модель плитаси билан 180°C айлантирилб, иш юзасини пастта қаратып, бункер устига үрнатылады (179-расм, а).

2. Бункерни модель плита билан биргаликта 180°га айлантириллады. Бунда бункердеги қобиқ материал қызиган модель сиртига түкилғач, 10–25 секунддан 1–2 минутгача тутиб түрілады. Бунда бояловчы материал эриб, қум донларини пухта боялғап, 6–8 мм ли қобиқ ҳосил қиласы (179-расм, б).

3. Бункер модель плита билан биргаликта 180°га айлантирилди, дастлабки ҳолига кайтарылады.


4. Қобиқли модель плита бункердан ажратылған, 300–350°C температуралы печга кирилди, шу температурада 1–3 минут сақланады. Бунда қобиқ зарур пухталикка утады.

5. Модель плита печдан чиқарылған, ярим қолип қобиғи ажратып олинады (179-расм, в).



179-расм. Қобиқли қолип тайёрлаш технологиясын жараёни схемасы:

- 1 — модель ярим палласи; 2 — штиры;
- 3 — қолип материалы; 4 — бункер;
- 5 — қолип палласи



**180-расм.** Турли усулларда олинган  
құймалар үлчамининг аниқлиги:

1 — босим билан олинганда; 2 — әрүвчи  
моделлар ёрдамида қолипларда олинганда;  
3 — қобиқли, гипсли ва металл қолипларда  
олинганда; 4 — құм қолипларда олинганда

Қолипнинг иккинчи палласи ҳам худди шу тарзда тайёрланади. Кейин уларни йигишида стерженлар бўлса, ўз жойларига қўйилиб, паллалар скоба ёки струбциналар билан ёки тез қотувчи термореактив елим билан бириктирилади.

Одатда, қўймалар олишда қобиқли қолипларнинг бир нечтасини опокага жойлаб, атрофи құм билан ёки кичик золдирчалар билан тўлдирилади. Кейин эса уларга ҳар бирига металл қўйилади. Шуни қайд этиш зарурки, бу усулда турли материаллардан, мураккаб шаклли, сирт юзаси текис майдада (кўпинча 5—15 кг ли) қўймалар олинади.

Оддий қолипларда қўймаларни олишга қараганда бу усулда олинган қўймалар ўзининг аниқлиги, механик ишловларга берилмаслиги ва қолип материаллар сарфи камлиги билан ажралиб туради ва уни автоматлаштириш осон бўлганлиги сабабли иш унумдорлиги ҳам кескин ортади.

180-расмда мулоҳаза учун турли усулда тайёрланган қолипларда олинган қўймалар үлчамлари аниқлик допусклари келтирилган.

## 40-боб

### ҚЎЙМАЛАРДА УЧРОВЧИ АСОСИЙ НУҚСОНЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ

#### 1-§. Умумий мәълумот

Қўймаларни ишлаб чиқарадиган корхоналарда қўйма конструкциясида йўл қўйилган хатолар, белгиланган технологик жараённинг тўғри бажарилмаслиги ва бошқа қатор сабабларга кўра уларда нуқсонлар учрайди. Жумладан, қўйма шакли ва үлчамларининг чизмага жавоб бермаслиги, говаклар бўлиши, шаклининг деформацияланиб дарз кетиши ва бошқалар.

Маълумки, қўйма сифати кузатилувчи участкалар зарур ускуналар, ўлчов асбоблари ва мосламалар билан таъминланади. Кузатувчилар қўймалар сифатини цехда қабул этилган услубда кузатадилар. Умумий тарздаги кузатишлар қўйидагича олиб борилади:

1. Құймаларнинг ташқи қиёфасини кузатиш. Бунда құймаларда учровчи ташқи нұқсонлар, жумладан, шакл ва ўлчамлар ўзгариши, дарзлар, чала жойлари, сирт ғовакликлари, қолип ва стержень материалларининг күйиб құйма сиртига ёпишгани, тошмалар ва бошқалар ўрганилади.

2. Құймаларнинг кимёвий таркиби, механик ва бошқа хоссалари аникланади. Кейин олинган натижалар асосида уларнинг сифати ҳақида холосага келинади.

3. Құймаларда ички нұқсонлар бор-йўқлиги кузатилади.

Құймаларда учровчи нұқсонлар характеристига, катта ва кичиклигига қараб таъмирланадиган ва таъмирланмайдиганларга ажратилади.

**Таъмирлаб тузатиш мүмкін бўлган нұқсонлар.** Бундай нұқсонлар анча кичик ва майда бўлиб, тузатилиши бирмунча осон бўлган нұқсонлардир. Улар деталнинг меъёрда ишлашига путур етказмайди.

**Таъмирлаб тузатиб бўлмайдиган нұқсонлар.** Бундай нұқсонлар йирик нұқсонлар бўлиб, уларни ё мутлақо тузатиб бўлмайди ёки тузатиш мумкин бўлса-да, иқтисодий жиҳатдан қимматга тушади. Бу хил нұқсонли құймалар яроқсизга чиқарилиб, қайта суюқлантиришга юборилади. Шуни қайд этиш жоизки, техник кузатувчи вакиллар құймаларнинг сифатинигина кузатиш билан чегараланмасликлари лозим. Улар нұқсонларнинг ҳосил бўлиш сабабларини ўрганишда ва олдини олиш тадбирларини кўришда технолог ва мастерларга ёрдам беришлари ҳам керак.

55-жадвалда баъзи нұқсонлар хили, ҳосил бўлиш сабаблари ва олдини олиш тадбирлари бўйича мисоллар келтирилган.

## 2-§. Нұқсонли құймаларни таъмирлаш

Тузатилиши мумкин бўлган нұқсонли құймаларни материали хили, шакли ва ўлчамига кўра тузатишда турли технологик усуллардан фойдаланилади. Масалан, муҳим бўлмаган құймалардаги кичик ғовакликлар бакелит лаки ёки графит кукуни қориштирилган замазка билан тўлдирилади. Бунинг учун ғовак жойлар кир, мой ва зангдан тозалангач, замазкаланиб, устидан графит ёки кокс бўлаги билан текислаб пардоzlанади.

Шунингдек, кичик гидравлик босимда ишлатиладиган канализация чўян трубаларидағи ғовакликни таъмирлашда қўйма аммоний хлориднинг сувдаги эритмасига 8—12 соат ботириб қўйилади.

Маълумки, чўян құймаларнинг мўртлиги (температура кескін ўзгаришига чидамсизлиги) ундағы нұқсонларни тузатишда бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли нұқсонларнинг характеристига (ўлчамлари ва шаклига) кўра улар совуқлайн ёки қиздирилиб (айрим пайтларда нұқсонли жойларгина қиздирилиб), чўян электрод билан электр ёй ёрдамида пайвандланади. Пайвандланадиган жойнинг пайвандлашга қанчалик тайёрланғанligининг ҳам аҳамияти жуда катта.



I	2	3	4
Дарзлар. Бу нұксонндарниниң досил булиши температурасыга күра несек әс асуық, хылларға яхренилады. Иссик дарзлар өтгелари бирткі, оқсиялданған бұсақ, сөвүк дарзлар өткізу екінші илон изли бұлғын, тошаның тұрады	<p><b>Иссик дарзлар</b></p> <p><b>Совук дарзлар</b></p>	Металлнин қолинин киришүүнде қолин, стерженлар томонидан қаршилик бүлганды қосып бүйгін түркіш, ички күчләнеш күймәти мөдделнинг мұстажамылғы сеза-расыдан орттап. қолин түрли жойдағынан турлы гезлилдә союниши, металл күйнөвін тәркибиңнен тағабіз жаоб бермасыншы да биошқалар	Құмма конструкциясынан күбіле талаабларынан тұла жаоб бериши, қолинда мегалди бир техника союншынан үзіндіктерден фойдаланып, үзіндік несисүккін жахши уг-казаштан жа несекілкін сипатты қорып бүткен материаллардан тәрүүрнің әзілдік тәжірбесін, қолинға нормал температуралы мөдделнің равен киригиш, тәсіншіл құмма тизимнің фойдаланышы да биошқалар
Күймалар сиртідан металл құлжами билан қопланған да у қалар құқыр бүлмегін төр ариқчалар		Қолиннин газ үткезуучан-линин пастығы, қолинға қойылған металл үндегі газлар бөлшемін күтәріп, күм тәррәчалар қажыннинг орти-шида қолиншан көбін әжрапады. Бу шароитда сөвүк, металл қобиқын зәйт, ёрік досил этиб, унға үшаш, бунда "ұжымын" дейнілады	Қолиннин газ үткезуучан-линин қорып бүтінші, қолинға металл қойылғанда ундан газларынан тұла ажрапады да биошқалар
Күймаларнинг тоб тиілшіші		Күймалар конструкциясынан нормауланған жумылдан дөвөр қалынларынан кескін фронтланған оқиба-тида қолинға қойылған металлнин түрли гезлилдә союниши сабаблы деңгел ички түркіш күчләнешшары досил бұлғыши, металлнинг қолина бир мезереда қуйыл-масын да уннан температура-расынан аңа қориғана, қолин ва стерженлар берилу-чылығыннан кичиқшын да биошқалар	Күймә конструкциясы шундай бұйымға керакки. Қолинда металл деңгел бир техника союншы. Союншы тәсілдердин генелашырыш, металлнин қолинға бир мезереда да нормал температурада қуйынш. қолин ва стерженлар берилу-чылық хоссасларын күтәрши да биошқалар
Қолинға аввалроқ қу-йилған металл билан кейінроқ қуйылған металлнинг бирикіб көзмасылғы оқибатыда досил бүлтән ёрік		Сөвүк металл физик-механик хоссасларыннан қоникадеңзіз-лік, қолиннан тәйсізлар тәх-нодология жарасыннан бүз-лиши, металлнинг старлы босимда қолинша кирнасасын, қолин материалының исеси-ликтің тез үтказыши, қолинда металлнин киритиш температура-расыннан пастығы, секин киришлиши, узилнеш да биошқалар	Қолинні зарурий сиғаттап қолин материалдан белгилеп-теги технология бүйінча тәжірбеш, металлнин қолинға белгі-лянан температурада тәзрек да узлуексіз қуйынш да биошқа-лар

Шунинг учун нуқсонли жойлар мой, занг, шлак, қолип материалари ва кирлардан яхшилаб тозаланиб, сўнгра нуқсонлар характеристига (пайвандланадиган жойларнинг қалинлигига) кўра бу жойлар V симон ёки X симон қилиб кесилиб тайёрланади.

Бунда қум, гил, шлакли бўшликлар совуклайнин, дарз ва ёриклар қиздирилиб пайвандланади, сўнгра термик ишланади. Йирик қўймалар буткул қиздириб, пайвандлаш қийин бўлган ҳолларда нуқсонли жойлари газ горелкаси алансида қиздирилади. Шундан кейин улар белгиланган режим ва технология бўйича пайвандланади.

Ўртача ва кичик чўян қўймалардаги нуқсонларни тузатишда улар печларда 700–800°С гача қиздирилиб, қўйма таркибига мос таркибли чўяни электрод симлардан фойдаланиб пайвандланади.

### ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Қўймакорликнинг моҳияти ва машинасозликдаги урни.
2. Қўйма деталлар конструкциясини белгилашда нималарга аҳамият бериш лозим.
3. Қўймалар ишлаб чиқариш технологик жараёнини схематик тарзда ифодаланг.
4. Модель ва стерженлар вазифаси, уларга қандай талаблар қўйилади.
5. Қолиллар хиллари, уларнинг материалига қўйиладиган талаблар.
6. Қўйиш тизими элементлари ва уларнинг вазифаси.
7. Қолилларни икки опокага тайёrlаш технологиясини схематик тарзда тушиунириб беринг.
8. Қолиллаш машиналарининг қанақа хилларини биласиз ва улардан қандай қўймалар қолипни олишда фойдаланиш маъқул.
9. Қўймалар олишининг маҳсус усусларидан бирида қўймалар қандай олинишини схематик тарзда ифодаланг.
10. Қўймалarda учрайлигандар нуқсонлар хиллари, ҳосил булиш сабаблари ва олдини олиш тадбирларидан баъзилари ҳақида айтиб беринг.

## КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАРНИ ПАЙВАНДЛАШ, КЕСИШ ВА КАВШАРЛАШ

41-боб

МАТЕРИАЛЛАРНИ ПАЙВАНДЛАШ, УНИНГ ЯРАТИЛИШИ,  
ТАСНИФИ, ПАЙВАНДЛАНУВЧАНЛИГИ, ПАЙВАНДЛАШДА  
СТРУКТУРА ЎЗГАРИШЛАРИ ВА ПАЙВАНД БИРИКМАЛАРИ

### 1-§. Материалларни пайвандлаш, унинг яратилиши ва ривожланиши ҳақида маълумот

Материаллардан тайёрланган буюмларни ўзаро атомар ва молекуляр боғланишлар ҳисобига ажралмайдиган қилиб бириктириш технологик жараёнига пайвандлаш дейилади. Пайвандлашнинг бориши атомлараро тортишувчи кучлар ҳисобига боради. Бунинг учун улар камидага  $1 \cdot 10^{-8}$  см га яқинлашмоғи керак.

Маълумки, одатдаги шароитда пайвандланадиган буюмларни пайвандлаш жойларида занг, мой, кирлар бўлади ва улар сифатли чоклар олишга салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан бу буюмларни пайвандлашгача пайвандлаш жойлари улардан тозалансада ҳаво таркибидаги газ молекулалари ( $O_2$ ,  $H_2$ ,  $N_2$ ) бу юзага ўтади. Шу боисдан улардан тозалаб, сифатли пайванд чоклар олиш учун пайвандлашда маҳсус таркибли флюс деб аталувчи моддалардан фойдаланилади. Аксари ҳолларда металл буюмлар қаттиқлиги маълум қийинчилик туғдиради. Шу боисдан пайвандлаш жойлари қиздирилиб эритилади-да, кичик ҳажмли ванна ҳосил қилиниб, унинг совиб кристалланишида пайванд чок олинади, шунингдек, пайвандланувчи буюмларнинг пайвандлаш жойларини юқори пластик ҳолга келгунча қиздирлиб, уларни бир-бирига зарур босим билан ( $1\text{--}4$  кг/мм<sup>2</sup>) сиқилади. Бунда пайвандлаш юзалиридаги адсорбирланган газ молекула пардалари ажралиб, юзалар шу қадар яқинлашадики, бу шароитда атомар ва молекуляр боғланишлар бориб, пухта чок олинади.

Чок сифатига материаллар хили, пайвандланувчанлиги, пайвандлаш жойларининг қалинлиги, пайвандлаш жойларининг пайвандлашга тайёрланганлик даражаси, пайвандлаш усули, режими, чокни бостириш характеристи, пайвандчининг малакаси ва бошқа кўрсаткичлар таъсир қиласи. Турли металл ва уларнинг қотишмаларидан тайёрланган буюмларни ўзаро ҳамда нометаллар (керамика, графит, шиша, пластмасса ва б.) билан пайвандлаш саноатининг барча соҳаларида одатдаги ер шароитида, сув остида ва коинотда кенг кўлланилади. Чунки бу

усул ажралмайдын бирикмалар ҳосил қилишдаги бошқа технологик усулларга (кавшарлаш, парчин мих билан бириктириш) қараганда пухта бирикмалар олиниши, иш унумининг юқорилиги, тежамлилиги ва бошқа афзаликлари билан ажралиб туради.

Масалан, бу усулда кемалар тайёрлашда парчин михнинг құлланилишига қараганда сарғланадын вақт 5–10 марта қисқа бўлиб, кема массаси 20–25% енгиллашади.

Айниқса, йирик метал блоклар ва конструкциялар тайёрлашда, уларни йигишида, күпприклар қуришида, резервуарлар тайёрлашда, ейилиб ишдан чиққан деталларни тиклашда, таъмирлаш ишларида ва бошқа ҳолларда жуда қўл келади. Статистик маълумотларга кўра ҳозирда ишлаб чиқарилаётган пўлат буюмларнинг ярмига яқини пайвандланади.

Металл буюмларни пайвандлаш усули одамларга жуда қадимдан маълум, ўша замонларда металл буюмларни пайвандлаш учун пайвандлаш жойларини ер ўчоқларда обдои қиздириб, кейин уларнинг бирини қаттиқ тағлика кўйиб, унинг устига иккичисиги кўйиб болга билан зарблаб бириктирганлар. Бу ибтидой, оддий усулда сифатли, пухта бирикмалар олини маса-да, асрлар давомида қўлланиб келинди. Бу усулнинг назарий асоси фақат XIX аср охири XX аср бошларида саноатининг турли тармоқлари илдам ривожланаётган даврига келиб яратила бошлиди.


Бу борада рус олимни В.В. Петровнинг (1768–1834 й.) хизмати фоят катта. У 1802 йилда электр ёйининг хусусиятини ўрганиб, ёй иссиқлигига металларни пайвандлаш мумкинлиги ҳақидаги фикрини баён қилди. Электр ёй хусусияти ўрганилгандан анча йиллар кейин, яъни 1881 йилда рус ихтирочиси Н.Н. Бенардос (1841–1905 й.) металларни кўмир электрод билан электр ёй ёрдамида пайвандлаш усулини ихтиро қилди ва бу ихтироси учун унга кўпгина мамлакатларда патент берилди. (Бу ихтиронинг оламшумул аҳамияти шарафига 1981 йилда ЮНЕСКО қарорига кўрил metall буюмларни кўмир электрод билан электр ёй ёрдамида пайвандлашнинг 100 йиллиги бутун дунёда нишонланди.)

Бу усулиниң узгармас ток манбани талаб этиши, пайвандлашда чокка кўмир электрод атомларининг оз бўлсада ўтиши, кичик ҷаҳмли металл ваннага ҳаво таркибидаги кислород, азот ва бошқа газлар ўтиб, чок сифатига путур етказиши, пайвандчининг ҳар иккала қули банд бўлиши ва бошқалар сифатли, пухта чок олишда маълум қийинчиликлар туғдиради.

1888–1890 йилларда рус инженери Н.Г. Сляянов Бенардос усулини такомиллаштириди. У кўмир электродини металл электрод билан алмаштириди, металл ваннани ҳавопинг таркибидаги кислород, азот ва бошқа газлардан ҳимоя этиши учун махсус таркиби модда (флюс) дан фойдаланди ва пайвандлашда металл электрод сарғланган сари уни ванна томони зарур тезликда узатиб турувчи оддий механизми ҳам яратди. Шундай қилиб, металларни ярим автоматик ва автоматик пайвандлаш усулларига пойдевор яратди. Бу ихтиrolарининг ҳаммасига патент ҳам олди (181-расм).

Шуни қайд қилиш жоизки. XX аср бошларигача флюс вазифасини ўтайдиган металл электрод қопламалар, зарур қувватли ускуналар ва технологиялар йўқлиги сифатли чоклар олишида маълум қийинчиликлар туғдириди.

1907 йилда швед олими О. Къелберг махсус қопламали электродлар билан металларни пайвандлашни таклиф этди. Бундай электрод билан металларни дастаки пайвандлашда қоплама эриб, ёйнинг барқарор ёнишини таъминлашиб, металл ваннани ҳаво таркибидаги кислород, азот ва бошқа газлардан ҳимоялаб, оксидлардан металлар қайтарилиб, шлакка ўтиши натижасида, ваннанинг секин совушу туфайли сифатли чоклар олинди. Бу даврга келиб зарур қувватли пайвандлаш ускуна ва



*181-расм. Металл буюмларни пайвандлаш усуллари:*

*a — Бекардос усули; б — Славянов усули;*  
*1 — күмір электрод; 2 — чокбоп сим; 3 — металл электрод;*  
*4 — пайвандланувчи металл*

технологиялари яратыла бориши сабабынан металларни пайвандлаш технологик жарайылары бир мунча такомиллаша борди.

Шу йиллардан бошлаб металлар махсус қолпамали металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашдан көнг қуламда фойдаланила бошланды.

1930—1940 йилларга келиб Украина Фанлар академиясынинг металларни электр пайвандлаш институты жамоаси академик Е.О. Патон (1870—1953 й.) раҳбарлигига металларни металл электродлар билан электр ёй ёрдамида махсус таркиби мөддәлардан иборат бүлгән флюс қатлами остида автоматик пайвандлаш усулини яратды да бу усулдан саноатда көнг фойдаланила бошланды. Кейинги йилларда юқорида қайд этилган пайвандлаш усулларидан фарқы үлароқ Украинандагы металларни пайвандлаш институты, ЦНИИТмаш, ВНИИАмаш ва бошқа муассасаларда, лабораторияларда олиб борилған илмий да амалий ишлар натижасыда металларни электрон нурда, ультратовушда, плазмада да бошқа энергияларда пайвандлаш усуллары яратылди. Бу усулларда энергия концентрациясы юқорида, пайвандлаш жойларининг ҳава газлари билан реакцияға кирмасылығы, қыска вақтта сифатты, пухта чоклар олинини, шунингдеги, юқорида танишилған пайвандлаш усулларидан күп углероди да күп легирланған пүлаттарни, мис, алюминий да улар қотишмаларыны пайвандлашыннан қийинлігі эса да истиқболли усулларни тезроқ құлланилишига олиб келди.

## 2-§. Пайвандлаш усуллари таснифи

Металларни пайвандлашдағы мавжуд усуллар ГОСТ 2601-84 га күра күйидеги синфларға ажратылады:

**Термик синф.** Бу синфга кируди пайвандлаш усулларында металларнинг пайвандлаш жойларини зарур температурагача қыздириш учун иссиқлик энергиясыдан фойдаланылады. Бу синфта металларни электр ёй ёрдамида, электр шлакда, плазмада, электрон нурда, газ алансасыда пайвандлаш да бошқа усуллар киради.

**Термо-механик синф.** Бу синфта кируди пайвандлаш усулларында металларнинг пайвандлаш жойларини юқори пластик қолатта үтгунча

қиздириб, сүнгра уларни иккинчисига зарур босим билан сиқиб пайвандланади. Бунда иссиқлик энергия манба иссиқлик ажратувчи энергиялардан бири бўлса, босим берувчи манба эса механик энергия бўлади. Бу синфга электро-контактли, пайвандлаш жойлари ни газ алангасида қиздириб пресслаш, диффузион ва бошқа пайвандлаш усуллари киради.

**Механик синф.** Бу синфга кирувчи пайвандлаш усулларида металларнинг пайвандлаш жойларини зарур температурагача қиздириш механик энергиянинг иссиқликка ўтиши ҳисобига боради. Пайвандлаш жойлари юқори пластик ҳолатга ўтгач, уларнинг бири иккинчисига зарур босим билан сиқиб пайвандланади. Бу синфга металларни совуклайн, ишқалаб, ультратовуш, портловчии моддаларни портлатиб пайвандлаш ва бошқа усуллар киради.

Ёй зонасини ва пайвандлаш жойини ҳимоялаш усулига кўра ҳимоя газлар мұхитида, флюс қатлами остида, вакуумда, механизациялаш даражасига кўра дастаки, механизациялашган ва автоматлашган усулларга; пайвандлашда кўлланилаётган электродларга кўра эрувчи на эримайдиган электродлар билан пайвандланига ва фойдаланилаётган ток хилига кўра ўзгарувчи ва ўзгармас токларда пайвандлаш усуллари ажратилади.

### 3-§. Металл ва қотишмаларнинг пайвандланувчанлиги

Металларни пайвандлашда атомар ва молекуляр боеланишлар натижасида кутилган хоссалари, ажралмайдиган бирикмалар бериш хусусиятига пайвандланувчанлик дейилади. Бу хусусият уларнинг хилига, кимёвий таркибиغا, физик-кимёвий хоссаларига, структурасига ва бошқа кўрсаткичларига боғлиқ. Одатда, металларнинг пайвандланувчанлигини аниқлашда олинган чок хоссаси пайвандланадиган металл хоссасига таққосланади. Агар чокда нуқсонлар бўлмай, хоссаси пайвандланиладиган металл хоссасига яқин бўлса, бундай металлар яхши пайвандланиладиган ҳисобланади. Маълумки, ҳамма металлар ва уларнинг қотишмалари бирдай яхши пайвандланмайди.

Металлар ва улар қотишмаларининг пайвандланувчанлиги, шунингдек, таркибидаги компонентларнинг ўзаро эрувчанлигининг ҳам аҳамияти катта. Агар қотишма таркибидаги компонентлар пайвандлашда бир-бирида эриб, қаттиқ эритма ёки кимёвий бирикма берса, бу қотишмаларнинг пайвандланувчанлиги яхши кечади. Аксинча, улар бир-бирида мутлақ эримаса ёки кимёвий бирикма бермаса, пайвандланувчанлиги ёмон бўлади. Бундай қотишмаларни пайвандлаш учун уларнинг пайвандлаш юзалари оралиғига кимёвий боғланадиган бошқа металл киритиб пайвандланмоғи лозим.

Бир-бирида чекланган миқдорда эрувчи компонентли қотишмаларни пайвандлашда сифатли чоклар олиш қийин, чунки бундай чок метали кристалланганда ажралаётган энтектика доналар чегарасида

жойланиб, пухталигига путур етказади. Баъзан чок металлининг чини-киши (ўта тўйинган қаттиқ эритмадан ортиқча компонентларнинг аж-ралиши) да пластиклик пасая боради.

Шуни қайд этиш жоизки, пўлатларда углерод миқдори 0,25% дан ортса, шунингдек, Mn, Si, Cr, W, V, S, P ва бошқаларнинг миқдори мөъердан ортса, пайвандланувчанлиги ёмонлашади.

Одатда углеродли ва легирланган пўлатларнинг пайвандланувчанлиги таркибидаги углерод эквивалентига қараб аниқланади:

$$C_{\text{экв.}} = C + \frac{\text{Mn}}{6} + \frac{\text{Si}}{24} + \frac{\text{Cr}}{5} + \frac{\text{Ni}}{40} + \frac{\text{Cu}}{13} + \frac{\text{V}}{14} + \frac{\text{P}}{2}.$$

Агар  $C_{\text{экв.}} = 0,40 - 0,45\%$  дан ортиқ бўлса, пайвандланувчанлигини яхшилаш учун пайвандлашдан аввал улар маълум температурагача қиздирилади ва қиздириш температурасини қуйидаги эмпирик формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$T_K = 350\sqrt{C_{\text{экв.}} - 0,25} + 273^{\circ}.$$

56-жадвалда пўлатлар хили ва маркаларига кўра пайвандланувчанлигига мисоллар келтирилган.


56-жадвал

Гуруҳи	Пўлатнинг маркалари		Пайвандланувчанлиги
	Углеродли	Легирланган	
1	Ст1, Ст2, Ст3, Ст4 08, 10, 15, 20, 25, 12кп, 15кп, 16кп, 20кп	15Г, 20Г, 15Х, 15ХА, 20Х, 10ХГС, 10ХГСНД, 15ХСНД	Яхши
2	CTS, 30, 35	12УНФ, 14Х2МР, 20ХГСА, 30Х	Қоникарли
3	Ст6, 40, 45, 50	35Г, 40Г, 45Г, 40Х, 30ХГСА	Чекланган
4	65, 70, 75, 80, У7—У12	50Г, 50Х, 9ХС, 5ХНГ	Ёмон

#### 4-§. Металларни эритиб пайвандлашда чокда ва унга ёндош участкаларда структура ўзгаришлари

Маълумки, металларнинг пайвандлаш жойларини эритиб пайвандлашда кичик ҳажмдаги суюқ металл ва унга ёндошган жой ҳаво таъсирида совишида кристалланиб, структура ўзгаришлари боради (182-расм, а). Бу структура ўзгаришлари металларнинг пайвандланувчанлигига, пайвандлаш усулига, режимига, чок металлининг совиши тезлигига кўра турли участкаларда турлича боради.

Металларни пайвандлашда борувчи структура (хосса) ўзгаришларини яхши пайвандланадиган кам углеродли пўлатларда эриган чок металлдан то унинг бошқа участкаларигача кузатилади (182-расм, б).



182-расм. Пайвандлашда чок металлининг тузилиши ва кам углеродли пулатларнинг структура ўзгариши:

а — чок металлининг тузилиши. 1 — пайвандланувчи металл; 2 — чок металли; 3 — чок металли билан термик таъсир зонаси оралиги жойи; 4 — термик таъсир зонаси; б — кам углеродли пулатларни суюлтириб пайвандлашда структура ўзгариши схемаси

**1. Чок металл (0–1 участка).** Металларни пайвандлашда бу участка метали пайвандлаш жойи ва металл электроднинг бир қисмини суюлтириш натижасида кичик ҳажмли ванна ҳосил булади. Унинг ҳавода совиб кристалланишида чок ҳосил бўлади. Бу участка структураси қўйма металл структурасига жудаям яқин бўлиб, унда нометалл материаллар ва газ пуфакчалар ҳам мавжуд. Кимёвий таркиби эса пайвандланувчи металл ва электрод металларнинг ўртacha таркибига яқиндир. Лекин чок металли ва электрод ўта қизишида осон буғланувчи ва оксидланувчи элементлар (масалан: Mn, С ва Si) микдори кама-яди. Шу билан ҳаво кислород, азот билан ҳам қисман тўйинади.

**2. Чокка ёндошган жойи (1–2 участка).** Металларни пайвандлашда бу участканинг айrim жойлари эриб, қолган жойлари ўта қизиб бора-ди. Шу боисдан бу участканинг ҳавода совишида структураси қисман қўйма металл структурага ва йирик доналардан иборат бўлади.

**3. Ўта қизиган жойи (2–3 участка).** Металларни пайвандлашда бу участка ўта қизиб, ҳавода совиши натижасида йирик донали бўлади. Шу боисдан қовушоқлиги паст бўлади.

**4. Майдо структурали жойи (3–4 участка).** Металларни пайвандлашда бу участка нормаллаш температурасигача ( $900$ – $1000^{\circ}\text{C}$ ) қизиб, ҳавода совиши натижасида майдо донали структурали бўлади.

**5. Чала кристаллашган жойи (4–5 участка).** Металларни пайвандлашда бу участка  $727$ – $910^{\circ}\text{C}$  температурулар оралиғида қизиб, ҳавода совиши натижасида йирик ҳамда майдо донали структурали бўлади.

**6. Қайта кристалланмаган жойи (5–6 участка).** Металларни пайвандлашда бу участка 727°C температурадан пастроқ температурадагина қизиб, ҳавода совитиш натижасида структурасида ўзгариш бормайды.


**7. Асосий металл жойи (6–7 участка).** Металларни пайвандлашда бу участка структураси ўзгармайды. Шуни айтиш керакки, кам углеродли пүлаттарни эритиб пайвандлашда термик таъсир зонаси ва у билан боғлиқ бўлган кучланишлар кучлироқ бўлиши сабабли улардан буюмни холи этиб, структурасини яхшилаш учун кўпинча буюм термик ишловга берилади (юмшатилади ёки нормалланади).

### 5-§. Пайванд бирикмалар ва уларнинг фазодаги ҳолати

Металл конструкция элементларининг ўзаро пайвандлаб олинган ажралмайдиган бирикмасига *пайванд бирикма* дейилади. Амалда кўпроқ турли қалинликдаги металларни пайвандлашда учма-уч, устма-уст, бурчакли, бир-бирига тик ва бошқа хил бирикмалар олинади.


Чокларнинг фазодаги ҳолатига кўра: пастки, горизонтал, вертикал ва шип чокларга ажралади. 183-расмда пайванд бирикмаларининг асосий турлари, 184-расмда эса фазодаги ҳолати схематик келтирилган.

Пастки чокларини бостириш бошқа хил чокларга кўра анча қулай, чунки бунда эритилган металл пайвандлаш бўшлигини осон тўлдиради. Горизонтал ва вертикал чокларни бостириш эса пастки чокларни



*183-расм. Пайванд бирикмаларнинг асосий турлари:*

*a* – учма-уч бирикмалар; *b* – устма-уст бирикмалар; *c* – бурчак ҳосил қилган бирикмалар; *d* – таврсимон бирикмалар



*184-расм. Чокларнинг фазодаги ҳолати ва уларни ҳосил қилиш схемаси:*

*a* – пастки чок; *b* – горизонтал чок; *c* – вертикал чок; *d* – шип чок

бостиришга қараганда бирмунча қийинрок, шип чокларни бостириш эса янада қийин, чунки эриётган металл пастга оқиши мүмкін. Зарур чора құлланмаса ишчига хавф туғдирағы.

Пайвандланувчи металлар хилиға, қалинлигига, шакли ва ўлчамлағы, чокдан күтилған пухталикка ва бошқаларга күра, пайвандлаш усули, режими, пайвандлаш жойларини пайвандлашга қай тарзда тай-ерлаш ва чокни қандай бостириш белгиланади.


Пайвандлашни бошлашгача пайвандлаш жойлариде занг, бүек, мой, кир бўлса уларни тозалаб, сўнг буюмни пайвандлаш столига бирини иккинчисига текис қўйиб (зарур бўлса мосламаларга маҳкамлаб) пай-вандлашга тахт қилинади.

## 42-боб

### МЕТАЛЛ БУЮМЛАРНИ ТЕРМИК СИНФГА КИРУВЧИ УСУЛЛАРДА ПАЙВАНДЛАШ

Металларни пайвандлаш усуллари ичида термик синфга киравчи усуллар оддийлиги, турли қалинликдаги хилма-хил металларни сифатли қилиб пайвандлаши, айниқса, юқори иш унумдорлиги ва бошқа қатор афзалигига кўра саноатда кенг құлланылади. Айниқса ҳозир металларни металл электродлар билан электр ёй ёрдамида пайвандлаш биринчи ўринда туради.

#### 1-§. Электр ёй, уни ҳосил қилиш ва унинг таснифи




185-расм. Пайвандлаш ёйининг схемаси:  
1 — электрод; 2 — пайвандлашынан металлар;  
3 — металл ванна;  
4 — газ тожиси (ареоли)

Маълумки, электрод билан пайвандланадиган металл буюмлар оралиғидаги ионлашган газ ва буғ муҳитидан ўтиб турувчи кучли электр разряд электр ёй дейилади (185-расм).

186-расм, а дан кўринадики, электр ёй бевосита электрод билан пайвандланувчи металл буюмлараро, 186-расм, б да электр ёй электродлараро ва 186-расм, в да электр ёй электродлараро ва электродлар билан пайвандланувчи металл буюмлараро олдирилади.

Масалан, металларни электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашда электр ёй ҳосил қилиш учун электрод учини пайвандланувчи металл буюмни пайвандлаш жойига қисқа туташтириб, 3—4 мм га ажратилади.




**186-расм.** Пайвандлаш электродларни ток манбаига улаш схемаси:  
а — электрод ила пайвандланув металл аро; б — электродлар аро;  
в — электродлар аро ва пайвандланувчи металл аро

Қисқа туташтирилганида кичик юзадан катта ток ўтишида юзалар ўта қизиб, бир зумда суюқланади. Бунда суюқланыётган электрод учи электромагнит, сирт тортиш күчлари ва газлар босими таъсирида сиқилиб, ингичка тортилиб узилади.

Бу шароитда ўта қизиган электрод (катод) юзидан термоэлектрон ва автоэлектрон эмиссиялар таъсирида ажралаётган электронлар жуда катта тезликда пайвандланувчи металл (анод) томон ҳаракатланиб, оралиқ муҳитидаги газ ва буғ, атом ва молекулаларни бомбардимон қилиб, манфий ҳамда мусбат ионларга парчалайди. Манфий зарядли ионлар пайвандланувчи металл буюм юзига, мусбат зарядли ионлар эса электрод юзига келиб урилиб, кинетик энергиялари иссиқлик ва ёруғлик энергияларига айланади. Бунда ҳосил бўлган ёй барқарор ёнади (187-расм). Кузатишлар кўрсатадики, ажралаётган иссиқликнинг 43% и катодга, 36% и анодга ва қолгани ёй устунида тақсимланади.

Шуни қайд этиш жоизки, ажралаётган иссиқлик пайвандланувчи металл буюмларни қиздириб, эритиш учун фақат 60–70% сарфланади, қолган 40–30% эса ташқи муҳитга тарқалади. Пайвандлашда ток



**187-расм.** Металл электрод билан пайвандланувчи металл орасида  
электр ёйни олдириш схемаси:

а — электроднинг қисқа туташуви; б — юпқа суюқ металл пардасининг ҳосил бўлиши; в — бўйин ҳосил бўлиши; г — электр ёйнинг ҳосил бўлиши


кучини 1–3000 А, кучланиши 10–50 В гача ўзгартирила олиниши ва пайвандлаш қувватини 0,01 дан 150 кВт гача ростланиши эса турли қалинликдаги хилма-хил металлар ва уларнинг қотишмаларини пайвандлаши имконини беради. 188-расм, а да ёй кучланишининг ток кучига ва ёй узунлигига нисбатан ўзгариши кўрсатилган.

Маълумки, электр ёй кучланиш қиймати асосан ёй муҳитига, ёй узунлигига боғлиқ. Ёйнинг барқарор ёниши учун ёй муҳити узлуксиз ионланиши зарур. Бу эса электродлар материалига, муҳитга, ташки муҳит босимига ва ток турига боғлиқ. Ёй кучланишининг ток кучига ва ёй узунлигига нисбатан ўзгаришига ёйнинг *статик тавсифи* (характеристикаси) дейилади. Тажрибалар асосида ток кучи 50 А дан орттанды ток кучланиши ток кучига у қадар боғлиқ бўлмай, асосан ёй узунлигига боғлиқ бўлиши аниқланган, бинобарин, уни қўйидагича ифодалаш мумкин:


$$U_{\bar{e}} = \alpha + b \cdot l_{\bar{e}},$$

бу ерда  $\alpha$  — катод ва анодларда кучланишнинг пасайиш коэффициентлари, металларни пўлат электрод билан пайвандлашда у 8–12 В оралиғида бўлади;  $b$  — ёйни 1 мм узунликдаги кучланиши пасайиши, у 2–3 В оралиғида бўлади;  $l_{\bar{e}}$  — ёй узунлиги, мм.

Металл буюмларни пайвандлаш жараёнида ёйни олдиришда кучланиш 55–60 В оралиғида, чокни бостиришда эса кучланиш 15–35 В гача пасаяди. Ёй узунлиги ( $l_{\bar{e}} = \text{const}$ ) ўзгармай, ток кучи 100 А гача



*a*



*б*

*188-расм.*

*а* — ёй кучланишининг ток кучига нисбатан ўзгариш графиги;

*б* — ёй кучланишининг ёй узунлигига нисбатан ўзгариши

күпайганда зарядланган заррачалар сони ортиб, ёй устуни қаршилиги камаяди. Натижада заррачалар сонининг ортиш тезлиги камаяди. Шу боисдан ёйнинг статик тавсифи пасаювчи бўлади (I участка). Агар ток кучи 100–350 А оралиғида бўлса, ёй устуни сиқилиб, газ ҳажми камаяди. Натижада заррачалар сонининг ортиш тезлиги камаяди. Шу боисдан ёйнинг статик тавсифи қатъий бўлади (II участка). Ток кучи 350 А дан ошганда ёй устуни янада кучлироқ сиқилиб, газ ҳажми янада камаяди ва қаршилиги ортади. Шу боисдан ёйнинг статик тавсифи ортувчи бўлади (III участка) (188-расм, а).

## **2-§. Пайвандлаш ёйини озиқлантирувчи ток манбалари ва уларни тацлаш**

Пайвандлаш ёйини ток билан узлуксиз таъминловчи агрегатларга ток манбалари дейилади. Пайвандлаш ток манбаларига қўйидаги асосий талаблар қўйилади:


1. Ёйнинг осон олдирилиши билан унинг барқарор ёниши.
2. Токнинг қисқа туаташувининг чекланиши.
3. Ишчининг хавфсиз ишлаши ва бошқалар.

Бу талабларни қондиришда ток манбайнинг ташқи характеристики-каси муҳим роль ўйнайди, чунки пайвандлашнинг нормал бориши учун юкланишнинг ортишидан қатъи назар, занжирдаги кучланиш ўзгармаслиги керак. Маълумки, пайвандлаш ёйининг ёнишида ток манбайнинг кучланиши ўзгармаганда ток кучи эҳтиёт қурилма ишламагунча ёки ток узатувчи сим узилмагунча узлуксиз орта боради. Шу боисдан ёйнинг барқарор ёниши учун ток манбайнинг характеристики-каси шундай бўлмоғи лозимки, юкланиш ортишида кучланиш пасайиши ва юкланиш камайишида ортмоғи керак. Ёй узунлиги ўзгаришида ток кучининг ўзгариши ток манбайнинг ташқи характеристикаси ёйсимон бўлса, шунча кичик бўлади. Шундай қилиб, пайвандлаш ёйини ток билан озиқлантируви пасаювчи ток манбайнинг ташқи характеристикаси қанча ёпиқ бўлса, шунча яхши бўлади (188-расм, б).

Металл буюмларни электр ёй ёрдамида пайвандлашда ўзгарувчи ва ўзгармас ток манбаларидан кенг фойдаланилади.

Маълумки, ўзгарувчи ток трансформаторларининг тузилиши оддий, бошқариш қулай, енгил бўлиб, ФИК юқори ва бошқа ток манбаларига нисбатан анча арzon. Ўзгармас ток ишлаб чиқарувчи пайвандлаш генераторларидан, ўзгарувчи токни ўзгармас токка айлантириб берувчи агрегатлардан ва ўзгарувчи токни ўзгармас токка тўғрилагичларидан ҳам фойдаланилади.

**Пайвандлаш трансформаторлари.** Маълумки, пайвандлаш трансформаторлари занжирдаги ток кучланишини пасайтириб, зарур ташқи статик тавсифига эришиш билан зарур пайвандлаш ток кучини рост-



189-расм. СТН типидаги пайвандлаш трансформаторининг схемаси:

I — бирламчи чулғам; II — иккиламчи чулғам; III — реактив чулғам; 1 — электрод; 2 — электрод тутқич; 3 — пайвандланувчи металл; 4 — ток күчини ростлагич; 5 — даста; 6 — ўзак


лайди. 189-расмда СТН типидаги пайвандлаш трансформатори тузилиши ва ишлаши кўрсатилган.

189-расмдан кўринадики, трансформаторнинг бирламчи ва иккиламчи чулғами ва индуктив қаршилиги темир рамага ўрнатилган. Трансформаторнинг бирламчи чулғами эса ўзгарувчан ток тармоғига уланган бўлиб, у орқали 200 ёки 300 В ли ток ўтишида унда ўзгарувчап магнит оқими ҳосил бўлиб, иккиламчи чулғам ўрамлари билан кесишганда, масалан, 50—60 В ли ўзгарувчан ток ҳосил бўлади. Иккиламчи чулғамдаги ток кучланиши унинг ўрамлар сонига боғлиқ. Агар ўрамлар сони кам бўлса, ток кучланиши кичик бўлади ва аксинча.

Трансформаторни кўзғалмас ва кўзғалувчи деталлар орасидаги зазор (*S*) ни ростлаш учун даста 5 ни ўнгга ёки чапга айлантирилади. Агар зазор катталашибирлса, индуктив қаршилик ортади, бинобарин, ток кучи камаяди ва аксинча, чунки индуктив қаршилик электр занжирига кетма-кет уланган. Лекин ток частотасини 50 Гц лиги ва бир сонияда ток йўналиши 100 марта ўзгариши сабабли газ мұхитининг ионланиш даражаси камаяди ва ёй беқарорроқ ёнади. Бу ҳолни олдини олишга электрод қопламаси таркибидағи газ мұхитининг ионланишини орттирувчи моддалар ( $K_2CO_3$ ,  $CaCO_3$  ва бошқалар) бўлиши кўмаклашади. Шунингдек, бу мақсадда юқори частотали ( $10^6$  гача) токдан ҳам фойдаланилади.

Шуни қайд этиш жоизки, бу тип трансформаторлар ўрнига кейинги йилларда дроссельсиз магнит майдони кучайтирилган типдаги трансформатор кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, металларни қопламали металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашда СТШ-500, ТД-300, ТД-500 ва бошқалардан, ҳимоя газлар мұхитида металл электродлар билан электр ёй ёрдамида пайвандлашда, металл электродлар билан электрошлак ёрдамида пайвандлашда ва бошқа усулларда пайвандлашда ТСД-500, ТСД-2000 ва СТ-1000, СТ-2000 ва бошқа трансформаторлардан фойдаланилади.

190-расмда ТСК-500 маркали трансформатор ва унинг тузилиши келтирилган.



**190-расм. ТСК-500 маркали трансформатор:**

*a* — умумий күриниши; *b* — пайвандлаш токки ростлаш схемаси;  
*c* — электр схемаси; 1 — сердечник; 2 — құзғалувчи ва 3 — құзғалмас  
 ғалтак; 4 — конденсатор; 5 — винт; 6 — даста

Бу трансформаторда пайвандлаш режимига сим ўрамли ғалтак<sup>1</sup> ни  
 бир текисда юқори ёки пастига суриш ила эришилади.

Агар дастак *b* ни соат мили йұналишида айлантирасақ, ғалтаклар *2*  
 ғалтак *3* томон қынлашади. Бунда индуктив қаршилик камайиши  
 сабабли пайвандлаш токи ортади ва аксинча. Бу трансформаторларда  
 ток кучи 165—650 А оралығыда ростланиши мүмкін.


**Үзгармас ток генераторлари.** Металларни үзгармас токда пайванд-  
 лашда электр ёй барқарор ёниб, чок сифати үзгарувчан токда пайванд-  
 лашдагига қараганда яхшироқ бўлсада, ускуналар нари трансформа-  
 торларга нисбатан 3—5 марта қиммат, электр энергия сарфи 40—50%  
 кўп бўлади. Генератор бир жойдан бошқа жойга кўчириладиган бўлиб,  
 электродвигатель ёки ички ёнишдвигателларida ҳам ишлайди.

Одатда үзгарувчан ток манбалари йўқ жойларда үзгармас ток ман-  
 баларидан фойдаланилади. Шуни қайд этиш жоизки, пайвандлашда  
 металл электрод ток манбайнинг манфий қутбига уланса *тўғри улаш*,  
 аксинча мусбат қутбига уланса, *тескари улаш* денилади. Тўғри улашда  
 пайвандланувчи металларни пайвандлаш жойида электрод учига нис-  
 батан иссиқлик кўпроқ ажралади ва аксинча.

**Үзгарувчан токни узгармас токка айлантириб берадиган ток үзгартырғичлар.** 191-расмда ПСО-500 маркалы ток үзгартырғич агрегатининг умумий күриниши көлтирилган.


Расмдаги схемадан күринадики, электродвигатель 3 муфта орқали генераторга уланган. Генератор якори 5 айланганда статор қутбларининг магнит оқимини кесиб, ғалтак үрамида үзгармас ток ҳосил бўлади ва у коллектор 6 пластинкаларидан графит чўткалар 7 орқали пайвандлаш занжирига узатилади. Пайвандлашда ток кучини ёрттириш ёки камайтириш зарур бўлса, корпусдаги вентил 8 зарур томонга бурилади. Бу агрегат аравачага ўрнатилган бўлиб, зарур жойларга олиб борилиши мумкин. Үзгарувчан ток тармоғи йўқ жойларда металларни пайвандлаш зарур бўлса, агрегатта электр двигатель ўрнига ички ёниш двигатели ўрнатса ҳам бўлади. Саноатда ПСО-500, ПСО-300, ПСТ-500, ПСТИ-300 ва бошқа маркали үзгартырғичлар ишлаб чиқарилади.

**Үзгарувчан токни узгармас токка ўтказувчи тўғрилагичлар.** Үзгарувчан токни узгармас токка ўтказувчи тўғрилагичлар учун ярим ўтказгич материаллардан фойдаланилади ва улар металлар билан контактланганда электрик вентил (прибор)лар ҳосил этади. Электрик вентиллар электр токни бир йўналиш бўйлаб яхши ўтказса, тескари йўналишда ёмон ўтказади. Вентиллар селен, германий ва жуда тоза кремнийдан тайёрланади. Жуда бақувват (юз ва минг ампер) ток тўғрилагичлар учун кремний истиқболли материалdir. Ток тўғрилагичларнинг кув-



**191-расм. ПСО-500 маркали ток үзгарткич:**

- 1 — корпус;
- 2 — вентилятор;
- 3 — двигатель;
- 4 — ғалтаклар;
- 5 — якорь;
- 6 — коллектор;
- 7 — чўткалар;
- 8 — вентиль;
- 9 — даста;
- 10 — амперметр



192-расм. Ток түғрилагичнинг типик схемаси

ватини асосан қизиш чеклайди. Шу боисдан уларни меъёрда ишлаши ни таъминлаш учун вентиляторлар ўрнатилади, ток түғрилагичларда вентиллар сони ток түғрилагичи схемасига, түғриланган ток ва кучланиш қийматига кўра белгиланади. Замонавий ток түғрилагичларда бир ёки уч фазали кўприк схема қўлланилади (192-расм). Бир фазали кўприк схемада вентиллар кўприкнинг тўртта елкасига уланади (192-расм, а). Нагрузка ( $H$ ) кўприкнинг бир диагоналига уланиб, түғриланган ток ( $I$ ) дан озиқланади. Бунда түғриланган кучланиш ( $U$ ) қийматига тенг бўлади. Кўприкнинг бошқа диагоналига эса бир фазали кучланиши ( $U_{\sim}$ ) қийматли ўзгарувчан ток уланади. Бунда түғриланган ток частотаси 100 Гц бўлади. Уч фазали кўприк схемада вентиллар уч фазали кўприкнинг олти елкасига уланади. Бунда түғриланган кучланиш пульсацияси камаяди ва частотаси 300 Гц бўлади (192-расм, б), уч фазали схемали токни түғрилаш бир фазали системага нисбатан ёй барқарорлиги юқори, ўзгарувчан ток тармоқларининг ҳар уч фазасида нагрузка бир текисда бўлиб, түғрилагични озиқлантирувчи трансформаторлардан яхши фойдаланилади. Шу боисдан пайвандлашда ток түғрилагичлар уч фазали схемада ишлайди.

### 3-§. Электрод, қоплама ва флюслар

Маълумки, металларни пайвандлашда графит (кўмир) ва металл электродлардан фойдаланилади.

Одатда графит электродлардан чўян ва юпқа пўлатни, рангли металл ва уларнинг қотишмаларидан тайёrlанган буюмларни, шунингдек, ишдан чиққан деталларни қаттиқ қотишмалар билан пайвандлаб қоплашда фойдаланилса, металл электродлардан турли қалинликдаги пўлатларни пайвандлашда кенг фойдаланилади.

Электродлар диаметри 0,3—12 мм оралиғида бўлади.

Металларни қопламали металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашда кўпроқ уларнинг диаметри 2—6 мм ли бўлиб, узунлиги 225—450 мм оралиғида бўлади. Бу электродларнинг электрод тутқичда кесиладиган жойи узунлиги 30—40 мм қопламасиз бўлади. (Металларнинг ярим автоматик ва автоматик пайвандлаш агрегатларида фойдаланиладиган чокбоб симлар диаметри 1—6 мм оралиғида бўлиб, улар ўрам ҳолда бўлади.)

Шуни қайд этиш лозимки, металларни пайвандлашда қўлланиладиган электродлар турлари ва маркаларини танлаш асосан чокдан кутилган механик хоссаларга боғлиқ. Металл электродлар кимёвий таркибига кўра углеродли, легирланган хилларга ажратилади.

ГОСТ 2246-60 га кўра 77 та маркалари бўлиб, буларнинг 6 таси (Св-08, Св-08А, Св-08АА, Св-08ГА, Св-10ГД, Св-10Г2) дан углеродли, 30 таси (Св-10ГС, Св-12ГС, Св-18ХГС ва бошқалар) дан ўртача легирланган ва 41 таси (Св-12ХНМФ, Св-10Х17Г, Св-30Х25Н6Т7 ва бошқалар) дан кўп легирланган пўлатларни пайвандлашда фойдаланилади.

Электрод маркалардаги шартли белгиларни куйидагича англамоқ лозим: Св — пайвандлаш симни, рақамлар ундаги углероднинг юздан бир улушкини, F — марганецнинг, С — кремнийнинг, X — хромнинг, М — молибденнинг, Ф — ванадийнинг, Н — никелнинг, Т — титанинг ва бу ҳарфлардан кейинги рақамлар эса айни элементларнинг ўртача фоизини, А — олтингугурт ва фосфорнинг камлигини, АА эса олтингугурт ва фосфорнинг мидори ниҳоятда камлигини билдиради.

Шунингдек, ГОСТ 9467-60 га кўра металл электродларнинг Э34-Э145 типлари бўлади. Масалан, булардаги Э ҳарфи электродлигини, рақамлар эса чок металлнинг чўзилишга бўлган кичик вақтли қаршилигини МПа да кўрсатади. Бир тип электродда бир неча маркали электродлар бўлади. Масалан, Э42 ва Э55 тип электродларга ОММ-5, УОНИ-13/55 электрод маркалар киради.

Масалан, Э34 тип электроддан масъулияти камроқ бўлган кам углеродли пўлатларни, Э42 ва Э46 типидан масъулияти углеродли пўлатларни, Э50 ва Э55 типидан ўртача углеродли ва кам легирланган пўлатларни ва Э60, Э70, Э85, Э100, Э125, Э145 типлардан юқори пухталикка эга легирланган пўлатларни пайвандлашда фойдаланилади. Э85-Э145 типларда пайвандланган буюмлар термик ишловларга берилади.

Металларни дастаки пайвандлашда қопламали электроддан, ярим автоматик ва автоматик пайвандлашда фойдаланилган флюслар эриб, ёй атрофидаги газ муҳитининг ионланишини тезлатиб, ўйнинг барқарор ёнишига кўмаклашиб, металл ваннага ҳаводаги кислород, азот ва бошқа молекуляр газларнинг ўтиб оксидлар, нитридлар ҳосил этиб чок пухталигига путур етказишидан ҳимоялайди. Шунингдек, ваннадаги металл оксидлардан металларни қайтаради. Ваннада эриган газ-

ларнинг ташқарига тўлароқ ўтиши ва оксидлар эса ўзаро бирикиб шлакка ўтиб, ванна сиртига кўтарилиши ваннанинг секин совишини таъминлаши оқибатида чок сифатини яхшилайди. Электродлар қопламаларига кўра юпқа ( $0,1\text{--}0,25$  мм) ва қалин ( $0,6$  мм дан ортиқ) қоплами мали электродларга ажратилади.

Юпқа қопламали электродлардан ёйни осон олдириш билан барқарор ёнишини таъминлашда фойдаланилади. Бу қоплама таркибида  $70\text{--}75\%$  бўр ва қолгани суюқ шиша  $[\text{Na}_2\text{O}(\text{SiO}_2)_m]$  бўлади.

Қалин қопламалар таркибида маълум миқдорда ёйни осон олдириб, барқарор ёнишини таъминлаш учун калий карбонат ( $\text{K}_2\text{CO}_3$ ) ва кальций карбонат ( $\text{CaCO}_3$ ) ва бошқалар киритилади. Металл ваннани ҳаво таркибидаги молекуляр кислород, азот ва бошқа газлардан муҳофаза қилиш учун крахмал, целлюлоза, дараҳт уни, шлак ажратувчилар сифатида дала шпати, титан ва темир рудалар, кварц қуми, оксидлардан металларни қайтарувчилар сифатида ферромарганец, ферросилиций кукунлари ва уларни ўзаро боғлаш учун суюқ шиша киритилади.

Юпқа қопламали электродларни тайёрлаш учун қуйидаги ишлар бажарилади:

1. Тегишли ўлчамли сим тегишли маркали пўлатдан кесиб олинниб, сирт юзи оксид парда, мой ва кирлардан яхшилаб тозаланиб, зарур бўлса текисланади.

2. Қоплама таркибига киритиладиган материаллар қуритилиб майданлангач, тегишли кўзли элакда эланади.

3. Қоплама таркибига киритиладиган материаллар маълум миқдорда олинниб, уларни синчиклаб аралаштирилади.

4. Электрод сим тайёрланган қоплама массаси билан қопланади.

5. Қопламали электрод қуритилиб, сифати кузатилади.

Шуни қайд этмоқ керакки, электрод симларни қоплама билан қоплаш учун уларнинг бир нечасини металл рамага ўрнатиб, бакдаги тайёрланган қоплама массага туширилиб, маълум вақтдан сўнг олинади. Бунда электрод симларни эритмада тутиш вақти қоплама қалинлигига боғлиқ.

Қалин қопламали электродларни тайёрлаш учун пресс цилинтрига маълум миқдорда қоплама пастаси киритилиб, симлар цилиндрнинг мундштуки орқали  $400\text{--}800$  атмосфера босимда сиқиб ўтказилади. Бунда мундштукдан чиқаётган қопламали электродни электрод тутқичга сиқиш жойи тозалаб турилади. Бундай машиналарда соатига  $100\text{--}140$  тагача қопламали электрод олинади. Электрод қопламаси ёрилмаслиги учун аввалига  $40\text{--}50^\circ\text{C}$  температурада, кейин  $150\text{--}400^\circ\text{C}$  температурада маълум вақт қиздирилади. Бунда суюқ шиша қоплама таркибидаги моддалар орасидан ўтиб содир бўладиган кимёвий реакция натижасида қопламанинг хоссалари ортади.

#### **4-§. Электрод қопламалари ва уларнинг таркиби**

**1. Кислота характерли қоплама (шартли белгиси А).** Бу қоплама асоси Fe ва Mn оксидлари (одатда рудалар тарзида),  $\text{SiO}_2$ , ферромарганец ва маълум миқдорда органик моддалар (крахмал, целялюз, дараҳт уни ва бошқалар)нинг суюқ шишали қоришмасидан иборат бўлади. Бу қопламали электродларни ОММ-5, ЦМ-7 ва бошқа маркаларидан кам углеродли ва кам легирланган пўлатларни тегишили тип электродларда турли фазадаги ҳолатда ўзгарувчи ва ўзгармас токларда пайвандлашда фойдаланилади. Лекин марганец руда кўплигига ажralувчи тутун ва вентиляция яхши бўлмаса, ишчига бир оз зарарли бўлгани учун бир мунча чекланган.

**2. Асос характерли қоплама (шартли белгиси Б).** Бу қоплама материал таркибида кальций ва магний карбонатлар, кальций фторид, ферроқотишмалар ва бошқа материалларнинг суюқ шишали қотишмасидан иборат бўлади. Металларни пайвандлашида юқори температура таъсирида карбонатларнинг парчаланишида ҳосил бўлувчи газлар ( $\text{CO}_2$  ва  $\text{CO}$ ) металл ванинани ҳавонинг таркибидаги молекуляр  $\text{O}_2$ ,  $\text{N}_2$  ва бошқа газлардан муҳофаза этиб, сифатли чоклар олишни таъминлайди. Бу қопламали электродларни УОНИ 13/45, ОЗС-2 ва бошқаларидан углеродли ва легирланган пўлатларни тегишили тип электродлар билан пайвандлашда кенг фойдаланилади.

**3. Рутил қоплама (шартли белгиси Р).** Бу қоплама асоси рутил ( $\text{TiO}_2$ ) бўлиб, қолгани  $\text{SiO}_2$ , ферромарганец, кальций ва магний карбонатлар суюқ шишали қоришмасидан иборат бўлади. Бу қопламали электродларнинг АМО-3, ОЗС-3 ва бошқа маркалари бўлади. Бу қоплама технологик сифати жиҳатидан кислота характерли қопламага яқин, чокнинг ташкил толилишида металл кам сачраб, газлар кам ажралади, ишчига зарари камроқ бўлади. Бу қопламали электродлардан масъулиятли, кам углеродли ва кам легирланган пўлатларни тегишили тип электродларда пайвандлашда қўлланилади.

**4. Целлюлозали қоплама (шартли белгиси Ц).** Бу қоплама асоси целлюлоза, органик смолалар, ферроқотишмалар, тальк, дараҳт уни ва бошқа моддаларнинг суюқ шишали қоришмасидан иборат бўлади. Бу қопламали электродларнинг ВСЦ-1, ОЗЦ-1 ва бошқа маркалари бор бўлиб, улар углеродли ва легирланган пўлатларни тегишили тип электродлар билан пайвандлашда фойдаланилади.

Куйида мисол сифатида ОММ-5, ЦМ-7 ва УОНИ 13/45 маркали қопламалар таркиби келтирилган.

ОММ-5 таркибida 37% титан концентрати, 21% марганец руда, 13% дала шпати, 20% ферромарганец. 9% крахмал ва 30% суюқ шиша бўлса, ЦМ-7 да 33% гемотит руда, 32% гранит, 30% ферромарганец, 5% крахмал ва 30% суюқ шиша бўлади.

УОНИ 13/45 да 53% мармар, 13% кальций фторит, 9% кварц қуми, 3% ферромагнит ва ферросилиций, 15% ферротитан ва 30% суюқ шиша бўлади.

ГОСТ 9466-75 бўйича қопламали электрод диаметри  $D$ , сим диаметри  $d$  ҳарфлари билан белгиланади. Уларнинг нисбат кўрсаткичларига кўра қопламалар қалинликлари қўйидагича аниқланади:

$D : d \leq 1,20$  мм бўлса, юпқа қоплама (шартли белгиси М).

$1,20 < D : d < 1,45$  — ўртача қалинликдаги қоплама (шартли белгиси С).

$1,42 < D : d \leq 180$  — қалин қоплама (шартли белгиси Д).

$D : d > 1,80$  — маҳсус қоплама (шартли белгиси Г).

Қопламали электродлар сифатига кўра 3 гуруҳга (1, 2, 3) ажратилади ва гуруҳ рақами ортиб борган сари чок сифати ҳам ортади.

Чокни фазода ҳосил қилишга рухсат этилган ҳолатга кўра электродлар 4 гуруҳга (1, 2, 3, 4) ажратилади. Биринчи гуруҳ электродларига барча фазовий ҳолатдаги, иккинчи гуруҳ электродларда вертикал чокларни юқоридан пастга қараб ҳосил қилишдан бошқа ҳамма фазовий ҳолатда, учинчи гуруҳ электродларига пастки ҳамда вертикал текисликдаги горизонтал ва пастдан юқорига қараб вертикал чоклар ҳосил қилишда, тўртинчи гуруҳ электродларда пастки ва «қайик» ҳолидаги пастки чоклар ҳосил қилиш учун фойдаланилади.

Шу ГОСТ га кўра қопламали электродлар шартли равишда қўйидагича белгиланади:

Масалан, Э42А-УОНИ-13/45-5.0-УДЗ  
Е 41 2(5)-Б20 .

Бу ерда каср суратидаги Э42А — электрод типини; УОНИ-13/45 — электрод маркасини; 5,0 — электрод диаметрини (мм. да); У — углеродли пўлатларнинг пайвандланишини; А — электрод қалин қопламали эквалигини; 3 — юқори сифатли чокнинг бостирилишини; Е — электродни; 41 — чокнинг чўзилишга вақтли қаршилигини, МПа (кг. к/мм<sup>2</sup>); 2 — чокнинг нисбий узайишини; 5 — чокнинг температурага чидамлилигини; Б — асосий қопламалигини; 2 — вертикал чокларни юқоридан пастга қараб ҳосил қилишдан бошқа ҳолатдагиларни; О — ток манбаси ўзгармас токлигида тескари қутбли уланганилигини билдиради.

Эслатма: Чокнинг нисбий узайиши ва температура чидамлилик қийматлари маълумотномалардан аниқланади. Масалан, нисбий узайиши 2 бўлганда унинг қиймати  $\delta \geq 22\%$  бўлади. Температурага чидамлилиги ( $t_c$ ) 5 бўлганда  $t_c = -40$  бўлади. (А.М. Китаев. Справочная книга сварщика, 59-бст, Москва, Машиностроение, 1985.)

Шуни қайд этиш ҳам лозимки, углеродли конструкцион пўлатларни пайвандлашга мўлжалланган бу гуруҳга киравчи тегишли тип электродлар билан металларни пайвандлашда чокнинг чўзилишига кўрсатган вақтли қаршилиги ( $\sigma_a$ ) 600 МПа гача бўлади.

Легирланган конструкцион пўлатларни пайвандлашга мўлжалланган гуруҳга киравчи тегишли тип электродлар билан пайвандлашда

чокнинг чўзилишга кўрсатган вақти қаршилиги ( $\sigma_u$ ) 600 МПа дан ортиқ бўлади.

57-жадвалда ГОСТ 9466-75, ГОСТ 9467-75 бўйича ишлаб чиқарилган қопламали электродларга мисоллар келтирилган.

57-жадвал

Маркаси	Шартли белтиланиши	Эриш коэффициенти—К, г/А.соат
АНО-У	Э46-АНО-УД2 Е432/3/РЗ1	8-8,5
АНО-4	Э42-АНО-6-УД2 Е412/3/РЗ1	
АНО-18	Э42-АНО-18-УД2 Е432/3/РЖЗ1	8,5-9,5

Бу электродлар ҳар пачкасида 5 кг, қутида 20 кг бўлади.

### 5-§. Металл буюмларни қопламали металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлаш

Бу усулда пайвандлаш оддийлиги ва турли металларни ҳар хил ҳолатда пухта пайвандлаши сабабли кенг фойдаланилади. Бунда чок сифати, иш унумдорлиги пайвандланувчи металлар хилига, маркасига, типига, қалинлигига, пайвандлашга тайёрланганлигига, фазодаги ҳолатига, ток хилига, пайвандлаш режимига, ишчи малакасига ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ.

Металларни учма-уч қилиб металл электрод билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашда уларнинг қалинлигига кўра пайвандлаш жойларини қандай тайёрламоқ лозимлиги 193-расмда кўрсатилган.

Шуни қайд этиш жоизки, барча пайвандлаш ишлари маҳсус хонада бажарилади. Одатда, кичик ва ўртача ўлчамли буюмларни пайвандлаш у қадар катта бўлмаган хонада ( $2500 \times 2000 \times 2100$  мм ли), тегишли мосламалар билан жиҳозланган, зарур ток келтирилган, барча хавфсизлик техникаси талаблари кўрилган куруқ ва ёруғ хонада олиб борилмоғи керак. Бу хонада портловчи моддалар, бензин, мойли идишлар ва ишга халақит берадиган буюмлар бўлмаслиги керак. Иш жараёнида хона вақтида шамоллатиб турилмоғи лозим (194-расм).

Пайвандчининг асосий иш асбоби электрод тутқич, тўсқич ва бошқалар бўлади. Электрод тутқичлар (пружинали, пластинкали, винтли) электродни яхши тутиб, контакт берувчи бўлиши билан заруриятда электродни тез алмаштирадиган, енгил ва ишга қулай бўлиши керак. Пайвандлашда ишчи металл учқунларидан, ёй ажратётган инфра- ва ультрабинафша нурлардан сақланиш, бостирилаётган чокни кузатиш

**193-расм.** Металларни электр ёй ёрдамида учма-уч дастаки пайвандлаша қалинлигига ( $S$ , мм) кўра четларини тайёрлаш:

- a* — четлари қайрилган; *b* — четлари кертилмаган; *c* — четлари V симон кертилган; *d* — четлари X симон кертилган

учун маҳсус ойнали тўсқич ёки шлем маскада, брезент коржома ва қўлқопда ишлаши шарт. Чок сиртида ёпишган шлакни тозалаб туриш учун пўлат симли чўтка, зубило болғача, чок ўлчамини кузатиб туришда андаза ва ўлчов асбоблари бўлмоғи лозим.

Металларни пайвандлашгача унинг хилига, қалинлигига кўра тегишли тип ва диаметри зарур қопламали, электрод пайвандлаш токи ва кучланиши белгиланиб, ток манбаи ростланади.

Одатда, углеродли пўлатларни қопламали металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашда пайвандланувчи металл қалинлиги ( $S$ ) га кўра электрод диаметри ( $d$ ) қуидаги нисбатда танланади:



$$S, \text{мм} - 1-2; 3-5; 4-10; 12-24; 30-60; \\ d, \text{мм} - 2-3; 3-4; 4-5; 5-6; 6-8.$$

Ток кучини эса электрод диаметрига, ишчи қисм узунлигига, пайвандланувчи металл хилига, электрод типи, маркасига, чокнинг фазодаги ҳолатига ва бош қа кўрсаткичларига кўра белгиланади. Умумий ҳолда ток кучини қуидагича аниқласа бўлади:

$$I = K \cdot d, \text{А}$$

**194-расм.** Ўзгармас ток ёрдамида металларни дастаки пайвандлаш пости:

- 1* — ток тармоғи; *2* — рубильник;  
*3* — ток ўзгарткичи; *4*, *5* — электр сими;  
*6* — заготовка; *7* — электрод тутқичи;  
*8* — тўсиқ; *9* — стол; *10* — ростлагич



Бу ерда  $K$  — ўзгармас коэффициент бўлиб, кам углеродли пўлатларни қопламали металл электродлар билан электр ёй ёрдамида пайвандлашда 40–50 А/мм, кўп легирланган пўлатларни пайвандлашда 25–40 А/мм олинади.

Шуни қайд этиш жоизки, пайвандлашда ток кучи маълум қийматдан ортса, электрод ўта қизиб, қопламаси куяди, металл сачрайди. Ток кучи меъердан камайса, ёй барқарорлиги йўқолади. Шу боисдан углеродли пўлатларни пайвандлашда ток кучи қуйидагича белгиланганлиги маъқул:

$$I = (40-50) \cdot d, \text{ А.}$$

**Ёй қуввати.** Металларни металл электродлар билан электр ёй ёрдамида пайвандлашда чок металини зарурий температурагача қиздириш тезлиги ёй қувватига боғлиқ. Ёй қуввати эса ток кучига, кучланишига, электродлар материалига ва ўлчамларига, электродларро мұхитга ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқдир. Агар электродлар материалы, уларнинг оралиқ мұхити бир деб олсак, ёй ёнишида ажралаётган иссиқликни қуйидаги формула бўйича ифодалаш мумкин:

$$Q = K \cdot I \cdot U, \text{ Ж/с (ккал/с).}$$

Бу ерда  $K$  — ток кучланишининг носинусоидал коэффициенти (ўзгармас токда  $K = 1$ , ўзгарувчан токда  $K = 0,7-0,8$  олинади),  $I$  — ток кучи, А ва  $U$  — ток кучланиши, В.

Пайвандлашда сарфланадиган фойдали иссиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Q = Q_e \cdot \eta, \text{ Ж/с.}$$


Бу ерда  $\eta$  — ёй иссиқлигидан фойдаланиш коэффициенти (масалан, металларни қалин қопламали металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашда бу коэффициент 0,7–0,85).

## 6-§. Металл буюмларни қопламали металл электрод билан дастаки пайвандлаш техникаси


Юқорида қайд этилганидек, пайвандланувчи металларни пайвандлаш жойлари қалинлигига кўра маълум тарзда кертиб тайёрлаб, уларнинг характеристикини ҳисобга олган ҳолда пайвандлаш столига ўрнатилиди. Кейин тегишли тип ва қопламали металл электрод олиб, уни электрод тутқичга ўрнатилади-да, вертикал текисликка нисбатан 15–20° қия туттган ҳолда белгиланган ток ва кучланишида ёй олдириб, чок бостирила бошланади. Бунда ёй узунлигини  $l_e = (0,5-1,1)d$  оралиғида сақлашга ҳаракат қилмоқ керак.

Агар ёй узунлиги бу қийматдан ортса, ёй ўчиши мумкин. Бу ҳолда чок сифатига путур етказувчи ҳаводаги молекуляр газлар ( $O_2$ ,  $N_2$ ) ван-

нага ўтади. Агар ёй узунлиги меъёрдаги қийматдан кичик бўлса, электрод ванна метали билан қисқа туташув юз бериши мумкин. Чок бостиришда электрод эриган сари ўқи бўйича ёй узунлигининг меъёрда сақланган ҳолда ванна томон, чок энини қамраш учун кўндалангига ва бостирилган чок бўйича маълум траектория бўйлаб юргизила борилади (195-расм).




*a*



*195-расм.*

*a* — металл буюмларни суюқланувчи қопламали металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлаш схемаси; *б* — пайвандлашда электронинг ҳаракат йўналиш схемаси; 1 — пайвандланувчи металл буюм; 2 — бостирилган чок; 3 — шлак қатлами; 4 — қопламали металл электрод; 5 — элекстр тутқич; 6 — ток манбаси; 7 — кабеллар; 8 — электр сий



**196-расм.** Ток манбаи ва пайвандлаш



ёйнинг ташқи тавсифи:

- a* — одатдаги ток манбанинг тавсифи;
- b* — пайвандлаш ток манбанинг тавсифи;
- c* — ёйнинг тавсифи;
- d* — ёйнинг барқарор ёниши

Маълумки, пайвандлашда ток манбаларининг ташқи характеристикаси ток кучи ортган сари кучланиши пасайди. Агар металл буюмларни пайвандлашда электрод Эриган сари ва қандайдир сабабларга кура ёй узунлиги ўзгарса, ёйнинг барқарор ёниш режими ҳам ўзгаради. Ёйнинг барқарор ёниш режими бу ҳолда 196-расмдаги *d* нуқтага тўғри келади.

Агар бунда чоклар узунлиги 300 мм гача бўлса — калта чок, 300 дан 1000 мм гача бўлса — ўртача чок дейилади. Бу чоклар ўртасидан четларига қараб бостирилиши лозим. Агар чоклар узунлиги 1000 мм дан узун бўлса — узун чок дейилиб, уларни 150—200 мм ли участкаларга ажратиб, ҳар бир участкани пайвандлашда бирини иккинчисига қарши томон бўйлаб чокни бостирмоқ лозим. Шунда буюмда ички зўриқиши кучланишлар деярли камайиб, чок сифати ортади. Агар кўп қатламли чоклар бостириладиган бўлса, аввалига чок илдизи пайвандланниб, кейин кертилган жойи пайвандланади. Бунда ҳар қатлам бостирилиб, сирти яхшилаб шлакдан тозалангач, кейинги қатлам бостирилади (197-расм).

Вертикал чокларни бостиришда калта ёйда пастдан юкорига қараб, шип чокларни бостиришда эса қалин



**197-расм.** Чокларни бостириш схемаси:

*a* — V симон кертилган металл буюмларни учма-уч пайвандлашда чокларнинг бостирилиш кетма-кетлиги;

*b* — X-симон кертилган металл буюмларни учма-уч пайвандлашда чокларнинг бостирилиш кетма-кетлиги

қопламали металл электрод билан калта ёйда чок бостирилмоғи керак. Бунда қоплама эришида электрод учида кичик косача ҳосил бўлиб, ўзида суюқ металлни қисман сақлаб, пастга оғишига йўл бермайди.

Маълумки, металларни учма-уч пайвандлашда ишчи чокнинг орқа томонини кўрмайди. Меъёрдагидан бир оз кичикроқ токда пайвандланса, етарли миқдорда иссиқлик ажralmasлиги сабабли буюм тўла кесими бўйича суюқланмаслиги оқибатида чала чок ҳосил бўлади. Аксинча, пайвандлаш меъёридан катта токда олиб борилса, буюм тўла кесими бўйича суюқланганилиги оқибатида тўла чок ҳосил бўлади, лекин бунда бир оз оқма бериши, куйиши мумкин. Шу боисдан яхшиси меъёридан кичикроқ токда пайвандланиб, орқа томонидаги чала жойини кейин пайвандламоқ маъқул. Металларни пайвандлашда иш унумдорлиги чок ҳосил қилишга сарфланган вақт билан аниқланади.

Агар умумий сарфланган вақтни —  $T_y$  десак,  $T_y = \frac{T_{\text{еий}}}{K}$  формула билан аниқланиши мумкин. Бу ерда  $T_{\text{еий}}$  — ёйнинг ётиш вақти, мин; унинг қиймати  $T_{\text{еий}} = \frac{G}{J \cdot K_A}$ , мин. формула бўйича аниқланади, бу ерда  $G$  — пайвандлашда электроддан ваннага ўтган суюқ металл миқдори, г;  $J$  — пайвандлаш токи, А;  $K_A$  — электроднинг суюқланиш коэффициенти (1 А токда бир соат ичida эриб ваннага ўтган электрод металл). Юпқа қопламали электродларда бу коэффициент 7–8 г/АС, қалин қопламали электродларда 10–12 г/АС бўлади.

$G$  эса  $G = K_A \cdot J \cdot T_{\text{еий}}$ , г формула бўйича аниқланади, бу ерда  $K_A$  — электроднинг суюқланиш коэффициенти (қопламали металл электродлар учун 8–14 г/А.С олинади).  $J$  — пайвандлаш токи, А;  $T_{\text{еий}}$  — ёйнинг ёниш вақти, соат.


Пайвандлаш тезлигини аниқлаш учун вақт бирлигига ҳосил қилинган чок узунлиги ёйнинг ёниш вақтига тақсимланади:

$$V = \frac{L}{T_{\text{еий}}}, \text{ м/с.}$$

Металларни суюқланувчи металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашда иш унумининг пастлиги (минутига 8–10 см), электрод металининг 20–25% куйиндига утиши ва сачраши, малакали ишчининг талаб этилиши каби камчиликлар юқори унумли усуллар устида изланишларга унгади.

## 7-§. Металл буюмларни қопламали металл электрод билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашнинг юқори унумли усуллари

**а) Металларни чукурроқ эритиб пайвандлаш.** Бу усулда металл юқори температурада суюқланадиган қалин қопламали металл электродлар билан меъёрдан каттароқ токда ( $J = (60–70) d$ ) пайвандланади. Бунда



**198-расм.** Дастаны пайвандланыда иш унумини оширувчи усуллар:  
а — металдан чуқурроқ суюқлантириб чок ҳосил қилиш; б — электродлар тутами билап пайвандлаш; в — уч фазали токда пайвандлаш

электрол учи эриганда қоплама ҳам эриб, конуссимон қалпоқна ҳосил бўлади ва у электродни пайвандланувчи металл билан қисқа туташувдан сақлаб, кичик участкада иссиқлик концентрацияси ошиб, металл тўлароқ ва чуқурроқ эриши натижасида одатдагидан 1,2–2 марта катта тезликда пайвандланади (198-расм, а).

**б)** Тутам электродлар билап пайвандлаш.

Бу усулда икки ёки уч ва ундан ҳам ортиқ қопламали электродларни электрол тутқичга бирини иккинчисидан 30–40 мм узунликда ўрнатиб, аввалига узун электрол билап пайвандланувчи металлараро ёй ҳосил қилиниб, пайвандлаш бошланади. Пайвандлаш вақтида биринчи электрол маълум миқдорда сарфлангач, иккинчиси, кейин учинчиси ишга туша боради. Шу тартибда цикл такрорланади (198-расм, б). Ёй иссиқлигидан тўлароқ фойдаланиш, уни қайта-қайта ёндириш ва электродларни алмаштиришга ҳожат қолмаслиги натижасида иш унуми оддий усулда пайвандлашга қараганда 1,5–2 марта юқори бўлади.

**в)** Уч фазали ёй билап пайвандлаш.

Бу усулда пайвандлашда ўзгарувчан ток манбанинг икки фазаси қопламали электродларга, учинчи фазаси эса пайвандланувчи металлга уланади. Пайвандлашда ҳар иккала электрол ва электродлар билап пайвандланувчи металлар орасида ёй ёнади (198-расм, в).

Пайвандлашда ажралаётган иссиқлик ортиши одатдаги пайвандлашга қараганда 2–3 марта тез пайвандлашга имкон беради ва электр энергияси 25% гача тежалади.

#### **8-§. Металл буюмларини сув остида маҳсус қопламали металл электрод билап электр ёй ёрдамида дастаны пайвандлаш**

Бу усулдан сув остидаги металл конструкцияларни таъмирлашда, кесиб ажратиб олишда фойдаланилади. Бу усул 1932 йилда К.К. Хренов томонидан яратилган бўлиб, ҳозирда ҳам кент фойдаланилади.

Одатда электродлар Св-08, Св-10Г ва бошқа маркали кам углеродли ва кам легирланган пўлат симлардан тайёрланиб, диаметри 4–5 мм бўлади. Электрод сирти эса сув ўтказмайдиган парафин, целялюзда


ёки бакелит билан қопланган бўлиб, узгармас токда (180–240 А, 30–35 В) тўғри қутбли уланган ҳолда пайвандланади (199-расм).

Металларни пайвандлашда, шунингдек кесишда ишчи маҳсус кийим (скафандр) да сув остида ишлашида ёй олдирилгач, унинг разрядларининг ажрататиган иссиқлиги таъсирида сув буғланади, парчалана-ди ҳамда металл ва қоплама қисман эрийди. Шуни қайд этиш жоизки, қоплама электрод симга нисбатан секин эриши сабабли электрод учидаги қалпоқча ҳосил бўлиб, газ пуфакчаларининг сақланишига, ёйнинг барқарор ёнишига кўмаклашади.

Шу жараёнда темир буғлари, углерод оксиди, азот ва бошқалар ажралади. Бу ҳолда эриган металлга ажралаётган водород ўтиб чокда говаклик берса, темир буғлари сув билан конденсацияланиб, майда коллоид заррачалар беради. Бу заррачалар анча вақт чўкмай пайвандлаш зонасида қора қўнғир тусли булут бериб, чокни кузатишга хала-қит беради.

Агар металл конструкцияни сув остида кесиш зарур бўлса, электр ёй зонасига кислород ёки ҳаво ҳайдалмоги лозим.

Маълумки, металларни сув остида пайвандлаш ва кесиб ажратиш шароити жуда оғир (айниқса, 20 м дан пастда), чунки ишчи қонида азот эриши оқибатида соғлиғига птур етади (тиббиётда «Кессон касали» деб юритилади). Шу боисдан бу ҳолга катта эътибор бермоқ зарур.



199-расм. Ёйнинг сув остида ёниш схемаси:

- 1 – ёй; 2 – эриган металл ванна; 3 – қалпоқчага ўхшаш тўсиқ; 4 – газ пуфакчалари; 5 – қоплама; 6 – стержень; 7 – хира булут; 8 – сачраган металл томчилари; 9 – ёй атрофидаги пуфакчалари

## 9-§. Металл буюмларни флюс қатлами остида металл электродлар билан электр ёй ёрдамида автоматик пайвандлаш

Металларни қопламали металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашнинг унумли усуулари яратилса-да оғир жисмоний меҳнат, юқори малака талаб этиши, чок сифатининг бир текисда бўлмаслиги, иш унумдорлиги пастилиги ва бошқа камчиликлари пайвандлаш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш зарурлигини тақозо этди.

Бу усулда турли қалинликдаги пўлатлар, мис, алюминий, титан ва уларнинг қотишмаларидан тайёрланган буюмларни пайвандлашда барча ишлар механизациялаштирганлик даражасига кўра пайвандлаш автоматларида ва ярим автоматларда олиб борилади. Бунда комплекс машиналар, механизмлар ва мосламалардан фойдаланилади.


200-расмда пайвандлаш автоматининг схематик тасвири келтирилган. Бу автоматда электрод симга ток келтирувчи контактдан ёйгача оралиқ бир неча сантиметр бўлгани сабабли автомат зарур вақтда ёйни ўзи тиклайди. Бу эса автоматнинг муҳим афзаликларидан биридир, чунки электрод симнинг иссиқлигига қизиши камаяди ва деярли катта ток зичлигига ўта қизимай ишлашига имкон беради.

Маълумки, пайванд чок сифатли бўлиши учун ёй барқарор ёниши керак. Бунинг учун электроднинг эриш тезлиги ( $V$ ) унинг пайвандлаш жойи томон узатилиши тезлиги ( $V_s$ ) га тенг бўлиши лозим ( $V = V_s$ ). Агар  $V > V_s$  бўлса, электрод қисқа туташиш ва аксинча  $V < V_s$  бўлса, ёй ўчиши мумкин.

Шунингдек, пайвандлашда пайвандланувчи металл сиртидаги но-текисликлар, электрод симнинг тутилиш ҳоллари бўлганда ёй узунлиги ўзгариши мумкин. Шу сабабли пайвандлаш автомати бундай ҳолларда ўзи ростланадиган бўлмоғи лозим. Шу боисдан автоматлар конструкциясига кўра ёй узунлиги қуидагида ростланиши мумкин:

1) электрод симнинг эриш тезлиги ( $V_s$ ) ўзгармас бўлса, унинг узатилиш тезлиги ростланади.

2) электрод симнинг узатилиш тезлиги ( $V_s$ ) ўзгармас бўлса, унинг эриш тезлиги ростланади.



200-расм. Флюс қатлами остида металларни автоматик пайвандлаш схемаси:

- 1 — электрод сим; 2 — кассета; 3 — узатиш механизми; 4 — флюс пўстлоги;  
5 — бункер; 6 — шлак пўстлоги;  
7 — эримаган флюсни сўриш трубкаси;  
8 — шлак; 9 — пайвандланувчи металл

Электрод симнинг узатилиш тезлиги ( $V$ ) бўйича ростланадиган автоматларнинг занжирдаги ток ва ёй кучланиши ёй узунлиги билан чизиқли боғланишга ( $U_{\text{эф}} = a + b + I_{\text{эф}}$ ) асосланган. Агар қандайдир сабабларга кўра  $V > V$  бўлса, ёй узунлиги узаяди, натижада ёй кучланиши ва электрод симнинг узатилиш тезлиги ортади. Ёй узунлиги қисқарса, ёй кучланиши камайиб, электрод симнинг узатилиш тезлиги камайиб, ёй узунлиги тикланади.

201-расмда келтирилган схемадан кўринадики, пайвандлашда электр ёй электрод сим билан пайвандланувчи металнинг пайвандлаш жойи орасида флюс қатлами остида ёниб, ажрататган иссиқликда электрод сим учи ҳамда пайвандлаш жойи ва флюснинг бир қисми эрийди. Ёйнинг ёниш зонасида эриган флюс билан пайвандлаш ваннаси орасида металл, флюс буғлари ва газлар билан тўлган зона ҳосил бўлади. Ёй эса вертикал ҳолатдан пайвандлаш йўналишига тескари томонга бир оз оғади. Суюқ металл ёй оққан томонга сиқила бориб, металл ваннасини ҳосил қиласиди. Ажралаётган суюқ шлак эса металлдан енгиллиги сабабли унинг сиртига кўтарилади.


Шлакнинг иссиқликни ёмон ўтказиши, металл ваннанинг суюқ шлак қатлами остида бўлиши, ваннанинг секин совуши натижасида у эриган газ ва нометалл кўшимчалардан анча тозаланади. Металлар пайвандлаб бўлингач, чоқ сиртидаги қотган шлак қатлами ажратилади. Бу усуlda металларни пайвандлашда пайвандланадиган металлар хилига, қалинлигига кўра флюс тури, электрод сим маркаси, диаметри ва пайвандлаш режими белгиланади.

Мъалумки, флюслар пайвандлаш ёйининг барқарор ёниши, чоқ металли таркибини, структурасини таъминлаш билан пухта, ажралмайдиган пайванд бирикмалар олишда муҳим роль ўйнайди. Флюс хили пайвандланувчи металл хилига, чоқдан кутилган пухталикка ва пайвандлаш усулига кўра танланади.

Металл буюмларни флюс қатлами остида электр ёй ёрдамида металл электродлар билан автоматик пайвандлаш усули дастақи пайвандлашга қараганда жараённинг механизациялаштирилганлиги, иш унумининг юқорилиги, қопламасиз металл электрод симлардан фойдаланилиши, ёй ва суюқ металл ваннанинг ташқи мұхитдан ҳимоя этилиши,

**201-расм. Металлни флюс қатлами остида электрод сим билан ёй ёрдамида учма-уч автоматик пайвандлаш чоқининг ҳосил бўлиши схемаси:**

- 1 — электрод сим;
- 2 — флюс;
- 3 — суюқ шлак;
- 4 — пайванд чоқ;
- 5 — металл ванна;
- 6 — электр ёй;
- 7 — асосий металл



металл ваннанинг деярли секин совуши ҳамда газ ва нометалл қушимчалардан тозаланиши, иш шароитининг яхшилиги каби афзаликларга эга. Лекин қийин чокларни ҳосил қилиш, айниқса, монтаж ишларида маълум нокулайликларнинг туғилиши каби камчиликларга эга.


Пайвандлаш автоматлари осма, узи юрар пайвандлаш тракторига ажратилади. Осма автоматлар (АБС) да суримиш механизми бўлмайди. Улар вертикал швэллерда ўрнатилиб, заруриятга кўра юқорига ёки пастга суриласди. Бу автоматлар 1500 А гача токларда, тегишли маркали, диаметри 2–6 мм ли электрод симларда ишлайди. Уларда металл буюмларни пайвандлашда уни автомат каллаги тагига суриласди. Одатда уларда доиравий буюмлар пайвандланади.

Ўзи юрар автоматлар (ADC) аравачага ўрнатилган бўлиб, тўғри чизикли чоклар бостиришда улар бостириладиган чок бўйлаб юргизиласди. Агар эгри чизикли узун чоклар бостириш зарур бўлса, автоматни ёки пайвандланувчи буюмни зарур йўналиш бўйлаб суриш керак. Пайвандлаш флюс қатлами остидаги ёйда тегишли маркали, диаметри 3–6 мм ли электрод симда олиб бориласди.

Пайвандлаш тракторларига келсак, уларнинг конструкцияси оддий, габарит ўлчами кичик ва деярли енгил бўлиб, бошқариш қулай. Бу автоматлар универсаллиги сабабли саноатда кенг тарқалган бўлиб, 1200 А гача бўлган токларда тегишли маркали, диаметри 1,6–5 мм ли электрод симларда ишлайди. Бу автоматларда металл буюмлар ҳалқа бўйича, тўғри чизик бўйича пайвандланади (202-расм).

Автоматни ишга туширишдан олдин заготовкаларнинг пайвандланадиган жойлари мой, зангдан тозаланиб, унинг столига (аравача юриши йўналишига параллел қилиб) ўрнатиласди. Сўнгра каллак мундштуки чокнинг бошланиш жойига келтирилиб, бошқариш пультидаги «вниз» деб ёзилган тугма босиласди. Бунда пайвандлаш сими заготовка томон суриласди, унга тегади. Кейин бункер таглиги очилиб, флюс тўкилиши

билин «пуск» деб ёзилган тугма босиласди. Бунда электр ёй флюс қатлами остида ёниб, аравача йўналтирувчилари бўйлаб автоматик равишда юриб чок бостирила боради.



202-расм. ТС-17М маркали пайвандлаш тракторининг умумий куришиши:

- 1 — узатиш механизми;
- 2 — флюс бункери; 3 — бошқариш пульти;
- 4 — кассета;
- 5 — электр двигатель;
- 6 — аравача

Пайвандлаб бўлингач, «стоп» тугмаси, сўнгра эса ёнидаги иккинчи тугмача босилиб, трактор ток тармоғидан ажратилади. Кейин бункер таглиги беркитилиб, автомат дастлабки ҳолатига ўтказилади. Пайвандланган буюм олиниб, сиртидаги шлак пўстлоқ ажратилиб, тозалангач, чок сифати кузатилади.

### **10-§. Металл буюмларни электрод сим билан электр ёй ёрдамида автоматик ва ярим автоматик пайвандлашда кўлланиладиган флюслар**

Маълумки, металл буюмларни пайвандлашда чок сифатида флюслар хоссаси ва сифатининг таъсири катта, чунки улар чокнинг кимёвий таркибини, структурасини, пухталиги, иш унумдорлигини таъминлашда кўмаклашади.

ГОСТ 9081-81 га биноан флюсларни тайёрлаш усулига кўра суюлтириб ва суюлтирилган тайёрланадиган хилларга ажратилади.

Суюлтириб тайёрланадиган хилларни тайёрлаш учун белгиланган миқдорда тегишли моддалар олиниб, майдаланиб, элангач, қориширилиб, кейин 1400°C температурада қиздириб, эритилиб гранулалар олинади-да, сўнгра қуритилади, майдаланади ва элаб сараланади. Бу флюслар асоси Si, Mn, Ca, Mg, Al ва бошқа элементлар оксидларидан иборат бўлади. Суюлтирилмай тайёрланадиган флюсларни тайёрлашда эса маълум нисбатда майдаланган моддалар олиниб, шиша эритмасида қорилиб, 1–3 мм ли гранулалар олинади. Уларни кейин 300–400°C температурада қиздириб, пиширилади. Бунда суюқ шиша моддаларни пухта боғлайди. Кейин улар майдаланиб, сараланади. Бу флюсларга керамик флюслар дейилади.

58-жадвалда мисол тариқасида кам углеродли пўлатларни пайвандлашда фойдаланиладиган флюслар маркалари ва таркиби фоизда келтирилган.

**58-жадвал**

Компонентлар	ОСЦ-45	АН-348	АН-348-А
SiO <sub>2</sub>	43–45	42,4–45,5	41,0–43,5
MnO	38–43	31,5–35,5	34,5–37,5
CaF <sub>2</sub>	6,0–8,0	6,0–7,5	3,5–5,5
K <sub>2</sub> O ва Na <sub>2</sub> O	—	1,0–1,5	—
CaO	5,0 гача	6,5–9,5	5,5 гача
MgO	1,0	0,7–3,5	5,5–7,5
Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	2,5	2,5 гача	3,0 гача
FeO	1,5	1,5	1,5
S	0,15	0,15	0,15
P	0,15	0,15	0,15

59-жадвалда эса кам углеродли пұлатларни ўзгаруучан токда флюс қатлами остида электрод сим билан электр ёй ёрдамида турли қалинликдаги металларни пайвандлашда құлланиладиган электрод симларнинг диаметри, чок типига күра пайвандлаш режими ва тезлиги мисол сифатида көлтирилган.

#### 59-жадвал


Пайвандлануучи металларның қалинлигі, мм	Пайвандлашиш жойи зазори, мм	Чок типи	Электрод сим диаметри, мм	Ток кучи, А	Ток күчлапшиши, В	Пайвандлаш тезлигі, м/соат
5	0-2	бир томонлама учма-уч	2	400-425	20-30	38-40
10	2-4	—	5	700-750	34-38	28-30
20	5-7	—	5	950-1000	40-41	18-20
50	10-12	—	5	1200-1800	44-48	10-12

#### 11-§. Металл буюмларни флюс қатлами остида электрод сим билан электр ёй ёрдамида ярим автоматик усулда пайвандлаш

Юқорида қайд этилганидек, бу усулдан пайвандлаш автоматларидан фойдаланиш мүмкін бўлмаган ҳолларда, яъни калта, эгри чизиқли чокларни бостиришда, монтаж ишларида кенг фойдаланилади.

203-расмда шлангли ярим автомат пайвандлаш автоматининг схемаси көлтирилган.

Бу агрегат металл буюмларни пайвандлашдан аввал пайвандлаш жойига электрод сим учини узатиб, устига флюсли воронканинг тагидаги тўсқичи очилади, флюс тўкилади. Кейин уни ишга тушириш



203-расм. Шлангли ярим автоматик пайвандлаш қурилмасининг схемаси:

1 — электрод симли кассета; 2 — узатиш механизми;  
3 — эгилувчи чоклар электроди; 4 — воронка; 5 — бошқариш шкафи

учун бошқариш шкафидаги ток тармоғига улаш тұгмаси босилиб, электр ёй олдирилади. Кейин электродни чок бостириладиган жой бўйлаб юргизишида электрод сим флюс қатлами остида эриб, чок бостирила боради. Бунда электрод сарфланган сари кассетага ўралган симни агрегаттинг узатиш механизми шланг орқали автоматик равиша (состига 80–600 м тезликда) узатиб туриши билан чок бостирилади. Шланг узунлиги 5 метрғача бўлади. Амалда металл буюмларни ярим автоматик усулда пайвандлашда агрегатларнинг ПШ-5, ПШ-54, ДШ-6 марказаларидан көнг фойдаланилади. Пайвандлаш фойдаланиладиган электрод сим диаметри 0,8–2,0 мм бўлиб, пайвандлаш токи 100–500 А оралиғида бўлади.

## 12-§. Металл буюмларни электр-шлак усулида пайвандлаш

Металл буюмларни бу усулда пайвандлашда электр ёй олдирилгач, унинг ажрататиган иссиқлиги таъсирида пайвандлаш жойи, электрод сим уни ва флюс эриши билан шлак ажрала бошлайди. Ёй суюқ шлак билан тўла қопланғач ўчади. Токнинг суюқ шлак орқали ўтишида пайвандлаш жойи эриб, совишида чок ҳосил бўлади.

Ажраётган иссиқлик миқдори Жоуль-Ленц қонунига кўра ток кучининг квадратига, кучланишига, шлак қаршилигига ва токнинг ўтиш вақтига тўғри пропорционалдир.

204-расмда металл буюмларни электр-шлак усулда пайвандлаш схемаси келтирилган.


Схемадан кўринишича, пайвандланувчи металл буюмларни, металл таглика вертикал ҳолда бир-биридан 20–40 мм оралиқда учма-уч ўрнатилади. Шунингдек, пайвандлаш жараёнида суюлтирилган металлни ва шлакнинг пайвандлаш жойидан ташқарига оқмаслиги ва суюқ металл ваннасининг тезроқ совиб, кристалланишига кўмаклашиш учун ён бўшлиқларига соvuқ сув билан совитиб турадиган сурилувчи тўғри тўрт бурчакли мис тўсқичлар ўрнатилади.

Металларни пайвандлашни бошлашдан аввал пайвандланувчи металл буюмлар-

---

### 204-расм. Электр-шлак усулида пайвандлаш схемаси:

1 — пайвандланувчи металл; 2 — мис ползунлар; 3 — металл ванна; 4 — шлак ванна; 5 — электрод сим; 6 — мундштук; 7 — чок



нинг кимёвий таркибига кўра тегишли электрод сим ва флюс маркаси танланади. Кейин электрод симни тагликка тушириб, устига 20–75 мм қалинликда флюс тўклилади-да, ток занжири уланиб, ёй олдирилади. Ёй иссиқлиги таъсирида флюс эриб, шлак ажрала бошлайди. Ёй суюқ шлак билан тұла қопланғач, ёй учади, ток эса суюқ шлак орқали ўта боради. Шу вақтдан бошлаб электр-шлак жараёни боради. Ток-нинг юқори электр қаршилики шлак қатламидан ўтишида ажралаётган иссиқлик таъсирида шлак ўта қизиб, электрод сим учини ва металл буюмларни пайвандлаш жойини бутун периметри бўйича эритиб, катта ҳажмли ванна ҳосил бўлади. Металл ванна сиртига кўтарилган суюқ шлак унинг ҳаво таркибидаги молекуляр  $O_2$ ,  $N_2$  ва бошқа газлардан ҳимоялайди. Бу шароитда суюқ металл ванна узокроқ вақт суюқ ҳолида бўлади. Бу эса металлнинг пастдан юқорига қараб кристалланишида унда эриган металл оксидлардан металларнинг қайтарилиши, газ пуфакларининг ажралиши билан нометалл қўшимчалардан тозаланиб, зич, сифатли чоклар олинади.

Шуни қайд этиш ҳам лозимки, агар пайвандланувчи металл буюмларнинг қалинлиги 100–120 мм гача бўлса, пайвандлаш жойларини кертмай, диаметри 2–3 мм ли бир электрод сим билан 750–1000 А токда бир ўтишда пайвандланади. Пайвандлаш вақтида электрод сим автоматик равишда узатилади ва кўндалангига юргизилади, масалан, суюқ металл ванна чуқурлиги 25–70 мм оралиғида бўлса, симни узатиш тезлиги соатига 100–150 метр бўлади.

Агар пайвандланувчи металл қалинлиги 120 мм дан ортиқроқ бўлса, бир неча электрод симларда бир ўтишда чок бостириш мумкин. Агар қалинлиги 500 мм дан ортиқ бўлиб, узунлиги 1,5 метргача тўғри чизиқли чок бостириладиган бўлса, металл пластинкали электрод симлардан фойдаланилади. Бунда пайвандлаш жараёнида пластинка маҳсус механизм билан ваннага тушириб туриласи ва ҳар бир пластинкага 1500–2000 А ток юборилади.

Баъзан шаклдор, эгри чизиқли, қалин, кўндаланг кесими ўзгарувчи чокларни бостиришда эрувчи металл мундштукдан фойдаланилади. Эрувчи мундштук электрод симли ва пластинкали электродлар комбинациясидан иборат бўлади. Пайвандлашда металл буюмлар оралиғидаги зазорга мундштук киритилади. Унинг шакли ва ўлчами пайвандланадиган жой кесимига тенг бўлади. Пайвандлашда мундштукдаги тешик орқали электрод сим пайвандлаш жойига юборилади. Электрод сим мундштук кимёвий таркиби пайвандланадиган металл таркибига яқин олинади. Бу усулнинг унумдорлиги металларни флюс қатлами остида металл электрод билан электр ёй ёрдамида пайвандлашга қарангда 5–10 марта юқори бўлиб, 1,5–2 марта энергия кам сарфланади. Камчилиги чок ва чокка ёндошган жойларининг ўта қизиши сабабли доначалар йириклишади. Шу боисдан уларнинг доначаларини майда-лаш мақсадида кўпинча тўла юмшатилади.

Бу усулдан йирик пұлат құймалар, гидротурбин валлари, йирик металл конструкциялар тайёрлашда кенг фойдаланилади.

### 13-§. Металл буюмларни ҳимоя газлар мұхитида металл электрод билан электр ёй ёрдамида пайвандлаш

Металларни бу усулда пайвандлашда электр ёй ва пайвандланувчи металларни пайвандлаш жойлари инерт (аргон, гелий) ёки актив газлар (карбонат ангидрид, водород) мұхитида бўлиб, улар ҳаво таркибидаги молекуялар  $O_2$ ,  $N_2$  ва бошқа заарли газлардан чок металлни ҳимоялаб, сифатли чоклар олинади. Айниқса, иш унумининг юқорилиги, турли фазовий чоклар бостирилиши, флюсни талаб этмай, термик таъсир зонасининг кичиклиги, чок тозалиги ва бошқа афзалликлари билан бошқа усуллардан фарқ қиласи. Шу боисдан бу усулдан машинасозликда, приборсозликда ва бошқа соҳаларда қалинлиги 0,1—100 мм гача бўлган кам углеродли, кам ва кўп легирланган (масалан, зангламайдиган, оташбардош ва бошқа) пўлатларни, шунингдек, Al, Mg, Ti, Ni, Mo ва бошқа элементлар ва улар асосида олинган қотишмаларни пайвандлашда кенг фойдаланилади.

Бу усул металл электрод хилига, ҳимоя газлар турига, ҳимоялаш усулига, ёйнинг ёниш характеристига ва механизациялаштирилган дарајасига кўра фарқ қиласи.

Шуни қайд этиш лозимки, пайвандлаш усули ва режими пайвандланувчи металлар хилига, қалинлигига, бостириладиган чок хилига ва ундан кутилган хоссаларга кўра белгиланади. Пайвандланувчи металл хилига ва ҳосил қилинадиган чок характеристига кўра бу усул икки турга ажратилади:

1) металларни эримайдиган вольфрам электрод ва чокбоб сим билан электр ёй ёрдамида аргон гази мұхитида пайвандлаш;

2) металларни эрийдиган металл электрод билан электр ёй ёрдамида аргон гази мұхитида пайвандлаш.


**1. Металл буюмларни эримайдиган вольфрам электрод ва чокбоб сим билан электр ёй ёрдамида аргон гази мұхитида пайвандлаш.** Бу усулдан қалинлиги 0,1—6 мм гача бўлган углеродли ва легирланган пўлатлар, шунингдек, Al, Mg, Ti ва бошқа металлар ҳамда улар асосида олинган қотишмаларни пайвандлашда кенг фойдаланилади.

205-расмда металл буюмларни эримайдиган вольфрам электрод ва чокбоб сим билан электр ёй ёрдамида аргон гази мұхитида пайвандлаш схемаси келтирилган.

Бу схемадан кўринадики, электр ёй пайвандланувчи металл буюмларни пайвандлаш жойи билан вольфрам электрод оралығыда олдирилади. Бунда электродни тутувчи горелканинг ҳалқали каналидан узлуксиз равишда аргон гази маълум босимда келиб, пайвандланувчи металлнинг пайвандлаш жойи атрофидаги ҳавони ташқарига ҳайдаб,

**205-расм.** Металларни аргон мұхитида вольфром электрод билан электр ёйи ёрдамида пайвандлаш схемаси:

1 — пайвандланадиган металл; 2 — чокбоб сим; 3 — вольфрам электрод; 4 — мундштук; 5 — ҳимоя газ қобиғи; 6 — электр ёй; 7 — суюқланган металл ванна



вольфрам электродни, чокбоб симни ва металл ваннани ҳаво таркибидаги заарарлы газлар таъсиридан ҳимоялаб, сифатли чок олишни таъминлайди.


Агар пайвандлашда металл қалинлиги  $S < 2,5$  мм бўлса, пайвандлаш жойи кертилмайди,  $S > 2,5$  мм бўлса, пайвандлаш жойи кертилиб пайвандланмоғи керак. Масалан, қалинлиги 3 мм ли кўп легирланган пўлатларни учма-уч қилиб пайвандлашда вольфрам электрод диаметри 3–4 мм, чокбоб сим диаметри 1,6–2 мм бўлиб, ток кучи 120–160 А, ёй кучланиши 12–16 В бўлади. Бунда ҳар минутда 6–7 литр аргон гази сарфланади. Бу усулда металларни пайвандлашда пайвандланувчи металл сиртига вольфрам электрод 70–80°, чокбоб сим 10–15° бурчак остида тутилади.

Кўп ҳолларда масъулиятили юпқа металл буюмларни пайвандлашда тоза вольфрам ёки титан, 5% лантан қўшилган Вл-15 маркали электроддан фойдаланилади. Бунда ёй барқарорлиги ортиб, вольфрам сарфи камаяди.

Маълумки, аргон ( $Ar$ ) рангиз, инерт газ. У ҳаводан 1,38 марта оғир бўлиб, суюқ ва қаттиқ металларда зернайди, ёнмайди ва заҳарли ҳам эмас. Лекин ишлаб чиқариш технологияси бир мунча мураккаб бўлгани учун нархи қимматроқ бўлишига қарамай айниқса, актив металларни пайвандлашда жуда қўл келади. Аргон гази истеъмолчига 40 л. ли пўлат баллонларда 15 МПа босимда юборилади. Баллонлар кулрангга бўялган бўлиб, сиртига «Аргон» деб ўт рангиде ёзилади.

**2. Металларни эрувчи металл электродлар билан электр ёйи ёрдамида аргон гази мұхитида пайвандлаш.** Бу усул юқоридаги танишилган усулга ўхшашиб бўлиб, бунда эрувчи металл электрод пайвандланувчи металлар таркибиға яқин бўлиб, бунда пайвандлаш жойи ва электр ёйи аргон гази мұхитида бўлади (206-расм).

**206-расм. Металларни аргон мұхитида суюқланадиган металл электрод билан электр ёй ёрдамида пайвандлаш схемаси:**  
 / — пайвандланадиган металл; 2 — ҳимоя газ; 3 — мундштук; 4 — металл электрод; 5 — ҳимоя газ қобиғи




Агар металлар вольфрам электрод ва чокбоб сим билан аргон мұхитида ўзгармас токда ташқы характеристикаси пасаювчи токда манбаларини түгри күтбели улаб фойдаланилган ҳолда дастаки, ярим автоматик ва автоматик усулларда пайвандланса, суюқланадиган электродлар билан фақат автоматик ва ярим автоматик усулларда пайвандланади. Бу усулда металларни пайвандлаш жойлари ва чокбоб электрод сим юзалар занг, мой, бүёклардан тозаланмоғи лозим. Тескари күтбели улаб, металларни пайвандлашда эса, пайвандлаш жойи оксид, нитрид ва кирлардан ўзи тозаланади. Бунинг боиси шундаки, оксид, нитрид пардалар ва кирлар мусбат ионлар билан бомбардимон қилиниб ажралади.

Пайвандлашда электрод учидан эриган металлнинг ваннага ўтиши ва эриган металл чуқурлиғи металл таркибиға, ҳимоя газ хилига, ток кучи ва күчланишига боғлиқ. Ток зичлигининг ортиши билан электрод учидан эриган металл ўтиши тезлашади. Бу ҳолда ёй босими ваннага ортиб, натижада металлнинг эриш чуқурлиғи ортади.

#### **14-§. Металл буюмларни эрийдиган металл электрод билан электр ёй ёрдамида карбонат ангидрид гази мұхитида пайвандлаш**

Бу усул 1950-1951 йилларда ЦНИИТМАШда К.В. Мобовский ва Н.М. Новошилов раҳбарлығида яратылған бўлиб, углеродли, кам ва ўрта легирланган пўлат буюмларни пайвандлашда кенг қўлланилади. Карбонад ангидрид ( $\text{CO}_2$ ) актив, ёнмайдиган заҳарсиз арzon газ бўлиб, истеъмолчига 40 л. ли пўлат баллонларда 6,0–7,0 МПа босим остида суюқ кўринишда юборилади ва баллондан чиқишида газга айланиб, 12,725  $\text{m}^3$  газ беради. Баллонлар қора рангга бўялиб, сиртига сариқ рангда карбонад ангидрид деб ёзилади. Шунингдек, қаттиқ ҳолда (куруқ муз) ишлаб чиқарилади. У буғланиб, суюлмай газга ўтади.

207-расмдаги схемадан кўринадики, ток манбаи 1, горелка 2, электрод симни узатиши механизми 3, газ сарфини кузатувчи ротометр 4, редуктор 5 ва газ баллони 6 дан иборат. Металларни пайвандлашда пайвандлаш зонасига юборилған  $\text{CO}_2$  гази ёйнинг юқори температураси таъсирида қизиб, диссоцияланади ( $\text{CO}_2 = \text{CO} + \text{O}$ ). Атомлар кислород пайвандлаш жойларини ва электрод сим учини шиддатли оксидлаши учун электрод сим таркибидаги Si, Mn элементлар кўпроқ (Si миқдо-



**207-расм. Углерод (IV) оксида гази мұхитида электр ёй ёрдамида пайвандлаш схемаси:**

1 — ток манбаи; 2 — горелка; 3 — электрод сим узатыш механизми; 4 — ротометр; 5 — редуктор; 6 — газ баллони

вандлаш мүмкін, чунки күкүн электрод таркибиде йнинг барқарор ёнишини таъминловчи моддалар бўлади.

Қопламали металл электродлар билан металларни дастаки пайвандлаш ўрнига  $\text{CO}_2$  газ мұхитида ярим автоматик пайвандлашда иш унумдорлиги ортиб, иш шароити анча яхшиланади.

### 15-§. Металларни чокбоб сим билан электр ёй ёрдамида водород гази мұхитида пайвандлаш

Бу усулда металларни пайвандлашда электр ёй икки вольфрам аро олдирилиб, бу оралиқта горелка ҳалқалари каналидан водород гази маълум босимда ҳайдалади. Бунда пайвандланувчи металлар таркибига яқин бўлган чокбоб сим ишлатилади. (Шуни ҳам қайд этиш лозимки, кўп ҳолларда водород ўрнига аммиакни диссоциялаб олинган азот-водород аралашма газдан фойдаланилади, чунки у портламайди.)

Бу усулда пайвандлашнинг ўзига хос ҳусусияти шундаки, пайвандлаш жойига ҳайдалаётган молекуляр водород ўнинг юқори температурали зонасига ўтганда атомар ҳолатига ўтиб, жуда кўп ( $\text{H}_2 \rightarrow 2\text{H}$ -100000 кал (2 МоЛ)) иссиқликни ютади. Водород атомлари пайвандланувчи металлнинг пайвандлаш жойига бориб урилиши биланоқ молекуляр ҳолатга ўтиб, ютган иссиқликни ажратади ва унинг таъсирида металларнинг пайвандланиш жойи ва чокбоб симнинг учи тезда эриб, совиганда пухта чок олинади (208-расм).


ри 0,7–0,9%, Mn миқдори 1,6–2,0%) бўлган электрод симлардан фойдаланилади.

Бу ҳолда металл ваннада ажralадиган (масалан,  $\text{FeO}$  дан темир ва бошқа элементлар) Si, Mn лар билан қайтарилади. Ҳосил бўлган оксидлар эса ўзаро бирикиб, шлакка ўтади.

Углеродли пўлатларнинг қалинлиги 0,8–3,0 мм гача бўлса, уларни учма-уч қилиб пайвандлашда диаметри 0,5–1,2 мм ли  $\text{C}_{\text{e}}\text{-}08\text{tc}$ ,  $\text{C}_{\text{e}}\text{-}10\text{Г2C}$  ва бошқа маркали электрод симлардан бирини олиб, ўзгармас токда тескари қутбли улаб туриб пайвандланса, күкүнли электрод билан ўзгарувчи токда пайвандлаш мүмкін.

## 208-расм. Водород мұхитида электр ёрдамида пайвандлаш схемаси:

1 — электродлар; 2 — горелка; 3 — ёй таъсир зонаси; 4 — майдалаш



Бу усулда металларни пайвандлаша 300 В гача күчланиш билан водород мұхитида ёйни олдириш  $H_2$  нинг диссоцияланиши учун зарур. Пайвандлаш жараёнида ток кучи 10–100 А, күчланиш 35–120 В оралығыда бўлади. Масалан, пайвандланувчи металл қалинлиги 0,5–3,0 мм бўлса, вольфрам электрод диаметри 1,5 мм, 3–8 мм бўлганда вольфрам электрод диаметри 3 мм олинади. Пайвандланувчи металл қалинлигига яқин таркибли чокбоб сим олиниб, унинг диаметри 1–5 мм бўлади. Бу усулда турли маркали пўлатлар, шунингдек, алюминий қотишма буюмлари устма-уст, учмачу, бурчакли ва бир-бирига тик қилиб пайвандланиши мумкин.

Бунда водород гази металл ваннада мавжуд бўлган оксидлардан металларни қайтариб, сифатли пайванд бирикмалар олишга кўмаклашади.

## 16-§. Металл буюмларни плазма ёрдамида пайвандлаш

Бу усулдан суюқланиш температураси юқори бўлган металлар ва уларнинг қотишмалари, шунингдек, Cu, Al ва уларнинг қотишмалари ва нометалл материалларни (керамика, шиша ва бошқаларни) пайвандлаша, кесишда, деталларни ейилишга чидамли қилишда ва ишдан чиқсан жойларини зарур metallар билан қоплаб тиклашда ҳам қўлланилади. Бунда иссиқлик манбай сифатида катта захирали электр энергияли ёй билан ионланган газлар (аргон, гелий, азот ва бошқалар) оқими (плазма) дан фойдаланилади (209-расм). Юқори температурали плазма олинувчи ускунага плазматрон дейилади.

Плазматрон (горелка) лар конструкциясига кўра иккига ажратиласди. Булардан бири 209-расм, а да келтирилган, расмдан кўринадики, электр ёй вольфрам электрод 1 билан пайвандланувчи металлараро олдириллади (электрод горелка корпусидан керамик материаллар билан изоляцияланган). Ёй олдирилгач, горелка каналига аргон, гелий, азот ёки бошқа газлардан бири юборилади. Газ ёй устидан ўтаетганда сиқилиб энергия зичлиги ва температураси кўтарилиб, натижада ионланаб, горелка соплосидан чиқишида юқори температурали тиниқ, ярқираган плазмага ўтади. Плазма ёй билан биргаликда пайвандлаш жойини бир дамда эритади, чунки унинг температураси 10000–20000°C оралығида бўлади. Шуни айтиш жоизки, иссиқлик электрод учидан узоқ-

лашган сари температураси пасаяди. Масалан, бу оралиқ 6–8 мм булғанда температураси 6000–8000° бўлади.

Бундай горелкалардан ток ўтказадиган материалларни пайвандлашда фойдаланилади.

Бу усул юқорида кўрилган усулларга қараганда қўйидаги асосий афзалликларга эга:

энергия концентрациясининг жуда кўплиги;


плазмали ёйнинг барқарорлиги;

кичик 0,5–10 А ли токда қалинлиги 0,025–0,8 мм ли металларни пайвандлаш мумкинлиги;

ток кучи ва газ сарфи ҳисобига ёй қувватининг ростланиши.

Бу усулнинг камчилиги шундаки, бунда сопло ва электродлар тез ишдан чиқди.

209-расм, б да фақат плазма оқимида ишлайдиган горелка схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, горелка тузилиши 209-расм, а даги горелкага ўхшаш бўлиб, фақат бунда вольфрам электрод ва сув билан совитилувчи мис ёки унинг қотишмасидан тайёрланган соплоаро ёй олдирилади. Горелкага юборилган ионланувчи газ (аргон, гелий, азот ёки улар аралашмалари) ёй устунини сиқиб, уни чўзади. Шуни қайд этмоқ ҳам жоизки, ионланган газ устуни электр зарядлар турғ-



209-расм. Плазма ёрдамида пайвандлаш схемаси:  
а — бевосита; б — билвосита; 1 — вольфрам электрод; 2 — ёй; 3 — горелка соплоси; 4 — сопло канали; 5 — заготовка; 6 — плазма оқими

унлигини ва ёй барқарорлигини таъминлайди. Плазма оқими плазматрон соплосидан чиқишида учи ўткир машъалга ўтади. Шу боисдан бу плазматронларда фақат металларнига эмас, балки ярим ўтказгич ва диэлектрик материаллар (керамика, шиша ва бошқалар) пайвандланади. Бу усулдан машинасозлик корхоналарида қалинлиги 120—140 мм гача бўлган турли материалларни аниқ чегара бўйича кесишда, шунингдек ейилиб ишдан чиқкан деталларни тегишли металлар қоплаб тиклашда, ҳимоя металл қопламалар олишда ва бошқа қатор ишларни бажаришда кенг фойдаланилади.


### 17-§. Металл буюмларни электрон нур билан пайвандлаш


Бу усулдан одатдаги шароитда пайвандлаш қийин бўлган турли қалинлиқдаги ( $0,01$ — $100$  мм), суюқланиш температураси юқори бўлган (Mo, W, Ti ва бошқалар) ва кимёвий актив металлар (Zr, Ur, Be ва бошқалар) ҳамда уларнинг қотишмаларини пайвандлашда фойдаланилади. Бу усулда вакуум камерага киритилган металларнинг пайвандлаш жойига бир неча сония давомида электрон нур юборилганда пайвандлаш жойи суюқланиб, совиганда кристалланиб пайвандланади. Бунинг учун пайвандланувчи металларни  $133 \cdot 10^{-4}$ — $133 \cdot 10^{-5}$  Па ба босимли вакуумли камерага киритиб, уларнинг пайвандлаш жойига электрон тўпи деб аталувчи қурилманинг вольфрам ўрамли спирал катодига трансформатордан  $10$ — $35$  кВ ток юборилганда, у тезда  $2500^{\circ}\text{C}$  қизиб, ўзидан жуда катта тезликда ( $4$ — $5$  км/с) электронлар ажратади. Улар электромагнит линзадан ўтганда катта концентрацияли нурга ўтиб, пайвандланувчи металл (анод) юзига ( $0,1$ — $20$  мм $^2$ ) узлуксиз ёки импульсли йўналганда, уни бомбардимон қиласди. Натижада нурнинг кинетик энергияси иссиқлик энергиясига айланиб, кўп миқдорда иссиқлик ( $5000^{\circ}$ — $6000^{\circ}\text{C}$ ) ажралади. Бу энергия дарҳол пайвандлаш юзасини суюқлантиради ва нур олиниши бошқа ерга ўтказилиши билан бу участка кристалланиб пайвандланади (210-расм). Бу усулда чок сифати юқори бўлиб, чокка ёндошган зонаси ўта қизиб кетмайди.

Бу усулда оксидланиш бормай, чокнинг сифати юқори бўлади. Шунингдек, одатдаги шароитда пайвандламайдиган, қийин эрийдиган металлар (W, Mo) пайвандланади.

**210-расм. Электрон-нур пайвандлаш қурилмасининг схемаси:**

1 — катод; 2 — учлик; 3 — анод; 4 — электромагнит линза; 5 — заготовка; 6 — стол; 7 — вакуум камераси





**211-расм. Лазер нурида пайвандлаш схемаси:**

1 — рубин кристали; 2 — ксенон лампа;  
3 — совитгич; 4 — линза; 5 — нур;  
6 — заготовка.

### **18-§. Металл буюмларни лазер ёрдамида пайвандлаш**

Бу усулда металл буюмларни пайвандлашда иссиқлик манбаи оптик квант генераторида олинган юқори зичлиқдаги монохроматик ёруғлик нури (лазер) булади. Бу энергиядан машинасозликда қалинлиги 0,1—1 мм ва ундан ортиқ металларни пайвандлашда, шунингдек, олмос, рубин, қаттиқ қотишмаларни ишлашда кенг фойдаланилади.

211-расмда металларни пайвандлашда құлланиладиган бундай оддий қурилма схемаси көлтирилған, схемадан күрінадыки, у ксенон (импульс) лампа 1, рубин ёки синтетик кристалли ( $\text{Al}_2\text{O}_3$  ға бироз  $\text{Cr}_2\text{O}_3$ , күшилған) стержень 2, совитгич 3, линза 4 ва нур 5 дан ибрат. Электр конденсаторлар батареясидан озиқланувчи ксенон лампа 1 ёнгандан унинг таъсирида кристалл стержень кучли нурлар ажратади. Ажраляётгандан нурлар оптик линза 4 да бир нүктега йиғилиб, пайвандлашувчи металл пайвандлаш жойига йўналтирилганда бу жойни бир зумда эритади. Нур йўналиши бошқа жойга ўтказилганда суюқ металл сошиб, пайванд чок ҳосил бўлади.

### **19-§. Металл буюмларни чокбоб симлар билан ёнувчи газлар аллангаси ёрдамида пайвандлаш**

Бу усулда металларни пайвандлашда иссиқлик манбаи сифатида ёнувчи газлар (ацетилен, водород, табиий газ ва бошқалар) нинг маълум нисбатда кислород билан горелка деб аталувчы асбобда тайёрланган аралашмаси ҳавода ёндирилганда олинган аллангдан фойдаланилади. Бу усул электр манбаи талаб этмаслигини, ускуналарнинг мураккаб маслигини, аланга қувватининг осон ростланиши, пайвандлаш жойларининг текис қиздирилиши, фазода бостирилаётгандан чокларининг кузатилиши каби афзаликлари билан бирга айрим камчиликлари, жумладан, электр ёли пайвандлашга қараганда иссиқлик таъсири зонасининг кенглиги, чок пухталигининг пастроқлиги, жараённи механизациялаш қийинлиги, пайвандланувчи металларнинг қалинлиги ортган сари иш унумдорлигининг пасайиши кабиларга қарамай, амалда асосан қалинлиги 0,2—6 мм гача ва баъзан ундан ортиқ бўлган пўлатларни, чўянларни, рангли металл ва улар қотишмаларини пай-

вандлашда, таъмирлаш ишларида, кесишида ва бошқа ишларни бажаришида фойдаланилади.

60-жадвалда металларни пайвандлашда, кесишида ва бошқа ишларни бажаришида фойдаланиладиган ёнувчи газларнинг асосий турлари, хоссалари ва уларнинг ишлатилиш жойлари келтирилган.

60-жадвал

### Ёнувчи газлар (буғлар) ва суюқликлар

Номи	Зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	Кислород билан аралашмали газ ёнгандаги аланга температураси, °С	Горелкадаги аралашмада ёнувчи газ билан кислород нисбати	Аралашмада газнинг портлаш чегараси	
				ҳавода	кислородда
Ацетилен	1,09–1,17	3150–3200	1,1–1,7	2,2–82,0	2,3–23,0
Водород	0,084	2200	0,3–0,4	3,3–81,5	4,6–93,0
Кокс гази	0,4–0,55	2000–2200	0,6–0,8	7,0–19,0	—
Нефть гази	0,65–1,45	2300	1,5–1,6	—	—
Табиий газ	0,7–0,9	1850–2200	1,5–1,6	4,5–14,0	3,0–45,0
Бензин (буғлари)	0,7–0,76	2500–2600	1,4–1,4	0,7–6,0	2,1–28,4
Керосин (буғлари)	0,8–0,84	2400–2500	1,7–2,4	1,4–5,5	2–28
Суколтирилган газ (пропан– бутан аралаш- маси)	1,95	2400–2500	3,4–3,8	2,17–9,5	2,4–57

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, ацетиленнинг кислород билан аралашмаси ёндирилганда унинг аланга иссиқлиги бошқа газлар алангасидан анча юқори. Шу боисдан амалда ундан кенг фойдаланилади.

**Ацетилен ( $C_2H_2$ ).** Бу газ нормал шароитда рангсиз бўлиб, кучсиз эфир ҳидига эга. 0,2 МПа босимдаги бу газ 500–600°C температурада ўз–ўзидан алангаланади, лекин босим ортган сари алангалаш температураси пасаяди.

Масалан, 2,2МПа босимда алангаланиш температураси 350°C бўлади. Нормал шароитда бир ҳажм ацетонда 20 ҳажмгача ацетилен эрийди. Босим ортишида, температура пасайишида унинг эрувчанлиги ортади. Шунинг учун ҳам у ацетон шимдирилган ғояқ массали писта кумир билан тўлдирилган пўлат баллонларда 1,9 МПа босимда истеъмолчига юборилади. Бу баллонларда ацетилен мөъёрдаги температурада ва босимда (5 м<sup>3</sup> яқин) бўлади.

Баллонлар оқ рангга бўялиб, сиртига қизил рангда «Ацетилен» деб ёзиб қўйилади. Шуни қайл этиш жоизки, техник ацетиленда қўшимчалар (аммиак, фосфорли водород ва бошқалар) бўлиб, унинг сифатига путур етказади.

## Ацетилен ишлаб чиқариш.

Ацетиленни кальций карбид ( $\text{CaC}_2$ ) дан олиш аппаратига ацетилен генератор деб аталади. Генераторлар иш унуми, газ босими, ишлаш принципига күра таснифланади (ГОСТ 5190-78).

Соатига  $0,5\text{--}3 \text{ м}^3$  гача ацетилен ишлаб чиқариш генераторлари күчма,  $5\text{--}160 \text{ м}^3$  гача ацетилен ишлаб чиқарадиганлари стационар генератор дейилади.

Генераторларда газ босими  $10 \text{ кПа}$  гача бўлса, паст босимли,  $70\text{--}150 \text{ кПа}$  бўлса, ўртacha босимли генератор дейилади.

Ишлаш принципига кўра улар «карбидга сув», «сувга карбид» ҳамда комбинацияланган хилларга ажратилади. Генераторларнинг тузилиши ва ишлаши билан танишишга ўтишдан аввал кальций карбидни нимадан ва қандай олиниши ҳақида маълумот келтирайлик. Одатда, кальций карбидни коксни сўндирилмаган оҳак билан тегишли нисбатда қўшиб, электр печда  $1900\text{--}2300^\circ\text{C}$  температурали вакуум шароитда маълум вақт қиздирилиб, суюқ карбид кальций олинади ( $3\text{C} + \text{CaO} = \text{CaC}_2 + \text{CO}$ ).

Кейин у печдан ковшга чиқарилиб, чўян қолипларга қўйилади. Қотгандан сўнг қолипдан олиб, майдалаб сараланади-да, пўлат листдан тайёрланган қопқоқланадиган барабангага киритиб, зич қопқоқланади. Чунки у ҳаво намини ютиб, тез парчаланади.

Барабангага киритилган кальций карбид ўлчами  $2\text{--}80 \text{ мм}$  оралиғида бўлиб, ранги қорамтир-сарғиш, зичлиги эса  $2,26\text{--}2,4 \text{ г}/\text{см}^3$  оралиғида бўлади, кальций карбидли барабан массаси —  $100\text{--}120 \text{ кг}$  оралиғида бўлади. Техник кальций карбидда  $20\text{--}30\%$  гача бошқа қўшимчалар бўлгани сабабли  $1 \text{ кг}$  кальций карбиддан  $230\text{--}280 \text{ л}$  ацетилен олинади.


Кейинги вақтда арzonроқ ацетилен табий газ, нефть ва тошкўмирдан ҳам олинмоқда.

Металларни пайвандлашда бошқа ёнувчи газлардан фойдаланишда уларнинг кислородли аралашмаси ёндирилганда аланга температураси пайвандланувчи металлнинг суюқланиш температурасидан икки марта зиёд бўлишини ҳисобга олмоқ керак.

212-расмда «карбидга сув» таъсириш принципида ишловчи, кўпроқ тарқалган РА типидаги кўчма газ генераторларининг тузилиши ва ишлаши схематик тарзда келтирилган. Бу генераторни ишга тушириш учун унинг корпуси *1* га воронкадан маълум миқдорда сув қўйилади. Кейин ундан реторта *4* олиниб, унинг саватининг тўридан ўтмаган ҳолда кальций карбид билан тўлдирилгач, ретортага киритилиб, қопқоғи беркитилади. Сўнгра ретортага ниппель *14* ли резина шланг *15* орқали сув киритилади.

Бунда сув кальций карбид билан реакцияга киришади:





**212-расм. Карбидга сув таъсир эттириш принципида ишлайдиган РА типидаги ацетилен генераторининг схемаси:**


1 — корпус; 2 — воронка; 3 — қалпоқ; 4 — реторта; 5 — яшик; 6 — қопқоқ;  
7 — трубка; 8 — стакан; 9 — трубка; 10 — газ тозалагич; 11 — «сув қулфи»;  
12, 13 — жўмрак; 14 — ниппель; 15 — шланг

Ажралаётган ацетилен трубка 7 орқали юқорига кўтарилаётганда унга кийдирилган стакан 8 уни сувдан ўтишда зарарли қўшимча газлардан қисман тозалайди ва бу тозалангандан ацетилен қалпоқ 3 тагидаги бўшлиққа йифила боради. Пайвандлашда бу газ трубка 9, газ тозалагич 10 дан ўтиб, қолган зарарли газлардан янга тозаланиб, «сув қулфи» 11, жўмрак 12 ва шланг орқали горелкага ўтади.

Агар генераторда ажралаётган ацетилен миқдоридан пайвандлашда сарфланаётган ацетилен миқдори ортиқ бўлса, қалпоқ 3 остидаги босим ласайиб, у пастга туша боради. Пайвандламагандан эса, ажралаётган ацетилен қалпоқ тагига йифила бориб, уни юқорига кўтаради. Бунда қопқоқ стерженга бириктирилган резина шланг учи сувдан чиқади. Энди шланг орқали ретортага сув ўтмайди.

Пайвандлаш жараёни кечаяётганда бир ретортадаги ацетилен сув таъсирида тўла парчалангач, уч йўлли жўмрак 13 орқали сув иккинчи ретортага киритилади ва бунда газ ажралиши давом этади.

**Эҳтиёт сув қулфи.** Агар пайвандлашда горелка мундштукидан чиқаётган ацетиленнинг кислородли аралашмаси тезлиги унинг ёниш тезлигидан кичик бўлса, мундштукнинг газ чиқариш тешиги беркилиб қолганда ацетилен билан кислород аралашмаси шланг орқали генераторга ўтиб, уни портлатишни мумкин. Бунинг олдини олиш учун генераторга эҳтиёт сув қулфи ўрнатилади.



**213-расм. Қўйи босимда ишлатиладиган сув қулфининг схемаси:**  
 а — нормал иш даври; б — газ тескари томонга ўтганда;  
 1 — газ трубкаси; 2 — жўмрак;  
 3 — контрол мурват;  
 4 — эҳтиёт трубка; 5 — шчитча

тескари ҳаракатида “сув қулфи”нинг ишлаши кўрсатилган.

Генераторни ишга туширишдан аввал «сув қулфи»нинг назорат қилиш жўмраги 3 ни очиб, унга тешикдан сув тушгунча сув қўйилади, кейин жўмракни бураб, тешик беркитилади.


Пайвандлаш жараёни нормал кечайдаганда ацетилен «сув қулфи» нинг трубкаси 1 дан ўтиб, сув орқали жўмрак 2 га, ундан шланг орқали горелкага ўтади.

Тескари зарб содир бўлган ҳолларда (213-расм, б) «сув қулфи» камерасида газ босими ортади. Бунда ундаги сувнинг маълум қисми ацетилен келаётган трубка 1 га ўтиб, эҳтиёт трубкадаги сув камерага тушади. Бунда генератордан келаётган газ трубка 1 йўли сув билан беркитилади. Камерада йигилаётган ёнувчи газ босими маълум даражага етгач, эҳтиёт трубка 4 пардасини йиртиб, атмосферага ўтади. Натижада генератор портлашдан сақланади.

214-расмда ўртача босимда ишладиган АСМ 1,25-3 маркали ацетилен генераторнинг умумий кўрининиши (а), бўйлама кесими (б) ҳамда сув қулфи ва унинг ишлаш схемаси келтирилган. Расмдан кўринадики, генератор танаси вертикал цилиндрик аппарат бўлиб, у газ ҳосил этувчи 2 ва газ ювгич қисм 1 дан иборат. Бу қисмлар стакан 10 кийдирилган трубка 8 билан боғланган. Корпуснинг устки қисмидаги газ ҳосил этувчи қисмига шахта 9 тушарилиб, унга генератор оғзидан сув найчаси 8 сатҳидан сал юқорироқ назорат жўмраги 11 дан оққунча қўйилади, кейин кальций карбидли сават 4 тушарилиб, қопқоги 5 ни винт 6 ва ричаг 7 ёрдамида қисиб беркитилади.

Газ ҳосил этувчи қисм — корпус билан шахта оралиғидаги бўшлиқда ҳаво ёстиғи ҳосил бўлади. Генераторнинг ишлашида у сувни сиқиб, генераторнинг автоматик ишлашини таъминлайди. Ажралаётган ацетилен эҳтиёт клапани 15, шланг 16 орқали сув қулфи 17 га ўтади. Газ ҳосил этиш қисмидаги чиқиндини штуцер 12, газ ювгичдан лойқа сувни штуцер 13 орқали ташқарига чиқарилади.

Схемадан кўринадики, тескари зарб юз берганда портлаган газ тўлқини сувни, у эса шарчали клапанин беркитади. Шу билан газ



**214-расм.** Ўрта босимда ишлайдиган АСМ- 1,25 маркали ацетилен генератори:

1 — ювгич қисми; 2 — газ ҳосил этиш қисми; 3 — таглик; 4 — корзина;  
 5 — қопқоқ; 6 — винт; 7 — ричаг; 8 — трубка; 9 — шахта; 10 — стакан;  
 11 — назорат крани; 12—13 — чиккиндилар чиқарадиган штуцерлар пробкаси;  
 14 — тешники тарелка; 15 — эҳтиёт клапани; 16 — шланг; 17 — сув кулфи;  
 18 — манометр; 19 — кўтариш дастаси; 20 — назорат крани; 21 — шток;  
 22 — штуцер; 23 — гайка; 24 — эҳтиёт тўр; 25 — сиқувчи ҳалқа;  
 27 — мембрана; 28 — фибра прокладка; 29 — резина прокладка;  
 30 — резина прокаткалар оралиғидаги гўр


келадиган иул беркитилади. Шу вақтнинг ўзида газ тўлқини қайтаргич диск  $\delta$  билан корпус оралиғидан ўтиб ўчади.

#### Генераторни ишга ростлаш

1. Қопқоқ очилиб, сават олинади.
2. Генератор корпусида бегона нарсалар йўқлиги ва тозаланганлигига ишонч ҳосил этилади.
3. Сув қулфи сув билан тўлдирилади. Бунинг учун штуцер очилиб, у орқали назорат жўмраги тешигидан сув оққунича қўйилади.
4. Генераторга кальций карбидли сават туширилиб, унинг қопқоғи беркитилади. Генераторнинг нормал ишлашида газ найчаси, сув қулфи, ниппельдан горелкага редуктор ва шланг орқали боради (214-расм, а).

**Газ редукторлари.** Редукторлар баллон ёки тармоқдан келаётган газ босимини зарур босимга пасайтириб, шу босимни сақлашга хизмат қилади (215-расм).

Баллондан келаётган юқори босимли газ унинг камераси 4 га ўтади. Бунда пружина 3 клапан 5 ни сиқиб, камера тешигини беркитади. Камера 4 даги босим манометр 2 орқали кузатилади. Винт 10 ўнгга буралганда пружина 9 сиқилиб, шток 12 ни юқорига кўтаради. Натижада пружина 3 сиқилиб, клапан 5 очилиши билан камера 4 дан газ катта ҳажмли камера 8 га ўтиб бораётганда босими пасая боради. Ка-



215-расм. Бир камерали газ редукторининг схемаси:

1 — редуктор корпуси; 2, 7 — манометр; 3, 9 — пружиналар;  
4 — юқори босимли камера; 5 — эҳтиёт клапани; 8 — куйи босимли  
камера; 10 — винт; 11 — мембрана; 12 — шток

мерадаги босим манометр 7 орқали кузатилади. Эҳтиёт клапани б қамера 8 да газ босимининг ҳаддан ташқари ортиб кетмаслигининг олдини олади. Редукторни баллон винтелига улашдан олдин унинг уланыш винти пазлари мой, кирдан тозаланиб ва штуцер тешигининг очиқлиги кузатилиб, фибра қистирмаси жойига қўйилиши лозим.

Амалда РА-55, АБО-5 ацетилен ва РК-53, РК-53 БМ кислород редукторларидан кенг фойдаланилади.

Ацетилен редукторларининг корпуси оқ рангга, кислород редукторлариники ҳаво рангга бўялади.

Юқорида кўрилган бир босқичли (битта камерали) редукторлардан ташқари, икки босқичли редукторлар (икки камерали) ҳам бор. Уларда газ босими икки босқичда пасаяди. Масалан, кислород редукторида биринчи босқичда 15 дан 5 МПа гача, иккинчи босқичда 5 МПа дан иш босимигача пасайтирилади.

Икки босқичли редукторлар белгиланган босимни анча аниқ сақлаб, иш жараёнида газ босимини тез-тез ростлаб туришининг ҳожати йўқ. Лекин конструкция бир мунча мураккаброқдир.

Кислород ва уни олиш. Маълумки, кислород одий шароитда рангсиз ва ҳидсиз газ бўлиб, ҳаводан бир оз оғир ( $1 \text{ м}^3$  массаси 1,33 кг) бўлган актив элемент. Кислород асосан ҳаводан (маълумки, ҳавонинг 78,08% и азот, 20,95% и кислород, 0,94% и инерт газлар, қолган қисми водород ва бошқа газлардан иборат) олинади.


Бунинг учун ҳавони маҳсус курилмадаги фильтрлардан ўтказилиб, чанг, углерод (II) оксидидан тозаланиб, қуритилгач, компрессорда 20 МПа босимгача сиқиб, соитгичлардан ўтказиб суюлтирилади.

Суюлтирилган ҳаводан азотни ва инерт газларни ажратишда уларнинг қайнаш ва буғланиши температуралари фарқидан фойдаланилади. Маълумки, нормал шароитда суюқ азотнинг қайнаш температураси  $\sim 196^\circ\text{C}$ , суюқ кислородники  $\sim 182,9^\circ\text{C}$ . Шу боисдан унинг буғланишида аввало газдан азот ажралади, кейин эса кислород аралашади, кислородни газгольдерларга, улардан эса кислород баллонларига 15 МПа босимда тўлдириб, заводдан истеъмолчига юборилади.

ГОСТ 5583—78 бўйича техник кислород тозалигига кўра 1-нав (99,7%  $\text{O}_2$ ), 2-нав (99,5%  $\text{O}_2$ ) ва 3-нав (99,2%  $\text{O}_2$ ) га бўлинади. Баллонлар ҳаво ранг ёки яшилга бўялиб, сиртига оқ ранг билан кислород деб ёзиб қўйилади.

**Пайвандлаш горелкалари.** Ёнувчи газларни маълум нисбатда кислород билан аралаштириб, барқарор газ аланга олишига хизмат этувчи асбобга горелка дейилади. ГОСТ 1077-19 га биноан горелкалар конструкциясига, фойдаланиладиган газлар хилига, ишлатилишига ва аланга қувватига кўра ажралади. Горелка конструкциясига кўра инжекторли ва инжекторсиз хилига ажралади. Амалда кўпроқ ишлатиладиган горелкалар инжекторли горелкалар бўлиб, уларнинг кичик босимда ( $0,01$ — $0,02$  МПа), ўрта ва юқори босимда ( $0,01$ — $0,1$  МПа) ишловчи маркалари бор.

216-расм, а да инжекторли горелканинг схемаси келтирилган. Уни ишга тушириш учун аввал кислород вентили 3, кейин ацетилен вентили 4 очилади. Бунда кислород канал 1 орқали кириб, инжектор 5



**216-расм. Пайвандлаш горелкалари:**

*a* — инжекторлы горелка: 1, 2 — трубка; 3, 4 — вентиль; 5 — инжектор;

6 — аралаштириш камераси; 7 — трубка; 8 — мундштук;

*б* — инжекторсиз горелка: 1, 2 — трубка; 3 — вентиль; 4 — аралаштириш камераси; 5 — трубка; 6 — мундштук

нинг конусли тешигидан катта тезликда (~300 м/с) чиқишида канал 2 дан келаётган ацетиленни сўриб, камера 6 да аралашиб, мундштук тешигидан 100–140 м/с тезликда чиқишида ёндирилса, аланга ҳосил бўлади. Алангани заруриятга кўра ростлашда кислород вентили 3 ва ацетилен вентили 4 дан фойдаланилади. Инжекторли горелкаларнинг Г2-04; Г3-03; Г4 хиллари бор бўлиб, турли қалинликдаги металларни пайвандлашда фойдаланилади ва уларнинг алланга қувватини ростлаш учун учликлар қўшиб берилади.

61-жадвалда инжекторли горелкаларга қўшиб бериладиган учликлар ва пайвандланувчи металл қалинлигига кўра фойдаланиш рақамлари келтирилган.

216-расм, *б* да инжекторсиз горелкаларнинг схемаси келтирилган. Бу горелкани ишга тушириш учун аввало кислород вентили 3, кейин эса ацетилен вентили 3 очилади. Бунда кислород трубка 1 дан, ацетилен трубка 2 дан кириб, улар камера 4 да аралашади. Бу аралаш газлар мундштук тешигидан чиқишида ёндирилса, аланга ҳосил бўлади. Горелкага  $O_2$  ва  $C_2H_2$  0,01–0,1 МПа босимда киритилади. Бу горелканинг ГС-1 хили бўлиб, уларга ҳам «000,00,0» рақамли учликлар қўшиб берилади. Масалан, углеродли пўлатларнинг қалинлиги 0,1 мм гача бўлса, «000» рақамли учликтан, қалинлиги 0,2–0,6 мм гача бўлса, «0» рақамли учликтан фойдаланилади.


Параметрлари	Учликлар рақами									
	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Пайвандланувчи кам углеродлы пұлатлар қалинліти, мм	0,2–0,5	0,5–1,0	1–2	2–4	4–7	7–11	11–17	17–30	30–50	50 дан ортиқ
Ацетилен сарфи, л/соат	40–50	65–90	130–180	250–350	420–600	700–950	1130–1500	1800–	2500–4500	4500–7000
Кислород сарфи, л/соат	45–55	70–100	140–200	270–380	450–650	750–1000	1200–2000	–2500	3000–5000	4700–9300
Газнинг горелкага кириш босими, МПа							1650–2800			
ацетилен				0,001–0,1			0,01–0,1		0,03–1	
кислород	0,15–0,30	0,15–0,30		0,2–0,3			0,2–0,35		0,25–0,5	

Горелкалар мундштуки иссиқликни яхши утказадиган М3 маркали мис ёки хромли бронзалардан тайёрланади. Уларнинг газ чиқарадиган тешиги нафис ишланади, сирти эса жилоланади. Бу сачрайдиган мегаэнергия томчиларининг ёпишишидан сақлайди.

**Пайванилаш алангаси.** 217-расмда ацетилен билан кислороднинг арамашимаси ёндирилганда ҳосил бўлган нормал аланга схематик рационаллаштирилган. У уч зонадан иборат:


I зона. Бу зонага аланга ўзаги (ядроси) дейилиб, унда деярли қизиган кислород ва диссоцияланган ацетилен бўлади. Бу зона кўйкимтир тиниқ рангли бўлади ва у ўз чегараси билан ажралиб туради.

II зона. Бу зонада ацетилен кислород ҳисобига ёна бошлайди:



Бу зонада ацетилен чала ёниб, бинафша рангли бўлади. Бу зонада металл оксидланишининг олдини олувчи CO ва H<sub>2</sub> газларидан иборат бўлиб, энг юқори температурага эга бўлади.

III зона. Бу зонага машъсал зонаси дейилади. Бунда CO ва H<sub>2</sub> атмосферали кислород ҳисобига тўла ёнади:



217-расм. Меърдаги ацетилен-кислород алангаси схемаси

Шуни қайд этиш жоизки, металларни пайвандлаш жойлари II зонада қиздирилиши учун бу зонани пайвандлаш зонаси деб ҳам айтилади. Пўлатларни пайвандлашда  $\text{CO}_2$ ,  $\text{H}_2\text{O}$  буғлари темирни оксидлайди. Шунинг учун бу зона оксидловчи зона дейилади.

Аланга турлари (218-расм):

нормал алангада  $\frac{\text{O}_2}{\text{C}_2\text{H}_2} = 1,1 - 1,2$  бўлади.


Аксари металлар ва уларнинг қотишмалари нормал алангада пайвандланади.

Агар  $\frac{\text{O}_2}{\text{C}_2\text{H}_2} > 1,1 - 1,2$ , яъни  $1,3 - 1,5$  бўлса, бундай аланга оксидланувчи аланга дейилади.

Бу хил алангадан латунларни пайвандлашда фойдаланилади. Бунда оксид парда ҳосил этилиб, заҳарли рухнинг буғланиши олди олинади.

Агар  $\frac{\text{O}_2}{\text{C}_2\text{H}_2} < 1,1 - 1,2$  бўлса, бундай аланга углеродлантирувчи аланга дейилади. Бу аланга тутаб ёниб, чўзилган қизғиш тусли бўлади. Бу хил алангадан кўп углеродли пўлатлар, чўянларни пайвандлашда фойдаланилади.

Металларни нормал алангада пайвандлашда металл ванна  $\text{CO}$  ва  $\text{H}_2$  қайтарувчи газлар мұхитида бўлгани шароитида бу газлар металл ваннани ҳавонинг зарарли таъсиридан сақлайди ва металлни оксидларидан қайтаради. Агар аланга оксидловчи бўлса, кислород пўлат таркибидаги  $\text{Si}$ ,  $\text{Mn}$ ,  $\text{C}$  ва бошқа элементларни жадал оксидлайди. Айниқса, металлда эриган  $\text{FeO}$  нинг бир қисми ваннадаги  $\text{Si}$ ,  $\text{Mn}$ ,  $\text{C}$  лар билан реакцияга кириб,  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{MnO}$  ва бошқа оксидлар ҳосил этади ва улар ўзаро бирикиб, шлакка ўтади. Лекин ваннада қолган  $\text{FeO}$  нинг қисми чок металлнинг механик хоссаларини, айниқса, қовушоқлигини пасайтиради. Шу билан бирга борувчи  $\text{Fe}_3\text{C} + \text{FeO} \rightarrow 4\text{Fe} + \text{CO}$  реакция оқибатида ажралувчи  $\text{CO}$  гази металлнинг сачрашини орттиради. Агар аланга углеродловчи бўлса, металл ванна темири  $\text{CO}$ ,  $\text{H}_2$  ва углеродлар билан реакцияга киради:



218-расм. Газ алангасининг турлари:

*a* — нормал аланга; *b* — оксидловчи аланга; *c* — углеродлантирувчи аланга; 1 — ўзак қисми; 2 — пайвандлаш зонаси; 3 — машъал

Хосил бўлган темир карбидлар чокда қолиб, унинг механик хосса-ларини ёмонлаштиради.

**Пайвандлаш технологияси.** Маълумки, металларни газ алангасида пайвандланувчи заготовкаларнинг пайвандлаш жойи чокбоб сим билан бирга газ алангада қиздирилиб эритилгач, металл ванна ҳосил этилади. Аланга бошқа ерга сурилишида ванна совиб, кристалланиб қотгач, пайванд чок бостирилади. 219-расм, *a* да газ алангасида пайвандлашда горелка чокбоб симнинг металлни пайвандлаш жойига нисбатан тутиб турилиши, 219-расм, *b* да эса металл қалинлигига кўра горелканинг тутилиши қиялик бурчаги мисол сифатида келтирилган.

Маълумки, пайвандланувчи металл хили ва қалинлигига қараб аввало аланга иссиқлиги (*Q*) ёндирилган газ хилига ва миқдорига боғлиқ бўлиб, уни қўйидагича эмпирик формула бўйича аниқланади:


$$Q = K \cdot S, \text{ л/соат},$$

бу ерда *K* — тажриба коэффициенти бўлиб, қора металл қотишмаларини пайвандлашда 100–120 л/соат, мис қотишмаларини пайвандлашда 150–200 л/соат ва алюминий қотишмаларини пайвандлашда 75 л/соат олинади; *S* — пайвандланувчи металл қалинлиги, мм.

Зарур бўлса аланга иссиқлигини ростлаш учун горелкага тегишли учлик ўрнатилади. Пайвандланувчи металл қалинлиги (*S*) га кўра чокбоб симнинг диаметри (*d*) қўйидагича олинади:


$$\text{агар } S < 10 \text{ мм бўлса, } d = 0,5S - 1 \text{ мм, } S > 10 \text{ мм бўлса, } d = \frac{S}{2} \text{ мм.}$$

Бундан ташқари пайвандланувчи металл қалинлигига, пайвандлаш усулига ва бошқа кўрсаткичларга кўра пайвандлаш жойлари маълум тарзда тайёрланади.



219-расм.


*a* — газ алангаси ва чокбоп симнинг пайвандлашдаги ҳолати;  
*b* — пайвандланувчи металл қалинлигига кўра горелканинг қиялик бурчаги



62-жадвалда мисол сифатида турли қалинликдаги кам углеродли пұлат листларни чокбоб сим билан газ алангасида учма-уч пайвандлашда уларни пайвандлаш жойларини қай тарзда көртиб тайёрлаш зарурилығы келтирилган. Шу билан бирга пайвандлаш жойларини мой, бүйік, зангардан тозалаб, уларнинг бириңи иккинчисига текис қуйиб (зарур бўлса, маҳкамлаб), пайвандлашга таҳт қилинади. Пайвандлашда эриган металлни оксидланишдан сақлаш, шунингдек, ҳосил бўлаётган оксидлардан металларни қайтариш мақсадида ваннага осон эрийдиган флюслар (бура, борот кислота, борий, калий, литий, натрий, фтор ва бошқа элементлар) тузлари пайвандлаш ваннасига қошиқда сепилади. Шунингдек, уларнинг кукунлари газсимон ҳолда бевосита горелка орқали алангага киритилади.

62-жадвал

Чок номи	Чок схемаси	Үлчамлари		
		металл қалинлиги, мм	зазор, мм	тұмпоктар, $a_i$
Четларни қапириб, суюқлантыриб қушиладынган металлсиз		0,5-1	—	1-2
Четларни бир қиялаб томонлама		1,5	0,5-2	—
Четларни қиялаб икки ишләмай томонлама		3-6	1-2	—
V шаклида		6-15	2-4	1,5-3
X шаклида		15-25	2-4	2-4
Хар хил қалинликдаги листларни V шаклида		5-20	3-4	1,5-2,5
Хар хил қалинликдаги листларни X шаклида		12-30	3-4	2-4



**220-расм.** Газ алангасида пайвандлаш усуллари ва горелка ҳамда пайвандлаш симининг ҳаракат траекторияси:

*a* — ўнгдан чапга пайвандлаш; *б* — чапдан ўнга пайвандлаш;  
1 — пайвандлаш сими; 2 — горелка

Масалан, чўянларни пайвандлашда қуруқ бура ( $\text{Na}_2\text{B}_4\text{O}_7$ ) дан фойдаланилади. Бунда у  $\text{Na}_2\text{O}$  ва  $\text{B}_2\text{O}_3$  га парчаланиб, оксидлар билан реакцияга киришиб, уларни шлакка ўтказади. Алюминий ва унинг қотишмаларини пайвандлашда эса таркибида 50% калий хорид, 28% натрий хлорид, 14% литий хлорид, 8% натрий фторит булган АФ-4а маркали флюсдан фойдаланилади. Бу флюсни ишлатишдан аввал дистилланган сувда эритиб, пайвандлаш жой юзаларига ва чокбоб сим юзига суртилади. Мис ва унинг қотишмаларини пайвандлашда асоси бура булган кукун флюсларнинг БМ-1, БМ-2 маркаларидан фойдаланилади.


Пўлат буюмларни пайвандлашни бошлаш учун горелка 3 ни ўнг кўлга олиб, нормал аланга ҳосил қилинади. Кейин чокбоб симни чап кўлга олиб, пайвандлаш жойига қалинлигига кўра маълум бурчак остида аланга йўналтириб, аланга зонасига эса чокбоб сим киритилиб, металл ванна ҳосил этилиб, чок бостирила боради. Агар металл қалинлиги 5 мм дан юпқа бўлса, ўнгдан чапга қараб чок бостирилади. Агар пайвандланувчи металл қалинлиги 5 мм дан қалин бўлса, чапдан ўнга қараб чок бостирилади (220-расм). Бунда аланга пайвандлаш жойига йўналтирилиб, чокбоб сим эса горелка орқасида бўлади. Бу ҳолда аланга иссиқлигидан тўлароқ фойдаланиб, металл ванна ҳавонинг зарарли таъсиридан яхшироқ ҳимояда бўлади.

#### 20-§. Металл буюмларни термит ёрдамида пайвандлаш

Бу усулда металл буюмларни пайвандлашда термит деб аталувчи актив металлар ( $\text{Al}$ ,  $\text{Mg}$ ) кукунининг  $\text{Fe}$  ёки  $\text{Mn}$  кукуни билан аралашмаси ёндирилганда ажralган иссиқликдан фойдаланилади. Маса-

**221-расм. Термит ёрдамида пайвандлаш схемаси:**

1 — бункер; 2 — суюқланган термит;  
3 — қолип; 4 — пайвандланадиган рельслар



лан, рельсларнинг пайвандлаш жойларида за-  
зор қолдириб, ўтга чидамли материалдан тай-  
ёрланган қолипга учма-уч қилиб текис қўйи-  
либ, унинг устига тигель ўрнатилади. Кейин  
тигелга маълум миқдорда термит, масалан,  
20–23% Al билан 77–80% Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> аралашма кукуни киритилиб, ўт  
олдирилади. Бунда рўй берувчи шиддатли реакция бориб  
2Al+Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>=Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>+2Fe+Q натижасида кўп миқдорда иссиқлик ажра-  
либ оксидизлантирилган темир пайвандлаш жойига оқиб бўшлиқни  
тўлдиради. Ўта қизиган суюқ темир, рельсни пайвандлаш жойларини  
қиздириб суюқлантиради, кейин совиб ва кристалланиб пухта чок  
ҳосил бўлади (221-расм). Чок метали обдон совигач қолипни бузиб,  
пайвандланган рельс олинади. Бу усулдан металл заготовкалар олишда  
сирт юзаларини маҳсус ҳоссали металлар билан қоплашда ва бошқа  
ҳолларда қўлланилади.

### 43-боб

## МЕТАЛЛ БУЮМЛАРНИ ТЕРМО-МЕХАНИК УСУЛЛАРДА ПАЙВАНДЛАШ

### 1-§. Электр-контакт усулда пайвандлаш


Бу усулда металларни пайвандлаш учун пайвандланадиган заготов-  
калар 1 пайвандлаш машинасининг қисқичлари 2 га қисилиб, маҳсус  
механизм воситасида бир-бирига яқинлаштирилиб контактланган, зан-  
жирга катта ток (1000–10000 А) юборилади. Бунда Жоуль-Ленц қону-  
нига мувофиқ маълум миқдорда иссиқлик ажралади:

$$Q = 0.4 \cdot I^2 \cdot R \cdot t.$$

Бу ерда  $I$  — пайвандлаш токи, А;  $R$  — ток занжирининг умумий қар-  
шилиги, Ом;  $t$  — ток ўтиш вақти, с.

Пайвандланувчи заготовкаларнинг умумий қаршилиги  $R_y$ , контакт  
юзининг қаршилиги  $R_k$ , қисқичлар билан заготовкалар орасидаги қар-  
шилик  $R_t$  ва заготовкаларнинг қисқичлардан чиққан қисмларининг  
қаршилигини  $R_i$  билан белгиласак, умумий қаршилиги  $R_k$ ,  $R_t$  ва  $R_i$   
қаршиликларининг йигиндисига тенг бўлади:

$$R_y = R_k + R_t + R_i, \text{ Ом}.$$



222-расм. Электр-контакт усулида пайвандлаш схемаси:

1 — заготовка; 2 — қисқич

$R_k$  қаршиликнинг  $R_1$  ва  $R_2$  қаршиликлардан катталиги сабабли бу юзада ажралувчи иссиқлик миқдори ҳам кўпдир.

Токнинг контактланган кичик юзадан ўтиб, иссиқлик концентрацияси ортишида бу юзалар қисқа вақтда қизиб, пластик ҳолатга ўтади. Агар бу ҳолатдаги металл заготовкалар маълум куч билан бир-бирига қисилганда пластик деформацияланиб, янги контакт юзалар ҳосил бўлиши билан, юзалар-даги оксид пардалар ажралиб бир-бирига шу қадар яқинлашади, натижада атомлар ўзаро боғланиб пайвандланади (222-расм).


Пайвандланувчи металл заготовкалар материалига, шакли, ўлчамларига ва бошқаларга кўра ток зичлиги,  $j = 100 - 360 \text{ A} \cdot \text{мм}^2$ , босим,  $p = 5 - 15 \text{ MPa}$  ва токнинг ўтиш вақти  $t = 0,001 - 0,01$  сония оралигида бўлади. Шуни қайд этиш жоизки, заготовкаларни пайвандлашда иссиқликнинг таъсирий зонаси уларнинг иссиқлик сифимига, иссиқлик ўтказувчанлигига ва пайвандлаш усулига боғлиқ. Шу боисдан пайвандлаш жойи ва унга ёндашган жойларида структур ўзгаришлари бўлиши мумкин ва улар механик хоссаларига таъсир этади. Шунингдек, заготовкаларнинг бир-бирига қисувчи куч қийматининг ҳам чок сифатига таъсiri бор.

Металларни электр-контакт усулида пайвандлаш чок сифатининг яхшилиги, механизациялаштириш ва автоматлаштириш мумкинлиги, иш унумининг юқорилиги туфайли машинасозликнинг турли тармоқларида, қурилишда ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади.

Металларни пайвандлашнинг электр-контакт усули учма-уч, нуктали ва роликли пайвандлаш хилларига ажратилади,

**Учма-уч пайвандлаш.** Металларни учма-уч пайвандлашда пайвандланувчи заготовкалар материали, шакли, ўлчамлари, чокдан кутилган пухталикка кўра: пайвандлаш жойларини юқори пластик ҳолатича қиздириб, босим билан ёки суюлтириб пайвандлаш турларига бўлинади (223-расм).

**а) Пайвандлаш жойларини юқори пластик ҳолатигача қиздириб босим билан пайвандлаш.** Бу усулда заготовкаларни пайвандлашда пайвандланадиган жойларни аввало занг, мой, бўёқ ва кирлардан тозаланиб, сўнгра юзалари ўзаро мослаштирилади. Кейин улар пайвандлаш машинасининг қисқичларига қисилиб, бир-бирига кичик босим билан контактланади-да занжирга зарурый ток юборилади. Контакт юзалардан кучли ток бир неча секунд ўтишида контакт юзалар қизиб, юқори пластик ҳолатга ўтиши билан ток занжири узилади. Кейин эса



223-расм. Металларнинг қаршиликлари ҳисобига учма-уч пайвандлаш машинасининг схемаси (а):

1 — станина; 2 — плита; 3, 7 — заготовка; 4, 6 — кисқичлар;

8 — пайвандлаш трансформаторининг иккиламчы чулғами;

б — пайвандлаш жойларини пластик ҳолга келтириб учма-уч пайвандлаш цикли; в — пайвандлаш жойларини суюқлантириб учма-уч пайвандлаш циклограммалари

босим орттириб борилади. Заготовкаларнинг контакт юзали эзила бориб, улар шу қадар яқинлаштирилади, бунда атомлар ўзаро боғланиб пайвандланади. Кейин босим олингач пайвандланган заготовка ажратилади. 223-б расмда пайвандлаш жойларини пластик ҳолга келтириб учма-уч пайвандлаш цикли келтирилган.

#### **б) Пайвандлаш жойларини суюлтириб, босим остида пайвандлаш.**

Бу усулдан мураккаб шаклли турли кўндаланг кесим юзали кам углеродли, кам легирланган пўлатлар, алюминий ва мис қотишмалар, шунингдек тезкесар пўлат заготовкаларни пайвандлашда фойдаланилади. Бу усулнинг икки хили мавжуд бўлиб, булардан бири узлуксиз пайвандлаш бўлса, иккинчиси узлукли пайвандлашдир.

**Узлуксиз равишда пайвандлаш.** Бу усулда юзаларни суюлтириш билан пайвандлашда заготовкаларни пайвандлаш машина қисқичига ўрнатишида оралиғида зазор қолдирилиб, катта кучли ток занжирга уланади-да, уларнинг бирини иккинчисига яқинлаштирилади. Бу ҳолда заготовкаларни аввалига кичик юзалар бўйича контактлантирилади, улардан ток ўтганда ўта қизиб эрийди ва ҳатто қайнайди ҳам. Бу ҳолда металлнинг бир қисми магнит майдони таъсирида ташқарига отиласди ҳам. Қачонким пайвандланувчи юзалар тозаланиб текис суюқлангач, улар бир-бирига бир мунча каттароқ босимда босилади. Бу усулдан бир хил типдаги заготовкаларни пайвандлашда кенг фойдаланилади.

**Пайвандлаш жойларини узлукли суюлтириб пайвандлаш.** Бу усулда заготовкаларни пайвандлаш машинасининг қисқичига ўрнатиб ток занжирига токни улаш билан улар бир-бирига қисқа вақт ичиди бир неча бор kontaktlab ажратилади. Заготовканни пайвандлаш юзи тўла су-


юқланғач, ток занжири узилиб, заготовкалар бирини иккинчисига маълум вақт босим остида сиқиб пайвандланади. Пайвандлаш жараёнида пайвандлаш жойидаги суюқланган металлнинг бир қисми оксидлар ва бошқалар билан бирга ташқарига сиқиб чиқарилади.

223-өрасмда пайвандлаш жойларини суюлтириб учма-уч пайвандлаш циклограммаси келтирилган. Юқоридаги маълумотлардан маълумки, металларнинг пайвандлаш жойларини суюлтириб пайвандлаш суюлтирмай пайвандлашга қараганда қуйидаги афзаликларга эга.

1. Пайвандлаш жойларини оксидлар, мой ва бошқа ифлосликлардан тозалашга ва уларнинг пайвандлаш юзаларини мослаштиришга зарурият қолмайди ва катта юзаларни ( $10000 \text{ mm}^2$  гача) пайвандлаш мүмкін бўлади.

2. Мураккаб кесим юзали, бир хил ўлчамли ва турли металларни пайвандлашда ҳам сифатли чоклар олинади.

**Нуқтали пайвандлаш.** Бу усулдан қалинлиги  $0,5\text{--}5 \text{ mm}$  гача бўлган металларни устма-уст қилиб, нуқталар билан пайвандлашда кент фойдаланилади. Бунинг учун металл листларнинг бирини пайвандлаш машинасининг пастки электроди устига, иккинчи листни унинг устига қўйиб, устки электродни унга тушириб, маълум босим билан сиқилгач, зарурий ток занжирга юборилади. (224-расм, а). Катта кучли ток контакт нуқталардан ўтишида пайвандланувчи заготовкаларнинг устки қисми ички қатламига кўра секинроқ қизий бориши сабабли листларнинг электрод билан контактли юзалари контакт нуқтага ёндашган зоналари юқори пластик ҳолатга ўтганда ўзаги суюқланади. Бунда



224-расм. Нуқтали пайвандлаш схемаси:

- а — устма-уст пайвандлаш: 1 — трансформатор; 2 — чок;  
3, 4 — электродлар; 5, 6 — пайвандланувчи листлар;  
б — бир томонлама нуқтали пайвандлаш: 1 — устки лист;  
2 — остики лист; 3 — ўриндиқ; 6 — нормал иш циклограммалари


суюқланган ўзак металли босим остида кристалланиб, нүкта бўйича пайвандланади, кейин эса зарур бўлса бошқа жойини пайвандлаш учун устки электрод кўтарилиб, пайвандлаш жойи электрод тагига сурилиб, жараён такрорланади. Электродлар сонига кўра бир вақтда бир ва бир неча нүкталар пайвандланиши мумкин.

224-расм, б да бир томонлама ўрнатилган электродлар билан пайвандлаш кўрсатилган. Ток устки ва пастки листлар 1 ва 2 орасида тақсимланиши ҳисобига листларни пайвандлаш жойи зарур температурага қизийди. 224-расм, в да нормал иш цикли диаграммаси келтирилган.

Нүктали пайвандлашда сифатли чоклар олиш учун пайвандлаш жойлари занг, мой, бўёқ ва бошқа кирлардан тозаланади, бир-бирига текис ётиши лозим. Одатда бу усулда пайвандлашда углеродли ва кам легирланган пўлатларни нисбатан кичик зичликдаги токда ( $80-150$   $A \cdot mm^2$ ), кичик босимда ( $15-40$  МПа) ва  $0,5-3$  сонияда текис қиздириб пайвандланади. Кўп легирланган пўлатлар, алюминий, мис ва уларнинг қотишмаларини каттароқ зичликдаги токда ( $160-400$   $A \cdot mm^2$ ), каттароқ босимда ( $100-150$  МПа),  $0,1-1,5$  сонияда текис қиздирилиб пайвандланади.

**Роликлар ёрдамида пайвандлаш.** Бу усулдан қалинлиги  $0,8-3$  мм гача бўлган металл резервуарлар, баклар каби идишларни кўплаб тайёрлашда пўлат, Al, Cu қотишмаларидан фойдаланилади. 225-расм, а да роликлар ёрдами билан пайвандлаш машинасининг схемаси келтирилган.

Бу машиналарда электродлар ўрнига  $40-350$  мм ли мис роликлар 2 ўрнатилади. Пайвандланадиган листлар 5 ва 4 роликлар билан ўзаро сиқилгач, трансформатор 1 дан кичик кучланишли катта ток ( $1000-2000$  A) юборилганда контакт юзаси зарур температурагача қизийди.



225-расм. Роликлар билан пайвандлаш машинасининг схемаси:

а — машина схемаси: 1 — трансформатор; 2 — роликлар; 3 — пайванд шоч; 4, 5 — пайвандлашувчи листлар; б — токни узлуксиз ва узлукли пайвандлаш циклограммалари

Роликлар қарама-қарши томонга айланганда листлар роликлар орасында сурилиб, пайвандлана бошлади. Металларни узлуксиз пайвандлашда листлар муайян тезликтен сурилиб, роликлардан ток узлуксиз ўтиб туради. Бунда листлар ўта қизиганда чок сифати бирмунча ёмонлашади ва роликлар тезроқ ейилади.

Узлукли пайвандлашда роликлар тұхтосыз айланади ва ток узлукли берилади. 225-расм, б да узлуксиз ва узлукли чоклар ҳосил қилиш циклограммаси көлтирилған.

Пайвандлаш режимларининг параметрлари ( $i$ ,  $P$ ,  $t$ ) нүктали пайвандлаш каби металл хилига, хоссаларига, қалинлигига қаралади. Лекин бу ерда умумий ток кучи нүктали пайвандлашдагига қараста бир оз каттароқ белгиланади. Чунки бунда токниң бир қисми олдинги ҳосил бўлган чок участкаси орқали шунтланади. Масалан, 2 мм қалинликдаги пўлат листларни узлукли пайвандлашда берилувчи босим қиймати  $P = 450 \text{ кг.к/мм}^2$  (4500 МПа) га етади. Ток импульсига давом этиш вақти 0,16–0,24 с, танаффус вақти эса 0,08–0,12 с.

Умумий ҳолда материал қалинлигига кўра ток кучи 2000–5000 А, босим 400–600 кг.к/мм<sup>2</sup> атрофида олинади. Бунда пайвандлаш тезлиги минутига 3,5 м бўлади.

Бу усулнинг камчиликлари сирт юзасининг тайёрланиши, пайвандланувчи металл қалинликларининг бир хиллиги ва бошқалардан иборат.


Металларни учма-уч пайвандлашда МС-403, МС-502, нүктали пайвандлашда МТ-4001, ролики пайвандлашда МШ-1001, МШ-1601 маркалар машиналардан фойдаланилади.

Шуни қайд этиш лозимки, Al, Pb, Cu, Ni, Ag, Au, Zn ва бошқа шу каби хоссали металлар ва уларнинг қотишмалари уй температурасида ва байзан манфий температураларда нүктали, ролики ва учма-уч пайвандланади. Бу усулда металл заготовкаларни пайвандлашдан аввал пайвандланадиган юзаларни кир, мой, зангдан тозалаб, текислаб мослаштирилади. Кейин пайвандлаш машинасининг пуансон училклари оралиғида ўрнатилиб, уларни зарур босим билан бир-бирига қисилади. Бунда юзалар эзилиб, шу қадар яқинлашади, бунда металл боғланиш бориб, пайванд чок ҳосил бўлади.

## 2-§. Газ алансидаги қиздириб, пресслаб пайвандлаш

Бу усулда заготовкаларнинг пайвандлаш жойлари кўп алангали горелка ёрдамида юқори пластик ҳолга келгунча ёки суюқлангунча қиздирилади. Кейин заготовкалар пневматик ёки гидравлик қурилма воситасида ўқлари бўйлаб бир-бирига 15–25 МПа босим билан қисилади, бунда улар атомлар аро боғланиб пайвандланади (226-расм).

Бу усулдан газ, нефть қувурлари, рельслар, валлар каби заготовкаларни учма-уч пайвандлашда фойдаланилади. Бу усулнинг камчилиги қурилманинг мураккаблиги, иш унумининг пастлигидир.



226-расм. Газ алангасида қиздириб, пресслаб пайвандлаш машинасининг схемаси:


1 — құзғалмас қисқич; 2 — күп аланғали горелка; 3 — құзғалуучы қисқич;  
4 — буюмлар; 5 — компрессор

### 3-§. Диффузион пайвандлаш

Металларнинг контакт юзалари юқори температурага қиздирилғанда атомларнинг үзаро диффузияланиши туфайли пайвандланиши диффузион пайвандлаш дейилади. Бу усулда радио ва электротехника, асбобсозликда ва бошқа соҳаларда металларни пайвандлашда көнг фойдаланилади.

Пайвандланувчи металлар занг, мой, бүёқлардан тозаланиб, ҳавоси сүрилгач ( $10^{-1}$ — $10^{-3}$  Па босимли) қурилма камерасига киритилади ва зарур температурага қиздирилали, кейин муайян босим билан сиқилиб, маълум вақт сақланади (бунда бир хил металларни пайвандлашда қиздириш температураси  $t = (0,5\text{--}0,8)T$ , оралиғида, ҳар хил металларни пайвандлашда эса  $t = (0,5\text{--}0,7)T$ , оралиғида, босим металл хилига күра 3—100 МПа бўлади).

Бундай шароитда пайвандланувчи юза атомлари диффузияланаб атомлар аро боғланиши содир бўлади (227-расм). Масалан, титан қотишмаларини пайвандлашда қиздириш температураси 800—1000°C, босим 5—10 МПа, қиздириш вақти 5—10 минут бўлади. Бу усул бир хил ва турли хил метал-



227-расм. Диффузион пайвандлаш схемаси:

1 — вакуум камера; 2 — индуктор;  
3 — пайвандланувчи металлар;  
4 — шток; 5 — ричаг

лар, шунингдек, бошқа усулларда пайвандланмайдиган, қийин эрийдиган, пластиклиги кичик металларни (масалан, Ti ни Al, Cu ни Mo билан, W ни Ni билан) пайвандлашга имкон беради.

## 44-боб

### МЕТАЛЛ БҮЮМЛАРНИ МЕХАНИК УСУЛЛАРДА ПАЙВАНДЛАШ


#### 1-§. Совуқлайин пайвандлаш

Юқори пластик металларни совуқ ҳолида босим остида пластик деформациялаб бириткиришга *совуқлайин пайвандлаш* дейилади.

Бу усулда диаметри 05–15 мм гача бўлган Al, Cu, Ni, Mg, Au ва уларнинг қотишмаларидан олинган симлар, чивиқлар, юпқа деворли трубалар учма-уч қилиб, юмалоқ ёки тўғри тўрт бурчакли пуансон билан зарур босимда пайвандланади (228-расм).

Шуни қайд этиш жоизки, заготовкаларни бир-бирига деярли босим билан қисишида пайвандлаш юзаларидан оксид пардалар парчаланиб, юзалар атом радиуслари ўлчамларигача яқинлатиб пайвандланади. Бу усулда металларни пайвандлашда пайвандланувчи материал хоссасига ва қалинлигига кўра берилувчи босим қиймати мис учун 2000 МПа олинали. Бу усул пайвандлашда сарфланадиган энергиянинг камлиги, пайвандланган металлар хоссасининг унча ўзгармаслиги, жараённи автоматлаштириш мумкинлиги ва иш унумининг юқорилиги сабабли радио ва электротехник деталларни пайвандлашда кенг фойдаланилади.

#### 2-§. Ишқалаб пайвандлаш



Бу усулда пайвандланувчи заготовкалар торец юзалари бўйича ўзаро маълум тезликда ишқаланиб, механик энергия иссиқлик энергияга ўтишида ажralаётган иссиқлик ҳисобига қизиб, босим таъсирида пайвандланади. Бунинг учун пай-

228-расм. Совуқлайин пайвандлаш схемаси:


- 1 — пайвандлайдиган листлар;
- 2 — пуансон;
- 3 — ортиқ;
- 4 — пуфаксимон таянч юзалари

## 229-расм. Металларни ўзаро ишқалаш,

пластик деформациялаб пайвандлаш

схемаси:

- 1 — күзгалмас металл; 2 — қисқич;  
3 — ишқаланиш юзалари;  
4 — айлануувчи металл заготовка



вандланувчи заготовкаларнинг бири пайвандлаш машинасининг айлануувчи мосламасига, иккинчиси айланмайдиган қисмiga маҳкам ўрнатилади. Кейин заготовканинг айлануувчи мосламасига ўрнатилгани маълум тезликда айлантирилиб, унга заготовканинг иккинчиси ўқлари бўйлаб маълум куч билан қисилади.


Заготовкалар торецилари бўйича ишқалангандай юзалари бир неча секундда пайвандлаш температурасигача қизигач, контакт юзаларидағи оксид пардалар босим остида парчаланиб пластик формацияланиши натижасида пайвандланади. Бунда контакт юзасида ажралувчи иссиқлик миқдори материалларнинг ишқаланиш коэффицентига, айланиш тезлигига, босимга боғлиқ (229-расм).

Шуни қайд этиш жоизки, бу усулда фақат ўзаро айланиб, қисилган бир хил металл заготовкаларнинг ишқаланиши билангина эмас, балки турли хил материаллар (металл керамикани бир-бирига босим билан қисилган) ўзаро илгариланма-қайтма ҳаракат қилиувчи заготовкалар ҳам пайвандланади. Бу усулда заготовкаларнинг пайвандлаш юзаларини кир, зангдан тозалаш талаб этилмайди. Лекин пайвандланувчи заготовкаларнинг ўқи бир-бирига тўғри келиши шарт. Бу усул кесим юзаси  $50-10000 \text{ mm}^2$  бўлган чивиқлар, трубалар, пармалар, метчиклар заготовкаларини пайвандлашда қўлланилади. Масалан, диаметри 50 мм ли углеродли пўлат чивиқларни пайвандлашда заготовканнинг бир минутдаги айланиш сони 400, ўқи бўйлаб берилувчи босим кучи 100 кН, пайвандлаш вақти 2 с бўлади.

Сифатли чоклар олишда пайвандланувчи заготовкалардан бири-нинг иккинчисига ўқдошлиги билан пайвандланувчи металлар хилига, хоссасига, пайвандлаш кесим юзасига ва шаклига кўра пайвандлаш режимини тўғри белгилашнинг аҳамияти foят катта. Бу пайвандлашда куввати 10-20 ва 40 кВт ли МС-20, МСТ-35 ва МСТ-41 маркали пайвандлаш машиналаридан кенг фойдаланилади. Бу усул электр контактли учма-уч пайвандлашга қараганда қуйидаги афзаликларга эга:

1. Заготовкаларнинг пайвандлаш юзаларини мой, кир, занглардан тозаламаса ҳам бўлади.

2. Энергия сарфи 5-10 марта кичик. Бу ишларга одатдаги токарлик, фрезалаш, пармалаш станокларини мослаштириб фойдаланса ҳам бўлади.



230-расм. Ультратовуш ёрдамида пайвандлаш қурилмасининг схемаси:

- 1 — магнитострикцион тебраткич;
- 2 — ҷулғам;
- 3 — тўлқин узаткич;
- 4 — учлик;
- 5 — электрод;
- 6 — заготовка

### 3-§. Ультратовуш ёрдамида пайвандлаш

Бу усулдан қалинлиги бир неча микрондан 1,5 мм гача бўлган бир хил ёки турли хил металлар ва

уларнинг қотишмаларини устма-уст пайвандлашда приборсозлика, радиотехникада, самолётсозликда ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилади. Бу усулда металларни пайвандлаш учун пайвандланувчи листларни пайвандлаш қурилмасининг пастки учлигига устма-уст ўрнатилиди. Кейин қурилманинг устки учлиги билан маълум босимда қисилади-да, контактланган жойига ультратовуш частотасида (15–100 ктц) механик тебранишлар берилади. Натижада контакт юзаларидағи оксид пардалар парчаланиб, бир неча секунддан сўнг тоза контакт юза зарурий температурага қизиб пластик деформацияланиши натижасида улар жуда яқинлашиши сабабли атомлар боғланиб, пухта чок ҳосил бўлади. Масалан, мисларни пайвандлашда контакт зонада температура 600°C дан, алюминийни пайвандлашда 200–300°C дан ортмайди.


230-расмдан кўринади, магнитострикцион тебраткич 2га тўлқин узаткич 3 кавшарланган. Тўлқин узаткич учлиги 4 одатда асбобсозлик пўлатидан тайёрланган. У билан таянч 5 орасига пайвандланадиган листлар 6 қисилган. Листларнинг контакт юзасида механик тебранишлар ҳосил қилиш учун ўзгарувчан магнит майдони таъсирида ўлчамлари ўзгарадиган никелли темир (permaloy), кобальтли темир қотишмаларидан фойдаланилади. Бунинг учун чулғам юқори частотали ўзгарувчан ток манбаига уланади. Бунда материалда ўзгарувчан магнит майдони ҳосил бўлиб, материалнинг ўлчами даврий ўзгаради. Тебраткич 0-0 ўки бўйича тебранади (230-расмда тўлқин узаткич узунлиги  $\lambda$  ва тебранишлар амплитудаси  $\varepsilon$  ҳарфлари билан кўрсатилган). Металларни ультратовуш ёрдамида пайвандлашда УЗСМ-1 ва УЗСМ-2 маркази машиналардан кенг фойдаланилади.

### 4-§. Портловчи моддалар ёрдамида пайвандлаш

Металларни пайвандлашнинг бу усулидан конструкцион металл листларни маҳсус хоссали бошқа металлар билан пайвандлашда ва бошқа айрим ишларни бажаришда фойдаланилади. Бу усул портлатилган мод-

**231-расм. Портловчи модда ёрдамида пайвандлаш:**

1 — бикир асос; 2, 3 — заготовкалар;  
4 — заряд; 5 — детонатор



далар ҳосил қылган энергиядан фойдаланишга асосланган. Бу усулда пайвандланувчи листларнинг бирини қўзғалмас қилиб таянчга ўрнатилади. Иккинчиси эса унга нисбатан  $\alpha$  бурчак бўйича  $h$  оралиқда ўрнатилади ва унинг юзига бутун бўйи бўйлаб  $H$  қалинликда портловчи модда жойланади. Устининг бир чеккасига детонатор 5 ўрнатилади. Детонатор 5 заряди ёндирилиб, портловчи модда портлатилганда ҳосил бўлган газлар ва иссиқлик ажралиши билан ҳосил бўлган кучли импульс тўлқин лист 1 ни иккинчи листга 1,5–2 км/с тезлиқда  $\alpha$  бурчак бўйлаб катта босим (10 атм) билан уриб, юзаларидағи оксид пардалар парчаланиб ажралиши, пластик деформацияланиши оқибатида бутун юзалар бўйлаб яқинлашиб, бир неча микросекунда атомлар боғланиб пайвандланади. Бунда ҳосил бўлган чок металлнинг пластик деформацияланиши сабабли унинг пухталиги асосий металлар пухталигидан юқорироқ бўлади. Пайвандлаш режими портловчи модданинг портлаш тезлигига ва  $\alpha$  бурчагига боғлиқ бўлади (231-расм).

## 45-боб

### ДЕТАЛЛАР СИРТИГА КАМ ЕЙИЛАДИГАН ОТАШБАРДОШ МАТЕРИАЛЛАРНИ ПАЙВАНДЛАБ ҚОПЛАШ ВА КЎП УГЛЕРОДЛИ ЛЕГИРЛАНГАН ПЎЛАТЛАРНИ ВА ЧЎЯНЛАРНИ ПАЙВАНДЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

#### 1-§. Умумий маълумот

Турли хил машина деталлари (валлар, тишли ғилдираклар, кулачоклар ва бошқалар)ни кескичларнинг ейилиб ишдан чиққанларини тикиш ва иш шароитига кўра иш муддатини узайтириш мақсадида сирт юзалари кам ейиладиган материаллар билан қопланади.

Бу мақсадда деталлар сиртига қоплашга мўлжалланган материаллар маҳсус пўлат, чўян қўймалар, керамик ва кукун тарзидағи қаттиқ қотишмалар бўлади. Ҳозирда уларнинг 70 дан ортиқ маркали электродлари бор. Улар чивик, пластинка кўринишида, кукун тарзида бўлади. Қоплама материалларни деталлар сиртига қоплашда аввало уни 350–500°C температурада қиздириб, кейин эса масалан, электр ёй ёрдамида қоплама эритиб қоплангач, секин совитилади. Амалда қопламаларни электр ёй ёрдамида дастаки, автоматик флюс остида, ҳимоя газлар мұхитида ва бошқа усулларда қопланади. Шунингдек, деталлар юзига

металлар (пўлат, мис, алюминий, металлмас материаллар) суюлтирилиб, газ оқимида пуркаб қоплама олинади. Бунинг учун қопланадиган металл сим қурилмага киритилиб, қиздирилиб суюқлантирилгач, уни газ босимида қурилма сопласидан пуркаб, катта тезликда деталь юзига йўналтирилади. Бунда металл томчилари урилиши билан қоплама ҳосил бўлади. Бунда иссиқлик манбаи сифатида электр ёйдан, газ алангаси плазмадан фойдаланилади.

## 2-§. Кўп углеродли ва кўп легирланган пўлатларни пайвандлаш хусусиятлари

Кам углеродли ва кам легирланган пўлатлар яхши пайвандланиб, сифатли чоклар бостирилади. Пўлат таркибида углероднинг 0,25% дан ортишида, масалан, пўлатлар 45, 30ХГСА, 40ХНМА ларни одатдаги режимда пайвандлашда термик таъсир зона тобланиб, мартенсит структурага ўтиши боисидан бикр пайванд конструкцияни олишда бу зонада ҳосил бўлган катта зўриқиши кучланишлар таъсирида совуқлигига дарз кетиши мумкин. Бу хил пўлатларни пайвандлашда металл электрол қоплама (флюс) дан ва газлардан ажралаётган атомар водород металлга ютилиб, чокни дарз кетишга мойиллантиради. Шу боисдан пўлатларни пайвандлаб, сифатли чоклар олиш учун уларни пайвандлашгача маълум температурага қиздиримоқ керак.

Қиздириш температураси ҳақида I-бобнинг 3-ғ ида маълумот келтирилган. Маълумки, кўп легирланган, масалан, 10Х18Н9Т пўлатларни пайвандлашда чок метали иссиқликни ёмон ўтказиши сабабли, шунингдек кўпроқ вақт 500–800°C температура шароитида бўлиши оқибатида, аустенит структурали чок ва унга ёndoшган участкада доналар чегарасида хром карбитларининг ажралиши сабабли, коррозияяга бардошлиги бир мунча пасайиши мумкин. Натижада кристаллитлар аро коррозияланишга мойил бўлиб қолади. Бундай металларни электр ёй ёрдамида пайвандлашда бу ҳолнинг олдини олиш учун кичикроқ қувватли ёйда ва чок тагига мос таглик кўйиб пайвандлаш тавсия этилади ва пайвандланиб бўлингач, маълум вақт 1100°C температурага қиздириб, шу температурада маълум вақт сақлангач, сувда тобланади. Чунки бу қиздириш температурасида карбидлар аустенитда эриб, тез совутилишида аустенит структурада сақланади. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, аустенит пўлатларни электр ёй ёрдамида пайвандлашда чок метали совимаганда ҳам дарзлар ҳосил бўлиши мумкин. Чунки легировчи элементларнинг кўпчилигига кристалланиш температура оравлиги кенглиги, олтингугуртнинг кўплиги ва йирик чўзилган кристаллар бўлиши шунга олиб келади. Бу ҳолнинг олдини олиш учун электродларда ва чокбоб симларда металлардаги заарли элементларни камайтириш донлар майдаланишига кўмаклашади.

### 3-§. Чүянларни пайвандлаш


Маълумки, чүянлар ёмон пайвандланадиган қотишмадир. Лекин, айрим технологик хоссаларининг яхшилиги сабабли улардан мураккаб шаклли, ҳар хил ўлчамли қўймалар олишда кенг фойдаланилади. Чўян қўймаларда баъзан турли сабабларга кўра айрим нуқсонлар (ғовакликлар, дарзлар ва бошқалар) учрайди. Шу боисдан уларни бу нуқсонлардан ҳоли этишда, таъмирлаш ишларида пайвандлашда фойдаланилади. Шуни қайд этиш жоизки, чўянларда углероднинг, нометалл қўшимчаларнинг кўплиги, деярли мўртлиги сабабли уларни пайвандлашда сифатли чоклар олиш анча қийинчиликларни туғдиради. Айниқса, пайвандлашдан кейин чок жойида темир карбиднинг структурада бўлиши унинг қаттиқлигини кескин орттиради, мўртлашуви ва ҳосил бўлган ички зўриқиши кучланишлар катталигига сабабли дарз кетишидан ташқари уни кескичлар билан кесиб ишлаб бўлмайди. Юқорида қайд этилган ва этилмаган сабабларга кўра улардан сифатли чоклар олиш қийин бўлганлигидан бошқа кўпгина пайвандлаш усуллари яратилди.

Кўйида кенгроқ фойдаланиладиган усуллар ҳақида маълумот баён этилади.

Чўянларни қиздириб ва совуқлайин металл электродлар билан электр ёй ёрдамида пайвандлаш.

**1. Қиздириб пайвандлаш.** Бу усулда чўян буюмнинг характеристи ва ўлчамларига кўра пайвандлашдан аввал нуқсонли жойлари зубила билан маълум тарзда кесилиб, кир, ифлосликлардан тозалангач, печларда 600–700°C гача (тўла ёки пайвандлаш жойигина) бир текис қиздириб олинади (пайвандлашдан аввал буюмни қиздириб олишдан асосий мақсад пайвандлангач совиши тезлигини камайтириш билан чок дарз кетмаслигининг олдини олиб, чок сифатини яхшилашдир). Кейин 232-расмда кўрсатилгандек таг ва ён томонлари графит блоклари ёки пластинкалари билан ўралиб, қолип материаллари билан қолипланади.

Кейин 8–20 мм ли, узунлиги 700–900 мм, кремнийиси 3,5–4% ли чўян электрод билан металл қалинлигига кўра 400–1200 А ли токда ёй олди-



232-расм. Чўян детални қолиплаш схемаси:

1 – кути; 2 – пластинкалар;  
3 – қолип материалы

риб, чок бостирилади. Пайвандлаш жараёнида ваннага чүян ва бир оз ферросилиций бўлаклари киритилиб турилади. Зарурий қалинликдаги чок бостирилгач, секин совиши учун устига қуруқ қум тўкилади ёки асбест лист беркитилади. Буюм совигач, у ердан ажратилиб, керакли жойга узатилади.

Пайвандлашда пайвандлаш жойини маълум тарзда тайёрлаши ва қиздириш, керакли электродлардан фойдаланиш, ваннага ферросилиций киритиш ва секин совитиш сифатли пайванд чоклар олишни тъминлайди. Лекин кўп меҳнат талаб этиши, иш унумининг пастлиги сабабли амалда бу усул камдан-кам қўлланилади.

**Совуқлайнин пайвандлаш.** Бу усулда пўлат электродлар билан пайвандлаш чок пухталигига кафолат беринида оддий ва арzon усулини, пайвандлаш жойларини кертиб ишлашдан бўлак маҳсус тарзда тайёрлашни талаб этмаслиги, ҳар хил фазодаги чокларнинг бостирилиши сабабли пайвандлангандан кейин механик ишловга бериilmайдиган йирик чўян буюмлар, жумладан, болғалар станиналари, турбиналар корпусларини пайвандлашда бу усулдан фойдаланилади. Чўян буюмларни совуқлайнин элекстр ёй ёрдамида пайвандлашда юпқа қопламали кам углеродли пўлат электродлар билан пайвандлашда чокка ёндашган зонанинг ҳаддан ташқари қаттиқлигини бир мунча юмшатиш учун монель-металл (30% мис ва 70% никелли қотишмасидан) электродлардан фойдаланилади. Бунда ўзгармас токнинг тескари кутбига уланг тавсия этилади.

Кам углеродли пўлат электродлар билан чўян буюмларни совуқлайнин пайвандлашда асосий металлар билан суюқлантириб қўйиладиган металлнинг мустаҳкам бирикма бериши учун унинг четларига шахмат тартибда пўлат шпилькалар бураб қўйиб, олдин шпилькалар, сўнгра қисқа участкалар бўйича чок кертими пайвандланади.

**Чўянларни газ алангасида пайвандлаш.** Чўяни буюмларни тъмирлашда ацетилен-кислород алангасида пайвандлаш анча қулайдир. Бунда пайвандлаш жойи характеристига кўра алантага қувватини шундай олиш керакки, пайвандлаш ваннани углеродсизлантирмаслиги учун алантага ацетилен меъёрдан бир оз кўпроқ олинмоғи лозим. Буюмларни пайвандлашдан аввал пайвандлаш жойларини занг, мой ва кирлардан тозалаб, катта ўлчамлилари печда, кичиклари газ алантага 300–400°C температурага қиздирилади. Чокбоб сим сифатида чўян чивиқ олинади. Бу чивиқ таркибида кремний 3–3,5% бўлмоғи керак. Флюс сифатида, масалан, 50% сувсизланган бура, 47% карбонат натрий ва 3% ли кремнезем олинади. Буюм пайвандланиб бўлингач, уни секин совитиш учун устига қуруқ қум ёки асбест лист ёпилади. Натижада чўян структураси қўйма структурали бўлади. Бу усул оддийлиги учун кичик ҳажмли тъмирлаш ишларини бажаришда кенг қўлланилади.

## РАНГЛИ, ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН МЕТАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚОТИШМАЛАРИНИ ПАЙВАНДЛАШ

Маълумки, техниканинг турли соҳаларида рангли металлар ( $\text{Cu}$ ,  $\text{Al}$ ,  $\text{Mg}$ ) ва уларнинг қотишмалари (латунь, бронза, дуралюминий ва бошқалар), шунингдек, қийин эрийдиган металлар ( $\text{Ti}$ ,  $\text{V}$ ,  $\text{Ta}$ ,  $\text{Mo}$ ,  $\text{W}$  ва бошқалар) ва уларнинг қотишмаларидан анчагина фойдаланилади. Улардан тайёрланган буюмлар ўзларига хос хоссалари (актив оксидланиши, атмосфера газларини ( $\text{H}_2$ ,  $\text{N}_2$ ) ва бошқаларни ютиши, иссиқликни яхши ўтказиши, сирт юзаларида юқори температурада эримайдиган пухта оксидлар бўлиши ва бошқалар) туфайли сифатли чокларни пайвандлаб олишда айрим қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли уларни пайвандлашда турли тадбирлар кўришга тўғри келади.

### 1-§. Мис ва унинг қотишмаларини пайвандлаш

Маълумки, соф мис зичлиги  $8,94 \text{ кг}/\text{м}^3$ , суюқланиш температураси  $1083^\circ\text{C}$ , чўзилишга мустаҳкамлиги  $22$ – $24 \text{ МПа}$  бўлиб, ўзидан иссиқлик ва электрни яхши ўтказади (масалан, кам углеродли пўлатлардан иссиқликни 6 марта ортиқ). Шуни қайд этиш жоизки, мис қиздирилганда атмосферада  $\text{O}_2$  билан шиддатли бирикиб, оксидлар ( $\text{Cu}_2\text{O}$  ва  $\text{CuO}$ ) ҳосил қиласди.  $\text{Cu}_2\text{O}$  эса  $\text{Cu}$  билан суюқланиш температураси  $1064^\circ\text{C}$  ли эвтектика ( $\text{Cu}_2\text{O} + \text{Cu}$ ) ҳам беради. Суюқ мисни кристалланиш жараённида эвтектика доналари аро жойланиб мўртлаштиради. Шунингдек, мис суюқлигига  $\text{H}_2$  ни ҳам ютади. Бу ҳолда  $\text{Cu}_2\text{O}$  ва  $\text{H}_2$  ларни совиб кристалланаётганда реакцияга кириши сабабли сув буғлари ажралади. Сув буғларнинг чокдан ташқарига чиқмагани унда деярли катта босим ҳосил этиб, ғовакликлар беради (бу хил ғовакликларга «водород касали» ҳам дейилади).

Маълумки, техник мисда оз бўлсада  $\text{Pb}$ ,  $\text{Sb}$ ,  $\text{As}$ ,  $\text{Bi}$  лар борлиги ҳам пайвандланувчанингига путур етказади. Булар ҳаммаси қўшилиб чокда ички зўриқиши кучланишлар ҳосил этиб, дарз кетишига олиб келади.

Пайвандлашда флюс  $\text{Cu}_2\text{O}$  ни эритиб, уни ўзи билан боғлаб шлакка ўтади.

**Латунларни пайвандлаш.** Латунларни пайвандлашда мисни пайвандлашдаги қийинчиликларга қўшимча унинг таркибидаги рухни пайвандлашда заҳарли рух буғларининг ажралишидир. Шу боисдан латунларни пайвандлашда пайвандчининг заҳарланиши олди олинса-да, пайвандлаш шамоллатиб турилувчи хонада олиб борилмоғи керак. Латунларни пайвандлашда листни пайвандлаш усусларидан фойдаланилса, рух буғларининг ажралишини камайтирувчи тадбирлар кўрилиши лозим. Жумладан, газ алангасида пайвандлашда ацетилен билан бирга флюс (борли суюқлик) ҳайдалади. Бунда ванна сиртида ҳосил бўлган

бор ангидрид рух буғларини шлакка боғлаб ташқарига ўтишига қаршилик күрсатади. Шунингдек, оксидловчи алангада, вольфрам электрорд билан ҳимоя газлар муҳитида электр ёй ёрдамида, электроконтакт ва бошқа усулларда пайвандланади.

Шуни қайд этиш ҳам жоизки, латуннинг ўзидан иссиқликни ўтказувчанлиги мисдан пастроқ бўлгани сабабли қалинлиги 12 мм дан ортиқларини пайвандлашдан аввал 150°C гача қиздириш лозим.

**Бронзаларни пайвандлаш.** Маълумки, кўпинча бронзалардан турли мураккаб шаклли қуймалар олинади. Уларда турли технологик сабабларга кўра нуқсонлар учрайди. Уларни тикилашда пайвандлашдан фойдаланилади. Бунда мисни пайвандлашдаги каби қийинчиликлар бўлиб, легирловчи элементлар кўзиши ҳам мумкин.

Мисни пайвандлаш усулларидан бронзаларни пайвандлашда ҳам фойдаланилади. Масалан, ацетилен-кислород алангасида пайвандлашда пайвандлаш сими сифатида фосфорли бронза симдан, флюс ёрдамида, ҳимоя газлар муҳитида бронза чивиқлар билан электр ёй ёрдамида пайвандланади.

## 2-§. Алюминий ва унинг қотишмаларини пайвандлаш

Маълумки, соф алюминий зичлиги 2,7 кг/м<sup>3</sup>, суюқланиш температуроси 660°C, чўзилишга мустаҳкамлиги 8–11 МПа бўлиб, иссиқлик ва электрни ўзидан яхши ўтказади, масалан, кам углеродли пўлатларга қараганда 3 марта ортиқ пластик металлдир. Қиздирилганда ранги ўзгармайди. Шу боисдан қиздирилганлик даражасини кўзда илғаш жуда қийин. Агар 400–500°C температурага қиздирилса, пухталиги кескин пасаяди. Шу боисдан улардан тайёрланган буюмлар бу шароитда массаси таъсирида синиши ҳам мумкин. Алюминийни (қотишмаларини) пайвандлаганда юзасида эриш температураси 2050°C бўлган юпқа Al<sub>2</sub>O, оксид парда бўлиши, айниқса, катта қийинчилик туддирали, чунки пайвандлашда ҳар бир томчи металл оксид парда билан ўралиб, пайвандланувчи металл билан пухта чок олишга йўл қўймайди. Шунингдек, пайвандлашда ҳаво намлигига H<sub>2</sub> ни ютиши ҳисобига совиганда газ ғовакликлар, ҳали совимаганда эса дарзлар ҳосил бўлишига мойиллашади.

Шу сабабли Al ва унинг қотишмаларининг пайвандланиладиган жойларини пайвандлашда аввал яхшилаб пўлат сим чўтка билан, бензин ёки каустик сода эритмасида тозалангач, сувда ювилади. Пайвандлашда металл ваннани оксид пардадан тозалаш ва оксидланишидан сақлаш учун флюс кукунидан фойдаланилади. Бундай флюс таркибида 50% KCl, 28% NaCl, 14% LiCl ва 8% NaF бўлади. Пайвандлаш сими таркиби пайвандланувчи металл таркибига яқин олиниб, металл таглиқда пайвандланади. Шуни қайд этиш жоизки, Al ва унинг қотишмаларини пайвандлашнинг асосий усулларига ацетилен-кислород алангасида алюминий чивиқ билан флюс ёрдамида, ҳимоя газлар муҳитида алюминий

чивиқ билан вольфрам электродда электр ёй ёрдамида ўзгармас токда, электр контакт усулларда пайвандлашларни күрсатиш мүмкін. Қайси усулдан фойдаланиш буюм қалинлигига, шаклига, ўлчамларига ва чок хилига боғлиқ. Шуни қайд этиш жоизки, термик пухталанмайдыган қотишмалари ( $\text{AMg}$ ,  $\text{AMn}$  ~3 ва бошқалар) осон пайвандланса, термик пухталанадыган дуралюминий типдаги қотишмаларни пайвандлашда ўта қизиши туфайли механик хоссалари кескин пасаяди. Бу ҳолга зытибор бериш, ўта қизишининг олдини олиш керак.

### 3-§. Магний ва унинг қотишмаларини пайвандлаш

Магний зичлиги  $1,74 \text{ кг}/\text{м}^3$ , суюқланиш температураси  $651^\circ\text{C}$ , чўзишлишга мустаҳкамлиги  $17\text{--}21 \text{ МПа}$  бўлган пластик металл. Техникада  $\text{Mg}$  нинг  $\text{Cu}$ ,  $\text{Al}$ ,  $\text{Mn}$ ,  $\text{Zn}$  ли қотишмаларидан кенг фойдаланилди.  $\text{Mg}$  кислород билан шиддатли оксидланиб, суюқланиш температураси  $2500^\circ\text{C}$  дан юқори бўлган оксидлар ҳосил қиласи ва шунингдек, қотишмалари пайвандлашда қизиб,  $\text{N}_2$ ,  $\text{H}_2$  газларни ютади. Бу хусусияти пайвандлашда маълум қийинчиликлар туғдиради.

Одатда, магний қотишмаларни газ алангасида металл ва кўмир электродлар билан электр ёйда, ҳимоя газлар муҳитида электр ёй ёрдамида, электро-контакт усулларда пайвандланади. Газ алангасида, электр ёйда пайвандлашда тегишли чокбоб сим, металл оксидларнинг суюқланиш температурасини пасайтириш ва оксидланишдан сақлаш мақсадида флюс сифатида хлорли, фторли тузлар аралашмаларидан фойдаланилди.

### 4-§. Қийин эрийдиган металлар ва уларнинг қотишмаларини пайвандлаш

Маълумки, техникада юқори масъулиятли конструкцияларда қийин эрийдиган металлар ( $\text{Ti}$ ,  $\text{Zr}$ ,  $\text{Nb}$ ,  $\text{Ta}$ ,  $\text{W}$ ,  $\text{V}$ ,  $\text{Mo}$  ва бошқалар) ва уларнинг қотишмаларидан фойдаланилди. Улар қаттиклиги, шунингдек юқори температураларда атмосферадаги газларга кимёвий активлигининг юқорилиги, пайвандлашда ғовакликлар ва дарзлар ҳосил қилишга мойиллиги ва бошқа хусусиятлари сабабли сифатли чоклар олишда маълум қийинчиликлар туғдиради. Юқорида қайд этилган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг хилига, қотишмалар таркибига, қўшимчалардан тозалигига, пайвандлашда чок металининг ҳимояланганлик даражасига, технологик режимга ва бошқа кўрсаткичларга қаралади.

Қийин пайвандланадиган металлар ва уларнинг қотишмалари пайвандланувчанлигига кўра қуйидаги икки гурухга ажратилади:

I-гурухга  $\text{Ti}$ ,  $\text{Zr}$ ,  $\text{Nb}$ ,  $\text{V}$ ,  $\text{Ta}$  металлар ва уларнинг қотишмалари киради. Бу гуруҳдаги металлар ва уларнинг қотишмалари қиздирилганда дарз кетишга чидамли бўлиб, совуқлигига дарз кетишга мойил бўлади. Уларнинг совуқлигига дарз кетишга мойиллиги  $\text{H}_2$  билан боғлиқ. Чунки пайвандлашда унинг металл ваннада эрувчанлигининг

меъёрдан ортишида сув буғлари ажралиб, чокда босим ортиб қолади, шунингдек, металл ванна O<sub>2</sub>, N<sub>2</sub>, С лар билан тўйиниши, ўта қизитгандан доналарнинг катталашиши ва улар чегарасида мўрт фазалар ажралишлари натижасида мўртлашади.

2-гуруҳга Mo, W металлар ва уларнинг қотишмалари киради. Бу гуруҳга кирувчи металлар ва уларнинг қотишмаларини деформацияга қаршилигининг юқорилиги, пайвандлашда иссиқлик таъсирида сингиши, элементларга юқори даражада сезгирилиги туфайли қизиганида дарз кетишга мойил бўлади.

Шу сабабларни ҳисобга олган ҳолда пайвандлаб, улардан сифатли чоклар олиш мумкин. Бунинг учун пайвандланувчи металл, чокбоб сим ва суюқ металлнинг ҳимоялаш сифатига, қабул этилган пайвандлаш усули ва технологиясига, олинувчи пайванд бирикма конструкциясига қараб, маҳсус технологик усуllibардан фойдаланмоқ керак.

Кўпинча қийин эрийдиган металлар ва уларнинг қотишмаларини инерт газлар муҳитида кислородсиз флюслар остида электр ёй ёрдамида, электрон нурда пайвандлаш жойлари эритиб пайвандланади. Баъзи буюмлар вакуумда ва ҳимоя газлар муҳитида, диффузион ҳамда моддаларнинг портлаши ила босим билан пайвандланади.

## 47-боб

### ПАЙВАНДЛАНГАН БЮОМЛАРДА УЧРАЙДИГАН НУҚСОНЛАР, УЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ, ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ

#### 1-§. Пайвандланган буюмларда учрайдиган нуқсонлар

Пайванд чокларида учрайдиган нуқсонлар (ғоваклик, чала ҳосил қилинган чок, дарз, ғудда ва бошқалар) хилма-хилдир. Улар одатда ташқи ва ички нуқсонларга ажратилади:

1. *Ташқи нуқсонлар*. Буларга чок эни ва баландлигининг чизма талабига жавоб бермаслиги, чалалиги, ғуддалар, тошмалар, дарзлар, деформацияланиши оқибатида геометрик шаклнинг ўзгариши ва бошқалар киради.

2. *Ички нуқсонлар*. Буларга кўзга кўринмайдиган газ ва шлак ғоваклари, дарзлар, чала пайвандланган кемтиқ жойлар ва ҳоказолар киради.

Айрим нуқсонларнинг ҳосил бўлиши сабаблари билан танишиб чиқамиз:

а) чок эни ва баландлигининг чизма талабига мос келмаслиги. Одатда заготовкаларнинг пайвандлаш юзалари қониқарли даражада мослан-маслиги, пайвандлашда электрод ёки горелка ва чокбоб симнинг бир текис юргизиласлиги, пайвандлаш режимига риоя қилмаслик натижасида ҳосил бўлади;

б) чок ёнида кемтик жойлар бўлиши кўпинча пайвандлаш токи ошириб юборилганда ҳосил бўлади;

в) чала пайвандланган жойлар бўлиши технологияга риоя этмаслик ҳолларида учрайди;

г) гудалар, одатда, электрод ёки пайвандлаш симининг асосий металлар юзаси ҳали етарли даражада қизимасдан, суюқланиб оқиши ёки пайвандлаш металларининг ортиқча бўлиши натижасида учрайди;

д) ғовакларининг чок ваннасида ҳосил бўлишига одатда металлар кристалланаётган паллада унда эриётган газларнинг ( $O_2$ ,  $N_2$ ) тўла ажраби чиқишига ултурмаслиги, электрод қопламаларининг намлиги, газ аллангасининг нотўғри ростланганлиги, пайвандлаш юзаларида занг ва бошқулар бўлиши сабаб бўлади;

е) тоб ташлаш ва дарзлар бўлиши. Одатла заготовкаларни пайвандлашда, тез қизиб совушида ички зўриқиши кучланишлари ҳосил бўлади. Бу кучланишлар катта бўлиши, пайвандланган металларнинг тоб ташлаши ва байзан чокка яқин жойнинг тобланиши дарз кетишига олиб келади.

Пайвандлашда ҳосил бўлувчи нуқсонлар, ички зўриқиши кучланишлари қиймати заготовкаларнинг материалига, шаклига ва ўлчамларига, пайвандлаш усуllibарига, чокни ҳосил қилиш технологиясига ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

## 2-§. Пайванд буюмларининг сифатини кузатиш усуllibарি

Маълумки, пайванд бирикмаларининг сифати қатор кўрсаткичларга, жумладан, металларни металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашда пайвандланувчи металлар хилига, кимёвий таркибига, қалинлигига, электрод маркасига, типига, қоплама хилига, пайвандлаш усулига, режимига ва ишчи малакасига боғлиқ. Металларни бошқа пайвандлаш усуllibарида пайвандлаш ҳам бевосита юқоридаги кўрсаткичларга боғлиқлар. Шу боисдан айни кўрсаткичларнинг чок сифатига таъсирини ўрганиш муҳимдир. Масалан, пўлатларни пайвандлашда уларнинг таркибидаги пайвандланувчанлитигига салбий таъсир этувчи элементлар ( $C$ ,  $S$ ,  $P$ ) нинг миқдорига ва уларнинг жойлашиш характерига қарамоқ лозим, чунки улар миқдоридаги  $C > 0.25$  дан,  $S > 0.04\%$  дан ортиб, текис ток тақсимланмаса, пайвандлашда чок дарз кетиши мумкин. Шунингдек, аниқланганки, мартен печида олинган пўлат бессемер конвейеридан олинган пўлатдан, қайнамайдиган пўлат қайновчи пўлатдан яхши пайвандланади. Юқорида қайд этилган кўрсаткичлар яна пайвандлаш жойларини пайвандлашта тайёрлашга ва белгиланган технологиянинг бажарилишига боғлиқ. Маълумки, корхоналарда пайвандланган бирикмаларининг сифатини назоратчилар томонидан кузатиш маҳсус хонада чокдан ва бирикмадан кутилган техник талабларга кўра тегишли асбоблар ва приборлар ёрдамида амалга оширилади.

Күйида пайванд бирикмаларининг сифатини кузатишнинг асосий усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган:

**1. Пайванд бирикмаларнинг ташқи қиёфасини, чок ўчамларини кузатиш.** Бунда назоратчи баъзан лупа ёрдамида ундаги ташқи нуқсонлар (пайванд бирикманинг ўлчам ва шакл аниқлиги, ғоваклик, дарз, кертик жойлар, чокнинг текис бостирилмагани, чок ўлчами ва бошқалар) аниқланади.

**2. Чок зичлигини кузатиш.** Бунда назоратчи чокда нуқсонлар (чала пайвандланганинги, дарз, газ ва шлак кўшимчалари)ни аниқлади. Бу нуқсонларни аниқлашда энг оддий усул кўзда ёки лупа билан керосин ёрдамида кузатиш усули кенг қўлланилади. Масалан, керосин билан синаладиган буюмларнинг бир томонига сувда эритилган бўр суркалади, иккинчи томонига керосин яхшилаб ҳўлланади. Агар чок зич бўлмаса, бўр суртилган томонда керосин қора доғ ҳосил қиласди, бу жойни дарров белгиламоқ зарур, акс ҳолда бу қора доғ тарқалиб, нуқсон жойни аниқлаш қўйинланади. Шуни қайд этиш жоизки, синаловчи чок қалинлигига ва шаклига кўра керосин остида тутиш вақти 15 минутдан 2 соатгача бўлади. Одатда, аниқланган нуқсонлар кесилиб, бу жой пайвандланади.


Кўп ҳолларда идишларда чок зичлигини ҳаво ва сув босими ёрдамида ҳам аниқланади. Бунда пайванд бирикмали буюмга ҳаво ёки сув (техник шартга кўра) ёрilmайдиган босимда ҳайдалади. Бунда, масалан, буюмнинг ташқи сиртига суюқ совун суртилади-да, ички қисмига ҳаво маълум босимда ҳайдалганда суюқ совун суртилган сиртида (нозич жойда бўлса, шу жойда) ҳаво пуфакчалари кузатилади. Кичик буюмлардаги нозичликни аниқлаш зарур бўлса, у сувли идишга (сув сатҳидан 20–50 мм) ботирилади. Бунда ҳаво пуфакчалари ҳосил бўлган жой нозич жойни кўрсатади.

**3. Механик синаш.** Пайванд бирикманинг механик хоссаларини бу усулда синаш учун пайванд конструкция ёки махсус пайвандланган металл пластинкалар олинниб, улардан цилиндрик ёки яssi намуналар ГОСТ талабига кўра тайёрланади. Кейин уларни синаш машинасида синаб, асосий механик хоссалари ( $\sigma_s$ ,  $\sigma_o$ ,  $\delta$ ,  $\psi$ ) аниқланади. Агар уларнинг эгилишга қаршилигини аниқлаш зарур бўлса, яssi намуналар синаш машинасида дарз ҳосил бўлгунча статик юклаш остида эгилади. Бунда эгилиш бурчагига қараб хulosha чиқарилади. Намуналарнинг зарбий юклама учларга чидамлилигини аниқлашда эса тегишли ГОСТ намуналари маятник коперда зарб билан синдирилиб, зарбий қовушоқлиги аниқланади.

**4. Металлографик кузатиш.** Пайванд бирикмаларнинг чок ва унга ёндошган участкалари нуқсонларини аниқлашда бу усулдан фойдаланилади. Бунинг учун пайванд бирикмаларнинг чокли жойидан кўндаланг кесими бўйлаб бир неча намуналар кесиб олинниб, аввал макро ва микро шлифлар тайёрланади. Макрошлифларни кўп ҳолда лупа ёрда-

**233-расм. Рентген ва гамма нурлар ёрдамида чок сифатиши кузатиш схемаси:**

*a* — рентген нурида: 1 — рентген трубка; 2 — нур; 3 — чок; 4 — кассета; *b* — гамма нурида:  
1 — радиоактив элемент; 2 — құрғошин контейнер; 3 — нур; 4 — чок; 5 — плёнка; 6 — кассета



міда 20—30 марта катталаشتырилиб кузатиша макро нүқсонлар (дарз, ғоваклик, кимёвий нотекисликтер) кузатилади. Чуқурроқ кузатиши учун микрошлифларни бир неча юз марта катталаشتыриб, микроскоп остида кузатилади. Бу кузатиша структура таркиби, характеристи, эритилган чуқурлық, микродарзлар, микровакуумлар, кимёвий нотекисликтер ва бошқа микроскопик нүқсонлар аниқланади.

**5. Рентген ёки гамма нурлар ёрдамида кузатиши.** Бу усул билан масъулиятли пайванд бирикмалар чокининг сифати кузатилади. Мазкур синаш рентген ёки гамма нурлари чокнинг зич ерига нисбатан дарз, ғовакларда түрли тезликда ўтишига асосланған.

233-расмда рентген ва гамма нурлари ёрдамида кузатиши схемаси келтирилған. Ҳосил қилинған чокнинг орқа томонига фотоплёнкали кассета 4 қуйилиб, олд томонидан трубка 1 орқали рентген нурлари 2 юборилади. Кейин бу плёнка маҳсус реактивда ишланғанда нүқсонли жойлари қорайиб күрінади. Айниқса, газ ва нефть магистрал құвұллары чокларини кузатиша гамма нурлари (радиоактив кобальт-60) ҳосил құлувчы енгил ва арzon аппаратлар құл келади.

Радиоактив элемент 1 маҳсус құрғошин филофли ампулага жойланған бўлиб, гамма нурлари синалувчи чокка йўналтирилади (233-расм, *b*). Рентген усулидаги каби плёнкага туширилған чоклардаги ғоваклар, дарзлар, уларнинг шакли ва ўлчамлари аниқланади. Радиоактив изотоплар билан иш олиб бораётган ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун масофадан бошқариладиган құрғошин контейнерлар қўлланилади. Улардаги ампула радиограф учун хавфсиз бўлган масофадан бошқарилади.

**6. Магнит оқими ёрдамида кузатиши.** Бу усул пайвандланган металл буюмларнинг нүқсонсиз ва нүқсонли жойларидан магнит куч чизикларининг турлича ўтиш хусусиятига асосланған. Буюмларни синашда чок устига маълум миқдорда темир ёки  $Fe_3O_4$  кукуни (силжувчанлигини ошириш мақсадида уларнинг минерал мойли ёки керосинли суспензияси) ўтказилади. Кейин буюмдан электр магнит ёки унга ўралган сим орқали маълум амперли ўзгармас ток ўтказиб магнитланғанда магнит куч чизиклари магнит ўтувчанлиги паст бўлган нүқсонли жойида тарқалиб, йўналиши ўзгаради. Натижада металлнинг нүқсонли жойи-




234-расм. Буюмда магнит оқимишинг тарқалиши:

а — пайвандчок нүқсонсиз; б — пайванд чокда дарз бор

да шимолий маҳаллий магнит қутби ҳосил бўлиб, ферромагнит зарражаларни тортади (234-расм).

Шуни қайд этиш жоизки, бу усулда чок сиртига яқин нүқсонлар аниқланади. 5–6 мм чуқурликдагилари аниқланмайди.

**7. Ультратовуш ёрдамида кузатиш.** Бу усул ультратовуш ёрдамида тебранаётган тўлқиннинг нүқсонсиз ва нүқсонли жойларидан турлича тезликла утиш хусусиятига асосланган. Бунда синаувчи буюм сиртига маҳсус электрон қурилма урнатилиб, унинг ёрдамида ультратовуш ёруғлик нурга утказилиб, экранда нүқсонли жойлар импульс жойлашишига кўра аниқланали (235-расм).



235-расм. Чок сифатини ультратовуш ёрдамида кузатиш схемаси:

1 — сипалаётгани деталь; 2 — осциллограф экрани; А ва Б — нүқсонсиз жойлардаги импульс; В — нүқсонли жойдаги импульс

### 3-§. Нүқсонларининг олдини олиш тадбирлари

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, чокларда учрайдиган нүқсонларнинг келиб чиқишига асосан заготовкаларни пайвандлашда белгиланган технологик талабларнинг тўғри бажарилмаслиги, пайвандлаш юзаларининг яхши тайёрланмаганлиги, электрод ва пайвандлаш симларининг зарур марқаларидан фойдаланмаслик, пайвандлаш усуллари ва режимларини тўғри белгиламаслик, ишчи малакасининг этишмаслиги ва бошқалар сабаб бўлади. Шунинг учун пайванд конструкцияларини лойиҳалашда, чокларни ҳосил қилиш технологиясини


белгилашда юқорида қайд этилган нұқсанларнинг олдини олиш чораларини күриш катта ажамиятга зета. Буларга суюқлантириб қуйиладиган металлар хилининг ҳажми, чокларнинг сони, чок узунлиги ва кесим характеристері, чокларни симметрик равишда ҳосил қилиш ва бошқалар киради. Маълумки, сифатлы чок ҳосил қилишда күп углеродлы, күп легирланған пұлатларни пайвандлашдан олдин уларни маълум температурагача қыздырыш, пайвандланғач, юмшатыш ёки нормалаш лозим. Шунингдек, амалда уларнинг деформацияланишини камайтириш мақсадида пайвандлашта қадар тескари томонга деформациялаб пайвандлаш, чокни ҳосил қилишда белгиланған тартибни сақлаш билан деформацияни мувозанатлаштириш, махсус мосламаларга мақкамлаб пайвандлаш усууларидан заруратта күра фойдаланиш керак. Масалан, тескари томонга деформациялаб пайвандлашдан аввал юз берувчи деформация қийматига ва йұналишига күра заготовкани тескари томонга шу қийматда деформациялаб, сүнгра пайвандлаш керак.

Баъзи ҳолларда чокни шундай тартибда ҳосил қилиш керакки, унда аввал вужудға келтирилген чок деформацияси мувозанатлансин.


236-расмда нотүрги пайвандланиши натижасида деформациялашған құштавр балқа күрсатылған. Агар уни I-1-2-2 тарзыда эмас, балқи I-2-I'-2' тартибда чок ҳосил қилиб пайвандланғанда деформацияланишининг олди олинған бўларди.

237-расмда узун чокларни ҳосил қилиш тартиби ифодаланған. Бундай тартибда пайвандлашда чок нисбатан текис совиыйди ва қарши деформацияланиш туфайли умумий деформация камаяди. Мураккаб шаклли буюмларни махсус мосламалардан фойдаланған ҳолда пайвандлаш маъқул. Бундай пайвандланған буюм обдон совигач, зарур бўлса, термик ишлов ҳам берилади.

Буюмларни пайвандлашда қыздырыш зонасини бирмунча қисқартириш учун унинг фактат пайвандланадиган жойи эмас, балқи қолган жойлари ҳам сувга ботирилади, тагига мис пластинка қўйиб ёки унинг кичик каналчалари орқали сув юборилади. Баъзан чокларнинг атрофини нам асбест билан ўраб пайвандлаш усуулари ҳам қўлланилади.



236-расм. Нотүрги пайвандлаш натижасида деформацияланған құштавр балқа (а) ва түрги пайвандланған құштавр балқа (б)



237-расм. Узун чокларни ҳосил қилиш тартиби

## МЕТАЛЛ ВА УЛАРНИНГ ҚОТИШМАЛАРИНИ КЕСИШ УСУЛЛАРИ

Металл ва уларнинг қотишмаларини кесишининг қатор усуллари бўлиб, буларга газ-кислород алангасида кесиш жойларини алангала-ниш температурасигача қиздириб, кейин у ерга кислород ҳайдаш, электр ёйда, плазма оқимида кесиш ва бошқа усуллар мавжуд, лекин бу усуллар ичидагаз-кислород алангасида қиздириб, кислород оқимида кесиш қатор афзалликларига кўра кўпроқ тарқалган.


### **1-§. Газ-кислород алангасида қиздириб, кислород оқимида кесиш**

Металларни бу усулда кесишида аввал унинг кесиш жойи газ алангасида алангаланиш температураси ( $\approx 900^{\circ}\text{C}$ )гача обдон қиздирилиб, кейин у ерга кислород ҳайдалади. Демак, бу жараёнда металлнинг кесилиши унинг кислород оқимида ёнишига асосланган. Шунинг учун бу усулда кесиладиган металларнинг алангаланиш температураси суюқланиш температурасидан паст бўлиши, ёнгандай ажравчий иссиқлик унинг қуий қатламларини алангаланиш температурасигача қиздира оладиган бўлиб, ҳосил бўлган шлакнинг суюқланиш температураси шу металлнинг суюқланиш температурасидан паст, юқори суюқланувчан бўлиши ҳамда кесилган жойдан осонроқ ажралиши керак.

Юқорида қайд этилган талабларга таркибида углероди 0,7% гача бўлган ва бъязи бир кам легирланган конструкцион пўлатлар тўла жавоб беради. Углероднинг 0,7% дан ортиши билан уларни кесиш қийинлашади. Пўлатлар таркибидаги легирловчи элементларнинг кўплиги, шунингдек, чўяйнлар ва рангли металлар ва уларнинг қотишмалари юқорида қайд этилган талабларга тўла жавоб бермайди. Шунинг учун улар кислород оқимида кесилмайди. Мабодо, уларни кесиш зарур бўлса, флюс (кўп ҳолларда темир кукуни) дан фойдаланилади.

Бунда кукун тарзидағи флюс кислород оқими билан бирга кесиш зонасига ўтиб, ёнаётганда кўшимча иссиқлик ажратади. Натижада суюқланиш температураси юқори бўлган оксидлар суюлиб, кесиш зонасидан пуркалиб ташқарига чиқади.

Металларни кислород оқимида кесиш учун кескич асбобларидан фойдаланиб, бу иш дастаки, ярим автоматик ва автоматик равишда бажарилади. Металларни маҳсус кескич горелкалар билан кесилади ва уларга кескич (резак) дейилади. Металларни дастаки усулда кесишида универсал кескич (УР тип)дан фойдаланилади. Бу кескичининг пайвандлаш горелкаларидан фарқи шундаки, бунда у кесувчи кислородни ҳайдовчи кўшимча маҳсус қисми бўлади.



238-расм. УР типидаги кескіч схемасы:

1, 2 — трубка; 3, 4, 7 — вентиль; 5 — инжектор; 8 — мундштук;  
9, 10 — тешик

238-расмда УР типидаги кескічининг схемаси келтирилган: 1, 2 — трубка; 3, 4, 7 — вентиль; 5 — инжектор; 8 — мундштук; 9, 10 — тешик. Уни ишга тушириш учун вентиллар 3 ва 4 очилиб, канал 1 орқали кислород, канал 2 орқали эса ацетилен юборилади. Кислород вентиллари очилганда кислород инжектор 5 орқали ўтиб ацетиленни сўради, у камера 6 да аралашади. Бу аралашма газ мундштуги 8 нинг 9 рақами билан белгиланган тешигидан чиқаётганда ёндирилади. Металл алангаланиш температурсигача қиздирилгач, кесиш асбобининг 10 рақами билан белгиланган тешигидан кислород ҳайдалади. Бунда кескіч мундштугини металлнинг қирқиласидиган жойидан 3—6 мм оралиғида тутиб туриб, юзага тик йўналтирилади. Турли қалинликдаги металларни қирқиш учун кескічининг иккита ташқи ва бешта алмаштириладиган мундштуги булади.

Кескічининг олға сурилиш тезлиги кесилувчи металлнинг қалинлигига боғлиқ бўлиб, у қанча қалин бўлса, шунча секин сурилади.

Дастаки кескічларда қалинлиги 6—300 мм бўлган кам углеродли пўлатларни 550—800 мм/мин тезликда, маҳсус кескічлар ёрдамида 3 м гача ва ундан ортиқ қалинликдаги металларни кесиш мумкин. Буюмнинг кесилаётган эни 2 дан 10 мм гача бўлади.

**Кесиш техникаси.** Металларни кислород оқимида кесишдан аввал кесиладиган жойлардаги занг, бўёқ, кир кабилардан тозалаш лозим. Кейин уни зарур мосламага кесиладиган жойини кесишга қулай қилиб ўрнатиб, кейин кесиладиган жойи газ алансасида алангаланиш температурсигача обдон қиздирилгач, кислородни бу жойга зарур босимда ҳайдаш билан кесиш чизиги бўйлаб бир текисда олдига сурила боради. Кесиш эни кесилувчи металлнинг қалинлигига боғлиқ. Қалинлиги ортиши билан у ҳам ортади. Бу усуслдан буюмлар сиртидаги ортиқча металларни кесиб ташлашда, чўян ва пўлат буюмларни таъмирлашда ва бошқа шунга ўхшаш ишларни бажаришда ҳам фойдаланилади.

## **2-§. Күмір (графіт) ва металл электрод билан электр ёй ёрдамида кесиш**

Бу усулда металларин күмір ёки металл электродлар билан электр ёй ёрдамида кесиши металл ёй иссиқлиги таъсирида эриб, кесиш жойдан ўз оғирилигі ва ёй гази таъсирида ажралиб, қирқилади. Маълумки, кесилувчи металлининг суюқлапиш тезлиги ток кучига боғлиқлиги сабабли күмір электрод билан кесишида ток кучи 400—1500 А, металл электродлар билан кесишида эса 300—600 А орасыда бұлади. Бу усулдан күп углеродлы пұлаттарни ва чүннеларни кесишида фойдаланилади.

## **3-§. Графіт электрод билан электр ёй ёрдамида эритилган металларни сиқылған ҳавода кесиш**

Бу усулда графіт электрод ўзгармас ток занжири қутбига тескари улашады. Ток кучи 150—400 А атрофіда, ҳайдалувчи ҳаво босими эса 0,4 МПа га яқин бұлади. Бу усул қалинлиги 20 мм гача бұлган зангламас пұлат листларни кесишида, қуймаларнинг нұқсонли жойларини қирқишида құлланилади. Шунингдек, қалинлиги 100—120 мм гача бұлган алюминий, мис ва уларнинг қотишишмалари, зангламас пұлаттар плазма оқимиде кесилади.

## **49-боб**

### **МЕТАЛЛ БУЮМЛАРНИ КАВШАРЛАШ**

#### **1-§. Үмумий маълумот**

Металл буюмларни ўзаро зерінде кавшарлар билан бириктириб, ажраімайдынан бирикмалар олиш технологик жараённан кавшарлаш дейінлади. Кавшарларнинг суюқланиш температураси кавшарланувчи металл буюмларнинг суюқланиш температурасыдан паст бұллади. Кавшарлаш металл буюмларни зерітіб, пайвандлашта бир оз ўхшаса-да, кавшарлашида металл буюмларнинг кавшарлаш жойлары эримайды. Амалиётта бу ҳар иккала усулни, масалан, мис ва латунь буюмларни мис кавшарлар билан кавшарлашда чегарасини ажратып қийин. Кавшарлаб, сифатли ва арzon бирикмалар олишда металл буюм ва кавшар ўзаро зерінде кавшарларнан кавшарланувчи юзаларнинг тозалығы, текислигі, кавшарнинг юза бўйлаб оқиши билан яхши ҳўллаши каби қатор техника ва иқтисодий кўрсаткичлар роли мұхим. Одатда, кавшарлар турли рангли металл қотишишмалардан иборат бұллади. Айниқса, эвтектика қотишишмалар суюқланиш температурасынинг пастлигі, суюқланиш бошланиши ва туташ температуралари интервалининг кичиқлигі қўл келади.

Кавшарлашда кавшарланувчи металл буюмларни кавшарлаш жойлари сиртларидағи оксидлар, мой ва кирларни ажратиши, бу юзаларни оксидланишдан ҳимоялаш, сирт юза тортишларини камайтириши, яхши оқиб юза ھұллашини яхшилаш учун флюсдардан фойдаланилади.

Металл буюмларни кавшарлаш бошқа ажраімайдыган бирикмалар олиш усулларига қараганда қуйидаги афзаликкларға әга:

1. Металл буюмларни кавшарлаш жойларининг эримаслиги, кимёвий таркибининг үзгартымаслиги, структураси ва механик хоссаларининг сақланиши.

2. Металл буюмнинг кавшарланадыган жойлари тоза, ташқи күриниши яхши, шакли ва ўлчами үзгартымаслиги, ички зўриқиши кучланишлар йўқлиги ва қўшимча ишловлар талаб этмаслиги.

3. Ҳар хил металл буюмларни пухта кавшарлаш имкони борлиги.

4. Кавшарлаш жараёнининг механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши.

Юқорида қайд этилган асосий афзаликкларига кўра, бу усулдан углеродли ва легирланған пўлатларнинг барча маркаларини, қаттиқ қотишмаларни, чўянлар, рангли металлар ва уларнинг қотишмалари, шунингдек, нодир металлардан тайёрланған буюмларни кавшарлашда, машинасозлик саноатида машина, механизмлар деталлари тайёрлашда кенг фойдаланилади.

## 2-§. Кавшарлар хили

Кавшарлар суюқланиш температурасига кўра юмшоқ ва қаттиқ хилларга ажратиласди:

**1. Юмшоқ кавшарлар.** Бу кавшарларнинг суюқланиш температураси  $400^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлади. Одатда, бу кавшарларнинг чўзилишга пухталиги  $5\text{--}7 \text{ кг.к/мм}^2$  дан ортмайди. Бу кавшардан  $200^{\circ}\text{C}$  температурадан ортиқ бўлмаган шароитда ишлайдыган металл буюмларни кавшарлашда фойдаланилади.

**2. Қаттиқ кавшарлар.** Бу кавшарларнинг суюқланиш температураси  $500^{\circ}\text{C}$  дан юқори, чўзилишга пухталиги  $50 \text{ кг.к/мм}^2$  гача бўлади. Бу кавшарлардан  $200^{\circ}\text{C}$  температурадан ортиқ бўлган шароитда ишлайдыган металл буюмларни кавшарлашда фойдаланилади.

63–65-жадвалларда юмшоқ ва қаттиқ кавшарларнинг кимёвий таркиби, суюқланиш, қотиш температуралари ва қўлланиш соҳалари келтирилган.

## 3-§. Флюслар хили ва кавшарлапида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар

Юқорида қайд этилганидек, флюслар кавшарланувчи металл буюмларни кавшарлаш юзасидаги оксид пардаларни эритиб тозалаш билди.

## 63-жадвал

Кавшарлар	Кимёвий таркиби, оғирлигі, %		Температурасы °C		Күлланиш соҳалари
	Sn	Sb	ликвидус	солидус	
ПОС-90	89-90	≤ 0,15	220	183	Кумуш ва олтин билан гальваник усулда қопланған деталларни кавшарлаша
ПОС-61	59-61	≤ 0,8	185	183	Мис, латунь, бронза ва пұлатларни кавшарлаша
ПОС-50	49-50	≤ 0,8	210	183	—
ПОС-40	39-40	1,5-2,0	235	183	—
ПОС-30	29-30	1,5-2,0	256	183	—
ПОС-18	17-18	2,0-2,5	277	183	Мис, латунь ва пұлатлардан тайёрланған масъулияты пастроқ деталларни кавшарлаша
ПОС-4-6	3-4	5-6	625	2,45	Мис ва тәмір деталларнинг сиртини рух билан қоплаша

\* Қолғани құрғошин.

## 64-жадвал

Кавшарлар	Cu	Кимёвий* таркиби, оғирлигі %		Температурасы, °C		Күлланиш соҳалари
		Fe	Pb	ликвидус	солидус	
ПМЦ36	36± 2	0,1	0,5	825	800	Мис, томпан ва латунларни кавшарлаша
ПМЦ48	18± 2	0,1	0,5	870	850	Мис ва томпанни кавшарлаша
ПМЦ54	54± 2	0,1	0,5	885	875	Юқоридагилар ва пұлатларни кавшарлаша
Л62	62± 1,5	—	—	905	900	Мис ва пұлатларни кавшарлаша
ЛОК 62-96-04**	62± 1,5	0,2	0,1	905	900	Юқоридагиларни кавшарлаша

\* — қолғани рух.

\*\* 0.6% Sn; 0.4% Si; қолғани рух.


Кавшар-лар	Кимёвий таркиби, оғирлиги, %					Температураси, °C		Кулланиш соңдлари
	Ag	Cu	Zn	кушым-чалар ортма-ган	ликви-дус	соли-дус		
ПСр70	70±0,5	26±0,5	4±1	0,5	755	730	Электр ўтказуучалығы юқори бўлган мис, латунь, бронза ва пўлатларни кавшарланишида	
ПСр65	65±0,5	20±0,5	15 <sup>+80</sup> <sub>-1,5</sub>	0,5	—	740	Электр ўтказуучанылығы настроқ бўлган юқоридағиларни кавшарлашда	
ПСр45	45±0,5	30±0,5	25 <sup>+30</sup> <sub>-1,5</sub>	0,5	725	600	Мис, латунь, бронза ва пўлатларни кавшарланишида	
ПСр25	25±0,3	40±1	35 <sup>+1,5</sup> <sub>-2,0</sub>	0,5	775	745	—	
ПСр12М	12±0,3	52±1	36 <sup>+1,5</sup> <sub>-2,0</sub>	0,5	825	780	Мис, бронза ва пўлатларни кавшарлашда	
ПСр10	10±0,3	53±1	37 <sup>+1,5</sup> <sub>-2,0</sub>	0,5	850	815	—	

лан бу юзаларни оксидланишдан сақлади. Уларнинг суюқланиш температураси ва зичлиги кавшарларницидан паст бўлиши, кавшарланувчи металл буюмлар билан бирикмаслиги, куймаслиги, коррозияга берилмаслиги керак, флюслар сифатида хлорид кислотанинг сувдаги эритмасидан, рух билан тўйинтирилган хлорид кислота  $ZnCl_2$ , бура ( $Na_2B_4O_7$ ), аммоний хлорид (нашатир)  $NH_4Cl$ , канифол ва бошқалардан фойдаланилади.

Масалан, хлорид кислотанинг сувдаги эритмасини тайёрлаш учун кўзойнек тақиб, қўлқоп кийиб эҳтиётлик билан кислотали идишга оз-оз сув қўйиб борилади. Ундан буғ ажралиш тугагач, сув қўйиш тўхтатилади. Шундай қилиб, эритма тайёр бўлади.

Шунингдек, рух билан тўйинтирилган хлорид кислотани тайёрлаш учун идишдаги хлорид кислотанинг сувдаги 50% ли эритмасига унинг 1/5 қисми чамасида рух қўшилиб, обдон эригач, олинган эритмасига 2–3 ҳисса сув қўшилиб, эритма тайёрланади. Булардан асосан юмшоқ кавшарлар билан металл буюмларни кавшарлашда фойдаланилади. Қаттиқ кавшарлар билан металл буюмларни кавшарлашда флюс сифатида бурадан, сувли бура ( $Na_2B_4O_7 \cdot 10H_2O$ ) дан, шунингдек бурага қисман бор кислота  $B(OH)_3$  қўшилади. Натижада унинг таъсири ортиши билан қуюқроқ ва қовуноқ бўлади. Флюслар кукун, паста ва суюқ эритма (масалан, буранинг иссиқ сувдаги эритмаси), баъзан кавшар чивиқ сиртига флюс қопланган ҳолда бўлиши ҳам мумкин.

Металл буюмларни кавшарлашининг тури усуслари (газ алансасида қиздиришда, сиртига флюс қатлами суюлтирилган кавшар ёки тузли



**239-расм. Ковиялар:**

*a* — болғасимон; *b* — қирралы  
(торешли); *c* — электр

ваннага тушириш билан, электр токда кавшарлаш жойларини қиздириш)да турли ускуна ва асбоблардан фойдаланилади.

Одатда, юмшоқ кавшарларда металл буюмларни кавшарлашда күпроқ кавиялардан фойдаланилади. Кавияларнинг иш қисми мисдан ясалган бўлиб, шакли бириктириш шаклига мос бўлиши, ўлчами шундай бўлмоғи керакки, тез совимасдан кавшарлаш жойларини зарур температурага қиздириши билан ишлатишга қулай бўлмоғи керак. 239-расмда ковияларга мисоллар келтирилган.

**Металл буюмларни юмшоқ кавшарларда кавшарлаш.** Металл буюмларни кавшарлаштагача, кавшарлаш юзаларининг бириктирилиш характеристига кўра, юзалари ишланиб, оксид пардалар ва кирлардан механик тарзда, кислоталар эритмасида тозаланиб, зарур тарзда мослаштирилади. Кейин юзаларга, масалан, рух билан тўйинтирилган хлорид кислотанинг сувдаги эритмаси чўтка билан суркалади-да, уларни қиздиришда ва кавшарлашда силжимасликлари учун сим ўралади ёки қисқич билан қисиб қўйилади, бунда кавшарнинг оралиқقا яхши ўтиши учун 0,05—0,15 мм зазор қолдирилади. Кавшарланмайдиган жойлар, кавшарлашдан аввал кавшарни металл буюм сиртига ёпишмаслиги учун борли паста билан қопланади. Сўнгра кавиянинг учидаги оксидлар кирларни тозалаш учун рух билан тўйинтирилган хлорид кислотанинг сувдаги эритмасига ботирилган чўтқада суртилади. Кейин кавия учига кавшар олиб, уни кавшарланувчи металл буюмларни кавшарлаш жой зихидан юргизиш билан кавшарни улар тирқишига ўтказилади.

Кавшар тўла қотгач, кавшарланган буюм ажратиб олинниб, аввалига уни каустик сода эритмада, сўнгра сувда ювиб, қуруқ латта билан артиб қуритилади.

**Металл буюмларни қаттиқ кавшарлар билан печда кавшарлаш.**

Юқорида кўрилгандек, металл буюмларнинг кавшарланадиган жойлари оксид пардалар, мой, кирлардан эгов, шабер, жилвир қофоз ёки кислота эритмасида яхшилаб тозалангач, ўзаро мослаштирилади, кейин кавшарлаш жойига бура сепилиб, устига кавшар (фольга лента) қўйилиб ёқилгач, печга киритиб, зарур температурагача қиздирилади. Бунда суюқланган кавшар кавшарланувчи металл буюмлар орасига ўтиб, уларни кавшарлайди. Кейин кавшарланган буюм печдан оли-

ниб, аввалига каустик соданинг сувдаги эритмасида, сүнгра сувда ювилб, қуруқ латта билан артиб қуритилади. Шуни қайд этиш жоизки, бундай печларда металл буюмларни қаттиқ кавшарлар билан кавшарлаш ишлари анча оғир бўлгани учун малакали ишчи талаб этилади. Шу боисдан йирик корхоналарда махсус, қайтарувчи муҳитли электр қиздиргич печлардан кенг фойдаланилмоқда. Бу печларда кавшарланувчи метал буюм оксидларини қайтарувчи газ сифатида водороддан фойдаланилади. Бу ҳолда флюстга зарурият қолмайди, оғир ишлар енгилланиб, кавшарлаш анча арzonлашади ва сифатли, пухта бирикмалар олинади.

### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Металларни пайвандлаш деб қандай технологик жараёнга айтилади ва бу технологик жараёнинг бўлак ажралмайдиган металл буюмлар олиш усуllibrigа қараганда қандай афзалликлари бор?
2. Металларнинг пайвандланувчанлиги қандай кўрсаткичларга боғлиқ ва ёмон пайвандланадиган металларни пайвандлаб сифатли, пухта бирикмалар олиш учун нималар қилмоқ керак?
3. Кам углеродли пулатларни металл электродлар билан электр ёй ёрдамида пайвандлашда иссиқлик таъсирилган участкаларда қандай структура ўзгаришлар боради ва булинг сабаби нимада?
4. Кўп учрайдиган пайванд бирикмалар турлари, чокларниң фазадаги ҳолати ва улар қандай бостирилади?
5. Термик, термо-механик ва механик синфга кирувчи пайвандлаш усуllibrigи айтиб беринг.
6. Металларни қопламали металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлаш технологиясини айтиб беринг.
7. Металларни сим билан электр ёй ёрдамида флюс қатлами остида автоматик ва ярим автоматик пайвандлашлар қандай олиб борилади ва бу усуllibrigи қандай афзаллик ва камчиликлари бор?
8. Металларни металл электродлар билан электр ёй ёрдамида ҳимоя газлар муҳитида пайвандлаш усуllibrigи қаидай металлар пайвандланади ва қандай пайвандланади?
9. Металларни газ алангасида пайвандлашда қулланиладиган ускуналар, асбоблар тузилиши ва ишлаши билан пайвандлаш технологиясини айтиб беринг.
10. Металларни электр-контакт пайвандлаш усуllibrigи ва қулланиш соҳаларини айтиб беринг.
11. Металларни электрон нур, ультратовуш усуllibrigи пайвандлаш технологиясини айтиб беринг.
12. Металлар портловчи моддаларни портлатиш билан қандай пайвандланади?
13. Кўп углеродли, легирланған пўлатларни пайвандлаш қандай қийинчиликлар тутдиради ва нима учун?
14. Чуян ва рангли металларни пайвандлаш технологиясини айтиб беринг.
15. Пайванд бирикмаларда учрайдиган пуқсонлар ва уларни аниқлаш усуllibrigидан асосийларини айтиб беринг.
16. Металлар кислород оқимида қандай кесилади?
17. Металларни юшоқ ва қаттиқ кавшарлар билан кавшарлаш технологик жарёни қандай бажарилади?

# КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ АСОСЛАРИ, КЕСКИЧЛАР, СТАНОКЛАР ВА УЛАРДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР

*50-боб*

## МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ АСОСЛАРИ

Бу бүлімда конструкцион материалларни кесиб ишлаш технологик жараёнларининг физик асослари, кескичлар, станоклар хили, тузилиши ва уларда бажариладиган хилма-хил ишлар, шунингдек механизациялашып автоматлаштырылған йүллари баён этилади.

### 1-§. Үмумий маълумот

Машина деталларини тайёрлашда заготовка қўйимини кескичлар ёрдамида қўриниди тарзидаги йўниш билан уни чизма талабига ўтказиш жараёни кесиб ишлаш дейилади.

Материалларни кесиб ишлаш усуллари одамларга жуда қадимдан маълум. XII асрда сөнг рус ҳунармандлари қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришда қўл билан ишлатиладиган пармалаш, токарлик ва бошқа хил дастгоҳлардан фойдаланганлар. Шу даврдан бошлаб материалларни кесиб ишлаш жараёни ўрганила бошланди. Бу борада рус олимлардан И.А. Тименсинг ишлари алоҳида ўриш тутади. У 1870 йилда пашр этилган асарида («Сопротивление металлов и дерева резанию») материалларни кесиб ишлашда қўринидининг ажралиш қонуниятини тушунтириди. 1893 йилда К.А. Зворикин кесиш кучини ўлчовчи гидравлик динамометр яратди. 1912 йилда эса Я.Г. Усаичев кесиш жараёнида кескичнинг турли участкаларидаги температурани термо-пара ёрдамида ўлчади ва структураларни ўрганди.

Материалларни кесиб ишлаш усулларининг илдам қадамлар билан ривожланиши индустриташириш йилларига тўғри келади. Бу борада олимлардан В.Д. Кузинцов, В.А. Кривоухов, Н.Н. Зорев, Г.И. Граговский, поводор ишчилардан Г.С. Борткевич, П.Н. Биков, В.К. Семинский, В.А. Колесов ва бошқаларниң хизматлари катта.

Ҳозирда машинасозлик заводларидаги станоклар парки илғор технология бўйича тузилган дастур асосида бошқариладиган, ярим автоматик ва автоматик ишлайдиган турли хил станоклар билан жиҳозланган.

Уларни бошқаришда эса компьютерлар ва ЭХМдан кенг фойдаланилмоқда. Лекин шунга қарамай ҳали ҳал этилмаган муаммолар борки, уларни ўрганиш борасида қатор илмий текшириш институтларида, завод лабораторияларида, олий ўкув юртларида мутахассислар кузатишлар олиб бормоқдалар.

## **2-§. Кесиб ишлаш усулларининг машинасозлиқда тутган ўрии**

Маълумки, куймалар, прокат маҳсулотлар, поковкаларни тайёрлашнинг илфор усуллари яратилгани қўйим қийматини камайтирса-да, кўпгина масъулиятли деталлар кескичлар билан (металл заготовкалар) кесиб тайёрланади. Бунинг боиси шундаки, саноатнинг турли соҳалари (электроника, атом ва ракетасозлик)нинг ривожланиши бир томондан турли муҳитларда, катта режимларда ишловчи пухта, коррозия-бардош ва кам ейиладиган конструкцион материалларга эҳтиёжни ортириса, иккинчи томондан деталларнинг геометрик аниқлигига, юзанинг текислигига бўлган талаблар ортиб бораётир. Деталларнинг сифатини таъминлашда заготовкаларни кескичлар билан ишлаш ва бошқа усуллар кенг кўлланилади.

Шу боисдан бундай комплекс хоссали деталларни тайёрлашда улар зарурий техника-иктисодий талабларга тўла жавоб бермоғи лозим. Бу борада айниқса кесиб ишлаш усулларининг роли катта. Ҳисоблар кўрстадики, турли хил деталларни тайёрлашда сарфланадиган меҳнатнинг 40–60% и кесиб ишлов усулларига тўғри келмоқда. Шу сабабли ҳам материалларни кескичлар билан кесиб ишлашда борувчи мураккаб физика-кимёвий жараёнларни тўлароқ ва чуқурроқ ўрганишга, янги янги такомиллашган ишлов усуллари, кескичлар, станоклар, мосламалар яратилиши, ўз навбатида техника-иктисодий талабларга тўла жавоб берадиган технологик жараёнлар бўйича деталлар тайёрлашга имкон беради.

## **3-§. Деталларнинг ўзаро алмашинувчалиги, геометрик шакл ўлчамлари аниқлиги, сирт юзалар ғадир-бутирлиги ҳақида маълумот**

Маълумки, ҳар қандай машина қисмлардан, улар эса деталлар мажмуидан иборат бўлади.

Лойиҳачилар деталларни лойиҳалашда уларнинг иш шароитига кўра техника-иктисодий талабларни ҳисобга олган ҳолда материали, геометрик ўлчамлар аниқлиги, сирт юзалар ғадир-бутирлиги, физикамеханик хоссаларини чизмада қайд этади. Деталларнинг қайси заводда тайёрланганлигидан қатъи назар, улар ГОСТ, ОСТ (халқаро тизимларга) тўла жавоб бермоғи керак. Шундагина улар қўшимча ишловларсиз ўзаро алмашувсан бўлади. Агар бу талаблар тўла бажарилса, техник ҳужжатлар алмашуви, халқаро савдо-сотиқ ишлари кенгаяди.

Заготовкаларни кескичлар билан станокларда кесиб ишлашда станок деталлари ва мосламаларнинг ноаниқлиги, кескичларнинг эластик деформацияланиши, қизиши ва ейилиши, СМКД (станок-мослама-кескич-деталь) тизимининг тебраниши ва бошқа сабабларга кўра деталларнинг ҳақиқий ўлчамлари чизмада кўрсатилган ўлчамлардан бир оз фарқланади.

Шу бойынша уларнинг чизиқли номинал ўлчамлари 0,001–20000 мм оралигида яхлитланади. Деталлар иш вазифасига кўра номинал ўлчамларига рухсат этилган чегарарадагина тайёрланади.

Уларнинг рухсат этилган энг катта ўлчамидан энг кичик ўлчам айирмасига допуск ( $\delta$ ) дейилади:

$$\delta = d_{\text{кат}} - d_{\text{ном}}$$

240-расмда тешик ҳамда вал допусклари кўрсатилган.


Деталларнинг номинал ўлчамларидан йўл қўйилган четга чиқишлилар чегарасида (допуск майдончада) тайёрланса, бу деталь яроқли бўлади. Масалан, номинал диаметри 60 мм вални тайёрлаш керак бўлсин. Бунда йўл қўйилган энг катта диаметри ( $d_{\text{кат}}$ ) 60,05 мм, йўл қўйилган энг кичик диаметри ( $d_{\text{ном}}$ ) 59,90 мм бўлсин дейлик, бу ҳолда допуск ( $\delta$ ) қиймати қўйидагича аниқланади:

$$\delta = d_{\text{кат}} - d_{\text{ном}} = 60,05 - 59,90 = 0,15 \text{ мм.}$$

Демак, валнинг ҳақиқий диаметри допуск майдончасида 60,05 дан 59,90 мм гача оралиқда бўлиши керак.

Допуск қиймати бириктирилаладиган деталларнинг номинал ўлчамларига, бириктирилиш характеристига кўра геометрик ўлчамлар аниқлиги ва сирт юза радиј-будирлик синфлари тегишли ГОСТ ларда белгиланади.

**Деталларнинг геометрик шакл ўлчамлари аниқлиги ва синфлари.** Деталларнинг геометрик ўлчамлари аниқлиги деб уларнинг ҳақиқий



240-расм. Тешик ҳамда вал допусклари

геометрик ўлчамларининг чизмада рухсат этилган номинал ўлчамларга яқинлик даражасига айтилади.

Маълумки, деталларнинг геометрик ўлчамлари аниқлик даражаси ортган сари уларга эришиш қийинлашиши, нархини ошириш билан ишлаб чиқариш унумдорлигига путур етказади. Деталларни тайёрлашда уларнинг геометрик ўлчамларига ва аниқлик даражасига заготовка ва кескич материали, кескич геометрияси, ишлов усули ва режими, станок ва мосламалар аниқлиги, СМКД тизим бирлиги, ишчи малакаси ва бошқаларнинг таъсири катта.

Машинасозликда материалларнинг геометрик ўлчамлари аниқлиги — 1, 2, 2а, 3, 3а, 4, 5, 6, 7, 8, 9-синфларга бўлинган бўлиб, ҳар бир синф вал ва тешиклар ўлчамларига кўра ўз синфларининг тегишли кесиб ишлаш усувлари билан таъминланади.

Масалан, 1-синф нафис жилолаш ила, 2- ва 2а синфлар зенксерлаш, развёрткалаш ила, 4-5-синфлар тозалаб йўниш, рандалаш, фрезалаш ила ва 7, 8, 9-синфлар прокатлаш, болғалаш, хомаки йўниб ишловлар билан эришилади.

Халқаро тизим бўйича ГОСТ 25346-82 (СТ СЭВ-145-75) аниқлик даражаси квалитетлар бўйича белгиланади. Масалан, 1 мм дан 10 000 мм гача бўлган номинал ўлчамлар учун 19 та аниқлик квалитети 01, 0,1,2,3, 4 .. 17 бўлади. Квалитет номерлари ортган сари допуск қиймати катталашади.

Деталларнинг геометрик ўлчамлар аниқлиги ( $\Delta$ ) ни қўйидагича аниқлаш мумкин:


$$\Delta = \frac{d_{\text{кат.}} - d_{\text{кич.}}}{2};$$

Агар деталлар аниқлик қиймати допуск қийматидан кичик ёки унга teng ( $\Delta \leq \delta$ ) бўлса, улар ишга яроқли бўлади.

**Деталларнинг сирт юза ғадир-будирлик синфлари.** Заготовкалардан кескич билан қиринди йўниб деталларни тайёрлашда уларнинг сирт юзларида турли даражада ғадир-будирликлар ҳосил бўлади (241-расм). Жумладан, хомаки йўниб, ишловдан кейин сирт юзага қаралса кўзга ташланадиган, нафис ишловдан кейин эса кўз илғамас ғадир-будирликлар бўлади. Сирт юзадаги бу ғадир-будирликлар даражаси асосан микроскоп остида катталаштирилиб кўрилади ва улар заготовка ва кескич хоссасига, кескич геометриясига, кесиб ишлаш усулига, режимига, мойловчи-совитгич суюқликлардан фойдаланилган ёки фойдаланилмаганликка ва бошқаларга боғлиқ.

Шуни айтиш жоизки, сирт юзада ғадир-будирлик даражаси қанча катта бўлса, деталларнинг пухталиги, коррозияга бардошлиги шунчакамаяди.

ГОСТ 2309-79 бўйича ғадир-будирлик даражаси 14 синфга ажратилади ва улар ўз навбатида яна а, б ва в разрядларга бўлинади. Синфлар номери ортган сари сирт юза ғадир-будирлиги камаяди.



241-расм. Ишлов берилган юзанинг ғадир-будирлиқ профили

Ғадир-будирликлар чизмада профиль баландлиги  $R_1$  ёки профилнинг ўртача арифметик профилидан тафовути  $R_2$  ишора кўринишида кўрсатилади.

Шундай айтиш керакки, 1–5, шунингдек, 13–14-синиф ғадир-будирликлари  $R_1$  бўйича, 6–12-синиф ғадир-будирликлари  $R_2$  бўйича аниқланади. Бунда 1, 2-синиф ғадир-будирликларни аниқлашда база узунлиги ( $l$ ) 8 мм, 3–4-синиф учун 2,5 мм, 6–8-синиф учун 0,8, 9–11-синифлар учун 0,25 мм ва 12–14-синифлар учун 0,08 мм олинади.

$R_1$  бўйича ғадир-будирликни аниқлашда база узунлиги чегарасига ғадир-будирликтининг бешта энг баланд нуқтаси билан бешта энг паст нуқталари орасидаги масофа ўртасидан ўтган ўрта чизиқ ( $m$ ) дан ўлчаниди.

Аниқланган қийматларни қўйидаги формулага қўйиб, ғадир-будирликлар қиймати аниқланади:

$$R_1 = \frac{(h_1 + h_2 + h_3 + h_4 + h_5 + h_6 + h_7 + h_8 + h_9) - (h_2 + h_4 + h_6 + h_8 + h_{10})}{5} \quad \text{ёки}$$

$$R_1 = \frac{H_1 + H_2 + H_3 + H_4 + H_5}{5}.$$

Бу ерда  $H$  — ғадир-будирлиқ профилининг энг юқори нуқтаси билан энг пастки нуқтаси орасидаги масофалар:

$$H_1 = (h_1 - h_2); H_2 = (h_2 - h_3); \dots H_5 = (h_5 - h_{10}).$$

Ғадир-будирликни  $R_1$  бўйича аниқлашда профилнинг айрим нуқталаридан « $m$ » чизиқкача бўлган  $Y_1, Y_2, Y_3, Y_4, Y_5, \dots, Y_n$  масофалар оралиқлари ўлчаниб, бу қийматларга  $R_1$  қўйидагича аниқланади:

$$R_1 = \frac{\sum(Y_i)}{n},$$

Бу ерда  $Y_i$  — ўлчанган профиль нүқталаридан « $i$ » чизиққача бўлган масофа;  $n$  — ўлчашда олинган профиль нүқталари сони. Бунда:  $F_1 + F_2 + \dots + F_{n-1} = F_2 + F_4 + \dots + F_n$  бўлади.


Ғадир-будирлик қийматларини ўлчашда микрогоеметрик шчуп асбоблар (профилометр, профилограф) ва оптик асбоблар (кўш интерференцион микроскоплар), баъзи ҳолларда эталонларга таққослашдан ҳам фойдаланилади.

#### 4-§. Деталларни йиғишида бириктириш тизими

Машина деталлари қисмларини йиғиш пайтида уларнинг бирини иккинчиси билан боғланиши зарурлиги *утқазишлар тизими* дейилади.

Маълумки, двигателнинг цилиндр-поршень гуруҳида поршенинг ташқи диаметри ва цилиндрнинг ички диаметр ўлчамлари ўзаро боғланган бўлади. Бунда поршень қамралувчи, цилиндр қамровчи детали бўлади. Бу тушунчани оддийроқ қилиб айтсан, ҳар қандай қамралувчи детални вал, қамровчи детални тешик жойи деса бўлади. Шунингдек, шпонкали валини тишли фидирек ўйигига киритиб йиғишиларда ҳам шу ҳол кўрилади.

Агар деталларни йиғиша қамровчи деталлар тешиги асос бўлиб, қамровчи деталь допуски ҳисобига бажарилса, тешик тизими бўйича йигилган бўлади. Аксинча қамралувчи деталь ўлчами асос бўлиб қамровчи тешик ўлчам допуски ҳисобига амалга оширилса, вал тизими бўйича йигилган бўлади (242-расм).



242-расм.

Чизмада тешик ва вал тизимидағи допуск майдончаси *A* ва *B* ҳарфлари билан, геометрик үлчам аниқлик синфлари эса шу ҳарф индексида күрсатилади. Масалан, 50 А<sub>3</sub>, 50 В<sub>3</sub> аниқлик синф допусклари эса номинал үлчамларига күра тегишли маълумотномалардан белгиланади. Деталларнинг эркин үлчамлари, масалан, втулка узунлиги конструктив нуқтаи назардан белгиланади.

Деталларни қисмлардан йиғишида, одатда, машина қисмларида бир деталь иккинчисига нисбатан суриладиган, сурилмайдиган ва оралиқ боғланишлар учрайли. Бир деталь иккинчисига нисбатан суриладиган боғланишли тизимга поршень цилиндрда бемалол сурилиш мисол бўлади. Чунки цилиндрнинг ички диаметри поршень ташқи диаметридан бирмунча катта бўлади. Тешик диаметри билан вал диаметри үлчамлари тафовутига эса зазор дейилади. Деталларни йиғишида сурилувчи (скользящая) — С, кўзгалувчи (движущая) — Д, ҳаракатланувчи (ходовая) — Х, енгил ҳаракатланувчи (легкоходовая) — Л, кенг ҳаракатланувчи (широкоходовая) — Ш ва иссиқлигида ҳаракатланувчи (теплоходовая) — ТХ ўтқазишлар кўп учрайди.

Бир деталь иккинчисига нисбатан сурилмайдиган боғланишли тизими ўтқазишларда бир деталь иккинчисига нисбатан қўзғалмас бўлади.

Бундай боғланишга эришиш учун, масалан, вал диаметри иккинчи деталь тешиги диаметридан бир оз каттароқ бўлади. Бунинг учун вални тешикка пресслаб киритилади. Вал диаметри билан тешик диаметри үлчамлари ўртасидаги тафовут — таранглик берилади ва бунга на-тят дейилади.

Бу хил ўтқазишларга қиздириб йигилган (горячо) — Г<sub>р</sub>, пресслаб йигилган (прессовая) — Пр1, Пр2, Пр3 ва осон пресслаб йигилган (легко прессовая) — Пл ўтқазишлар киради.

Оралиқ ўтқазишлардан тешикнинг яхши марказлашувини таъминлашда фойдаланилади. Бу боғланишларга мутлақо тифиз (глухая) — Г, тифиз (тугая) — Т, таранг (напряженная) — Н, зич (плотная) — П ўтқазишлар киради.

Чизмаларда ўтқазишлар шартли равища тегишли ҳарф ва индекслар билан ёзилади.

Масалан, 4-синф аниқликдаги енгил ҳаракатли ўтқазиш чизмада А<sub>4</sub> деб кўрсатилади.

## 51-боб

### МАТЕРИАЛЛАРНИ СТАНОКЛАРДА КЕСКИЧЛАР БИЛАН КЕСИБ ИШЛАШ УСУЛЛАРИ

#### 1-§. Умумий маълумот

Маълумки, заготовкаларни станокларда кескичлар билан кесиб ишлашда кескич заготовкага ботирилиб, унга нисбатан маълум қатлам

йұналиш бүйлаб илгариланма ҳаракатланаётганды зарур қалинликдаги металл қатламини қиринди тарзда йўниб, уни кутилган шакл ва ўлчамга ўтказилади.

Материалларни кескичлар билан кесиб ишлаш турлари хилма-хил бўлиб, уларнинг асосийларига йўниш, пармалаш, рандалаш, фрезалаш ва жилвираш усулларини кўрсатиш мумкин (66-жадвал).

66-жадвал

Тартиб номери	Ишлов берининг схематик тасвiri	Ишлов берин усули	Бош ҳаракат	Суринш ҳаракати
1		токарлик станокларида йўниш	заготовканинг айланиси	кескичининг заготовка ўчи бўйлаб илгарила мақоми ҳаракати
2		пармалаши станокларида пармалаш	пармашиниг айланма ҳаракати	пармашиниг ўчи бўйича илгарила мақоми ҳаракати
3		бўйига рандалаш станокларида рандалаш	заготовканинг тўғри чизиқли илгарила мақоми ҳаракати	кескичининг боти ҳаракати тик йўнишида узлукли ҳаракати
4		горизонтал фрезалаш станокларида фрезалаш	фрезанинг ўчи бўйлаб айланма ҳаракати	заготовканинг тўғри чизиқли илгарила мақоми ҳаракати
5		лоиравий жилвираш станокларида жилвираш	чарх тошининг ўчи буйлаб айланма ҳаракати	заготовканинг ўчи бўйлаб айланма, илгарила мақоми ҳаракати

Токарлик станогида заготовкани кескич билан кесиб ишлашдаги схемадан кўринадиди, заготовка станокнинг патронига маҳкам ва текис айланадиган қилиб ўрнатилгач, унинг маълум тезликда айлантирилишида кескичининг материалдан зарур қалинликдаги қиринди йўниши учун уни кесувчи қатламга ростлаб, кесиш йўналиши бўйлаб юргизилади.

## 2-§. Токарлик кескичлар хили, конструкцияси ва геометрияси

Маълумки, деталларни бажарадиган ишларига кўра тегишли материаллардан сифат талабларига биноан турли хил станокларда кескичлар билан ишловлар натижасида тайёрланади. Кузатишлар кўрсатадики, заготовкаларни кескичлар билан кесиб ишлаш кўпроқ токарлик станокларига тўғри келади. Шу боисдан қўйида токарлик кескичлар хили, конструкцияси ва геометрияси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Токарлик кескичларининг бажарадиган иш ҳарактерига кўра: йўнувчи, тешик кенгайтирувчи, торец юзани ишловчи, ариқчалар очувчи, кесиб туширувчи, ўтмас бурчак бўйича галтель ишловчи, шаклдор юзалар ишловчи, резьбалар ишловчиларга ажратилади.



243-расм. Кескич элементлари


да токарлик кескичлар билан станокда бажариладиган асосий ишлар хиллари келтирилган. 245-расмда токарлик йўнишда кескич ва унинг геометрияси келтирилган.

Материални яхши кесиб ишлаш учун кескичларнинг иш қисми (каллаги) маълум бурчаклар бўйича ўткирланиб, асосий ва ёрдамчии кесув қирралари ҳосил қилинади. Маълумки, заготовкани кескич билан кесиб ишлашда қириндик кескичининг олд юзаси бўйлаб чиқади. Кескичнинг заготовкага қараган юзаларидан бири асосий, иккинчиси эса ёрдамчи бўлади.


Асосий кесувчи қирра қириндик йўнишда асосий ишни, ёрдамчи қирра ёрдамчи ишни бажаради.

Кескичнинг асосий кесувчи қирраси билан ёрдамчи кесувчи қирраси туташган нуқтада кескич учи бўлади. Кескичнинг уч бурчаги заготовкани хомаки йўнишда ўткир, нафис йўнишда радиус бўйича ўтмасланган бўлади.

Токарлик станогида заготовкани йўниб ишлашда кескич асосий текислиқда ётади (245-расм, а). Кескичнинг бу вазиятидаги геометрик параметрларини аниқлаш учун уни кесувчи қиррасидан асосий текислик билан кесиш текислигига тик қилиб ўтказилган текислиқда ўлчамоқ керак (245-расм, б). Кескичнинг кесувчанлиги, узоқ муддат ишлаши, энергия сарфи, иш унуми ва ишлов сифати унинг материалига ва геометрик бурчаклари қўйматларига ҳам боғлиқ. Заготовка материалида хоссаси кутилган сифат кўрсаткичларига кўра кескич материалларни ва унинг геометрик параметрларини тўғри танлашнинг аҳамияти foят катта.



244-расм. Токарлик кескичларда бажариладиган асосий ишлар хили



**245-расм. Кескич геометрияси:**

*a* — кесувчи текисликларнинг фазада үтиши,  
*b* — кесувчи текисликларнинг излари ва кескичининг бурчаклари

Токарлық йұнувчи кескичининг асосий геометрик параметр бурчаклари:

**1. Олдинги бурчаги ( $\alpha$ ).** Кескичининг олдинги бурчаги деб кескичининг олдинги юзаси билан асосий кесувчи қиррасидан үтувчи кесиш текислигига тик текислик орасидаги бурчакка айтилади. Бу бурчак кесилаёттан металл қатламининг деформацияланишида хосил бўлувчи кучланишларни камайтиришда, қириндига ажралишда мухим роль йўнайди. Одатда, бу бурчак 8–20 градус оралиғида олинади. Агар кескичининг олдинги юзаси асосий кесувчи қиррасидан пастда бўлса, мусбат ( $+\gamma$ ) ва аксинча, юқорида бўлса, манфий бурчак ( $-\gamma$ ) бўлади.

**2. Асосий кетинги бурчак ( $\alpha$ ).** Кескичининг асосий кетинги бурчаги деб унинг асосий кетинги юзаси билан кесиш текислигига уринма үтган текислик орасидаги бурчакка айтилади. Бу бурчак кескичининг кетинги юзаси билан заготовканинг кесиш юзаси оралиғидаги ишқаланиш кучини камайтиришга хизмат қиласи. Одатда, бу бурчак 6–12 градус оралиғида олинади.

**3. Үткирлик бурчаги ( $\beta$ ).** Кескичининг үткирлик бурчаги деб кескичининг олдинги юзаси билан кетинги юзаси орасидаги бурчакка айтилади ва унинг қиймати куйидагича аниқланади:

$$\beta = 90^\circ - (\alpha + \gamma).$$

**4. Кесиш бурчаги ( $\delta$ ).** Кескичининг кесиш бурчаги деб кескичининг олдинги юзаси билан кесиш текислигига орасидаги бурчакка айтилади ва унинг қиймати куйидагича аниқланади:

$$\delta = 90^\circ - \gamma$$

**5. Кесиш қиррасининг қиялик бурчаги ( $\lambda$ ).** Кескичининг кесиш қиррасининг қиялик бурчаги деб унинг асосий кесиш қирраси билан унинг учидан

асосий текисликка параллел ўтказилган текислик орасидаги бурчакка айтилади. Агар бу бурчак мусбат бўлса,  $\lambda$  ( $+\lambda$ ) ажралаётгани қиринди ишланган юза томонга, аксинча, манфиий ( $-\lambda$ ) бўлса, ишланадётгани юза томонга йўналади.

**6. Кескич учининг пландаги бурчаги ( $\varepsilon$ ).** Кескич учининг пландаги бурчаги деб кескичининг асосий ёрдамчи кесувчи қирраларининг асосий текисликтаги проекциялари орасидаги бурчакка айтади ва унинг қиймати куйидагича аниқланади:  $\varepsilon = 180^\circ - (\varphi + \varphi)$ ; бу бурчак қанча катта бўлса, кескич тургулиги шунча ортади.

**7. Пландаги асосий бурчак ( $\varphi$ ).** Кескичининг пландаги асосий бурчаги деб кескичининг асосий кесувчи қиррасининг асосий текисликтаги проекцияси билан унинг сурилиши йўналиши орасидаги бурчакка айтади. Бу бурчак кичрайиши билан заготовканинг ишланилган сирт юзи потекислиги камайди ва шу билан бирга кескичининг асосий кесувчи қирра узунлиги ортади. Бу эса контакт юза температурасининг пасайишига олиб келиб, кескич тургулигини ортиради. Бу бурчак ортишида эса унинг уч пухталиги заифланаб, тезроқ ейилишига олиб келади, одатда, бу бурчак 40–45 градус оралиғи олилади.

**8. Кескичининг пландаги ёрдамчи бурчаги ( $\varphi_1$ ).** Кескичининг пландаги ёрдамчи бурчаги деб кескичининг ёрдамчи кесувчи қиррасининг асосий текисликтаги проекцияси билан унинг суриш йўналиши орасидаги бурчакка айтади. Бу бурчак камайганда заготовканинг ишланган сирт юза потекислиги камайди ва шу билан кескичининг уч пукталиги ортиб, камроқ сийлади.

Шуни қайд этган ҳолда холоса қилиш керакки, материалларни кескичлар билан кесиб ишлашда заготовка материали ва хоссасига кўра кескич материалларни, геометрик параметрларини, кесиш режимини тўғри танлаб, мумкин қадар станок қувватидан тўла фойдаланган ҳолда, бикир станок ва мосламалар тизимида сифатли деталларни унумли ишлаш мумкин.

### 3-§. Металларни кескичлар билан кесиб ишлаш жараёнининг физик асоси

Материалларни кескичлар билан кесиб ишлашда қиринди ажралиш механизми ниҳоятда мураккаб жараёндир. Шу боисдан бу жараённи англаш мақсадида қўйидаги мисолга назар ташлайлик (246-расм). Айтайлик, бир ёъла ўтинни ёриш зарур. Бунинг учун унга пона шаклини пулат болт маълум  $P$  куч билан урилади. Бунда материал заррачаларининг ўзаро боғланиш қаршилик кучи  $P_m$ , болта юзаларига тик таъсир этивчи нормал қаршилик кучи  $P_N$ , қирра юзаларида ҳосил бўлувчи ишқаланиш қаршилик кучи —  $P_u$  билан белгиланса, бу қаршилик кучлар йигинлисисдан болтага қўйилган  $P$  куч катта бўлгандагина ўтин ёрилади:

$$P > P_m + P_N + P_u. \quad (1)$$

Расмдаги схемадан кўринадики:

$$P_N = P_N \cdot \sin \frac{\beta}{2}, \quad P_u = P_N \cdot \mu \cdot \cos \frac{\beta}{2}.$$

Агар формула (1) даги  $P_N$  ва  $P_u$  ўрнига уларнинг қийматларини кўйисак, формула қўйидаги кўринишга ўтади:

$$P > P_u + P_N \cdot \sin \frac{\beta}{2} + P_N \cdot \mu \cdot \cos \frac{\beta}{2};$$


$$P > P_M + 2P_N \left( \sin \frac{\beta}{2} + \mu \cdot \cos \frac{\beta}{2} \right).$$

Маълумки,  $P_u$ ,  $P_N$  ва  $P_u$  кучларнинг қийматлари ўтган хилига, хоссасига, болта материалига, унинг пухталигига, геометриясига боғлиқ бўлади.


Металл заготовкалардан кескич билан станокларда қиринди йўниб ишлашни кузатсак, кўринадики, заготовкага пона шакли кескич маълум  $P$  куч билан ботира борилганда кесилувчи қатлам ва ишланувчи юза тагидаги сирт маълум чуқурликкача аввалига эластик, кейин пластик деформацияга берилади (247-расм). Деформацияга берилаётган бу қатлам доналари маълум текислик бўйича силжиб, бурилиб, майдаланиб, деформация йўналиши бўйича чўзилиб, физик пухталаниши сабабли кескичга кўрсатаётган қаршилиги орта боради.

Демак, қиринди ажралиши учун кескичга бериладиган куч заготовка қаршилигини енгиши керак. Кучли деформацияга берилган қатламнинг қиринди тарзида ажралиши учун унга таъсир қилувчи кучланиш ( $s$ ) материалнинг оқиши чегара кучланишидан катта ( $s > s_o$ ) бўлиши лозим. Бу ҳолда ажралиш текислиги деб атaluвчи A–A текислиги бўйича қириндининг дастлабки элементи ажралади. A–A текислиги ишланилган юзадан у бурчак бўйлаб ўтади, унинг қиймати заготовка ва кескич материалларига, кескич геометриясига, ишлов режимига кура 145–155° оралиғида бўлади.

Ажралаётган қириндининг кескичининг олдинги юзасига ишқаланиши ва унинг яна қўшимча деформацияга берилиши туфайли элементларнинг ўзаро B–B текислиги бўйича силжиш жараёни ҳам боради. Бу силжиш бурчаги ( $\theta$ ) эса металл хоссасига, ишлов шароитига кура 0°–30° оралиғида бўлади. Демак, металларни кесиб ишлашда қириндининг ажралиш жараёнини қўйидаги уч босқичга ажратиш мумкун:



246-расм.



247-расм. Қириндининг ажралиш схемаси

1. Кесиладиган қатламнинг эластик ва пластик деформацияланиши.
2. Қиринли элементларининг ажралиши.
3. Қириндидининг кескич олдинги юзаси бўйича ишқаланишида элементларининг ўзаро маълум бурчак бўйлаб силжиши боради.

Металл қанча пластик бўлса, қиринди элементларининг ўзаро силжиши бурчаги шунчак катта ва аксинча, металл қаттиқ бўлса, бу бурчак шунчак кичик бўлади.

Материалларни кесиб ишлашда сарфланадиган иш қийматини қуидагича ифодалаш мумкин:

$$A = A_{\text{эл}} + A_{\text{пл}} + A_{\text{ишк}} + A_{\text{ж}} \text{ Ж (кГм),}$$

бу ерда:  $A_{\text{эл}}$  — эластик деформация учун сарфланадиган иш;

$A_{\text{пл}}$  — пластик деформация учун сарфланадиган иш;

$A_{\text{ишк}}$  — қириндидининг кескич олди юзасига ва кескич орқа юзасини ишланадиган юзага ишқаланишига сарфланадиган иш;

$A_{\text{ж}}$  — кесиб ишлаш жараёнида янги силжиши текисликлари ҳосил бўлиши учун сарфланадиган иш.


Шуни ҳам қайд этиш жоизки,  $A$  қийматини камайтириш учун кесиб ишлашда пластик формасига ( $A_{\text{пл}}$ ) ва ишқаланиш ишларига ( $A_{\text{ишк}}$ ) сарфланадиган ишларни камайтиришга, пластиклиги паст бўлган материалларни кесиб ишлашда эса  $A_{\text{эл}}$  ва  $A_{\text{ишк}}$  ишларга сарфланадиган ишларни камайтиришга ҳаракат қилиш керак.

Кузатишлар натижасида аниқланганки, материалларни кесиб ишлаш жараёнида сарфланадиган барча ишлар деярли тўла иссиқликка ўтади, шу боисдан кескичининг кам ейилишини таъминлаш билан катта режимларда, унумли ишлаш мақсадида сарфланган барча ишларни камайтиришга ҳаракат қилиш керак.

Металларни кесиб ишлашда шароитга қараб қириндидининг пластик деформацияланиш даражаси турлича бўлиши унинг ташки кўринишига таъсир кўрсатади. Жумладан, геометрик ўлчамлари ўзгаради, яъни қириндидининг узунлиги ( $l$ ) кескичининг босган йўли ( $l_0$ ) дан кичик бўлади (248-расм). Кўндалант қирқим кесими ( $f = a \cdot b$ ) кесилувчи қатлам кесими ( $f_0 = a_0 \cdot b_0$ ) дан катта бўлади. Қириндидининг бўйига киришуви ( $K$ ) ни қуидагича ифодалаш мумкин:

$$K = \frac{l_0}{l};$$

Шуни қайд этиш жоизки, кесилувчи қатлам эни ( $b_0$ ) қириндидининг эни ( $b$ ) дан фарқ қilmайди. Шу сабабли кўндалант қирқим ўлчам ўзгаришини қуидагича ифодалаш мумкин:



248-расм. Қириндидининг бўйлама киришув схемаси

$$K_f = \frac{b}{b_0} = \frac{a}{a_0}$$

Бу ерда:  $a$  — қиринди қалинлиги, мм;  $a_0$  — кесилаётган қатлам қалинлиги, мм.

Агар металл юқори даражада деформацияланганда  $K$  нинг қиймати 3–6 ва ортиқ бўлиши мумкин. Мўрт металларни ишлашда бу сон бирга яқин бўлади.

Металларни кесиб ишлашда қиринддининг киришуви ва унга таъсир этувчи омилларни, кесиб ишлаш жараёнининг физик моҳиятини ўрганишнинг илмий аҳамияти катта.

Шунгидан учун ҳам бу масалага доир кўпгина кузатишлар утказилган. Масалан, А.Н. Ерёмин ўз кузатишлари натижасида куйидаги хulosаларга келган:

1. Қиринддининг киришуви қиймати ишланувчи металл хоссасига, кескичининг кесиб бурчагига ва кесиб температурасига боғлиқ.

2. Қиринди қалинлигини оширишда қиринддининг киришуви асосий сабаб кесиб температураси бўлиб, у кесиб жараёнида ишқаланиш коэффициентини ўзгартириш билан металлнинг пластиклик хоссасига па ҳақиқий кесиб бурчагига таъсир этади.

3. Қиринддининг қалинлиги ва эни унинг киришувида фақат температура орқали таъсир кўрсатади.

А.Н. Ерёмин маълумотларига кўра, қиринддининг киришуви фақат ишқаланиш коэффициентига боғлиқ. Демак, қиринддининг киришуви қийматига қараб кескичининг олд юзасидаги ишқаланиш коэффициенти ҳақида фикр юритиш мумкин.

М.И. Клушин ва М.Б. Гордон ўз кузатишлари натижасида шундай хulosага келдилар: кескичининг олд юзасидаги ишқаланиш кучи кесиб жараёнига катта таъсир кўрсатади, яъни ишқаланиш кучининг камайиши кесиб жараёнини осонлаштиради.

Н.Н Зорев кесиб жараёнидаги ишқаланиш таъсирини ўрганиб, у ҳам қиринддининг киришуви кескичиниг олд юзасидаги ишқаланиш кучи билан боғлайди.


Г.И. Якунин металларни кесиб жараёнида турли газ муҳитининг (азот, ҳаво ва кислород) қиринди киришувида таъсирини ўрганиб, кескич ишқаланиш коэффициенти ўзгаришини кўрсатди.

Муаллиф metallарни кесиб жараёнида электр токи ва газ муҳитининг алоҳида-алоҳида ва биргаликда қиринддининг бўйига киришуви таъсирини ўрганди ҳамда куйидаги хulosага келди:

1. Металларни кесиб жараёнидаги муҳит ва ҳосил бўлувчи термоток кесиб жараёнининг боришига катта таъсир кўрсатади.

2. Ҳосил бўлувчи термоток газ муҳитининг ишқаланиш юзасига таъсирини оширади ва конкрет ҳол учун ўзининг оптимал қийматига эга бўлади.

Қиринддининг киришув қийматига ишланувчи материалнинг физик-механик хоссалари, кескич геометрияси, ишлов режимлари, мойлаш-совитиш суюқликларининг хили ва бошқа омиллар катта таъсир этиши ҳам муаллиф томонидан кузатилди.



249-расм. Қириндиппен турлари:

*a* — туташ қиринди; *b* — ёриқ қиринди; *c* — увоқ қиринди

#### 4-§. Қиринди турлари

Юқорида қайд этилганидек, заготовкалар хоссасига ва уларни кескічлар билан кесиб ишлаш шароитига күра ажралувчи қириндиппен турлари ҳам ҳар хил бұлади.

1. **Туташ қиринди.** Одатда, пластик металларни ( $Pb$ ,  $Al$ ,  $Cu$  ва кам углеродлы пұлат) катта тезлиқда, юпқа қатламни олдинги бурчаги катта бұлған кескічлар билан кесиб ишлашда спираль, лента тарзидаги туташ қириндилар ажралади (249-расм, *a*).

2. **Ёриқ қиринди.** Бу хил қириндиппен пастроқ бұлған металларни ўртача режимда кесиб ишлашда ажралади. Қириндидининг элементлари бир-бири билап бүш bogланған бұлади (249-расм, *b*). Бу қириндиларнинг кескіч томондаги юзаси силлиқ, тескарисида майда-майда тищчалари бұлади.

3. **Увоқ қиринди.** Қаттық, мұрт металларни (чүян, бронза) кесиб ишлашда элементлари ўзаро bogланмаган түрли шаклдаги увоқ қириндиппен ажралади. Бундай қириндилар ажралаётганданда йўнилған юзада излар қолади (249-расм, *c*). Қириндидининг характеристикасы ишланадаған заготовканнинг аниқлигига, юза текислигі ва иш унумига катта таъсир этади. Масалан, туташ қиринди ажралаётганданда юза текис, ёриқ қиринди ажралаётганданда ғадир-будир ва увоқ қиринди ажралаётганданда эса янада ғадир-будир бўлади. Бунинг учун ишланадаған металл ва кескічининг хили, геометрияси ўзгармаганда кесиш тезлигини ошириб, кесиладиган қатлам қалинлигини камайтириш билан мақсадға мувофиқ бўлған туташ қиринди ҳосил қилиш мумкин.

#### 5-§. Материалларни кесиб ишлаш режими

Кесиш жараёнини характерловчы мұхим күрсәткічлар кесиш режими дейиллади. Үнга кесиш тезлиги, кескічини (заготовкани) суриш тезлиги ва кесиш чуқурлигі киради.

**Кесиш тезлиги ( $f$ ).** Кескіч тиғиннинг заготовкага нисбатан асосий ҳаракат йўналишида вақт бирлиги ичиде босган йўли кесиш тезлиги

дейилади. Кесиш тезлиги м/минда, жилвирлашда, ёғочларни ишлашда м/с да ўлчанади. Токарлик станокларида ишлашда кесиш тезлиги қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$\vartheta = \frac{\pi D n}{1000}, \text{ м / мин,}$$

бу ерда  $\pi$  — айлана периметрининг диаметрига нисбати;  $D$  — заготовканинг диаметри, мм;  $n$  — заготовканинг минутдаги айланишлар сони. Рандалашда, протяжкалашда эса кесиш тезлиги қуидаги аниқланади:

$$\vartheta = \frac{L}{1000 \cdot t_k}, \text{ м / мин,}$$

бу ерда  $L$  — кескич ёки заготовканинг бир минутда босган йўли, мм;  $t_k$  — кескичининг ишлаш вақти, мин.

**Суриш тезлиги ( $S$ ).** Заготовканинг тўла бир айланишида кескичининг босган йўли кескичининг суриш тезлиги дейилади.

Суриш тезлиги айл/мин ёки мм/мин ҳисобида ўлчанади.

**Кесиш чуқурлиги ( $t$ )** заготовканинг йўнишдан кейинги диаметри, мм. заготовканинг йўнишдан кейинги диаметри, мм.

Токарлик станогида бўйлама йўнишда кесиш чуқурлиги қуидаги аниқланади:

$$t = \frac{D_1 - d}{2}, \text{ мм,}$$

бу ерда  $D_1$  — заготовканинг йўнишдан аввалти диаметри, мм;  $d$  — заготовканинг йўнишдан кейинги диаметри, мм.

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, металларни кесиш режими аниқ ҳол учун танлаш бирмунча мураккаб. Шу боисдан амалда шу соҳага доир маълумотномаларда келтирилган жадваллардан фойдаланилади.

## 6-§. Қирилдини йўнишга сарфланадиган вақтни аниқлаш

Маълумки, деталь тайёрлашда ҳар бир операция учун сарфланадиган вақт иш унумини характерлайди. Шунинг учун ҳар бир операциянинг вақт нормаси муайян ташкилий-техник шароитни ҳисобга олиб, илғор технология даражасига жавоб берадиган тарзда белгиланади.

Битта детални тайёрлаш учун кетган вақт  $T_d$  қуидаги формула бўйича аниқланади,

$$T_d = T_a + T_e + T_{\text{нх}} + T_{\text{тф}}, \text{ мин,}$$

бу ерда  $T_a$  — асосий технологик вақт, мин;  $T_e$  — ёрдамчи вақт, мин;

$T_{\text{нк}}$  — иш ўрнига хизмат кўрсатиш вақти, мин;  $T_{\text{тф}}$  — дам олиш ва табиий заруратлар учун танаффус вақти, мин.

**Асосий технологик вақт ( $T$ ).** Детални ишлаш жараёнида заготовка нинг шаклини, ўлчамларини ўзгартирish учун сарфланадиган вақт асосий технологик вақт дейилади. Агар бу иш бевосита станокда бажарилса, бу вақт машина вақти деб юритилади.

**Ёрдамчи вақт ( $T_e$ ).** Заготовкани ишлаш давомида ишчи қўл билан бажариладиган барча ишлар: заготовкани станокка ўрнатиш, станокни юргизиш ва тўхтатиш, айланишлар сони ва сурish тезлигини ростлаш, кесувчи асбобни ўрнатиш, уни зарур ерга сурish, ишланаётган заготовка ўлчамларини ўлчаш каби ишларга сарфланадиган вақт ёрдамчи вақт деб аталади.

**Иш ўрнига хизмат кўрсатиш вақти ( $T_{\text{нк}}$ ).** Иш пайтида иш ўрнига қараб туриш учун сарфланадиган вақт.

**Дам олиш ва табиий зарурат вақти ( $T_{\text{тф}}$ )** оператив вақт ( $T_o = T_e + T_{\text{тф}}$ ) га нисбатан 5–7% ҳисобида олинади.

Заготовкани токарлик станогида бир йўла йўнишда  $T_n$  қўйидаги формула бўйича аниқланади:


$$T_n = \frac{L}{n \cdot s}, \text{мин};$$

бу ерда  $L$  — кескичнинг сурish йўналиши томон бир минутда юрган тўла йўли, мм;  $n$  — заготовканинг бир минутдаги айланишлар сони;  $s$  — кескичнинг заготовка бир марта айлангандаги сурилиши, мм/айл.

250-расмдаги схемадан

$$L = l + l_1 + l_2,$$

бу ерда  $l$  — ишланган юзанинг узунлиги, мм;  $l_1$  — кескичнинг йўниш бошланишидан аввалги юрган йўли, мм;  $l_2$  — кескичнинг заготовкани йўниб ўтгандан кейинги босган йўли, мм.



250-расм. Заготовкани бўйлама йўниш схемаси

Заготовка бир неча ўтишда ишлаганда  $T_a$  күйидаги күринишга эга бўлади:

$$T_a = \frac{L}{n \cdot s} \cdot i, \text{ мин}, \quad (1)$$

бу ерда  $i$  — кескичнинг ўтишлар сони бўлиб, унинг қиймати ишлаш кўйимига ва кесиш чуқурлигига кўра белгиланади.

$$i = \frac{h}{t},$$

$h$  — кесиб ишлаш кўйими, мм;  $t$  — кесиш чуқурлиги.

Агар  $i$  қийматини (1) тенгламадаги  $i$  ўрнига қўйсак, формула қўйидаги күринишга эга бўлади:

$$T_a = \frac{L \cdot h}{n \cdot s \cdot t}, \text{ мин.}$$

$T_a$  вақтга кўра вақт бирлигига ишланган деталлар сони аниқланади:

$$A = \frac{60}{T_a} = \frac{60}{T_a + T_e + T_{\text{иҳх}} + T_{\text{тф}}}.$$

Демак, металл кесиш станокларида иш унумини ошириш учун асосий технологик ва ёрдамчи вақтни камайтиришга интилиш керак. Металл хоссасига, кўйим қийматига, кескич материалига, техник талабларга кўра кесиш режимлари, ўтишлар сонини рационал белгилаш билан бунга эришиш мумкин.

Бу мақсадлар учун тез ишлайдиган мосламалардан фойдаланиш, ўлчаш усувларини такомиллаштириш каби ишларнинг аҳамияти ҳам катта.

### 7-§. Материалларни кескичлар билан кесиб ишлашда ҳосил бўлувчи қаршилик кучлари

Маълумки, материалларни кесиб ишлашда кескичга таушқаридан берилувчи куч қиймати заготовканинг деформацияланишига, қиридининг ажralишига, уни кескичнинг олд юзасига ва орқа юзасининг ишлов берилган юзасига ишқаланишига сарфланган кучлар йигинди-сидан катта бўлгандагина қатlam металл қиринди тарзida ажралади. Шуни қайд этиш жоизки, кесиш жараёнида заготовка структурасининг бир текисда бўлмаслиги, кўйим қийматининг ўзгариши, ўсимта ҳосил бўлиши, кескичнинг ейилиши ва бошқалар таъсирида қаршилик кучи қиймати ва унинг қўйилиш нуқтаси ўзгариб туради. Шу боисдан уни аниқлаш қийин. Шунинг учун ишланувчи материал томонидан кескичга таъсир этувчи бу қаршилик кучи кескичнинг асосий кесувчи қиррасининг «A» нуқтасига кўйилган деб қаралади, унинг қийматини ҳисоблашлар билан аниқлашда бир-бирига тик координат


үкілары йұналишига йұналған күчлар ( $P_z$ ,  $P_y$  ва  $P_x$ ) га ажратилиб, ҳар бириншінг алоқида-алоқида қийматларини динамометр ёрдамида үлчанили (251-расм). Қуйнда бу қаршилик күчлари ҳақида маълумотлар көлтирилген.

Кесиш күчи ( $P$ ) деб материални кескіч билан токарлик станокда кесиб ишлаш жараёнида кесиш тезлігі бүйлаб асосий ҳаракат йұналишига тік таъсир этувчи күчтегі айтилади. Бу күч бүйінча станок шпинделілдегі буровчи момент, самарағында кесиш қуввати, кескіч стерженинің әгувчи момент, шунингдек, станокнинг тезлік күтиси механизм деталлары ҳисобланади.  $P_z$  күч қийматини қуйнданғы эмпирик формула бүйінча аниклаш мүмкін:

$$P = C_{p_z} \cdot t^{p_z} \cdot s^{p_z} \cdot \vartheta^{p_z} \cdot K^{M^{p_z}}, \text{ кгк (Н).}$$

Бу ерда  $C_{p_z}$  — ишланилаёттан заготовка материалининг физико-механик хоссиялариниң ҳисобға олувлы коэффициент;  $t$  — кесилаёттан күйим қалинлігі, мм;  $s$  — сурыш тезлігі, м/мин;  $\vartheta$  — кесиш тезлігі, м/мин;  $K^{M^{p_z}}$  — кесиб ишлаш жараёнида юқоридегі формулага кирмаган күрсаткічлар (кескіч материалы, геометрияси ва бошқалар)ни ҳисобға олувлы коэффициент.

Формуладаги даражада күрсаткічлар ( $X_{p_z}$ ,  $Y_{p_z}$  ва  $n_{p_z}$ ,  $K^{M^{p_z}}$ ) қийматлары аниқ ишлов шароитига күра тегишли маълумотномаларда берилади.



251-расм. Кескічтегі таъсир этувчи күчлар

Радиал күч ( $P_z$ ) деб материални кесиб ишлаш жараёнида заготовка радиуси бүйлаб кескічтегі таъсир этувчи күчтегі айтилади. Бу күч қийматына күра заготовкадан кескічни эластик сиқишиш ва әгилиш қийматлары аниклашади.

Сурилиш күчи ( $P_y$ ) деб ишланилаёттан заготовка ўқыға параллел, кескічини сурилиш йұналишига тескәри йұналған күчтегі сурыш күчи дейилади. Бу күч қийматы станокны заготовка ўқы бүйлаб сурыш механизми деталлары ва кескіч стержени ҳисобланади.  $P_y$  ва  $P_z$  күчлар қийматларини аниклашда ҳам шундай эмперик формулалар бор. Кесиб ишлаш жараёнида кескічтегі таъсир этувчи умумий күч —  $P$  ни аниклаш учун  $P_z$ ,  $P_y$  ва  $P_x$  күчлар қийматлары асосида параллелепипед қурилади ва уннинг қийматы параллелепипед диагоналита тенг бўлади:

$$P = \sqrt{P_z^2 + P_y^2 + P_x^2}, \text{ кг(Н).}$$

$P_z$ ,  $P_y$  ва  $P_x$  кучлар орасидаги тақрибий нисбатлар асосан заготовка материалига ва хоссасига, кескич материали ва геометриясыга, кесиш режими ( $\vartheta$ ,  $s$ ,  $t$ ) га ва бошқа күрсаткычларга бағытталған.

Одатда, пұлатларни ўткыр бурчакли ( $\gamma = 15^\circ$ ,  $\varphi = 45^\circ$  ва  $\lambda = 0$ ) кескичлар билан, мойловчи совитиш суюқликларсиз кесиб ишлашда бу кучларнинг тақрибий нисбатлари қуйидатича бұлади:

$$P_y = (0,3-0,5) \cdot P_z;$$

$$P_x = (0,05-0,3) \cdot P_z.$$

### 8-§. Материалларни кескичлар билап йўниб ишлашда станокнинг эфектив қувватини анықлаш

Металларни бўйига йўниб ишлашга сарфланувчи эфектив қувват ( $N_s$ ) ни  $P_z$  кучга нисбатан анықланади, чунки  $P_z$  кучни енгишга сарфланадиган қувват станок қувватининг 1–2 % дан ошмайди. Шу боисдан уни ҳисобга олмаса ҳам бўлади.  $P_z$  куч эса нолга тенгдир.

$$N_s = \frac{P_z \cdot \vartheta}{60 \cdot 102}, \text{ кВт};$$

бу ерда  $P_z$  — кесиш кучи, кг;  $v$  — кесиш тезлиги, м/мин; 102 кгм/с эса 1 кВт га тенг.

Кесишида станок электр двигателининг қуввати ( $N_v$ ) ни анықлаш учун  $N_s$  қувватни станокнинг фойдали иш коэффициентига тақсимлаш керак.


$$N_d = \frac{N_s}{\eta}, \text{ кВт}.$$

бу ерда  $\eta$  — станокнинг фойдали иш коэффициенти бўлиб, у ўртача 0,7–0,8 олинади. Демак,  $N_d > N_s$ .

Демак, станок қисмлари ва деталларнинг оқилона конструкцияларини яратишида қаршилик кучлари қийматларини билиш, бинобарин, сифатли деталларга самарали ишлов беришни таъминлаш мүхимdir.

### 9-§. Кесиш жараёнида иссиқлик ажralиши


Металларни кесиб ишлашда заготовканинг пластик деформацияларниши, қиринди кескичнинг олд юзасига ва йўнилган юзани кескичининг кетинги юзасига ишқаланиши натижасида кесиш зонасида анча иссиқлик ажralади (252-расм). Қиринди, кескич ва заготовка бу иссиқлик таъсирида қизийди. Кескич маълум дарражагача қизигач, структура ўзгаришлари ҳисобига юмшаб, ишлов беришда тез ейилади.



252-расм. Кесин жараєнида иссиқлик ажралыш схемасы

га ва иссиқлик сифимига күра) қириндига, кескічтеге, заготовкага, таш-ки мұхитта тарқалады (253-расм). Юқоридаги мағлумоттарға асосла-ниб, иссиқлик баланси тенглемасини қуидагича ифодалаш мүмкін:

$$Q_{\text{ил}} + Q_{\text{олд}} + Q_{\text{кст}} = Q_{\text{кир}} + Q_{\text{k}} + Q_{\text{тм}},$$



253-расм. Металларни кесиб ишлашда қараластырылған иссиқликнинг тарқалиш графиги

Бу эса заготовкани ишлаш аниқлигига, юзағадир-будирлигига ва ишлаш унумдорлығига путур етказади. Шунинг учун ажралувчи иссиқликнинг манбалари, тақсимланиши ва түрли зоналардагы ҳақиқий температураларни билмасдан туриб, рационал ишлов йулларини белгилаш қийин. Мағлумки, ишлов пайтида контакт юзаларидаги иссиқлик гүрли тезликда (металлнинг иссиқлик үтказувчанлигига) жағынан көрсетілгенде кескічтеге ишқаланышиң мөлдөмдіктеріндең көбінесе күрделілігін анықтайды.

бу ерда  $Q_{\text{пл}}$  — металл эластик ва пластик деформацияланганда ажralувчи иссиқлик, ккал;  $Q_{\text{плд}}$  — қиринди кескичнинг олд юзасига ишқаланганда ажralувчи иссиқлик, ккал;  $Q_{\text{кет}}$  — заготовканинг ишланган юзасини кескичнинг кетинги юзасига ишқаланганда ажralувчи иссиқлик, ккал;  $Q_{\text{кирд}}$  — қириндига ўтувчи иссиқлик, ккал;  $Q_{\text{к}}$  — кескичга ўтувчи иссиқлик, ккал;  $Q_{\text{т}}$  — заготовкага ўтувчи иссиқлик, ккал;  $Q_{\text{тш}}$  — ташқи муҳитга ўтувчи иссиқлик, ккал.

Металларни кесиш жараёнида ажralувчи иссиқликнинг тақсимлашишини Я.Г. Усачев калориметр ёрдамида ўрганди; унинг кузатишлирага кўра токарлик ишларида ажralаётган иссиқликнинг 50–80% и қириндига, 10–40% и кескичга, 3–9% заготовкага ўтади ва 1% и нурланиш орқали ташқи муҳитга тарқалади.

Кесиш тезлиги ( $\vartheta$ ) нинг ва сурин қиймати ( $s$ ) нинг ошиши, кесиш чуқурлиги ( $t$ ) нинг ортишига нисбатан кескичнинг қизишига кучлироқ таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, контакт юзасида ажralувчи иссиқлик миқдори ортиши билан бир вақтда кескич тигининг ишланаётган металлга контакт узунлиги ҳам ортади. Демак, металларни кесиб ишлашда иш унумдорлигини ошириш учун кесим юзаси қиймати ( $t \times s$ )ни кесиш чуқурлиги 1 ҳисобига орттириш мақсадга мувофиқдир.

Профессор А.М. Даниелян 40ХМ пўлатни кесишда ажralадиган иссиқликни ҳисоблашда қуйидаги эмперик формуладаи фойдаланишини тавсия этди:

$$Q = 148,8 \cdot v^{0,4} \cdot s^{0,14} \cdot t^{0,1},$$

бу срда 148,8 — 40ХМ пўлати учун ўзгармас коэффициент.

Маълумки, металларни кесиш жараёнида сарфланувчи ҳамма механик иш иссиқликка айланади. Кесишга сарфланувчи иш қиймати қуйидагича ифодаланади:

$$A = P_z \cdot \vartheta, \text{ кгм/мин.}$$


Ажralувчи иссиқликнинг умумий миқдорини эса қуйидагича формула билан аниқлаш мумкин:

$$Q = \frac{A}{427} = \frac{P_z \cdot \vartheta}{427}, \text{ ккал / мин, (Ж)}$$

бу ерда  $P_z$  — кесиш кучи, кг;  $v$  — кесиш тезлиги, м/мин. 427 — ишнинг иссиқлик эквиваленти, кгм/ккал.

## 10-§. Кесиш зонасидаги температурани ўлчаш усууллари

Металларни кесиш жараёнида ажralувчи иссиқлик миқдорини аниқлаш кескичнинг қизиб ейилишини камайтириш йўлларини излашга



**254-расм. Сунъий термопаранинг тузилиш схемаси:**


- 1 — кескич;
- 2 — термопара;
- 3 — гальванометр

ришлари асосида аниқланади.

**3. Бевосита ўлчаш усули.** Бу хилдаги усулларга сунъий, ярим сунъий ва табиий термопара усуллари киради. Металларни кесиб ишлаш жараённида температурани ўлчашла сунъий ва, айниқса, табиий термопара усули ўзининг оддийлиги, температурани аниқроқ ўлчаш мумкинлиги сабабли саноатда кенг тарқалган. Бу усуллар билан қисқача танишиб ўтамиз.

**Сунъий термопара усули** (254-расм). Бу усулдан фойдаланилганда кескич 1 нинг температураси ўлчанадиган юзага 0,2—0,4 мм етмайдиган қилиб, 2—3 мм диаметрли тешик очилади. Бу тешикка 0,15 мм диаметрли темир-константан симлардан ясалган, ўзаро изоляцияланган термопара 2 кирилилади. Термопаранинг кавшарланган жойи тешик тубига сиқиб қўйилади. Термопаранинг очиқ учларига сезгир гальванометр 3 уланиб, унинг стрелкаси кавшарланган жой температурасини кўрсатади.

**Табиий термопара усули.** Бу усулда кесувчи асбоб билан йўнилаётган материал термопара элементлари вазифасини ўтайди. Кескичнинг йўнилаётган юзага тегиб турган жойи термопаранинг кавшарланган жойи вазифасини ўтайди. Бу усулнинг схемаси 255-расмда кўрсатилган. Йўнилаётган заготовка 1 нинг бир томони, патрон 3 кулачоклари билан ва иккинчи томони эса айланадиган марказ 4 билан маҳкамланади. Бунда



имкон беради. Металларни кесиб ишлашда кескичнинг турли қисмларидаги температураларни ўлчашда қатор оригинал усуллар тавсия этилган бўлишига қарамай, уларни қўйидаги уч асосий хилга ажратиш мумкин: аналитик, билвосита, бевосита ўлчаш усуллари.

**1. Аналитик ўлчаш усули.** Бу усулда кесиши жараённида ажралувчи иссиқлик миқдори тузилган тенгламалар ёрдамида аниқланади.

**2. Билвосита ўлчаш усули.** Бу хилдаги усуллар металлнинг тобланиш турага қараб термобўёқлар ёрдамида, калориметр воситасида ва структура ўзгаришлари асосида аниқланади.

**3. Бевосита ўлчаш усули.** Бу хилдаги усулларга сунъий, ярим сунъий ва табиий термопара усуллари киради. Металларни кесиб ишлаш жараённида температурани ўлчашла сунъий ва, айниқса, табиий термопара усули ўзининг оддийлиги, температурани аниқроқ ўлчаш мумкинлиги сабабли саноатда кенг тарқалган. Бу усуллар билан қисқача танишиб ўтамиз.

**Сунъий термопара усули** (254-расм). Бу усулдан фойдаланилганда кескич 1 нинг температураси ўлчанадиган юзага 0,2—0,4 мм етмайдиган қилиб, 2—3 мм диаметрли тешик очилади. Бу тешикка 0,15 мм диаметрли темир-константан симлардан ясалган, ўзаро изоляцияланган термопара 2 кирилилади. Термопаранинг кавшарланган жойи тешик тубига сиқиб қўйилади. Термопаранинг очиқ учларига сезгир гальванометр 3 уланиб, унинг стрелкаси кавшарланган жой температурасини кўрсатади.

**Табиий термопара усули.** Бу усулда кесувчи асбоб билан йўнилаётган материал термопара элементлари вазифасини ўтайди. Кескичнинг йўнилаётган юзага тегиб турган жойи термопаранинг кавшарланган жойи вазифасини ўтайди. Бу усулнинг схемаси 255-расмда кўрсатилган. Йўнилаётган заготовка 1 нинг бир томони, патрон 3 кулачоклари билан ва иккинчи томони эса айланадиган марказ 4 билан маҳкамланади. Бунда

**255-расм. Табиий термопаранинг тузилиш схемаси:**

- 1 — заготовка;
- 2 — қистирма;
- 3 — патрон;
- 4 — марказ;
- 5 — кескич;
- 6 — ҳалқа;
- 7 — симоб ваниси;
- 8 — гальванометр

заготовка билан кескич 5 қистирмалар 2 воситасида бир-биридан изоляцияланади. Йўнилаётган заготовка ўнг ёқдаги ҳалқа 6 билан бир қилиб бириктирилган бўлиб, ҳалқа 6 ванна 7 даги симобга теккизилган. Сезгир гальванометр 8 нинг бир сими кескич 5 га, иккинчи сими эса ванна 7 даги симобга уланган.

Кесиш жараёнида контакт жойининг қизиши натижасида термоэлектр юритувчи куч ҳосил бўлади, гальванометр унинг қийматини кўрсатади. Унга асосан температура аниқланади.

Табиий термопара усули куйидаги камчиликлардан ҳам ҳоли эмас:

1. Турли материалларни турли кескичлар билан ишлашда ҳар сафар термопарани даражалаб туриш лозим.

2. Даражалашда кескич билан заготовканинг кесиб ишлашдаги ҳақиқий ҳолатини белгилаш жуда ҳам қийин.

Профессор А.М. Даниелян табиий термопараларни даражалашда кескич билан заготовканинг ҳақиқий вазиятига таъсири этувчи асосий омиллар жумласига заготовка билан кескичининг химиявий таркиби, микроструктура ўзгаришлари ва бошқаларни киритган. Демак, табиий термопара усулида ҳам маълум хатоликларга йўл қўйилади.


С.С. Четвериков ва И.И. Здорогов нормалланган 18ХГТ пўлатини P18 кескич билан 5% ли эмульсиянига сувдаги эритмасидан фойдаланиб кесиш режимларида  $d=53,3$  м/мин,  $s=0,38$  мм/айл ва  $t=3$  мм йўнганда кескичининг турғунлигини аниқлашда куйидаги натижага эришганлар.

Мойлаш-совитиш суюқлигидан (МСС) одатдаги фойдаланилганда кескичининг турғунлиги 2,3 мин, мойлаш-совитиш суюқлиги (МСС) босим остида кескичининг тагидан кесиш зонасига ҳайдалганда кескичининг турғунлиги 12—46 мин бўлган. МСС кескичининг тагидан кесиш зонасига босим остида ҳайдалганда кескич анчагина сониганилиги учун турғунлиги ортган. Лекин табиий термопара усулида ўлчангандай температуралар деярли бир-бира га яқин бўлган. Бу ерда қандайдир маширий боғланиш йўқ.

Муаллиф томонидан ЗОХГСА ва СТЗ пўлатларни Р9 маркали кескич билан МСС сиз ва оддий водопровод сувини кесиш зонасига куйиб йўнишда ҳам шундай натижаларга эришди. Термопаранинг бу хатолик сабабини аниқлаш устида муаллифнинг ўтказган экспериментал тажрибалари натижасида кесиш жараёнида заготовка билан кескичининг ишқаланиш юзасида вужудга келувчи оксид пардалар туфайли содир бўлиши аниқланди.

### 11-§. Металларни кесиб ишлаш жараёнида кескич учидаги ўсимтанинг ҳосил бўлиши, унинг кескич турғунлигига ва ишлов сифатига таъсири

Пластик металларни кескичлар билан кесиб ишлашда маълум шароитда кесиш зонасида катта босим ва температура таъсирида ажралаётган қиринддининг кескич олд юзасида ишқалана боришида кучли




256-расм. Үсімтанинг ҳосил бўлиш схемаси:

*a* — кескічда ҳосил бўладиган үсімта:  $\delta_1$  — үсімтанинг ҳосил бўлишига қадар кескічининг кесиш бурчаги;  $\delta_2$  — үсімта ҳосил бўлгандаға кейин кескічининг кесиш бурчаги; *б* — кескічга таъсир этувчи кучлар

деформацияланган заррачаларнинг бир қисми йұналиши бўйича тутила бориши оқибатида кескіч учига понага ўхшаб пайвандланиб боради ва у үсімта деб аталади (256-расм). Бевосита ишлов жараёнида ишқаланиш, босим, чўзиш кучлари ( $T$ ,  $P$ ,  $R$ ) таъсирида унинг шакли ва ўлчамлари ўзгара боради. 257-расмда чўзилишга пухталиги 55 кг/мм<sup>2</sup> бўлган пўлатнинг  $t = 4,5$  мм;  $s = 0,67$  мм/айл ва турли тезликда кесиб ишлашда үсімтанинг ҳосил бўлиш графиги келтирилган.

Графикдан кўринадики, кесиш тезлиги 3–5 м/мин бўлганда контакт юзада температуранинг пастлиги сабабли үсімта ҳосил бўлмайди. Кесиш тезлиги 5–6 м/мин дан ошганда үсімта ҳосил бўла бошлайди ва ишлов тезлиги 18–20 м/мин дан ортганда эса үсімтанинг ўлчами кичрайтириб, қириндininинг осонроқ ажралишига ёрдам беради ва заготовкага нисбатан бир неча бор қаттиқлиги сабабли ўзи қириндinin ҳам йўниб, кескічининг кесиш қирасини ейилишдан сақлайди.

Лекин кесиш шароити ўзгаришида үсімтанинг барқарормаслиги, кесиш кучининг ўзгаришига олиб келиши сабабли СМКД (станок-мослама-кескіч-деталь) тизимида тебраниш пайдо бўлади. Натижада, ишланган юзада юлуқлар бўлиб, ўлчам аниқлиги ва юза текислиги ёмонлашади.



257-расм. Үсімтанинг кесиш тезлигига кўра ҳосил бўлиш графиги


Юқоридаги маълумотлардан хуоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўсимта хомаки ишловларда фойдали бўлса, нафис ишловларда зарарлидир.

## 12-§. Кесиб ишлашда сирт қатламларниңг пухталаниши

Пластик металларни кесиб ишлашда кесувчи қатламгина эмас, йўнилган юза ҳам маълум чуқурликда деформацияланади. Натижада, металл донлари деформация йўналишига силжиб, бурилиб, майдаланиши сабабли юза пухталанади. Масалан, алюминийни кесиб ишлашда ишланган юзанинг қаттиқлиги ишланмагандаги қаттиқликка нисбатан икки баравар, юмшоқ пўлатларни кесиб ишлашда эса бир ярим баравар ортади.

Пухталанган қатламнинг чуқурлиги ( $h$ ) ўртача қаттиқликдаги пўлат учун хомаки йўнишда  $0,4\text{--}0,5$  мм ни, тозалаб йўнишда  $0,07\text{--}0,80$  мм ни ташкил этади. Металларни кесиб ишлашда юза пухталанишининг физик моҳиятини англамоқ учун кесиш жараёнида қиринди ажралиш схемасига назар ташлайлик (258-расм, *a*).

Фараз қиласайлик, пўлатдан ясалган тезкесар кесичининг кесувчи қирраси учининг юмалоқланиш радиуси ( $r$ ) қиймати  $0,005\text{--}0,008$  мм



**258-расм. Ишлов берилган юза қатлами хоссасининг ўзгариши:**  
*a* — кесиш жараёнида қиринди ажралиш схемаси; *b* — кесиш жараёнида ишланган қатламнинг қалилигига кўра қаттиқлигининг ўзгариш эпюраси

оралиғида бұлсın. Иш давомида унинг ўтмасланиши сабабли бу радиус орта боради. Кескіч қирраси учининг радиуси туфайли кесиш жарайёни кечганды, металл қатламининг ҳаммаси эмас, балки  $cd$  чизиғидан юқори қисмігіна қириндига ўтади.  $cd$  чизиғидан пастки қисми әса эластик деформацияланиб, йўнилган юзани ҳосил қиласы. Демак, кескіч бир йўла йўниб ўтишида деформацияланган қатламда  $h$ , эластик қайтиш рўй беради.  $h$ , ўлчами қанча катта бўлса, кескіч орқа юзасининг ишланган юзага тегиш жойи шунча ортиб, ишқаланиш кучини оширади. Шу билан ишланган юзадан нормал босим ( $N$ ) ва ишқаланиш кучлари таъсирида эластик деформация қиймати катта бўлса, ишқаланиш кучи ҳам шунча ортади. Ишқаланиш кучини камайтириш учун кескічининг кетинги бурчак ( $\alpha_0$  ва  $\alpha_1$ ) лари чархланади.

Металларни кесиш жараёніда ишланган қатламнинг қалинлигига кўра унинг қатлам хоссаларининг ўзгариш эпюраси 258-расм, б да келтирилган. Ишланган юзанинг нотекислиги шартли равишда илон изи тарзида тасвирланган. Пухталанган қатлам чуқурлиги қуйидаги уч зонага бўлинади:

I зона. Бу жуда юпқа зона бўлиб, донларнинг майдалашиб, янги структура ҳосил бўлиши билан характерланади. Бу юзада микродарзлар бўлиши туфайли у нуқсонли зона деб юритилади.

II зона. Пухталанган зона.

III зона. Асосий металл зонаси. Схемадаги эпюрадан кўриниб турибдики, ишланган юзанинг қалинлик бўйича қаттиқлиги кескін ўзгариши, яъни юзадан асосий металл қатламига ўтгунча қаттиқлик аста камайиб беради. Бунинг сабаби шундаки, кесиш жараёніда кескічининг орқа юзасига тегалиган қатлам пластик деформацияга кўпроқ берилади.

Экспериментал талқиқотлар шуни кўрсатадики, кескічининг кесиш чуқурлиги —  $l$ , сурилиш тезлиги —  $s$ , кесиш бурчаги —  $\delta$  ва кесувчи қирранинг юмалоқланиш радиуси —  $r$ , катталашган сари пухталаниш даражаси ва чуқурлиги ортади. Бу омиллар ичida кескічининг сурилиш тезлиги ( $\varphi$ ) пухталанишга айниқса катта таъсир кўрсатади.

Кесиш тезлиги ё ортиши билан пухталаниш камаяди. Тозалаб ишлашда сиртқи қатламдаги қолдиқ кучланиш характеристи ва қиймати машина деталларининг иш муддатига катта таъсир кўрсатади. Агар қолдиқ кучланиш сиқувчи бўлса, юза пухталаниши фойдали бўлиб, бу деталнинг толиқиши чегарасини оширади.

Юзанинг дагал йўнишдаги пухталаниши юзани узил-кесил тозалаб ишлашга ўтишда кескічини тез ўтмаслаштиради, ишлов жараёнига салбий таъсир этади. Кесиш жараёніда ишланган юзанинг пухталаниши билан танишиш механик ишлов учун қолдирилган қўйимнинг охирги қатламини тозалаб йўнишда қатламни имкони борича юпқа йўниш кераклигини билдиради.

### **13-§. Материалларни кесиб ишлашда ҳосил бўладиган тебранишларнинг кескич ейилишига ва деталь сифатига таъсири**

Маълумки, материалларни кескичлар билан станокларда кесиб ишлашда баъзан қатор сабабларга кўра станок-мослама-кескич-деталь (СМКД) тизимида даврий тебранишлар бўлади. Агар бу тебранишлар анча кучли бўлса, кескич тез ейилиб, деталнинг сифатига путур етказиши билан станок деталларнинг тезроқ ейилишига, шовқин кучайишига ва ишчини тезроқ толиқишига олиб келади. Шунинг учун бу масалага алоҳида эътибор берилади. Металларни кескичлар билан узлуксиз кесиб ишлашда ортиб борувчи кесиш ва ишқаланишларда кесилаётган қатлам кўндаланг кесими юзининг ўзгариши, ўсимта ҳосил бўлиши, заготовка ва кескичнинг эластик деформацияланиши, станок ва мосламаларнинг ҳаракатдаги деталларнинг мувозанатланмаганилиги, заготовка сирт юзининг нотекислиги, кескичнинг ейилиши, станокнинг етарли даражада бикраслиги туфайли ёнидаги ишлаётган станокларнинг пойдеворлари орқали ўтувчи тебранишлар таъсирида СМКД тизими мажбуран тебранади ва натижада кесиш жараёни меъёрида бормайди.

Автотебранишлар частотаси 50–500 Гц оралиғида бўлса паст частотали, 800–6000 Гц оралиғида бўлса, юқори тебранишлар дейилади. Кузатишлар натижасида аниқланганки, паст частотали тебранишларда ишланган заготовка сирт юзи тўлқинсимон бўлса, юқори частотали тебранишларда ишланган заготовка сирт юзида майда-майда чуқурчалар бўлади. Тажрибалар кўрсатади, қиринди эни ва суриш тезлигининг ортиши тебранишни оширади. Кесиш тезлиги то 50–150 м/мин га етгунга қадар тебраниш ортиб боради. Кесиш тезлиги бу кўрсатичдан ошганда СМКД тизими тебраниши камаяди.

Шунингдек, кескичнинг олдинги бурчаги ( $\gamma$ ) нинг кичрайиши ва кетинги бурчаги ( $\alpha$ ) нинг катталашиши билан тизим тебраниши кучяди. Пландаги асосий бурчак ( $\varphi$ ) кичрая борган сари тизимнинг тебраниши ҳам кучая боради. Кескич учининг юмалоқланиш радиуси ( $r$ ) катталашганда тебраниш сусаяди. Материалларни кесиб ишлашда бу тебранишларни камайтириш мумкин. Бунинг учун ҳосил бўлиш сабаблари олдини олиш лозим, жумладан ҳосил бўлувчи кесиш ва ишқаланиш кучларини камайтириш, станок бикрлигини ошириш, станокка заготовкани ва кескични тўғри (тебраниш кам даражада берадиган тарзда) ўрнатиш, кескич геометриясини тўғри танлаш, маъқул кесиш режимини белгилаш, каттароқ тезликда ишламоқ керак.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, айниқса, кесиб ишланиши қийин бўлган материалларни кесиб ишлашда тизим тебранишлардан тўғри фойдаланилса ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Бунинг учун кескичга сунъий йўналиш ёки кесиш тезлиги бўйича зарур частотали тебраниш берилади. Жумладан, тебраниш частотаси

200–2000 Гц, амплитуда 0,02–0,002 бўлади. Бундай берилувчи сунъий тебраниш манбаи сифатида механик тебраткичлар ёки юқори частотали генераторлардан фойдаланилди.

Бу хил ишлов анъанавий ишловларга қараганда қуйидаги афзалинкларга эга бўлади. Жумладан, қиринди айrim элементлар тарзида майдалаб, зарурий самарали қувватни камайтиради. Ўсимта кескичда ва ишланган юзада майда тишли заррачалар ҳосил бўлмайди, лекин баъзи ҳолларда кескичнинг турғунлик вақти камаяди.

#### 14-§. Мойлаш-совитиш суюқликларининг роли

Ўтган асрнинг 70, 80-йилларидаётқ пўлатларни кесиб ишлашда совуннинг сувдаги эритмаларидан, XX асрнинг бошларида эса тезкесар пўлатдан ясалган кескичлар билан металларни хомаки йўнишда эмульсиялардан, тозалаб йўнишда минерал мойлардан фойдаланилган. Кейинроқ эса майда олтингугурт қуни қўшиб ишлатила бошланди.

Тажрибалар шуни кўрсатади, металларни кесиб ишлашда мойлаш-совитиш суюқликлари (МСС) дан фойдаланиш кесувчи асбоблар турғунлигини ошириб, сифатли деталлар ишлашда энг арzon омиллардан биридир.

Улар суюқ, газ, газсимон ва қаттиқ ҳолда бўлади. Суюқларига минерал мойлар, мойли сув эмульсиялари, совуннинг сувли эритмалари, керосинга ва мойга киритилган графит, парафин ва бошқалар, газ ва газсимонларга  $\text{CO}_2$ ,  $\text{N}_2$ , сирт юзи актив мойлар буғлари ва бошқалар, қаттиқларига эса мум, парафин, петролатум, битум, совун кукунлари киради.

Мойлаш-совитиш суюқликларининг асосий функциялари: а) кесиш жараёнида контакт юзаларидан ажралувчи иссиқлик ҳисобига қизиган кескич, қиринди ва заготовкани совитиш; б) кескичнинг олд юзасига қириндининг, кетинги юзасига ишланган юзанинг ишқаланишини камайтириш; в) заготовканинг ташқи юзаларидаги микродарзларга кириб, уларни пона сингари кериб, қиринди ажралишига кўмаклашиш.

МСС нинг хили ва таркиби ишланилаётган заготовканинг хилига, ишлов характерига, кутилган сифат талабларига, кесиш режимларига ва бошқаларга кўра белгиланади.

Шу билан бирга МСС ишчининг саломатлиги учун заарсиз бўлиши билан бирга деталларни коррозияламайдиган бўлиши ҳам лозим.


МСС нинг хиллари жуда кўп бўлишига қарамай, уларни икки турӯхга бўлиш мумкин: I турӯх — совитиш хусусияти юқори, мойлаш хусусияти паст бўлган МСС; II турӯх — мойлаш хусусияти юқори, совитиш хусусияти паст бўлган МСС. I турӯхга соданинг сувдаги 2–5% ли эритмалари, совуннинг сувдаги 5–10% ли эритмалари ва бошқалар киради. II турӯхга минерал мойлар ва ўсимлик мойлари, олтингугурт қўшилган мой (сулфоффрезол) ва бошқалар киради.

Амалдаги металларни дағал йўнишда I гуруҳга киравчи МСС, тозалаб йўнишда ва резъбалар очишида эса II гуруҳга киравчи МСС ишлатилади. Баъзида чўян ва алюминий қотишмаларини тозалаб йўнишда ва пардозлаш ишларида новшадил ва керосиндан фойдаланилади. Ишлов усулига, кесиш режимига ва бошқа кўрсаткичларга кўра МСС кесиш зонасига асосан устидан паст босимда ( $P=1,1 \text{ кг}/\text{см}^2$  ( $0,11 \text{ МН}/\text{м}^2$ )), юқори босимда ( $(P=10-25 \text{ кг}/\text{см}^2 1-2,5 \text{ МН}/\text{м}^2)$ ) пастидан пуркаш усулидан ҳам фойдаланилади (259-расм).

МСС сарфи кесиш усулига, кесиш режимига ва бошқа кўрсаткичларга кўра 5–50 л/мин бўлади.

Чўян, бронза каби қотишмаларни кесиб ишлашда МСС ишлатилмайди, чунки улар кескичининг турғулнлигини бир оз оширгани билан увоқ қиринди станокни ифлос қилиб, унинг қўзғалувчи деталларига заарар етказади. Шу сабабли бундай ҳолларда кейинги йилларда МСС ўрнига сиқилган ҳаво ва карбонат ангидрид ишлатилмоқда.

Кесиш жараёнида МСС нинг кескичга таъсири ҳақида адабиётларда турли фикрлар ҳам учрайди. Баъзи муаллифлар кесиш жараёнида ташқи муҳит зарралари (молекулалари) кескичининг контакт юзаларига ўтишини рад этса, баъзилари, аксинча, ташқи муҳит заррачалари контакт юзаларига ўтишини таъкидлайди. Бизнинг кузатишларимизда ҳам кесиш жараёнида МСС заррачаларининг кесиш юзасига ўтиши ва бунинг натижасида оксид пардалар ҳосил бўлиши аён бўлди. Шунингдек ҳосил бўлувчи оксид пардалар характеристига термоток ва гальванотоклар таъсир этиши ҳам аниқланди.



**259-расм. МСС ни кесиш зонасига пуркаш схемаси:**

*а* – суюқликни устидан пуркаш; *б* – суюқликни босим остида тагидан пуркаш

## 15-§. Материалларни кесиб ишлаш жараёнида кескичнинг ейилиши

Маълумки, металларни кесиш жараёнида маълум ҳажмдаги металлнинг эластик-пластик деформацияланиши, кескичнинг олд юзасига ажралаётган қириндининг ва кетинги юзасига ишланган юзанинг ишқаланиши натижасида кескич қизиб, ейила боради.

Кескичнинг ейилиш суръати заготовканинг хоссасига, кескич материалы ва геометриясига, кесиш режимига ҳамда бошқа омилларга боғлиқ. Кескичнинг тез ейилиши аввал металларнинг юқори режимда самарали ишлашини чеклайди. Шунинг учун унинг ейилиш тезлигини камайтиришга оид ишлар бу мураккаб жараённи чуқур ўрганмай туриб, мазкур масалани ҳал этишга имкон бермайди.

Кескичларнинг иш жараёнида ейилиш сабабларини ўрганиш асосан механикавий, термик ва адгезион ейилишга ажралади. Материалларни МСС сиз кесиб ишлашда кескичнинг сирт юза ғадир-будирликлари ейилиши механик (абразив) ейилиш дейилади. Агар кескичининг юқори температурада қизиганида юмашши ва контакт юзадаги босим тасъирида сиртидаги оксид парларнинг парчаланишига термик (оксидланиш) ейилиш дейилади. Агар кескич материал заррачалари қиринди билан молекуляр боғланиш ҳисобига ейилса адгезион ейилиш дейилади.


Шуни қайд этиш жоизки, кичик тезликларда ишловчи кескичлар (парма, зенкер, развертка, метчик ва бошқалар) кўпинча адгезион ва абразив ейилишларга берилади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, кескич юзасининг ғадир-будирлиги маълум даражада камайтирилса, у кам ейилади, лекин юза ғадир-будирлик даражасининг ҳаддан ташқари камайтирилиши кескичнинг ейилиш суръатини оширади. Масала шундаки, кескич юзасининг ғадир-будирлиги жуда ҳам камайтирилганда унинг олд ва кетинги юзларига тушувчи босим ҳар бир  $\text{см}^2$  юзада бир неча юз кг га етади. Натижада унинг қиринди билан боғланиш кучининг қиймати айрим заррачаларнинг боғланиш кучидан ошгани учун майда заррачалар кескич юзидан қириндига ёпишиб бориб кескичнинг ейилиши ортади.

$t < 0.2 \text{ мм}$  бўлганда, МСС дан фойдаланмай кесишда кескичнинг кетинги юзаси тезроқ ейилади.

Агар  $t = 2 \text{ мм}$  ва ундан ортиқ бўлганда ўртача тезликда МСС лардан фойдаланиб кесишда кескичнинг кетинги юзаси ҳам, олд юзаси ҳам ейила боради. Агар  $t \geq 0.2 \text{ бўлиб}$ , сиз катта тезликда ишлашда кескичнинг олд юзаси кўпроқ ейилади (260-расм).

Маълумки, ейилган кескичларни дастлабки геометрик шаклига келтириш учун у чархланади. Бунда кескичнинг олд ва кетинги юзларидан маълум қалинликда қатлам йўнилади. Кескичнинг чархланishi лозим бўлган даражада ейилиши йўл қўйиладиган ейилиш дейилади.



**260-расм.** Кескичнинг ейилиши:  
а — кетинги юзасидан; б — бир вақтда ҳам олд, ҳам кейинги юзасидан; в — олд юзасидан

Кескичнинг ейилиш характерини ўрганиш бу қийматни аниқлашга имкон беради.

Кескичнинг ейилиш этри чизигидаги I давр унинг бошлангич ейилиш даври бўлиб, бунда юзаларнинг ғадир-будирликлари ейилади. II давр кескичнинг нормал ейилиш даври бўлади (261-расм).

Кесувчи асбобларнинг йўл қўйиладиган ейилиш қийматининг миқдорий ифодаси ейилиш критерияси ( $h_k$ ) дейилади. Масалан, тезкесар пўлатдан ясалган кескичларда пўлатларни кесишида  $h_k = 1,5\text{--}2,0 \text{ мм}$  (МСС сиз ишлов беришда  $h_k = 0,4\text{--}0,5 \text{ мм}$ ), қаттиқ қотишма пластикалари, кавшарланган кескичларда эса бу критерия  $h_k = 0,5\text{--}0,8 \text{ мм}$  қилиб белгиланади.

Пўлатларни ишлашда кесиш юзасида ялтироқ йўллар, чўянларни ишлашда эса қора доғларнинг ҳосил бўлиши кескичнинг ейилиши этри чизигидаги III даврни, яъни унинг тез ейилиши бошланганлигини билдиради. Баъзи нафис ишловларда кескичнинг ейилиш критерияси технологик кўрсаткич бўйича, деталь ўлчамининг аниқлиги, ғадир-будирлик даражасига қараб ҳам белгиланади. Агар ишланган деталь ўлчамлари чизма талабига жавоб бермаса, унда кескич қайта чархланади.

Кескичларнинг қайта чархланмай ишлаш вақти унинг турғунлиги дейилади. Маълумки, кескичларни чархлашда йўнилган қалинликка қараб бир неча бор чархлашга тўғри келади. Шунга кўра кескичлар-



**261-расм.** Кескичнинг ейилиш тавсифи схемаси

нинг умумий турғунылигини күйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$T_{ym} = (N + 1) \cdot T_{min},$$

бу ерда  $N$  — йўл қўйиладиган чархлашлар сони,  $T$  — кескичнинг турғунылиги, мин.

Конкрет ҳоллар учун  $N$  ва  $T$ нинг қийматлари маълумотномалардан олинади.

### 16-§. Кесиш тезлигини оқилона белгилаш

Металларни кесиб ишлашда кесиш тезлиги кесиш режимининг муҳим элементи бўлиб, унинг ортиши билан ишлашга сарфланадиган асосий технологик вақт камаяди ва йўнилган юза фадир-будирлиги текисланади. Бироқ металларни юқори тезликда кесиб ишлашни кескич турғунылиги, станок қуввати ва бошқалар чеклайди. Амалий ишларда кескичнинг турғунылиги иқтисодий жиҳатдан белгиланиб, кесиш тезлиги конкрет ҳол учун аниқланади.

Металларни кесиб ишлашда оптималь кесиш тезлигини белгилётганда кескичнинг турғунылиги, ишланадиган материалнинг физик-механик хоссалари, кескич кесувчи қисмининг материали, кескич геометрияси, кесиш элементлари ва бошқа омилларга алоҳида эътибор берилиши лозим.

**Кескичнинг турғунылиги.** Кесиш жараёнини кузатиш кесиш тезлиги билан кескичнинг турғунылиги орасида маълум боғланиш борлигини кўрсатди, бу боғланишни кўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\vartheta = \frac{C_n}{T^m}, \text{ м/мин},$$

бу ерда  $C_n$  — кескич, заготовка материали, кесиш чуқурлиги, суриш қиймати, кескич геометрияси каби омилларга боғлиқ бўлган коэффициент;  $T$  — кескичнинг турғунылиги, мин;  $m$  — нисбий турғунлик. Бунинг қиймати йўнилаётган материалга, кескич материалига, кесиш чуқурлигига, суриш қийматига, ишлов характеристига боғлиқ бўлиб, тез-кесар пўлатдан тайёрланган кескич учун 0,1—0,125, қаттиқ қотишмали кескичлар учун 0,2—0,3, минерал-керамик кескичлар учун 0,4—0,5 олинади. Кесиш асбобининг турғунылигини станокнинг иш унуми энг юқори ва деталнинг таннархи арzon бўладиган қилиб белгилаш керак. Ана шундай кескичнинг турғунылиги иқтисодий турғунлик дейилиб, унга тўғри келадиган кесиш тезлиги иқтисодий кесиш тезлиги деб аталади.

Заготовкани битта кесиш асбоби билан ишлашда ишлатиладиган кескич материалига кўра кўйидаги чегарада турғунликлар қабул қилинган: тезкесар пўлатдан ясалган кескич учун 30—60 мин, қаттиқ қотишма

пластинка учун 45–50 мин, минерал-керамик пластинка учун 30–40 мин, резба йўнадиган ва шаклдор кескичлар учун 120 мин.

Заготовкани бир неча кескичлар билан ишлашда турғунлик каттароқ олинади, чунки кесиш асбобини ростлаш ва алмаштириш учун анча вақт талаб этилади. Токарлик автоматларида кескичининг турғулиги 180–200 мин белгиланади.

Кесиш жараёнида  $v_1$  тезликдан  $v_2$  тезликка ўтишда кесиш асбобининг турғулигини куйидаги боғланишлардан аниқлаш мумкин.

Агар  $\vartheta_1 = \frac{C_\vartheta}{T_1^m} \cdot \vartheta_2 = \frac{C_\vartheta}{T_2^m}$  бўлганда бу ифодалар ҳадма-ҳад бўлинса, куйидаги ифода ҳосил бўлади:

$$\frac{\vartheta_1}{\vartheta_2} = \frac{C_\vartheta T_2^m}{C_\vartheta T_1^m} = \left( \frac{T_2}{T_1} \right)^m,$$

бундан

$$\vartheta_1 = \vartheta_2 \left( \frac{T_2}{T_1} \right)^m \text{ ёки } T_2 = T_1 \left( \frac{\vartheta_1}{\vartheta_2} \right)^{\frac{1}{m}}$$

келиб чиқади, бунда  $\vartheta_1 - T_1$  турғунликка мувофиқ келадиган кесиш тезлиги;  $\vartheta_2 - T_2$  турғунликка мувофиқ келадиган кесиш тезлиги. Энди кесиш тезлигига таъсир этувчи асосий омиллар билан танишамиц.

Ишланувчи материалларнинг физик-механик хоссалари материални кесиш тезлиги, унинг чўзилишга мустаҳкамлиги, қаттиқлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги ва сирт қатламининг ҳолати ва бошқалардан иборат.

Материалнинг мустаҳкамлиги, қаттиқлигининг ортиши билан иссиқлик ўтказувчанлигининг камайиши унинг кесиб ишланашга қаршилигини ошириб, кесиш зонасида анчагина иссиқлик ажралишига олиб келади, бунда кескич тез ейилади. Бу кесиш тезлигини камайтиришга мажбур этади. Заготовкадаги карбидлар, юзадаги кум, шлак ва бошқа қўшимчалар ҳам кескичининг тез ейилишига олиб келади.

## 52-боб

### КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАРНИНГ КЕСИБ ИШЛАНУВЧАНИЛИГИ ВА УНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

#### 1-§. Материалларнинг кесиб ишланувчанлиги

Маълумки, материаллар хили, кимёвий таркиби ва структураси, шунингдек, физика-механик ва технологик хоссаларига кўра, кескичлар билан турлича кесиб ишланади. Материалларнинг кесиб ишланувчанлиги — уларнинг кескич билан ишлана олиш хусусияти дейилади.

Бу хусусияти кесиш тезлиги, кескич турғунылиги, кесиш кучи (кесиб ишлашга сарф қилинадиган қувват), ишланиш аниқлиги ва юзанинг ғадир-будирлиги билан характерланади. Бу кўрсаткичлар ўз навбатида иш унумига ва деталнинг таннархига таъсир кўрсатади. Шу сабабли, конструкторлар деталларнинг материалини белгилашда конструкция нуқтаи назардангина эмас, балки кесиб ишланувчанлигини ҳам ҳисобга олишлари керак.

Куйида темирнинг углеродли қотишмалари, рангли металл қотишмалари ва пластик массаларнинг кесиб ишланувчанликлари ҳақида маълумотлар баён этилган:

1. Маълумки, углеродли конструкцион пўлатларда  $C \leq 0,6\%$  гача,  $Si = 0,3\%$  гача,  $Mn = 0,65\%$  гача,  $P \leq 0,05\%$  ва  $\leq 0,05\%$  гача бўлади. Пўлат таркибида углероднинг миқдори 0,3% дан ортиши билан унинг мустаҳкамлиги ортади. Бу ҳолда пўлатнинг кесиб ишланувчанлиги қийинлашади.

Бундай ҳолда кесиш зонасида температура кўтарилиб, кескич ўта қизиб, ейилиши бирмунча тезлашади.

Агар пўлат таркибида  $C \leq 0,1-0,2\%$  бўлса, унинг юқори пластиклиги сабабли кесиб ишланган юзада юлиқлар ҳосил қилишга мойил бўлади. Шу боисдан йўнилган юзанинг ғадир-будирлиги ортади. Пўлат таркибида  $Si$  нинг силикат абразив қўшимчалар ҳосил қилиши уларнинг кесиб ишланувчанлигини ёмонлаштиради.  $Mn$  пўлатнинг мустаҳкамлигини орттиради. Агар пўлатда унинг миқдори 2% дан ортса, кесиб ишланувчанлиги анча ёмонлашади. Пўлатда  $P$  миқдори 0,15% гача бўлса, унинг кесиб ишланувчанлиги яхшиланади. Маълум пўлатда  $S$  сульфидлар ( $FeS$ ,  $MnS$ ) ҳосил қилиб, унинг кесиб ишланувчанлигини осонлаштиради.

Легирланган пўлатларга келсак, улар таркибидаги легирловчи элементлар миқдори ортиши натижасида пўлат мустаҳкамлиги ортиши билан иссиқлик ўтказувчанлиги пасаяди. Бу эса пўлатнинг кесиб ишланувчанлигини қийинлаштиради.

Маълумки, чўянлар оқ, кулранг, мустаҳкамлиги юқори, боғланувчан хилларга ажратиласди. Буларнинг ичидаги оқ, чўянларнинг кесиб ишланувчанлиги легирланган пўлатларнидан ҳам ёмонроқ, чунки уларнинг ҳам иссиқлик ўтказувчанлиги паст бўлиши билан уларда цементит, корбидлар ва бўлак қаттиқ қўшимчалар бўлиши кесиб ишланувчанлигини ёмонлаштиради. Кулранг чўянлар, шунингдек, мустаҳкамлиги юқори ва болғаланувчан чўянларда графитнинг бўлиши унинг (кесиб ишланувчанлигини яхшилайди, аммо ишланилган юзанинг ғадир-будирлик даражаси ортади).

Чўянда  $Si$  миқдори 2,75% гача бўлса, кесиб ишланувчанлик яхшиланади, аммо 3% дан ортса, феррит пухталанади, натижада кесиб ишланувчанлиги ёмонлашади. Шунингдек, чўян таркибида  $Mn$  миқдори

1,5% дан ортиқ бўлса, кесиб ишланувчанлиги ёмонлашади. Рангли металл қотишмалари ичиде Cu, Al қотишмаларнинг заготовкалари кўпроқ кесиб ишловларга берилади. Уларнинг ҳам кесиб ишланувчанлиги механик хоссалари кимёвий таркибига, структурасига боғлиқ. Маълумки, мис қотишмалариде Zn, Sn, Pb, Fe, Mn ва бошқалар бўлади, уларнинг иссиқлик ўтказувчанлигининг юқорилиги, қовушоқлиги ва баъзиларининг мурт бўлиши каби хоссаларига кўра кесиб ишланувчанликлари ўзгарамади. Масалан, кўроғшинли ва қалайли бронзалар нисбатан осон кесиб ишланади. Лекин ундаги Mn миқдори ортган сари ишланувчанлиги ёмонлашади.

Алюминий қотишмаларга одатда Cu, Zn, Mg, Sn бошқа элементлар маълум миқдорда қўшилган бўлиб, ёмон кесиб ишланадиган алюминийнинг кесиб ишланувчанлигини яхшилади.

Бироқ алюминий қотишмасига 5–12% Mn ёки Si қўшилган бўлса, унинг кесиб ишланувчанлигини ёмонлаштиради. Пластик массаларга келсак, маълумки, улар полимерлар асосида олинган бўлиб, улар оддий, яъни ёлғиз полимерлардан иборат бўлган полиэтилен, полистерол, капрон ва бошқалардир. Мураккаб пластмассаларда полимерлар тўлдирувчиларни, пластификаторларни ва бошқа киритувчиларни ўзаро боғлайди.

Шуни қайд этиш жоизки, пластик массалар иссиқлик таъсирида кимёвий жиҳатдан ўзгариши натижасида улар аста-секин пухталигини йўқотадиган ва иссиқقا бардошли турларга ажратилади. Пластик массалар, бу айниқса, иссиқликни ёмон ўтказиши (термореактив) сабабли, уларни кесиб ишлашда кесиш зонасида ҳосил бўлаётган иссиқликнинг деярли ҳаммаси кескичда йифилади. Заготовканинг бироз қизишида у юмшаб, кескичнинг олд юзасига ёпишиб қолиши ҳам мумкин. Натижада кескич ўта қизиб ўтмасланади. Бу эса пластик массанинг кесиб ишланувчанлигини қийинлаштиради.

## 2-§. Материалларнинг кесиб ишланувчанлигини аниқлаш усуслари

Материалларнинг кесиб ишланувчанлигини баҳолаш учун кесиш тезлигининг кескич турғуллигига боғлиқлигини аниқлашнинг бир неча усули бор. Материалнинг кесиб ишланувчанлигини характерловчи энг аниқ натижаларни кесиш тезлиги ( $\vartheta$ )нинг кескич турғуллиги ( $T$ ), кесиш чуқурлиги ( $t$ ) ва кескични суриш тезлиги ( $s$ ) га боғланишини ифодаловчи муносабатдан олиш керак:

$$\vartheta = f(T, t, s).$$

Материалларнинг кесиб ишланувчанлигини аниқлашнинг бундай усули энг аниқ натижалар беради, аммо бу усул тадқиқот учун кўп

вақт, сарфланадиган күпгина металл ва кескіч талаб этади. Шу сабабли синов вақтіни қисқартыриш учун, гарчи унча аник бўлмаса-да, куйидаги тез аниқлаш усулларидан амалда фойдаланилади. Бунга диск-намуна торецини йўниш, температуравий усул ва радиоактив изотоплар усуллари киради.

**Диск-намуна торецини йўниш усули.** Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, синаладиган металлнинг тореци, марказидан бошлаб четига томон, тобора ошидиган кесиш тезлиги билан йўнилади (262-расм), бунда айланишлар сони ўзгармас бўлади.

Йўниш диск — намунанинг тореци бўйлаб, кескіч ўтмаслангунча давом эттирилади. Шу сабабли айланишлар сони кескіч бир ўтиш давомида ўтмасланадиган қилиб танланади.

Синаладиган диск-намунанинг диаметри ( $\varnothing$ ) камида 300 мм, тешигининг диаметри ( $d$ ) эса 30 мм қилиб олинади.


Ортиб борувчи кесиш тезлиги билан ўтказилган синовлардан кейин синовларнинг натижалари қуйидаги боғланиш тарзида ифодаланиши мумкин:

$$V = f(t, S).$$

Ана шу ифода кесиб ишланадиган материалнинг кесиб ишланувчанлигини характерлайди.

**Температуравий усул.** Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, кесиш температураси кесиш режимлари ( $v, t, s$ ) қийматига қараб аниқланади. Олинган натижалар асосида  $V = f(t, s)$  боғланиш келтириб чиқарилади. Кесиш температураси ўзгармас бўлса, кескічининг барча режимларида кескіч турғунлиги бир хил деб ҳисобланади.

**Радиоактив изотоплар усули.** Материалнинг кесиб ишланувчалигини аниқлаш учун кескічининг кесувчи қисми радиоактив нурлантирилади. Масалан, қаттиқ қотишмадан тайёрланган кескіч нурлантирилганда унда вольфрамнинг, кобальт ва титаннинг радиоактив изотопи ҳосил бўлади. Кесиш жараёнида кескіч олдинги ва кетинги юзаларининг ҳамда кескіч кесувчи қиррасининг ейилиши натижасида радиоактив металл заррачалари йўнилган юзага, кесиш юзасига ва ажралаётган қириндига ўтади. Ейилишнинг радиоактив маҳсулотлари Гейгер счётчиги ёрдамида аниқланади. Йўнилаётган заготовканнинг ёки қириндininнинг радиоактивлик даражасига қараб кескічининг ейилиши аниқланади.



262-расм. Торец йўниш методи

## МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСКИЧЛАР БИЛАН КЕСИБ ИШЛАШ СТАНОКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

### 1-§. Умумий маълумот

Конструкцион материалларни кескич билан кесиб (баъзан кесмай, босим остида) ишлаш, уларда заготовкани чизма талабидаги шакл ва ўлчамларга келтириш учун хизмат қиласиган машиналарга станоклар дейилади. Станокларнинг тури конструкциялари бўлишига қарамай, ҳар бир станокда двигатель, узатмалар ва ҳар хил ҳаракатларни бажа-рувчи механизмлар бўлиб, улар ўзаро узвий боғланган.

Гениал рус механиги ва ихтиорчиси А.К. Нартов XVIII асрнинг бошларида токарлик кесиши асбоби ўрнатилган кескич тутгични механик тарзда ҳаракатга келтирадиган (суппорт) станогипи ихтиро этди. Нартовпинг винтли токарлик винткесар, тишкесар ва бошқа станоклари, соатсоз Л. Собакин ҳамда тулалик уста А. Суркин кабиларнинг бу соҳада олиб борган ишлари натижасида станокларнинг конструкциялари такомиллаша бориб, янги-янги маҳсус станоклар яратилди.

Станоклар ихтисослаштирилганлик даражасига, конструкциясига, ишлов аниқлиги даражасига ва бошқа кўрсаткичларига кўра қўйида-гича тавсифланади:

1. Ихтисослаштирилганлик даражасига кўра универсал ва маҳсус станоклар.
2. Бажариладиган иш характеристига ва фойдаланиладиган кескичлар хилига кўра токарлик, пармалаш, рандалаш, фрезалаш, жилвирлаш ва бошқа станоклар.
3. Конструкциясининг хусусиятига (асосий иш қисмларининг жойлашишига) кўра вертикал, горизонтал ва универсал станоклар.
4. Аниқлик даражасига кўра нормал ва юқори аниқликда ишлайдиган станоклар.
5. Сирт юза ғадир-будирлигига қараб дағал ва текис юзалар ишлайдиган станоклар.
6. Автоматлаштирилганлик даражасига кўра ярим автомат ва автоматлар.
7. Массасига кўра енгил (1 тоннагача), ўртача (10 тоннагача) ва оғир (10 тоннадан ортиқ) станоклар.

Станоксозлик саноатида ишлаб чиқарилаётган металл кесувчи станокларнинг типи кўп. Уларни гурухларга ажратишда ЭНИИМС (машинасозлик бўйича экспериментал илмий-текшириш институти) тавсия этган тизимидан фойдаланилади. Бу тизим бўйича барча станокларни 9 та гурухга (1-гурухга токарлик; 2-гурухга пармалаш ва тешик кенгайтирувчи; 3-гурухга жилвирлаш ва чархлаш каби станоклари) ажратилган ва ҳар қайси гурух ўз навбатида 9 та типга бўлинган (67-жадвал).

## Металл кесиши станокларининг таснифи

Станоклар хили	Гурух-лор	Станокларнинг типлари								
		1	2	3	4	5	6	7	8	9
<b>Автоматлар ва ярим автоматлар</b>										
Токарлик	1	бир шпинделли	куп шпинделли	Револьвер	Пармалаш қўрқиб тушириш	Карусель	Токарлик лобовой	Куп кескичли	Ихтисослаштирилган	Хар хил токарлик
Пармалаш ва тешик кенгайтириш	2	Вертикал пармалаш	Бир шпинделли ярим автоматлар	Кўп шпинделли ярим автоматлар	Координат-тешик кенгайтириш	Радиал пармалаш	Тешик кенгайтириш	Оъмости-тешик кенгайтириш	Горизонтал пармалаш	Хар хил пармалаш
Жилвилаш, жило-лаш ва эзгилаш	3	Доиравий жилвилаш	Ички жилвилаш	Дагал жилвилаш	Ихтисослаштирилган жилвилаш	—	Чархлаш	Ясси жилвилаш	П тиркалаш ва жилолаш	Абразив кес-кчивлар билан ишлайдиган
Комбинацияланган маҳсус	4	Универсал	Ярим автоматлар	Автоматлар	—	—	—	—	—	—
Тиш ва резьба ўйиш	5	Цилиндрик шестернялар учун тиш рандалаш	Конус шестернялар учун тиш кесиши	Цилиндрик шестернялар ва шишилашлар учун	Червяк узатмалар учун	Шестерня тишлари торешларини йуниш	Резьба фрезалаш	Тиш пардоозлаш станокларини текшириш ва обкаткалаш	Тиш ва резьба жилвилаш	Тиш ва резьба ишлайдиган
<b>Вертикал фрезалаш</b>										
Фрезалаш	6	Консолли фрезалаш	Узлуксиз ишлайдиган	—	Копировкалаш, гравирлаш	Консолиз вертикал	Бўйлама	Консолли фрезалаш, операциялар	Консолли горизонтал	Хар хил фреза
<b>Бўйлама-рандалаш</b>										
Рандалаш, ўйиш ва протяжкалаш	7	бир стойкали	икки стойкали	Кундаланг рандалаш	Ўйиш	Горизонтал протяжкалаш	—	Вертикал протяжкалаш	—	Хар хил рандалаш
<b>Арралар</b>										
Кесиб ажратиш	8	Токарлик кескичи билан	Абразив тош билан	Фрикцион диск билан	Тўғрилаб кесиб тушириш	—	лентали	дискли	ножовкалар	—
Хар хил станоклар	9	Эговлаб	Арра тишлари билан	Тўғрилаб марказисиз дагал йуниш	Балансирловчи	Парма ва жилвилаш тишлари	Бўлиш машиналари	—	—	—

масалан, 1К62, 2А135 ва ҳоказо. Бу маркалардаги шартли белгиларни англаш учун бир мисол келтирамиз. Масалан, 1К62 маркадаги 1 рақами токарлик гурүхини, К ҳарфи такомиллаштирилганлигини, 6 рақами типини ва 2 рақами эса станинаси юзадан марказ учиғача бўлган оралиқ 200 мм лигини билдиради, 2А135 моделида ҳам худди шундай. 2-гурӯҳдаги пармалаш станоги эканлиги, А — такомиллаштирилганлигини, 1 рақами биринчи типга оидлигини, яъни вертикал пармалаш станоги эканлигини ва 35 рақами пармаланиши мумкин бўлган энг катта тешик диаметрини билдиради.

## 2-§. Станокларда қўлланиладиган узатмалар ва юритмалар

Ҳар қандай станок ҳаракатлантирувчи, ҳаракатни иш қисмларига узатувчи ва иш бажарувчи қисмлардан иборат бўлади. Станокнинг иш бажарувчи қисмларига зарурй ҳаракат электр двигателдан узатма механизmlар орқали узатилади. Бу механизmlарнинг мажмуасига юритма дейилади.

**Узатмалар.** Ҳаракатни станокнинг битта элементидан (валидан) иккинчи элементига (валига) тасма, тишли фидирак ва бошқа кинематик занжир орқали узатувчи ёки ҳаракатни ўзгартирувчи механизmlар узатмалар деб аталади.

Ҳар қандай узатма узатиш нисбати билан характерланади.

**Узатиш нисбати.** Етакланувчи элемент минутига айланишлар сони  $n_1$  нинг етакчи элемент минутига айланишлар сони  $n_2$  га нисбати узатманинг узатиш нисбати деб аталади ва у  $i$  ҳарфи билан белгиланади.

$$i = \frac{n_2}{n_1}.$$

Станокларда кўпинча тасмали, занжирли, тишли-фидиракли, червякли, рейкали, винтли ва бошқа узатмалардан фойдаланилади (263-расм). Куйида етакчи вал I дан етакланувчи вал II га ҳаракат узатиш воситаларига мисоллар келтирилган:

а) узатма тасмали бўлганда (263-расм, а) тасманинг таранглиги туфайли унинг шкивларидағи чизиқли тезликлари ўзаро тенг бўлади, яъни  $\vartheta_1 = \vartheta_2$ :

$$\vartheta_1 = \pi d_1 \cdot n_1 \text{ ва } \vartheta_2 = \pi \cdot d_2 \cdot n_2.$$

бўлгани учун

$$\pi d_1 \cdot n_1 = \pi \cdot d_2 \cdot n_2$$

бўлади, бинобарин

$$i = \frac{d_1}{d_2} = \frac{n_2}{n_1};$$

б) ҳаракат тишли фидираклар воситасида (занжирли узатмаларда) узатилса (263-расм, б, в) узатиш нисбатининг сон қиймати етакчи тишли

Гилдирак тишлари сони  $z_1$  нинг етакланувчи тишли гилдирак тишлари сони  $z_2$  га нисбати билан аниқланади, яъни:


$$i = \frac{z_1}{z_2} = \frac{n_2}{n_1};$$

в) червякли узатмада (263-расм, 2) червяк бир марта тула айланганда тишли гилдирак  $\frac{1}{z}$  марта айланади:

$$i = \frac{1}{z}.$$

Агар червяк киримлари сонини  $K$  десак, унда  $z$  тишли червяк гилдирагининг бир марта тұла айланиши червякнинг  $\frac{z}{K}$  айланишига түгри келади. Шундай қилиб, червякли узатманинг узатиш нисбати червяк киримлари сони ( $K$ ) нинг червяк гилдираги тишлари сони ( $z$ ) га нисбати сон жиҳатидан тенг, яъни

$$i = \frac{K}{z};$$



263-расм. Узатмалар схемаси:

а — тасмали; б — тишли-гилдиракли; в — занжирли; г — червякли;  
д — рейкали; е — винтили; ж — бир неча звеноли

г) рейкали узатма (263-расм, д) тишли ғилдиракнинг айланма ҳаракатини рейканинг тӯғри чизиқли ҳаракатига ўзгартиради. Рейканинг тӯғри чизиқли сурилиш қиймати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$s = t \cdot z \cdot n = \pi \cdot m \cdot z \cdot n,$$

бу ерда  $t$  — рейка тишларининг қадами, мм;  $z$  — тишли ғилдирак тишларининг сони;  $n$  — тишли ғилдиракнинг айланышлар сони;  $m$  — тишли ғилдирак модули;

д) винтли узатма (263-расм, е). Бу узатма винтнинг айланма ҳаракатини гайканинг тӯғри чизиқли ҳаракатига ўзгартиради. Гайканинг сурилиш қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S = n \cdot t_v \cdot K,$$

бу ерда  $n$  — винтнинг минутига айланышлар сони;  $t_v$  — винтнинг қадами, мм;  $K$  — резьбанинг кириимлар сони.

Агар кинематик занжир бир неча звенодан тузилган бўлса (263-расм, ж), умумий узатиш нисбати ( $i_{ym}$ ) шу занжирга кирувчи барча узатмаларнинг узатиш нисбатлари кўпайтмасига тенг бўлади, яъни

$$i_{ym} = \frac{d_1}{d_2} \cdot \frac{Z_1}{z_2} \cdot \frac{z_3}{z_4} \cdot \frac{z_5}{z_6} \cdot \frac{K}{z}.$$


Станокларда юритмалар асосий ва суриш ҳаракатлари тезликлари ни берилган диапазондан узлуксиз ва текис ростлашга, бу эса заготовкани кесиб ишлашда самарали кесиш режимларини ҳосил қилишга имкон беради. Ишлаш ҳарактерига кўра, пофонасиз юритмалар: механик, гидравлик ва электр юритмаларга бўлинади.

**Механик юритмалар** (вариаторлар). Сурилувчан конусли юритмалар (264-расм, а) одатда, токарлик, айниқса, қирқиб туширувчи, револьвер ва пармалаш станокларида ишлатилади. Марказ 4 га нисбатан риҷаг 3 воситасида суриладиган иккита етакланувчи шкив 2 ни тасма 1 айлантиради.

264-расм, б да В.А. Светозаров конструкциясидаги вариаторнинг схемаси тасвиirlанган. Бу вариаторда узатиш нисбатлари оралиқ 1 ва 2 роликларнинг қиялигини ўзгартириш йўли билан ростланади. Роликлар бурилганда унинг етакловчи косача 3 ва етакланувчи косача 4 билан ҳосил қилган контакт радиуслари ўзгаради. Бу ерда узатиш нисбати қуйидагича ифодаланади:

$$i = \frac{r_1}{r_2} \cdot \eta,$$

бу ерда  $r_1$  — роликнинг етакчи косача билан ҳосил қилган контакт радиуси, мм;  $r_2$  — роликнинг етакланувчи косача билан ҳосил қилган контакт радиуси, мм;  $\eta$  — ишқаланиш юзаларининг сирпаниш ҳисобига айланышлар сонини ҳисобга олувчи коэффициент (у 0,95—0,98 га тенг).



264-расм. Механик юритма схемаси:

*a* — тасмали: 1 — тасма; 2, 5 — шкив; 3 — ричаг; 4 — марказ; 6 — вал;  
*б* — роликли: 1, 2 — ролик; 3 — етакчи косача; 4 — етакланувчы косача

Шундай қилиб, роликларнинг қиялиги ўзгарганда узатиш нисбатлари ва демак, етакланувчи косачанинг айланишлар сони ўзгаради. Вариаторнинг ростлаш диапазони 8 гачадир. Бундай механик вариатор ростлаш диапазонининг кичикилиги ва ишқаланувчы юзаларнинг нисбатан тез ейилиши туфайли бу узатмадан металл кесиши станокларида кенг фойдаланиш имконини бермайды.


**Гидравлик юритмалар.** Уларнинг механик юритмаларга қараганда афзаулуклари шундан иборатки, улар айланишлар сонини кенг диапазонда погонасиз ростлайди, иш органларининг бир текис юришини тъминлайди.

Гидравлик юритмалар тўғри чизиқли ва айланма ҳаракатни ҳамда тўғри чизиқли суриш ҳаракатини, шунингдек, ёрдамчи ҳаракатларни амалга ошириш учун ишлатилади. Гидравлик юритмалардан жилвирлаш, фрезалаш, протяжкалаш станокларида фойдаланилади. Айланма ҳаракат узатадиган гидравлик юритманинг ишлаш схемаси 265-расмда кўрсатилган. Электр двигатель 1 насос 2 нинг роторини тасмали узатма воситасида айлантириб, трубопровод орқали гидравлик двигатель 4 нинг статорига резервуар 3дан мой ҳайдайди. Мой гидравлик двигателнинг роторига ўтиб, уни айлантиради. Босим ҳисобий босимдан катта бўлса, мойнинг ортиқчаси клапан орқали резервуарга тушади. Ишлатилган мой гидравлик двигателдан резервуарга қайтиб келади. Манометр 6 мойнинг тизимдаги босимини кўрсатиб туради. Гидравлик двигатель роторининг айланишлар сони вақт бирлиги ичida ҳайдаладиган мой миқдорини ўзгартириш йўли билан ростланади.

Юритмаларда айланишлар сонини ёки юришлар қийматини погонасиз ростлаш учун икки, уч ва тўрт тезликли ўзгарувчан ток двигателларидан фойдаланилади. Улар ёрдамида айланишлар сонини ростлашда ток частотаси ўзгартирилади. Ўзгармас токда ишлайдиган электр

**265-расм. Гидравлик юритманинг ишлаш схемаси:**

1 — электр двигатель; 2 — насос;  
3 — резервуар; 4 — гидравлик двигатель;  
5 — трубка; 6 — манометр



двигателлардан фойдаланилганда айланишлар сони занжирга уланган ресостат ёрдамида ток кучини ўзгартириш билан ростланади. Айланишлар сонини ростлаш диапазони  $C = \frac{n_{\max}}{n_{\min}} = 3-5$  бўлади.

Ҳозирги вақтда токарлик станоклари шпинделни суппортининг ҳаракати тезликлари, асосан, тишлиғилдиракли (шестерняли) тезликлар қутиси ва шестерняли суришлар қутиси ёрдамида ростланади. Уларда айланишлар сони валлар орасидаги турли шестерняли узатмаларни бирин-кетин қўшиш билан ўзгартирилади. Айланишлар сонини катта диапазонда ўзгартириш мумкин бўлсин учун тезликлар қутиси (суришлар қутиси) кўп валли қилиб ясалади. Булар элементар механизмлар ва уларнинг модификацияларининг йигиндисидан иборат бўлади. Бундай механизмларнинг баъзилари билан танишамиз.

266-расм, а да шестернялар блоки сирпанувчи механизмнинг кинематик схемаси келтирилган. Шестерняли блок ўнгга сурилганда шестернялар  $z_5$  билан  $z_6$  ёки чапга сурилганда  $z_1$  билан  $z_2$  тишлашади. 266-расм, б да сирпанувчи З ва тушириладиган б шестернялари бор конус 7 га эга бўлган механизмнинг кинематик схемаси келтирилган. Айланишлар сонини ўзгартириш учун дастани тортиб, шестерня б ни тишлашган шестернядан ажратиб, шестерня З билан бирга шестернялар 7 нинг исталгани билан тишлаштирилади. 266-расм, б да сурилувчи шпонкали механизминг кинематик схемаси келтирилган. Бу механизм доим тишлашиб турадиган тўрт жуфт шестернядан иборат бўлиб, уларнинг баъзилари етакчи вал билан бикр боғланган (расмда  $z_3$ ,  $z_4$  билан) шпонканни уясидан чиқариб суриб, исталган бошқа жуфт шестерняларни бирин-кетин тишлаштириш мумкин. Бунда тишлашмаган жуфт шестернялар салт айланади. 266-расм, г да оддий тезликлар қутисининг кинематик схемаси келтирилган. Биринчи ва иккинчи вал орасидаги икки хил узатмали блок А тишлиғилдиракларни тишлаштиради, бинобарин, иккинчи вал ва икки хил айланишлар сонига эга бўлади. Блок В туфайли иккинчи валнинг ҳар бир айланиш сонида учинчи вал уч хил айланишлар сонига эга бўлади. Шундай қилиб, учинчи вал олти хил тезлик билан айланиши мумкин. Блок С айланишлар сонини шпинделга икки марта ошириб узатади, яъни бунда шпиндель 12 хил тезлик билан айланиши мумкин. Ёнма-ён икки вални боғловчи бир

неча узатма узатмалар группаси деб аталади. Турли узатмаларнинг боғланиш схемасини тушуниб олиш учун кинематик боғланиш формулаидан фойдаланилади. Юқорида танишилган мисолдаги (266-расм, 2) тезликлар қутиси учун структура боғланиши қуидагича бўлади:

I	II	III	валлар
63	42		
105	126		
48	72	132	
120	96	36	
24	48		
144	120		


Шпиделнинг айланишлар сони  $n_{\text{шп}}$  занжирнинг кинематик баланс тенгламаси деб аталувчи тенглама ёрдамида аниқланади:

$$n_{\text{шп}} = n_a \cdot i_a \cdot i_{\text{т.к.}}$$

бу ерда  $n_a$  — электр двигателнинг минутига айланишлар сони;  $i_a$  — доимий кинематик жуфтларнинг узатиш нисбати;  $i_{\text{т.к.}}$  — тезликлар қутисининг ўзгара оладиган узатиш нисбати.

Тезликлар қутисининг ўзгара оладиган узатиш нисбати узатманинг айрим гурӯҳ блоклар узатиш нисбатлари кўпайтмасига тенг бўлади, яъни

$$i_{\text{т.к.}} = i_A \cdot i_B \cdot i_C$$



266-расм. Турли механизмларнинг кинематик схемаси:

a — сирпанувчи; b — ташланма; c — сурилувчи шпонкали;  
c — оддий тезликлар қутиси

### 3-§. Реверслаш механизмлари

Станоклар иш органларининг ҳаракат йўналишини ўзгартирувчи механизмлар **реверслаш механизмлари** деб аталади. Улар механик, электр ва гидравлик бўлиши мумкин.

**Механик реверслаш.** Токарлик станокларини ишга тушириш, вал ва винтнинг айланиш йўналишини ўзгартиришга хизмат қилувчи механизм бўлиб, унга трензель ҳам дейилади.


Агар даста *A* вазиятда бўлса (267-расм, *a*), айланма ҳаракат  $z_1$  шестернидан  $z_4$  шестерняга қўйидаги занжир орқали узатилади:

$$i_A = \frac{z_1}{z_2} \cdot \frac{z_2}{z_3} \cdot \frac{z_3}{z_4} = \frac{z_1}{z_4}.$$

Агар даста *B* вазиятда бўлса, айланма ҳаракат  $z_1$  шестернидан  $z_4$  шестерняга қўйидаги занжир орқали узатилади:

$$i_B = \frac{z_1}{z_3} \cdot \frac{z_3}{z_4} = \frac{z_1}{z_4}.$$

Агар даста *0* вазиятда бўлса, занжир уланмаган бўлади. 267-расм, *a*, *b* да цилиндрик шестернилар, 267-расм, *c* да эса кулачокли реверслаш механизмлари тасвирланган. Бу механизмларнинг ишлаш принципини юқоридаги маълумотлар асосида схемадан тушуниб олиш қийин эмас.



267-расм. Реверслаш механизмларининг ишлаш схемаси:  
*a, b* — цилиндрик шестернилар; *c* — кулачокли реверслаш механизмлари


**Электр реверслаш.** Амалда бундай механизмларда реверслаш: а) юритма двигателингailаниш йўналишини ўзгартириш йўли билан; б) тўғри ва айқаш тасмали узатмаларда электромагнит муфта ёрдамида амалга оширилади.

**Гидравлик реверслаш.** Насос двигателига келаётган мой йўналиши мойни цилиндрнинг ўнгеки чап томонига киритиш билан ўзгартирилади.

**Узлукли ҳаракат узатувчи механизмлар.** Станокнинг иш органларига узлукли ҳаракат узатиш учун даврий ишлайдиган механизмлардан фойдаланилади. Бундай механизмлардан, масалан, раңдалаш, ўйиш, станоклар столини ёки кесиши асбобини суриш каби ишларни бажаришда фойдаланилади. Буларнинг ичидаги кўпроқ ишлатиладиганлари устида тўхтalamиз.


**Храповикли механизмлар.** Бу механизмлардан, одатда, етакчи звенонинг узлуксиз айланма ҳаракатини етакланувчи звенонинг узлукли ҳаракатига ўзгартиришда фойдаланилади (268-расм, а). Етакчи вал 1 айланганда унга қимиirlамайдиган қилиб ўрнатилган тишли фиддирак 2 ҳам айланади. Бунда тишли фиддирак пазида ўрнатилган кривошипли бармоқ 3, у билан биректирилган шатун 4 орқали планка 5 га ўрнатилган собачка 7 ни ҳаракатга келтиради. Собачка маълум бурчакка бурилиб, тишли фиддирак 8 нинг тишларига кириб, уни маълум томонга айлантиради. Агар собачканинг бурилиш бурчагини ўзгартириш зарур бўлса, радиал пазда бармоқ суриб маҳкамланади.

**Мальта крестли механизм** (268-расм, б). Бу механизм ҳам храповикли механизм вазифасини ўтайди. Етакчи вал 1 айланганда водило



268-расм. Храповикли механизмлар схемаси:

- а — храповикли: 1 — етакчи вал; 2, 8 — тишли фиддирак; 3 — бармоқ; 4, 6 — шатун; 5 — планка; 7 — собачка; 9 — винт; 10 — гайка;  
 б — мальта крести: 1 — етакчи вал; 2 — водило; 3 — бармоқ;  
 4 — мальта крести; 5 — паз; 6 — етакланувчи вал; 7 — диск



269-расм. Илгарилама-қайтма ҳаракат узатувчи механизмлар схемаси:  
а — крикошип-шатунли; б — кулисали; в — кулачокли; г — винтли

2 га ўтқазилған бармоқ 3 малъта крести 4 нинг пази 5 га кириб, уни етакланувчи вал 6 билан биргә бармоқ 3 пази 5 дан чиққунча буради. Шундан кейин водило билан қимирламайдиган қилиб бириктирилған диск 7 малъта крестининг ёйсимон ўйигига кириб, уни қотираади. Етакчи вал ҳар гал айланганда ана шу цикл тақрорланаверади. Диск 7 даги ёйсимон ўйиқ малъта крестни бармоқ 3 бураёттанда уни бўшатиш учун хизмат қиласди.

Айни малъта крести механизмининг узатиш нисбати қуйидагига тенг:

$$i = \frac{1}{z},$$

бу ерда  $z$  — малъта крестининг пазлар сони (одатда,  $z = 3-8$ ).

269-расм, а, б, в, г да рандалаш, протяжкалаш станокларида фойдаланиладиган илгарилама-қайтма ҳаракатни таъминловчи айрим механизмлар схемаси келтирилган.

#### 4-§. Станок шпинделининг айланаш сонлари, суриш қийматлари қатори

Металл кесиши станокларида турли хоссали материалларни ҳар хил кесиши асбобларида унумли ва сифатли ишлаш рационал кесиши режимларини белгилашга боғлиқ. Шу сабабли асосий ҳаракат механизмларини лойиҳалашда бу механизмларнинг айланма ҳаракат тезликлари диапазони  $C$  ни билиш лозим:

$$C = \frac{n_{\max}}{n_{\min}},$$

бу ерда  $n_{\max}$  ва  $n_{\min}$  станок шпинделининг минутига максимал ва минимал айланишлар сони.

$$n_{\max} = \frac{1000 \cdot v_{\max}}{\pi \cdot D_{\min}} \text{ айл / мин};$$

$$n_{\min} = \frac{1000 \cdot v_{\min}}{\pi \cdot D_{\max}} \text{ айл / мин};$$

бу ерда  $D_{\min}$  ва  $D_{\max}$  — айни станок учун заготовка ёки кесиш асбобининг диаметри, мм. Универсал станоклар учун  $C = 50 - 100$  бўлади.  $n_{\min}$  дан  $n_{\max}$  гача бўлган айланишлар сони оқилона белгиланиши, юқорида айтилгандек геометрик қатор ҳосил қилиши ва бу қатор геометрик прогрессия қонуниятларига мос келиши керак.

$$\frac{n_1}{n_2} = \frac{n_2}{n_3} = \frac{n_3}{n_4} = \dots = \frac{n_K-1}{n_K} = \frac{1}{\varphi} = \text{const.}$$

ёки  $n_1 = n_{\min}; n_2 = n_1 \cdot \varphi; n_3 = n_2 \cdot \varphi = n_1 \varphi^2; n_4 = n_3 \cdot \varphi = n_1 \varphi^3;$

$$n_k = n_{\max} = n_1 \cdot \varphi^{k-1} = n_1 \varphi^{k-1},$$

бу ерда  $\varphi$  — геометрик прогрессиянинг маҳражи;  $k$  — тезлик погоналари сони ёки ҳар хил айланиш сонлари қиймати. Бинобарин, юқоридағи охирги тенгламадан  $\varphi$  нинг қийматини топиш мумкин:

$$\varphi = \sqrt[k-1]{\frac{n_k}{n_1}} = \sqrt[k-1]{\frac{n_{\max}}{n_{\min}}} = \sqrt[k-1]{R}.$$

Айланишлар сонининг геометрик қатори йўниладиган заготовкаларнинг барча диаметрлар учун айланишлар сонини тартибга солишнинг барча диапазонида кесиш тезликлари фарқининг ўзгармас бўлишига имкон беради.

Амалда бу тезликлар фарқи фоиз ҳисобида аниқланади:

$$A = \frac{\varphi-1}{\varphi} \cdot 100\%.$$

Геометрик прогрессия маҳражининг қиймати стандартлаштирилган бўлиб, тезликларнинг қуйидаги фарқларига тўғри келади:

j	1,06	1,12	1,26	1,41	1,58	1,78	2,0
A%	5	10	20	30	40	45	50


Кўндаланг рандалаш ва ўйиш станоклари ползунларининг минутига қўш юришлари сони ва суриш қийматлари ҳам геометрик прогрессия қонуни асосида белгиланади.

## 5-§. 1K62 универсал токарлик-винтқириқиши станогининг тузилиши

Токарлик-винтқириқиши станогининг умумий кўриниши 270-расмда келтирилган. Бу универсал замонавий станок конструкцион материалларни катта тезликларда кесиб ишлашга мўлжалланган.

1K62 станогининг техник характеристикаси:

Заготовкашинг станинадан юқорида кесиб ишланиши мумкин бўлгани энг катта диаметри, мм .....	400
Заготовкашинг суппорт пастки қисмидан йўналиши мумкин бўлгани энг катта диаметри, мм .....	200



**270-расм. 1K62 токарлик винт қириқиши станогининг асосий қисмлари  
ва бопиқарин органлари:**

а — юритма; б — олд бабка; в — шпиндель; г — патрон; д — суппорт;  
е — кетишги бабка; ж — юргизиш кутиси; и — фартук; к — юргизиш винти;  
л — юргизиш вали; м — станица; 1 ва 4 — шпиндель айланышлар сонини  
ростлаши дасталари; 2 — резьба қадамини ростлаши дастаси; 3 — ўнақай ски  
чапақай резьбага ва юргизишга ўрнатиш дастаси; 5 — кареткани дастаки  
юргизиш маҳовикчаси; 6 — суппортини кўндалангига суриш дастаси;  
7 — кескич ўрнатиладиган каллакни буриш дастаси; 8 — суппортини  
юқориги қисмини юргизиш дастаси; 9 — суппорт кареткасини тез суришга  
улаш киопкаси; 10 — суппорт кареткасининг сурилишини бошқариш  
дастаси; 11 — кетинги бабка пинолини маҳкамлаш дастаси; 12 — совитиш  
насоси включатели; 13 — юргизиш включатели; 14 — кетинги бабканни  
маҳкамлаш дастаси; 15 — иш ўрнини сритеши включатели; 16 — кетинги  
бабка пинолини юргизиш маҳовикчаси; 17 ва 21 — шпинделни юргизиш  
тўхтатиш ва реверслаш дасталари; 18 — асосий юритманни ишга тушириш ва тўхтатиш  
дастаси; 19 — асосий юритманни ишга тушириш ва тўхтатиш кнопкалари  
станциялари; 20 — резьба қесиша рейка шестеріясини кўшиш ва ажра-  
тиш кнопкаси; 22 — резьба қадами ва юргизиш қийматини ростлаш  
дастаси; 23 — юргизишга ва резьба қадамига улаш дастаси

Кесиб ишланадиган чивикларниң энг катта диаметри, мм, .....	36
Марказлар оралиғи, мм, .....	700, 1000 ва 1400
Йүнилиши мүмкін бұлған энг катта узунлік, мм, .....	640, 930 ва 1330
Шпиндель тешигининг диаметри, мм, .....	38
Суппорттың жадал сурыш тәсіліги, мм/мин .....	34
Асосий электр двигателининг күвваты, кВт .....	10
Шпинделдердің айланиш тәсілдері сони, .....	24
Шпинделдердің минутига айланишлар сони, айл/мин .....	12,5–2000
Суппортың бүйлама сурилиш чегаралари, мм/айл .....	0,07–4,16
Суппортың күндадағы сурилиш чегаралари, мм/айл .....	0,035–2,08
Кирқишлиши мүмкін бұлған резьбалар қадами:	
метрик резьба учун, мм, .....	1–192
дюймли резьба учун (бир дюймга түркі келадиган йүллар сони) <sup>1</sup> ..	24–2
модулли резьба учун, мм .....	0,5–48
питчли резьба учун <sup>2</sup> .....	96–1 питч
'Дюйм' .....	25,4 мм.
'Питчли резьбалар червякларда құлланилади. Масалан, қадами 2 питч бүлса, унда у $\frac{\pi}{2}$ дюймга тенг бўлади.	

### Станокниң асосий қисмлари


Станина станокниң асосми бўлиб, унга станокниң барча қолган қисмлари ўрнатилади ва маҳкамланади (271-расм).

Станинаниң тўртта йўналтирувчиси бўлиб, улар станок суппорти билан кетинги бабканинг аниқ вазиятда ўрнатилишини, ҳаракатлашишини таъминлайди. Шу боисдан станинаниң йўналтирувчилари ҳаракат йўналтирувчилари ва ўрнатиш йўналтирувчиларига бўлинади.

Ҳаракат йўналтирувчилари 1 ва 2 да суппорт суриласди, ўрнатиш йўналтирувчилари 3 ва 4 да кетинги бабка заруратга қараб суриси ростланади.

Йўналтирувчиларниң бундай тузилиши станок олд ва кетинги баб-

каларниң ўқдошлигини таъминлайди, чунки суппорт иш жараёнда тез-тез суриси туриси натижасида унинг йўналтирувчилари кетинги бабка йўналтирувчиларига нисбатан тезроқ ейилади. Шу сабабли йўналтирувчиларниң юзаси узил-кесил силлиқланишидан олдин юқори частотали ток ёрдамида 2,5–3,0 мм қалинликда тобланади.



271-расм. Токарлик станоги станинаның күндадағы кесими:


- 1, 2 — ҳаракат йўналтирувчилари;
- 3, 4 — ўрнатиш йўналтирувчилари

Станина йўналтирувчиларининг аниқлиги деталнинг сифатига анча таъсир этади. Шунинг учун йўналтирувчилар тўғри чизикли бўлиши ва тузатилган йўналтирувчиларнинг 1000 мм узунликда тўғри чизикликдан четга чиқиши 0,02 мм дан ошмаслиги керак. Тажриба шуни кўрсатадики, токарлик станоклари нормал шароитда бир сменада ишлаганда станинани йўналтирувчиларнинг йиллик ейилиши 20–30 мкг та етади. 0,3 мм ва ундан ортиқ ейилганда станок капитал ремонт қилинади.

**Олд бабка** станинанинг чап томонига қўзғалмайдиган қилиб маҳкамланган қути бўлиб, унга шпиндель ва асосий ҳаракат узатиш механизми (тезликлар қутиси) жойлашган.

Шпиндель станокнинг муҳим элементи бўлиб, у деталь шаклининг аниқ чиқишини таъминлайди. Шу сабабли шпиндель етарли даражада бикр бўлиши керак (у ўзига ўрнатилган шкив ёки шестерняда ҳосил бўладиган кучланишлар, шунингдек ишлов берилаётган заготовканинг массаси таъсиридан деформацияланиши мъалум чегарадан ошмаслиги керак).

272-расмда 1К62 моделли станокнинг шпиндели ва шпиндель таянчлари келтирилган. Шпиндель ҳавол валдан иборат бўлиб, унинг олд уни Конус шаклида қилиб 5 номерли Морзе тизимида ишланган. Шпинделнинг олд томонидаги конус тешигига марказ ўрнатилади. Шпинделнинг олд сиртида патрон ёки планшайбани бураш учун резьба қирқилган. Унинг олд конуссимон бўйни икки қатор роликли ростланувчи подшипник 3 да, кетинги бўйни эса шарикли иккита радиалтирак подшипник 7 да айланади. Роликли подшипникни ростлаш (люфтини йўқотиш) учун гайка 2 дан фойдаланилади, бунинг учун уннаги стопор винти 1 бўшатилиб, гайка 2 ўнгга буралади. Бунда подшипник 3 нинг ички ҳалқаси шпинделнинг конуссимон бўйнига




**272-расм. 1К62 моделли станокнинг шпиндели ва таянчлари:**  
1 — стопор винт; 2 — гайка; 3 — роликли подшипник; 4 — шайба;  
5 — гайка; 6 — шарикли подшипник; 7 — гайка

суралади, натижада ұлқаннинг диаметри катталашиб, зазорни камайтиради ва подшипникда дастлабки таранглик ҳосил қиласы. Бу эса шпинделнинг бикрлигини оширади.

Кетинги таянч радиал-тирак подшипникларнинг дастлабки таранглиги температура компенсатори вазифасини бажарувчи оралиқ шайба 4 орқали (бу шайбада кесиклар бўлади) гайка 5 воситасида ҳосил қилинади. Бунда шайба 4 деформацияланаб, шпинделнинг кетинги учи узайганда тарангликни сақлаб қолади. Подшипникларнинг уриниш юзаларидаги зазор зарур даражага келтирилгандан кейин таранглик гайка 5 иш 18–20° га бураш йўли билан вужудга келтирилади. Радиал-тирак подшипникларнинг сиртқи ұлқалари олд бабка корпусига ўрнатилиб, гайка 7 воситасида охиригача бураб қўйилади. Мой сизиб чиқмаслиги учун подшипник билан шайба 4 оралиғига зичлагич қўйилади.


**Кетинги бабка** асосан, узун заготовкаларни марказларга ўрнатиб ишлашда уларнинг иккимичи учини тутиб туриш, камдан-кам ҳолларда эса парма, зенкер, развертка, метчик ва бошқа кесиш асбобларини ўрнатиш учун ҳам хизмат қиласы. Кетинги бабканинг асосий қисмлари (273-расм) станок станицаси йўналтирувчиларида сурила оладиган плита 2 га ўрнатилган корпус 1, пиноль 3 дан иборат. Пинолга гайка 4 ўрнатилган. Пиноль бабка корпусида даста 9 ли винт 10 ёрдамида бўйлама йўналишда силжиши мумкин. Пинолнинг олд учига конус шаклида тешик очилган бўлиб, бу тешикка марказ 5 ёки кесиш асбобининг қўйруғи киритилади. Даста 11 бабка корпусидаги тешикнинг кертикли қисмини тортиб, пинолни қотиравчи винтни бураш учун хизмат қиласы. Станок шпинделининг ўқи билан пиноль ўқини мос келтириш учун корпус 1 плита 2 бўйлаб кўндаланг томонга винт 6 воситасида силжитилади. Кетинги бабкани станица йўналтирувчиларнинг исталган жойига суреб маҳкамлаш учун шу йўналтирувчиларнинг остки сиртига скоба 8 сиқиб қўйилган. Бунинг учун эксцентрикли валнинг дастаси 7 буралади.

**Суриш қутиси** кескични суришнинг талаб этиладиган қийматга ростлаш панелидаги дастлари хизмат қиласы.



273-расм. Кетинги бабка:

- 1 — корпус;
- 2 — плита;
- 3 — пиноль;
- 4 — гайка;
- 5 — марказ;
- 6, 10 — винт;
- 7, 9, 11 — даста;
- 8 — скоба



**274-расм. Суппорт:**

1 — бўйлама салазка; 2 — даста; 3 — кундаланг салазка;  
4, 5 — кундаланг суриш лимби; 6 — айланма оладиган салазка;  
7 — кескич-тутқич; 8 — устки салазка

Зарур механик суришни ҳосил қилиш учун барабан дискни даста 22 дан ушлаб тортилади. Дискни буриб, ростлаш чизиқчиси зарур суришни кўрсатувчи сонга тўғриланади. Сўнгра дискни оҳиста итариб, дастлабки вазиятга қайтарилади ва дасталар тегишли жойга ўтказилади.


Суппорт кескичли бўйлама, кундаланг ва бурчак ҳосил қилиб ҳаракатлантиришга хизмат қилади. У бўйлама 1, кундаланг 3, устки 8 ва бурила оладиган салазкалар бдан иборат (274-расм).

Ўзаро боғланган йўналтирувчилар жуфтларида лиқиллашни йўқотишга имкон берувчи маҳсус қурилмалар суппорт салазкаларининг тебранмасдан бемалол ва аниқ ҳаракатланишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Пастки салазка 1 кескични бўйламасига, кўндаланг салазка 3 эса кўндалангига суришни таъминлайди.

Фартук юргизиш валининг ёки юргизиш винтининг айланма ҳаракатини суппортнинг тўғри чизиқли ҳаракатига ўзгартирувчи механизми жойлаштириш учун хизмат қилади. Фартукнинг олд қисмига суппорт ҳаракатини бошқариш дасталари ўрнатилган.

275-расмда фартук механизми келтирилган. Супортнинг бўйлама йўналишдаги ҳаракати шпонка ариги 2 ли вал 1 дан червяқ 3 орқали червяқ фидираги 4 га узатилади. Механик суриш бажарилганда червяқ фидираги 4 шестеря 6 ли илашиш муфтасига даста 5 воситасида ула-



**275-расм. Станок фартуғи:**

1 — юргизиш вали; 2 — шпонка ариғи; 3 — червяк; 4 — червяк фидираги; 5, 11 — дасталар; 6, 7, 8, 12, 13, 14, 16, 17, 21 — шестернілар; 9 — рейка, 10 — конуссимон шестерня; 15 — даста; 18 — винт, 19, 20 — даста

нади. Шестерня 6 эса уз навбатида тишли фидирак 7 билан тишилашган бўлади. Тишли фидирак 7 ўтқазилган валга шестерня 8 ўрнатилган. Шестерня рейка 9 бўйлаб айланниб суппортни ҳаракатга келтиради.

Юргизиш вали 1 га конуссимон шестерня 10 червяк 3 билан ёнмаён қилиб ўтқазилган. Бу шестерня шпонкаси ариқча 2 бўйлаб сирпана олади. Шестерня 10 нинг айланма ҳаракати шестернілар 12; 13 орқали шестерня 14 га узатилади. Агар шестерня 16 шестернілар 14 ва 17 билан даста 15 воситасида тишилаштирилса, шестерня 17 кундаланг салазкаларнинг винти 18 қўзғалмас қилиб ўтқазилгани учун гайкани юргизиб илгариланма ҳаракатга келтиради.

Салазкаларни кўндалантига Қўлда суриш даста 19 воситасида, бўйламасига суриш эса даста 20 воситасида шестернілар 21, 7, 8 ва рейка 9 орқали амалга оширилади.


Суппорт фартукнинг ўнг томонида жойлашган ажралувчи гайкани винтга бириктириб, юргизиш винтидан бўйлама ҳаракатланади.

Одатда, супортни юқори аниқликда суриш зарур бўлган ҳолларда ва резьба қирқишида юргизиш винтидан фойдаланилади. Юргизиш винтлари кам ейилувчан ва жуда аниқ ишланган қадамининг номинал ўлчамидан фарқи  $\pm 12$  микрон атрофида бўлиши керак.

Юргизиш винтининг тасодифий нагрузкалар таъсирида ишдан чиқишининг олдини олиш учун у юргизиш валининг чап учига маҳсус сақлаш қурилмалари ўрнатилади.

**Станокни бошқариш.** Станок бошқариш органлари воситасида бошқарилади. Бу органлар тезликлар кутиси ва суришлар кутисининг олд панелларида жойлашган. 1К62 моделли станоқда бошқариш дасталарининг қайси жойларда ва қандай жойлашганлиги 276 ва 277-расмларда кўрсатилган.

*Даста 2 нинг  
вазиятлари схемаси*



**276-расм.** 1К62 станоги тезликлар қутиси панелидаги дасталарпинг жойлашиш схемаси:

1 ва 2 — шпиндель айланишлар сонин ростлаш дасталари,  
3 — резьба қадамини (нормал ва катталаштирилган қадамини) күп киримли резьбага ростлаш дастаси; 4 — ўнақай ёки чапақай резьбага ростлаш дастаси

Нормал суреб ишлашда даста 3 ҳамма вақт Б вазиятда, даста 4 эса Г вазиятда туриши керак. Шпинделни берилған тезликда айланишта ростлашда шпиндель тұхтатылади, кейин даста 2 ни (277-расмдаги схемага қаранг) суреб, зарур тезликкә ўтказилади. Сүнгра даста 1 шпинделнинг минутига айланишлари сонига ростланади.

**6-§. Станокниң кинематик схемаси**

Маълумки, станокларда заготовкаларни кескичлар билан кесиб ишлашда хилма-хил операциялар бажарилади. Күтилған шакларда үлчамли ҳар хил деталлар тайёрлашда уларнинг иш органлари үзаро маълум муносабатда ҳаракатланиши лозим. Станокларнинг тузилишини, турли органларининг ҳаракатларини таҳлил қилишни осонлаштириш мақсадида шартлы қабул қилингандай белгилар бўлиб, улар асосида кинематик схемаси тузилади (68-жадвал).



**277-расм.** 1К62 станоги суреш қутиси панелида дасталарпинг жойлашиш схемаси:

I — диск иш вазиятида (ичкарига киритилган); II — диск салт вазиятида (чиқарилган)


Элементтарнинг схемаси	Шартли белгиланиши	Элементтарнинг схемаси	Шартли белгиланиши
<p><b>Электр двигателъ</b></p> <p>Тишли ғидираклар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>а— цилиндрик түгри; қиышқ үш шевронли;</li> <li>б— конуссимон;</li> <li>в— винтли;</li> <li>г— червякли;</li> <li>д— рейкали;</li> <li>е— храповикли</li> </ul>		<p><b>Валдаги сирпаниш ва юмалаш подшипниклари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>а— умумий белгиланиши;</li> <li>б— сирпаниш;</li> <li>в— роликли радиал;</li> <li>г— шарчали; радиал;</li> <li>д— роликли; радиал— таянч;</li> <li>е— шарчали;</li> </ul>	

**Вал****Тасмали узатма:**



- а*— түрги ясси тасмали;
- б*— кесишган ясси тасмали;
- в*— түрги трапециодал тасмали

**Деталларнинг вал билан биректирилиши:**

- а*— эркин;
- б*— йўналтирувчи пона билан;
- в*— қотирилтган пона ёрдамида;
- г*— шилиц билан;
- д*— тортса уясидан чиқадиган пона билан;
- е*— втулкага иккى деталь қотирилган

**Таянч****Занжирили узатма:**

- а*— роликли;
- б*— шовқинсиз

**Винтли узатма:**


- а*— винт;
- б*— ажралмайдиган гайка;
- в*— ажраладиган гайка


**Кулачокли боғланиш муфталари:**

- а*— бир томонлама;
- б*— иккى томонлама

**Фрикцион боғланиш муфталари:**

- а*— конусли;
- б*— диски;
- в*— колодкали





278-расм. 1К62 токарлик-винт қирқиши станогининг кинематик схемаси

Станокларнинг кинематик схемасига қараб электродвигателдан тортиб уларнинг иш органларигача бўлган ҳаракатларни кузатиш, тузилган кинематик тенгламалар орқали шпинделнинг айланиш тезлигини, кескичнинг (заготовканинг) сурилиш қийматларини аниқлаш мумкин.

278-расмда замонавий, кўп ишлатиладиган, универсал токарлик винт кескич станокнинг кинематик схемаси келтирилган.

Кинематик схемадаги асосий ҳаракатлар занжири билан танишиб, асосий ҳаракатларнинг тенгламаларини тузамиш.

**Асосий ҳаракат занжири.** Кинематик схемадан кўриниб турибдеки, куввати 10 кВт бўлган электр двигатель валига ўрнатилган диаметри 142 мм ли шкивдан айланма ҳаракат вал / га ўрнатилган диаметри 254 мм ли шкивга трапециодал тасмали узатма орқали узатилади. Бунда вал / даги фрикцион муфта М<sub>1</sub> чап томонга суриб уланганда айланма ҳаракат 56–34 та тишли фиддираклар ёки 51–39 та тишли фиддираклар орқали I валдан II валга узатилади. Бинобарин, блок Б<sub>1</sub> воситасида бу валга икки хил тезлик узатилиши мумкин. Ҳаракат II валдан III валга блок Б<sub>1</sub> нинг тегишли тишли фиддиракларини II валдаги тишли фиддираклар билан (масалан, 21–55 та тишли) тиашлаштириб узатилади. Шундай қилиб, III вал блоклари Б<sub>2</sub>, ва Б<sub>3</sub> воситасида олти хил тезликка эришилади. Айланма ҳаракат III валдан шпинделга блоклар Б<sub>3</sub>, Б<sub>4</sub> ва Б<sub>5</sub> орқали узатилади. Ҳаракатни III валдан IV валга узатиш учун блок Б<sub>5</sub> нинг ўзига тегишли тишли фиддиракларини III валга қўзғалмас қилиб ўрнатилган тишли фиддираклар билан тиашлаштириш керак.

Шпинделнинг айланишлар сонини аниқлаш учун бу занжирнинг тентгламаси қўйидагича ёзилади:

$$n_{\text{шп.ш}} = 1450 \cdot \frac{142}{258} \cdot 0,985 \cdot \frac{56}{34} \cdot \frac{29}{47} \cdot \frac{65}{43} \text{ айл / мин.}$$

$$\begin{array}{r} 51 \quad 21 \\ \hline 39 \quad 55 \\ \hline 38 \\ \hline 38 \end{array}$$

Тезликлар сони  $1 \times 2 \times 3 \times 1 = 6$ .

Агар блок  $B_5$  ни ўнг ёқقا силжитиб, 54 та тишли фидирекни 27 та тишли фидирек билан тишлазтирилса, айланма ҳаракат III валдан бевосита тишли фидиреклар  $z = 65$  ва  $z = 43$  орқали ёки блоклар  $B_3$ ,  $B_4$  ва  $B_5$  орқали IV валга, ундан V ва VI валларга узатилади.

Механизмнинг  $B_3$  ва  $B_4$  кўшалоқ блокларини улашнинг гарчи тўрт варианти бўлса-да, улардан фақат учтаси иш варианти ҳисобланади, чунки  $1/4$  узатиш нисбати икки марта такрорланади:

$$\frac{22}{88} \cdot \frac{22}{88} = \frac{1}{16} \cdot \frac{45}{45} \cdot \frac{22}{88} = \frac{1}{4} \cdot \frac{22}{88} \cdot \frac{45}{45} = \frac{1}{4} \cdot \frac{45}{45} \cdot \frac{45}{45} = 1.$$

Бинобарин, занжир воситасида бу механизм шпинделда қўйидагича тезликлар ҳосил қилиши мумкин:

$$n_{\text{шп.ш}} = 1450 \cdot \frac{142}{254} \cdot 0,985 \cdot \frac{56}{34} \cdot \frac{21}{55} \cdot \frac{22}{88} \cdot \frac{22}{88} \cdot \frac{27}{54} \text{ айл / мин.}$$

ёки

$$\begin{array}{r} 29 \quad 22 \quad 45 \\ \hline 47 \quad 88 \quad 45 \end{array}$$

ёки

$$\begin{array}{r} 51 \quad 38 \quad 45 \quad 45 \\ \hline 39 \quad 38 \quad 45 \quad 45 \end{array}$$

Тезликлар сони  $1 \times 2 \times 3 \times 3 \times 1 = 18$ .

Шундай қилиб, 1K62 станогида шпиндель тўғри айланганда  $6+18=24$  хил айланишлар сони ҳосил бўлади. Кинематик схемадан кўриниб турибдики, энг катта айланишлар сони блоклар  $B_3$ ,  $B_4$  тишли фидирекларини қўйидагича улаб ҳосил қилинади:

$$n_{\text{шп. max}} = 1450 \cdot \frac{142}{254} \cdot 0,985 \cdot \frac{56}{34} \cdot \frac{38}{38} \cdot \frac{65}{43} = 2000 \text{ айл / мин.}$$

Шпинделнинг энг кичик айланишлар сони блоклар  $B_3$  ва  $B_4$  воситасида ҳосил қилинади.

$$n_{\text{шп. min}} = 1450 \cdot 0,985 \cdot \frac{142}{254} \cdot \frac{51}{39} \cdot \frac{21}{55} \cdot \frac{22}{88} \cdot \frac{22}{88} \cdot \frac{27}{54} = 12,5 \text{ айл / мин.}$$

Агар фрикцион муфта  $M_1$ , ўнг томонга суриса, I валдаги 50–24–36–38 та тишли ғилдираклар орқали ҳаракат II валга узатилади. Натижада II валтнинг айланниш йўналиши ўзгаради.

Айланма ҳаракат VI валдан VII валга блок B<sub>1</sub> орқали узатилади. VII валдан эса VIII валга блок B<sub>2</sub> воситасида қўйидаги узатмалар орқали узатилади:

$$\frac{42}{42}, \frac{28}{56}, \frac{35}{28}, \frac{28}{35}.$$

Ҳаракат VIII валдан IX валга гитаранинг алмаштириладиган тишли ғилдираклари орқали узатилади, IX валдан суришлар қутисига қўйидаги кинематик занжир орқали узатилади.

1.  $\frac{35}{28} \cdot \frac{37}{35}$  та тишли узатмалар орқали ҳаракат X валга, кейин эса  $\frac{28}{25}$  та тишли узатмалар орқали тишли узатманинг 36 та тишли ғилдирагига ўтади. Бу 36 та тишли ғилдирак эса тишли конуссимон ғилдираклар (26, 28, 32, 36, 40, 44, 48) нинг бирортасига қўшилади ва улар орқали ҳаракат XI валга, кейин  $\frac{35}{28} \cdot \frac{28}{35}$  узатма орқали XII валга, у ердан блок B<sub>3</sub> нинг 28 ва 18 та тишли ғилдираклари воситасида  $\frac{28}{35}$  ёки  $\frac{18}{45}$  узатма орқали XIII валга, сўнгра блок B<sub>4</sub> нинг 48 ва 28 та тишли ғилдираклари воситасида  $\frac{15}{48}$  ёки  $\frac{35}{28}$  узатма орқали XIV валга, ундан блок B<sub>10</sub> нинг 28 та тишли ғилдираги орқали XV валга узатилади.

2. Муфта M<sub>2</sub> ни чап ёқса суриб қўшилганда (дастлаб  $\frac{37}{35}$  ажралган) IX ва XI валлар уланиб, ҳаракат X валга тишли конус ва ташлама 36 та тишли ғилдирак орқали узатилади. X валдан (муфта M<sub>4</sub> уланганда) ҳаракат XII валга тўғри узатилади, кейин эса биринчи вариандаги каби узатилади.

M<sub>1</sub>, M<sub>2</sub> ва M<sub>4</sub> муфталар воситасида IX, XI, XIV ва XV валлар уланиб, ҳаракатни бевосита XVI валга (юритиш винтига) узатиши мумкин.

Суппортнинг бўйлами суриш ҳаракати тишли ғилдирак ( $z = 10$ ) ва рейка ёрдамида, кундаланг суриш ҳаракати эса қадами  $i = 5$  мм бўлган кўндаланг суриш винти билан гайкаси ёрдамида қўйидагича ҳосил қилинади. Суриш вали XVII дан ҳаракатни  $\frac{27}{20} \cdot \frac{20}{28}$  шестернялар орқали киримли червякли жуфт  $\frac{4}{20}$  орқали XIX валга узатади. Шундай қилиб, айланма ҳаракат XVII валдан XIX валга, ундан XX валга  $\frac{40}{37} \cdot \frac{14}{66}$  узатма орқали рейкали шестерня ( $z = 10$ ) га узатилади. Рейка станинада қўзғалмас қилиб ўрнатилиши сабабли шестерня ( $z = 10$ ) рейкада ғилдирайди, натижада фартук бўйламасига сурилади. XVIII валдаги эҳтиёт муфта M<sub>2</sub> суриш механизмини ўта нагрузкадан сақлайди.

Күндаланг суриш ҳаракатини ҳосил қилиш учун муфта  $M_6$  күшилиб,  $M_8$  ажратиласи. Бунда ҳаракат **ХХIII** валга,  $\frac{37}{40} \cdot \frac{40}{37} \cdot \frac{40}{61} \cdot \frac{61}{20}$  занжир бўйича винтга узатиласи. Винт гайкаси кареткага қўзғалмас қилиб ўрнатилгани сабабли каретка кўндалангига ҳаракатланади. Тескари томонга кўндаланг юришда эса  $M_8$  уланади,  $\frac{40}{61} \cdot \frac{61}{20}$  занжир бўйича винтга тескари томонга айланади. Бунда муфта  $M_6$  узиб қўйилган бўлади. Суппортнинг жадал ҳаракати қуввати 1 кВт, айланишлар сони 1410 айл/мин бўлган маҳсус электр двигатель ёрдамида ҳосил қилинади.

Бўйлама суришнинг кинематик занжири шпинделнинг бир марта тўла айланишида қўйидагича аниқланиши мумкин:

$$S_{бўйл} = I_{шп.айл} \cdot i_{тр} \cdot i_{алм} \cdot i_{ск} \cdot i_{ф} \cdot \pi m \cdot z, \text{ мм / айл,}$$

бунда  $i_{тр}$  — трензелнинг узатиш нисбати;  $i_{алм}$  — гитаранинг алмаштирувчи шестеряларининг узатиш нисбати;  $i_{ск}$  — сурилишлар қутисининг узатиш нисбати;  $i_{ф}$  — фартук механизмининг узатиш нисбати;  $m$  — рейка тишли ғилдирагининг модули;  $z$  — рейка тишли ғилдирагининг тишилари сони. Бинобарин, нормал суришда занжирнинг бўйлама суриш тентгламаси қўйидаги кўринишда бўлади:

$$S_{бўйл} = I_{шп.айл} \cdot \frac{60}{60} \left| \begin{array}{c} 42 \\ 42 \\ 28 \\ 56 \\ \hline \text{реверс} \\ 35 \\ 28 \end{array} \right| \cdot \frac{42}{95} \cdot \frac{95}{50} \cdot \frac{26,28,32,36,40,44,48}{36} \cdot \frac{25}{28} \cdot \frac{28}{35} \left| \begin{array}{c} 18 \\ 45 \\ \hline 15 \end{array} \right| \cdot \frac{28}{48} \cdot \frac{18}{56} \cdot \frac{27}{20} \cdot \frac{20}{28} \cdot \frac{4}{20} \cdot \frac{40}{37} \cdot \frac{14}{66} \pi \cdot 3 \cdot 10 \text{ мм / айл.}$$

Шпинделнинг бир марта тўла айланишида супортни кўндалангига сурилиш занжирининг тенгламаси қўйидагича бўлади:

$S_{кўнд} = I_{шп.айл} \cdot i_{тр} \cdot i_{алм} \cdot i_{ск} \cdot i \cdot i_k$  мм/айл, бу ерда  $i_k$  — кўндаланг суриш винтининг қадами, мм, яъни

$$S_{кўнд} = I_{шп.айл} \cdot \frac{60}{60} \left| \begin{array}{c} 42 \\ 42 \\ 28 \\ 56 \\ \hline \text{реверс} \\ 35 \\ 28 \end{array} \right| \cdot \frac{42}{95} \cdot \frac{95}{50} \cdot \frac{26,28,32,36,40,44,48}{36} \cdot \frac{25}{28} \cdot \frac{28}{35} \left| \begin{array}{c} 18 \\ 45 \\ \hline 15 \end{array} \right| \cdot \frac{15}{48} \cdot \frac{28}{56} \cdot \frac{27}{20} \cdot \frac{20}{28} \cdot \frac{4}{20} \cdot \frac{40}{37} \cdot \frac{40}{61} \cdot \frac{61}{20} \cdot 5 \text{ мм / айл.}$$

## 7-§. Токарлик станогига қўшиб бериладиган керак-яроғлар


Станок ишлаб чиқарувчи завод станокка қўшимча равишда марказ, патрон, планшайба, люнет, оправка, ҳар хил втулка ҳамда бошқа керак-яроғлар қўшиб беради. Айрим ишларни бажаришда булардан фойдаланиш ишлов иш унумини, сифатини оширади. Куйида бу мосламаларнинг хиллари, ишлатилиши ҳақида қисқача маълумотлар келтирилади.

**Марказ.** Улар ўрнатилиш жойига кўра олд ва кетинги бабкалар марказларига бўлинади ва заготовкаларни ишлашда уларни сиқиб, кўтариб туриш учун ҳам хизмат қиласди.

279-расмда токарлик станогига марказларининг асосий хилларидан баъзилари келтирилган:

- нормал марказ, ундан оғир заготовкаларни ишлашда фойдаланилади;
- тескари марказ, бундан учи конуссимон валларни ишлашда фойдаланилади;
- кесик марказ, ундан торец юзаларни ишлашда фойдаланилади;
- шарсимон учли марказ, ундан кетинги бабка марказини силжитиб, конуссимон юзалар йўнишда фойдаланилади;
- тишли (рифли) марказ, ундан тешикли заготовкаларни кесиб ишлашда фойдаланилади;
- айланувчи марказ, ундан заготовканинг марказий тешиги билан кетинги бабка марказининг ишқаланишини камайтиришда фойдаланилади.

**Патрон.** Узунлигининг диаметрига нисбати тўртдан кичик бўлган заготовкаларни кесиб ишлашда патрондан фойдаланилади. Патронларнинг асосий хилларига куйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин (280-расм, *a*, *b*, *c*, *e*):




- ўзи марказловчи уч кулачокли патрон;
- тўрт кулачокли патрон;
- цангали патрон.

г) пневматик патрон. Бундай патронларда кулачокларнинг пазларда юргизилиши, поршенинг сиқилган ҳаво воситасида ҳаракатланиши гортки ва бурчакли ричаглар ёрдамида амалга оширилади. Натижала кулачоклар бир-бирига яқинлашади ёки бир-биридан узоқлашади.

### 279-расм. Марказлар тури:

- a* — нормал; *b* — тескари; *c* — кесик; *d* — шарсимион; *e* — айланувчи марказлар



**280-расм. Патронлар:**

а — ўзи марказловчи уч кулачокли патрон; 1 — кулачоклар; 2 — кичик конуссимон шестерня; 4 — спираль ариқча; б — тўрт кулачокли патрон:


1 — кулачоклар; 2 — винт; а — цангали патрон; 1 — қуйруқ; 2 — цанга; 3 — гайка; 4 — цанга кертими; г — пневматик патрон

**Планшайба.** Бу диск шаклида бўлиб, шпинделга патрон ўрнига бураб қўйилади. Унинг радиал пазларига заготовканинг планкали маҳкамлаш болтлари кийгизилади.

Одатда, тўрт кулачокли планшайбаларнинг кулачоклари мустақил равишда сурилади, зарур бўлиб қолган ҳолларда улар чиқариб олиниши ҳам мумкин. Буларда симметрик шаклдаги катта диаметрли заготовкалар ҳам, ассимметрик шаклли заготовкаларни ҳам ўрнатиб маҳкамлаш учун ишлатилади. 281-расмда асимметрик заготовканинг планшайба 1 га қандай ўрнатилиши кўрсатилган. Расмдан кўринадики, бурчакли планка 3 планшайбанинг иш текислигига маҳкамланниб, унга заготовка 2 ўрнатилган ва болтлар ёрдамида маҳкамланган. Заготовка ва бурчакли посанги 4 воситасида мувозанатланади.

**281-расм. Симметрик бўлмаган заготовкани планшайбага ўрнатиш:**

1 — планшайба; 2 — заготовка;  
3 — бурчакли планка; 4 — посанги




ди. Планшайбанинг камчилиги шуки, кулачокларни ростлаш ва ўрнатилган заготовкани текшириб кўриш кўп вақт олади.

**Люнетлар.** Люнетлар конструкциясига кўра иш даврида қўзғалмайдиган, қўзғалувчи бўлиб, улардан бикирлиги етарли бўлмаган валлар заготовкаларини ишлашда фойдаланилади. Кўзғалмас люнет станок станицасининг йўналтирувчилари 2 га ўрнатилиб, тагидан планка воситасида болт 3 билан қотирилади (282-расм).


Кўзғалувчи люнет суппортга винтлар ёрдамида маҳкамланади. Унинг иккита кулачоги заготовканинг ишлов бериладиган юзасига бир текисда теккизилиб қўйилади. Бу кулачоклар иш жараёнида кескич кетидан сурила бориб, кесиш кучи таъсирида заготовканинг букилишига йўл қўймайди.

Шуни қайд этиш жоизки, заготовкаларни марказларга қисиб ишлаш усулидан, одатда,  $4 < \frac{l_3}{d_1} < 10$  бўлган ҳолларда фойдаланиш тавсия этилади. Агар  $\frac{l_3}{d_1} > 10$  бўлса, люнетдан фойдаланмоқ керак.



282-расм. Люнетлар:

a — қўзғалмас; 1 — заготовка; 2 — йўналтирувчилар; 3 — болт;  
б — қўзғалувчан



283-расм. Втулка заготовкани яхлит оправкага ўрнатиш схемаси:


1 — марказ; 2 — бўйин; 3 — ҳолат; 4 — патрон тешик

**Оправкалар.** Оправкалар металл кесиши станокларида ишлашда заготовкани ўрнатиш ва маҳкамлашга имкон беради ва заготовканинг қандай ўрнатилганлигини текшириб ўтиришга ҳожат қолмайди. Оправкалар заготовканинг тўғри ўрнатилишини, йўниладиган сиртқи юзаларнинг тешик база юзасига и исбатан аниқ жойлашишини таъминлайди. Шу билан бирга, оправкага янгидан ўрнатиладиган ҳар қайси заготовка шундан олдин ўрнатилган заготовка вазиятини эгаллайди. Оправкалар яхлит ва кериладиган бўлади.

Яхлит оправкалар (283-расм) кичикроқ (1:1000 дан 1; 2000 гача) конусликка эга қилиб тайёрланади ва заготовканинг тешигига пресс-лаб ўрнатилади. Заготовканинг тешиги базаловчи тешик бўлганлигидан жуда аниқ қилиб ишланган бўлиши керак.

Яхлит оправкаларнинг торециларида станок марказларига ўрнатиш учун марказ тешиклари 1, хомут 3 билан қамраш учун эса бўйин 2 бўлади. Кесиб ишланадиган заготовкага поводокли (етакловчи) патрон 4 ва хомут ёрдамида айланма ҳаракат берилади.

Кериладиган оправка 284-расмда тасвирланган, бу оправканинг яхлит оправкадан фарқи шуки, у конус тешикли цилиндр шаклидаги қирқма втулка 1 дан иборат бўлиб, йўниладиган заготовкани ўрнатиш учун хизмат қиласи. Қирқма втулканинг конус юзаси стержень 2 нинг конус сиртига кийдирилади. Гайка 3 буралганда втулка керилади ва ўзининг цилиндрик юзаси билан заготовкани оправкага маҳкамлайди. Гайка 3 бураб бўшатилганда втулка сурилади ва ундан кесиб ишланган деталь олинади. Оправка куйидаги шарт бажарилгандагина нормал ишлай олади:



284-расм. Кериладиган оправка

$$M_{\text{кес}} < M_{\text{изв}}$$

бунда  $M_{\text{кес}}$  — кесиш моменти;  $M_{\text{изв}}$  — заготовка ва оправка юзаларида-ги ишқаланиш моменти.

### 8-§. Токарлик станокларида бажариладиган ишлар

Токарлик винтқирқишистаноклари белгиланган ишларни бажаришта утгунча станок, мосламалар ва кескичларни ишга яроқлиги кузатилиб, сүнгра заготовка станокка, тегишли кескич кескич-тутқичга ўрнатилиб, станок зарур режимга ростланади.

Қуйида бажариладиган асосий ишлар көлтирилган:


**1. Марказий тешиклар очиш.** Бунинг учун патронга калта қилиб сиқылган заготовка кескич билан текисланиб марказ белгиланғач, кетинги тореци бабка пинолига ўрнатылған парма заготовка томон аста сурилади (285-расм).

**2. Сиртқи цилиндрик юзаларни йўниш.** Амалда заготовканинг шакли ва ўлчамларига кўра уни патронга ёки мосламаларга ўрнатылған кескич билан йўнилади.

**3. Заготовкадаги тешикни зенкерлаш ёки развёрткалаш.** Бу ишларни бажариш учун заготовка станок патронига, зенкер ёки развёртка кетинги бабканинг пинолига ўрнатылади. Кетинги бабка дастасини ўнгга айлантириш билан кесиш асбоби илгарилинма сурилиб, айланадётган заготовкада тешик ишланади.

**4. Доиравий эксцентрик юзаларни кесиб ишлаш.** Бундай ишларни бажариш учун заготовкани 0—0 ўқли марказ тешигига ўрнатылб, юзалар 1, 2, 3 ва 5 кескич билан ишланади, кейин эса оправка 0,—0, ўқли марказ тешигига ўрнатилиб, цилиндрик юза 4 йўнилади (286-расм).

**5. Конуссимон юзаларни ишлаш.** Заготовкаларга бу хил ишлов берилса кескичини мълум бурчак остида силжитиш билан қиринди йўни-



285-расм. Пармалаш схемаси

лади. Ишланыётган конуснинг ўлчамларига кўра қўйидаги усуллардан фойдаланиш тавсия этилади:

а) кенг токарлик кескичларида ишлаш. Бу усулдан калта конусларни (ясовчилари 23–30 мм гача) ҳосил қилишда фойдаланилади. Бу кескичларнинг пландағи асосий бурчаги ишланувчи конус бурчагининг ярмига тенг бўлади. Кескич тикиннинг узунлиги эса конус ясовчисидан узунроқ бўлади. Конус ҳосил қилиш учун заготовка айланиб турганда кескич кўндалангига маълум қийматга суриласди;

б) суппортнинг устки кареткасини заготовка ўқига нисбатан маълум бурчакка буриб конус юзаларни ишлаш. Бу усулдан, одатда, патронга ўрнатилган цилиндрик заготовка турли бурчакли калта конус юзаларини ишлашда фойдаланилади.

Конус ҳосил қилиш учун устки каретка зарур  $\alpha$  бурчакка созлангач, устки каретканинг дастасини ўнгга бураб, кескични олдинга суриш йўли билан маълум қалинликдаги қириндини йўниб, конус юза ишланади (287-расм).

в) кетинги бабка корпусини кўндалангига маълум масофага суриш билан конус юзаларини ишлаш. Одатда, бу усулдан кичик бурчакли ( $2\alpha \leq 10^\circ$ ) узун конус юзаларини ишлашда фойдаланилади.

Бунда бабка корпусининг асосига нисбатан кўндалангига сурилиш қиймати ( $h$ ) қўйидаги формула билан аниқланади:

$$h = L \sin \alpha \quad (\text{A})$$


$$\operatorname{tg} \omega = \frac{D-d}{2l},$$

$$\text{бу ерда } \sin \omega = \frac{D-d}{2l} \cos \omega.$$


$\sin \omega$  нинг қийматини формула (A) даги  $\sin \omega$  ўрнига қўйсан, қўйидагини ҳосил қиласиз:

$$h = L \cdot \frac{D-d}{2l} \cdot \cos \omega.$$

Бу усулда заготовка марказий тешикларда ноқулай



286-расм. Доиравий эксцентрик юзаларни ишлашда заготовкани ўрнатиш схемаси



287-расм. Суппорт устки салазкасини буриш билан конус юзаларини йўниш:  
1 — устки салазка; 2 — даста

турғанылғи сабабли кичик конус ( $\omega = 8-10^\circ$ ) юзалари ишланади.  $\cos 8^\circ$  қиймати бирга яқин бұлғанлығи сабабли юқоридаги формулани қуидегічә ёзиш мүмкін:

$$L = b \text{ бұлса, } h = \frac{D-d}{2} \text{ бұлади.}$$


Шуны ҳам айтиш керакки, заготовкани марказий тешикка яхши-лаб үрнатиш мақсадида станок марказларининг учи шарчали қилинади.

г) конус ясашда ишлатиладиган нұсха күчириш линейкаси ёрдами-да конус юзаларини ишлаш. Амалда учбурчак конуслиги  $30-40^\circ$  гача бұлған узун конус юзаларни күп slab ишлашда бу усульдан фойдаланилади (288-расм).

Схемадан күриниб турибидики, станок станицасига мақкамланған кронштейн 1 да нұсха күчириш линейкаси 2 бўлиб, у бармоқ 3 тевара-гиди маълум бурчакка бурила олади ва зарур вазиятда болтлар 4 билан қотирилади. Нұсха күчириш линейкасида ползун 5 нинг йўналтирувчилари сурила олади. Суппортнинг кўндаланг салазкаси 6 га тортқи қисқич 8 орқали бириктирилади.

Заготовкага ишлов берип учун линейка станок марказлари чизигига нисбатан конус бурчагининг ярим қийматига қўйиб мақкамлангач, кўндаланг супортни суриш винтининг гайкаси ажратилади.

Суппорт салазкаси 9 ни станок ўқи бўйлаб юргизишда ползун 5 линейка 2 да сирпаниб, кўндаланг ҳаракатга келади. Ҳар икки ҳара-



288-расм. Нұсха күчириш линейкаси ёрдамида конус ишлаш:

1 — кронштейн; 2 — линейка; 3 — бармоқ; 4 — болтлар; 5 — ползун;  
6 — кўндаланг салазка; 7 — паз; 8 — қисқич; 9 — бўйлама салазка;  
10 — кескич-тутқич; 11 — даста

катнинг (бўйлама ва кўндаланг) қўшилиши натижасида кескич станок марказлари чизигига нисбатан ишланувчи конус бурчагининг ярим қиймати бурчагида ҳаракатланади.

Кескич зарур қатламни йўниши учун кўндаланг салазка бдан фойдаланилади, бунинг учун даста 11 буралади.

**7. Мураккаб шаклли юзаларни ишлаш.** Мураккаб шаклли юзаларни ишлаш учун аввал шу шаклга мос кескичлар тайёрланиб, сўнгра улар зарур вазиятга ўрнатилгач, заготовкани кўндаланг йўналишга юргизиб ишлаш мумкин. Одатда, бу мақсад учун маҳсус кескичлардан фойдаланилади. Кўпинча, кўплаб мураккаб шаклли юзаларни шаклдор копир ёрдамида кескичларда ишлашда юқорида кўрилган копир-линейка ўрнида шаклдор копир ўрнатилиб ишланади. Универсал тоқарлик станокларида бундай ишларни самарали бажариш учун интилишлар натижасида гидравлик нусха кўчириш суппорти яратилди (289-расм).


**8. Резьба қирқиши.** Маълумки, резьбалар ташқи, ички ва турли профилли ҳамда қадамли бўлади. Улар плашка ва метчиклар ёрдамида кўлда қирқилса, маҳсус кескичлар ёрдамида станокларда қирқилади.


Бунинг учун аввал кескич қирқилувчи резьба профилга мос қилиб чархланади, сўнгра унинг уни шаблон ёрдамида станок марказлари ўқига тик қилиб ўрнатилади. Кейин эса станок шу резьбани қирқишига созланади (290-расм). Шуни қайд этиш керакки, кескичининг заготовка бўйлаб қириндини бир йўниб ўтишида резьбани узил-кесил қирқиб бўлмайди. Шунинг учун сўнгги ўтишда кескичини бошланғич вазиятга қайтариб, у янги ўтишдан аввал йўнилувчи қатлам қалинлигига кўндаланг суриласди.

Маълумки, кутилган қадамли резьба қирқиши учун шпинделлинг тўла бир айланишида кескич заготовка бўйлаб, резьба қадамига тенг оралиқда сурилиши керак. Демак, станок шпиндели бир марта тўла айланганда юргизиш винтини  $\frac{t_{kp}}{t_{\text{внн}}}$  га айланадиган қилиб созлаш керак (бунда  $t_{kp}$  — қирқилувчи резьба қадами;  $t_{\text{внн}}$  — юргизиш винтининг қадами).

289-расм. КСТ-1 гидросуппортигинги ишлаш схемаси:

- 1 — қўзгалмас асос; 2 — қўзғалувчай салазка; 3 — поршень;
- 4 — мой насоси; 5 — шток;
- 6 — пружина; 7 — цилиндр;
- 8 — плунжерлар; 9 — копир;
- 10 — кескич-тутқич





290-расм. Резьба очища станокни ростлаш схемаси

**Станокни күтилган қадамли резьба қирқишига созлаш.** Одатда, станоклар түрли қадамлы стандарт резьбаларни қирқишига осонгина созланади. Бунинг учун суриш кутиси барабан дискини олдинга тортиб, маълум бурчакка айлантириб, белгили чизиги кесиладиган резьба қадами рўпарасига келтирилади. Сўнгра диск дастлабки вазиятга, А, Б ва Г дасталар эса кўрсатилган ҳолга ўтказилади (290-расм).

Агар станокнинг кинематик баланс тенгламасини ёзсан, қирқилювчи резьба қадами қўйидагига тенғ бўлади:

$$l_{kp} = l \cdot l_{yz} \cdot l_{pit} \cdot l_{ion},$$

бу ерда  $l_{kp}$  — шпинделнинг бир марта тўла айланишига тўғри келадиган қирқилювчи резьба қадами, мм;  $l_{yz}$  — ўзгармас кинематик жуфтнинг, масалан, трензелнинг ҳаракат узатиш нисбати;  $l_{pit}$  — гитаранинг алмаштирилувчи шестерняларининг ҳаракат узатиш нисбати;  $l_{ion}$  — юритиш винтининг қадами, мм.

Станокни созлашда юритиш винтининг қадами ( $l_{ion}$ ) ва ўзгармас узатиш ҳаракат нисбати ( $i_{yt}$ ) маълум бўлганлиги, қирқилювчи резьбанинг қадами ( $l_{kp}$ ) берилганлиги учун гитаранинг алмаштирилувчи шестерняларининг узатиш нисбати қўйидаги тенгламадан аниқланади:

$$l_{pit} = \frac{l_{kp}}{i_{yz} \cdot l_{ion}} \text{ ёки } \frac{a}{b} \cdot \frac{c}{d} = \frac{l_{kp}}{i_{yz} \cdot l_{ion}}$$

Одатда, станокда алмаштирилувчи шестернялар тўплами керак-яроғлар билан қўшиб берилади, бу тўплам тишларининг сони 20 та бўлган иккита шестернядан, қолгани эса тишларининг сони 5 та дан ортиб борадиган 25, 30, 35 ..., 125 та тишли шестернядан иборат, яна битта 127 тишли шестерня ҳам қўшиб берилади.

Агар станокни ностандарт резьбаларни қирқишига созлаш зарур бўлса, тўпламда тишли фидираклар шундай жуфт ёки шундай икки жуфт шестерня ҳисоблаш асосида танлаб олинниб, гитарага ўрнатилади. Аммо танлаб олинган шестерняларнинг тишлариши текширилиб қўрилиши зарур, чунки уларнинг бири гитара бармоғига тирадиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳол юз бермаслиги учун қўйидаги шартларни бажариш талаб этилади. Биринчи жуфт шестерня тишлари сонларининг

ЙИГИНДИСИ ( $a+b$ ) учинчи шестернә тишлари сони ( $c$ ) дан камида 15 та тиши ортиқ бўлиши, иккинчи жуфт тишлилар сонларининг йигиндиси ( $c+d$ ) иккинчи шестернә тишлилари ( $b$ ) дан камида 15 та тиши ортиқ бўлиши керак. Қирқиши жараённида қирқилувчи резьбалар қадами жуфт ва тоқ бўлишига эътибор бериш керак (маълумки юритиш винти қадамининг қирқувчи резьба қадамига нисбати бутун сонлар бўлса, жуфт резьба ҳосил бўлади). Жуфт резьбани қирқишида винтнинг ажралувчи гайкасини ажратиш мумкин. Тоқ резьбани қирқишида эса винтнинг ажралувчи гайкасини ажратишда кескич кейинги ўтишида дастлабки йўлига тушмагани учун ажратиб бўлмайди. Шпиндель тескари томонга айлантирилиб, кескич дастлабки жойига ўтказилади.

Куйида баъзи резьбаларни қирқиши учун токарлик-винтқирқиши станогини созлашга оид мисоллар келтирилган.

**1-мисол.** Юритиш винтнинг қадами 12 мм бўлган токарлик станоги қадами 4 мм ли резьба қирқишига созлансин.

Юқоридаги формула асосида

$$i_{\text{тиш}} = \frac{4}{12} = \frac{2 \cdot 2}{4 \cdot 3} = \frac{40}{80} \cdot \frac{60}{90} .$$

Олинган натижаларнинг қанчалик тўғри аниқланганлигини текшириш учун уни тишли фидиракларнинг тишлишишига солиштирайлик. Кузатишлардан маълумки,

$$a + b \geq c + 15$$

$$c + d \geq b + 15$$

бўлгандагина бу аниқланган тишли фидираклар мавжудлигига зарур шестернёлар тўғри аниқланган бўлади. Топилган қийматларни юқоридаги формулага қўямиз:

$$\text{а)} a + b \geq c + 15$$

$$\text{б)} c + d \geq b + 15$$

$$40 + 80 \geq 60 + 15$$

$$60 + 90 \geq 80 + 15$$

$$120 \geq 75;$$

$$150 \geq 95.$$

Демак, масала тўғри ечилган.

**2-мисол.** Юритиш винтнинг қадами 12 мм бўлган токарлик станоги бир дюймга 10 та йўл тўғри келадиган резьба қирқиши учун созлансин.

$$i_{\text{алм}} = \frac{127}{5 \cdot 10 \cdot 12} = \frac{127}{60} \cdot \frac{1}{10} = \frac{127}{100} \cdot \frac{20}{120} .$$

Тишлишув шартига кўра

$$127 + 100 > 20 + 15 .$$

$$20 + 120 > 100 + 15 .$$


Юқоридаги мавзуда токарлик-винтқирқишистаногининг тузилиши, кинематик схемаси ва баланс тенгламалари ҳақида тұла маълумоттар берилғанлығы ва бу масалалар үқувчиларнинг амалий машғулоттарда ўрганишлари сабабли бошқа токарлик гурухига киравчы станоклар тузилиши, ишлаши үхашашигина назарда тутиб, қисқача маълумоттар көлтириш билан чекланилади.

### 9-ғ. Токарлик станокларнинг баъзи хиллари ҳақида умумий маълумотлар

Маълумки, станокларнинг токарлик гурухига оддий, винтқирқиши, лобовой, карусель, револьвер, яримавтомат ва автомат ҳамда бошқа станоклар киради.


Бу станокларда доира шаклидаги заготовкаларнинг сиртқи ва ички юзаларини кесиб ишлаш натижасида уларга цилиндрик, конус ҳамда шаклдор күриниш берилади ва бошқа қатор ишлар бажарилади. Бу гурухга киравчы станокларнинг айримлари билан танишиб чиқамиз.

**Лобовой токарлик станоклари** габарит ўлчами катта вазни заготовкалар, жумладан маховиклар, шкивлар, дискларни кесиб ишлашта мүлжалланган. Бу станокларда кетинги бабка бўлмайди, уларнинг марказлари баланд бўлади (291-расм). Заготовка планшайбага маҳкамланади. Кўндаланг станица олд бабка билан боғлиқ бўлмаган ҳолда айрим плитага ўрнатилган. Юқориги салазка кескич тутқич билан бирга, суппорт кареткасига ўрнатилган бўлиб, буриш плитаси йўналтирувчилари бўйлаб сурилади. Планшайбанинг диаметри 1000 мм дан 4000 мм гача.



291-расм. Лобовой токарлик станоги:

- 1 — олд бабка; 2 — планшайба; 3 — кўндаланг станица;  
4 — устки салазка; 5 — кескич тутқич



**292-расм. Карусель станоги:**


1 — вертикал стойка; 2 — траверса; 3 — горизонтал суппорт карсткаси;  
4 — буриувчи кескич тутқыч; 5 — си суппорт учун вертикал стойка  
йўналтирувчилари; 6 — ён суппортининг кескич тутқычи

Бу станокларнинг асосий камчилиги шундан иборатки, уларга оғир заготовкаларни ўрнатиш ва уларнинг қанчалик түғри ўрнатилганлигини текшириб кўриш қийин. Бундан ташқари, шпинделнинг деформацияланиши оқибатида ишлов аниқлиги пасаяди.

**Токарлик карусель станоклари.** Бу станокларда планшайбага ўрнатилган заготовканинг айлантирувчи ўқи вертикал ўрнатилганлиги сабабли лобовой токарлик станокларидаги айрим камчиликлардан ҳоли бўлади. Бу станокларда габарит ўлчами катта ва оғир вазни заготовкаларни йўниб ишлашдан ташқари пармалаш, зенкерлаш, резьбалар ишлаш ҳам мумкин.

Карусель станогининг столи горизонтал текислика жойлашган бўлиб, вертикал ўқда айланади. Карусель станоклари бир стойкали (ишланувчи заготовканинг диаметри 2000 мм гача) ва икки стойкали (ишланувчи заготовканинг диаметри 2000 мм дан катта) бўлади. Бу станокларда 2—4 та суппорт бўлади (292-расм).

**Токарлик револьвер станоклари.** Токарлик револьвер станогининг токарлик станогидан фарқи шундаки, унинг кетинги бабкаси бўлмайди, бабка ўрнига револьвер каллаги ва бўйлама суппорти бўлади. Унинг



**293-расм. Револьвер станоги каллаклари:**

*a* — вертикал уқ атрофида айланадиган; *б* — горизонтал ўқ атрофида айланадиган

суппорти суриш қутисидан юргизиш вали ва фартук орқали бўйлама ҳаракатланади. Бу станокда чивиқ заготовкалардан деталлар тайёрлаш учун уни шпинделнинг тешигидан ўтқазиб, цангали патрон билан сиқилади. Бу станок ҳар хил кесиш асбоблари (кескич, парма, зенкер, метчик ва бошқалар) билан турли токарлик ишларини бир ўрнатишида бажаришга имкон беради.


Токарлик-револьвер станоклари, одатда, вертикал ва горизонтал ўқ атрофида айланувчи каллакли қилиб ишлаб чиқарилади. Вертикал ўқ атрофида айланувчи каллак, одатда, олти қиррали қилиниб, унинг ҳар бир қиррасидаги учига турли кескичлар ўрнатилади. Револьвер каллагини  $60^{\circ}$  га буриб, бир ёки бир неча кесиш асбоби маълум кетма-кетлиқда иш позициясига ўтказилади. Горизонтал ўқ атрофида айланувчи каллакли станокларда кўндаланг суппорт бўлмайди. Каллакнинг тешикларига зарур кескичлар ўрнатилади.

Каллакларни даврий равишида айлантириб, зарур кескични заготовкага яқинлаштириш ёки секин, узлуксиз равишида айлантириш билан заготовкаларда ариқчалар очиш, кесиб тушириш каби ишларни бажариш мумкин.

Вертикал каллакли станокларда яна кўндаланг суппорт бўлиб, у бўйига ва кўндалангига сурила олади (293-расм).

**Токарлик яrimавтоматларининг** токарлик автоматлардан фарқи шундаки, уларда заготовкани станокка ўрнатиш ва ишланган буюмни станокдан олиш ишини токарнинг ўзи бажаради.

**Токарлик автоматлари** иш жараёнини автоматлаштириш нуқтани назаридан қараганда револьвер станокларининг янада такомиллаштирилганидир. 294-расмда чивиқларни ишлашга мўлжалланган бир шпинделли автоматнинг принципиал схемаси келтирилган. Шпиндель 3



**294-расм. Бир шпинделли автомат станокнинг схемаси:**

1 — узатиш механизми; 2 — сикиш ва бўшатиш механизми; 3 — шпиндель; 4 — бўйлама суппорт; 5 — тақсимлаш вали; 6, 11, 12 — барабанлар; 7 — кўндаланг суппорт; 8 — кулачок; 9, 10 — узатмалар


айланма ҳаракатни тасмали узатма, тақсимлаш вали 5, червякли узатма 9, 10 дан олади. Тақсимлаш валига бўйлама суппорт 4 ни силжитувчи барабанли кулачок 6, кўндаланг суппорти 7 ни ҳаракатлантирувчи дискли кулачок 8, чивиқни сикиш ва бўшатиш механизми 2, чивиқни шпиндель ичига узатиш механизми 1 ни бошқарувчи барабанлар 11 ва 12 бикир қилиб маҳкамланган. Бутун иш цикли тақсимлаш вали 5 нинг бир тўла айланishiда бажарилади.

## 54-боб

### МАТЕРИАЛЛАРНИ ПАРМАЛАШ КЕСКИЧЛАРИ, СТАНОКЛАРИ ВА УЛАРДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР

#### 1-§. Умумий маълумот

Материаллардан пармалар билан турли диаметрли (очиқ ёки берк) тешиклар очишга *пармалаш* дейилади. Бу усул кўп қўлланиладиган усуллардан биридир. Шу боисдан пармалаш станоклари станоклар паркининг 12–15% ини ташкил этади. Заготовкаларда тешиклар очища ишлатиладиган пармаларнинг бир неча хиллари бор (масалан, заготовка торецида марказий тешик очувчи спирал, перосимон пармалар). Спирал пармаларнинг диаметри кўпинча 1–80 мм оралигига бўлади. 295-расмда спирал цилиндрик парма элементлари кўрсатилган. Расмдан кўринадики, унинг иш қисмida иккита винтли ариқчаси ва иккита кесувчи тиш бўлади. Пармалашда ариқчалар орқали ажralувчи қиринди ташқарига чиқади. Кесувчи тиғлари ҳар бирининг олд юзи, кетинги юзи ва кесувчи қирралари бўлади, улар чегарасида кўндаланг кромкаси бўлади. Парманинг калибрловчи қисмida лентаси бўлади, у пармалашда пармани тўғри йўналтиришга ва унинг тешик деворига



295-расм. Парма ва унинг элементлари

ишқаланишини камайтиришга хизмат қилади. Парманинг қуйруқ қисми шакли конусли ёки цилиндрик бўлади. Конуслиги бевосита станок шпинделининг конусли ёки ўтиш втулкаси конусига киритилиб ўрнатилса, цилиндриклиги патронга ўрнатилади. Панжаси уни шпинделдан чиқаришта кўмаклашади. Парманинг бўйин қисми эса жилвирлашга, чарх тошнинг чиқишига хизмат қилади.

## 2-§. Спирал парма геометрияси

Материалларни пармалашда парма материали ва геометриясининг очилувчи тиғларнинг уч бурчаги ( $\varphi$ ). Юқори пластик материаллар (алюминий, мис, баббит...) ларни пармалашда  $80\text{--}90^\circ$ , пўлат, айрим чўянларни пармалашда  $116\text{--}118^\circ$ , мармар каби жуда мўрт материалларни пармалашда эса  $140^\circ$  гача олинади.

Қўйида парма геометрияси ҳақида маълумот келтирилган.

**Пармани кесувачи тиғларнинг уч бурчаги ( $\varphi$ ).** Юқори пластик материаллар (алюминий, мис, баббит...) ларни пармалашда  $80\text{--}90^\circ$ , пўлат, айрим чўянларни пармалашда  $116\text{--}118^\circ$ , мармар каби жуда мўрт материалларни пармалашда эса  $140^\circ$  гача олинади.

**Винтсимон ўйиқнинг қиялик бурчаги ( $\omega$ ).** Бу бурчак қиймати  $\lg \omega = \frac{\pi D}{H}$  бўлади. Бу ерда  $D$  — парма диаметри, мм;  $H$  — винтсимон ўйиқнинг қадами, мм. Мўрт материалларни пармалашда  $10\text{--}15^\circ$ , пўлат-

ларни пармалашда  $30^\circ$  ва юмшоқ материалларни пармалашда эса  $45^\circ$  гача олинади.

**Олдинги бурчаги ( $\gamma$ ).** Олдинги бурчак деб парманинг асосий кесувчи тифидан ўтказилган тик текислик билан олдинги юза оралиғидаги бурчакка айтилади. Бу бурчак парма ўқи томон кичрая борали. Масалан, парманинг ташқи диаметри яқинида  $25\text{--}30^\circ$  бўлса, ўқи яқинида нолга яқин бўлади.

**Кейинги бурчаги ( $\alpha$ ).** Бу бурчак асосий кесувчи тигларининг парма ўқига параллел текислик ўтказилиб аниқланади. Бу бурчак кейинги юзанинг кесиш юзасида ишқаланишни камайтиради, парманинг ташқи диаметри ёнида  $8\text{--}12^\circ$ , марказ ёнида  $20\text{--}25^\circ$  бўлади.

**Кўндаланг тигининг қиялик бурчаги ( $\lambda$ ).** Бу бурчак  $50\text{--}55^\circ$  атрофида олинади. Парманинг диаметри ортган сари у ҳам ортади, масалан,  $1\text{--}12$  мм диаметрли пармаларда  $47\text{--}50^\circ$  бўлса,  $12$  мм дан катта диаметрли пармаларда эса  $55^\circ$  олинади.

### 3-§. Пармалаш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар

Пармалаш станокларини конструкциясига кўра бир шпинделли ва кўп шпинделлilarга; шпинделларининг ўрнатилишига кўра вертикал, горизонтал; бажариладиган иш характеристига кўра агрегат ва радиал; механизациялаштирилганлик даражасига кўра дастаки, ярим автомат ва автомат станокларга ажратилади. Пармалаш станоклари хиллари ва маркалари кўп албатта.

296-расмда вертикал пармалаш станоги 2A 150 моделининг умумий кўриниши ва кинематик схемаси келтирилган.

297-расмда горизонтал пармалаш, 298-расмда радиал пармалаш ва 299-расмда эса горизонтал тешик кенгайтирувчи станокларининг умумий кўриниши ва бажариладиган ишлар келтирилган.

Шуни айтиш ҳам зарурки, пармалаш жараёнини бажариш учун парма станок шпиндель тешигига киритилиб маҳкамланади. Заготовкани станок столига ўрнатишда эса маҳсус мосламалардан (патрон, тиски, кондуктор ва бошқалар) фойдаланилади (300-расм).


Пармалаш, зенкерлаш ва развёрткалашда кесиш режими элементларига кесиш чуқурлиги ( $i$ ), суриш тезлиги ( $s$ ) ҳамда кесиш тезликлари ( $\vartheta$ ) киради.

Пармалашда кесиш чуқурлиги тешик диаметрининг ярмига тенг.

$$t = \frac{D}{2}, \text{мм.}$$


Зенкерлашда ва развёрткалашда кесиш чуқурлиги қўйидагича аниқланади:

$$t = \frac{D-d}{2}, \text{мм};$$




296-расм. 2A150 маркали пармалаш станогининг кўриниши (а)  
ва кинематик схемаси (б):

1 — пойдевор плита; 2 — станина; 3 — тезликлар кутиси;  
4 — электр двигатель; 5 — штинбелль; 6 — суриш кутиси; 7 — стол




297-расм. Горизонтал пармалаш станогининг кўриниши:

1 — станина; 2 — олд стойка; 3 — штиндель бабкаси; 4 — двигатель;  
5 — шпиндель; 6 — планшайба; 7 — люнет; 8 — кетинги бабка; 9 — стол



298-расм. Радиал пармалаш станоги




299-расм. Гаризонтал тешик кенгайтириш станокларида бажарладиган ишлар:

*a* — борштанг ёрдамида тешик кенгайтириш; *b* — пармалаш (зепкерлаш, разнёрткалаш); *c* — торец фреза билан вертикаль юзаларни ишлеш; *d* — фрезалар түплеми билан ишлеш; *e* — планшайбадаги суппорт ёрдамида кескич билан торец юзаларини ишлеш; *e* — кескич билан резьба қирқиши

бу ерда *D* — ишланган тешик диаметри, мм; *d* — ишланадиган тешик диаметри, мм.

Суриш тезлиги (*s*) деб кескич тұла бир марта айланғанда унинг ўқы бүйлаб юрган йүлиға айтилади:  $s = c_s \cdot D^{x_s}$ , мм/айл. Бу ерда *c<sub>s</sub>*, *x<sub>s</sub>* — ишланадиган материалга ва ишлаш шароитига боянып бүлганса коэффициент; *c<sub>s</sub>* ва *x<sub>s</sub>* қийматлари маълумотномалардан олинади.



### 300-расм. Патронлар ва бошқа мосламалар

I — корпус; 2 — гильза; 3 — калит; 4 — кулачок; 5 — конуссимон тиши;  
6 — гайка; 7 — корпус; 8 — кесик гайка; 9 — қисувчи гайка; 10 — корпус;  
11 — втулка; 12 — шарча; 13 — ҳалқа; II — ўтиш втулкалари;  
III — қисқичда пармалаш; IV — тиски; V — кондукторда пармалаш

Зенкерлашда с қиймати пармалашга нисбатан 2—2,5 марта ортиқ олинади.

Пармалаш, зенкерлаш ва развёрткалашда кесиш тезлиги қуйидаги-ча аниқланади:

$$\vartheta = \frac{\pi D \cdot n}{1000}, \text{м/мин.}$$

бу ерда  $D$  — кесиш асбобининг диаметри, мм;  $n$  — кесиш асбобининг бир минутдаги айланиш сони. Кескичда рухсат этиладиган кесиш тезлиги қуйидаги эмперик формула бўйича аниқланади:

$$\text{Пармалашда } \vartheta = \frac{C_0 D^2}{T^{m-q} x^q y^q}, \text{ м/мин.}$$

Зенкерлашда ва развёрткалашда  $\vartheta = \frac{C_0 D^2}{T^{m-q} x^q s^q y^q}$ , м/мин; бу ерда

$C_0$  — материал ва кесиш шароитини характерловчи коэффициент;  $T$  — кескичнинг турғунлилиги, мин;  $m$  — нисбий турғунлик кўрсаткичи.  $C_0$ ,  $T$ ,  $m$ ,  $q$ ,  $x_0$ ,  $y_0$  қийматлар нормативи маълумотномадан олинади.

Пармалашда суриш кучи қуидаги формула бўйича маълумотномалардан аниқланади:

$$P_o = C_o \cdot D^{sp} \cdot s^{sp}, \text{Н (кг);}$$

бу ерда  $C_o$  — ишланадиган материалга ва пармалаш шароитига боғлиқ коэффициент.  $x_{po}, y_p$  қийматлари маълумотномалардан олинади.

Айлантирувчи момент эса қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$M_{ai} = C_m \cdot D^{sm} \cdot s^{sm}, \text{Н \cdot м;}$$

бу ерда  $C_m$  — ишланадиган материалга, пармалаш шароитига боғлиқ коэффициент.  $x_m, y_m$  қийматлари маълумотномадан олинади.

Пармалашга сарфланувчи самарали эффектив қувватни қуидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$N_3 = \frac{M_{kp}}{716,2 \cdot 1,36}, \text{кВт.}$$

Станок двигателининг қуввати  $N_d = \frac{N_3}{\eta}$  бўлади, бу ерда  $\eta$  — станокнинг ФИК.

Пармалаш, зенкерлаш ва развёрткалашда асосий технологик вақт қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$t_o = \frac{L}{n \cdot s} = \frac{l + l_1 + l_2}{n \cdot s};$$

бу ерда  $L$  — ишловни ҳисоблаш узунлиги, мм;  $l$  — ишланадиган тешик узунлиги, мм;  $l_1$  — кириш узунлиги, мм;  $l_2$  — чиқиш узунлиги, мм.


## 55-боб

### МАТЕРИАЛЛАРНИ ФРЕЗАЛАШ, ФРЕЗАЛАР, ФРЕЗАЛАШ СТАНОКЛАРИ ВА УЛАРДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР


#### 1-§. Умумий маълумот

Материалларни фреза деб аталувчи кўп тигли кескичлар билан кесиб ишлашга фрезалаш дейилади. Бунда горизонтал, вертикал, қия текисликлар, шаклдор юзалар, резьбалар ишлаш каби хилма-хил ишлар тегишли фреза билан станокларда бажарилади. Бунда фреза маълум тезлиқда асосий ҳаракат қилса, станок столига ўрнатилган заготовка суриш ҳаракати қиласи. Бунда фрезанинг ҳар бир тиши заготовкадан қиринди кесади.

Фрезалашнинг икки усули бўлиб, улардан бири йўлакай, иккинчиси эса қарши фрезалашдир (301-расм).



301-расм. Фрезалаш усуллари:  
а — йўлакай; б — қарши фрезалаш



302-расм. Фрезаларнинг асосий турлари:

**а — цилиндрик фреза;** **б — тореи фреза;** **в — бурчакли тореи фреза;**  
**г — пазлар 1 учун диск фреза;** **д — «зиг-заг» диск фреза;** **е — йигма диск фреза (қистирма 2 ни алмаштириш йўли билан зарур кенгликдаги паз фрезаланиши мумкин);** **ж — шлиц кесиш фрезаси;** **з — цилиндрик фреза;**  
**и — Т-симон паз;** **у — ўйиш фрезаси;** **к — призматик шпонка пазларини ўйиш фрезаси;** **л — сегмент шпонка пазлари;** **5 — ўйиш фрезаси;**  
**м — храповик тишлари;** **б — ўйиш фрезаси;** **н — ариқлар;** **7, 8 — ўйиш учун ишлатиладиган икки бурчакли фреза;** **о — тишли фидиракларнинг заготовкаларига тиши ўйиш учун ишлатиладиган моделли фреза**

Йўлакай фрезалашда фрезанинг айланиш йўналишига заготовка-нинг суриш йўналиши тушади.

Қарши фрезалашда эса фрезанинг айланиш йўналишига заготовка-нинг сурилиш йўналиши қарши келади.


Йўлакай фрезалашда фреза заготовкадан максимал қалинликдан энг кичик қалинликкача қиринди йўниб боради. Бунда фрезанинг тишларига тушувчи нагрузка энг катта даражадан энг кичик даражагача камая боради, заготовкага таъсир этувчи куч уни станок столига сиқиб, бикирлигини оширади ва заготовкага ишлов бера бошлаш даврида фреза тишларининг сирпанмай ишлаши камайиб, сифат кўрсаткичини оширади. Шу сабабли бу усул нафис ишлов беришда қўлланади.

Қарши фрезалашда фреза заготовкадан минимал қалинликдан максимал қалинликдаги қириндиди йўниб боради. Бунда фрезанинг тишларига тушувчи нагрузка энг кичик даражадан энг катта даражагача орта боради. Заготовкага таъсир этувчи куч уни станок столидан ажратишига интилади, натижада у тебраниб, сирт ғадир-будурлиги ортади. Шу сабабли бу усулни хомаки ишлов беришда қўллаган маъкул.


Ишланадиган заготовка ташқи юзасида қаттиқ қобиқ, куйинди бўлса, қарши фрезалаш усулидан бошқа ҳолларда йўлакай фрезалаш усулини қўллаш тавсия этилади.

**Фрезаларнинг асосий турлари.** Фрезаларни ишлатиш жойига кўра, уларнинг турлари (конструкцияси, тишларининг шакли, геометрияси), ўрнатиш характеристи ҳар хил бўлади. Масалан, конструкциясига кўра, фрезалар яхлит, йифма, кавшарланган ва ўрнатма тишли; ўрнатилишига кўра эса ўрнатма, қўйруқли ва торецили турларга бўлинади.


Ўрнатма фрезалар шпиндель оправкасига маҳкамланса, қўйруқли фрезалар шпинделга бевосита маҳкамланади. Торецили фрезалар шпиндель торецига болтлар билан маҳкамланади. 302-расмда фрезаларнинг асосий турлари ва улар билан бажариладиган ишлар, 303-расмда фрезалашда фойдаланиладиган баъзи мосламалар келтирилган.



*a*




*b*



*c*

**303-расм. Фрезалаш ишларини бажаришда фойдаланиладиган асосий мосламалар:**

- a* — фрезаланадиган деталларни маҳкамлашда ишлатиладиган қамрагич ва остқўймалар;
- b* — заготовкан станок столига ўрнатишда пони ишлатиш;
- c* — заготовкан столга призмалар ёрдамида маҳкамлаш



**304-расм. 6Н82 моделли универсал фрезалаш станоги:**

- 1 — станица; 2 — плита; 3 — шпиндель; 4 — электр двигатель; 5 — консоль;
- 6 — хартум; 7 — күндаланг салазка; 8 — буриш плитаси; 9 — стол;
- 10 — электр двигатель; 11 — оправка; 12 — осма таянчлар

## **2-§. Фрезалаш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар**

Фрезалаш станокларининг конструкциясига кўра консолли, бўйлама, карусель ва маҳсус хилларга, шпинделнинг ҳолатига кўра горизонтал, вертикал, шунингдек, оддий ва универсал хилларга ажратилади.

Универсал фрезалаш станоги горизонтал фрезалаш станогидан шу билан фарқланадики, кўндаланг салазка ва станок столининг орасида бурила оладиган қисми бўлиб, у столнинг горизонтал текисликлда  $\pm 45^\circ$  га бурилишини таъминлайди. Натижада бу станокда винтли тишли фидиракларни кесиш мумкин бўлади.

Консолли фрезалаш станокларида калта бўйли ва оғир бўлмаган заготовкалар ишланади. Бу станокларда шпиндел торецидан столгача бўлган оралиқ 500 мм гача бўлади. 304-расмда 6Н82 моделли консолли горизонтал фрезалаш станоги тасвирланган, расмдан кўринадики, унинг станицаси 1 пойdevор плита 2 га ўрнатилган. Станинада электр двигатель 4 дан станок шпиндели 3 га айланма ҳаракатни узатувчи асосий ҳаракат юритмаси жойлашган. Станинанинг вертикал йўналтирувчилари бўйлаб консоль 5, горизонтал йўналтирувчилари бўйлаб хартум 6 суриласди. Консолнинг йўналтирувчиларига кўндаланг салазка 7 ўрнатилган бўлиб, унда буриш плитаси 8 ўрнатилган.

Станокнинг иш столи 9 плитанинг йўналтирувчиларига ўрнатилиб, унда бўйлама йўналишда сурила олади. Консоль ичida столни суриш юритмаси жойлашган. Суриш юритмасининг механизмлари мустақил электр двигатель 10 дан ҳаракатланади.

**Оправка 11 ли фреза шпиндель 3 нинг уясиға ўрнатилиб, қимирламайдиган қилиб маҳкамланади.** Қисқа оправкалар, қўшимча таянчсиз узун оправкалар осма 12 тарзидаги қўшимча таянчларга ўрнатилади. Оправка узунлигига кўра таянчлар хартум бўйлаб сурниши мумкин.

**Вертикал фрезалаш станоги.** Бу станоклар ўртача ўлчамдаги хилмажил заготовкаларни доналаб ва сериялаб ишлашда фойдаланилади. 305-расмда 6Н12ПБ моделли


вертикал-фрезалаш станогининг умумий кўриниши тасвирланган. Бу станоклардан ташқари бўйлама фрезалаш станоклари ҳам бўлиб, булардан катта ўлчамли ёки ўрта ўлчамли заготовкалар ишланади. 306-расмда бўйлама фрезалаш станогининг умумий кўриниши тасвирланган.

Бўйлама фрезалаш станоклари катта ўлчамли заготовкаларни ёки ўртача ўлчамли бир неча заготовкаларни бир йўла фрезалашга мўлжалланган.


Бу станокларнинг столи қўзғалмас станинага ўрнатилган бўлиб, столни фақат бўйлама йўналишда суриш мумкин. Уларда заготовка икки ва ҳатто уч томонлами фрезаланиши мумкин. Бундай станокларнинг баъзи турлари бурилувчи каллаклар билан таъминланади. Бу эса станокларда қия юзаларни фрезалашга имкон буради.

Шуни ҳам айтиш жоизки, шпиндель бабкалари стойкаларга кўндаланг ўрнатилган бўлиб, улар тезлик қутилари орқали ҳаракат олади.

**Фрезалаш станок мосламалари.** Бу станокларда заготовкаларнинг столига тисклар (рас-



305-расм. 6Н12ПБ моделли вертикал фрезалаш станоги



306-расм. Бўйлама-фрезалаш станоги

таки, пневматик, гидравлик), бўлиш каллаклари, призмалар ва бошқа маҳсус мосламалар ўрнатилади.


Фрезалаш станокларида бажариладиган ишлар юқорида айтилганидек хилма-хил бўлиши мумкин. 69-жадвалда горизонтал ва вертикал фрезалаш станокларида бажариладиган ишлар келтирилган.

69-жадвал

Ишлар тuri	Кесини лебоблари ва бажариш усули	
	Горизонтал фрезалаш станокларида	Вертикал-фрезалаш станокларида
Горизонтал юзани фрезалаш	Опранкага ўрнатилган цилиндрик фреза билан (302-расм, а)	Торец фреза ва фрезалаш каллаги билан (302-расм, б)
Вертикал юзани фрезалаш	Уч оправкага ўрнатилган торец фреза ёки марказий опрайкага ўрнатилган икки ёки уч томонли диск фреза билан (302-расм, б)	Уч ва торец фреза билан (302-расм, г, д)
Қия юзани фрезалаш	Опранкага ўрнатилган бир бурчакли фрезалар билан (302-расм, и)	Шпиндель каллагини буриб торец фреза ва уч фреза билан (302-расм, е)
Паз ва ариқча фрезалаш	Тұғри тұртбурчакли пазлар — уч ёки диск фрезалар билан (302-расм, ж). Қия юзали пазлар — бурчакли фрезалар билан (302-расм, с, к)	Тұғри тұртбурчакли пазлар уч фрезалар билан (302-расм, з)
Шаклдор юзаларни фрезалаш	Шаклдор фрезалар ёки цилиндрик фрезаларни оправкага йиғиши (302-расм, м)	Әгри юзалар — бармоқ фрезалар билан. Бунда заготовка бурилуычи столга ўрнатилади. Куплаб ишлеше да копир бүйича иш бажарилади
Цилиндрик тишли гидридан ишлаш	Тишли гидриакнинг ёлғиси тишлилари модулли диск фрезалаш билан копирлаш усулида ишланади (302-расм, н). Тишли гидриаклар партиялаб ишланганда тиши кирикучи маҳсус станоклар қулланилади	Ёлғиси тишли гидриаклар модули бармоқ фрезаларда копирлаш усулида айрим-айрим тишлилар ишланади (302-расм, о)

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, мураккаб бўлмаган ишларни бажаришда заготовка тискга ўрнатилиб, тегишли фреза билан ишланса, кўп қиррали деталларнинг ҳар бир қирраларини, ариқчаларни, тишли гидриак тишлиларини ишлашда бўлиш каллакларидан фойдаланилади. 307-расм, а да универсал бўлиш каллаги (УБК) нинг умумий кўриниши, 307-расм, б да кинематик схемаси келтирилган. УБК I ва бабка 2 фрезалаш станоги столига ўрнатилган. Бу мослама ёрдамида тегишли фрезалар билан кўп қиррали текисликлар, тишли гидриак тишлилари ишлатилади.

Бўлиш каллагига бир неча диск қўшиб берилади. Унинг ҳар икки томонида концентрик айланаларда тешиклар бўлади. Масалан, УДГ 135 ва УДГ 160 каллаклари дискларининг бир томонида 24, 25, 28, 30, 34,



307-расм. Бўлиш каллаги ва унинг кинематик схемаси:

*a* — бўлиш каллаги: 1 — каллак; 2 — орқа бабка; 3 — горизонтал фрезалаш станогининг столи; *b* — кинематик схемаси: 1 — шпиндель; 2 — штифт; *c* — циркуль; 1, 2 — осқулар

37, 39, 41, 42, 43 тадан, иккинчи томонида 46, 47, 49, 51, 53, 54, 57, 58, 59, 62, 66 тадан тешик бор.

Бўлиш каллагини оддий бўлишга ростлаш. Бу усул бевосита булиш мумкин бўлмаган ҳолларда фойдаланилади. Бу ишловда заготовкани тегишли бурчакка буриш учун штиф 2 тешигидан чиқариб ҳисоблаб топилган сонда дастани айлантириллади-да, кейин тегишли лимб тешигига киритилади. Кинематик схемасидан кўринадиди, дастани айлантиришда шестернялар билан бир киримлни червяк фидираги тишлashingdi. Червяк фидираги ҳаракатни шпинделга узатади. Заготовкани бир тула айлантириш учун дастани неча марта айлантириш зарурлигини куйидаги тенгламадан топамиз.

$$n_d = \frac{z_1}{z_2} \cdot \frac{z_3}{z_4}$$

Одатда червяк киримлар сони  $z_3=1$ , червяк фидирак тишлар сони  $z_4=40$  бўлади. Унда  $n_d = 1 \cdot \frac{1}{40}$  бўлади. 40 ни тақсимлаш каллагининг характеристикаси ( $N$ ) дейилади. Агар заготовкада з қиррали юза иш-

ланадиган бўлса, дастани неча марта айлантириш зарурлиги ( $n_a$ ) қуийдагича ёзилиши мумкин:

$$n_a = \frac{N}{z} = \frac{40}{z};$$

Агар  $n_a$  бутун сон билан ифодаланса, у ҳолда заготовкани  $\frac{1}{40}$  қийматга буриш учун даста лимбнинг исталган қатори бўйлаб бутун сон марта айлантирилади, бунда қулфлаш штифти бўлиш бошланганда қайси тешикдан чиқарилган бўлса, ўша тешикка туширилади.

Агар  $n_a$  каср сон бўлса, лимбнинг қаторларидан бирида шундай сондаги тешиклар олиш керакки, у сон касрнинг маҳраж сонига қолдиқсиз бўлинисин.

**1-мисол.** Бўлиш каллаги тишлари сони 20 та бўлган шестерня тишлари орасидаги ботиқларни фрезалаш учун ростлансан.

**Ечиш.**  $n_a = \frac{40}{20} = 2$ ; дастани ўз ўқи атрофида тўла 2 марта айлантирилади.

**2-мисол.** Бўлиш каллаги тишлари сони 35 та бўлган шестерня тишлари орасидаги ботиқликларни фрезалаш учун ростлансан.

**Ечиш.**

$$n_a = \frac{40}{35} = \frac{8}{7} \cdot \frac{4}{4} = \frac{32}{28} = 1 \frac{4}{28}.$$

Бу ҳолда дастанинг қулфлаш штифти лимбнинг тешиклари сони 28 та бўлган қаторга кўйилади ҳамда бу қатор бўйлаб даста бир марта тўла айлантирилади ва яна 4 қадам санаб кўйилади. Ҳар қайси навбатдаги тишни фрезалашда заготовка айланасини бўлишни осонлаштириш учун циркуль 1 дан фойдаланилади (307-расм, ♂).

Циркуль иккита 1 ва 2 оёқчалардан иборат бўлиб, улар бўлишлар сонига қараб ростланади. Оёқчалар орасидаги тешиклар сони қадамлар сонидан битта тенгик ортиқ бўлиши керак; бизнинг мисолда  $4+1=5$ .

Фрезаланадиган заготовкани бўлиш сони билан эмас, балки  $\beta$  бурчак билан берилган бўлса, заготовка бўлинадиган қисмлар сони қуидагича топилади:

$$\beta = \frac{360^\circ}{z}$$

бу ерда  $\beta$  — заготовканинг қисмлари сонини градус ҳисобида белгиловчи бурчак.

У ҳолда:

$$n_a = \frac{40}{z} = \frac{40\beta}{360^\circ} = \frac{\beta}{9}.$$

**Бўлиш каллагини дифференциал бўлишга ростлаш.** Бу усулдан штифтдаги мавжуд тешиклар заготовка айланасини оддий усул билан бўлишга имкон бермайдиган, масалан,  $z = 67, 73, 99$  ва ҳоказо бўлган ҳолларда қўлланилади. Дифференциал бўлишга созлаша бўлиш каллагининг шпинделни гитарага ўрнатилган алмаштирилувчи  $\frac{a}{b} \cdot \frac{c}{d}$  шестернялар во-ситасида  $z_5$  шестерня вали билан уланади. Шундай қилиб, даста узели  $\frac{z_1}{z_2} \cdot \frac{z_3}{z_4}$  лимб узели  $\frac{z_5}{z_6} \cdot \frac{z_7}{z_8}$  билан боғланади (308-расм). Дифференциал бўлишнинг моҳияти шундан иборатки, даста лимбга нисбатан айлантирилганда заготовкани шпинделгина эмас, балки алмаштирилувчи шестернялар ёрдамида лимб ҳам ҳаракатга келтирилади. Лимб эса дастанинг кўшимча равишда бурилишига имкон беради. Дифференциал бўлишда шпиндель айлананинг муайян қисмига айланishiiga даста билан лимбнинг бурилишлари натижасида эришилади.

Бўлиш каллаги дифференциал бўлишга қўйидагича созланади: тишлари сони  $z$  бўлган шестерняни фрезалаш керак деб фараз қилайлик. Бунинг учун бўлиш каллагининг шпинделини  $\frac{1}{z}$  марта айлантириш керак:  $n_d = \frac{40}{z}$ . Бу формуладан фойдаланиб, бўлиш каллагини оддий бўлишга созлаш мумкин.


Аммо берилган  $z$  тишлар учун тегишли сондаги тешиклар бор лимб танлаб олиш мумкин бўлмаса, бу ҳолда дифференциал бўлиш усулидан фойдаланилади. Бунда берилган  $z$  тишлар тақрибий  $z_{\text{так}}$  тишларга алмаштирилади. Бунда  $z = z_{\text{так}}$  бўлади. Унда  $n_d = \frac{40}{z_{\text{так}}}$  деб белгилаймиз. Бунда энди дифференциал бўлиш вақтида оддий бўлиш усулидан фойдаланса бўлади.

Аммо бундай созлаша дастанинг юқорида кўрсатилган ифодадан хисоблаб топилган айланышларининг ўзи кифоя қилмайди ва лимбни кўшимча буриш ҳам талаб этилади. Лимбнинг бу кўшимча бурилиши  $z$  ни  $z_{\text{так}}$  га алмаштириш оқибатида йўл қўйилган хатони тузатишига имкон бериши керак.

Маълумки, дастанинг кўшимча айлантирилиш қиймати лимбнинг бурилиш қиймати  $n_d$  га teng бўлади:

$$n_d = \frac{40}{z} - \frac{40}{z_{\text{так}}}.$$

Лимбнинг бурилиш бурчаги қиймати эса шпинделнинг бурилиш қиймати ва шпинделдан лимбга ҳаракат узатувчи алмаш-



308-расм. Дифференциал бўлиш каллагининг схемаси

тириладиган шестерніларнинг узатиш нисбати  $i_{\text{алм}}$  билан аниқланади. Бұлиш вақтида шпиндель ұмма вақт бир тұла айланышнинг  $\frac{1}{z}$  қисміга бурилади ва демек, лимб қуйидаги оралиққа сурналади:

$$n_d = \frac{1}{z} \cdot \frac{a}{b} \cdot \frac{c}{d} \cdot \frac{z_5}{z_6} \cdot \frac{z_7}{z_8} = \frac{1}{x} \cdot i_{\text{алм}},$$

чүнкі, одатда  $\frac{z_5}{z_6} \cdot \frac{z_7}{z_8} = 1$  бўлади.

Бинобарин, юқоридаги теңгламама  $n_d$  ўрнига  $\frac{40}{z} - \frac{40}{z_{\text{так}}}$  қийматини күйінб,  $i_{\text{алм}}$  ни топсак, унда у  $i_{\text{алм}} = 40 \cdot \left(1 - \frac{z}{z_{\text{так}}}\right)$ ;  $i_{\text{алм}} = \frac{40}{z_{\text{так}}} (z_{\text{так}} - z)$  га теңг бўлади. Агар  $z_{\text{так}}$  нинг қиймати  $z$  нинг қийматидан кичик бўлса, пагижа манфий ишора; агар катта бўлса, мусбат ишора билан чиқади, Агар ишора манфий бўлса, бўлиш лимби даста айланадиган томоннинг тескарисига, агар мусбат бўлса, бўлиш лимби даста айланадиган томонга айлантирилиши керак. Бунинг учун шпинделни шестерня  $z_5$  шынг вали билан бирлаштирилувчи алмаштириладиган шестернілар оралиғига оралиқ шестерня ўрнатилади.

**Мисол:** Тишлирининг сони 67 та бўлган шестерняни фрезалаш керак дейлик.


Юқоридаги келтирилган формуладаи фойдаланиб, алмаштириладиган шестерніларнинг узатиш нисбати  $i_{\text{алм}}$  ҳисоблаб топилади ва дасттанинг қанчага бурилиш кераклиги  $n_d$  аниқланади. Агар  $z_{\text{так}} = 70$  та деб олинса, унда

$$n_d = \frac{40}{z_{\text{так}}} = \frac{40}{70} = \frac{4}{7} = \frac{16}{28},$$

$$i_{\text{алм}} = \frac{40}{z_{\text{так}}} (z_{\text{так}} - z) = \frac{40}{70} (70 - 67) = \frac{4 \cdot 3}{7} = \frac{12}{7} = + \frac{60}{35}.$$

Бинобарин, тишлилар сони  $z = 67$  бўлган шестерняни фрезалаш учун дасттанинг қулфлаш штифтини лимбдаги 28 та тешекли қатор рўпарасига келтириб кўйиш ва ана шу қатордан 16 та қадам санаб олиш керак. Лимбни кўшимча буриш учун алмаштириладиган  $\frac{60}{35}$  шестернілардан фойдаланилади.  $a = 60$  шестерня шпиндель валига,  $b = 35$  шестерня эса  $z_5$  шестерня валига ўрнатилиб, алмаштириладиган шестернілар оралиқ шестернілар ёрдамида ўзаро бирлаштирилади. Бу ҳолда даста билан лимб бир томонга айланади.

**Винтсимон ариқчалар фрезалаш.** Заготовкада винтсимон ариқчаларни модули фрезалар билан универсал фрезалаш станокларида бўлган каллагидан фойдаланиб ишланади. Заготовкада винтсимон ариқча ҳосил қилиш учун заготовкага бир вақтнинг ўзида икки хил ҳаракат — ай-



309-расм. Винт қирқиши каллагининг схемаси

ланма ва бўйлама суриш ҳаракати берилади. 309-расмдаги схемадан кўриниб турибдики, бўйлама суриш винти алмаштириладиган  $\frac{a_1}{h} \cdot \frac{c_1}{d_1}$  шестернялар ёрдамида бўлиш каллагининг шпиндели билан уланади. Бунда даста штифти лимбнинг бирор тешигига кирган бўлади. Бунда столк столи юргизиш винти ва тақсимлаш каллаги шпиндели билан заготовканинг сурилиб айланиш кинематик занжири уланади. Фрезалаш станогини ва бўлиш каллагини винтсизон ариқчаларни фрезалашга ростлаш учун:

1) алмаштириладиган шестернялар ҳисоблаш йўли билан танланади;

2) станок столини қанча бурчакка буриш зарурлиги аниқланади;

3) заготовкани бўлишда дастани лимб бўйича бир неча марта айлантириш кераклиги аниқланади.

Алмаштириладиган шестерняларнинг узатиш нисбати  $i_{\text{лм}}$  шу йўсинда ҳисобланадики, бунда стол винт қадами ( $t_x$ ) заготовка винт қадами ( $s_u$ ) га тенг масофани ўтишида заготовка бўлиш каллагининг шпиндели билан бирга бир марта тўла айланадиган бўлсин:

$$s_u = I_{\text{алл.шп}} \cdot \frac{z_4}{z_3} \cdot \frac{z_2}{z_1} \cdot \frac{z_8}{z_7} \cdot \frac{z_6}{z_5} \cdot \frac{d_1}{c_1} \cdot \frac{b_1}{a_1} \cdot t_x; \text{ ёки } s_u = \frac{40}{1} \cdot 1 \cdot 1 \cdot 1 \cdot \frac{1}{I_{\text{лм}}} \cdot t_x.$$

Бинобарин, гитарани созлаш тенгламаси  $i_{\text{лм}} = \frac{40}{s_u} \cdot t_x$ ; кўринишда ёзилади: бу ерда  $s_u$  — заготовка винт чизигининг қадами, мм;  $I$  — столни бўйлама суриш винтининг қадами, мм.

Фрезалашда станок столини фрезанинг ўқи, фрезаланадиган заготовканинг ўқи билан винт чизигининг кўтарилиш бурчаги  $\mu$  га тенг бурчак ҳосил қиласидиган тарзда буриш керак. Кўтарилиш бурчаги  $\mu$  га

тeng бўлган винтсимон ариқча фрезалашда станокнинг столини ноль вазиятдан винт чизиқнинг қиялик бурчаги  $\beta$  га буриш зарур.

Винт чизиқнинг қиялик бурчагини қўйидаги ифодадан топса бўлади:

$$\operatorname{tg}\beta = \frac{\pi D}{s_h},$$

бу ерда  $D$  — фрезаланадиган заготовканинг диаметри, мм;  $s_h$  — заготовка винт қадами, мм.

Агар бу иш модулли бармоқ фреза ёки буриладиган фреза каллаги билан бажарилса, бу каллакдан фойдаланиб, модулли диск фрезани  $\beta$  бурчакка буриш мумкин. Бундай ҳолларда фрезалаш станогининг столи бурилмайди. Винтсимон шестерняларни фрезалашда заготовкани зарур бурчакка буришда оддий бўлиш усулидан фойдаланилади.

Мисол. 6Н82 моделли станокда спираль тишли цилиндрик шестерня фрезалансин; шестернянинг кесиладиган тишлари сони  $z = 28$ , заготовканинг диаметри  $D = 70$  мм, винт чизиқнинг қадами  $s_h = 500$  мм, станок суриш винтининг қадами  $t_x = 6$  мм.

Ечиш. Заготовкани битта тишга буриш учун дастани айлантириш сонини топамиз.

$$n_1 = \frac{40}{z} = \frac{40}{28} = i \cdot \frac{12}{28}.$$

Гитарага ўрнатиладиган алмаштирилладиган шестерняларнинг узатиш нисбати

$$i_{\text{зил}} = \frac{40}{s_h} \cdot t_x = \frac{40 \cdot 6}{500} = \frac{24}{5 \cdot 5} = \frac{30}{75} \cdot \frac{60}{50}.$$

Столнинг бурилиши бурчаги:

$$\operatorname{tg}\beta = \frac{\pi D}{s_h} = \frac{3,14 \cdot 70}{500} = 0,439 \quad \text{ёки} \quad \beta = 23^{\circ}43'.$$

**Конуссимон шестерняларни фрезалаш.** Конуссимон шестерня заготовкаси оправка билан бирга бўлиш каллагининг шпинделига ўрнатилади. Шундан кейин бўлиш каллагининг шпиндели вертикал текисликда айлантирилиб, қўшни икки тиш орасидаги ботиқлик туби  $h_k$  станок столи текислигига параллел бўлган горизонтал вазиятга келтирилади. Кейин 310-расмда кўрсатилган тарзда қиринди йўнилади.

Фрезалаш режимиини белгилаш. Заготовкаларни фрезалашда кесиш тезлиги ( $v$ ), суриш тезлиги ( $s$ ), кесиш қалинлиги ( $t$ ) ва эни ( $B$ ) ҳисобга олинади. Кесиш тезлиги қўйидагича аниқланади:

$$\vartheta = \frac{\pi D \cdot n}{1000}, \text{ м/мин},$$

бу ерда  $D$  — фреза диаметри, мм;  $n$  — фрезанинг бир минутдаги айланышлари сони.

Суриш тезлиги ( $s$ ) деб фреза тұла бир айланғанида заготовканинг унга нисбатан сурилиши ( $s_o$ ) га айтилади. Агар бу суришнинг бир минутдаги ( $s_m$ ) қиймати аниқланадыган бўлса, уни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$s_m = s_o \cdot n, \text{ мм/мин.}$$

Маълумки, цилиндрик фреза билан фрезалаш жараёнида фрезанинг ҳар бир тишига  $R_1$ ,  $R_2$ ,  $R_3$  кучлар таъсир этади. Уларни  $P_{z_1}$ ,  $P_{z_2}$ ,  $P_{z_3}$  ва  $P_z$ ,  $P_{y_1}$ ,  $P_{y_2}$ ,  $P_{y_3}$  кучларга ажратиш мумкин.

Бу кучларнинг тенг таъсир этувчилиарини аниқласак, улар  $P_z$  ва  $P_y$  кучларга тенг бўлади.

Доиравий, яъни уринма  $P_z$  куч қийматини қуйидаги эмперик формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$P_z = C_p \cdot t_{sl} \cdot s_z^{qp} \cdot B \cdot Z \cdot D^{qp}, \text{ Н(кг),}$$


бу ерда  $C_p$  — ишланувчи материал ва ишлаш шароитига боғлиқ бўлган коэффициент;  $t$  — қириндини кесиш чукурлиги, мм;  $s_z$  — ҳар бир фреза тишига берилувчи сурилиш, мм/айл;  $B$  — фрезанинг эни, мм;  $Z$  — фреза тишлигининг сони;  $D$  — фрезанинг диаметри, мм.

$x_p$ ,  $y_p$ ,  $q_p$ , қийматлари маълумотномадан аниқ ҳол учун олинади.

Фрезалашда самарали қувват қуйидагича топилади:

$$N = \frac{P_z \cdot \vartheta}{60 \cdot 1000}, \text{ кВт.}$$

Фрезалашда кесиш режими элементларини белгилаш. Иш унумдорлиги ва сифати ишланувчи материал ва иш характеристига кўра кесиш режими қанчалик оқилона белгиланғанингига боғлиқ. Одатда, кесиш чукурлигини белгилашда қўйим қийматига, куттилган аниқлик, сиртгадир-будирлигига ва станок қувватига қаралади. Масалан, заготовкаларга хомаки ишлов беришда (станок қуввати етса) қўйимни энг катта суриш тезлигига бир ўтишда ёки икки ўтишда фрезалаш маъкул. Нафис ишлов беришда ишланувчи ва фреза материалига кўра ишлов бериш режимлари справочниклардан белгиланади. Маълумки, фрезанинг чидамлилиги унинг материали ва диаметрига, кесиш режимига боғлиқ. Шу сабабли фрезалаш учун кесиш тезлиги қуйидаги формуладан аниқланади:



310-расм. Горизонтал-фрезалаш станогида конуссимон шестерняни фрезалаш

$$\vartheta = \frac{C_{\vartheta} D^4 \vartheta}{T^{m_{\vartheta}} \cdot l_{\vartheta} s_z B^{z_{\vartheta}} \cdot z^{n_{\vartheta}}} K, \text{м/мин},$$

бу ерда  $C_{\vartheta}$  — ишлов шароитини характерловчи коэффициент;  $T$  — турғунлик күрсаткичи;  $\vartheta$  — кесиш чуқураги, мм;  $s_z$  — суриш тезлиги;  $m$  — нисбий турғунлик күрсаткичи;  $z$  — фреза тишиларининг сони;  $B$  — фрезалаш эни, мм;  $K$  — ишлов шароитининг ўзгаришини тузатиш коэффициенти;  $C_{\vartheta}, K$  ва даража күрсаткичлари аниқ ҳол учун маълумотномадан олинади.

Фрезалашда асосий (технологик) вақт қўйидагича аниқланади:

$$t_a = \frac{z}{s_m} \cdot i, \text{мин},$$


бу ерда  $z$  — фрезалаш узунлиги, мм;  $s_m$  — суриш тезлиги, мм/мин;  $i$  — фрезанинг ўтиш сони.

#### Тишли филдиракларни тиш қирқувчи станокларда тайёрлаш

Маълумки, машинасозлик корхоналарида ҳар куни конструкцион материалдан минг-минглаб хилма-хил сифатли тишли филдираклар ишлаб чиқарилади ва уларни тайёрлашда кенг қўлланиладиган усулларга нусха кўчириш (копирлаш) ва обкаткалаш усуллари киради.

**1. Копирлаш усули.** Бу усулда заготовкадан тишли филдирак тайёрлаша кескични кесувчи қирралар шакли икки тиш оралиғида олинувчи ботиқлик шаклига мос бўлган модулли фрезалар билан горизонтал ёки универсал фрезалаш станогида бўлиш каллаги ёрдамида кесиб ишланади (311-расм).

Бунда тишлар оралиғидаги олинувчи ботиқлик профили унга мос кесувчи қиррали фреза билан металл кесилиб, биринчи ботиқлик ишлангандан кейин бўлиш каллаги узатмалари ёрдамида дастакни айлан-



311-расм. Копирлаш усулида тишли филдираклар тишиларини фрезалаш схемаси:

1 — фрезалаш; 2 — кесиб ишлаш жараёни

тирилиб, заготовкани битта тишга бураб, фреза билан иккинчи тиш ботиқлик металл кесилади. Шу йўсинда тишлиарнинг ҳамма ботиқлиги бирин-кетин ишланади.


Шуни қайд этиш лозимки, бу усул маҳсус станоклар талаб этмайди, аммо иш унумли, тиши профил аниқлиги ва сирт юза текислиги пастроқ бўлади. Шу сабабли бу усулдан таъмиглаш ишларида, бир нечагина ёки майда сериялаб тишли фидираклар тайёрлаш корхоналарида, шунингдек, йирик модулли ёки катта диаметрли тишли фидираклар тайёрлашда фойдаланилади.

**2. Обкаткалаш усули.** Бу усулда заготовкадан тишли фидирак тайёрлашда ишлатиладиган кескич червякли фреза бўлиб, унинг винтсизмон ўрам профили тишли рейка кўринишида бўлади. Фрезанинг кесувчи қирралари ўрамлар йўналишига перпендикуляр бўлган бўйлама ариқчалар билан кесишувидан ҳосил бўлади (312-расм).

Червяк фрезалар бир киirimли ва икки киirimли бўлади, икки киirimлиларнинг иш унуми бир киirimлиларига қараганда анча юқори, аммо киirimлар сони ортган сари ишлов аниқлиги, сирт текислиги пасаяди. Шу сабабли икки киirimли червяк фрезалардан хомаки ишловларда фойдаланилади.

Заготовкани червяк фреза билан кесиб ишлаш жараёнига назар ташласак, фреза ва заготовка гўё ўзаро тишлишгандек ҳаракатланади. Улар контактда, масалан, червякли жуфт, цилиндрик шестернялар сингари тишлишувини эслатади. Шуни қайд этиш жоизки, бу усулда маҳсус тиши қирқиши станоклар талаб этилади.

Маълумки, тишли фидираклар тишлилар сони муайян интервалли гуруҳларга бўлинади ва ҳар қайси гуруҳ битта фреза билан ишланади. Шунингдек, ҳар бир модулнинг модулли фрезалари 8 ва 15 фрезадан иборат комплектлари бўлади. Тишли фидираклар тишлилари сонига қараб (70-жадвалда) тегишли фреза олинади.



**312-расм. Обкаткалаш усулида червяк фреза билан тишли фидирак тишлиарини фрезалаш схемаси:**

1 — червяк фреза; 2 — кесиб ишланаетган заготовка

### Фрезалар комплекти

Модулли фрезанинг номери	1	2	3	4	5	6	7	8								
Кир- кили- диган ғил- дирак- даги тиши- лар сони	8 фреза- дан иборат комп- лекс	12-13	—	14-16	—	17-20	—	21-25	—	26-34	—	35-54	—	55-134	135 ва тишли рейка	
	15 фре- здан иборат комп- лекс	12	13	14	15-16	17-18	19-20	21-22	23-25	26-29	30-34	35-41	42-54	55-79	80-134	135 ва тишли рейка

Шуни қайд этиш лозимки, 8 фрезадан иборат комплект модулидан  $m \leq 8$  мм бўлган тишли ғилдираклар тайёрлашда, 15 фреза комплектидан  $m \geq 8$  мм бўлган тишли ғилдираклар тайёрлашда фойдаланилади.

Обкаткалаш усули копирлаш усулига қараганда қуйидаги афзаликларга эга:

- 1) биргина модулли кескич билан турли сондаги тишли ғилдираклар ишлаш мумкин;
- 2) тишли ғилдираклар тишелар аниқлиги юқори бўлади;
- 3) ишлашда бир неча кесувчи қирраларнинг узлуксиз иштироки туфайли иш унумдорлиги юқори бўлади;
- 4) жараённи автоматлаштириш мумкин.

Шуни ҳам айтиш жоизки, тишли ғилдиракларни обкаткалааб тиш ўйиш станогида тайёрлашда ўйувчи кескич (долбяк) бўлади.

Бунда уларнинг ҳаракат тезлиги шундай ростланган бўлмоғи қеракки, бунда долбяк бир тишига бурилганда ишланилаётган заготовка ҳам бир тишига бурилиб, долбяк заготовкага ўқи бўйлаб тўғри чизиқли илгарилама-қайтма ҳаракатланмоғи лозим.


Конус тишли ғилдиракларга келсақ, улар тиши рандаловчи станокларда кесиб ишланади.

### 56-боб

## РАНДАЛАШ, ЎЙИШ, ПРОТЯЖКАЛАШ, ЖИЛВИРЛАШ СТАНОКЛАРИ ВА УЛАРДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР

### 1-§. Рандалаш ва ўйиш станоги

Рандалаш ва ўйиш станокларининг юқорида танишилган станоклардан фарқи шундаки, бу станокларда бош ҳаракат тўғри чизиқли




**313-расм. Кундаланг рандалаш станоги:**

*a — умумий күрниши: 1 — стол; 2 — суппорт; 3 — ползун; 4 — двигатель; 5 — станина; 6 — храповикли механизм; 7 — кундаланг йұналтиргич; б — кинематик схемаси: 1 — бармоқ; 2 — кулиса; 3 — тош; 4 — ползунча; 5 — винт; 6 — ползун; 7 — тишли фидираклар; 8 — винт; 9 — даста; 10 — бармоқ; 11 — шатун; 12 — ричаг; 13 — собачка*

илгарилама-қайтма ҳаракат бўлиб, бир йўналишда иш ҳаракати, иккинчи йўналишда салт юриш содир бўлади.

Бу станокларда салт юриш ҳаракати мавжудлиги, ҳаракат йўналишининг ўзгаришида инерция кучларининг зўрайиши оқибатида юқори тезликларда кесиши қийинлиги, иш унумининг пастлиги бу станокларнинг асосий камчилигидир. Аммо бу станокларда заготовкалар оддий

**314-расм. Станинанинг бўйлама-рандалаш станогида шаблон бўйича ишлаши**



ка бажаради. 313-расмда станокнинг умумий кўриниши ва кинематик схемаси келтирилган. Станина 5 нинг горизонтал йўналтирувчиларида ползун 3 илгариланма-қайтма ҳаракат қиласи. Ползуннинг энг катта йўли 400–700 мм оралигига бўлади. Ползуннинг олд каллагида буриш плитаси, салазкалар ва кескич тутқичли қайтарма плитадан иборат суппорт 2 маҳкамланган. Станинанинг вертикал йўналтирувчилиги бўйлаб кўндаланг йўналтиргич 7 ўрнатилган. Зарур бўлса, стол 1 ни ана шу йўналтиргичда дастани айлантириб ёки храповикли механизм бўрдамида юргизиб, горизонтал йўналишда сурилади.

**Бўйлама рандалаш станоги.** Бу станокларда деярли Йирик ва узун заготовкалар рандаланади. Асосий ҳаракатни заготовка, сурish ҳаракатини кескич бажаради. 314-расмда станина олд торецига ўрнатилган шаблон бўйича заготовкани ишлаш кўрсатилган.

Рандалаш кескичлари, одатда, эгик қилиб ясалади, чунки улар иш жараёнида тасодифан деформацияланганда ҳам уларнинг тифи берилган ўлчам чизигидан паст бўлмайди.


**Ўйиш станоги.** Кескичининг вертикал равишда илгарилама-қайтма ҳаракати билан рандалаш жараёни ўйиш деб аталади (315-расм чапдаги). Бу станоклар ишлаш станогининг бир туридир.

Ўйиш станокларидан индивидуал ишлаб чиқаришда, таъмирлаш устахоналарида ва тажриба цехларида втулкаларга, шкив гупчакларида ишлов беришда, шпонка ариқчалари очишда, теншикларда шлицалар ҳосил қилишда ва шу каби ҳолларда фойдаланилади.

Рандалаш станокларида ишлашда асосий (технологик) вақт қуидагича аниқланади:

$$t_a = \frac{B}{S \cdot n} \cdot i, \text{ мин},$$

бу ерда  $B$  — рандалаш эни,  $S$  — иш ва салт юришдаги сурish тезлиги,  $\text{мм/айл}$ ;  $n$  — бир минутда юриши сони,  $i$  — ўйиш сони.



**315-расм. Ўйин станогининг умумий кўринниши:**

1 — станина; 2 — колонна; 3 — электр двигатель; 4 — суриш механизми-нинг вали; 5 — ўйгич; 6 — дастаки суриш маҳовикчаси; 7 — бўйига ва кўндалангига сурилувчи стол; 8 — ўйгични мослаш қисқичи; 9 — заготовка; 10 — реверсор қутиси; 11 — доиравий суриш қутиси


## 2-§. Протяжкалаш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар

Протяжкалашда тегишли профилдаги тишли жўва ёки рейка кўри-нишдаги кўп тиғли асбоб (протяжка) ишланадиган тешикдан (ташқи сиртдан) тортиб ўтказилади. 316-расм, а да кўрсатилган протяжка қуидаги қисмлар: 1 — куйруқ (протяжкани станок патронига ўрнатиш учун); 2 — бўйин; 3 — ўтиш конуси; 4 — йўналтирувчи қисм (иш бошланишида протяжкани олдиндан ишланган тешик бўйлаб йўналтириш учун); 5 — кесувчи қисм (бу қисмга асосий қўйимни қиркувчи тишлар жойланган); 6 — калибрловчи қисм (бу қисмга тешикни калибрлаб, юзанинг тозалигини зарур даражасига етказувчи тишлар жойлашган); 7 — кетинги йўналтирувчи қисмдан иборат (бу қисм узун протяжканинг шикастланишидан сақлаш ва протяжкалаш охирида за-готовканинг қийшайишига йўл қўймаслик учун хизмат қилади).

Протяжка тишлари, кўп тиғли асбоб, масалан, ишланадиган тешикдан ёки ташқи сиртдан тортиб ўтказилади. Унинг ҳар бир тиши маълум қатламни қиринди тарзида йўнади.

316-расм, а да цилиндрик протяжкада тешикнинг ишланиши, 316-расм, б да прошивкалаш ва 316-расм, в да доиравий протяжкалаш схемаси келтирилган.

Протяжканинг кесувчи қисмидаги навбатдаги ҳар бир тиши ўзидан олдинги тишдан бирор  $s_2$  ўлчам юқори бўлади. Бу ўлчам тишига тўғри келадиган кўтарилиш ёки бир тишига тўғри келадиган суриш деб ата-




316-расм. Протяжка ва прошивканинг ишлаш схемаси:

- a* — протяжкалаш; *1* — қүйрүк;
- 2* — бўйин; *3* — утиш конуси;
- 4, 7* — йўналтирувчи қисм;
- 5* — кессувчи қисм; *6* — калибр;
- 6* — прошивкалаш;
- 8* — доиравий протяжкалаш

лади. Ишланувчи металл хоссасига, протяжка материалига ва геометриясига қараб,  $\delta$  қиймати  $0,015\text{--}0,2$  мм оралигида бўлади. Протяжканинг ҳар бир тишида кескичдаги каби элементлар бор. Протяжка тишларида қириндини майдалаш учун шахмат тарзидаги маҳсус ариқчалар қилинади. Калибрловчи тишлар эса бир текис бўлади.

Прошивкалаш ҳам протяжкалашга ўхшайди. Лекин бунда прошивка деб аталаувчи кескич ишланадиган тешикдан босиб ўтказилади. Прошивка иш жараённида бўйига эгилмаслиги учун калтароқ қилинади. Одатда, унинг узунлиги диаметрнинг 15 баробаридан ортиқ бўлмайди. Прошивкалаш усулидан калта тешиклар ишланади.

Бажарадиган иш ҳаракат йўналишига — горизонтал ва вертикал, ҳаракат характеристига — узлуксиз ва узлукли ҳамда кесиш асбоблари сонига — бир ва бир неча кескичли турларга ажратилади. Бундай станокларнинг характеристиковчи параметрига протяжкани тортиш кучи ва юриш йули узунлиги киради. Тортиш кучи  $2,5\text{--}120$  т гача, юриш йули эса  $350\text{--}2000$  мм га етади.



317-расм. Горизонтал-протяжкалаш станогининг схемаси:

- 1* — станина; *2* — электр двигатель; *3* — гидроюритма;
- 4* — поршень штоки; *5* — протяжкани маҳкамлаш мосламаси (патрон);
- 6* — протяжка; *7* — ишланадиган заготовка; *8* — қўзғалувчи люнета;
- 9* — қўзғалувчи ползунча

317-расмда горизонтал протяжкалаш станогининг умумий кўриниши тасвирланган. Станокда ишлаш шундан иборатки, заготовка ўрнатилгач, унинг тешигига протяжка қўйруғи киритилиб, у патрон билан маҳкамланади, сўнгра станок юргизилади. Сидириш тугагач, буюм станоқдан олинади, протяжка патрондан ажратилади ва цикл яна тарорланади.

Сидириб ишлашда асосий вақт қўйидагича аниқланади:

$$t_a = \frac{z}{6000 \cdot \vartheta} \cdot K, \text{ мин},$$

бу ерда  $L$  — протяжканинг юриш йўли, мм;  $\vartheta$  — кесиш тезлиги, мм/мин;  $K$  — протяжканинг орқага юришини ҳисобга олувчи коэффициент ( $K = 1,1 - 1,5$ ).

### 3-§. Материалларни жилвирилаш, жилвир кескичлар, жилвирилаш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар

Заготовкаларни абразив кескичлар (жилвир тошлар, қайроқлар, жилвир қофозлар) билан ишлаб, турли шаклли, аниқ геометрик ўлчамли ва текис юзали деталлар тайёрлаш жараёнига жилвирилаш дейилади.

Абразив материаллардан турли хил кескичлар тайёрлаш қадимдан маълум бўлганлигига қарамай, саноат миқёсида бу иш 1860 йилдан бошланди ва борган сари уларга талаб орта борди. Масалан, 1967 йилда ишлаб чиқариш 1940 йилга нисбатан 11,5 марта ортди. Шуни қайд этиш жоизки, уларнинг кескирлиги абразив материаллар хилига, доналар ўлчамига, боғловчилар структурасига ва бошқа кўрсаткичларига боғлиқ. Масалан, тобланган пўлатларни жилвирилашда оқ электрокорунддан, оташбардош пўлатларни жилвирилашда монокорунддан, чўяnlарни ва рангли металл қотишмаларни жилвирилашда қора кремний карбиддан, титан қотишмаларни жилвирилашда ўт ранг кремний карбидлардан тайёрланган абразив кескичлардан фойдаланилади. Абразив материалларнинг асосий кўрсаткичларига юқорида қайд этилгандек, материаллар хили, донадорлиги, боғловчилар хили, қаттиклиги ва структураси кабилалар киради.

Донадорлиги деб абразив материалларнинг доналар ўлчамига айтилади. ГОСТ бўйича улар 26 номерга ажратилади. Йирик абразивлар ўлчами 2000 дан 160 мкм оралиғида бўлиб, буларга жилвир донлар дейилади. Уларнинг номери 200—16 оралиғидадир. Майдароқларининг ўлчами 125 дан 28 мкм оралиғида бўлиб, уларга жилвир кукунлар дейилади, уларнинг номери 12—3 оралиғида бўлади.

Янада майдароқларининг ўлчамлари 40 дан 3 мкм оралиғида бўлиб, уларга микрокукунлар дейилади. Уларнинг номери М40 дан М5 оралиғида бўлади. Шуни қайд этиш жоизки, йирикроқ донлардан тайёрланган кескичлардан металларни хомаки ишловда, майда доналилардан

нафис ишларда фойдаланилади. Ишланган сирт юза ғадир-будирлиги ( $R_z$ ) билан донлар ўлчами ( $d_o$ ) оралиғида таҳминан қуйидагича боғла-ниш бор:

$$R_z = C_R \sqrt{d_o}.$$

бу ерда  $C_R$  — заготовка ва кескич материалига боғлиқ коэффициент бўлиб, унинг қиймати 6—7  $R_z$  оралиғида бўлади. Боғловчилар деб абразив кескичларнинг тегишли номерли материал доналарини ўзаро пухта боғловчи материалларга айтилади. Боғловчилар сифатида ноорганик ва органик моддалардан фойдаланилади.

Ноорганик боғловчи моддаларга керамик (шартли белгиси — к), силикат (шартли белгиси — с) ва магнезиал (шартли белгиси — м)лар киради, буларнинг ичида кўпроқ ишлатиладигани керамик боғловчи бўлиб, таркибида маълум миқдорда гил, дала шлаги, тальк, бўр, кварц ва суюқ шиша бўлади. Бу боғловчилар билан тайёрланган кескичлар пухталиги, иссиққа бардошлилиги, намиқмаслиги ва чидамлилиги сабабли совитиш суюқлигидан фойдаланган ҳолда материалларни унумли жилвирлаш имконини беради.

Органик боғловчиларга бакелит (шартли белгиси — Б), вулканит (шартли белгиси — В) ва бошқалар киради. Бакелит синтетик смола бўлиб, юқори эластикликка эга, бундан тайёрланган кескич ғовакларига ишлаш пайтида ажралаётган заррачалар ва совитиш суюқлиги кириши оқибатида унинг пухталиги заифланади. Шу боисдан бу боғловчилар ёрдамида тайёрланган кескичлардан фақат нафис ишловлардагина фойдаланилади.

Вулканит боғловчи (шартли белгиси В) синтетик каучукка 20—30% олтингугурт ва бошқа моддалар қўшиб тайёрланади. Бу боғловчи юқори пухталикка ва эластикликка эга бўлгани билан иссиқликни ўзидан яхши ўтказмайди. Одатда, бу боғловчидан юпқа абразив тошлар тайёрланиб, улардан материални кесиб тушириш ишларида фойдаланилади.

**Металл боғловчилар.** Бу боғловчиларнинг асоси қалай, алюминий, мис ва бошқалардан иборат бўлиб, уларга тўлдиргичлар қўшилади. Бу боғловчилар заррачаларни пухта боғлайди, шу сабабли улардан кўпинча сунъий олмос тошлар тайёрлашда фойдаланилади.

Боғловчи моддаларнинг қаттиқлиги деб материални жилвирлашда ташқи кучлар таъсирида абразив заррачаларнинг кескичдан ажратишига кўрсатган қаршилигига айтилади. Қаттиқлик 7 синғга ажратилади, уларнинг ҳар бири ўз навбатида бир неча даражага ажратилади (71-жадвал).

Шуни қайд этиш керакки, қаттиқлиги юқори бўлган абразив тошлар билан ишлов беришда ўтмасланган доналар ажралмасдан ишланувчи юза қуйиши билан нормал ишлов бериш бузилади ва, аксинча,

юмшоқ абразив тошлар билан ишлов беришда ҳали кесувчанлик хоссасини йўқотмаган доналар ажралиб, унинг тез ейилишига олиб келади.

Қандай қаттиқликдаги жилвир тошдан фойдаланиш конкрет ишланадиган материалнинг қаттиқлигига, юза талабларига ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ. Умуман ишланадиган материал қанчалик қаттиқ бўлса, жилвир тош шунчалик юмшоқ ва, аксинча, қанча юмшоқ бўлса, шунча қаттиқ бўлиши керак. Бунда ейилган донлар ўрнига тагидан янги ўтқир доналар чиқиб, жилвир тош чархланиб боради.

Абразив тошларнинг абразив донлари ва боғловчилар орасидаги ғовакликларга уларнинг структураси дейилади. Ғоваклик иш жараёнида кескичининг совишига кўмаклашиб, ижобий таъсир кўрсатади. Абразив кескичлар структураси деб, доналари, боғловчи моддалар ва ғовакликларнинг муайян нисбатлари тушунилади. Улар структуралари бўйича 12 номерга ажратилади.

71-жадвал

### Абразив кескичлар қаттиқликларининг белгиланиши

Қаттиқлик синфи	Белгиланиши	Қаттиқлик даражаси
Юмшоқ	M	M1, M2, M3
Юмшоқлиги ўртача	СМ	СМ1, СМ2
Ўртача	C	C1, C2
Қаттиқлиги ўртача	СТ	СТ1, СТ2, СТ3
Қаттиқ	Т	T1, T2
Жуда қаттиқ	ВТ	ВТ1, ВТ2
Ниҳоятда қаттиқ	ЧТ	ЧТ1, ЧТ2

*Эслатма:* Жадвал белгиларидаги рақамлар ортиши билан қаттиқлик ҳам ортади.

1, 2, 3 рақамлари зич структура; 4, 5, 6, 7 ўртача зичлиқдаги структура ва 8, 9, 10, 11, 12 очиқ структура.

318-расмда маркалашга мисол келтирилган. Бу ерда ЧАЗ Челябинск шахридаги абразив заводда тайёрланган ЭБ — оқ электро корундданлигини, 32 — донадорлигини, СМ — қаттиқлигини, К — боғловчини, 300 — ташқи диаметрини, 50 — баландлигини, 127 — тешик диаметрини ва 35 м/с рухсат этилган доиравий ишлов тезлигини билдиради, уларнинг диаметри 5 мм дан 2500 мм гача бўлади.




318-расм. Жилвир тошлар маркаланиши

Шуни қайд этиш жоизки, абразив кескичларнинг материали, шакли ва ўлчамлари заготовкалар материалы ва уларнинг ишловдан кутилган сифат кўрсатгичига кўра ГОСТ бўйича белгиланади.

72-жадвалда абразив тошларнинг асосий хиллари ва ишлатилиш жойлари келтирилган.

72-жадвал


Шакли	Номи	Шартни белгиси	Ишлатиш соҳаси
	Түғри профилли ясси	ПП	Сиртқи ва ички доиравий жилвирлаш. Сиртқи ва ички марказисиз жилвирлаш (тошнинг чети билан кескичларни чархлаш)
	Икки ёқлама конусимон профилли ясси	2П	Шестерни тишларини жилвирлаш
	Конусимон профилният бурчаги кичик (купи билан 30°) бўлган ясси	4П	Кесувчи асбобларни чархлаш, шестерниялар тишларини чархлаш
	Цилиндрик косачалар	Ц	Жилвир тошнинг тореки билан ясси жилвирлаш
	Конусимон косачалар	Ч	Кесувчи асбобларни чархлаш ва қайраш
	Тарелкасимон	1Т	Кесувчи асбобларни чархлаш ва қайраш
	Чарх тош	К	Косилкалар (ўриш машиналари) пичоқларини чархлаш

Кескич (тош)ларини танлашда заготовка материалига, ишлов усулуга, кутилган сифат кўрсаткичларига ва бошқа кўрсаткичларга қаралади. 73-жадвалда бунга мисоллар келтирилган.

Унумли ва хавфсиз ишлаш учун жилвир тош станок шпинделига маҳкам ўрнатилиб, яхши мувозанатланиши ва эҳтиёт гилофи билан пухта ҳимояланиши керак. Жилвир тошнинг шпинделига кийгизиладиган тешигининг диаметри шпиндель диаметридан 0,5–0,8 мм катта-

Ишлануучи материаллар	Абразив кескин қаттиқлиги	Белгиланиши
Тобланмаган үә тобланған пүлатлар, тезкесар пүлатлар үә қаттиқ қотишималар	Юмшоқ, юмшоқлығы уртаса	M1, M2, M3 CM1, CM2
Тобланмаган пүлатлар, тезкесар пүлатлар, бронзалар	Үртаса	C2, CI
Тобланмаган пүлатлар, алюминий қотишималар, бронзалар	Қаттиқлығы уртаса	CT1, CT2, CT3
Металда құйма үә поковкаларни хомаки ишлашда, пайвандланған жойларни текислаб ишлашда	Қаттиқ	T1, T2
Шарчаларни ишлашда	Жула қаттиқ, ниҳоятда қаттиқ	BT1, BT2, CT1, CT2

роқ бўлади, бу эса шпинделнинг иш вақтида қизиб, бирикмада таранглик ҳосил бўлишидан сақтайди. Агар абразив тошнинг ички тешиги ҳаддан ташкари катта бўлса, унда оралиққа пўлат втулка ўрнатилиди. Абразив тош икки томондан ҳалқасимон чиқиқлари бор фланец билан кесиб қўйилади. Фланец билан абразив тош орасига қалинлиги 0,5–1,5 мм бўлган картон, чарм ёки резина қистирма қўйилади (319-расм, а). Фланецлар гайка билан маҳкамланади, бунда гайка резьбасининг йўналиши кесишда абразив тошга таъсир этувчи қаршилик кучи гайкани бўшатиб юбормайдиган бўлиши лозим. Косачасимон абразив тошларни маҳкамлаш усууллари 319-расм, б, в дан тушунарлидир. 319-расм, г да шпинделни, одатда, конус қўйруқли жилвирлаш станокларида қўллани-



319-расм. Жилвир тошларнинг шпинделга ўрнатилиши:

1 – ҳалқа; 2 – втулка

ладиган мақкамлаш усули күрсатилған. Абразив тош планшайбага ҳалқасимон фланец ёрдамида қисилади. Фланец пазида сурила оладиган сухарлар бор, улар ёрдамида абразив тош мувозанатланади. Ясси юзаларни жилвирлаш станокларида ҳалқасимон абразив тош ҳалқа 1 ва втулка 2 ёрдамида мақкамланади (319-расм, д). Абразив тош билан ҳалқа 1 орасидаги зазор баббит, күргөшин ёки маҳсус қотишма қуйиб түлдирилади.

Жилвир тош оғирлик марказининг шу тош айланиш ўқига түғри келмаслиги мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлади.

**Абразив тошларни чархлаш.** Абразив тошлар ейилиб ўтмасланганда улар маҳсус оправкага ўрнатилған олмоснинг ўтқир учи билан чархланади. Баъзан олмос ўрнига 0,01–0,2 каратли олмос заррачалар вольфрам билан боғланган олмос-металл қаламдан, карбид кремний, қаттиқ металлокерамик қотишмалардан тайёрланган чархловчи ҳалқачали чархлаш асбоби (шарошка) дан фойдаланилади.


#### **4-§. Жилвирлаш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар**

Маълумки, деталлар шакли ва ўлчамлари ва улардан кутилган сифат күрсаткичлари турлича бўлиши турли хил станоклардан фойдаланишини тақозо этади, масалан, қўймаларни, поковкаларни сирт юзаларидан қаттиқ қатламни хомаки йўниш, нафис ишлаш, кескичларни чархлаш ва бошқа ишларни бажаришга белгиланган станоклар мавжуд. Тубандада бу станокларнинг асосий хиллари, тузилиши ва уларда абразив кескичлар билан бажариладиган ишлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Доиравий универсал жилвирлаш станоги.** Станина 1 йўналтирувчиларига стол 2, унга олд бабка 3 ва кетинги бабка 4 ўрнатилған (320-расм, а). Заготовка олд ва кетинги бабкалар марказларига заготовка ўрнатилади. У айланма ҳаракатни олд бабка двигателидан олади. Жилвир тош эса айланма ҳаракатни ўз двигателидан олади. Жилвирлашни бошлашдан аввал ласта б ни ўнгга айлантириб, кўндаланг салазкага ўрнатилған жилвирлаш бабкани олдига сурилади. Кейин столнинг бўйига илгарилама-қайтма юриш йўли кулачоклар 5 билан ростлангач, жилвир тош ва заготовкани зарурий тезликда айлантирилиб тегишли қалинликдаги қўйимни жилвирлаш учун жилвиртош ростлангач, жилвирлаш бошланади (320-расм, б). Баъзи ҳолларда заготовкани жилвирлаш сирт юзи узунлигига жилвиртош катта бўлмаганда (масалан, тирсакли вал бўйинларини жилвирлашда) жилвиртошни кўндалангига юргизиб ҳам доиравий заготовкалар жилвирланади.


Маълумки, заготовкаларнинг доиравий ташқи юзаларини жилвирлашда унга  $R$  қаршилик кучи таъсир этади. Агар бу кучни бир-бирига тик йўналган уч йўналишга ажратсан, у  $P_x$ ,  $P_y$  ва  $P_z$  кучларни беради.

Бу күчлар қийматлари заготовка материалига, абразив материал иши  
ва характеристикаси, ишлов усулига ва бошқа күрсаткичларга бөглиқ.  
 $P$ , кучни тангенциал куч дейилиб, унинг қийматини қыйидаги эмп-  
рик формула бўйича аниқлаш мумкин:



320-расм. Доиравий жилвирлаш станоги:

*a* — станокнинг умумий кўриниши: 1 — стапина; 2 — стол; 3 — олд бабка;  
4 — кетинги бабка; 5 — кулачок; 6, 8, 9 — дасталар; 7 — жилвирлаш  
бабкаси; 10 — бошқариш кнопкалари; *b* — бўйлама доиравий жилвирлаш  
схемаси; *c, d* — кўндалангига доиравий жилвирлаш схемаси



321-расм. Ички жилвирлаш станогининг схемаси:

1 — станина; 2 — олд бабка; 3 — сиқиши қурилмаси; 4 — заготовка;  
5 — жилвирлаш бабкаси; 6 — стол; 7, 10 — маховикчалар; 8 — кулачок;  
9 — ричаг

$$P_z = C_{P_z} \cdot \vartheta_3^a \cdot S_{бүй.}^e \cdot t^c, \text{ Н(кг),}$$

бу ерда  $C_{P_z}$  — заготовка ва кескич материалини ишлаш шароити ва бошқа күрсаткичларга боғлиқ коэффициент, бу коэффициент масалан, тобланган пўлатларни жилвирлашда 2,2, тобланмаган пўлатларни жилвирлашда 2,1 олинади;  $v$  — жилвирлашнинг айланиш тезлиги, м/с;  $S_{бүй.}^e$  — заготовканинг буйига сурилиш тезлиги, м/мин;  $t^c$  — заготовканинг жилвирлаш чуқурлиги, мм. Одатда радиал куч қиймати  $P_z = (1,5-3)P_x$  бўлса, ўқ куч ( $P_x$ ) қиймати  $P_x$  кучидан деярли кичик бўлади. Жилвирлаш жараёни бориши учун зарурий қувват қуйидагича аниқланади:

$$N_t = \frac{P_z \cdot \vartheta_3}{1000 \cdot \eta}, \text{ кВт,}$$

бу ерда  $N_t$  — жилвиртошнинг айланиш тезлиги, м/с;  $\eta$  — фойдали иш коэффициенти. Заготовкани айлантириш учун зарурий қувват қуйидагича аниқланади:


$$N_3 = \frac{P_z \cdot \vartheta_3}{107 \cdot 60}, \text{ кВт,}$$

Доиравий жилвирлашда асосий жилвирлаш вақти қуйидагича аниқланади:


$$t_z = \frac{L \cdot h}{n_3 z_6 y_n + l} \cdot K, \text{ мин,}$$

бу ерда  $L$  — стол бўйича юриш узунлиги, мм;  $h$  — қўйим, мм;  $n_3$  — заготовканинг айланиш сони, айл/мин;  $t$  — кесиш чуқурлиги, мм;  $s_{бўи}$  — бўйига суриш тезлиги, мм/мин;  $K$  — қўшимча ўтиш коэффициенти. Одатда  $K = 1,2 - 2$  бўлади.

**Ички юзаларни жилвирлаш станоги.** 321-расмда бу станоклардан бири мисол тариқасида келтирилган. Станок станинаси 1 га олд бабка 2 қўзғалмас қилиб ўрнатилган. Унинг шпинделелида сиқиши қурилмаси 3 бўлиб, ишланувчи заготовка 4 ана шу қурилмага маҳкамланади. Стол 6 станица йўналтирувчиларида бўйига сурилади. Стол 6 га жилвирлаш бабкаси 5 ўрнатилган. Жилвирлаш бабкаси кўндалангига, бў-




322-расм. Ички юзани жилвирлаш схемаси



323-расм. Ясси юзаци жилвирлаш станогининг схемаси:

1 — станица; 2 — стол; 3 — плита; 4 — кулачок; 5 — трубка; 6 — ричаг; 7 — кнопка; 8 — колонна; 9, 10 — дасталар




**324-расм. Жилвир тошпинг тореци билан ишлайдиган жилвирлаш станогининг схемаси:**

1 — станина; 2 — бошқариш дастаси; 3 — электр двигатель; 4 — айланувчи стол; 5 — колонна; 6 — жилвирлаш бабкаси; 7 — жилвиртош; 8 — кнопкали станция; 9 — электромагнитли плита; 10 — станокни созлашда жилвирлаш бабкасини тез юргизиш учун маховикча

йига маховикчалар 7, 10 воситасида құлда сурилиши мүмкін. Стол-нинг бүйига автоматик ҳаракати кулачок 8 ва ричаг 9 орқали ростла-нали.

Юқорида күрилған ички жилвирлаш станогининг ишләш принципидан бошқа принципда ишлайдиган ички жилвирлаш станоклари ҳам бўлиб, бунга планетар ички жилвирлаш станоги ҳам киради, ишлаш схемаси 322-расмдаги схемадан кўриниб турибди. Жилвирлашда заго-тovka қўзғалмас қилиб ўрнатилған бўлиб, жилвиртош шпиндель ва унинг ўқи билан бирга жилвирланувчи тешик ўқи яқинида айланади.

**Яесси юзаларни жилвирлаш станоклари.** Жилвиртошнинг перифе-рияси ёки тореци билан ишлайдиган бундай станокларнинг схемалари 323, 324-расмларда келтирилган. 323-расмдаги схемадан кўринадики, унинг станинасини йўналтирувчиларда стол 2 ўрнатилған бўлиб, у илгарилама-қайтма ҳаракат қила олади. Столга заготовкани маҳкам-лаш учун магнит плита ўрнатилган. Столнинг юриш йўли кулачоклар



**325-расм. Заготовкани марказисиз ташқи доиравий жилвирлаш станогининг схемаси:**

- a* — станокнинг умумий кўриниши: 1 — станина; 2, 3 — жилвиртош; 4 — заготовка; 5 — электр двигатель; 6 — таглик; 7, 8 — тошларни қайтариш механизмлари; 9 — стакчи тош бабкаси; 10 — стакчи бабкасининг суриш маҳовиги; 11 — плита; 12 — трубка; 13 — стакчи тош ўқининг бурилиш бурчагини ҳисоблаш шкаласи; 14 — кнопкали станция;  
*b* — марказисиз ташқи доиравий жилвирлаш схемаси;  
 1, 2 — жилвиртошлар; 3 — заготовка; 4 — таянч

4 ва ричаг 6 билан ростланади, схемада 5 рақами билан гидроюритма трубкаси белгиланган. Колонна 8 нинг йўналтирувчиларида жилвирлаш бабкасининг кареткаси сурилади. Қўлда бошқариш учун дасталар 9 ва 10дан фойдаланилади. 7 рақам билан бошқариш кнопкаси пульти белгиланган. Жилвиртошнинг тореци билан ишланадиган ясси юзалар жилвирланади.

**Марказисиз ташқи доиравий заготовкаларни жилвирлаш.** Бунда иккита жилвиртошдан фойдаланилади (325-расм). Бу тошлардан бири 1 кесиши ишини бажаради, иккинчиси 2 эса ишламаётган заготовка 3 ни айлантиради ва зарур бўлганда унга бўйлама суриш ҳаракатини узатади. Ишлов бериладиган заготовка маҳкамланмайди, балки ана шу тошлар орасида силжиб, четлари кесилган пичноқ 4 га таянади. Жилвиртошларнинг иккаласи ҳам бир томонга айланади, бу ҳол заготовканинг узлусиз айланишига имкон беради (325-расм, б).

Марказсиз жилвирлаш усули билан силлиқ валлар, поршень ҳалқалари, думалаш подшипникларининг қисмлари, поршень бармоқлари ва бошқа шу каби деталлар ишланади.

Марказсиз жилвирлашнинг афзаликлари:

- иш унумининг анча юқорилиги;
- марказлашнинг йўқлиги (марказлашнинг йўқлиги жилвирлаш учун анча кичик қўйим қолдиришга имкон беради);
- станокни автоматлаштиришнинг осонлиги.

Марказсиз жилвирлашнинг камчиликлари:

- сиртқи ва ички цилиндрик юзаларни аниқ концентрик қилиб бўлмаслиги;
- поғонали валикларнинг ҳар қайси поғонаси айрим-айрим жилвирланадиган бўлса, уларнинг концентриклигига эришиб бўлмаслиги;
- қайта ростлаш узоқ вақт талаб этиши ва бошқалар.

Маълумки, заготовкаларни ташқи доиравий жилвирлашда унга  $P_z$  кучи таъсир этади. Агар бу кучни тангенциал  $P_y$ , радиал  $P_r$  ва ўқ  $P_x$  кучларга ажратиб, уларнинг қийматлари ўлчаб кўрилганда улар жилвирлаш шароитига боғлиқ бўлиши ойдинлашади.  $P_z$  кучи қиймати қуйидаги эмперик формула бўйича аниқланади:

$$P_z = C_{P_z} \cdot \vartheta_3^a \cdot S_{6y_n}^b \cdot t^c, \text{Н(кг),}$$

бу ерда  $C_{P_z}$  — заготовка материалига ва ишлаш шароитига боғлиқ бўлган коэффициент;  $\vartheta_3^a$  — доиравий сурин тезлиги;  $S_{6y_n}^b$  — заготовкани бўйига сурин тезлиги;  $t^c$  — кесиш чуқурлиги.

Одатда, радиал куч қиймати  $P_y = (1,5-3,0)P_z$  бўлса,  $P_r$  қиймати  $P_z$  кучидан деярли кичик бўлади.

Жилвирлашда абразив тошни айлантириш учун зарур қувват қуйидагича аниқланади:

$$N_T = \frac{P_z \cdot \vartheta_3}{10^3 \cdot \eta_1}, \text{kВт,}$$

Заготовкани айлантириш учун зарур қувват қуйидагича аниқланади:

$$N_3 = \frac{P_z \cdot \eta_3}{60 \cdot 10^2 \cdot \eta_2},$$

бу ерда  $\eta_1$  ва  $\eta_2$  абразив тошни ва заготовкани айлантириши узатма занжирининг кинематикасига тегишли ФИКларидир.

Жилвирлашда асосий жилвирлаш вақти қуйидагича аниқланади:

$$t_a = \frac{L \cdot h}{n_3 z_{6y_n} t} \cdot K, \text{мин,}$$


бу ерда  $L$  — стол бўйича юриш узунлиги, мм;  $h$  — қўйим, мм;  $n_1$  — заготовканинг айланиш сони, айл/мин;  $t$  — кесиш чуқурлиги, мм;  $s_{\text{бүн}}$  — бўйига суриш тезлиги, мм/мин;  $K$  — қўшимча ўтиш коэффициенти. Одатда  $K = 1,2 - 2$  бўлади.

## 57-боб

### ЗАГОТОВКАЛАРНИ ҚИРИНДИ ЙЎНМАЙ ИШЛАШ УСУЛЛАРИ

#### 1-§. Умумий маълумот

Кейинги йилларда заготовкалардан деталлар тайёрлашда бўлак деталлар билан қамралувчи ёки ўзлари қамровчи цилиндрик, конус, яси ва шаклдор ташқи ва ички юзаларнинг ғадир-будирлигини текислаш, геометрик шакл на ўлчам аниқликларини орттириш, юза қатламига зарурый физика-механик хоссалар бериш билан ишлов унумдорлигини орттириш мақсадида қиринди йўниб ишлаш усуллари ўрнига қиринди йўнмай ишлаш усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу ишлов усуллари металларнинг пластик хоссаларига асосланган бўлиб, бунда заготовканинг ишланувчи юзига маҳсус асбоб (тобланган пўлат шарча ёки ролик) станок ёрдамида босиб юрғизилади. Бунда сирт юза пластик деформацияланишида ғадир-будирлиги эзилиб, доналари деформация йўналиши томон чизилиб, элементлар ҳажмларнинг қайта тақсимланиши туфайли кутилган шаклли ва ўлчамли текисланиб пухталанади. Натижада юзанинг коррозия бардошлиги, толиқишига қаршилиги ортиб, кам ейиладиган бўлади. Шуни қайд этиш жоизки, бу ишловда заготов-



326-расм. Қиринди йўнмай ишлов берини схемаларни

ка билан асбобнинг контакт юзаси деярли қизимайди. Бинобарин, ишловда совитиб туриш талаб этилмайди. Агар ишқаланишни камайтириш зарур бўлса, машина мойи ёки керосиндан фойдаланилади.

326-расмда заготовкалардан қиринди йўнмай ишлов усуllibаридан баязи мисоллар схематик тарзда келтирилган.

а) айлангаётган цилиндрик металл заготовка юзига тобланган пўлат роликни бостириб, заготовка бўйи бўйлаб юргизиб ишлаш;

б) айлангаётган цилиндрик металл заготовка ариқчасига тобланган силлиқ пўлат роликни кўндалангига юргизиб босиб ишлаш;

в) айлангаётган цилиндрик металл заготовканинг тегишли юзини консоль оправкага ўрнатилган тобланган пўлат роликни бостириб бўйига юргизиб ишлаш;

г) айлангаётган цилиндрик пўлат заготовка тореци юзига тобланган пўлат роликни бостириб, кўндаланг йўналишга юргизиб ишлаш;


д) цилиндрик тешикдан диаметри ундан бирор каттароқ бўлган тобланган пўлат шарчани шток билан бостириб ўтказиб ишлаш;

е) цилиндрик тешикдан диаметри ундан бирор каттароқ бўлган тобланган пўлат оправка (дорн)ни тортиб ўтказиб ишлаш;

ж) айлангаётган цилиндрик пўлат заготовка эластик элементлар орқали асбобга босим берилиб, бўйланма юргизиб ишлаш;

з) айлангаётган цилиндрик пўлат заготовка айланувчи оправкага ўрнатилган тобланган пўлат шарчалар босимида бўйлама юргизиб ишлаш.

Юқорида кўрилган ишлов усуllibарida ишлов режимларига контакт юзага — берилувчи босим, заготовканинг айланиш тезлиги, босим, ўтиш



327-расм. Резьба очиш схемаси

сони ва тезликлари киради. Сифатли ишловлар учун ишлов режими меъердан ошмаслиги керак, акс ҳолда сирт ёрилиб, айрим жойлар қатлами ажралиши ҳам мумкин. Бу ишловда 327-расмда кўрсатилган мисоллардан фарқли ўлароқ заготовкаларга маҳсус асбоблар билан резьбалар, кичик ўлчамли шликлар, валларга кичик модулли цилиндрик ва конусли тишли фидираклар ва бошқа хил ишлар ҳам бажарилади.

327-расм, а да заготовкага плашқалар ёрдамида резьба очиш схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, заготовка 2 иш юзасида очилувчи резьба шакли ва қадамига мос резьбаси бўлган кўзғалмас плашка 1 билан кўзғалувчи плашка 3 оралиғида жойланган бўлиб, кўзғалувчи плашка 3 ни заготовкага босиб юргизишида, плашқалар оралиғида у эзилиб, юмалаб шу аснода резьба ҳосил бўлади.

327-расм, б да заготовкага очилувчи резьба шакли ва қадамига мос резьбаси бўлган тобланган пўлат роликлар ёрдамида резьба очиш схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, заготовка 2 роликлар 4 ва 5 оралиғида ўрнатилган бўлиб, унга зарурий босим ролик 5 орқали берилади. Бунда заготовонка айланувчи роликлар оралиғида эзилиб, эркин юмалаб, сиртида резьба ҳосил бўлади.


327-расм, в да валларга майда шликларни олиш учун шликлар шаклига мос роликни бостириб ишлаш схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, ролик айланниб, вал бўйин бўйлаб бостириб юргизилишида заготовка сиртида шлил очилади.

327-расм, г да кичик модулли цилиндрик ва конусли тишли фидиракни ишлаш схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, токарлик станокнинг суппортига асбоб (накат) 6 ва 7 ўрнатилиб, уни босиб заготовка бўйи бўйлаб юргизилишида тиш очилади.

Мураккаб шаклли ва аниқ ўлчамли тешниклар, ариқчалар олиш зарурлиги ва турли хил нафис ишловларни бажаришда электрофизикавий ва электрокимёвий ишлов усулларидан фойдаланилади. Бу усулларда борувчи электрофизикавий ва электрокимёвий жараёнларда материаллардан заррачалар ажралиб, унга ишлов берилади.

## 2-§. Металларга ниҳоятда нафис ишлов бериш усуллари

Жилвиртош усуллари билан тайёрланган деталлар анча аниқлиги ортганлигига қарамай, катта нагрузка ва тезликда ишловчи кўпгина автомобиль цилинтри, плунжер гильзалари ва бошқаларга юқори сифат талаблари қўйилади. Шу боисдан бу хил деталлар ниҳоятда нафис ишланади. Бу ишловлар натижасида деталлар сирт юзалари ниҳоятда текис, силлиқ бўлади ( $R \leq 0,08-0,01$  мкм). Аниқлик ўлчамлари юқори квалитет (01—5) да бўлади. Натижада бу ишловлардан ўтган деталлар машина ва механизмларнинг эксплуатацион муддатларини оширади. Кўйида саноатда кўпроқ фойдаланиладиган нафис ишлов усуллари ҳақида маълумотлар келтирилади.



328-расм.

*a* — Хонинглаш: 1 — хонинглаш каллаги; 2 — майдонли абрэзив бирикмалари; 3 — заготовка; *b* — суперфинишилаш; 4 — каллак; 5 — брускалар; 6 — заготовка; *c* — притиркалаш; 7 — водчиклар; 8 — сепаратор

**Хонинглаш.** Бу усулда асосан ички ёниш двигателлари, компрессорнинг цилиндрлари, плуншер гильзаларининг ички юзалари ишланади. 328-расм, *a* да хонинглаш каллаги кўрсатилган. Хонинглаш каллагига ниҳоятда майда абрэзив материаллардан тайёрланган бир нечта қайроқлар 2 ўрнатилган бўлиб, заготовка 3 нинг ишлашида, ўз ўки атрофида маълум тезликда айланиш билан, ўки бўйлаб илгарилама-қайтма ҳаракат қиласди. Ҳар бир ёки бир нечта марта илгарилама-қайтма ҳаракатидан сўнг каллак қайроқларни пружиналар ишланадиган юзага бир оз сиқа боради. Бунда у ишланувчи төпик диаметрига кўра белгиланади.

**Суперфинишилаш.** Бу усуудан заготовкаларнинг ташки юзаларини нафис ишлашда фойдаланилади. 328-расм, *b* да суперфинишилаш каллаги кўрсатилган. Унинг каллаги 4га абрэзив қайроқлар 5 ўрнатилган бўлиб, иш жараёнида ўки бўйлаб маълум тезликда илгарилама-қайтма ҳаракатланганда, заготовка 6 ҳам мой мұхитида маълум тезликда айланаб, илгарилама-қайтма ҳаракатланади.

Иш жараёнида қайроқлар ишланувчи юзага пружиналар билан 0,5—3 кг.к/см<sup>2</sup> босимда сиқилиб туради. Бу ишловда МСС ажралувчи заррачаларни ювиб туриши билан мой пардан ҳосил этади ва у кесиб ишланиш жараёнида мой парда йўқ бўлган юзалар ғадир-будирлиги ишланади. Улар оралиғидаги мой парда абрэзив зарраларни заготовка сиртидан заррачаларни йўнишга қаршилик кўрсатади ва бунда ишлов тугайди.

**Притиркалаш.** 328-расм, *c* да цилиндрик заготовкаларнинг сирт юзини притиркалаш схемаси кўрсатилган. Схемадан кўринадики, за-

готовкалар 10 сепараторли диск 8 инларига (үйиқларига) эркин кири-тилади. Бунда чүян, латунь ёки ёғочдан тайёрланган дисклар 7 ва 9 орасида бўлади. Бу дисклар сиртида эса абразив паста ёки мой ара-лаштирилган абразив кукунлари бўлади. Дискларнинг турли томонга ҳар хил тезликда айланishiда сепаратор диск уларга нисбатан эксцен-трик айланади. Бу ҳолда заготовкалар диска юмалаб сирланиши билан бир вақтда сепаратор билан радиал йўналиш бўйлаб дискларга нисбатан сурилади. Натижада заготовкалар абразивлар билан притир-каланиб ишланади.

## 58-боб

# КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ЭЛЕКТРОФИЗИК ВА ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ УСУЛЛАРИ

### 1-§. Умумий маълумот


Машинасозликда борган сари кенг қўлланилаётган, қийин кесиб ишланадиган маҳсус хоссали легирланган пўлатлар, қаттиқ қотишмалар, ярим ўтказгич материаллар, рубин, кварц ва бошқаларни кескичлар билан кесиб ишлаш қийин ва баъзан ишлаб бўлмайди, аммо оғир шароитда ишловчи штамплар, пресс қолилларга эҳтиёж ортган, улар баъзи деталларда жуда кичик мураккаб шаклли үйиқлар ишлашда қўлланади.

### 2-§. Электрофизик ишлов усувлари

Бу ишлов усули материалнинг ишланувчи жойига электр разрядларнинг таъсирига асосланган. Бунда анод (асбоб) ва катод (заготовка) бўлиб, улар орасида ҳосил этилган электр разрядлар ишланувчи заготовкага ўтиб, катта микдорда иссиқлик ажралади. Ишлов жойи бугланаб емирилади. Бу усуулга электр учқунли, электроимпульсли, анодно-механик, ультратратовушли усувлар киради.

Электр учқунли усул. Бу усул материалларнинг ишланадиган жойига юбориладиган электр учқун разрядлар таъсирида юзанинг емирилиш хусусиятига асосланган. Мазкур усуулни 1943 йилда Б.Р. Лазоренко ва Н.И. Лазоренко кашф этишган. Ушбу усуулда ишлов бериладиган материал (заготовка) ўзгармас ток манбанинг мусбат кутбига, асбоб эса манфий кутбига уланади. Ток кучланиши остидаги асбобни заготовкага маълум оралиққа (0,05 мм) яқинлаштирганда электр майдони таъсирида электронлар оқими катоддан анодга ўта бошлайди, натижада электродлар орасида электр учқун разрядлари ҳосил бўлади.

Бунда заготовканинг ишлов бериш зонасида температура кўтарилади. Бундай юксак температурада материал суюқланади ва қисман буғланади ҳамда суюқланган материал заррачалари электр учқунининг



329-расм. Электр учқунли усулда ишлаш схемаси:

1 — электр двигатель; 2 — асбоб; 3 — заготовка; 4 — ванна

динамик күчләри таъсирида ташқарига отилади, натижада заготовкада смирилини бошланади.

Агар асбобни заготовканинг ишлов берилетган жойига секин-аста яқинлаштирилиб борилса, бу жойда асбоб шаклига монанд тешик ҳосил бўлади. Асбоб билан заготовка орасидаги зарур тирқишини ўзгартирган ҳолда асбобни суриб туриш учун маҳсус реледан фойдаланилади. Жараён давомида заготовканинг суюқланган қисми асбобга ўтириб қолмаслиги учун учқун зонаси ток ўтказмайдиган суюқлик, масалан, минерал мой ёки керосин билан тўлдирилади.


Учқун разряднинг интенсивлиги ва давом этиши вақти конденсаторлар сиғими, ток кучи ва кучланишига, асбоб-электрод ҳамда заготовка материаллари ва бошқа омилларга боғлиқ.

329-расмда электр учқунли усулда ишлаш схемаси келтирилган. Шуни айтиш жоизки, қурилма конденсатори сиғими 0,25 дан 600 мкФ гача, ток кучи 0,2 дан 300 А гача, кучланиш эса 10 дан 220 В гача бўлади. Асбоб мис ёки латундан тайёрланиб, кўндалант кесим шакли ишлов натижасида олинувчи шаклига мос бўлади.

Заготовкани ишлашда асбоб унга яқинлашганида электродлараро зазор ( $\Delta$ ) зарур қийматга етганда конденсатор ( $C$ ) нинг заряди дизелектрик оралиқдан ўтади. Бунда конденсатор зарядсизланиб, асбоб ва ишланувчи юза оралиғида секундига бир неча минггача импульс заряди ҳосил бўлади.

Жараённинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида электродни электр двигатель ёрдамида маълум тезликда суриб бориш йўли билан электродлараро зарур ўзгармас зазор ( $\Delta$ ) таъминлаб турилади. Бу усулда у қадар катта бўлмаган ўлчамдаги мураккаб шаклли очиқ ва берк тешиклар, буюмда синиб қолган парма, метчик каби асбобларни ишлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу усулда аниқ ва текис юзали буюмлар олинади, серунум усул, лекин жараён кўп электр энергияси сарфлашни талаб этади.

**Электроимпульси усул.** Бу усулда маҳсус генератордан олинадиган электр импульсларидан фойдаланилади. Бу усулнинг юқорида танишилган электр учқунли усулдан фарқи шундаки, бунда асбоб анод вазифасини, ишланувчи заготовка эса катод вазифасини ўтайди. Жараён кичик кучланишда (25–30 В), катта токда (50–500 А) у қадар катта бўлмаган частотали импульса (400–800 имп/с) олиб борилади.



330-расм. Электроимпульсийн схемаси:


1 — электродвигатель; 2 — алоқали ўзгармас ток генератори;  
3 — электрод асбоб; 4 — электрод-заготовка; 5 — ванна


330-расмда электроимпульсни ишлеш схемаси келтирилган. Схемадан кўринадики, электр двигателъ 1дан ҳаракат генератор 2га узатилиди, қайсики, бир йуналишида кучли импульс беради. Ванна 4даги электрород (асбоб) 3 ва заготовка 3 оралиғида электр разрядлар ҳосил бўлади. Иш жараёнида асбобнинг заготовка томон сурилиш йўналиши бўйича төбранинида металл заррачалари ажрала боради. Бу усул электр учкунли усулдан 8—10 баробар унумлидир.

**Анод-механик усул.** Бу усулни 1943 йилда В.Н. Гусев кашф этган бўлиб, ундан фақат пўлат заготовкаларни кесиб ажратишда, қаттиқ қотишмали кескичларни чархлашда, штамп ва матрицаларни узил-кеシリ (пировард) ишлашда ва бошқа шу каби буюмларни тайёрлашда фойдаланилади (331-расм). Мазкур усулда заготовка ўзгармас ток манбанинг мусбат кутбига, асбоб эса манфий кутбига, улар оралиғидаги зазорга маҳсус суюқ электролит (натрий силикатининг сувдаги эритмаси) киритилади. Бунда заготовка сиртида боруви электрокимёвий жараён натижасида металл эритма маҳсулоти бўлмиш ток ўзказмайдиган парда ҳосил бўлади. Асбоб сурилганда унинг уни заготовкадан осонгина парда кеса боради. Бу парда ўрнига янги парда ҳосил бўлиб, у ҳам кесилади. Шу йўсинда жараён такрорланаб, заготовка тўла кесилгунча ёки кутилган шаклли ва ўлчамли иш бажарилгунча давом этади. Ишланиувчи заготовка юзидағи ғадир-бутирлик бўйи асбобдан у қадар катта оралиқда бўлмагани учун у орқали қисқа вақт ичидаги ёй разряди ўта боради. Бунда микроскопик сирт эриб, заррачалар ажралади. Бу ишловда

331-расм. Анод-механик усулда ишлеш схемаси:

1 — металл диск; 2 — заготовка





**332-расм. Ультратовуш қурилмасининг ишлаш схемаси:**

*a* — қурилма: 1 — сопол; 2 — пакет; 3 — чулғам; 4 — корпус; 5 — асбоб; 6 — заготовка; *b* — ишлов бериш схемаси: 1 — асбоб; 2 — заготовка; 3 — абразив заррачалар

шакл ва ўлчам аниқлиги 2, юза ғадир-будирлиги эса 8—9 синфга бўлиниди. Занжирдаги ток зичлиги  $15 \text{ A/cm}^2$  дан кичик бўлганда асосан электрокимёвий жараён бориб, ҳосил бўлган парда механик равишда ажратилади. Бунда заготовка анод-механик жараёнда жилвиirlаниб, ток зичлиги ундан ортиб, сирт юзидан металлни ишлаш электроэррозия жараёни ҳисобига боради.

**Ультратовушли усул.** Металларга ишлов беришнинг бу усули ишланувчи зонага маҳсус акустик каллакларда ҳосил этилган товуш частотасидан катта частота ( $16\text{--}20 \text{ кГц}$ ) билан эластик-механик тарзда тебратилишига асосланган.

Бунда сув ёки мойли абразив заррачалар катта частотада эластик тебраниб, заготовканинг ишланиш жойига зарб беради. Бу усулдан турли қаттиқ, мўрт ва ток ўтказмайдиган материалларни ишлашда, турли шаклли ва ўлчамли тешиклар очишда ва бошқа ҳолларда фойдаланилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бу қадар юқори ультратовуш тебранышлари магнитострикцион ўзгарткичларда электр тебранишни товуш тебранышига айлантириш йўли билан олинади. Маълумки, айрим металлардан (никель, кобальт қотишмалари) ясалган ўзакни магнит майдон таъсирига бериб, магнит майдон кучланишини ўзгартиrsак, уларнинг ўлчамлари  $10^{-4}\text{--}10^{-3}\%$  гача ўзгаради (магнитострикцион эффект), бинобарин, юқори частотали ўзгарувчан ток ўгадиган ғалтакка жойлаштирилган ўзакнинг қисқариб ва узайиб туриши натижасида ультратовуш частотали электр тебранишлари ҳосил этиш мумкин. 332-расмда бундай қурилманинг ишлаш схемаси келтирилган.

Схемадан кўринадики, магнитострикцион материалдан пакет 2 (тебраткич) тайёрланган бўлиб, у корпус 4га жойлашган.

Магнит майдон ҳосил этиш учун пакет 2 ни ўраган чулғам 3 га ўзгарувчан юқори частотали электр ток юборилади, натижада пакет 2 ультратовуш частотали электр тебранишига эга бўлади. Бу ишловда сирт ғадир-будирлиги  $R = 0,62$  га етади.

### 3-§. Электрокимёвий ишлов усуллари

Бу усулда ишланувчи заготовка анод бўлиб, катод пластинкалар зангламайдиган пўлат, Pb, Cu ва бошқа материаллардан тайёрланиб, электролит (кислота, туз эритма) солинган идишга туширилади, катод пластинкалари ўзгармас токнинг манфий кутбига, анод (заготовка) мусбат кутбига уланади. Бунда маълум зичликдаги ўзгармас токнинг ўтишида борувчи кимёвий реакция туфайли анод юзи эриб, электролитга ўтади.

Бу усул заготовка (деталлар) сиртидаги куйиндила, занглар ва бошқаларни тозалашда жилвираш, жилолаш каби ишловларда қўлланилади. Шуни қайд этиш жоизки, агар заготовка (деталь) сиртидаги механик ифлосликлар (ёғ пардалар ва бошқалар)ни тозалаш зарур бўлса, бунда электролит сифатида кислота ёки туз эритмаси эмас, ишқорий кислота олинниб, худди юқорида кўрилгандек, кичик токда ишланади. Бу хил ишловни электролитик тозалаш дейилади.

Агар кескичлар (парма, фреза), филдирак тишлари, клапан ва бошқаларни жилолаш зарур бўлса, электролитик жилоланади, Бунда, масалан, агар улар углеродли ва кам легирланган пўлатлардан тайёрланган бўлса, электролит таркибида 40% фосфор кислота, 5–12% сульфат кислота, 6–8% хром ангидрид ва 12–15% сув бўлади. Ўзгармас ток зичлиги ишлаш характеристига кўра танланади.

Жилолангандан кейин юзалар нафис ишланиб, уларнинг коррозия-бардошлиги, пухталиги ортади.

### 59-боб

## КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Сифатли, арzon деталлар ишлаб чиқариш борасида технологик жарайёнларни такомиллаштириш, оғир жисмоний ишларни енгиллаштириш ва бутунлай сиқиб чиқариш кабилар муҳандис ва техниклар олдиди турган долзарб масалалардандир.

Агар технологик жараёнларни бошқариш одам иштирокисиз, автоматик ишлайдиган курилмалар билан бажарилса, деталларни тайёрлаш автоматлаштирилган бўлади.

Кейинги йилларда бу борада қилинган ва қилинаётган ишларга назар ташласак, улар асосан куйидаги йўналишлар бўйича бораётгани

яққол күзгө ташланади. Масалан, деталларни оммавий ва күп сериялаб ишлаб чиқарувчи корхоналарда универсал яримавтомат ва автомат станоклар ишлатилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, масалан, күпшіннелли токарлик автомати 20 га яқин университет токарлик станоклар ишини бажаради. Бу корхоналарда бир типли деталларни күплаб ишлаб чиқаришга интилишлар натижасыда маҳсус автоматлар яратилди. Кейинроқ эса автоматик ишловчи станоклар линиялари, цехлар ва корхоналар ишлай бошлади.

Лекин деталларни доналаб ва кам сериялаб ишлаб чиқарувчи корхоналарда деталлар ишлаб чиқариш технологик жараёнларини автоматлаштиришни массалаб ва күп сериялаб ишлаб чиқариш йўли билан ечиб бўлмайди. Кузатишлар кўрсатдики, бу масалани ечишда дастур бўйича автоматик бошқариладиган станоклар қўллаш даркор бўлади.

**Дастур бўйича автоматик бошқариладиган станоклар.** Станокларни дастур бўйича автоматик бошқариш (СДАБ) шундан иборатки, бунда станок иш қисмларининг ҳаракати олдиндан тушиб қўйилган дастур асосида автоматик равишда бошқарилади. СДАБ нинг афзаллиги шундаки, заготовкани деталга ўтқазиш учун станок иш қисмларининг ҳаракатлари станок конструкциясига боғлиқ бўлмайди, бу станокларда оддий станокларни бошқарувчи механик тизимлар электромеханик бошқариш тизимлари билан алмаштирилган. Бунда маҳсус қурилма ёрдамида дастур командаси станок қисмларига электросигналлар ёрдамида юборилади. Бу станок автоматик ва ярим автоматик циклда ишлайди. Дастур бўйича бошқариладиган тизим станоклар конструкциясига кўра циклли ва рақамли бошқариладиган станокларга ажратилиши:

**1. Дастурни циклли бажарадиган станоклар.** Бу станоклар дастур бўйича станокни ҳаракатлантирувчи элементлар мажмуаси (штекер, ток ўйналишини ўзгартиргичлар) орқали бажарилади. Айни тизим станокка ўрнатилади, лекин шу билан станок нархи бир оз қимматлашади. Уни бошқа дастурга ростлаш кўпроқ вақт талаб этади. Шу боисдан бу станокларни кўп партияли деталлар тайёрлашдагина қўллаш маъкулдир.

**2. Дастурни рақамли бошқарувчи автомат станоклар.** Бу станокларда дастурни бажаришда рақамли тизимдан фойдаланилади. Станоклар иккита мустақил агрегатлар, яъни металл кесувчи станок ва рақам бўйича бошқариш тизимидан иборат бўлади, бошқариш тизими эса электрон қурилмали шкаф тарзида бўлиб, бошқариш панелига ўрнатилади.

Дастур маҳсус дастур ташувчига ёзилади, у эса станокнинг иш қисмларига команда бериб туради. Дастур ташувчилар сифатида перфокарта, перфолента, магнитли ленталар ишлатилади. Перфокарта ёки перфолентага станок иш қисмларининг ҳаракатини амалга ошириш ко-

мандалари кодлар билан ёзилади. Рақамлардан иборат кодлар кўпроқ ишлатилади. Дастурни кодлаш учун ҳар хил станок тизимлари: иккилик, ўнлик ва икки-ўнлик тизимлари ишлатилиши мумкин.

Айтайлик, 333-расм, *a* даги погонали валикни тайёрлаш зарур дейлик. Бунинг учун йўнувчи кескични турган жойидан маълум кетма-кетликда  $h_0$ ,  $I_0$ ,  $I_1$ ,  $h_1$  ва  $I_2$  жойга юргизмоқ керак. Бу ҳаракатлар қадамли электродвигатель ёрдамида бажариладиган бўлсин, дейлик (маълумки, бу электродвигателларнинг статор ўрамларига бир импульс электр ток юборилса, якори маълум бурчакка бурилади).

333-расм, *b* дан кўринадики, қадамли двигателъ 6, редуктор 7 ва тишли фидираклар 8 ва 9 орқали, масалан, станокни кўндалангига юборадиган салазкаси винт 10 билан боғланган дейлик. Редукторни ҳаракат узатиш нисбати шундай бўлмоғи лозимки, бунда бир импульс токда кескич 11, айтайлик, 0,1 мм га сурисин.


Агар кескични 2 мм га суриш зарур бўлса, унда двигателга 20 импульс ток юбормоқ керак. Демак, двигателга юбориладиган ток импульслар сони кескични қай оралиққа сурилишини, частотаси эса унинг сурилиш тезлигини беради. Двигателга юбориладиган ток йўналишининг ўзариши эса кескичнинг юриш йўналишини ўзгартиради, қадамли, двигателга юборилувчи ток импульслар сони ва вақти дастур ташувчи перфокартада белгиланади. Бунинг учун маҳсус қурилма-перфораторнинг аниқ жойига тешиклар очилади.

333-расм, *c* да перфокартанинг бир қисми келтирилган, у вертикал чизиқлар билан 12 та йўлга, горизонтал чизиқлар қаторларига бўлинган. Двигатель импульслар сони тешикларнинг биринчи саккиз йўлига ёзилган.

Бунда биринчи йўлда — 128, иккинчисида — 64, учинчисида — 32, саккизинчисида — 1 импульс токлар тўғри келади.

Агар бир қатордаги тешиклар бир неча йўлда бўлса, қадамли двигателга уларнинг йигинди импульслари берилади. Масалан, перфокартанинг биринчи қаторидаги йўлда 1, 2 ва 5 та тешик бўлса, импульслар сони  $128+64+8=200$  та бўлади. Шунингдек, иккинчи қатордаги йўлда 3, 4 ва 7 тешиклар тешилган бўлса, унда двигателга  $32+16+2=50$  та импульс берилади. Қолган командалар 9, 10, 11 ва 12-йўллар қаторида очилган тешиклар билан кодланади. 333-расм, *d* да мисол сифатида белгилаш мумкин бўлган кодланган команда тешик белгилари келтирилган. 11- ва 12-йўлларнинг биринчи қаторида очилган тешиклар кескичнинг секин унга томон сурилишини, иккинчи қатордаги йўлда тешилган тешиклар 10, 11 ва 12 кескичнинг чапга секин сурилишини билдиради. Тўрт йўлдаги қаторларда 10 дан ортиқ команда ёзиш мумкин.

333-расм, *e* га қаралса, металл пластинка 1 га ўрнатилган ҳисобловчи қурилмадаги перфокарта 2, станок томонидан навбатдаги команда



Командалар	Йұллар №			
	9	10	11	12
Кескіч ўнгга секін			•	•
Кескіч чапға секін		•	•	•
Кескіч олдинга секін		•	•	
Кескіч орқага секін	•	•	•	

б

Йұллар №	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қатор лар №	n	128	64	32	16	8	4	2	1	Командалар		
Қадамлы электродвигательغا юборыладыған импульслар сони												
1	•	•			•					•	•	
2				•	•			•	•	•	•	

с

333-расм. Дастан бүйіча башқарыш схемасы

бажарилгач, бир қаторга илгарилама сурлади, ҳар бир катак йўлида шчётка 3 бир-биридан изоляцияланган ҳолда сурлади. Шчётка рўп-расига тешик келган вақтда металл пластинкага контактланиб, электр занжир уланади, тақсимловчи қурилма 4 га электр сигнал келади. Бу қурилма барча сигналларни кучайтируви қурилма 5 билан боғланган бўлиб, у орқали станокнинг қисмларига (электродвигатель 6, редуктор 7, тишли узатмалар 8 ва 9, винт 10 орқали) узатади, белгиланган иш кескич билан бажарилгач, перфокарта автоматик равишда сурлиб, бошқа командани бажаришга ўтади.

Мураккаб шаклии деталларни тайёрлашда бир перфокартага ёзилиши зарур бўлган командаларнинг ёзилиши иложи бўлмаса, ҳисоблаш қурилмасидаги кассетадаги перфокарталарга ёзиб, уларни маълум кетма-кетликда шчёткалар тагига юборилади.

### ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Металларни кесиб ишлашнинг асосий усуллари ва бу усулларнинг машина-созликдаги ўрни.
2. Кўйим нима, у нима асосида белгиланади ва у кесиб ишлаш унумдорлигига қандай таъсир этади?
3. Деталларнинг геометрик аниқлиги, юза текислиги, допуск ўтказишлар тизими ҳақида тушунтириб беринг.
4. Кескичининг материали, асосий қисмлари, элементлари ва геометрик параметрларнинг вазифалари нималардан иборат?
5. Кесиш жараёсинада кескичга таъсир этувчи кучларнинг бир-бирига иисбатан тақрибий писбати ва улар қўймати қандай аниқланади?
6. Кескичининг ейилиш сабаблари ва унинг олдини олиш тадбирлари нималардан иборат?
7. IK62 моделли токарлик-винг қирқиш становининг тузилиши, ишлаши ва унда қандай ишлар бажарилишини айтинг.
8. Пармалаш, фрезалаш становклари тузилиши, ишлаши ва уларда қандай ишлар бажарилиши ҳақида гапиринг.
9. Рандалаш, ўйиш, протяжкалаш, жилвирилаш становкларининг тузилиши, ишлаши ва уларда қандай ишлар бажарилиши ҳақида сўзланг.
10. Абразив материаллар таркиби, хили на ишлатилиш жойлари ҳақида тушунча беринг.
11. Заготовкаларга нафис ишлов бериш усуллари ва уларнинг аҳамияти.
12. Материалларга ишлов беришнинг электрофизикаий ва электрокимёвий усуллари, бу усулларнинг қанақа хилларини биласиз ва улар қандай ишлайди?
13. Материалларни кесиб ишлаш технологик жараёсларини автоматлаштириш йуллари ҳақида айтиб беринг?
14. Дастур бўйича автоматик бошқариладиган становклар қандай ишлайди?

## АДАБИЁТ

1. Авагимов В. Д. Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш. «Ўқитувчи», Тошкент, 1972 й.
2. Аксёнов П. Н. Литейное производство. Машгиз, 1950 г.
3. Архилов В. В. и др. Технология металлов. Москва, 1959 г.
4. Бережковский Д. И. Нагрев металла перед ковкой и штамповкой (для бригадиров, мастеров и рабочих). Машгиз, 1960 г.
5. Болховитинов Н. Ф. Металловедение и термическая обработка. «Машиностроение», г. Москва, 1965 г.
6. Брюханов А. Н. Ковка и объемная штамповка. Машгаз, 1960 г.
7. Васильев Г. Л. Металлар технологияси (металларни пайвандлаш, кавшарлаш ва кесиш). «Ўқитувчи», Тошкент, 1965 й.
8. Гелин Ф. Д. и др. Технология металлов. «Высшая школа», Минск, 1970 г.
9. Гладилин А. Н. и др. Технология металлов. Москва, 1952 г.
10. Глизманенко Д. Л. Металларни пайвандлаш ва кесиш. «Ўқитувчи», Тошкент, 1971 й.
11. Губкин С. И. Теория обработки металлов давлением. Металлургиздат, 1947 г.
12. Гуляев А. П. Металловедение. Металлургиздат, Москва, 1966 г.
13. Долматовский Т. А. Справочник технолога по обработке резанием. Машгиз, 1962 г.
14. Дубинин М. П. Технология металлов. «Высшая школа», Москва, 1964 г.
15. Иванова Г. А. Основы теории резания, инструменты, станки, Москва, 1963 г.
16. Исаченко Е. И. Штамповка резиной и жидкостью. Машгиз, 1960 г.
17. Кнорозов Б. В. и др. Технология металлов. «Металлургия», Москва, 1974 г.
18. Кравцовцев Н. И. Металлургия чугуна. Металлургиздат, 1952 г.
19. Литвак Л. К. Современные методы горячей штамповки. Профтехиздат, 1963 г.
20. Малов А. И. Технология холодной штамповки. Оборонгиз, 1963 г.
21. Мирбобоев В. А. Металлар технологияси (I-қисм). «Ўқитувчи», Тошкент, 1963 й.
22. Мирбобоев В. А. Қора металлар ва унинг қотишмалари. «Ўқитувчи», Тошкент, 1961 й.
23. Мирбобоев В. А., Васильев Т. П. Металлар технологияси. «Ўқитувчи», Тошкент, 1971 й.
24. Мирбобоев В. А. и Якунин Г. И. Влияние окисления на показания естественной термопары. Известия ВУЗов СССР, № 6, «Машиностроение», 1962 г.
25. Мирбабаев В. А. и др. Повышение стойкости токарных резцов при помощи магнитных полей. Издат. ИЗИНТИ, 1971 г.
26. Мирбобоев В. А. Конструкцион материалы техногияси. «Ўқитувчи», Тошкент, 1977 й.
27. Мирбабаев В. А. и др. Влияние гальванических токов на стойкость быстрорежущих резцов. Издат. АиУзССР, № 3, 1967 г.
28. Материалы в машиностроении. «Машиностроение», Москва, 1969 г.
29. Напрокий Г. А. Прессы-автоматы для холодной штамповки. Машгиз, 1966 г.
30. Налчан А. Г. Металлорежущие станки. Машгиз, 1957 г.
31. Орешкин В. Д. Основы литейного производства. Машгиз, 1956 г.
32. Остапенко Н. Н., Кровицкий Н. Н. Технология металлов, «Высшая школа», Москва, 1970 г.

33. Охрименко Я. М. Основы технологии горячей штамповки. Машгиз, 1957 г.
34. Скобников К. М. и др. Технология металлов и др. констр. материалов. «Машиностроение», Ленинград, 1972 г.
35. Смирнов В. И. Металлургия меди и никеля. Металлург, изд.. 1950 г.
36. Трубин К. Г. и Ойке Г. Н. Металлургия стали. Металлург, изд.. 1950 г.
37. Турахонов А. С. Металлшунослик ва термик ишлаш. «Ўқитувчи», Тошкент, 1968 й.
38. Турахонов А. С. Металлар технологияси. «Ўқитувчи», Тошкент, 1974 й.
39. Учебник металлиста, труд резер. издат. 1959 г.
40. Хренов К. К. Сварка, резка и пайка металлов. Машгиз, 1959 г.
41. Шувалов Ю. А., Введенский В. А. Металлорежущие станки. Кинематические и гидравлические схемы. Машгиз, 1959 г.
42. Прейс Г. А., Сологуб Н. А. и др. Технология конструкционных материалов. Киев, «Высшая школа», 1984 г.
43. Кузьмин Б. А., Абраменко Ю. Е. и др. Технология металлов и конструкционные материалы. Москва, «Машиностроение», 1981 г.
44. Полухин П. И., Гринберг Б. Г. и др. Технология металлов и сварка. Москва, «Высшая школа», 1977 г.
45. Кнорозов Б. В., Усова А. Ф. и др. Технология металлов и материаловедение. Издательство «Металлургия», 1987 г.
46. Дальский А. М., Арутюнова А. и др. Технология конструкционных материалов. Издательство «Машиностроение», 1985 г.
47. Китаев А. М., Китаев Я. М. Справочная книга сварщика. Москва, «Машиностроение», 1985 г.
48. Мозберг Р. К. Материаловедение. Москва, «Высшая школа», 1991 г.
49. Илхом Носир. Материалшунослик. «Ўзбекистон», Тошкент, 2002 й.
50. Под редакцией Прейса Г. А. Технология конструкционных материалов. Головное издательство «Высшая школа», Киев, 1984 г.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
Муқаддима .....	4

### Биринчи бўлум

#### ҚОРА ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛАР МЕТАЛЛУРГИЯСИ

<b>1-боб. Металларни ишлаб чиқариш усулларининг босқичлари</b>	
ва уларнинг машинасозликдати ўрни .....	7
1-§. Металларни ишлаб чиқариш усулларининг босқичлари .....	7
2-§. Металл ва уннинг қотишмаларини ишлаб чиқариш усуллари ва уларнинг машинасозликдаги ўрни .....	10
<b>2-боб. Чўяйнларни домна печларла ишлаб чиқариш</b>	14
1-§. Чўяни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар .....	14
2-§. Рудаларни бойитишнинг асосий усуллари .....	16
3-§. Ёқилғилар хили, таркиби ва хоссалари .....	18
4-§. Флюслар ва уларнинг аҳамияти .....	20
5-§. Ўтга чидамли материаллар, таркиби, хоссалари ва ишлатилиш жойлари .....	21
6-§. Домна печи ва уннинг тузилиши .....	23
7-§. Домна печининг ёрдамчи қурилмалари .....	25
8-§. Домна печини ишга тушириш ва унда кечадиган жараёнлар .....	27
9-§. Домна печининг маҳсулотлари ва уларни пеҷдан чиқариш .....	31
10-§. Домна печи ишининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари .....	36
<b>3-боб. Пулагларни ишлаб чиқариш усуллари</b>	37
1-§. Умумий маълумот .....	37
2-§. Конвертордаги суюқ чўян сатҳига кислород ҳайдаш йўли билан пулат ишлаб чиқариш .....	38
3-§. Мартен печларида пўлатлар ишлаб чиқариш усуллари .....	42
4-§. Мартен печлари ишининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва уларнинг унумдорлигини ошириш йўллари .....	47
5-§. Икки ваннали мартен печларида пулат ишлаб чиқариш .....	48
6-§. Электр печларда пўлат ишлаб чиқариш .....	49
7-§. Электроллари вертикал ўрнатилган электр ёй печларда пулат ишлаб чиқариш .....	50
8-§. Кислотали электр ёй печларда пулат ишлаб чиқариш .....	53
9-§. Электр ёй печларининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари .....	53
10-§. Индукцион электрпечларда пўлатларни ишлаб чиқариш .....	54
11-§. Пулат ишлаб чиқаришнинг истиқболли усули .....	55
<b>4-боб. Пўлатларни қўшимчалардан тозалаш ва жуда юқори сифатли пўлат ишлаб чиқариш усуллари</b>	56
1-§. Умумий маълумот .....	56
2-§. Пўлатларни қўшимчалардан тозалаш усуллари .....	57
3-§. Жуда ҳам юқори сифатли пўлатлар ишлаб чиқариш усуллари .....	58
<b>5-боб. Пўлат қўймаларни олиш усуллари</b>	59
1-§. Умумий маълумот .....	59
2-§. Пўлатни металл қолилларга устидан қўйиш .....	61
3-§. Пўлатни металл қолилларга тагидан киритиб қўйиш .....	61

<b>4-§. Пұлаттың махсус металл қолып (кристаллизатор) устидан узлуксиз</b>	62
қүйиш .....	62
<b>5-§. Пұлат құймасынг түзилиши</b>	63
<b>6-§ Пұлат құймаларда учрайдиган асосий нұқсанлар ва уларнинг олдини олиш табибирлари .....</b>	64
<b>6-боб. Рангли металлар ва уларни ишлаб чиқариш .....</b>	64
1-§. Умумий мағлұмот .....	64
2-§. Мис ва уни ишлаб чиқариш .....	65
3-§. Алюминий ва уни ишлаб чиқариш .....	71
4-§. Магний ва уни ишлаб чиқариш .....	74
5-§. Титан ва уни ишлаб чиқариш .....	76

### *Иккінчи бүлім*

#### **МАТЕРИАЛШУНОСЛИК АОСЛАРЫ**

<b>7-боб. Материалларнинг түзилиши .....</b>	79
1-§. Умумий мағлұмот .....	79
2-§. Идеал (соф) ва реал металларнинг түзилиши, фазовий кристалл панжаралари ва хоссалари .....	81
3-§. Металларнинг кристаллланиши .....	85
4-§. Металларнинг аллотрофик шакл ўзгаришлари .....	89
<b>8-боб. Металл қотишка, уларнинг түзилиши жаңа ҳолат диаграммаларининг асосий типлери .....</b>	90
1-§. Умумий мағлұмот .....	90
2-§. Қотишкаларнинг ҳолат диаграммалари ва уларнинг түзилиши .....	94
3-§. Компонентлари қаттық қолыда механик аралашма берувчи қотишишмасынг ҳолат диаграммасини түзиши .....	95
4-§. Фазалар миқдорини анықлаш .....	98
5-§. Фазалар қоидаси ҳақида тушунча .....	101
<b>9-боб. Темир-углерод қотишкаларининг ҳолат диаграммасы, структуралари жаңа таснифи .....</b>	102
1-§. Умумий мағлұмот .....	102
2-§. Темир-углерод қотишкаларининг асосий структуралари ва уларнинг хоссалари .....	107
3-§. Пұлатлар хоссалары C, Si, Mn, S ва P элементларнинг тәсіри .....	109
4-§. Углеродлы пұлатларнинг турлари, маркалари ва ишлатилиш жойлары .....	110
<b>10-боб. Легирланган пұлатлар жаңа легирловчи элементларнинг уларнинг хоссаларында тәсіри .....</b>	114
1-§. Умумий мағлұмот .....	114
2-§. Легирланган пұлатлар таснифи .....	115
3-§. Легирланган конструкцион пұлатлар ва уларнинг ишлатилиш жойлары .....	117
4-§. Темир-графит қотишкаларининг ҳолат диаграммасы .....	118
5-§. Чүйнеларнинг хили, улардаги мавжуд элементларнинг хоссалары тәсіри ва маркаланиши .....	119
<b>11-боб. Рангли металл қотишкалары .....</b>	126
1-§. Умумий мағлұмот .....	126
2-§. Мис қотишкалари, маркалари ва ишлатилиш жойлары .....	126
3-§. Алюминий қотишкалари, маркалари ва ишлатилиш жойлары .....	129

4-§. Магний қотишмалари, маркалари ва ишлатилиш жойлари .....	131
5-§. Титан қотишмалари, маркалари ва ишлатилиш жойлари .....	132
6-§. Антифрикцион қотишмалар, маркалари ва ишлатилиш жойлари .....	132
<b>12-боб. Қаттиқ қотишмалар, абразив ва композицион материаллар .....</b>	<b>134</b>
1-§. Умумий маълумот .....	134
2-§. Қаттиқ қотишмалар гуруҳлари, маркалари ва ишлатилиш жойлари .....	134
3-§. Абразив материаллар хиллари ва ишлатилиш жойлари .....	136
4-§. Композицион материаллар .....	137
<b>13-боб. Куқун материаллардан деталлар тайёрлаш .....</b>	<b>138</b>
1-§. Умумий маълумот .....	138
2-§. Куқун материаллардан деталларни тайёрлаш технологияси .....	139
3-§. Куқун материаллар улчами, шакли ва технологик ҳоссалари .....	140
4-§. Куқун материаллардан тайёрланган деталлар конструкциясига қўйилувчи асосий талаблар .....	140
5-§. Куқун материаллардан деталлар тайёрлаш усуслари .....	141
<b>14-боб. Металларнинг коррозияга берилиши ва унинг олдини олиш тадбирлари .....</b>	<b>143</b>
1-§. Умумий маълумот .....	143
2-§. Металл буюмларни коррозияга берилишининг олдини олиш усуслари .....	145
<b>15-боб. Металл ва унинг қотишмаларини термик ишлаш .....</b>	<b>147</b>
1-§. Умумий маълумот .....	147
2-§. Металларни термик ишлашда фойдаланиладиган печлар ва бошқа анжомлар .....	147
3-§. Пұлатларни термик ишлаш .....	148
4-§. Углеродлы пұлатларни қыздириша структура ўзғариши .....	154
5-§. Пұлатларни қыздириша аустенит доналарининг ўсиши .....	156
6-§. Аустенит структуралари углеродлы пұлатларни турли тезликларда совитиша структура ўзғариши .....	158
7-§. Пұлат буюмларни термик ишлашда қыздириш вақтни аниқлаш .....	160
8-§. Пұлатларни термик ишлашда ҳосил буладиган асосий структуралар па уларнинг ҳоссалари .....	161
9-§. Тобланган пұлат буюмлардаги қолдиқ аустенитни мартенситта утказиш ..	162
<b>16-боб. Пұлатларни тоблаш усуслари, тобланған қатлам қалинлигини аниқлаш ва уларда учрайдиган нұксонлар .....</b>	<b>162</b>
1-§. Пұлатларни тоблаш усуслари .....	162
2-§. Пұлат буюмларнинг сирт юзаларинигина тоблаш .....	163
3-§. Пұлат буюмларнинг тобланған қатлами қалинлигини аниқлаш .....	165
4-§. Пұлат буюмларга термоциклик ишлов бериш .....	165
5-§. Пұлат буюмларга термомеханик ишлов бериш .....	166
6-§. Пұлат буюмларга термик ишлов беришда учрайдиган нұксонлар .....	167
7-§. Легирланған пұлатларни термик ишлашнинг ҳусусиятлари .....	167
<b>17-боб. Пұлат буюмларни кимёвий-термик ишлеш усуслари .....</b>	<b>169</b>
1-§. Умумий маълумот .....	169
2-§. Пұлат буюмларнинг сиртқи қатламини углеродга түйинтириш (цементлаш) .....	169
3-§. Пұлат буюмларнинг сиртқи қатламини азотта түйинтириш .....	173
4-§. Пұлат буюмларнинг сиртқи қатламини бир вақтда углеродга ҳамда азотта түйинтириш (цианирлаш) .....	174

<b>5-§. Пўлат буюмларнинг сиртқи юзаларини металл ва нометаллоидлар билан тўйинтириш</b>	175
<b>18-боб. Чўян буюмларни термик ҳамда кимёвий термик ишлаш усуллари</b>	177
1-§. Умумий маълумот	177
2-§. Боғланувчан чўян кўймаларни олиш	177
<b>19-боб. Рангли металл қотишмаларни термик ишлаш усуллари</b>	179
1-§. Умумий маълумот	179
<b>20-боб. Нометалл материаллар, уларнинг тузилиши ва улардан деталлар тайёрлаш усуллари</b>	180
1-§. Умумий маълумот	180
2-§. Пластик массалар ва уларнинг тузилиши	181
3-§. Термо ва термореактив пластик массалар хиллари, хоссалари ва фойдаланиш жойлари	182
4-§. Пластик массаларнинг технологик хоссалари	187
5-§. Пластик массалардан тайёрланадиган деталлар конструкциясига қўйиладиган асосий талаблар	189
6-§. Пластмассалардан деталлар тайёрлаш усуллари	189
7-§. Резина ва ундан буюмлар тайёрлаш	190
8-§. Мойловчи, зичловчи, қистирма ва елимлаш материаллари	192
<b>Учинчи бўлум</b>	
<b>МАТЕРИАЛЛАРНИ БОСИМ БИЛАН ИШЛАШ</b>	
<b>21-боб. Материалларни босим билан ишлаш усуллари, унинг ривожланиш босқичлари, физик асоси ва ишлов усуллари</b>	194
1-§. Умумий маълумот	194
2-§. Материалларни босим билан ишлаш усулларининг физик асоси	195
3-§. Материалларни босим билан ишлаш усуллари	198
<b>22-боб. Металл заготовкалар тури, уларнинг пластиклигини ошириш мақсадида фойдаланиладиган қиздиргич қурилмалар</b>	200
1-§. Заготовкалар тури	200
2-§. Қиздиргич қурилмалар	200
<b>23-боб. Материалларни прокатлаш</b>	208
1-§. Умумий маълумот	208
2-§. Прокат станлари, тузилиши ва ишлаши	208
3-§. Бўйлама прокатлаш	211
4-§. Прокат маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш	215
<b>24-боб. Материалларни пресслаш</b>	219
1-§. Умумий маълумот	219
2-§. Пресслаш ускуналари ва асбоблари	220
<b>25-боб. Материалларни кирялаш</b>	222
1-§. Умумий маълумот	222
2-§. Кирялаш ускуналари, киря материали ва конструкцияси	223
<b>26-боб. Материалларни эркин болғалаш</b>	226
1-§. Умумий маълумот	226

2-§. Эркин болғалаш усқуналари .....	228
3-§. Эркин болғалашдаги асосий операциялар .....	231
4-§. Поковкаларни болғалаш йули билан тайёрлаш технологиясини лойиҳалашга доир масалалар .....	232
<b>27-боб. Материалларни ҳажмий штамплаш .....</b>	<b>236</b>
1-§. Үмумий маълумот .....	236
2-§. Штамплар, материаллар хили ва конструкцияси .....	237
3-§. Материалларни ҳажмий штамплаш усқуналари ва уларда заготовкаларни штамплаш .....	239
4-§. Поковкаларни узил-кесил ишлаш .....	246
<b>28-боб. Лист материалларни штамплаш .....</b>	<b>247</b>
1-§. Үмумий маълумот .....	247
2-§. Лист материалларни штамплаш пресслари ва уларда бажариладиган ишлар .....	249
3-§. Одани штамплаш усуллари .....	251
4-§. Илгор штамплаш усуллари хақида маълумот .....	252
<i>Тўртинчи бўлим</i>	
<b>МЕТАЛЛ ҚУЙМАЛАРНИ ОЛИШ</b>	
<b>29-боб. Қуймакорлик, қуймаларни лойиҳалаш ва уларнинг танинхига таъсир этувчи кўрсаткичлар .....</b>	<b>254</b>
1-§. Үмумий маълумот .....	254
2-§. Қуймалар конструкциясини лойиҳалашга доир талаблар .....	255
3-§. Қуймиларниң танинхига таъсир этувчи асосий кўрсаткичлар .....	256
<b>30-боб. Қолиллар хили, уларни тайёрлашда фойдаланиладиган технологик мосламалар ва асбоблар .....</b>	<b>257</b>
1-§. Қолиллар хили .....	257
2-§. Технологик мосламалар ва асбоблар .....	258
<b>31-боб. Бир марта қуймалар олишга яроқли қолип материалларига кўйилувчи талаблар, таркиби ва уларни тайёрлаш .....</b>	<b>264</b>
1-§. Қолип материаллари ва уларга кўйилувчи талаблар .....	264
2-§. Қолип материаллар таркиби .....	265
3-§. Махсус қолип материаллари .....	268
4-§. Қолип материалларини тайёрлаш .....	269
<b>32-боб. Стерженлар ва уларнинг вазифаси, таснифи, синклари ва уларни тайёрлаш .....</b>	<b>274</b>
1-§. Стерженлар ва уларнинг материали .....	274
2-§. Стерженлар таснифи, синклари ва таркиби .....	274
3-§. Стерженларни тайёрлаш .....	275
<b>33-боб. Металларни қолилга киритувчи тизим турлари, уларнинг шакли ва ўлчамларини аниқлаш .....</b>	<b>279</b>
1-§. Металларни қолилга киритиш тизими .....	279
2-§. Металларни қолилга киритиш тизими шакли ва ўлчамларини аниқлаш .....	279
<b>34-боб. Қолилларни тайёрлаш усуллари .....</b>	<b>284</b>
1-§. Қолилларни дастаки тайёрлаш .....	284
2-§. Қолилларни андозалар ёрдамида дастаки тайёрлаш .....	285
3-§. Қолилларни иккита опокада дастаки тайёрлаш .....	286

<b>35-боб. Қолипларни машиналар ёрдамида тайёрлаш</b>	290
1-§. Умумий маълумот	290
2-§. Қолипларни прессловчи машиналарда тайёрлаш	291
3-§. Қолипларни қумотар машиналарда тайёрлаш	293
4-§. Қолипларни куритиш	295
<b>36-боб. Қўйма материаллари</b>	296
1-§. Умумий маълумот	296
2-§. Қўйма материалларнинг технологик хоссалари ва уларни аниқлаш	297
3-§. Қўйма чуяnlарни эритувчи печлар, уларнинг тузилиши ва ишлаши	298
<b>37-боб. Пўлат ва рангли металл қотишмалардан сифатли қўймалар олиш тадбирлари</b>	302
1-§. Пўлатлардан қўймалар олиш	302
2-§. Мис ва алюминий қотишмалардан қўймалар олиш	302
3-§. Магний ва титан қотишмалардан қўймалар олиш	302
<b>38-боб. Металл қўймаларни тозалаш ва сифатини кузатиш</b>	303
1-§. Умумий маълумот	303
2-§. Қўймаларни тозалаш ва сифатини кузатиш	303
<b>39-боб. Қўймалар олишининг махсус усуллари</b>	305
1-§. Қўймаларни металл қолилларда эркин қуйиб олиш	305
2-§. Қўймаларни металл қолилларда босим остида қуйиб олиш	306
3-§. Қўймаларни кузгалмас ва кузгалувчи камерали компрессорли қуйиб машиналарда олиш	308
4-§. Қўймаларни айланувчи металл қолилларда олиш	309
5-§. Қўймаларни эрувчи моделлар ёрдамида тайёрланган қолилларда олиш	311
6-§. Қўймаларни қобиқли қолилларда олиш	313
<b>40-боб. Қўймаларда учровчи асосий нуқсонлар ва уларнинг олдини олиш тадбирлари</b>	314
1-§. Умумий маълумот	314
2-§. Нуқсонли қўймаларни таъмирилаш	315

#### *Бешинчи бўлум*

### **КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАРНИ ПАЙВАНДЛАШ. КЕСИШ ВА КАВШАРЛАШ**

<b>41-боб. Материалларни пайвандлаш, унинг яратилиши, таснифи, найванд- ланувчанилиги, пайвандлашда структура ўзгаришлари ва пайванд- бирикмалари</b>	319
1-§. Материалларни пайвандлаш, унинг яратилиши ва ривожланиши ҳақида маълумот	319
2-§. Пайвандлаш усуллари таснифи	321
3-§. Металл ва қотишмаларнинг пайвандланувчанилиги	322
4-§. Металларни эритиб пайвандлашда чокда ва унга ёндош участкаларда структуря узгаришлари	323
5-§. Пайванд бирикмалар ва уларнинг фазодаги ҳолати	325
<b>42-боб. Металл буюмларни термик синфга кирувчи усулларда пайвандлаш</b>	326
1-§. Электр ёй, уни ҳосил қилиш ва унинг таснифи	326

<b>2-§. Пайвандлаш ёйини озиқлантирувчи ток манбалари ва уларни таплаш</b>	329
<b>3-§. Электрод, қоплама ва флюслар</b>	333
<b>4-§. Электрод қопламалари ва уларнинг таркиби</b>	336
<b>5-§. Металл буюмларни қопламали металл электродлар билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлаш</b>	338
<b>6-§. Металл буюмларни қопламали металл электрод билан дастаки пайвандлаш техникаси</b>	340
<b>7-§. Металл буюмларни қопламали металл электрод билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлашинг ююри унумли усуллари</b>	343
<b>8-§. Металл буюмларни сув остида маҳсус қопламали металл электрод билан электр ёй ёрдамида дастаки пайвандлаш</b>	344
<b>9-§. Металл буюмларни флюс қатлами остида металл электродлар билан электр ёй ёрдамида автоматик пайвандлаш</b>	346
<b>10-§. Металл буюмларни электрод сим билан электр ёй ёрдамида автоматик ва ярим автоматик пайвандлашда кўлланиладиган флюслар</b>	349
<b>11-§. Металл буюмларни флюс қатлами остида электрод сим билан электр ёй ёрдамида ярим автоматик усулда пайвандлаш</b>	350
<b>12-§. Металл буюмларни электр-шлак усулида пайвандлаш</b>	351
<b>13-§. Металл буюмларни ҳимоя газлар мухитида металл электрод билан электр ёй ёрдамида пайвандлаш</b>	353
<b>14-§. Металл буюмларни эрийдиган металл электрод билан электр ёй ёрдамида карбонат антигидрид гази мухитида пайвандлаш</b>	355
<b>15-§. Металларни чокбоб сим билан электр ёй ёрдамида водород гази мухитида пайвандлаш</b>	356
<b>16-§. Металл буюмларни плазма ёрдамида пайвандлаш</b>	357
<b>17-§. Металл буюмларни электр нур билан пайвандлаш</b>	359
<b>18-§. Металл буюмларни лазер ёрдамида пайвандлаш</b>	360
<b>19-§. Металл буюмларни чокбоб симлар билан ёпувчи газлар алангаси ёрдамида пайвандлаш</b>	360
<b>20-§. Металл буюмларни термит ёрдамида пайвандлаш</b>	374
<b>43-боб. Металл буюмларни термо-механик усулларда пайвандлаш</b>	375
<b>1-§. Электр-контакт усулда пайвандлаш</b>	375
<b>2-§. Газ алангасида қиздириб, пресс slab пайвандлаш</b>	380
<b>3-§. Диффузион пайвандлаш</b>	381
<b>44-боб. Металл буюмларни механик усулларда пайвандлаш</b>	382
<b>1-§. Совуқлайин пайвандлаш</b>	382
<b>2-§. Ишқалаб пайвандлаш</b>	382
<b>3-§. Ультратонг ёрдамида пайвандлаш</b>	384
<b>4-§. Портловчи моддалар ёрдамида пайвандлаш</b>	384
<b>45-боб. Деталлар сиртига кам ейиладиган оташбардош материалларни пайвандлаб қоплаш ва кўп углеродли легирланган пулатларни ва чўяниларни пайвандлаш хусусиятлари</b>	385
<b>1-§. Умумий маълумот</b>	385
<b>2-§. Кўп углеродли ва кўп легирланган пулатларни пайвандлаш хусусиятлари</b>	386
<b>3-§. Чўяниларни пайвандлаш</b>	387
<b>46-боб. Рангли, қийин эрийлигиган металлар ва уларнинг қотишмаларини пайвандлаш</b>	389
<b>1-§. Мис ва унинг қотишмаларини пайвандлаш</b>	389
<b>2-§. Алюминий ва унинг қотишмаларини пайвандлаш</b>	390

3-§. Магний ва унинг қотишмаларини пайвандлаш .....	391
4-§. Қийин эрийдиган металлар ва уларнинг қотишмаларини пайвандлаш ....	391
<b>47-боб. Пайвандланган буюмларда учрайдиган нуқсонлар, уларни аниқлаш</b>	
усуллари, олдини олиш тадбирлари .....	392
1-§. Пайвандланган буюмларда учрайдиган нуқсонлар .....	392
2-§. Пайнанд буюмларнинг сифатини кузатиш усуллари .....	393
3-§. Нуқсонларнинг олдини олиш тадбирлари .....	396
<b>48-боб. Металл ва унинг қотишмаларини кесиш усуллари .....</b>	398
1-§. Газ-кислород алансасида қиздириб, кислород оқимидан кесиш .....	398
2-§. Кумир (графит) ва металл электрод билан электр ёй ёрдамида кесиш .....	400
3-§. Графит электрод билан электр ёй ёрдамида ёритилган металларни сиқилган ҳавода кесиш .....	400
<b>49-боб. Металл буюмларни кавшарлаш .....</b>	400
1-§. Умумий маълумот .....	400
2-§. Кавшарлар хили .....	401
3-§. Флюслар хили ва кавшарлашда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар .....	401

### *Олтинчи бўлим*

#### КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ АСОСЛАРИ, КЕСКИЧЛАР, СТАНОКЛАР ВА УЛАРДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР

<b>50-боб. Материалларни кесиб ишлаш асослари .....</b>	406
1-§. Умумий маълумот .....	406
2-§. Кесиб ишлаш усулларининг машинасозликда тутгани ўрни .....	407
3-§. Деталларниң ўзаро алмашинувчанилиги, геометрик шакл ўлчамлари аниқлиги, сирт юзалар ғадир-будурлиги ҳақида маълумот .....	407
4-§. Деталларни йигишда бириткириш тизими .....	411
<b>51-боб. Материалларни станокларда кескичлар билан кесиб ишлаш усуллари .....</b>	412
1-§. Умумий маълумот .....	412
2-§. Токарлик кескичлар хили, конструкцияси ва геометрияси .....	413
3-§. Материалларни кескичлар билан кесиб ишлаш жараёнининг физик асоси .....	416
4-§. Қириндик турлари .....	420
5-§. Материалларни кесиб ишлаш режими .....	420
6-§. Қириндикни йўнишга сарфланадиган вақтини аниқлаш .....	421
7-§. Материалларни кескичлар билан кесиб ишлашда ҳосил бўлуви чаршилик кувлари .....	423
8-§. Материалларни кескичлар билан йўниб ишлашда станокниң эффектив кувватини аниқлаш .....	425
9-§. Кесиб жараёнида иссиқлик ажралиши .....	425
10-§. Кесиб зонасидаги температурани ўлчаш усуллари .....	427
11-§. Материалларни кесиб ишлаш жараёнида кескич учуда уснитанинг ҳосил булиши, унинг кескич турғунлигига на ишлов сифатига таъсири .....	429
12-§. Кесиб ишлашда сирт қатламларининг пухталаниши .....	431
13-§. Материалларни кесиб ишлашда ҳосил буладиган тебранишларнинг кескич ейилишига ва деталь сифатига таъсири .....	433
14-§. Мойлаш-соятиш суюқликларининг роли .....	434

15-§. Материалларни кесиб ишлаш жараённанда кескичининг сийилиши .....	436
16-§. Кесиш тезлигини оқилона белгилаш .....	438
<b>52-боб. Конструкцион материалларнинг кесиб ишланувчанлиги ва уни аниклаш усуллари .....</b>	<b>439</b>
1-§. Материалларнинг кесиб ишланувчанлиги .....	439
2-§. Материалларнинг кесиб ишланувчанлигини апиқлаш усуллари .....	441
<b>53-боб. Материалларни кескичлар билан кесиб ишлаш станоклари ва уларнинг таснифи .....</b>	<b>443</b>
1-§. Умумий маълумот .....	443
2-§. Станокларда құлланиладиган узатмалар ва юритмалар .....	445
3-§. Ренерслаш механизмлари .....	451
4-§. Стапок шпинделининг айланыш сонлари, суриш қийматлари қатори .....	453
5-§. 1К62 универсал токарлик-винг қирқиши станогининг түзилиши .....	455
6-§. Станокнинг кинематик схемаси .....	461
7-§. Токарлик станогига құшиб бериладиган керак-яроқлар .....	468
8-§. Токарлик станокларда бажариладиган ишлар .....	472
9-§. Токарлик станокларининг бәзги хиллари ҳақида умумий маълумотлар .....	478
<b>54-боб. Материалларни пармалаш кескичлари, станоклари ва уларда бажариладиган ишлар .....</b>	<b>481</b>
1-§. Умумий маълумот .....	481
2-§. Спирал парма геометрияси .....	482
3-§. Пармалаш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар .....	483
<b>55-боб. Материалларни фрезалаш, фрезалар, фрезалаш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар .....</b>	<b>487</b>
1-§. Умумий маълумот .....	487
2-§. Фрезалаш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар .....	490
<b>56-боб. Рандалаш, ўйниш, протяжкалаш, жилвираш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар .....</b>	<b>502</b>
1-§. Рандалаш ва ўйниш станоги .....	502
2-§. Протяжкалаш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар .....	505
3-§. Материалларни жилвираш, жилвири кескичлар, жилвираш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар .....	507
4-§. Жирвираш станоклари ва уларда бажариладиган ишлар .....	512
<b>57-боб. Заготовкаларни қиринді йўнимай ишлари усуллари .....</b>	<b>519</b>
1-§. Умумий маълумот .....	519
2-§. Металларга ниҳоятда нафис ишлов бериш усуллари .....	521
<b>58-боб. Конструкцион материалларга ишлов беришнинг электрофизик ва электрокимёвий усуллари .....</b>	<b>523</b>
1-§. Умумий маълумот .....	523
2-§. Электрофизик ишлов усуллари .....	523
3-§. Электрокимёвий ишлов усуллари .....	527
<b>59-боб. Конструкцион материалларни кесиб ишлаш технологик жараёнларини автоматлаштириш .....</b>	<b>527</b>
Адабиёт .....	532

*Воҳид Алиевич Мирбобоев*

## **КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Тошкент, «Ўзбекистон», 2004

Муҳаррирлар *С. Мирзааҳмедова, Г. Каримова, М. Саъдуллаев*

Бадиий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусаххилар *Ш. Мақсудова, М. Раҳимбекова*

Компьютерда саҳифаловчи *Ф. Тугушева*

Теришга берилди 23.02.03. Босишига руҳсат этилди 23.04.04.  
Бичими 60×90<sup>1/16</sup>. Шартли б.т. 34,0. Нашр т. 38,50. Нусхаси 1000.

Буюртма № 257.

Баҳоси шартнома асосида

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Нашр № 27-2002

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди.  
Тошкент, 700194. Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй

**M 54** Мирбобоев В.А. Конструкцион материаллар технологияси. /  
Техника олий ўқув юртлари учун дарслык/ — Т. «Ўзбекистон», 2004. — 544 б.

ISBN 5-640-02964-7

ББК 30.4 я73

**M** 200400000-118 2004  
353(04)2003